
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШҚЕНТ — 1978

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ



АСАРЛАР

УЧ ЖИЛДЛИК

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1978

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ



АСАРЛАР

БИРИНЧИ ЖИЛД

ҲАЗРАТИ ИНСОН

Р О М А Н

Сўзбоши муаллифи
академик
Воҳид Зоҳидов

Файзий, Раҳмат.

Асарлар. 3 жилдлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
I жилд. Ҳазрати инсон. Роман. 1978. 520 б.

Атоқли ўзбек совет ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи том маънода халқлар дўстлигини улуғловчи асардир. Унда оддий ўзбек кишилари Маҳкам ака билан Меҳриниса опа оиласининг ташвишли ва нурли ҳаёти қаламга олинган. Сиз романда турли миллат вакиллари билан учрашасиз, уларнинг орзу ва умидлари, ғам ва шодликларига шерик бўласиз.

Файзий, Раҳмат. Собрание сочинений. В 3-х т. Т. 1. Его величество человек. Роман.

Уз2

Ф 70303 — 88 135 — 78
352 (06) — 78

УЛКАН МЕҲР ВА КУРАШ КҮЙЧИСИ

Муҳтарам китобхон!

Қўлингиздаги китобни варақлашингиз биланоқ, кўзингиз дастлаб ушбу сатрларга тушди. Бу сатрларга ҳам бир назар ташлаб ўтасизми, ё тўғридан-тўғри роман мутолаасига киришиб кетасизми — ихтиёр ўзингизда. Инон-ихтиёрни Сизга ҳавола қилишимизга икки сабаб бор. Биринчи сабаб буким, атоқли адибимиз Раҳмат Файзий ҳаёти ва ижоди билан Сиз яхши танишсиз. Раҳмат Файзий дейишнинг ўзиёқ бас: романлар, киноқиссалар, ҳикоялар, очерклар, публицистик асарлар муаллифи кўз олдингизга келади, у яратган қаҳрамонлар ҳаёлингизда яна бир бор жонланади. Айтгандай, бунинг устига, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўнлаб илмий мақолалар, китоб ва рисола ёзилган, катта асарларига сўзбошилар берилган, бу ишда биз ҳам иштирок этган эдик.

Иккинчи сабаб: баъзи китобхонлар сўзбошини четлаб ўтиб, мутолаани асарнинг ўзидан бошлашни афзал биладилар. Биз ҳам гоҳо-гоҳо Сўзбоши билан Асар ўртасида мутаносиблик кўрмаган кезларда бири ортиқча эканми, деб қўямиз. Чиндан-да, нўноқ ёзилган сўзбоши касрига яхши асар ўқилмай қолиши мумкин, гоҳо эса, аксинча бўлади: сўзбошида баландпарвоз гаплар билан санаб ўтилган «фазилат»ларни асардан тополмаслигингиз ҳам мумкин. Демак, Сўзбоши муаллифи масъулияти асар муаллифи масъулиятидан кам бўлмаса керак.

Биз Раҳмат Файзийнинг маънавий мулкивгизга айланган, Сизга манзур ва мақбул кўпгина асарларининг биринчилардан бўлиб қўлёзма ҳолида ўқигани, баҳоли қудрат фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашгани билан мамнун, Сиз каби биз ҳам бу ижодкорнинг илк мухлисларидан биримиз, унинг қирқ йиллик тўлиқ ва тўқис ижодиёти билан яқиндан танишмиз. Шуниси ҳам борки, то шу сатрларни ёзишга киришгунга қадар Раҳматжоннинг қирқ йиллик ижодий бисот-бағалини яхлит ҳолда олиб, таҳлил қилиб кўрмаган эканмиз. Нашриёт топшириғи ва қалб буйруғи билан шу сатрларни битиш асносида адибимизнинг бутун ижодини яна бир бор узвий равишда кўздан кечириб чиқдик. На-тижа шу бўлдиким, ўзимиз яхши биламиз, деб юрган ижодкор-

ни анчагина жиҳатлардан қайтадан кашф этдик. Қаршимизда улкан адабиётимизнинг улкан намояндалари сафида Раҳмат Файзӣ бӯй кўрсатди. Бу сафдагиларнинг ҳеч бири бошқасига ўхшамагани каби, шулардан бири бўлган Раҳматжон ҳам шундайди, бетакрордир. Адабиёт учун, Сиз учун шуниси муҳим, шуниси керак!

Тўғри, бу сиймонинг сафда турган сиймолар билан ўхшаш хислатлари ҳам бор, лекин эгизаклик йўқ. Раҳмат Файзӣ ижодида Абдулла Қодирӣдаги турмуш деталарини ўринли ишлата билишлик, Ғафур Ғулумдаги умумбашарий хулосалар чиқара олишлик, Ҳамид Олимжондаги жўшқинлик, Ойбекдаги босиқ оҳангдорлик, Абдулла Қаҳҳордаги сўзга хассослик, Шароф Рашидовдаги ҳаётдаги етакчи оқимни кенг кўламда тасвир қила билишлик янглиг талай хислатлар кўринади. Булар нур устига аъло нур!

Раҳматжон Инсон меҳри куйчисидир. Унинг адабиётимиздаги ўрни ҳам шу билан белгиланади. Унинг деярли барча асарларида шу меҳр туйғуси, гоҳ у йўл билан, гоҳ бу йўл билан, баъзан у шаклда, баъзан бу шаклда тараннум қилингандир. Биз ўзимиз учун шундай кашфиёт қилдик, адиб ижоди билан қайта танишиш жараёнида. Азиз китобхон, балки биздан олдин Сиз шундай қарорга келиб қўйгандирсиз, унда Сизга офарин!

Алқисса, Раҳмат Файзӣни аввало меҳр куйчиси деб атадик, фикримизни биз оз бўлса-да далиллашга ўтайлик. Яхшиси, сўзни адибнинг ўзига берайлик. У, «Инсонга таъзим» деган публицистик асарида, жумладан, бундай деб ёзади: «Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган ажойиб удумларимиз бор. Қарияларимиз кечки оқшом тушиши олдида кўнда ярқираб турган ҳилолни кўришлари ҳаманоқ нерасидани бағриларига босиб, юзларидан ўпадилар... Шу гўдак ҳаётидек беташвиш, бегубор, қувноқ бўлсин ҳаёт дейдилар. Бундай пайтларда, мовий осмон қулоғига исирга таққанини пайқаган хонадонларда бир-бировларини муборакбод қилаётган, болаларни ўлиб, бағриларига босаётган, қариялар ҳатто бир-бировлари билан қучоқлашиб кўришаётганларини учратиш мумкин. Янги туғилган ой янги қувноқ олиб келади... Бугина эмас. Халқимиз ҳар бир янгиликни очиб чеҳра билан қувнаб кутиб олади. Бўртиб чиққан бойчечак, кўзларини қувонтирган бинафша қўлдан-қўлга ўтиб, нозик бўйи дилларни чоғ қилганини кўрганмисиз? Урик гули, шафтоли гули, ялпиз баррасини-чи? Сумалакка атаб ўстирилган қўлбола буғдой кўкини-чи! Меванинг дастлабки донсининг, резаворнинг тўнғич кўкини «омон-эсонлик» дея кўзга суртиб татиб кўрган, татиб кўрибоқ, ёнидагисига маънувият билан узатган дақиқалар-чи? Уҳ-ҳў, қайбирини айтиш керак. Салаб чиқишининг ўзи бир китобга етади-ку.

Башарият тарихида ривоятлар, ҳикоялар, афсоналарда ҳам, халқ донишмандлиги, ҳикматларда ҳам мана шу удумларнинг бариси замирида, табиат марҳамати, Инсон мўъжизаси, унинг шукроналиги замирида буюк бир ҳаётбахш куч борки, маъжудот шоҳи, ҳаёт булоғи Қуёш ҳам унга тан беради. Бу Инсон меҳри, оқибатидир.

Асрлар оша яшаб, пишиб, чиниққан, тиниқиб бизгача етиб келган ва давримиз, замонамиз, жамиятимиз, эътиқодимизнинг

талаб-аҳтиёжидан туғилган, яратилаётган янги раом, удумлари-
мизининг барида, унинг мағзи-мағзида кўнгил кўнгилдан сув ича-
ди деган ҳикмат, меҳр товланиши, оқибат ётади.

Инсон меҳри! Зоти башар меҳри! Уҳ-ҳў, не-не алломалар ёз-
маган, фикр юритмаган меҳр ҳақида. Меҳрнинг ёши муҳаббат
ёшидан катта бўлса бордирки, зинҳор кичикмас. Зероки, меҳр—
муҳаббатнинг онаси бўлғусидир. Бинобарин, меҳр қанчалик
жекса бўлса, шунчалик ҳамиша навқирон. Ҳамиша товланиб ту-
ради.

Не бахтдирки, ана шу товланган меҳрдан баҳра оламиз...
Ҳа, не бахтдирки, сеvimли адабиимизга товланган меҳрдан гоят
катта баҳра олиш ва шу туйғуни куйлаш nasib эгмин! Унинг
зиммасига Ҳазрати инсон меҳрини куйлашдек шарафли адабий
миссия тушибди. У шингил ҳикоя ёзганида ва катта эпик по-
лотно яратганида ҳам, кинофильмга муаллиф бўлганида ва пуб-
лицистикада қалам теbrатганидаям, ойинаи жаҳон кўзгуси ол-
дида суҳбат қурганида ва ҳамкасблари-ю, шоғирдлари билан
мулоқатда бўлганида ҳам, улар ижоди ҳақида гапирганида ва
ёзганидаям Инсонга меҳр жўшиб, уфуриб туради. Бунинг илди-
зини Раҳмат Файзий табиатидан изламоқ керак, бунинг оми-
лини ажойиб меҳрларвар совет жамиятимиздан деб билмоқ
керак. Бундан олтмиш йиллар муқаддас доя момо мурғак Раҳ-
матилланинг танглайини меҳр билан кўтаргани, қулоғига
«меҳр-оқибатли бўл», дея шипшиб овулганми, дейсиз унинг
асарларини ўқиганингизда. Одам одамга дўст, ўртоқ, биродар,
ҳамдарду ҳамроз бўлган жамиятда, эркин замону ҳур заминда
туғилган Раҳматжон меҳрпараст адиб бўлиб камол топибди! Ҳа,
барала айтамиз: меҳр-оқибатни куйлаш адиб ижодида бош
мавзу, мавзугина эмас, балки эътиқод, ижод принципидир, лейт-
мотивдир. Бу борада Раҳмат Файзийнинг қўлингиздаги «Ҳазрати
инсон» романи марказий ўринни эгаллайди. Йўқ, йўқ каёли-
гизга келтира кўрманг—адибнинг бошқа асарларини ва мазкур
романидаги бўлак фаёлатларни камситмоқчи эмасмиз. Унта
бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса—қилиғи! Бир қаламнинг фар-
зандлари ҳеч вақт бир-бирига ўғай бўлармиди!..

«Ҳазрати инсон» романида олам олам бўлиб, замон замон
бўлиб ҳамгуваридан нонини, қардошидан қонини, юртдошидан
хонадонини аямаган, юрагининг қўри билан уйининг тўрини бер-
ган, етим-есирнинг бошини силаб, норасидани нафасдек ардоқ-
лаб, беминнат бағрига олган асил инсоний жасорат—башарият
тарихида янги саҳифа тасвирланади, замондошимиз оддий ўзбек
оиласи—Маҳкам ака ва Меҳриниса опа оиласидаги Инсон
ҳазратига сажда қилса арзийдиган бебаҳо фазилатлар: одамий-
лик, меҳр-оқибат, ҳиммату марҳамат, мусаффо севгига садо-
қат, аҳил-пайвандлик, миллатлар, элатлар иноқлиги—дўстлик,
тўжслик нақд этилади. Роман чиндан-да, Инсон ҳазратига таъ-
зим ва мадҳиядир.

«Ҳазрати инсон» романи юрт бошига қора кун тушганда
олижаноб интернационалистик мазмундаги миллий характер-
нинг ўзалигини намоиш қилиш борасидаги ажойиб бадиий тад-
қиқот бўлиб, асарнинг жиддий аҳамияти аввало роман марка-
зида меҳнаткаш оддий халқ вакиллари туриши билан белгила-
нади. Ўзбекининг феъл-атворида, қони жонига табиатан бўлган

ва социализм туфайли янада кучайган, камол топган фазилатлар худди мана шу оддий кишиларда бўй кўрсатади. Асарда ўз феъл-атвори ва ижтимоий мавқеига кўра турли тоифага мансуб кишиларни кўраамиз. Уларда ғолибларнинг жанговарлиги, меҳнаткашларнинг жасорати, ватанпарварларнинг инсонпарварлиги, давлат арбобларининг заковати бирлашиб, туташиб, буюк оқимни — социалистик тузумимизнинг қудратини намойиш қилади. Муаллиф Улуғ Ватан уруши йиллари воқеаларидан нақл қилар экан, ўзининг ижодий принципига содиқ қолиб, партиязиз тарбиялаган ва социалистик жамият камол толдирган янги шахсни бадий тадқиқ қилишда давом этади. У халқ тигларини тасвирлашга алоҳида эътибор беради. Бунда бадийят ва тарих бир-бирига музайян. Асарда композицияга, воқеалар табиий оқимига ҳалал берадиган ортиқчалик йўқ. Вари жой-жойида.

Романдаги бош ижобий қаҳрамонлар — Маҳкам ака ва Меҳриносалар оптимист ва инсонпарвар Ҳазрати инсондирлар. Уларнинг меҳр дарёси, мушоҳада доираси жуда кенг, улар адолат таътанасига қаттиқ ишонадилар. Улар яратишни, ўзлари учун яралиш нарсаларни ҳимоя қилишни биладилар. Улар учун юксак гуманизм, коммунизм ғоялари, «пролетар интернационализи» ғоялари Ватан осмонида қора булут пайдо бўлган, юрт бошига қора кун тушганда ҳам йўлчи юлдуз бўлиб қолаверади.

«Ҳазрати инсон» романида жуда муҳим ва ғоят катта ҳаётий ҳодиса эпик шаклда қамраб олинган, совет кишиси арбоб ва курашчи сифатида тасвирланган. Муаллифнинг катта ижодий хизмати ҳам мана шунда. Романнинг кўп миллатли совет адабиёти дурдона асарлари қаторидан ўрин олишининг сабаби ҳам мана шунда. Тарих ғилдирагини тебратувчи куч халқ бўлганидек, бу роман сюжетини ҳаракатга келтирувчи бош қаҳрамон ҳам халқдир, социализм марҳаматидан қанотланган меҳнаткаш оммадир.

Романда инсонларга инсонларча муносабат, инсонийлик учун кураш, шуни тасдиқлаш айниқса ёрқин, таъсирли лавҳаларда кўринади. Мана, Маҳкам ака яна болалар уйида:

«— Бизам, биронтасини бағримизга олсакмикин, деб келувдик, — деди Маҳкам ака...

— Ўғил болами ё қизча олмоқчимисиз?

— Барибир.

— Ёшроқ бўлсинми ё эсликроғими?

— Барибир, қизим.

— Қайси миллат боласи бўлгани маъқул?

Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетди. Ранги оқарди. Жувон буни пайқади, йўқми, қўлидаги дафтарга алланималарни ёзишдан тўхтамади.

— Қизим, — деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака, — мен мол бозорига келганим йўқ. Тушундингизми?

— Ахир отахон...

— Ахир-пахирини йўқ! Индамасам, ориқми-семизми, кемшикми-лучуқми, қорами-сариқми деб сўрайдиганга ўхшайсиз!

— Вой отахон, миллатини сўрасам сиз...

— Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи! Тушундингизми?

— Кечирасиз,— жувон Маҳкам аканинг вазъатидан кўриб кетган, қўлидаги дафтар қалтирарди.

— Одам боласини оқ-қорага ажратманг. Дунёда битта шунақа аблаҳ чиқиб, не кунларни советти одамлар бошига. Ҳали жазосини тортади. Буларнинг кўз ёши кўр қилади...»

Бу лавҳада кўрдикки, Маҳкам ака ўз даврининг, ўз муҳитининг типик вакили, унинг мушоҳадаларида халқимиздаги болажонли анъаналари билан социалистик тузумимиз шарофати ила кишиларимиз онгида вужудга келган миллий тенглик ва биродарлик туйғулари уйғун. Романда энг яхши миллий анъаналар умумдават аҳамиятига молик даражага кўтарилади ва янги мазмун касб этади. Муаллифнинг маҳорати энг аввало шунда кўринадики, оддий воқеадан эпосга лойиқ бой мазмун чиқаради, моҳиятини чуқур очиб беради. Шу асосда янги тип ижобий образлар галереясини яратади. Романнинг концепцияси, бош ғояси Маҳкам ака ва Меҳриниса опа образлари талқинидан келиб чиқади. Бошқа образлар эса ана шу хайрли ишга сафарбардирлар. Муаллиф яратган янги тип ижобий қаҳрамонлари даврасида Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоевнинг нурилий сиймоси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ота сиймосида биз халқ нима билан нафас олаётганини билган, инсон қалбини чуқур тушунган шахсни, меҳнаткаш омманинг асл вакилини кўрамыз, унинг халқпарварлигига, олижаноблигига, давлат арбобига хос ақл-заковатига тасанно айтамыз. Яна муҳими шундаки, Раҳмат Файзий романидаги Йўлдош Охунбобоев образи Маҳкам ака ва Меҳриниса опа жасоратининг асл мазмунини, бу жасоратнинг интернационалистик ва ватанпарварлик моҳиятини кўрсатишга катта имкон беради. Ўзбекистон оқсоқоли Маҳкам ака ва Меҳриниса опаларнинг ватанпарварлик ташаббусини биринчи бўлиб умумдават ҳамда партиявий нуқтаи назардан қадрлади, бу ташаббуснинг кенг қулоч ёйишини олдиндан кўра билди.

«Ҳазрати инсон»нинг фазилатлари кўп. У сизни Улуғ Ватан уруши йилларидаги Тошкент билан, тинчлик ва дўстлик шаҳрининг турли тоифа кишилари билан таништиради, ўзбек хонадонига олиб киради, ажойиб миллий урф-одатларимиз билан ошно қилади. Асар турмуш деталарига бой. Ориф ота ва Иқбол сатанг каби образлар орқали кўп ерларда асар энгил юмор билан ҳам суғорилган. Жиддий асарда юмор элементлари керакмикин, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, керак! Лоақал Вильям Шекспирнинг мотамсаро трагедияларини эсланг.

Ҳа, айтгандай, эсдан кўтарилай дебди. Роман қаҳрамонлари доимо ҳаракатда, ўсиш-улғайишда. Айниқса, бу нарса Меҳриниса сбрази талқинида яққол кўринади. Бу образ оддий уй бекасидан умумхалқ аҳамиятига эга бўлган ҳаракатнинг онглик вакиласига қадар бўлган такомил йўлини босиб ўтади. Бу маънавий ўсиш-улғайиш йўлидир.

Маҳкам ака учун ҳам, Меҳриниса опа учун ҳам болалар наф бахтнинг ўзи. Улар партия ва давлатимизнинг, жамоатчиликнинг кўмаги, мадад ва далдасини ҳис этган ҳолда ҳам ота она бўлиб, ҳам педагог сифатида турли миллатга мансуб ўш тўрт болани тарбиялар эканлар, шу аснода ўзлари ҳам тарбиялана борадилар, маънавий оламлари бойийди, фикр доиралари кенгайди. Кўпмиллатли катта оила тимсолида миллатлар ва элат-

ларнинг ўзаро дўстлигини, бир-бирини бойитишини, янги яхши-
мош муносабатларнинг янги шахсни шакллантиришдаги кучини
курамиз. «Хазрати инсон»нинг аҳамияти, замонамиз ва келгуси
авлодлар учун зарурлиги ана шундадир.

Раҳмат Файзийнинг «Сен етим эмассан» киноқиссаси «Хаз-
рати инсон» романига оҳангдош асар, лекин бошқа-бошқа
жанрларда яратилган икки мустақил асардир. Шуниси диққат-
га сазоворки, одатда аввал роман яратилади, кейин шу асосда
сценарий ёзилади. Лекин Раҳматжон бошқача йўл тутди, ав-
вал киноқисса ижод этди, кейин роман яратди. Киноқисса 1961
йилда босилган бўлса, романининг биринчи нaшри 1969 йилда
қўлингизга бориб тегди. Айни бир даврга мансуб ҳаётий матери-
алга адиб киноқисса ёганида баъзи жиҳатлардан бошқа услуб
билан ёндошади, роман яратганида бошқа йўл қўллайди. На-
тижа шу бўлдики, бир мавзуда икки мустақил асар яратилди.
Бу санъаткорнинг изланувчанлигига далolat, маҳоратига ка-
фолатдир.

Раҳматжон «Ёр-ёр» киноқиссасини ёзиб, ўз истеъдодининг
яна бир қиррасини — юмористлигини ҳам яққол намойн қилди.
Асар ота-бола саргузаштига асосланган қувноқ кинокомедиядир.
Унда юртимиз гўзалликлари, ўйин-кулгига, куй-қўшиққа бой
турмушимиз, қиммат-саховатли кишиларимиз тасвир этилади.
Лекин адиб бу киноповестида ҳам ўз ижод манерасига содиқ
қолди, ҳаётдаги нурни, замондошларимиздаги фазилатни кўр-
сатди, олижанобликни улуғлади.

Раҳмат Файзий ҳур замонамизга, яратувчанлик жўш урган
давримизга ҳамisha ва ҳар масалада ҳамқадам адибдир. У ҳаёт-
да эндигина ниш урган яхшилик куртагини тезда илғай олади,
турмуш тақозоси билан ўртага кўндаланг қўйилаётган вазифа
ва масалаларга ҳозиржавоблик билан ёндошади. Уларни ўз асар-
ларида бадиий таҳлил этади, тараннум қилади. Бу борада ёзув-
чининг «Чўлга баҳор келди» повестининг, кейинроқ эса шу
асарнинг роман вариантнинг вужудга келиши ҳам адабиётимиз-
да, адиб ижодида муҳим воқеа, босқич бўлди.

Коммунистик жамиятни барпо қилиш йўлида совет халқлари
эришган галабаларидан бири қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш-
дир. Партиямиз, ҳукуматимиз продаси ила, қаҳрамон совет
халқларининг яратувчанлик меҳнати ила бебош дарёлар ўз йў-
лини, вазифасини, асрлар давомида қақраган ерлар эса ўз қиё-
фасини тамомила ўзгартира бошладилар, озод совет халқига
хизмат қила бошладилар, чўлларга абадий баҳор, янги шан ҳаёт
кела бошлади. Бу темага биринчилардан бири бўлиб қирқинчи
йилларнинг охиридаёқ Раҳмат Файзий қўл урди. (Бу тема
ҳозирги кунимизнинг ҳам муҳим ва бош мавзуларидан ҳисоб-
ланади!) У 1951 йили «Чўлга баҳор келди» повестини яратди.

Азиз китобхон! Ёзувчи учун сиз, китобхонларнинг мулоҳа-
залари, тақлиф-истаклари битилган хатларни ўқиш, учрашув-
ларда айтилган самимий фикрларни эшитишдан кўра мароқли
нарсa бўлмаса керак. Гоҳо шундай мактублар ҳам бўладики,
уларни ўқиганда ўз ижодига алоҳида талабчанлик билан қарай-
диган ёзувчи аллақачон китобхон қўлига етиб борган асарига
яна нималариндир қўнғиси келади, ённки асарнинг аллақар-
ларидан кўнгли тўлмайди.

Раҳмат Файзий ижодида ҳам худди шундай бўлди. У, сизлардан олган кўп мактубларда бarchа истакларни ҳисобга олган ҳолда «Чўлга баҳор келди» повестини қайтадан ишлаб, роман ҳолидаги етук асарини яна Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этди.

Автор ўз олдига энг асосий вазифалардан бири қилиб янги ерни — чўлни ўзлаштиришнинг эмас, айни замонда шу фонда ушбу улуғ ишни бажаришга киришган, янги ҳаёт, янги тарих яратётган совет одамларини кўрсатишни, уларнинг олижаноб янги сифатларини, ижодкор фаолиятини намоён этишни мақсад қилиб қўйган. Масаланинг энг муҳими шуки, автор ўз объектининг туб маъини, туб маъносини аниқлай олган ва кўрсата билган: совет кишиларини улуғ ишларга, чунончи, янги ерларни, чўлларни ўзлаштиришга, пахтазор, гулистонга айлаштиришга йўллаган нарса улардаги буюк коммунистик идеалдир.

Асарнинг бош қаҳрамони комсомол-ёшларнинг етакчиси Муҳиддин, унинг сафдош ўртоқлари Собир, Солижон, Ризадон — шонли комсомол тарбиясини олган, Коммунистик партия гоъси ва ишга тамомида берилган оташин ватанпарварлардир. Уларни тайёр нарса қониқтирмайди, эришилган марра хотиржам қила олмайди, осон нарса қизиқтирмайди: улар қаҳрамонлик учун яшайдилар, катта ва ижодий янгилек ахтарадилар. Улар ўзлари яшайдиган жойларни «ёқмаса ёқадиган қилишга» қодир бўлган, ҳам ақлда, ҳам меҳнатда том маъноси билан ижодкордирлар. Эришилган нарса билан қаноатланмасдан ҳамisha янгидан-янги қаҳрамонликка, юксакликка, илғорликка интилувчи ижодкордирлар. Бу образлар жонлидирлар, «замон ва макон»дан ташқарида эмас, ҳаётийдирлар. Уларнинг реал замини, реал портретлари бор. Уларни бир тарафдан, умумий гоъ, мақсад ва интилиш бирлаштира, иккинчи тарафдан, ҳар бирига хос бўлган хусусият, белгилар уларни бир-биридан ажратиб туради. Лекин уларнинг мақсади битта: халққа хизмат қилиб, халқ бойлигига бойлик қўшишдир. Уларда ҳам умумийлик, ҳам фарқ бор. Улар ҳам умумий мақсадга интилаётган бир оммадир, ҳам бир-биридан фарқ қиладиган айрим-айрим шахслардир.

Раҳмат Файзий асосий қаҳрамонларини ёлғиз меҳнат ва дала, мажлис ва машина, кетмон билан чеклаб қўймайди, яъни уларнинг ижтимоий қиёфасини ва фаолиятларининг кўрсатиш билан қаноатланмайди. У, чунончи, Муҳиддин ва Юлдузхоннинг, Собир ва Аъзамнинг, Хосият қола ва Раҳим отанинг ички маънавий оламини, мураккаб психологиясини очиб беради, уларнинг ички кечинмаларини, умуман, руҳий ҳолатларини тасвирлашни ҳаётий деталлар асосига қуради.

Умуман, Раҳмат Файзий инсон қалбининг, психологиясининг нозиклиги ва мураккаблиklarини, кўп қиррали ва сербўёқчилигини яхши билиб ифодалайдиган ёзувчи эканлигини яна бир бор намойиш қилади.

Бу — гоът муҳим фазилат ва маҳорат. Зотан, қолаверса, ҳар қандай бадииятнинг асоси ҳам шудир, шу бўлмоғи лозим.

Раҳмат Файзий ижодиётининг каттагина бир қисмини, муносиб улушани унинг қиоялари, очерклари, публицистикаси ташкил қилади. Қирқинчи ва эллагинчи йиллар ўзбек ҳикоячилиги ва очеркчилигини унинг қатор ажойиб асарларисиз тасаввур қилиш ҳийин. «Раис», «Тўёна», «Дўрмонлик йигит», «Директор»,

«Раққоса», «Балли, она қизим» очерклари шу жанрнинг яхши намуналаридан саналади, актив асарлардан ҳисобланади. Уларда қурувчи, пахтакор, ишчи, чўлқувар қаҳрамонлар ҳаётидан ҳикоя қилинади, буларнинг интилишлари, орзу-умидлари, яратувчи меҳнатлари тасвирланади. Бу асарларида ҳам ёзувчи ўз ижод манерасига содиқ — кишиларимиздаги фазилатларни улуғлайди, турмушимиздаги нурдан меҳри жўшиб қалам тебратади.

Раҳмат Файзий адиб сифатида энг аввало ҳикоялари орқали танилди, десак, бу фикримизни сиз ҳам тасдиқлайсиз албатта, азиз китобхон. Сиз унинг «Гўзал», «Ёдгор», «Чаноққа томган қон», «Қайнона», «Шоҳи дарпарда», «Раянинг арчаси», «Кузатиш» каби ўнлаб ҳикояларини ўқигансиз, таъсирланиб келиб муаллифга ўз юрак сўзларингиз битилган номлар йўллагансиз. «Раянинг арчаси»ни эсланг. Ҳикоя қаҳрамони Маҳмуд ака боқиб олган қизи Раянинг кўнглига қараб янги йил арафасида уйига арча олиб келади, безатади. Шу-шу бу хонадонда ҳар йили арча байрамини нишонлаш одат тусига кирди. Юзаки қараганда оддийгина воқеа. Лекин адибнинг маҳорати шундаки, шу оддийгина воқеанинг моҳиятини очиб беради: совет воқелигида янги анъаналар вужудга келаётганини кўрсатади, социалистик миллатлар ўртасидаги алоқаларнинг кучаяётганини куйлайди. Бунда зўр мантиқ бор, ўз ижод манера-сида изчиллиги бор, бу манера илк ижод босқичидаёқ шаклланишига шаҳодат бор: ёзувчи социалистик жамятимиз равнақини белгилувчи тенденцияларни синчиклаб ўрганади, бугунги кун талабига жавоб берувчи барча эзгуликларни ёқлаб чиқади, эскилик қолдиқларини чуқур, ишонтириб фош этади. «Ёдгор», «Янги йил оқшомида», «Тўғонбойнинг қизи» ҳикоялари бу фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Адибнинг энг яхши ҳикоялари ҳам ўзбек ҳикоячилигида мангуликка дахлдор асарлардандир.

Дарвоқе, кичкинтойларимиз, эркатойларимиз ҳам адибимиз назаридан четда қолмаган, ўзи ҳам уларнинг назарига тушган. Бу ўринда ёзувчининг «Биринчи хат» тўпламини ва «Ҳаёт Содиқов ҳақида ҳикоялар» туркумини эслатиб ўтса бўлади. Мазкур асарлар муаллифнинг болалар психологиясини нақадар чуқур билишини намойиш қилади.

Раҳмат Файзий забардаст публицист ҳамдир. Бу ҳақда кўп тўхтаб, унинг бу жанрдаги икки асарини — мақолимиз бошида нарча келтирилган, «Инсонга таъзим»и билан Монреалда ўтказилган жаҳон кўргазмасидан олган сафар таассуротлари нақд этилган «Заранг барги»ни эслатиб ўтамыз, холос.

Азиз китобхон! Энди кутмаганингиз бир нарса устида тўхтаймоқчимиз. Эриш туюлиши ҳам мумкин, афв этгайсиз.

Таомили қандай, сўзбоши юмушига кирадими, ё муаллифнинг таржимаи ҳолигами, билмадиғу, аммо бир нарса устида тўхтаб, Сизга икки оғиз гап айтиб ўтмоқчимиз. Кўпинча, биз ижодкорлар яратган асарларни жуда синчков таҳлил қиламыз, дээрма-давр, адабий алоқаларгача кўздан кечирамыз, таржимаи ҳолларигача, ижодхонасигача кириб борамизу. бир нарсани — ижодкор ҳаётидаги, демакки ижоди жараёнидаги энг муҳим, ҳал қилувчи омилни четлаб ўтамыз, борди-ю тилга олганимизда ҳам «кўмаклашди, шароит яратиб берди», дейишдан нарига ўтмаймиз, юбилейи тантанасида ёнига ўтқазиб қўямыз, жуда ярлақа-

са «илҳом париси» деб атаймиз. Буни ҳам ҳазил-мутойиба тарзида айтамиз.

Биз худди мана шу ҳазил-мутойиба иборани ростакамига, барала айтишга жазм қилдик, ушбу мақолада, дўстимизнинг олтиш баҳори муносабати ила. Зотан, катта ижодкорнинг, баркамол ижодкорнинг умр йўлдоши — ҳамиша ана шу сермашаққат заҳматнинг ярмига шерик десак муболаға бўлмайди.

Мана қирқ йилки, Манзурахоним ўзларининг тонгдек мусаффо меҳру муҳаббатлари билан, зеҳну зеболари билан, нозик таъб, ўткир дидлари билан адибимиз Раҳматжонга илҳом бахш этиб келадилар. Ҳа, қирқ йил! Еш Раҳматжоннинг журналистик фаолияти эндигина бошланган, хабар, мақолалардан кичик-кичик бадий лавҳа, очерклар ёзила бошлаган, илк шеъринг илк сатрлари матбуотда эндигина кўрина бошлаган эди. Ана ўшандан буён Манзурахоним ижод машаққатини Раҳматжон билан баб-баравар татиб, тортиб, ортқилаб келади. Гап ижод қилинадиган хонанинг, ота касби касиблар ибораси билан айтганда, дўконхонанинг ҳамиша саранжом-саришталиги, иссиқ-совуқнинг муҳайёлиги, турмуш икир-чикирларидан ҳоли қўйиш, иш шароити яратишдагина эмас. Гап ижод қилиш жараёнида баб-баравар дардманд бўлишида. Дўконхонага оёқ учида кириб, сездирмай чойнакни янгиллашида, уюлиб кетган кулдонни эҳтиёт билан олиб, ўрнига бошқасини қўяётганида, ўткир кўз билан қоғоз бетидаги янги сатрларни илғаб олганида; ижодкор ҳориб-чарчаб ўрнидан турганида унга янги руҳ, мадад беролганида; иши юришмай, асаблари таранг бўлиб, фиғони фалакка чиқиб, қимдан аламини оломай юрган кезларида илҳом париси қалқон бўлиб, бардош беролганида гап. Эри тонг оттириб ижод қилганида бу жараёни у тушида кўриб, бир неча бор уйғониб, бевозта бўлганида гап. Биринчи китобхон, биринчи таиқидчи, биринчи маслаҳатгўй, муҳокамаларда бўлиб ўтадиган баъзи аччиқ-қурум гапларга қалқон бўлишида гап. Машаққатини татиб, кези келганда қаҳди суратда роҳатини ҳам баҳам кўришида гап.

Бундоқ разм солсак, азизим Раҳмат Файзий баъзи ҳикояларида, роман, қиссаларида Манзурахонимнинг худди мана шу биргаланиб дард чекишини жуда нозик ва усталик билан чизиб ўтади. Лоақал «Гўзал» ҳикоясидаги Назмихонни эсланг!

Раҳмат Файзий шу вақтгача бирон асарини, хоҳ катта, хоҳ кичик, бирон яқинига бахшида қилган эмас. Бу истак, хоҳишдан ҳам кўра кўпроқ унинг ўз табиатидан келиб чиққан деб билмоқ керак. Аммо, қирқ йилдан кейин мазкур уч жилдликнинг иккинчи жилдини у Манзурахонимга бағишлади. Чуқур мазмунни, қирқ йиллик меҳрини, муҳаббатини, миннатдорчилигини соддагина жумлага жамлади. «Севимли Манзурамга бағишлайман», дебди.

Нега шу асар повесть ҳолида чиққанида, қайта ишланганида ёки сўнгги роман ҳолида чиққанида бағишлов йўқ эди — деган савол кўнглингиздан ўтиб турибди, чоғимда. Бизнингча, муаллифнинг бундай қилишида рамзийлик бор, бу билан муаллиф мазкур уч жилдликнинг ниҳоятда мўътабар нашр эканлигини эътироф этиб, юксак қадрлайди, унга иззат-икромни, чуқур эҳтиромини изҳор этади, бинобарин рафиқасининг ҳурматини ҳам шу даражага кўтаради. Агар бунга яна худди шу асарнинг

ўзи таълаб олигани бежиз эмаслигини — асар яратилган давр Манзурахошимнинг жасорат даври, умр йўлдошини оғир хасталикдан омон олиб қолишидаги жасорат даври ҳам бўлганлигидан тагин ҳам ибратли, қадриlidir.

Ҳа, Манзурахошим Ойбек аканинг ҳаёт йўлдоши Зарифахошим, Гафур аканинг завжаси Муҳаррамхошим каби гоёт даражада дили гўзал ва ақли расо ажойиб совет аёлларидандлар.

Ҳа, дўстимиз Раҳматжоннинг ҳаёт ва ижод йўли бой, орзу қилса арзийдиган, ибратли, бетакрор, нузли. Унинг номини республикамиз, қардошларимиз — Иттифоқимиз билади, қатор ташқи мамлакатларда билишади. «Ҳазрати инсон» романи бир қатор Ғарб ва Шарқ тилларида нашр этилди. «Сен етим эмассан» фильми Германия Демократик Республикаси, Болгария, Миср, Руминия, Югославия, Венгрия, Вьетнам, Мўғулистон, Афғонистон, Япония ва бошқа Шарқ ҳамда Ғарб мамлакатларида кўрсатилиб, муваффақият қозонди. Ҳа, дўстимиз Раҳматжоннинг ном адабиётимиз ва санъатимизга шараф келтирмоқда, дўстларимизни қувонтирмоқда, совет адабиёти мухлислари сафини кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда.

СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари, ўзбек адабиётининг қадрдон дўсти ва тарғиботчиси, «Ҳазрати инсон»нинг рус таржимони, атоқли ёзувчи Георгий Марков шундай деб ёзади:

«Мана, орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романига бўлган қизиқиш кучли. Бу китоб совет китобхонлари орасида жуда оммалашиб кетди: бу асар бўйича китобхонлар конференциялари ўтказилмоқда, у қақда матбуотда фикр-мулоҳазалар босилмоқда, китобхонлар ялиқ гап айтмоқдалар. Бунинг сабаби нимада? Сабаби бор. Ҳамма гап шундаки, бу китоб талантли, муваффақиятли чиққан, бу китоб — кўпмиллатли бутун совет адабиётимизнинг улкан ютуғидир. Раҳмат Файзий ҳаққоний китоб ёзган, у ҳаёт оқимининг ўзидан ҳаётий материални йиғиб олишга мушарраф бўлган ва бу улкан материални қалб қўри ва қарорати билан иситган. У бу материални салмоқли мазмун билан, ўзининг ҳақиқий ёзувчилик зўр туйғуси билан бойитган...

Раҳмат Файзийнинг ўзи ҳақида ҳам бир-икки оғиз гап айтган келади. Мен уни ҳам дўстим, ҳам биродарим деб биламан...»

Болгария Компартияси Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, Болгария — Совет дўстлиги бутунқалқ комитетининг расиси Цола Драгойчева ўз табрикномасида ёзади:

«Ҳурматли ўртоқ Раҳмат Файзий!

Оддий совет кпшисининг улугворлиги ҳақидаги ҳаққоний дoston бўлмиш «Ҳазрати инсон» китобингиз учун менинг самимий миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, катта бахт-саодат ва янги ижодий муваффақиятлар тилайман».

Булар, албатта, ҳақ гаплар!

Серқирра олтимиш баҳор, қирқ йиллик чўнг мазмундор ижод, шуда муносиб юксак баҳолар муборак, ҳавасланарли адабимиз ва ҳазрати Инсон дўстимиз! Ҳамиша тантана ёр бўлсин Сизга!

ВОХИД ЗОҲИДОВ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ҳамза мунофоти мурағати

Меҳриниса эри идорага бориб келаман, деб чиқиб кетгач, дастурхонни йиғиб, самоварнинг кулини қоқди, сув тўлдириб, оловини янгилади. Эри кўчадан келгунча енгил-елпи кирларини ювиб олмоқчи бўлди. Аксига олиб, эрталаб лиммо-лим оқаётган сув тиниб қолибди, ариқнинг таккинасида жилдираб ётибди. Кеча кечқурун, лоақал авонда челақларга тўлдириб олмаганига ачинди. Заҳри синиб, тиниб турарди. Меҳриниса шуларни кўнглидан ўтказиб, иккита челақни ҳовузча лабига олиб борди. Энди ёғлоғи билан тўлдира бошлаганида, эшиқдан Иқбол сатанг кириб келди.

— Куёв бола йўқларми дейман, тақ-туқлари эшитилмайди,— деганича икки қўлини чўзиб, Меҳринисага яқинлашди,— бир дам олсин дебдиларда-а?

Меҳриниса ёғлоғини қўйиб, малул-хотирлик билан ўрнидан тураркан, «Кап-катта бўлсаям бачканалиги қолмади-да, «куёв бола»га бало борми», дея энсаси қотиб, ғижинди-ю, кўзи кўзига тушиб, шу лаҳзадаёқ чеҳраси ёришиб кетди. Иқбол сатангнинг кўзларида сеҳри бор, бир қараган одамини ром қилиб олади, дейишарди хотинлар. Меҳриниса бунга ишонмасди, Шу рост эканми, ҳозир кўриша туриб, ўзи ҳам шундай ҳолга тушди, бачкана қилиғини ҳам унутди, дилгирлиги ҳам ёзилгандай бўлди. Қайси бир йилиям бир тўйда мақтаб гапирган гаплари эсига тушиб кетди.

— Ҳузур-ҳузур сизники-да, Меҳриниса,— дерди Иқбол сатанг уни қучоғидан қўйиб юбормай,— ба-

лиқдайсиз-а, балиқдай. Туп-туп, қўрқманг, кўзимда холим йўқ, қоқиндиқ.

— Қўйинг, опа, шу гапларни. Хотин киши ўттиздан ошди ўтин бўлади.

— Оҳо, сиз ўтин бўлгандаям шунақанги ўтинсизки, оловингизга ҳали тўртта Маҳкамвой ёнади-я, гиргиттон.

Чиндан ҳам Меҳриниса элликка яқинлашган бўлишига қарамай, ўзини олдирмаган, ёш жувонлардек бақувват, тетик эди. Ўрта бўй, тўлалиги сахти сумбатига жудаям ярашган, агар сал эт қўйса ёки ташласа қоматининг бу хушсуратлигига путур етгудай. Ҳаёт тирноғи ҳали пешанасига чизиқлар тортиб улгурмаган, тортмоқчи бўлгандаям кучи етмаган бўлса керакки, қовоқларини уйиб, хомуш бўлиб турган пайтларида разм солган киши ингичка ипнинг билинарбилимас ўрнини пайқаб қолади. Қошларидан ҳамиша ўсма аримаганиданми ё асли ўзи шундайми, унчалик қуюқ бўлмаса ҳамки, териб қўйгандек, терганда ҳам биронта толаси чизиқдан чиқмайди, текис. Кўзлари ҳамиша ёшларникидек тийрак, кулиб туради. Кулганида икки юзининг кулчасидаги кулгичлари тагинам чуқурлашиб, чап юзининг пастидаги ярим палла мошдек холини бекитиб юборади. Қўкрак бурма кўйлак қопга ўхшайди дейишгани бекор экан. Сумбатига қараркан. Сахти сумбати келишган жувон шу кўйлакда ҳам манаман деб тураркан. Уйга ҳам, тўй-қашамларга ҳам шу кўкрак бурмани кияр, бошқасини ёқтирмасди. Ўсма қўйишдан бошқа пардозни билмаган Меҳринисани атлас кўйлак, почаси жиякли лозим, амиркон кавушда кўрган қари ҳам, ёш ҳам ҳавас билан унга суқланиб тикиларди. Кампирлар дарров кимнинг келини эканлигини суриштира бошлашарди. Неча-неча тўйда, ҳатто азада ҳам ўз қулоғи билан эшитган у буни. Қошки кимлигини суриштириб қўйиша қолса, дарров неча боласи борлигидан гап очишарди. Бефарзандлигини эшитиб, ачиниб раҳми келганлар ҳам бўларди, савлатига ҳасад билан тикилиб, ачитганлар ҳам. Бири: «Гулдай жувон-а, шундоқ ўтаётибди денг, шўрлик» деса, бири: «Ғоз юриб, санаб қадам босиши тўлғоқ емаганидан-да», дерди. Меҳриниса бундай пайтларда эшитиб-эшитмасликка оларди-да, секин бир чеккага чиқиб тураверарди.

Қайси бир тўйда ҳам ошхонада овқат сузаетган аёл аллакимга: «Ҳой, онави Маҳкам тақачининг хотиними шу, бола кўрмай ўтаётибди денг?» деганини эшитиб қолиб ўзини тутолмади, ҳовли чеккасига бориб, йиғлаб турганида Иқбол сатанг пайқаб қолиб, ёнига келди, юпата бошлади:

— Ҳой, манга қара, элама уларнинг гапини, оғзи-га кучи етмаганлар валдирайверади-да, бо худо, кўз ёшларингдан айлансин, қўй йиғлама. Биласанми, унақаларга бўш келсанг, баттар гапираверади. Бўш келма. Олдиларидан беш кунлик келинчакдек мана бундай чимирилиб, таманно билан ўтсанг, оғзи юмилади, қолади.

Иқбол сатанг Меҳринисани кулдирди-ю, кўнгли жойига тушиб ошхонага кетди. Мана шу юпатгани сира эсидан чиқмасди.

Иқбол сатанг Меҳринисанинг бир нарсасини — эри билан дўконхонада баб-баравар ишлашини ёқтирарди. Унинг бардамлиги, чаққонлиги, ўзини олдирмай очилиб-сочилиб, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб юришини туғмаганлигидан ҳам кўра шу меҳнатдан деб биларди. У ўзидан қиёс қиларди. Эсини танибдики, тинмайди. Оғир-енгил демай меҳнат қилади. Бир лаҳза қўл қовуштириб туrolмайди. Шу ваядандирки, олтмишдан ошган бўлсаям, чарчашни билмайди, ҳамиша қувноқ, юзларидан ханда аримайди.

Иқбол сатангнинг ҳозирги гаплари ўша тўйда кўнгли ўксиб турганидаги меҳрибонлигини эслатди.

— Вой, нима қилиб турибмиз, эсим қурсин, опа, бу ёққа чиқинг,— деди Меҳриниса айвонга таклиф қилиб.

— Йўқ, гиргиттон, ўтириб қоламан. Ҳой, опангизнинг ўғли эсон-омон юрибдими? Шу ердами?

Кўрпача солмоқчи бўлиб турган Меҳриниса бир хил бўлиб кетди. Иқбол сатанг ундан, «Ўғлингиз эсон-омонми?» деб сўрагандай бўлди.

— Ҳувиллаган ҳовлида нима қиларди. Шу ерда,— деди хомуш.

Меҳринисанинг руҳия-ҳолатини дарров пайқаб олган зийрак Иқбол сатанг: «Нечук урушга жўнамади, деб тушундиёв гапимни», дея кўнглидан ўтказди-да, ортиқча чўзмади.

— Ҳа, боши омон бўлсин,

— Айтганингиз келсин, опа,— Меҳриниса буни ҳам «ўзингга буюрсин», деган маънода тушунди,— қани, бирпас бу ёққа чиқинг, ҳозир самоварим қайнайди.

— Овора бўлманг, гиргиттон, анави Зоҳиданикига бориб келсакмикин девдим. Яхши, бўш экансиз.

— Вой, чарлари бўлиб қолдимми?

— Чарлари дейсизми? Ҳали хабарингиз йўқми, чарлар сигармиди кўнглига, айланай.

— Нима девотсиз? Тинчликми ўзи?

— Ўғли кетадиган бўлиб қолди-ку.

— Вой шўрлик. Ёш келинчакни ташлаб-а?

— Иложи қанча. Бу ҳам бўлса ёшларнинг шўрида, айланай.

— Бунақа экан, уйланмай турса бўлмасмиди?

— Шуни айтаман-да. Уямас, буямас, пешана, айланай, битилгани бўлмай қолмайди. Бир чеккаси, гиргиттон, қиздан ҳам сал ўтибди, ҳа. Мен сиз деб айт-вотман, биламан, оғзингиз маҳкам. Ўзим-ку, умримда ёмон кўргангиз гап ташишлик.

— Айтаверинг, опа. Бунақа одатим йўқлигини биласиз-ку.

— Биламан, биламан, қоқиндиқ. Қиз деган нарса сал андишали бўлгани яхши-да. Кетиб қолсангиз, мендан айриласиз, деб бўйнига осилиб олган экан-да.

— Вой ўлмасам,— Меҳриниса икки кафтини юзларига қўйди,— ҳали шунақа денг. Илгари гаплашиб юришарканда, бундан чиқди?— Меҳриниса шундай деди-ю, Салтанатни кўз олдига келтирди.

— Гаплашингизда қандоқ. Обиджонни ўзига иситиб, бош-кўзини айлантириб олган экан-да.

— Иситиб дейсизми? Қиз боши билан-а?

— Ҳа, вой. Иссиқ-совуқ деяпман-ку. Соддасиз-а, айланай, бориб турган соддасиз.

— Қаёқдан билай, опа, эшитаману, нималигини билмайман.

— Анув Қашқар маҳаллада нафаси ўткир жуҳуд домла бор экан. Ушанга бориб иситиб кепти. Ўз қулоғим билан эшитдим. Ўзигаям озмунча пул кетмабди.

«Салтанат бунақа нарсаларни билмайди, шекилли?» деган хаёл олиб қочди Меҳринисани.

— Шу ростмикан-а, опа?

— Вой, ўз қулоғим билан эшитдим девотману.

Тагин, гиргиттон, Зоҳиданинг қулогига ега кўрмасин-а. Балоба қоламан.

— Эсимни ебманми, опа. Тавба. Қиз нарса шуларни элаганини қаранг.

— Пул нималарни қилмайди. Полопдан топган пуллари шунга кетибди-да. Мана, элади, олди.

— Бирон нима едирганми ё ичирганми, опа?

— Вой Меҳриниса-ей, шуниям билмайсизми, соддасиз, соддасиз. Бировнинг остонаси тагига амал кўмиб кетади, бировнинг соч толасини олиб исхтади, бировнинг кийимини. Бу қизи тушмагурнинг усто монлигини қаранг. Битта дона ҳалиги шоколадли конфетни иситтириб олибди-да, учраганида, алдаб туриб, Обиджоннинг оғзига солибди. Йигит нарса жон деб оғзини очгану, тузоққа илинганини билмай қолган.

— Кўриб тургандай гапирасиз-а, опа.

— Биладан-да, айланай. Шуниям билмасам нима қилиб Иқбол сатанг бўлиб юрибман. Илло, ўзим икки қиз чиқариб, шунақа нарсанинг кўчасига кирмаман-а. Ўзингга шукур.

Меҳриниса аввалига: «Бўлса бордир, бир-бирини севгандан кейин очикроқ гаплашган, тўйни тезлаштиришни айтган бўлса, айбми?» деб қизни оқлаб ўтирган эди, иссиқ-совуқ қилганини эшитиб, ағрайиб қолди. Бунга ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Наҳотки кап-катта, юртда юрган одам ёлгон гапирса?

— Тавба, — деди у оғир уҳ тортиб, — дунёда бунақа ишлар ҳам бўларкан?

— Шунинг учун айтаман-да, кўпам ношукурлик қилаверманг деб, қоқиндиқ, бола деганинг шунақа ташвишлари ҳам бўлади, ҳа шукур қилинг, ўзингиз хон, кўланкангиз майдонсиз, ёмонми? Ҳой, гапам ўлсин, аллавақт бўлди-я, қани бўла қолинг.

— Опа, ахир мани биласиз-ку.

— Ҳеч айби йўқ. Азадор бўлсангиз ҳам бирров бориб кўнгил сўраб келишингиз лозим, тасаддиқ, — деди насиҳатомиз қўлларини паҳса қилиб дастурхончи.

— Майлиз, қўсқимзи ташлай бўлмаса, — деди итоаткорона Меҳриниса ва кийина бошлади.

Иқбол сатанг ҳовлидаги дарахтларга бирпас тики-

либ турди-да, кейин ариқнинг нариги томонига ўтди. Олмадан биттасини узиб «Егинам демайсиз-а», дея пичинг қилди. Бу билан у: «Топилмайдиган жувонсану, қурумсоқлигинг борда», деган маънони англаймоқчи эди. Меҳриниса унинг бу гапини эшитмади, уйга кириб кетди. Иқбол сатанг йўғон озиқ тишлари ўрнидан ариқча қолдириб, қирмизак олмадан тишлади, оғзи бурушиб, бир сесканиб олди. Ҳасад биланми, ҳаваси келибми, дарахтдаги олмаларга тикилди, кейин энди кўраётгандек ҳовли саҳнини кўздан кечирди. Ҳамма ёқ чиннимоҳдек. Шунча дарахту, тагида битта барг кўринмайди. «Пеш тушганини пеш олиб турадими дейман,— ўйлай кетди у,— қачон қарасанг, ҳовлиси ёғ томса ялагудек. Саранжом-саришталигинчи. Ҳаммаси салтисвойлигидан. Этагидан бошқа оғирлиги борми. Фейли торлигиям шундан бўлса керак. Шунча йил дастурхончилик қилиб, шу ҳовлида тўй тугул кичикроқ бир йиғин бўлганини билмасам-а. Номус кучлилик қилиб, рўзада ифторлик қилдиради. Шунгаям ҳушига ёққан бир-иккита қўшнани чақиради. Мунча титраб-қақшамаса. Тавба: Дунёдан нима олиб кетаркин?»

Иқбол сатанг маҳалладаги ҳар бир хонадонга неча марта тўй қилгани-ю, кимларга қандай саруполар қўйилгани, тортилган тўққиз-тўққизга қараб баҳо берарди. Қиз чиқариб, келин туширадиган хонадондаку, неча кунлар гирдикапалак бўлиб юрар, олди-солдига ўзи бошчилик қилиб, сарупо киймагунча кўнгли ўрнига тушмасди. Қиз билан йиғитнинг бир-бирига кўнгли борми, муносибми, тўй қилишга қудаларнинг қурбилари етадими, йўқми, тушган келин, узатилган қиз тиниб-тинчиб кетадими, йўқми, бу билан унинг иши бўлмасди. Тўйнинг бош-қошида бўлса, сарупо кийса бас. «Бу дунёдан олиб кетадиганим шу. Икки ёшни қовуштиришдан катта савоб борми», дерди икки гапининг бирида. Юрт бошига тушган кулфат тўй-ҳашамларни ҳам тўхтатиб қўйди. Кимнинг кўнглига тўй сиғарди шу кунларда. Иқбол сатангнинг юриши камайиб, топишининг тайини қолмади. Уруш бошлангандан буён маҳаллада бўлган тўй Зоҳиданинг келин тушириши бўлди. Бу ҳам Иқбол сатангнинг зўри билан қилинди, «Бо худо, кўрганингиз қолади, Зоҳидабону, қўлингизда борида қилаверинг», деб далда бер-

ди. Кейин холи топиб қиз билан гаплашди, «Салима-ой, бўйларингга қоқиндиқ,— қизнинг елкасига қўлини қўйиб, бошини силади,— сени кўрсам, ойнингни кўргандай бўламан,— кўзига ёш олди Иқбол сатанг,— раҳматлик қизимни узатиб куёв кўрсам дийдинг армони ичида кетди, ниятига етолмади. Эгачимнинг арвоқини хушнуд қилай. Ўзим бош бўлиб узатай, даданг ҳам бир нима демайди, менга... Онангку, тавба қилдим деб гапирай, қутулганига шукур қилади. Биладан, сиқиласан, кун бермайди у, ўгай ўгайлигини қилади-да, болам. Обиджонга айт, тўйни тезлаштирсин», деганида Обиджоннинг номини эшитиб, Салима бир чўчиб тушди. Урталаридаги сирдан дастурхончининг хабардорлигидан ҳайрон бўлди, ўзини билмасликка олиб, талмовсиради. «Нима деяпсиз, хола, Обиджонингиз ким?» деди. «Эй, болам-эй, болам-эй, мени ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлайсан шекилли, ҳаммасидан бохабарман. Кўнглинг ўшанда, у ҳам сени жонидан яхши кўради. Ўзиям йигитмисан, йигит-да. Қўлдан чиқарма. Ҳаммаси ўзингга боғлиқ. Айт, тўйни жадаллатсин», дея Салимани бағрига босди. «Қайси юз билан айтаман, хола?» деди ўйчан кўзларини ерга тикиб Салима. «Вой, кўнгил қўйганинг бекор экан-да, шу гапни айтолмасанг. Эртага шартта урушга кетиб қолса нима қиласан. Ҳарна кўрганинг ғанимат. Ажабмас, сени деб қолиб кетса...»

Орадан сал ўтмай Обиджон билан Салиманинг тўйлари бўлди. Иқбол сатанг ниятига етиб, ўзи бош бўлиб, икки ёшни қовуштириб қўйганига икки ҳафтадан ошди. Бугун Обиджон фронтга жўнайдиган бўлиб қолди. Тўйларида бош бўлган Иқбол сатанг энди ҳижрон кўчасига кираётган ёш келин-куёвдан кўнгил сўрамоқчи, Обиджонни кузатгани чиқмоқчи.

— Ҳой, Тожихонниям айтайми,— деди Иқбол сатанг Меҳриниса кийиниб чиқиши билан девор томонга ишора қилиб,— эри жўнайдиган куни Зоҳида елиб-югуриб хизмат қилганди. Эшитса, гина қилиб юрмасин,— у бўйнини чўзиб, ўзи чақирмоқчидай қўшни ҳовлига қараб қўйди.

— Рост айтасиз, опа, ҳозир чақираман,— деди Меҳриниса. У айвондан тушиб, девор тагига борди, қийшайиб турган курсига чиқиб чақирди. Тожихон кийиниб чиқадиган бўлди.

Улар Зоҳиданикига боришганда, қўни-қўшилар тўпланишган, Зоҳидакинг ўзи бўғирсоқ пишириш билан овора эди. Айвоннинг бир чеккасида патир ясаётган келин меҳмонларни кўриши билан, унли қўлларини қоқиб ирғиб ўрнидан турди, ҳовли юзига тушиб, уларга салом берди, кўришиб бўлишгач, оҳиста айвонга чиқиб, чаққонлик билан янги кўрпача ёзди, илиқ табассум билан уларни ўтиришга таклиф қилди.

— Омин,— деди пойгакка ўтирган Иқбол сатанг қўлларини очиб,— Обиджон ой бориб, омон келсин!

Келин салом бераётганида Меҳринисанинг юраги шиг этиб кетганича, ўзини босолмас, ундан кўз узолмасди. «Наҳотки шу қиздан шунча ишлар келса?..» деб кўнглидан ўтказиб турганида, тик туриб чой узатаётган Салима олдига келди. Боягидек табассум билан пиёла узатди.

— Раҳмат, болам, кўп яшанг,— деди Меҳриниса келиннинг қўлидан чой ола туриб,— сиз бемалол хамирингизга қарайверинг, ўзимиз қуйиб, ичиб ўтира-миз.

Шундан кейингина Салима оҳиста супра ёнига бориб, тиз чўкди.

Меҳриниса унга тикилганча ўтирарди. Келиннинг қовоқлари қизарган, ширмойи юзлари сал синиққанлигини айтмаганда, ўзини тетик тутар, ора-сира меҳмонларга ер остидан зийрак қараб қўяр, бошига тушаётган ҳижрон азобини сездирмасликка ҳаракат қиларди. Унинг эпчиллик билан зувала ёйиб, патир ясаши, ўртасига чакич, чеккасига калит уриши, хинали нозик бармоқлари билан чимчилаб-чимчилаб гардишига кунгира солиши, эрини фронтгамас, курортга кузатаётган келинчакнинг ҳаракатларига ўхшарди.

— Юрагига балли-ей, овсин, тарс ёрилиб кетмаганини-чи,— деди секин Тожиҳонга энгашиб Меҳриниса,— сира эсимдан чиқмайди, икки ойлик келин эдим. Булар десангиз қовун сайилга кетиб, бир ҳафта қолиб кетганлар. Офтоб уриб, иситмалаптилару келолмабдилар. Шу десангиз юракларим сиқилиб, дунё кўзимга тор бўлиб кетганки... Ҳозир эсласам юрагим бир орзиқиб тушади.

— Қандоқ қилсин, айланай овсин, кўпга келган тўй, кўнмай иложи борми,— деди ўз дардини эслаб

Тожиқон, — Қудратингизнинг дадаси кетган кунлар ўзим қандоқ бўлдим. Мана кўникиб ҳам қолдим. Айттинг-айтинг, уруш тезроқ тамом бўлсин, юрт тинчсин. Кўп қатори дадаси ҳам соғ, омон қайтсин.

Эшикдан Обиджон кириб келди. Келди-ю, қовли юзида туриб, «Салимахон» деб қичқариб юборди. Кўришмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалган аёлларни кўриб қизариб кетди. «Лаббай» дея ялт этиб Обиджонга қараган келин ундан баттар гулгун бўлиб, туришини ҳам, турмасини ҳам билмай қолди. Бейктиёр ураётган чакичи патирни ғалвир қилиб юборганини Меҳринисадан башқа ҳеч ким пайқамади. Қозондан энди кўтарган бир човли бўғирсоқнинг ёғини томизганча қўлида ушлаб Зоҳида она ўғлига яқинлашди.

— Ҳа, болам, бордингми?

— Бордим, — деди Обиджон. У хотинлар билан сўрашаркан, човлидаги бўғирсоқдан биттасини олиб оғзига солди, солди-ю, бир тишлаб шошиб қайтариб олди.

— Иссиқ ҳам демайсиз-а.

Зимдан эрига тикилиб турган Салима кулиб юборай деди, ўзининг оғзи куйгандек, пастки лабини тишлаб олди.

Ўғлининг шу топдаги кенг юраклиги онани хуноб қилиб юборди.

— Ҳой, мунчаям дарёсан-а. Гапирсанг-чи тезроқ. Нима деди?

— Чилланг чиққанда кел, деди.

Ҳамма кулиб юборди. Эрининг қувноқлиги Салиманинг қалбига чироқ ёқиб, ғамгин ўйларини аллақача ёқларга учуриб кетди. Қўлида човлиси билан ағрайиб қолган Зоҳида опагина кулгига қўшилмади.

— Ҳали ҳам болалигинг бор-а. Гапирсанг-чи, юрагимни сиқиб юбординг-ку.

— Бир ҳафтага қолдирди, — деди Обиджон онасининг бошини кўкрагига қўйиб, — боқувингни мазаси йўқ, дурустроқ ем-хашак берсин ойинг, деяпти, — деди қўли билан қорнига уриб. Салима «ниқ» этиб кулиб юборди.

— Сенга нуқул майнабозчилик бўлса, — деди бўшаниб тушган онаси, — ҳа бунисига ҳам шукур, ма, манови билан чой ичиб туратур, овқатга ҳали уннаганим йўқ, — дея, қўлидаги човлини Обиджонга берди.

Обиджон хотини узатган ликопчага бўғирсоқни бўшатди-ю, ўтиришини ҳам, ўтирмаслигини ҳам билмай иккиланиб қолди. Унинг кўзлари жавдирар, тез-тез Салимага қараб қўярди. Хотинлар тезроқ қўзғала қолса-ю, Салима билан холи қолса, туни билан мижжа қоқмаган кўзлари, қайноқ ёш томчилари билан ювилган юзларига боқса. Эрталаб қай ҳолатда кузатиб қолган эди. Эрининг никоҳ қуни кийган оқ шойи кўйлагини дордан олиб бераётганида, шашқатор оқаётган ёш томчиларидан иккитаси кўйлак енгига думалаб тушди.

— Вой,— деб юборди Салима ачиниб,— нима қилиб қўйдим-а?

— Ҳечқиси йўқ, кўйлакка ачинасизу, кўзларингиздан тўкилаётган гавҳарга ачинмайсизми? Қўйинг, йиғламанг,— деди Обиджон ва шу топдаги чиройли жавобидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Енгидаги иккита нўхатдек доғ, ўзику доғга ўхшамайди, синчиклаб қараган одам ҳам пайқамайди-ю, аммо Обиджонга шундоққина кўриниб турибдики, ҳар қараганида ўша эрталабки ҳолатни эслатарди. Ҳарбий комиссар олдига кириш учун навбат кутиб турганидаям, бирдан-бир эрмаги, овунчоғи шу бўлди. Қўллари қовуштириб енгига тикилар, ёш билан қорачиқлари ювилган хумор кўзларни кўрар, кейин келиштириб гапирганини эсларди. Мана, ҳозир ҳам беихтиёр енгига қараб қўйди. Салима-чи, Салима. Ҳозир патир ясаш кўзига кўринармиди, сурати ясапти. Қани энди меҳмонлар тура қолса-ю, бошқатдан чой дамлаб, Обиджонга ўзи қўйиб узатса, «олинг, эрталаб ҳам тузуккина емадингиз», дея олдига борини тўкиб ташласа, кеча отасиникидан келган варақи сомсадан олиб чиқса. Икки юрак қўним топмай типирчилар, бири бирига интиларди-ю, буни ҳеч ким сезмасди.

Йўқ, сзди, Иқбол сатанг сзди. Дастурхоннинг учини қайириб, фотиҳа ўқиди. Хотинлар қўзғалишди.

Бироқ... «Яхши қолинг» овозлари дарвозадан нарёққа чиқмасданок, эшик тақиллатиб Обиджоннинг ўртоқлари кириб келишди. Ёру дўстларнинг бори яхши-ю, шунақанги пайтларда халақит беришгани ёқмасди-да, Обиджонга. Узлари билишармикин шуни?

Меҳриниса Тожихон билан бирга келаркан, ҳамон хаёли келинчакда эди.

— Еш нарсага қийин бўладиган бўлди-да, юракларим ачишиб кетвотти бечорага.

— Сиз уни айтасиз. Зоҳиданинг ҳолини айтмай-сизми. Битта-ю битта суянчиги эди. Икки букчайиб қолади, ҳали. Тагинам юраги кенг.

— Қудаси кўринмади-а?

— Угай ўгайлигини қиларкан-да, айланай овсин. Улгудек қаҳри қаттиқ экан. Бечоранинг кўнгли ярим бўлиб ўтиришини қаранг. Ўз онаси бўлганда ёнидан арирмиди.

Меҳриниса шундан гап очганига минг пушаймон бўлди. Қўшниси ҳозир унга, «керилманг, ҳали ўзингизни кўрамиз...» деб дакки бергандай туюлди. Қани энди гапни бошқа ёққа буриб, қўшнини тўхтатолса.

— Бўлмаса, тушганига уч-тўрт йил бўлиб қолди, жилла бўлмаганда эрининг ҳурматини қилиб, келиб турса бўлмасмиди. Ҳеч кимни етим қилмасин, айланай овсин, етимликнинг хўрлигидан ёмон нарса йўқ. Шунақаларни кўрсам юрагим орқамга тортиб кетади. Иш-қилиб, уруш тезроқ тугасину, болаларига ўзлари бош бўлсинлар-да. Ҳар хатларида болаларни хафа қилма, йўқлигимни сездирма, деб тайинлаганлари тайинлаган. Кечалари уйқум қочиб хаёл аллақайларга олиб кетади.

— Яхши ният қилинг, овсин,— зўрға гап қистирди Меҳриниса,— болалар ўйнаб-кулиб юришибди. Поччамдан хат келиб турибди. Ҳа, вой, соддалигим қурсин, бола баҳона денг... Бўлди, бўлди, уйқум қочади десангиз ҳам тушунмайман-а.

Тожихон хомуш бораркан, «Ҳаммани ўзингга ўхшатавераркансан-да, пўконидан ел ўтмаган. Одамларнинг икки қўли ёқасида-ку, сенинг хаёлинг нимада. Эсимни емасам сен билан дардлашармидим», дея кўнглидан ўтказди-ю, ўзини оғирликка олиб:

— Рост айтасиз. Соғиндим, овсин, соғиндим,— деди заҳархандали кулиб.

Унинг гапига чиппа-чин ишонган Меҳриниса авж қилди:

— Айтмадимми, ёзиб юборинг, зора отпуска беришса.

Яхшики, уйларига яқинлашиб қолишди. Бўлмаса Тожихон қўшнисининг дилини сиёҳ қилиб қўярмиди. Хайрлашиб, эшигига кираркан, «ҳалиям дунёни сув

олса тўпиргига чиқмайди-я... ман нимани гапирдим, у нималарни ўйлаётти», дея гижиниб қўйди.

Ҳавода сузиб юрган парча-парча булутлар қуюқлашиб, шамол турди. Меҳриниса чайиб олмоқчи бўлган кирларини йиғиб, қопқоқлаб қўйган самоварни ўчоқ бошига олиб борди, оловини янгилади. Бирпасда шамол кучайиб, сердарахт ҳовли кўрқинчли гувиллай бошлади. Олмалар тепадан туриб тошбўрон қилгандай, дувиллаб тўкиларди. Нима қиларини билмай шошиб қолган Меҳриниса эрини ўйларди. Бирров бориб келаман деган одам қаёқда қолдйкин шу тўполонда. Битталаб узиб, заҳа тегизмай қишга сақлаб қўйишни мўлжаллаган олмаларининг тўкилиши бўйнидаги марвариднинг ипи узилиб, дур доналари ариқдаги сувга сочилиб кетгандек юрагини ачитди. Иккита челақни олиб, тера бошлаган эди, иккита олма кетма-кет калласига тушиб, безиллатиб қўйди. Бошини чангаллаганча ўзидан-ўзи қарганиб, дарахт тагидан қочди, айвон ёнига борди. «Ўтган куни териб олайлик, дедим-а. Эркак деган ноаҳил бўлганидан кейин қийин экан. Эллик-олтмишта ҳалқа ясайман деб, бутун қишликдан айрилдик. Урушнинг ҳамма оғирлиги шу кишининг бошига тушгандек, тинмадилар, қолдилар «Ҳа, бўл, ҳа, бўл» дан бошқасини билмасалар-а. Иш ўлгур битармиди. Мана энди нима бўлди. Келсинлар, ҳамма олмани олдиларига тўкиб ташлайман. Сиз қилдингиз шуларни, дейман...»

Шу пайт олма шохлари ёпирилиб ётган томда Тожиҳоннинг тўққиз ёшлар чамасидаги ўртанча ўғли Қудрат кўриниб қолди. Қўлида олма бўлмаганида ҳам майли эди. Кўрди-ю, нимадан аламини ололмай турган Меҳринисанинг тутуни чиқиб кетди. Қўлидаги челақни улоқтириб, кесак олиб болага отди. Кесак баландлаб кетиб, Қудратга тегмади.

— Олма емай заҳарни егур, қўясанми, йўқми-а,— у қўлидаги иккинчи кесакни отган эди, бола энгашиб қолди. Шу пайтда худди ўша тагида бола турган катта шох шарақлаб синиб, томга ёпирилди. Меҳринисанинг назарида олма илдиз-пилдизидан кўчиб қулагандек бўлди. Агар ҳозир Қудрат кўринса кесакмас, косов отмоқчи, қўлига тушса хиппа бўғмоқчидай, жаҳл устида эшикка югурди. Боланинг жазосини бермоқчи бўлиб, қўшниникига чиқиб кетди...

ИККИНЧИ БОБ

Бу ердаги гўдакларнинг ҳаммаси тонг отиб, эртанги шабадада япроқлар юзидаги шудринг доналарини ерга тўкаётганида ҳам ўз ўринларида, жажжи каравотларда ётишарди. Баъзиларининг чойшаби сирганиб, учи цолга тушиб кетган, баъзиларининг усти очилиб қолган, баъзилари йўргакланган каби қандай ўраб қўйилган бўлса, шундайлигича ётар, боши пар ёстиққа чўкиб кетган эди. Тонг билан баб-баравар уйғониб кетганлари бўлса, гўё бошқаларнинг уйқусини бувишга ботинолмагандай қимир этмай ётишарди. Уларнинг ёмғирдан сўнгги тоғ осмонидек тиниқ кўзлари ғира-шира хонанинг шифтига, ёруғ тушиб турган деразага, ундан ўтиб, оҳиста силкинаётган дарахтларга тикилган. Ана, томдан тортилган, нариги томони дарахтзор орасига кириб кетган симларга иккита чумчуқ келиб қўнди. Қўнишга қўнди-ю, задаланиб қолганидан олазарак бўлиб типирчиларди. Бунинг устига, аксига, олиб, сим ҳам лапанглаб, уларни учириб юбормоқчи бўларди. Дераза тагидаги каравотда ётган бола кўзини чумчуқдан узмай, «энди нима қиларкин?» дегандай унинг ҳар бир ҳаракатини кузата бошлади. Чумчуқларнинг бири дарахт шохига учиб ўтди, у ерда бирпас турмаёқ, визиллаб ерга шўнғиб тушди. Симда қолгани ҳамон тинирчилар, атрофга қарар, бошини эгиб, ерга тушмоқчи бўлар, сира тинолмасди. Кейин тумшуги билан симнинг қопламасини кетма-кет чўкиб кўрди. Шу пайтда, қимирласа чумчуқ учиб кетадигандай, боьятдан бери жим ётган боланинг юзлари, худди биров укол қилаётгандек бужмайди. Тишларини тишларига қўйиб, овоз чиқармаслик учун лабларини маҳкам бекитиб олди. Беихтиёр қўлини тумбочка устидаги печеньега узатди, бошини кўтариб, ойна томонга интилди. Дераза очиқ бўлганида, печеньеи ташқарига иргитиши турган гап эди. У, чумчуқ оч қолиб, овқат қидириб юрибди, деб ўйлар, унга ич-ичидан ачинарди.

Эшик очилди-ю, боланинг хаёли қочди. У дарров чойшабни тортиб, бошигача буркади-да, икки қўлини чиқариб ёнларига осилтириб олди, хуррак торта бошлади. Хонага кирган ҳамшира чироқни ёқиб, болаларнинг қўлтиқларига термометр қўйиб чиқди. Дера-

за тагидаги каравотга келганида тўхтаб қолди. Чой-шабни оҳиста очган эди, бола баландроқ хуррак тортди. Термометр қўяй деса, қўлларини ёзиб ётарди. Ҳамшира унинг чап қўлини оҳиста ёнига қилиб, қўлтиғига термометр қистириши ҳамоно, бола яна қулоч ёзиб юборди.

Ҳамшира энди пайқади, кулгиси қистади. Палатадаги гўдакларнинг энг каттаси уч ёшли Серёжа жуда шўх, сергап, ҳар нарсани дарров илиб оладиган болалардан эди. Уни врачлар ҳам, ҳамширалар ҳам севишар, кўпинча ёнида ўтириб гапга солишарди. Серёжа бўлса, ўзининг ҳар хил қилиқлари билан уларни кулдиргани кулдирган эди. Мана, ҳозир ҳам ҳамширани алдамоқчи. У кўзини очмай: «Мен ухлаб ётибман-ку», деб эркаланди. Ҳамшира: «Ҳа, муғамбир», дея унинг кичкина бурнини чимчиб қўйди-да, термометрни қўлтиғига суқиб, чиқиб кетди. Унг қўлидаги печенье уваланиб кетганини энди сезган Серёжа, шошилиб деразага қаради. Чумчуқ аллақачон учиб кетган эди.

Шифохонада янги кун туғилди. Гўдаклик ёнига яна бир кун қўшилди. Бир зумда хонадаги ҳаёт ҳар кунгидек қайнаб кетди. Ҳамма нарса одатдагича давом этарди. Энагалар болаларнинг тағларини янгилаб, юзларини ювишди, кейин нонушта бошланди. Бурчакдаги шкафга йиғиб қўйилган ўйинчоқлар яна ўз эгаларининг каравотидан жой олди. Қордек оқ халат кийган врач, ҳамширалар кириб келиб, ҳар бир болани ўз фарзандидек меҳр билан кўра бошлашди. Улар чиқиб кетгач, палата болалар боғчасининг ўйин залига ўхшаб кетди. Ҳамшира болаларни ўртага тўплаб, ўйин кўрсата бошлади. Юролмайдиган икки гўдакни қўлига кўтариб олган бу қиз болаларнинг тетикланиб қолганидан шу қадар хурсанд бўлардики, бундай пайтларда у, медицина ходимининг касбини бошқа ҳеч қандай касбга ўхшатолмасди. Болаларга бир-бир тикилиб чиқарди-да, қалбидаги қувончини фақат Серёжа фаҳмлаб тургандек, унинг ёнига борарди, кулиб туриб: «Шунақа, пучуқвой», деганича, бурнини чимчиб қўярди.

Ҳар куни тушликкача давом қиладиган бу ўйинкулги бугун барвақт тугади. Тугаганда ҳам бир умрга... Шўх кулгилар ўрнини кишининг юрак-бағрини

эзиб юборадиган чинқириқ, инграш овозлари босди. Шифобахш дори-дармонлар ўрнида илиқ қон қолди. Расмли китобчалар, хилма-хил қўғирчоқлар гишт парчалари тагида, пар ёстиғу кўрпачалар ўрнида бурқсаб ётган пахта, латта-путталар ётарди. Боққа жойлашган болалар шифохонасидан тутаётган харобаю пачақланган каравотлар, дарахт шохларига илиниб қолган гўдаклар пойафзалларининг парчалари қолди, холос.

Бу ҳақда, газетада босилган расмий ахборот қисқагина эди:

«Фронт доирасидаги Н-районида бомбардимон натижасида ҳалок бўлган қурбонлар рўйхатга олинди: Галя Енюкова — икки ёшу олти ойлик, Шура Репетьян — бир ёшу тўрт ойлик, Люба Шчепанова — бир ёшу икки ойлик, Юра Смирнов — бир яшар, Володя Корнев — бир яшар... Фашист учувчилари паркда жойлашган болалар шифохонасини бомбардимон қилди. Бемор болалар билан бирга навбатчи ҳамшира студент Сафонова ҳам ҳалок бўлди. У, ҳали эрталабгина касалхона дафтарчасига, «Юра Смирновнинг иштаҳаси анча дуруст бўлиб қолди. Галя Енюкова бугун тетик, у яқин кунларда соғайиб, уйига қайтади», деб ёзиб қўйган эди...»

Газета ўқиётган қиз шу ерга келганда ўзини тутолмади, ўпкаси тўлиб, қўллари қалтирай бошлади. Эшитиб ўтирганлар: «Тафсилотини ўқимасанг ҳам бўлади...» дегандай, бирин-кетин хомуш қўзғала бошлади. Қиз стол устидаги газетага тирсакларини қўйиб, икки қўли орасига бошини солганича жимиб қолганди. Кўзларидан ёш чиқиб газета устига тушди. Одамлар сезмадимикан деб бошини кўтарганидагина хонада якка ўзи қолганини билди.

Маҳкам ака артель идорасидан қандай чиқиб кетганини билолмай қолди. Кўчанинг бир чеккасида борар экан, ўзича «бу лаънатиларнинг ҳам фарзандлари бормикин, гўдакнинг тирноғи кўр қилгурлар. Одамзод бундай ваҳшийликларни кўрмаган-а?!» деди-да, ёқасини ушлади. Артель идорасига нимага келган эди-ю, ҳозир қаёққа кетяпти, ўзи ҳам билмасди. Гўштсиз, тўқ мағиз ранг юзлари сўлғин, қуюқ қошлари қовоғини босиб тушаётгандай, тик қомати букчайганга ўхшарди. Кўз олдида фақат бир нарса: тикма-

чоқдай гўдак қорнидан қон оқиб, инграб ётибди. Унга бурилса ҳам, чанга қараса ҳам шу. Бу болани у қаерда кўрган, кимдан эшитган, билмайди. Бунисини ўйлаб кўргани ҳам йўқ. У гўдакни шундоқ кўриб турибдики, қилт этган ҳаракатидан тортиб, кўз қорачигининг нури сўниб бораётганигача ҳаммаси ҳозир, шу ерда, унинг олдида бўлаётгандай. У, оқ оралаган калта соқолини ўқтин-ўқтин тутамлар экан, бутун вужуди, қиздирилган темир учқунлари сачрай бериб пишган, неча юз пудлаб темирни тоблаб, беҳисоб асбоб ясаган бақувват қўллари, хипчадан келган, ўрта бўй гавдаси, кипригидан тортиб қалбигача ҳаммаси кўз бўлиб, фақат шу гўдакни кўрар, газаб ўтида ёнарди.

Боя бошланган шамол Маҳкам ака катта кўчанинг муюлишига етганида яна зўрайди. Энди у, чанг-тўзонни осмонга кўтариб хас-чўпларни деворлар тагига суриб ташлар, қоғоз парчаларини илаштириб, ҳавода муаллақ ўйнатарди. Маҳкам ака яланг қават пешматининг икки барини шамол учираётганини ҳам, шабада кўкрагига муздек тегаётганини ҳам пайқамас, тугмаларини қадаб олиш хаёлига келмасди. Трамвай айланасига яқинлашганида майдоннинг ўртасида гирдоб кўтарилиб, кўкка бўй чўзди, ҳавони қуюқ чанг-тўзон қоплади. Тугун кўтариб келаётган аёлнинг бошидаги рўмоли учиб кетди. Баланд ортилган яшиклари лапанглаб бораётган машина юки ағдарилиб, майдон ўртасида таққа тўхтади. Қўш қаватли бино деворига ёпиштирилган плакатнинг ярми кўчиб, осилиб қолди. Йўлкада бораётган Маҳкам аканинг кўзи ялт этиб плакатга тушди. Югуриб бориб кўчган томонини ёпиштиришга уринди. Икки учини ушлаб, кўтарди-ю, беихтиёр унга тикилиб қолди: Вир қўлида чақалоғини кўтарган, иккинчи қўлини чўзиб, кўрсаткич бармоғини найза қилган аёл Маҳкам акага тик қараб турарди. Унинг оловдек ёнган кўзлари, чеҳрасида газаб, бошидаги одми рўмолини ҳам, кенгина кўйлагини ҳам бўрон учираиб кетмоқчидай. Чақалоқчи, чақалоқ? Унг қўли билан онасининг бўйнидан маҳкам ушлаганича беғубор кўзлари жавдираб турарди. Маҳкам ака тагидаги ёзувни ҳарфма-ҳарф ҳижжалаб ўтирмади. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди ҳозир. У, қўлини тортгандагина, бино ёнига плакатни

ёпиштириб қўйиш учун ўтганини эслади. Шөшиб қолди. Худди ўзи кўчириб юборгандек, олазarak бўлиб, ён-верига қараб қўйди. Бўрон тобора кучайиб борар, ёпиштиришнинг сира иложи йўқ эди. Шу алфозда бирпас плакатни кафти билан босиб турди. Кейин қўлини силкиб, тўғридаги сув будкасида турган қизчани чақирди: «Мих олиб кел, мих!..» деди овози борича. Бир амаллаб плакатни ёпиштириб, кўнгли тинчиди-да, ўйчан кўзлари билан қизга қаради: «Шу ерда туриб, қарамабсиз-да, қизим». Ўгирилиб суратга яна бир назар ташлади-да, трамвай бекатига қараб кетди.

Одам кўп, вагонларга сиғишмас, ёш-яланг туғул, кап-катта кишиларгача зиналарига чиқиб, осилиб келишарди. Маҳкам аканинг юраги сиқилди, ўзини шу тўдага уриб, трамвайга чиқса, димиқиб кетадигандай бўлиб туюлди.

Шамол боягидан пасайиб, ёмғир ёға бошлади. Булут қуюни ҳадемай челақлаб қуйиб юборишини ҳам унутиб, йўлга тушди. Йўлкадан юриб борар экан, ҳамон хаёли бояги суратдаги гўдакда эди. Аввалига кўзига ғира-шира кўринган бола энди тирикдай унга талшиниб, мадад кутаётгандай. Кўчадаги йўловчиларга парво қилмас, ҳар замонда ўтиб қолган автомобилнинг кучли сигналигина қулоғига кириб, чўчитиб юборар, машинага, унинг гилдираги остидан сачраган лойга бир қараб қўярди-да, яна йўлида давом этарди. Жарариқ кўчасига қайрилганда ёмғир зўрайди, ивиган кийимларидан буғ кўтарила бошлади.

Чуқур хаёлга толган Маҳкам аканинг мияси ғовлаб, гангиб қолганди. Маст кишидай босган қадами билмас, гоҳо кўз олдидаги нарсани кўролмаб қоларди. Шу алфозда толлар экилган ариқ лабидан бора туриб тийганиб кетди, гурсиллаб йиқилди. Бир нафас кўз олди қоронғилашди. Ўзига келиб, турмоқчи бўлганида, чап оёғи тийганиб, яна ўтириб қолди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган саккиз-тўққиз ёшлар чамасидаги бир бола қўлидан ушлаб олди.

— Туринг, амаки.

— А?! Кимсан?— Кўзларини катта очиб болага қаради. У икки қўллаб, Маҳкам акани кўтармоқчи бўларди-ю, кучи етмасди. Маҳкам ака чап қўлини ерга тираб, оҳиста ўрнидан турди, болани танимади.

Ерда ётган папкага кўзи тушди, уни қўлига олиб, пешматининг бари билан лойларини арта бошлади.

— Қўяверинг, ўзим товалаб оламан,— деди бола папкасига қўл чўзиб,— ёмон тушдингизми, амаки?

— Ҳечқиси йўқ, сирғанчиқ экан-да, ма, папкангни ол, мактабингга кеч қолма.

— Йўқ-йўқ, эрталабкиман-ку, уйга кетвотман.

— Шунақами. Яхши, яхши. Отинг нима?

— Талъат.

— Кимнинг ўғлисан?

— Назир аканинг.

— Отангга раҳмат, барака топ.

— Дадам урушга кетдилар.

— Э, шунақами?

Талъатнинг бу сўзларида ўксинишдан кўра болаларга хос гурур бор эди. Маҳкам ака болани қўлидан етаклаб йўлкага ўтди. Утган куни маҳалладан яна тўрт йигит фронтга жўнаган эди. Маҳкам ака кўплар қатори йигитларни кузатишга чиқди. Ушанда ҳам ҳозиргидек эзилмаганди. Бегона бир боланинг шу сўзлари унга қаттиқ таъсир қилди. Яна ўша бомбардимон бўлган шифохона, инграб ётган гўдакларни эс-латди.

— Сен яхши ўқиб турсанг, ойингнинг сўзига кирсанг, даданг тез қайтади, тушундингми,— деди Маҳкам ака боланинг дўпписини тўғрилаб.

— Яхши ўқийман. Дадамга ўзим хат ёзвотман-ку. Уч бурчак конверт қилишни ўрганиб олдим. Ўзизни ўғлиз ҳам яхши ўқийдими?

— А?— Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетди, шошиб қолди,— ҳа-ҳа, яхши ўқийди,— дея гапни бошқа томонга бурди,— девор тагидан юргин, бу ер тийғанчиқ экан.

Шу пайт пастлаб учиб ўтган самолётнинг овози ер-кўкни ларзага келтирди. Талъат овозининг борича, «самолёт, самолёт, қанотингни пастлаб ўт, мен дадамга хат ёзай, сен дадамга ташлаб ўт», деб турган ерида сакрай бошлади. Маҳкам ака, боланинг ҳаракатларига қараб туриб, кўзидан бир-икки томчи ёш чиқиб кетганини пайқамай қолди. Жонҳолатда шалаббо енги билан кўзларини артди. Талъат ўнг томондаги тор кўчада кетаётган болаларни кўриб, Маҳкам акани ҳам унутди, белигача лой сачратиб, орқаларидан чо-

пиб кетди. Маҳкам ака болалар кўздан ғойиб бўлгунча ўша томонга қараб қолди.

Уруш бошланганидан буён Маҳкам ака ҳар кўчага чиққанида бир-биридан хунук гаплар эшитиб қайтар, кўпинча сузилган овқатлари совиб қолиб, хотинига айтиб берар, душман босиб олган шаҳарлар, вайрон қилинган корхона, уй-жойлар, пайҳон этилган дала-лар, боғлар... Гап шундан нарига ўтмасди. Эр-хотин бир-бирларига қараб уф тортишарди-ю, индамай ўти-раверишарди. Аммо Маҳкам ака, урушнинг нима эканлигини бугун бутун вужуди билан ҳис этгандай, энди уруш унинг уйига ҳам кириб келгандай бўлди, кулгисидан кўк жаранглайдиган қувноқ гўдакларга-ча бўғизлаб ташламоқчидай бўлиб туюлди.

Боғ кўчадан ўтиб, уйига яқинлашганда, ёмғирнинг шахти пасайган эди. Эшикдан кириши билан ҳовлида хотинининг аллакимни шанғиллаб қарғаётганини эшитди: «Шунақа бола ўстиргандан ўстирмаган яхши. Томма-том сакрагани етмагандай олманинг шохини синдирганига ўлийми. Тағин бўйнига олмийди-я. Шамол ўлсинки келиб-келиб шундоқ катта шохни синдирса, коп-котта хотин андиша деган нарсани билмайди-я. Тилини беш қарич қилганига ўлийми...»

Маҳкам ака йўлакда тўхтаб қолди. Хотинининг гапи шу ерга келганда кўча томонданми ёки боғ чеккасидаги девор орқасиданми қўшни аёлнинг овозини эшитди: «Ҳой, оғзингга қараб вайса. Боламга тил тегизма, бели оғримаган. Худо билиб сенга фарзанд бермайди, тирноғига зор бўлиб ўтяпсан-ку». «Шунақа фарзанд берганидан бермагани яхши...»

Маҳкам ака ортиқ чидаб туролмади, ҳовлига кирди. Этагини липпасига қистириб, тўкилган олмаларни териб юрган Меҳриниса оғзидаги оғзида, эрига қараб ағрайиб қолди.

— Ҳой, нима бўлди сизга, коп-котта киши йиқилиб юрибсизми?

Маҳкам ака, қовоғи солиғлигича, хомуш айвон лабига борди, хотинига қайрилиб қарамади.

— Ҳой, нега индамайсиз, қаёқда эдингиз?

— ...

— Болаларнинг дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Маня буни қаранг. Шундоқ шохини синдириб-

ди-ю, тагин онаси тилини бермайди. Эркак бўлиб, мундоқ гапириб қўйсангиз нима бўлармиш.

— Оламда нима ташвишу, сен ниманинг жанжалини қиласан-а, хотин!— Маҳкам ака шундай деди-ю, айвонга чиқиб кийимларини ечди. Ичкарига кириб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

Кеч кириб, қош қорая бошлади. Дарахт шохларини ширтиллатиб узгудай ёққан ёмғирнинг тинганига анча бўлди-ю, осмон пардаси очилмади. Қорамтир булутлар қуюқлашиб, тобора пастламоқда, азим дарёдек шарққа томон жадал оқиб бормоқда. Бундай пайтда кенг ҳовли тунги ўрмон тусига кириб, даҳшатли бир манзара касб этарди. Ҳаводаги гард-ғуборни ювиб, танга роҳат бахш этган асад ёмғирининг ёқимли шабадаси узоққа бормади. Ҳаво дим бўла бошлади. Боятдан бери яланг қават кўрпачага кўкрагини бериб, ёстиқни қучоқлаб ётган Маҳкам ака димиқиб кетди, оҳиста ўрнидан турди. Хонтахтага тирсақларини тираб, ўчоқ боши томонга тикилди. Ошхонада хотинини кўрмади-ю, милтиллаб ёниб турган чироқнинг тутун орасидаги шуъласига кўзи тушди. Бу чироқ ҳозир унга узоқ ўтмишни эслатди: ёш бўлса ҳам эсликкина эди. Мана шунақанги эрта куз кунларидан бири. Етти ўғил-қиз гужанак бўлиб уйнинг тўрида ётишганди. Вақт хуфтондан ошган. Маҳкамнинг онаси пилта чироқ ёнида ўтириб, ямоқ ямар, отинбибилар қуръон ўқигандаги сингари пинғиллаб аллақандай мунгли нарсани айтиб ўтирарди. Маҳкам нималигига тушунолмас, ҳар қалай бу ашула эмас, қандайдир йиғлоқи нолиш эди. Чироқнинг димоқни ачитувчи дуди бутун уйни қоплаганди. Шу пайт шапалоқдай эшик занжири шарақлаб, дадаси Аҳмад ака кириб келди. Келди-ю, кийимларини еча туриб, хотинидан сўради:

— Отга ем бердингми?

— Йўқ, нимани бераман.

— Уф... Эрта чоршанба шартта бозорга олиб тушсаммикан-а?

— Вой, нима деяписиз? Отни-я? Биттаю битта суляганимиз ўша-ку.

— Боқолмаганимиздан кейин суянчиқ бўлармиди.

— Қўйинг дадаси, ажаб эмас бу кунлар ҳам унут бўлиб кетса. Отдан айрилсак... кетидан аравани ҳам сотарсиз.

Аҳмад ака болаларига бир-бир қараб чиқди-да, чеккада ётган Адолатнинг устини ёпиб қўйди. Кўзи энди уйқуга кетай деган Маҳкам ёнига ўгирилиб олди, отнинг сотилиши ҳақидаги гап уйқусини қочирди.

— Ҳокимбек билан гаплашувдим,— деди Аҳмад ака хотинининг ёнига ўтириб,— хуфтондан чиқишда ўзи оғиз очиб қолди.

— Нима дейди?

— Уйимга олиб кетаман. Шогирд бўлгандан кейин кеча-ю кундуз устаси ёнида бўлмаса ўрганолмайди, дейди.

Хотини ўғлидан ҳозироқ айрилиб қолаётгандек, шошиб у ётган томонга қаради.

— Нима дедингиз?

— Уйлаб кўраман дедим. Эплаёлармикан-а?

— Эпласаям, эплай олмасаям бировнинг уйида етимчадек бошини эгиб юришини ўйланг, дадаси,— у шу сўзни зўрға айта олди. Упкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— О-ла, сенга маслаҳат солганимни қара-ю. Ҳалитдан кўз ёши қилсанг, бўлган экан тоза.

— Шундоқ дейсиз-да, ҳеч нарсани кўрмаган, ҳали ўн ёшга тўлмаган бола.— Яна пиқиллаб йиғлай бошлади.

Аҳмад ака хотинини юпатишга уринди.

— Ахир буткул қолиб кетмайди-ку, келиб-кетиб юради. Қурбимиз етса кошки эди ўқитсак. Қатнаб юриб ҳунар ўргаттирсак. Қўл қисқа бўлгандан кейин не иложимиз бор. Ҳадемай уч-тўрт йил ўтиб ҳам кетар, ҳунар ўрганиб, қаторга кириб қолади-ку.

Хотини индамади. Кўз ёшини ютиб, ямоқдан кўз узмай ўтираверди.

Бу гаплар ўзи ҳақида эканини пайқаб ётган Маҳкамнинг уйқуси бутунлай қочди. Шунча уринса ҳамки, гапнинг поёни нимага келганини билолмади.

Орадан бир ҳафта ўтди. Чоршанба куни эрталаб Аҳмад ака ўғлини етаклаб темирчи Ҳокимбекникига олиб борди. «Гўшти сизники, суяги бизники», деб шогирдликка ташлаб келди. Маҳкам бегона хонадонда

Ўтказган кунларини ҳозир эсласа, кекса ҳолига қарамай, хўрлиги келиб, ўпкаси тўлади. У гўдаклигига бориб хом ўйлаган экан. Устанинг ёнида бўлиб, иш ўрганаман деб юрганди. Иш устахонадан эмас, молхонадан бошланди. Тонг қоронғисида уйғотишар, кеч қоронғисигача уй юмушларини қиларди. Уйдагилардан яшириниб, пана жой топилганда дадалаб-ойилаб йиғлаган пайтлари кўп бўлди. Уч ой деганда устаси уйига бориб келишга ижозат берди. Меҳрибон она эшикдан кириб келган ўғлининг аҳволини кўриб, юраклари ачишди. Кўзлари ич-ичига тушиб, юзларида қон қолмабди, назарида бўйи чўзилгандай бўлиб кўринди. Индинига, устаникига қайтиб кетар куни Маҳкам бормайман, деб туриб олди. Қўллари билан юзини бекитиб, шашқатор йиғлаб юборди. Юбормай начора. Оиланинг аҳволи танг, бунинг устига дадасининг ўзи қўш қўллаб шогирдликка топшириб келган, «гўшти сизники, устихони бизники», деб лафз қилган, фотиҳа берган-ку...

Маҳкамнинг етти баҳори Ҳокимбек устаникида ўтди. Етти йил мобайнида бир ҳафта, ўн кунгина уйда, севимли отаси, меҳрибон онаси бағрида, укалари ёнида бўлолмади. Ҳар уч ой деганда, қафасдан қутулган қушдай қанот қоқиб турар, бир кунгина уйига келиб ётиб кетарди. Ўз уйига бегонадек меҳмон бўлиб кириб келарди-я. Кела солиб онасининг қучоғига отилар, кейин укаларини қучоқлаб, ўйинга берилиб кетарди. Аммо дастурхон ёнига ўтирдими, лоп этиб устаси эсига тушарди. У ерда талашиб-тортишиб еёлмасди. Бир нафасгина ўйнаш қаёқда. Овқат устида бошини эгиб, олдига суриб қўйишганига қаноат қиларди. Сал ўтириб қолгудай бўлса, устанинг хотинидан эшитадиганини эшитарди: «Бўкиб қолдингми, очопат, тур ўрингдан, терт тайёрла...» Ҳаммасидан бир гал «тирик етим», деб қаргагани жон-жонидан ўтиб кетди. Ўша кечаси йиғлаб чиқди. Тун ярмида қочиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, устадан қўрқди. Буларнинг қайси бирини онаси ё отасига айтсин. Ичига соларди. Устаникида тонг ёришгандан қош қорайгунча тиним йўқ — дам босиш, босқон уриш, сув ташиб, ўтин ёриш, молга қараш, бола боқиш — шуларнинг ҳаммаси унинг зиммасида эди. Қилмай кўрсин-чи. Отасидан емаган калтак, онасидан эшитмаган қарғишга қолади. Она бечора

Маҳкамнинг у келишидан бу келишигача кўчага кўз тикиб, интизор бўлар, хўрлиги келиб йиғлаб оларди. Аҳмад ака ҳам ич-ичидан эзиларди, ўз қилмишидан пушайман бўларди-ю, хотинига сездирмай, ўзини оғирликка соларди. Охири уни сабри чидамади. Қайниси Ғуломжонга ҳасрат қилувди, у Маҳкамни олиб келишга маслаҳат берди. Икковлари Ҳокимбек устаникига боришди.

— Одам деган шунчалик бесабр бўлурми? Яна икки-уч йил қўйинглар, боланинг қўлидан иш келади-ган бўлсин,— деди Ҳокимбек бамайлихотир ёстиққа суяниб.

Аҳмад аканинг ранги ўзгариб, мўйлари дивкайди, ўрнидан сакраб туриб, мушт туширишига сал қолди.

— Қўйинг-э, Ҳокимбек, сиздан шуни кутмаган эдим,— деди ўзини босиб олгач,— етти йил деганда ҳунар ўргатолмаган, икки йилда ўргатмоқчимисиз. Инсоф ҳам керак-да. Болани қул қилиб берганим йўқ-ку, сизга.

— Ана шу-да, ҳали хизматга туҳмат қилмоқчи-ман денг. Тавба. Едирсанг. Ичирсанг...

Ғуломжон зийраклик қилиб, Аҳмад акани олиб чиқиб кетмаганида хунукроқ воқеа рўй бериши турган гап эди. Йўлда Аҳмад аканинг ранги ўзига келиб, титроғи босилгунча Ғуломжон индамай борди.

Шундан кейин орадан икки ҳафта ўтиб, Маҳкам одатдагича уйига келганида, дадаси уни устаникига юбормади, қўйди.

Маҳкам дадасининг, «ўғлим ҳунар ўрганса, ёнимга кирар», деган катта орзуси рўёбга чиқмаганидан қаттиқ хафалигини биларди-ю, унга бир нарса деёлмасди. Нима ҳам дерди. Барибир Ҳокимбек яна ўн йил олиб турганида ҳам мустақил асбоб ясашга қўярмиди? Агар дадасига шуларни айтса борми, бўлади жанжал...

Маҳкам устаникида мустақил ишламаган бўлса ҳамки, кўзи пишган, қўли кўп нарсага ўрганиб қолган эди. Аммо бунга устасига билдирмасди. Уйда ўз ҳолича ивирсиб юриб, темир-терсақлар йиғди, асбоблар топди, ишлай бошлади. Аҳмад ака ўша ҳафсаласи пир бўлганича ўғли нима қилаётгани билан қизиқмади ҳам. Бир неча кун ўтди. Маҳкам онаси самоварга

олиб қўйган писта кўмирни ишлатиб қўйиб, гап ҳам ёшатиб олди. Укасига дам боестираман деб, кўйлагига учқун сачратиб юборди, яна жанжал чиқди. Таниш бир темирчининг эски дамини сўраб олиб ўрнатган эди, сам орада эгаси сўраб келиб қолди...

Барибир Маҳкам тинмади, тақачиликка тушиб, бир чети учган сандон кўтариб келди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин эски, чоғроқ дам ҳам топди. Охири устасиникида кўрган асбобларидан бир нечта тўқа, пуштанҳалқа, эгар-охонжамалар ясади. Чоршанба кунини барвақт туриб, ясаган асбобларини кўтариб, тақачиликка — бозорга отланганида, Аҳмад ака «гўдаклик қилма», деб койиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, ўглининг шаштини қайтаришни истамади, ётиги билан гапирди:

— Шошма ўғлим, қани халтангни оч, кўрай-чи, тагин бозордагилар мазах қилишмасин.

— Мана,— у халтани ағдарди,— устам «буларни ясашга ҳали ақлинг етмайди, етганда ҳам шогирд устанинг ризқига шерик бўлса, катта гуноҳ бўлади», деб тайинларди-да. Қўрқманг, мазах қилишмайди.

Аҳмад ака пуштанҳалқаларни кўздан кечираркан, қўлида темир асбоб эмас, заргарлик буюмлари тургандек севиниб кетди.

Маҳкам ҳаётинда биринчи марта уйга рўзгор қилиб бергани шу чоршанба кунини эди. Онаси севинганидан бир хокандоз чўр устига тутнинг айрисидан турган катта боғлам исириқни солиб, ўғлига тутгани Маҳкамнинг сира эсидан чиқмайди.

— Шошма ўғлим, қани, халтангни оч, кўрай-чи, тақачиликда янги одам — Маҳкам исмли темирчи йигит пайдо бўлди. Билганлар: «Аҳмад аравакашнинг ўғли кўпам уста чиқибдимиз, ясаган сўлиғини қара, ишлов бериш мана мундоқ бўпти» дейишса, билмаганлар ажабланарди: «Ёқангни ушлайсан киши. Ҳоқимбек ҳам шогирд чиқараркан-а, тавба», дейишарди.

Ойлар, йиллар ўтди. Маҳкам уйланди, уйли-жойли бўлди. Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йилларда Қизил Армия отлиқ қисмларининг буюртмаларини бажараётган темирчилар уюшмасига бирлашиб, эгар-охонжамалар тайёрлаб беришда қатнашди. Мана, бир неча йилдирки, Маҳкам ака ҳам, хотини

ҳам темирчилик артелининг ҳурматли кишиларидан ҳисобланади.

Фақат... Бутун гап шунда. Икки қўлини қўлтиғига қисиб, ўчоқ бошидаги милтиллаган чироққа тикилганича хаёл суриб қолганининг боиси шу. Фарзанд кўрмади. Ёнбошлашга ёстиғи, қад ростлашга суянчиғи йўқ. Қариганда билинар экан бу айниқса.

Меҳринисанинг овқатни сузиб, ошхонадан чиқиши Маҳкам аканинг хаёлини бўлди. Эри кўчадан келгандан буён боягидан бўлак гап эшитмаган Меҳриниса чинни косадаги шўрвани хонтахтага қўя туриб сўради.

— Эт-бетингиз оғривоттими, ёстиқдан бош кўтармадингиз?

Маҳкам ака нон бурдалаётган хотинига маъноли тикилди.

— Дилим оғривотти.

— Дилим?!

— Ҳа.

— Дил оғриғи қаёқдан чиқди?

— Сенинг тилларингдан.

— Бир нима бўлдимиз сизга, ман нима дедим?

— Дарахт-ку, инсон қўли билан вояга етади, уввало дарахт инсонни яратолмайди. Уша сан койиган бола ажаб эмас, катта бўлганида кўз илғамайдиган поёнсиз мевазор яратса.

— Яратса, яратар, манга нима. Олмаларни қийратиб, синдириб кетса идамай турайки. Маниям меҳнатим сингган.

— Дарахтга сингган меҳнатингни ўйлабсану, болага сингган меҳнатни ўйламабсан-да.

— Сизам таъна қилвотсизми?— хўрлиги келиб, кўзига ёш олди.

— Таъна қиладиган бўлсам, илгарироқ қилардим. Пешанамизга фарзанд битмаслиғи иккимизнинг ҳам катта бахтсизлигимиз. Начора. Бунисини айтаётганим йўқ. Узингга ўхшаган бир мўминнинг дилини оғритганингга хафа бўлдим. Уша фарзанд саники бўлганида нима қилардинг? Бир ўйлаб кўргин-а.

Меҳринисанинг кўзларидан дув ёш тўкилиб, коса юзидаги ёғ пардаси устига бир-икки томчиси тушди. Аввалига баланд келиб, эрига сўз бермай турган Меҳринисанинг бағри эзилди, кўзларидаги ўкинч ёшлари;

дард-алам ёшларини рўмолининг учига тўкканича жим ўтирарди. Унинг шу топдаги ҳолати билан кундуз кунги шаддодлиги ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Гўё унда бағритош эди-ю, ҳозир эриб кетгандай.

Болалик уй бозор, боласиз уй мазор, дейдилар. Бироқ бу мақол оилага жуда ҳам тўғри келмасди. Шу ёшга келиб эр-хотин ўртасида фарзанд туфайли низо чиқмаган. Эр-хотин ширин, аҳил турмуш кечириб келишаётибди. Ҳар гал гап фарзандга бориб тақаладиган бўлганида ё Маҳкам ака ён бериб кўчага чиқиб кетар, ё Меҳриниса гапдан қолиб, бошқа нарсага алаҳсирди. Аммо ҳар иккаласининг юрак дарди бир олам эди. Маҳкам ака ўзича эзиларди, хотинига айтиб, унинг кўнглини бузишни истамасди, Меҳриниса ўзича ёнарди-ю, эридан яширарди. Тожихонга ўхшаганлар бефарзандликни ўртага ташлаганда, Меҳриниса ачитиб жавоб берса ҳам, барибир кейин ич-ичидан эзиларди, якка қолганида йиғлаб ҳам оларди. Маҳкам ака бўлса, айниқса, кейинги йилларда маҳалла-кўйдаги тўйлардан ўзини четга оладиган бўлиб қолди. Қайси фарзандининг тўйини ўтказиб, эл-юртга ош бера оларди? Ҳар бир тўй, кишиларнинг орзу-ҳаваслари унинг қалбини тирнаб ўтарди-ю, сездирмасди. Қўниқўшнилар тўйга чиқиб кетаётганда Маҳкам ака аллақайси, узоқ бир танишининг номини айтиб, ўшаникига кетарди. Меҳриниса билиб турарди-ю, «майли, ҳаяллаб қолманг...» деганича орқасидан кузатиб қоларди.

Икки қалбдаги бир хил дард ҳозир хуруж қилиб келди-ю, хайрият ловилламади. Фақат Меҳринисанинг «таъна қилдингиз», дейишигина ўртага диди хиралик солди. Шўрва совиб қолди.

ТўРТИНЧИ БОБ

Кумуш тонг худди сайроқилар навосини кутиб тургандек, бири олиб, бири қўйиб хониш қилаётган ошён—ҳов анави толзор ортидан оҳиста ёришиб, улар истиқболга пешвоз чиқди. Кейин Салтанатнинг тепасига келиб, ҳарир этакларини ёйди, қизнинг юзларини сийпалаб эркалади, оппоқ билакларидан ушлаб ўрнидан турғизди. Йўқ. Тонгни бошлаб келган, уни

ёриштирган сайроқилар хонишимас, Салтанатнинг ўзи, унинг ноласи бўлди. Тезроқ тонг отсин деб озмунча азоб чекдимми у. Оламни кезиб чиқди-ку. Тагидаги олма гулли яланг қават кўрпача, учар гилам, оппоқ момиқ ёстиқ қучоғига кириб, ҳамроҳ, ҳамдари бўлди. Озмунча йўл юрдими, ўй сурдимми? Кеча дадасидан хат келиб, ўзининг ҳам, онасининг ҳам анча кўнгли таскин топган эди. Шу важдан бўлса керак, ҳар кеча алламаҳалгача уйғоқ ётадиган онаси бу кеча барвақт уйқуга кетди. Унинг кўзи юмилиб, гўдаклардай енгил, ёқимли пишиллай бошлаши биланоқ, Салтанат учар гиламга ўтириб, ёстиқни қучоқлаганича, сафарга жўнади... фронтнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқди, дарёлар кечди, тоғу тошларни кезди, ўрмонзорларга кириб борди. Ҳеч қаерда акажони Сирожиддинни кўрмади. Нуқул кир токчадаги рамкада турган расми кўз олдига келаверди. Бормикан? Қаерларда юрган экан? Омон бўлса нега хабар бермайди? Ё душман қўлига тушиб қолгану, хат ёзолмаётганмикан? Номинг ўчгур уруш. Сен бўлмаганингда акажоним хизматини битириб, шу кузақда келарди. Вокзалга ўзим чиқиб кутиб олардим. Бора солиб бўйнига осилиб, секин билинтирмай тагдўзини кийгизиб қўярдим. «Шошма, ҳарбий формам бузилади, кейин кияман», деганига ҳам қарамасдим, ният қилган эдим, дердим. Қўлтиқлаб олардим, уялмасдим. Албатта, буни Ботир акам ҳам кўрарди. Акажонимнинг бошидаги дўппига кўзи тушарди, унинг кўзига тикилардим. Дўппига ҳаваси келадими, йўқми, билиб олардим. Иннайкейин худди шу нусхадан янги тикаётганимни битказиб... Акажоним. Қаердасиз? Еки... Йўқ, йўқ!..»

Салтанат беихтиёр ёшланган кўзларини пирпиратиб, онасига қаради.

«Хайрият дадамдан хат келди,— дерди у ўзига ўзи онасига тикилиб,— бўлмасам ойим бечора адо бўларди. Зора энди акажонимдан ҳам хабар келиб қолса. Ажаб эмас, дадам дарак топсалар. Ўзлари ёзибдилар-ку. Фронтга яқин шаҳардамиз, дебдилар-ку. Ҳа, дадам шўрлик ҳам бизларни тинчитишга ёзганлар. Яна, хатларида, «ойла бошлиғи, суянган тоғим сенсан, қизим. Оғир. Начора. Ўзингга эҳтиёт бўл, болшим», дебдилар. Бу гапни қаёқдан эшитганикинлар,

билолмайман, Ботир акам ҳам нуқул, «болишим» деб ҳазиллашадилар. Боринг-э, мен фақат дадамларга болиш бўламан дейишимга қарамай, баттар қиладилар. «Дадангиздан ана шу болишни тортиб олмоқчиманда», дейдилар нуқул. Индаёлмай қоламан. Ҳа, ойим айтганларидек, ношукур эканман. Мана энди Ботир акамни ҳам кўп кўрди. Лаънат сенга уруш. Қандай бало экансан, ким ўйлаб чиқарган сени? Бутун орзу-ўйларимни чил-чил қилиб юбординг-а... Менга ўхшаганлар озмунчами юртда...»

Яна дув этиб ёш тўкилди ёстиққа. Салтанат чўчиб, онасига қаради. Қаради-ю, тикилиб қолди. Боя дарахтлар орасидан мўралаётган ой тиккага келиб, супани, айвонни, бутун ҳовлини ёритиб юборганди. Онаси кулиб ётарди. Салтанатнинг хаёли бўлинди. Назарида онаси уйроғу, ўзини ухлаганга солиб ётгандай, кулгисини тўхтатолмаётгандай туюлди. «Ойим бечора туш кўряпти. Кимни кўраётганикинлар? Акажонимними? Ё дадамними? «Оламда сен бору, мен бор-да, новвот», дердилар нуқул дадам. Шунда ойимлар худди мана ҳозиргидай жуда чиройли кулардилар. Хафа бўлиб турган бўлсалар ҳам, ҳатто йиғлаб турган бўлсалар ҳам дадам шундай дедиларми, бўлди, кулиб юборганларини ўзлари ҳам билмай қолардилар, кейин эсларига тушиб, «даданг аломат-да, қизим», деб қўярдилар. Эҳтимол, ҳозир тушларидаям дадам шундай дегандирлар. Ойим бечора ҳаммамизни ўйлайди. Ботир акамни ҳам ўйлайди. Бошига кулфат тушганда қандоқ куйди ойим. «Бола бечоранинг пешанаси шўр экан. Уйланганида ҳам бир нави эди...» дедилару, аслида, «тўйларинг бўлганда ҳам майлийд», деган маънода шундай деб ачиндилар. Билдим. Тиялари шундай дегани билан диллари менинг ўйлаганимни айтиб турарди. Кичкина болаמידимки, сезмайман. «Эгачим шўрлик битта шу бола деб бутун умрини бева ўтказувди, оғзи энди ошга етай деб турганда, ажал бошга етиб турса, бир бало-да. Беш кунгина фарзандининг роҳатини кўра қолса нима бўлувди. Бевафо дунё экан, болам. Мана энди қарабсанки, фалакнинг гардиши билан Меҳриниса тайёр ошга баковул бўлиб ўтирибди. Ким билади дейсан, худо шундоқ хоҳлаб қўйган бўлса, бандасининг қўлидан нима келарди...»

— Ойи, қўйинг шу гапларингизни. Меҳри холамининг қулоғига етса.

— Вай болам, эсимни ебманми бировга айтиб, сирасини гаширвотман-да. Азрўзи-азалдан пешанага шу битилган экан, бўлмай иложи қанча. «Сен эрингдан ёш бева қолсанг ҳам, паҳлавондек ўғил билан қолдинг. Синглингнинг эри бўлгани билан фарзанди йўқ. Энди гал унга. Ўғлингни қўш қўллаб унга топширгинда, кўзингни юмгин», дегани бўлади.

Салтанат ўшанда онасининг бу гапларига тушунолмаган эди. Ё «тўйларинг бўлганида Ботиржон Меҳринисаникига келмасиди», деган маънода айтганмиканлар?

У яна онасига тикилди. Юзларидан бояги кулги қочиб, енгил пишиллаб ётарди.

«Ҳали ойим билмайдилар. Билиб қолсалар нима бўлади? Ҳали Ботир акамнинг ўзи ҳам билмайди. Қандай қилиб айтаман-а?..»

Салтанат оғир хўрсиниб, чалқанча тушиб ётиб олди. Осмонга тикилди. Кўзларидан чиққан ёш икки чаккасида иссиқ из қолдириб, қулоқларига, бўйнига тушди. Ой оғиб борарди. Тиниқ юзидаги доғлар Салтанатга нима учундир тўладан келган, ўрта бўй, ҳомиласи қадди-қоматига жуда ярашган, оппоқ юзли чиройли жувоннинг юзлари, бурнининг икки ёнига туташган доғларни эслатди. Бундай ўхшатиш қаёқдан келди миясига, ўзи ҳам ҳайрон. Ой бамисоли шу жувон эди. У ҳозир фарзандларини етаклаб, кенг осмонда сайр қилиб юрибди, ана, у бамайлихотир ётоғига кетяпти, қувноқ болалари якка-якка, тўда-тўда бўлиб она атрофида парвона, тиниқ кўзларини пирпиратиб, унинг кетидан кетишяпти...

Салтанат юлдуз санаё бошлади. Янглишиб кетди. Яна санашга тушди. Бу гал ҳам бўлмади. Қайта-қайта уринса ҳам адашиб кетаверди. Шу пайт бир юлдуз жойидан узилиб, узун из қолдириб, пастга учди, толзор ичига тушиб сўнди. «Эҳ, бевафо... Кимнинг ёстиғини қуритдинг!» деб юборди ўзича. Беихтиёр овози чиқиб кетганидан чўчиб, ялт этиб онасига қаради. У беозор ухлаб ётарди.

Салтанат бошини ёстиққа буркаб, ухламоқчи бўлди. Бу ҳам бўлмади, димиқиб кетди, кўзларини юмиб ётди. Қани уйқу келса. «Ёз кечалари бир тутам, кўз

очиб юмгунча ўтиб кетади», дейишарди. Бир тутамлиги шу бўлса, қишинг узоқ кечаларини уйқусиз ўтказиш қанақа бўлар экан?

Яхшиям осмон тўла юлдуз-а. Бўлмаса юраги тарс ёрилиб кетармиди. Санаб-ку саноғига етолмади. Энди улар билан суҳбатлаша бошлади. Ҳув анави чарақлаб турган, тикилган сари нури кўзни қамаштирадиганига пичирлаб, ёш қалбидаги ҳасратларини айтиб берди. Юлдуз ҳам унга далда бериб, киприklarини пирпиратди, қизнинг ҳасратини қимир этмай, йўл юрса ҳам сездирмай, унинг фикрини бузмай оҳиста одимлаб эшитди. Иккинчисига кетма-кет саволлар берди, жавобини бўлса яна ўзи тўқиб ўзи эшитди. Учинчи юлдуз ҳадеб пирпираб, гоҳ ёришиб, гоҳ хиралашиб ғашига тега берганидан уни енгилтабиатга чиқариб қўйди. Тўртинчи юлдузга энди кўз ташлаб, бир нима демоқчи бўлганида, у виз этиб учиб, сал нарига бормаи сўнди. Унинг юраги увишди-ю, дарров ёруғ юлдузга нигоҳини ташлади.

Ой толзор ортига ёнбошлаганда беданаларнинг овози авжига чиқди.

«Хайрият,— деди ўзига ўзи пичирлаб Салтанат,— ахир тонг оттирдим-а».

У оҳиста ўрнидан туриб ариқ лабига борди. Туни бўйи ҳамроҳи бўлган юлдузларни чил-чил синдириб оқаётган сувга тикилиб қолди. Ҳовучлаб олиб, шалоплатиб юзларини ювмоқчи бўлди-ю, ойисини уйғотиб юборишни ўйлади. Обдастага сув тўлдириб, ҳовлининг этагига, олма тагига бориб юз-қўлини ювди.

Кеча кечқурун кулини қоқиб, сув тўлдириб қўйган самоварга олов ташлар экан, қўлидаги тараша ғишт устида турган карнай устига тушиб, тарақлаб кетди. Қандолатбиби чўчиб уйғонди, кўзини оча солиб, ёнига қаради, қизини кўрмай, бошини кўтарди.

— Уйғотиб юбордим-а, ойи?

Қандолатбиби самовар карнайидан буруқсаб чиқиб, ҳовли кўкида атрофга ёйилаётган қуюқ тутунни кўриб, ҳайрон бўлди. «Каллаи саҳарлаб самовар қўйибдими, ўрнини ҳам йиғмай-а?.. Ҳа, бошини ювиб олмақчи бўлса керак», дея ўзига ўзи жавоб қилди-да, туриб ўрин йиғишга тутинди.

— Ойи, ўзим йиғаман, қўяверинг.

— Самоварингга қара. Йиғиб қўяман.

Салтанат айвонга жой қилиб, хонтахтани келтириб қўйди. Дастурхонни ёзиб, уйга кириб кетди. Кииниб чиқди. Ювиниб айвонга кўтарилаётган онасига салом берди.

— Ҳой, у ёқ-бу ёққа борадиганмисан?

— Ҳа.

— Шу топда-я? Қаёққа?

— Иккита хат бор. Кечқурун эгаларини тополмовдим. Ишларига кетиб қолишмасин, вақтлироқ етказай.

«Яхшилиқ хабарки борми, зудлик билан етказ, болам, сира вақтингни аяма, кўзлари тўрт бўлиб ўтиради, бечоралар», дейишга одатланиб қолган она:

— Майли, қизим. Илло, эрталабки насибани ташлаб кетма. Бир пиёла иссиқ кирсин ичинга,— деди уйга кира туриб.

«Бечора ойим,— ўйларди Салтанат чой дамлай туриб,— қаерга, кимга нима олиб боришимни билсалар эди, ҳозирча билмаганлари яхши. Юракларини увиштириб нима қиламан».

Салтанат кўн жилдининг тасмасини ичига солиб, буклади-да, кўчага чиқди. Толзор томонга қараб кетди. Йўлкада илдам одим ташлаб бораркан, Ботиржон билан учрашишни ўйларди. Эшиги албатта занжир бўлади. Тақиллатадимми? «Ким», деб сўраса, нима деб овоз беради. Унинг товушини биров эшитиб қолса, нима деб ўйлайди? «Каллаи саҳарлаб келибдимми, бўлганича бўпти. Отаси борлигида ўзини тийиб юраркану, у кетиб суюқ оёқ бўлиб қолибди-да. Қай юз билан саҳарлаб келади-а?» деган гап-сўз тарқалса... Салтанат ўз фикридан ўзи чўчиб тушди. Мижжа қоқмай учрашишни ўйлаб чиқибди-ю, бу ёғини ўйламабди-да. Ишқилиб биров кўрмасин-да.

У одимини яна тезлатди. Орқасига, ёни верига аланглаб юра бошлади. Боғ кўчадан чапга бурилиб, чойхонага яқинлашди. Хайрият, одам кўринмади. Чойхона олдидан ўтиб бораётганида тарақлаган товушни эшитиб, чўчиб тушди. Ялт этиб, ўша томонга қаради. Қўш самовар турган жойда, бўй баробар бақалоқ сархумдан челақда сув олаётган Ориф отага кўзи тушди. Шошиб қолди.

— Ассолому алайкум, ота.

— Ваалайкум ассалом,— ота челақдаги сувни сар-

Кумнинг гардишига қўйди,— ҳа, қизим тинчликми? Барвақтроқ чиқибсан?

Салтанат одимини секинлатиб, салом бериб ўтиб кетмоқчи эди, бўлмади.

— Тинчлик, отахон. Иккита повестка бор эди. Кеча тошширолмовдим.

— Ишга кетиб қолишмасин, вақтлироқ етказай дебсан-да. Маъқул, маъқул қизим,— ота шундай деди-ю, бошини эгиб, соқолини тутамлади. Салтанат энди жойидан қўзғалмоқчи бўлиб турган эди, ота сўраб қолди:

— Қизим, Муллашаҳобдан хат борми?

— Ҳа. Кеча келди. Салом дебдилар.

— Э, саломат бўлсин, э... ўзим сўрамасам айтмайсан ҳам-а. Оббо болиш-эй,— отанинг чехраси ёришиб, яна соқолини тутамлади,— бир ойдан ошди-а, кетганига?

— Бир ойу ўн саккиз кун бўлди.

— Буни қара-я. Урушга кирибдими?

— Йўқ. Ишляяпмиз, дебдилар.

— Маъқул, маъқул. Омон бўлсин ишқилиб. Бора қол, қизим. Ман эзма сани гапга тутиб, йўлингдан қўйдим... Ҳой, манга қара,— деди икки қадам ташлаган қизни тўхтатиб ота,— хатингда мандан кўпдан-кўп салом айтгин, маъқулми? Отам кечаю кундуз дуои жонингизни қилиб ётибдилар дегин, маъқулми?

— Хўп бўлади, албатта ёзаман.

— Нимаики янгилик бўлса, беҳабар қўйма мани, маъқулми? Онангга салом де.

Салтанат «хўп, хўп» деганича йўлга тушаркан, боятдан бери бегона кўздан чўчиб, кўнгли қанчалик гаш бўлиб келаётган бўлса, ота билан учрашганидан шунчалик дадил тортди, дил киралиги ёришгандай, гўё ота унга: «Нимадан, кимдан чўчийсан қизим, овзига кучи етмаганлар вайсай беради-да, парво қилма, ўзим борман», деб тасалли бергандай бўлди. Анҳорнинг қадам босганда лопиллаб турадиган такта кўпригидан ўтаркан, «жудаям меҳрибон киши-да, Ориф ота», деб қўйди ўзича.

Ориф ота Салтанат кўприқдан ўтиб, қабристон ёқалаб кўздан узоқлашаркан: «Қизларга повестка ташишни ким чиқарган-а,— деди жаҳл билан бировга ўтат бераётгандек барала овоз қўйиб,— йигитлар жў-

найверибку, қизларнинг юраги увушиб қолган, тол баргидай титраб туради, тагин бунинг устига повесткани улар ўз қўли билан топширсин? Э, инсофдан эмас бу, яхши бўлмапти... Мана, ҳозир, гулдек очилган, етилган қиз шу тонг палласида қайси йигитнинг эшигини қоқади-ю, қўлига қоғоз тутқазади. Қай юрак билан? Шуниси маъқулмас...»

Ориф ота Салтанат билан Ботирнинг бир-бирига кўнгил берганидан, йигитнинг бошига ташвиш тушиб, тўйлари кечикканидан бохабар бўлгани учунми ёки шунга ўхшаш бирон ҳодисанинг шоҳиди бўлганими, ҳарқалай шу иш унга ёқмади. Назарида ҳозир Салтанат худди Ботирга ўзи повестка олиб кетаётгандай бўлди. Кимга деб сўролмаганининг сабаби ҳам шу эди. Сўраса-ю, Салтанат ҳам очигини айтса, нима бўларди?

Салтанат гузарга чиқиб, сокин кимсасиз кўчада бораркан, юраги тез-тез урар, ҳаяжон босарди. Орқасидан оёқ товушини эшитиб, ёнига ўгирилган эди, қабристондан чиқиб келаётган одамга кўзи тушди. Тўхтаб қолди. Дарвозадан бошини қуйи солган, қўлигағижимланган дастрўмол чангаллаган Ботир чиқиб келарди. У ерга қараб келаётганидан қизни кўрмади. Салтанатни титроқ босди. Нима қиларини билмай гангиб қолди. Зўрға ўзини ўнглаб, оҳиста Ботир томонга юрди.

— Ботир ака!

— Салтанат?

— Ассалому алайкум.

— Салом. Нима қилиб юрибсиз шу вақтда?

Салтанат индамай ерга қаради. Упкаси тўлиб келди-ю, кўзларини чирт юмиб, қўйилиб келган ёшни ютиб юборди.

— Повестка қани?

— А?!— Салтанат чўчиб тушди,— қаёқдан билдингиз, Ботир ака?— деди ҳайрон бўлиб, повесткани кўрсатишни ҳам, кўрсатмасликни ҳам билмай.

— Қани беринг-чи!

Салтанат буклоғлиқ жилдини истар-истамас оча бошлади. Повесткани берса, Ботир ҳозироқ жўнаб қоладигандек, ундан айрилиб қоладигандек ҳаяжонлар, қўллари титрарди.

— Уйга кирдингизми? — сўради Ботир қўлини узатганча.

— Йўқ, энди кетаётган эдим. Нимаиди?

— Овора бўлдингизми, дейман-да. Холамникида эдим.

— Қаёқдан билдингиз мендалигини? — ажабланиб сўради повесткани узатаркан Салтанат.

— Билдим-да, — деди меҳр билан қизга тикилиб, — сизда бўлади-ю, билмайманми. Мана, ойим билан ҳам хайрлашиб чиқдим, — унинг чеҳрасини ғамгинлик босди, «юринг, кетдик» дегандек, Салтанатга қараб бошини қимирлатди.

Улар оҳиста ёнма-ён кўча ўртасидан юриб кетдилар. Салтанат индамай борарди. Туни бўйи ўйлаб чиққан, Ботирга айтмоқчи бўлган гапларининг биронтасини айтолмасди. Ҳаммаси чувалашиб кетганди, гапни нимадан бошлашни билмасди. Ботир ярим қадамча орқада қолиб, қизнинг майда ўрилган қуюқ, тим-қора сочларига, ўримга кирмай чаккасида буралиб турган тоаларга тикилди. Бир вақтлар онасининг: «Кўнглинг шу Салтанатда экан, мен рози, болам...» деган сўзларини эслади.

— Мингдан-минг розиман, дедилар.

Салтанат ялт этиб, унга ўгирилди.

— Ким?!

— Ойимлар.

Салтанат индамади.

— Раҳматлик ойим номингизни айтишим билан бағриларига босиб, пешанамдан ўпгандилар, қўша қаринглар деб, дуо қилган эдилар.

Салтанатнинг аъзойи баданидан олов чиқиб кетгандай бўлди. Томоғига алланарса тикилиб, бўғиб қўйганга ўхшарди. Дод солиб йиғлашни ҳам, Ботирнинг бағрига ўзини отишини ҳам билмасди. «Нега бу гапни шу вақтгача айтмаганди, Ботир акам?.. Нега ҳозир айтяпти? — ўйларди у, — нега шундай яхши одамлар ниятига етолмай бевақт ўлади-а?...»

Унинг кўз олдида ҳозир баланд бўй, тўладан келган, сергўшт юзлари қип-қизил Жамол хола намоён бўлди. Уни дугонаси Ҳафизанинг қизоши берган базм кечаси кўрган эди. Ҳовлида ҳамма нарсага бош-қош бўлиб, савлат тўкиб юрган Жамол хола Салтанатнинг саломига шунчаки алиқ олиб қўя қолмади. Олдига ча-

қириб, бағрига босиб кўришган эди ўшанда. Салтанат кичкина, ушоққина гавдаси худди юмшоқ пар ёстиққа шўнғиб кетган чақалоқдай ҳис қилган эди ўзини. У пайтларда ойиси эканлигини яхши билмасди. Кейинчалик билиб олди. Бўлмаса...

Маҳаллада бўладиган тўй-ҳашам борки, Жамол холасиз ўтмасди. Келин туширишми, бешик тўйими, қиз чиқариб, чарлар қилишми, ҳовли тўйи, қизоши, ўғил тўйи, ҳатто маъракаларга ҳам Жамол холани бош қилишар, тўй агалари унинг ҳурматини ўрнига қўйиб ўзлари келиб олиб кетишар, дастурхончи ёки бирон бошқа одамни юбориб чақиртиришга ҳам кўнгиллари бўлмасди. Аҳён-аҳёнда бирон тўй-ҳашамга боролмай қолса-ю, ўша тўйда арзимаган нарса кўнгилдагидек бўлмаса, дарров, «Жамол холанинг йўқлиги билинди-да», деган гап тарқаларди. Жамол холанинг энг яхши одати, уни кўпга манзур қилган ҳам бир нарса эди: аввало тўй қилувчи билан гаплашиб орзусини билиб оларди-да, кейин қурбига қарарди. Мабодо қурби етмаса-ю, каттароққа интилса, «Ҳой, кўрпангга қараб оёқ узат. Қарзга ботадиган бўлсанг, ма, тўйингни ўзинг эплаб ол!» деб, шартта ўрнидан туриб кетаверарди. Ортиқча ҳашамга, исрофгарчиликка зинҳор йўл қўймасди. Ана шуниси билан ёқарди маҳалладагиларга. Шу важдан ҳам хотин-қизлар советининг раиси қилиб қўйишганди. Тикувчилик артелидагилар уни Жамолхон чевар деб чақиршса, маҳалла аёллари Жамолхон оқсоқол деб ҳурмат қилишарди.

... Қаҳратон қишнинг якшанба куни эди. Қуёш чарақлаб тургани билан совуқ баданни ачитарди. Тарнов, бўғотларда осилиб турган сумалаклар офтобда йилтиларди-ю, чак этмасди. Эрталаб Ботир дўрс тайёрлагани ўртоғиникига кетди. «Пешинда етиб келгин болам, сомса ёпмоқчиман, иссиғида егин», деб қолди ўғли орқасидан.

Ботирнинг онасидан эшитган охириги сўзи шу бўлди. «Ойим кўз тикиб ўтирмасинлар», деб уйига келди-ю, ўлиги устидан чиқди. Умрида боши ёстиққа етмаган, гунгурсдай юрган Жамол хола, қўлида тоғора билан айвон зинасидан тушаётиб, тийғониб йиқилибди-ю, жони узилибди. Ботир кейинчалик билди: врачлар ички бўқоғи сиқиб қўйибди, дейишди.

Онасининг вафотидаан кейин анчагача ўзига келолмай юрди. Камгап бўлиб қолди, нуқул ойиси ётган кўрпани йиғдирмай, ўшанинг устига кўкрагини бериб ётишни одат қилиб олди. Бир неча кун туз тотмай, нуқул сув ичди. Тepasида балогардон бўлган холаси Меҳринисага ҳам, поччаси Маҳкам акага ҳам қулоқ солмади. Кеч кирди дегунча қабристонга чопарди, онасининг қабри устига ўзини ташлаб дод соларди. Анча вақтгача шу алфозда юрди. Ўша кезлари Салтанат буларнинг ҳаммасидан хабардор эди-ю, кўнглига тасалли беришнинг, ҳамдард бўлишнинг чорасини тополмасди. Нима деб ҳам дардини енгиллата оларди? Унинг қўлидан нима ҳам келарди? Кейинги ойлардагина анча кўникиб, унутгандай бўлиб қолган эди. Бугун тагин дарди янгиланибди. Онасининг қабрини зиёрат қилгани тонг саҳарда келибди. Тўйиб-тўйиб йиғлаган, кўзлари ҳали ҳам ёш. «Бечора Ботир акам. Тағинам бардоши зўр экан...»

— Амаким саломат эканларми? Нима деб ёзибдилар?— сўради Ботир чойхонага яқинлашиб қолишганда.

Салтанатнинг хаёли бўлинди.

— Вой, хат келганиниям биласизми? Ким айтди?— яна ажабланиб сўради Салтанат,— кўпдан-кўп салом айтибдилар,— деди ҳамон саволига жавоб кутаркан.

— Саломат бўлсинлар. Қаерда эканлар?— Ботир «адресларини беринг», демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, берса, нима деб хат ёза олишини ўйлаб кетди.

— Шаҳарини ёзмабдилар. Фронтга яқин жойдамиз, дептилар. Ботир ака, қаёқдан билдингиз?

— Булар-ку, майли-я, мендан яширган бошқа сирларингизни ҳам биламан,— деди Ботир пўписа билан қовоқларини солиб.

— Сир? Қанақа сир экан?— деди эркаланиб Салтанат.

Улар йўлкадан юриб, боғ кўчага бурилишганда ўнг томондаги икки тавақали эшик очилиб, кенг кўйлагини липпалаб олган кампир челақда сув кўтариб чиқиб қолди. Салтанат ҳам, Ботир ҳам одоб билан сажом беришди.

— Баракалла, болаларим, омон бўлинглар,— деди кампир очиқ чеҳра билан мамнун тикилиб уларга.

Салтанат кампирни танирди, Солия хола. Икки ўглини бир кунда фронтга жўнатди. Хат келиб турибди. Фақат ҳозир бирон нарса деб гапга тутиб қолишидан хавотирда эди. Бошини эгиб ўтгани яхши бўлди. Кампир уни таниёлмади.

Салтанат ёшидагилар, шу кўйдагилар ҳамиша шундай деб ўйлашади. Ҳеч бўлмаганда, шундай бўлишини исташади. Ўз жуфтлари билан бирга эканлар уларни ҳеч ким кўрмайди, суҳбатларини ҳам эшитмайди. Ҳаммаси ўрталарида хуфия қолади. Ўз вақтида худди шу кампир ҳам шундай деб ўйларди. Ўйлагани учун, бошидан ўтказгани учундирки, таниб танимасликка олди. Бўлмаса челақдаги сувини сеполмай, ёшларга ҳавас билан тикилиб турармиди. Қаранг нуроний чеҳраси тонгдай ёришиб, кулиб, қараб турибди.

Қарияларимизнинг аждодлардан мерос бўлиб қолган ажойиб удумлари бор. Барвақт туриб, аввало кўча эшикни очишади. Давлат кирармиш, қут-барака кирармиш. Улар зулфинга қўл узатарканлар, кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат, деб эшикни очадилар, қалб эшигини очадилар. Йўқлаб келган азиз маҳтал бўлмасин, шу эшикдан остона босиб меҳмон кирдимиз, демак, хонадонга давлат киргани, барака киргани. Бу ерликлар меҳмон келса, шаҳримизнинг дов-дарахтлари, ҳатто деворлари ҳам икки букилиб салом беради, деб фахрланишади.

Шуларни кўнглидан ўтказа туриб эшик очган Солия хола тонг палласида икки ёшнинг сирли, тотли дамларига дуч келганидан кўнгли ёришиб кетди. «Қани, марҳамат!» деёлмаганига ачинди. Бир ҳисобда демагани ҳам маъқул бўлди шекилли, халақит бераرمىди уларга. Шу топда, ўғлонлари жанг қилаётган ерларда одамлар жон олиб, жон бераётган пайтда, бу ерда ҳаёт қайнапти, икки ёшнинг янги ҳаёти бошланапти, инсон ҳаёти ана шу зайлда давом этаверади, ҳамиша у ҳаёт...

Ёшларни кўздан узоқлаштириб, челақни қўлига олган Солия хола кимсасиз, сокин кўчанинг у бошидан бу бошигача назар ташлади, оғир хўрсиниб қўйдди. «Кўчалар ҳам жонсиз, ғамгин бўлиб қолди-я...» кўнглидан ўтказди у.

Ҳаёт юкини елкасида кўтариб, кун-уззукун тинма-

ган, ҳориб-чарчаган, дарду ҳасратларни эшитиб, ўйчан, ғамнок чеҳраларни кўравериб эзилган, офтоб жазирамасида хансираб, қора терга тушиб, қолдан тойган кўчалар аллақачон уйғониб, якка тавақа, қўш тавақа эшикларини оча бошлаган Солия хола сингарилар эшик олдига сув сепиб супуришяпти. Ҳовлилар саҳнидан, мўрилардан чиқаётган тутун дов-дарахтлар чангалидан ўтиб, кўкка сингиб кетяпти. Сайроқилар базми авжга минган. Шаҳар уйғонганининг яна бир даракчиси — трамвай ғилдиракларининг пўлат изларни эзиб, чинқириши, ҳамма вақт ғашга тегувчи овоз узоқ-узоқлардан эшитилиб турибди. Шаҳар, унинг кўчалари янги кун тараддудига киришди...

Эшикдан кириши биланоқ ҳовли саҳнини кўриб, ишга киришиб кетган Салтанат аввал уй, айвонларни саранжом қилди, кейин ҳовлини супуришга тутинди. Ботир дарсхонасидаги китобларни саралаб жойлаш, дафтарларни тахлаб боғлаш билан машғул. Ҳар замонда Салтанатга гап ташлайди, кўнглини кўтармоқчи бўлиб, ҳазил қилади. Бироқ қиздан садо чиқмайди. Кўнгли учун «ҳа», «йўқ» деб қўя қолади, хафалигини сездирмасликка уриниб. Кейин Ботир ўзича аллақандай ашулани дўриллаган овози билан хиргойи қилди. Салтанат эшитиб, мийиғида кулиб қўйди.

Ҳовли юзига бу яқин орада одам қўли тегмаган. Супуриб эплаб бўлмасди. Ариқ ёқаси, дарахтлар тагини ўт, хазон босиб кетган. Салтанат чўлтоқ супурги билан қиртишлаб тозалар экан, хўрлиги келди. Онасининг: «Чироғини ёқиб ўтирадиган бирдан-бир ишонгани, кўзининг оқу қораси шу эди-да шўрликнинг. Меҳриниса жигар бўлгани билан ҳаммани қўйиб уй-жойини ташлаб, опасиникига бориб ўтирармиди?» деган гапларини эслади. Ота-онанинг чироғини ёқиб ўтириш деган гапнинг маъносига энди тушунди. Ҳар бир япроқ, шафтоли данаги, ириб, моғор босган олма унга ана шуни эслатиб турарди. Ботирга ачиниб кетди, раҳми келди. «У шўрлик ҳам нима қилсин. Онасининг ғами билан бўлиб, ҳеч нарса юрагига сиғмаган. Ҳовлига қараш у ёқда турсин, вақтида иссиғининг тайини ҳам бўлмагандир. Бутунлай холасиникида қолиб кетгани йўқ-ку, ахир,— ўзи билан ўзи гаплашарди Салтанат,— шунчалик куяр экансиз, ўзингиз хабар олиб турсангиз бўлмасмиди? Тағин яхши кўрармишлар,

жондан севармишлар. Ёлгон экан-да, оҳ-воҳ чекишларингиз. Кунига бўлмасаям, ҳафтада бир-икки кириб, уй-жойга, кир-чирига қараб, кўнглига ёқадиган таомини пишириб бериш қўлингиздан келмасмиди? Балодек келарди. Нимага қилмасдингиз? Ҳар замонда келганингизда ҳам ҳовлигамас, ҳуснига маҳлиё бўлардингиз, ҳингир-ҳингир қилардингиз, кўнгил хушлиги бўлса, кинога бориш бўлса бас эди сизга. Бошқа нарса кўзингизга кўринмасди. Энди, кетадиган бўлиб қолганида эсингиз кирдими?.. Оҳ, қанийди. Жон-жон деб келардим, ҳар куни келардим, ҳаммасини қилардим-а. Фақат... урф-одатларимиз ўлгур қачон қоларкин? Қўни-қўшнидан чўчисанг, гап-сўз бўлишдан қўрқсанг. Ойим-ку, бир нима демасди, дадам ҳам унақа эркаклардан эмас, иккалалари ҳам менга ишонишарди-ю, барибир улар ҳам худди мана шунақа гаплардан чўчишарди-да. Иснод келтирасан дейишарди-да. Нимаси иснод? Бир-биримизни севсак... Фақат шу никоҳ бўлмаганими? Шундай оғир кунларига яролмаганим иснод эмасми?»

Чамбарак қилинган сочлари тагига—оппоқ энсасига тўкилган муздек сувдан чўчиб тушди, қўрқув аралаш: «Вой-дод», деб чинқириб юборди, супургини улоқтириб, орқасига ўгирилганида, бир қадам тисарилган Ботирни кўрди.

— Боринг-э... Шунақаям бўладими одам,— деди лабларини чўччайтириб ва икки кураги ўртасидан муздек, из қолдириб пастга оқиб тушган сувни Ботир худди кўриб тургандек, қип-қизариб кетди, пастки лабини тишлади, Ботир кафтида қолган сувни қизнинг юзига сепди.

— Қўрқитиб юбордингиз-а,— деди тескари қараб. кўксига бир-икки туфларкан,— дарахтдан илон тушибдими, дебман-а?

Салтанат чиндан ҳам қўрқиб кетган, юрагининг дукиллаши босилмасди, гаплари ҳам титраб чиқаётганга ўшарди-ю, зўрма-зўраки куларди. Ботир ҳам буни сездими ё тозаланган ҳовли кўзига бошқача кўриндими, ён-верига қараб деди:

— Қизларнинг қўли гул дейишгани рост экан, Салтанатхон.

— Фақат қўлими?— ноз билан сочларини тўғрилади Салтанат,— қоп бўлганида...

— Бор,— деди шошиб Ботир,— ҳозир, буёғини ўзим тўғрилайман,— у югуриб подвалга тушиб, қоп кўтариб чиқди.

— Сиз оғзини очиб туринг,— деди Ботир ва белкуракни олиб, ахлатни қопга сола бошлади.

Ҳаш-паш дегунча ҳовли юзи тозаланди. Салтанат қайнаган самоварни айвонга келтириб, хонтахтани қўйди. Улар бирга нонушта қилишди.

Нонушта устида нима учундир гаплари қовуша-вермади. Бири тоғдан келса, бири боғдан келарди. Шундай бўлаётганини ўзлари ҳам сезиб қолишарди-да, кулиб юборишарди. Ботир ўз ўйи гирдобидан чиқолмаётган бўлса, Салтанат боя кўчада бўлган баҳсни ўйларди, гап қовушмаслиги балки шундандир. Қим билади дейсиз, тагин нималар банд этган қизнинг хаёлини.

— Хафа бўлдингиз-а?— сўради Ботир эрталабки суҳбатни эслаб.

— Варибир бораман,— деди эрқаланиб Салтанат.

— Бормайсиз!

— Бораман дедим, бораман!

— Бормайсиз! Буюраман, бормайсиз!

— Ҳў, командирга ўхшайсиз-а.

— Мен сизнинг командиригизман. Буйруғимни бажаришга мажбурсиз!

Салтанатнинг кулгиси қистаб, ҳўплаган чойидан қалқиб кетди.

— Есть, буйруғингизни бажараман. Устингиздан катта командирга арз қилишга рухсат беринг?

— Ҳо, уставниям ўрганиб олибдилар-да,— деди Ботир жиддий оҳангда.— Рухсат бермайман. Буйруқни бажаришга мажбурсиз!— Икковлари ҳам хахолаб кулишиб, дастурхонни йиғишди.

— Вой!— деб юборди Салтанат девордаги осма соатга кўзи тушиб,— ишга кеч қолибман,— у шошиб кавшандозга ўтиб туфлисини кийди, айвон устидаги қоziқдан жилдни олди, ҳовлига тушиб, хомуш эшик томон юрди. Ботир ҳам пастга тушди, унинг ёнига келди. Икковининг юзидаги ҳозиргина чарақлаб турган кулги ўрнини ғамгинлик босди. Гап-сўзсиз бир-бирларига тикилиб қолишди. Узоқ туришди.

— Мен борай, Ботир ака,— зўрға шундай деёлди ўпкаси тўлиб Салтанат жойидан қўзғалмай,— кечқу-

рун чиқаман, — эшик зулфинини ушлаганча ёнига ўтирилди. Тўлиб турган ўпкаси тошиб кетди, ҳўнграб юборди. Боши шилқ этиб йигитнинг кўксига тушди. Ветир зўр бериб қизнинг боши, чамбараги ечилиб, елкасини тўлдирган, қалампир бўйи димоғига уриб турган сочларини силарди..

БЕШИНЧИ БОБ

Ёз кунлари толзор шаҳарнинг кўрки. Ҳамиша лиммо-лим, сал қалқиса қирғоққа чопадиган сувнинг салқини, унинг тинимсиз шувиллашига ҳамоҳанг шивирлашиб суҳбат қурадиган, кўкка бўй чўзган кекса тоғлар, минг кокилини сувга ёйиб ташлаган мажнун-тоғларнинг енгил шабадаси тангадек офтоб тушмай-диган шийпон, анҳор ёқалаб қўйилган тахта сўриларда ўтирганларга ором бахш этади. Шийпоннинг ўнг томони катта гулзор. Атрофига садарайҳон, жамбил, ошрайҳон, ҳожирайҳон, тоғрайҳонлар, ўртасига анвойи хил рангдаги атиргуллар экилган. Чойхонага келган киши бир нафас гулзор ёнида туриб, райҳонларни силкитишдан, кичик бир шохини бўлса ҳам узиб, кафтига уриб, тўйиб-тўйиб ҳидлашдан ўзини тийиб туролмайди. Шу зайлда райҳонлар эртаю кеч тиним билмай силкинади, одам қўли тегиб шовиллаганда очилиб-сочилиб, яйраб кетади, хушбўй ҳидини бутун толзор бўйлаб таратиб, димоқларни чоғ қилади.

Гул шайдоси Ориф отанинг-ку, эртаю кеч чаккасида райҳон. Тонг палласида бир дастасини дўппи тагидан қистириб олганича, ёстиққа бош қўяди-ю, райҳонни ёнига ташлайди. Ҳиди келиб турмаса ишидан янглишармиш, уйқуси қочармиш. Ҳатто сайратмалар ҳам унинг ҳидига маст бўлиб авжига чиқармиш, булбуллар шу бўйдан тўйиб-тўйиб нафас олмаса хониш қилолмасмиш. Ориф ота гуллар таърифини ҳикоя қилгудай бўлса, ҳамсуҳбатининг оғзини очириб қўяди. Битта райҳоннинг неча турини санаб, биридан бирининг фарқини айтиб беради. Унинг назарида, гуллар ичида, наинки гуллар, жамики наботат оламида райҳондек хушбўйи йўқмиш. Жонивор ниҳоятда беор, ортиқча заҳмат чектирмайди, бетакаллуф, беташвиш ўсаверади. Ҳуда-беҳудага сўлиб, қуримайди. Димоғингни чоғ қилса, ошингни хуштаъм қилади.

Ориф ота кеч кузакда ошрайхонларни йиғиб, ҳафсала билан салқинда селгитиб, кейин қуритиб янчиб олар, шиша идишларга солиб қўяр, уйида турганига қониқмай, қоғозга ўраб, доим чўнтагида олиб юрарди. Бирор ерга бориб қолгудай бўлса, бир чимдимини косасига соларди-да, кейин ёнидагиларга узатарди, шу баҳона яна райхоннинг таърифини қила кетарди. Маҳаллада Ориф отанинг райхонга ишқибозлиги, ўчлигини ёшу қари — ҳамма биларди. Кўплар унга таҳасуб қилиб, райхон ўтказишган. Мабодо ҳовлисида райхони йўқ киши уни таклиф қилгудай бўлса, олдиндан: «Ориф ота, бир етишмовчилик бор. Маъзур кўрасиз-да, райхон эколмай қолдик», деб қўярди. Барибир шунда ҳам отадан қутулолмасди. «Ҳозир ҳам эксангиз кеч эмас, мулла. Райхоннинг хосияти кўпда...» дерди-да, дарров чаккасидагини олиб, шохчасини синдириб узатарди. «Мана, буни ҳядлаб кўринг. Жониворни...»

Мана, неча йилдирки, ўзи бош бўлиб, тўртта тахтани қоқиб сўри қилган Ориф ота шу анҳор лабида чойхона очди-ю, ҳамма ёқни гулзор, дарахтзор қилиб юборди. Ёзнинг жазирамасида бутун даҳада бунчалик салқин, сўлим чойхонани топиш қийин.

Қулупнайга ранг кириб ариқ лабида оқизоқ ўйнаётган болаларнинг қулоғида қўшалоқ гилос йилтиллай бошладими, бўлди, толзорга одамлар оқиб келаверади. Чойхўрлик ҳам, газетхонлик ҳам, ошхўрлик ҳам, ғазалхонлик ҳам бўлади. Сайратмаларнинг ишқибозлари тўрқовоқларини олиб чиқиб, толларга илиб қўйишади, кимники ўзарга ўйнашади. Ориф отанинг ўзлари ҳам чакана ишқибозлардан эмас. Баъзида бўлиб турадиган баҳсларни ҳал қиладиган ҳам отанинг ўзи. «Тезотари ўз йўлига, салмоқиси ўз йўлига...» дейди-да, дарров икки тоифадаги одамни беданаларга қиёс қилиб кўрсатиб, ҳаммани кулдиради. Сайратмаларга ишқибозу, илло, уриштиришни ёмон кўради. «Жониворга азоб бериш катта гуноҳ-ку...» дейди у. Наинки бедана уриштириб, қимор ўйнаган, ичкиликбозлик қилганларни ҳам жини суймасди. Доимий келиб турадиган чойхўрлар отанинг бу феълини яхши билишарди. Мабодо шундайлар келиб қолса-ю, ота буни пайқаса, қаттиқ-қурум гап қилиб ўтирмасди. Тўғри бориб райхондан чиройли бир шохини

узарди-да, белборига қистириб, чойни дамларди. Чойнак-пиёлани патнисга қўйиб, меҳмонлар олдига олиб борарди-да, белбоғидаги райхонни меҳмонга узатарди, ғалати бир кулги билан: «Ҳидлаб ўтиринг, яхши райхон, баҳри-дилингизни очади...» деб ўрнидан турарди. Ҳар ким ҳам дарров пайқаб ололмасди бу мулозиматни, хурсанд бўлиб райхонни ҳидларди, хушмуомала чойхоначи экан-э, демоқчидай миннатдор бўлиб ён-верига қарарди. Шундай пайтда ёнида ўтирганлар дўппи тагидаги бедана ё бўлмаса кўрпача тагига суқиб қўйилган шишага ишора қилиб, шипшитиб қўйишарди. Шундай қилиб, ими-жимида кўрилган бу чорадан ёпиқлик қозон ёпиқлигича қоларди, дўппи тагидаги беданалар енг ичига олинар, кўрпача тагидаги шиша чўнтакни қапшайтирарди. Меҳмон ҳам ранжимайди, отанинг ҳам феъли айнимасди.

Толзор якшанба кунлари, айниқса, гавжум бўларди. Аскиябозлар келишарди. Созандалар, хонандалар бўларди. Одам сиғишмай кетарди, кўрпача тугул палос етишмай қоларди. Дуч келган ерга шолча, бўйра солиб жой қилинарди. Толзор катта сайилгоҳга айланарди. Бундай пайтларда қўли-қўлига тегмайдиган, дам-бадам: «Келсинлар, қадамларига ҳасанот» деб, чойхўрларнинг кўнглини оладиган Ориф ота хурсандлигидан терисига сиғмай кетарди, ёшлардек олиб-югурарди.

Шу тариқа бутун ёз бўйи, то анҳор юзини сап-сарик япроқлар қоплайдиган, сархумдаги сув бетига муз парда ташлайдиган кеч кузаккача одам аримайди, гурунг тинмайди, кулги, аския, қўшиқ, куй кўкни қоплайди.

Афсус... Бу йил барвақт тугади шулар. Куз тугул қовун пишиғига ҳам етмади. Балойи ногаҳон осмондан тушди-ю, бамисоли қўлига қамчи олиб, осойишталикни, роҳат-фароғатни, базм-маишатни, юзлардан кулги, оромгоҳдан файзни қувди. Ориф ота ўша кунни, ўша даҳшатли дақиқани эсласа ҳали-ҳали юраги орқасига тортиб кетади.

«...Чақчақлашиб ўтирганлар нохуш хабардан қотиб қолишди. Кўзлар устундаги карнайга қадалди. Қадалгандаям шундай қадалдики, карнай тугул, устунни тешиб юборгудай. Ғазабкор кўзларни ҳеч кўрганмисиз. Епирай. Ёқангни ушлайсан киши. Косаси-

дан чиқиб кетай дейди, ўт бўлиб ёнади, тиг бўлиб санчилади, муз бўлиб титратади, ўқ бўлиб отилади. Йўқ, бу кўзаларга, ундаги ғазаб ўтига тоб бериб бўлмайди. Дуч келганнинг қолига вой... Шум хабар охирлади ҳамки, миклангандек ўтирганларнинг кўзлари ўша устунга қадалганча қолганди. Кейин одамларнинг боши кўксига тушди, хийла вақтгача кўтарилмади. Биров бировга қарамасди, гапирмасди. Орага даҳшатли сукут чўкди. Чарақлаб турган осмонни мисоли қора булут қоплади. Бу шундай оғир сукунат эдики, пашша учгани ёқмасди, юракларга қил сиғмасди. Инсон қалби гулдан нозик, тешдан қаттиқ, дарёдай кенг дейишгани рост экан. Шу дақиқада одамлар бири олиб, бири қўйиб авжига чиқётган сайратмаларни мижиглаб ташламаганига ҳайронман. Битбилдиғи билан юракни сиқиб юбордики, бу ланатилар, умрим бино бўлиб бунақамги сиқилган эмасман. Ҳаммасини олиб, улоқтириб ташлашимга сал қолди-да. Бедана зотидан шу-шу кўнглим қолган, башарасини, кўрмасам дейман. Овозини узоқдан эшитсам ҳам ўша дақиқани эслаб, юрагим орзиқиб тушади. Одамлар хийладан кейин оғир гавдаларини зўрға кўтариб ўринларидан туришди, гапсиз, сўзсиз биринкетин тарқалишди. Назаримда улар ҳаммаси бирданига сўлиб, чўкиб, мадорсиз, мажолсиз бўлиб қолгандай одимларди. Босиқлик билан ғамгин одим ташлашарди-ю, илло, авзойида тақдирга тан беришдан бўлак начора, деганга ўхшаш маъно йўқ эди, ҳа, йўқ эди, бирортасида сезмадим шунақа кайфиятни. Бундоқ ўйлаб қарасам, ўтиб кетган экан унақа замонлар. Вошга тушганини кўрамиз-да, пешанага ёзгани бўлади деб, қўл қовуштириб ўтирадиган одамлармас эди булар. Шунда фаҳмладим буни. Йўқ, кейинчалик ақлни йиғиб, фикр юритиб фаҳмлаб олдим. Эл бошига, юрт бошига ғам тушади, кулфат тушади-ю, илло, хиёнат билан тушса, ноҳақ тушса оғир бўларкан. Одамлар шуни билиб, чуқур ҳис этишарди фаҳмимда. Шу вайдан ҳам ғазабкор эди қалблар, наинки кўзлар, киприклар, унинг ҳар бир донаси ўққа, найзага айланарди. Теринг самғобда чиригур Гитлер хиёнатга жазм қилганида шуларни ўйламаганмикин?..»

Ориф ота Салтанат кетганидан кейин ҳам анчагача хаёл суриб қолди. Шуларга ҳам жабр бўлди. Ғун-

чадек қалар... Айни ўйнаб куладиган пайти-я.. Ма-
 на, иярин уйқусини тарк этиб, каллан саҳарлаб юрт
 ташқишида юрибди. Қачон йигитлар қайтади-ю, бу
 шўрликларнинг пешанаси ярқирайди...» Ориф ота
 оғир уф тортиб, челака қўл узатди. Бандидан ушлаб
 кўтарди-ю, ҳар гал қўлида ўйнайдиган челақ нима
 учундир ҳозир зил-замбил бўлиб кетганди, ерга төр-
 тарди, тушиб кетинига сал қолди, хум челақ бўлма-
 ганида ерга қўярдим ҳам. Ота ҳайрон бўлиб, қаддини
 ростлади, сувни базўр кўтариб самоварга ағдарди.
 «Ҳой, сув ҳам шунчалик оғир бўладими-а? Ҳар тўл-
 дирганда икки хумни кўрдим демайдиган бу қўллар-
 га нима бўлди-а? Бир челагининг оғирлигини сезса-я.
 Тавба...— Ориф ота шуларни хаёлидан ўтказа туриб,
 ўнг қўлини панжаларидан билагигача, юқори мушак-
 ларигача ушлаб, эзгилаб кўрди,— эй, чол, довдираб
 қонсан ўзинг, сал увушган экан-да, ўнг ёнбошимда
 ётувдим шекилли,— у ўзига ўзи тасалли бериб ўнг қў-
 лини қаттиқ эзгилаб, уқалай бошлади,— юрак ҳам
 дейман-а, чумчуқ пирр этса, ҳалигидай, э-ҳа, бўлган
 экан тоза...» У самовар қопқоғини ёпиб, олов ташла-
 ди, карнайини қўйиб юборди. Кейин сочиқни олиб,
 самоварнинг бўғзидан тагигача арта бошлади. Одати
 шу. Ярқираб турмаса кўнгли тўлмасди. Артаркан,
 ёнидаги самовар етим қўзидай ўксиниб, кўзларини
 мўлтиллашиб тургандай кўринди кўзига. «Ҳа, санам
 менинг қўлимга ўхшаб увишиб қолдинг-а. Қўй,
 хафа бўлма, ноумид шайтон, ҳали яхши кунлар, омон-
 омон кунлар келади, вақвақатўрамингни айтиб чар-
 чайсан ҳали, оғайни... Кел, қадрдон, сани ҳам артиб
 қўлай...»

Уша даҳшатли куннинг эртасидан буён сув ҳам,
 олов ҳам солинмаган бу самоварни Ориф ота неча
 бөр йиғиштириб қўйишни мўлжаллади-ю, кўнгли бор-
 мади, ўрнини ҳувиллатгиси келмади. Наинки самовар,
 бошқа нарсаларга ҳам қўл ургиси келмасди. Йиғишти-
 риб олса, худди ўша ёвуз босқинчи олдида қурол-яроғ-
 ларини йиғиб, таслим бўлаётгандек ҳис этарди ўзини.
 Чойхона ҳувиллаб қолгани билан барибир ҳамма нар-
 са ўз жойида турарди. Турарди-ю, одам қўли тегмаёт-
 ганлиги ҳам шундоқ билиниб, кўзга ташланарди. Қа-
 тор ўчоқлар ўшандан буён олов бетини кўрмайди.
 Чеккадагисига ҳар замонда ўт ёқилмаса, қолганлари-

даги қозонлар сувга ташлагудай. Тувоқларини чанг босиб ётибди. Ориф ота ҳар куни ўтин ёриб, ўчоқбоп қилиб, тахлаб қўярди. Бу ҳам барҳам еди. Ҳавасга ёрадиган қилиб арралаб қўйган гўлалари тахланиб ётибди. Палослари йигиб олинган сўриларни хас-чўп, япроқлар босиб ётибди. Чойнак, пиёла, патнис, коса, товоқларнинг ярмидан кўпи йигиб қўйилганди, бундан уч ҳафта бурун аллақайси маъракага олиб кетишди. Ҳалигача келтириб беришмайди. Ориф отанинг хаёлига ҳам келмайди. Тургани маъқул дейди. Илгарилари эртасигаёқ ювиб-тозалаб келтириб беришмаса, Ориф отадан эшитадиганини эшитиб оларди. Йигилган нарса тўрқовоқлар бўлди, жойи растонини топди. Кўмирхонада қалашиб ётибди. Уша куниеқ учириб юборувди беданаларни Ориф ота. Ишқибозлар ҳам аввалгидек тўрқовоқларини кўтариб чиқмай қўйишди. Аҳён-аҳёнда узоқдан битта-яримта сайратманинг овози келиб қолмаса, Ориф ота шу-шу бедананинг башарасиниям кўрмайди. Овозиниям эшитмайди... Чойхўрлар ҳам бу ҳақда оғиз очишмайди.

Ориф ота одатига кўра тонг палласида уйғониб, самоварга олов ташларди-да, кейин нима қиларини билмай қоларди. Ўтин ёрмаса, беданаларнинг дон-сувига қарамаса, сўриларга палос ёзмаса, самовар битта, иккинчи сархумга сув тўлдиришнинг ҳожати қолмаган. Шуларга ҳеч кўниколмасди. Авваллари тура солиб, радиони бураб қўйгувчийди. Энди ундай қилмайди. Куй, ашула, ҳалиги бадан тарбия эшиттиришлари кўнглига сиғмайди. Фақат ахборот берадиган пайтини пойлаб туриб, бурайди. Бунисини бетоқат бўлиб кутади. Ишқилиб, яхшилиқ хабар бўлсин-да, деб юраги така-пука бўлиб туради.

У гулчелакни олиб, анҳор лабиға борди. Тўлғаниб оқаётган сувнинг ёқимли шувиллаши ўзига чорлади, чўккалаб қолди. Толга суяниб анчагача сувга тикилиб ўтирди, дилгирлиги ёзилгандай бўлди. Гулчелакни сувга тўлдириб, ўрнидан турди. Гулзорга чиқиб ҳафсала билан сув сепаркан, янги очилай деб турган гунчалар, сувда яйраётган яшил япроқлар баҳри дилини очиб юборди. Назарида бугун чиройи бошқачароқ, ёришганроқ туюлди. Буни у тонг элчиси Салтанатга дуч келганидан, кейин мана бу яшнаётган гулзорнинг ҳусни жамолидан деб билди. Булар ҳаммаси

яхшиликнинг нишонаси. Зора, янги хушхабар эшитса. Ажабмас. Ҳадеб нохуш хабар жонга тегди-е...

Ориф ота занжирига қадоқтош боғланган шийпондаги осма соатга бир қараб олди-да, биқирлаб қайнаган самоварнинг карнайини олиб қўйди. Кичкина чойнакка аччиқ чой дамлаб, радиони буради. Устун тагига бориб ўтирди. Сўнгги ахборотни кута бошлади.

Қўлидаги пиёлани ерга қўйиб, карнайга тикилганча оғзини очиб қолган, ҳозиргина ўзини ўзи хурсанд қилиб, хушхабардан умидвор бўлган Ориф ота не қулоқ билан эшитсинки, душман яна учта шаҳар, бир нечта қишлоқни босиб олибди. Боя ота челак оғирлик қилган қўлини увушганга йўйган эди, энди бутун вужуди, аъзойи бадани увушгандай, шалпайиб тушди. Ғашига тегаётган радиони туриб ўчириб қўйишга ҳам мадори келмади. Эшиттирилаётган хабарлар орасида душман қўлига ўтмасин деб буғдойзорларига ўт қўйиб юборган деҳқонлар, чекинаётиб кўприк, омборларни портлатган темирйўлчилар ҳақидаги ахборот Ориф отани баттар эзиб юборди, кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб, юзига, сержун кўкрагига томди. Сесканиб тушди, биров кўрмадимикин, дея аланг-жаланг ёнверига қараб олди. Ўзидан ўзи койиниб, елкасидаги рўмол билан юз-кўзини артди. Чой қуйиб ҳўплади, тетиклангандай бўлиб, ўрнидан турди, радиони ўчирди, ўчирди-ю, яна хаёл ўша томонга олиб кетди. Ўз пешана тери билан ўстирган буғдойига ўзи ўт қўяётган деҳқон кўз олдига келаверди. «Бу қандоқ бўлди-а? Қандоқ кунга қолдик. Бу босиб келишида ҳадемай,— ўз фикридан ўзи қўрқиб кетди,— ўзингни бос Ориф, яхши ният қил! Уша буғдойини ёндирганлар санга ўхшаб кўз ёши қилиб ўтираверишса, бунга қўллари бормасди. Ўз кучига, орқасида суянчиғи бorigа ишонган бу ишни қила олади. Бутун мамлакат турибди бу ёқда, халқ бор... Шулардан бири сан бўласан-а».

Ориф ота табиатан шунақа эди. Ортиқча ҳаддан ошгани ҳам, бошига ғам-ташвиш тушганда чўкишни ҳам ёқтирмасди. У ўзига ўзи дакки бериб ўрнидан турди, чойни янгиламоқчи бўлиб, самовар ёнига борганда, «ота» деган товушни эшитиб, ўтирилди.

— Ассалому алайкум,— деди қорачадан келган, сочларини турмаклаб олган жувон.

— Ваалайкум ассалом. Келинг, қизим.

— Мени ижрокомдан юборишди. Соат иккига Ҳафиз ака билан бирга мажлисга борар экансизлар.

— Раисимиз Абдуҳафизми?

— Ҳа.

— Ахир у ишда бўлади-ку.

Жувон нима деярини билмай қолди.

— Ҳозир уйларидадирлар?

Ориф ота соатга қараб олди.

— Аллақачон кетиб қолган, қизим. Барвақт жўнайди.

— Уйларига тайинлаб кетаман-да бўлмаса,— деди жувон қўлидаги қорғозга бир қараб олиб,— ўзи кеча кечқурун хабар қилишим керак эди. Келолмадим. Ҳали бошқа айтадиганларим кўп.

— Койинманг бўлмаса,— деди уни юпатишга ҳаракат қилиб Ориф ота,— кеча бўлгандаям, ҳозирам шу гапни айтардингиз. Сиз уникига айланиб, йўлингизни узайтирманг. Бошқа айтадиганларни хабар қилаверинг. Абдуҳафизникига ўзим айтиб қўярдим, ишда бўлганидан кейин фойдаси йўқ-да. Жуда зарур бўлса, ишхонасига телефон қилишса бўлмасмикин?

— Яхши айтдингиз. Шундай деб кўраман. Хайр,— дея, жувон йўлга шошилган эди, ота сўраб қолди.

— Мен нима қилай? Бораверайми?

— Ҳа, албатта.

— Нима гаплигини айтмадингизу, қизим.

— Ўзимам билмайман, ота.

Жувон тез юриб борарди. Кўприкни лапанглатиб, нариги бетга ўтгунича ундан кўз олмай турган Ориф ота ўзига ўзи дерди: «Ижрокомга чақиришвотти сани, чол, бирон ишга ярасанг керакки, комиссия билан бирга келсин дейишибди. Сан бўлсанг, латтадай бўшашиб, кўз ёши қилиб ўтирибсан... Шошма, нима важдан чақиришвоттикин? Чойхона хусусидамикин? Бе, ижрокомнинг шундан бошқа ташвиши йўқми? Айтиш бўлса, бирамас икки топқир трестдагиларга айтдим, ёшиб қўяйлик, дедим. Тура туринг дейишди. Бу ёқда Абдуҳафиз ҳам шунақа фикрда. Бошқа муҳимроқ гап бўлса керак. Қўлидаги рўкатига қараб хабар

қилиб юрибди-ю. Бундан чиқди, ўша рўйхатда каминанинг ҳам исм-шарифлари бор бўлади-да...— ота шуларни ўйлаб, яктагининг ёқаларига кўз ташлади,— шу аҳволда борсам одобданмасдир. Дурустроқ кийиниб олиш керак, ҳар ҳолда катта даргоҳ, раҳбарлар...»

Бирин-кетин чойхўрлар келиб, Ориф отанинг хаёли бўлинди. Чой дамлаш билан овора бўлиб кетди. Қимдир яхна сўраб қолди. Аксига олиб ҳали тайёрламаган эди. «Ҳозир»,— деб жавоб қилди-ю, хумчелакка икки чойнак чойни ағдариб, анҳор лабига борди. Челакни сувга ботириб чайқатаркан, эрталабдан юраги куйган ким бўлди экан, деган хаёл билан зимдан овоз келган томонга қаради, таниёлмади. «Унақаларданга ўхшамайди,— кўнглидан ўтказди,— дов-дарахтлар ашуласини тўхтатиб, мудравотти, тонгдаги шабада йўқ, япроқлар қилт этмайди. Ҳозирдан дим, кун исийдиганга ўхшайди... Булар Назарбекдан қайтишган кўринади, бугун бозор-ку».

Анҳорнинг нариги бетида қўлтиғига алланарса қистирган, яланг қават тўни тагидан икки қўлини орқасидан ўтказиб, қадам санаб бораётган Маҳкам тақачи кўринди...

— Йўл бўлсин, уста?

— Бозорлик иш чиқиб қолди, сға,— деди Маҳкам ака тўхтаб. Ориф отага унинг руҳи сўникроқ кўринди.

— Бир пиёла чой ичинг, борарсиз.

Маҳкам ака ҳам худди шуни кутиб тургандай ўйланиб қолди. Ота яна қистади.

— Келинг. Эрталабки насибадан қайтманг.

Маҳкам ака шийпоннинг бир чеккасига келиб ўтиргунча, Ориф ота чой дамлаб, патнисга бир ҳсвуч баргак солиб келтирди.

— Ботиржон бугун жўнайдиган бўлиб қолди,— деди Маҳкам ака узатилган чойни ола туриб.

— Ййе, шунақа бўлиб қолдими?— ҳайрон бўлиб сўради Ориф ота.

— Ҳа.

— Буни қаранг-а, уста, кўнгил сезар экан-а?

— Нимаиди?

— Ҳали эрталаб,— Ориф ота «Салтақатни кўриб, сўролмовдим», деб юборишига сал қолди-ю, гапни бу-

риб юборди,— кўнглимдан ўтувди-да. Ҳа, омон бўлсин. Қачон жўнаркан?

— Кечқурун. Шунга у-бу нарса зарур бўлиб қолиб, бозорга тушиб кетвотман.

— Маъқул, маъқул,— деди Ориф ота салмоқлаиб. У, кўпни кўрган эмасми, устанинг бўшашиброқ гапираётганидан кўнглида бир тугуни бору, очилмай турганини фаҳмлади,— қани олинг, уста, қуруқ ичманг. Ҳа, омон бўлишсин. Яхшиям сиз бор экансиз, Ёлғизлигини сездирмай оталик қилиб кузатасиз.

— Қўлимиздан келганча-да, оға. Савоб бўлар-ку.

— Ййе, бегонамиди савобини ўйлайсиз. Бу гапини маъқулмас, уста. Сизга ҳам қарз, ҳам фарз. Фарзандингиз бўлади, ахир.

— Тўғри, тўғри, оға. Бу дейман, беш-тўртта одамни чақириб лозим бўлармикин?

— Нимага?

— Сафари олдидан қуръон-фотиҳа қилсакмикин дейман. Келинингиз тарадудини қилаётибди. Шошмачи, тагин маслаҳатлашиб кўрай дедим. Ўзимам олдингизга чиқмоқчийдим.

Ориф отанинг ўйлагани рост чиқди, дарди бу ёқда экан. Энсаси қотиб, бир нима деб юбормоқчи бўлди-ю, ўзини босди. «Фарзандим йўқ, юртга ош беролмайман», деб тўй, маъракаларга бормайдиган, улфатчиликка қўшилмайдиган, мовлиятларнинг кўчасидан ўтмаган одамови Маҳкамбойдан нимани ҳам кутиб бўларди. Шу ҳам хотинидан чиққан бўлса ажабмас. Билмагандан кейин қийин экан-да...» дедилидан ўтказди Ориф ота.

— Уста, кўнгилга олмангу, илло бу маслаҳатингиз менга маъқулмас. Кузатишни азага айлантириб нима қиласиз.

— Арвоҳ хотираси деб келинингиз қўймаётибди.

— Ўзимам шундайдир деб ўйловдим. Мавридмас ҳозир. Бола бечора эндигина сал дардини унутиб, кўника бошлаганида ярасини янгилашнинг на ҳожати бор. Ўртоқлари, қариндошлар келар. Кўнгилларига нима сизга ўшани қилишсин. Ўйнаб-кулиб кузатиш керак. Яхшилаб оқ фотиҳа беринг. Ўзи нима дейди?

— Жияним-ку, бир нима дегани йўғ-а.

— Яна бир маслаҳат, уста. Жияним деманг. Бо-

лам, бўтам деб бошини силанг. Бегонамас сизга. Қўй-нингиздан тушгани, узоққа бормаиди, қўнжингизда бўлади.

Дабдурустдан айтилган бу гапдан ўзини йўқотиб қўйган Маҳкам ака гўлдиради:

— Дада дермикин?

— И-е, нега демасин. Аввал сиз ўғлим деб кўринг, меҳри товланади қўяди. Асли, аввалроқ айтишингиз лозим эди. Ҳозирам кечмас, уста.

— Минг ёқни ўйладим-да, оға. Ёш боламас, кап-катта йигит.

— Йигит бўлгани билан ота меҳрига қонмай ўс-ган. Ахир гўдак қолган эди-да, шундайми?

— Шундай.

— Бу ёқда мана она меҳрини ҳам кўп кўрди ху-до. Шундай пайтда, ўғлим деб суйсангиз, парвона бўлади, оқибати ошади. Мана, мани айтди дерсиз.

— Кошкийди.

— Ахир у шўрлик ҳам қаёққа борсин. Ҳали айт-дим-ку, олма пишиб тагига тушади, нари кетмайди. Тўғри. Сизга оғир. Пешанангизга тирноқ битмади. Кўнглингиз ярим. Илло, онасининг ўлимини тилага-нингиз, унга сабабчи бўлганингиз йўқ-ку. Қайнага-чингизнинг пешанасида ёзилгани бўлди. Алҳосил божам эккан дарахтнинг мевасини тотишга оғзим бормаиди дейишингиз ноўрин.

Маҳкам ака чуқур ўйга толиб, бошини эгиб ўти-рарди. Қалбининг энг нозик жойидаги дардини топиб, давосини кўрсатаётган Ориф отага нима дейишини билмасди. Унинг бу ўтиришидан гапим оғир ботдими деб гумон қилган Ориф ота, синовчан деди:

— Тагин ўзингиз биласиз, уста.

— Йўқ, йўқ. Гапларингиз маъқул, кўнглимдаги-ни айтдингиз. Ахир ман сизни қиёматлик оға деган-ман-а. Сўзингизни икки қилмайман. Ножўя йўлга солмайсиз, биламан. Келинингизгаям маъқул бўлади гапларингиз.

— Шундай бўлсин, уста... Ботир ҳазилакам жойга кетаётгани йўқ. Ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган жанг майдонига боради-я. Бутун эл-юрт шуларга кўз тикиб турибмиз-ку. Кўнгли қанча тўқ бўлиб кетса, шунча мард бўлади, отам бор, онам бор, юртим бор деб жангга киради.

— Шундай, шундай, оға. Ҳақ гап.

Ориф ота чойнинг охирини пиёлага қуйиб, Маҳкам акага узатди-да, яна дамлагани ўрнидан қўзғалган эди, Маҳкам ака тўхтатди.

— Бас, оға. Вақт ҳам кетиб қолди. Бозорни қилиб чиқай,— у ўрнидан турди,— энди, бу ёғига ўзингиз бош бўласиз-да, оға.

— Маъқул, маъқул... Шу ҳовлидами?

— Ҳа, ўзимизникида-да,— деди Маҳкам ака ва бир нарса эсига тушгандай ўйланиб қолди,— нимаиди оға, ё ўз уйида бўлгани маъқулмиди-а?

— Бу ёғига бир нарса деёлмайман. Аслида-ку... Яхшиси, кўнглига қаранг. Ҳарқалай, ўзингиз айтганингиздай кичкина боламас. Секин азмойиш олинчи. Уйдан жўнаш кўнглида бўлса-ю, айтолмай турганини пайқасангиз, «қаерни кўнглинг хуш кўрса, ўша ерда-да, бўтам, асло тортинма, бу ер ҳам уйинг, у ер ҳам», десангиз кўнгли тоғ бўлиб кетади. Дарров ўша ёққа кўчирасиз.

— Бўлди, бўлди, икки дунёда кам бўлманг-э, оға. Энди, ман борай.

Маҳкам ака шошилиб бозорга жўнади. Ориф ота орқасидан қараб қоларкан, берган маслаҳатларини тарозуга солиб кўрди, қаноат ҳосил қилиб, соқолини силади. Назарида шу куннинг ўзидаёқ тирноққа зор Маҳкам тақачи фарзандли, етим ота-онали бўлиб қолгандай: «Ўзимам чайнаб оғзига солдим чамамда. Юта олармикан? Бу бечорага ҳам осон тутиб бўлмайди. Шу ёшга келиб, фарзанд нималигини билмаган бўлса. Шу вайдан кўпга қўшилолмаса...» дея раҳми келди устага...

Кун исий бошлади. Куз ҳавосига сира ўхшамасди. Қилт этган шабада йўқлигидан чойхонада ҳам димиқиб кетарди одам. Чойхўрлар анҳор ёқасига уришарди ўзларини. Ҳар кунгига қараганда бугун чойхона гавжумроқ. Чойхўрлар бирин-сирин келишарди бўлса ҳам босим ўтириб қолишарди. Ҳаш-паш дегунча соат ҳам бир бўлиб қолибди. Ориф ота уйга бориб келишнинг иложини қилолмай хуноби ошиб турганида, Абдуҳафиз келиб қолди.

Уттизларга борган, шимининг ўнг почасини тиззасидан қайириб, қўлтиқтаёқда юрадиган норғил бу йигит афсоналардаги тоғни урса талқон қиладиган

баҳодирни эслатарди. Елкаси кенг, кўкракдор, гавда-сига нисбатан бели ингичка, қорни йўқдай кўринарди. Бўйни йўғонлигидан энсаси текис, қулоқлари гўдакларникига ўхшаган кичкина эди. Қўлтиқтаёққа таянганида билакларининг мушак гўштлари бамисоли қайроқ тошга айланарди. Қўлтиқтаёқ чидамайди. Келганидан буён нечтасини ўчоққа тиқди. Ўзининг ҳам жонига теккан нарса — қўлтиқтаёқда юришмас, тез-тез уни янгилаш. Усталар ҳазиллашиб, «энди темирдан ясатмасанг бўлмайди, ука», дейишади. Тиззасидан пастига ёғоч оёқ буюртиришни мўлжаллаб юривди, уруш бошланиб, бу ҳам аро йўлда қолди. Бундайларни ногирон деб бўлмайди. Буни ўзи ҳам тан олмасди. Мучаси бут одамнинг тўрттасининг ишини бажаришга қурби етарди. Уни билмаганлар: «Наҳотки шундай паҳлавон йигит урушда ярадор бўлса?» деб ҳайрон бўлишарди. Уқ деган нарса нимжон билан паҳлавонни танлаб турмаслиги ёш болага ҳам аён бўлса ҳамки, Абдуҳафизнинг сахту сумбатини кўрган ҳар бир киши беихтиёр шундай деб юборар, бу қоматга ҳеч нарса кор қилмаслиги керакдай кўринарди. Абдуҳафизнинг ўзига ҳам шуниси кор қилади. Уқ тегиб ярадор бўлганида алам қилмасди-я, келиб-келиб шу оёқни совуққа олдириб қўйса бўладими. Аввал тўпигидан, кейин болдиридан, охири тиззасидан кестиришга мажбур бўлди. Финляндия уруши оёгининг ярмини олиб қолди.

Абдуҳафиз Ориф отани шоширарди. Шийпон устунига тираб қўйган қўлтиқтаёқларини олиб ўрнидан турди. Одатига кўра тегажаклик қила бошлади.

— Роса имиллайсиз-да. Хотин бўлганингиздаям ўлгудек шалтоқ бўлардингиз-да.

— Мендақасига учраган эрнинг жони роҳатда бўларди, нима девотсан.

— Олинг-а, калтайлайвериб беланги қилиб қўярди.

— Ҳой, манга қара, ҳазилингни қўй, шу аҳволда бораманми? Қийиниб олай.

— Сизни биров куёв қилармиди, ясанасиз?

— Ажабмас, ноумид шайтон, бизга нима бўлибди ҳали. Ўн гулимиздан бир гулимиз энди гунча қилди.

Шийпоннинг аяҳор томонида ўтирган чойхўрлар йигит билан чолнинг ҳазилларидан завқланиб, кўзла-

рини тикиб қолишганди. Ориф отанинг ўзини ёш йигитлардек тутиб, гапга монанд муқом қилишларидан кулишарди.

— Шартлари кетиб, партлари қопти-ю, гунчамадан деганларига бало борми,— деди яна Абдуҳафиз ўшаларга қараб,— шунақа деб ўзини овутиб юрар эканда-а, қариялар.

Гурр этиб кулги кўтарилди. Ориф ота гап тополмай қолди. Бундай пайтларда қуйишқондан чиқиб кетарди. Абдуҳафиз Ориф отани шу даражага олиб келмагунча — жаҳлини чиқармагунча тинмайди.

— Мунча чакагинг очилиб қолди-а, нима дейсан, кийиниб чиқайми?

— Йўқ,— деди Абдуҳафиз завқ билан куларкан,— кечга қоламиз, барака топкур, қани юринг.

Улар райижрокомга кетишди.

ОЛТИНЧИ БОВ

Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб дов-дарахтгача, ариқдаги сувдан тортиб уй-айвонининг устун, тоқисигача, ошхонадан тортиб донхонагача, рўзгор буюмларигача — бари одам тафтидан тирик.

Жамол холанинг ҳовлиси ўзи дунёдан кўз юмган кундан буён ҳозиргача, таъзия маросимлари—маъракаларни ҳисобга олмаганда, энди одам оёғини кўриб турибди. Ҳовлига жон кирди. Ботир уйда нимага қўл урмасин, ҳаммаси онасини эслатаверганиданми ёки иссиқ-совуғининг тайини бўлмагани, кир-чирларини ювиш заруратиданми ё бўлмаса холаси Меҳриниса, поччаси Маҳкам аканинг қистовларига терс қаролмаслигиданми, ҳарқалай бунинг сабабларини бировга айтмасди-ю, истиқомати холасиникида ўтарди. Ҳар замонда зарурат важдан кирарди-ю, ишини битириб тезда чиқиб кетарди. Туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган ҳовли ютиб юборгудек бўлиб кўринар, қўрқаётганини ҳам, сиқилиб кетганини ҳам билолмай қоларди.

Кечга томон бир тўда бўлиб, йигит-қизлар, Ботирнинг ўртоқлари, курсдошлари кириб келишди. Айвонга туташ кичик уйга жой ҳозирланган эди, ўша ерга кириб ўтиришди. Салтанат ҳам шулар билан бир-

га келди, бошқа иложини қилолмади. Унга қолсаку, жон-жон деб барвақтроқ келарди, хизматда бўларди-я, тагин ўша миш-миш бўлишини ўйлаб, бунга жазм қилолмади. У, меҳмонларни ўтқазиб ҳовлига чиқди, гоҳ чой баҳона, гоҳ пиёла-сочиқ дегандек, кириб-чиқиб турди. Ошхона томонга ўтди-ю, гўшт тўғраётган Меҳринисанинг қўлидан пичоқни олиб, қарашишга журъат этолмади.

Йигит-қизлар ҳамма вақт бўлгани каби уйни бошларига кўтариб ўйин-кулги қилишмасди, эҳтиёж ҳам сезилмасди бунга. Очилиб-ёзилиб гаплашиб ўтиришибди-ю, бироқ суҳбатларига қулоқ солинса ёшлар эмас, кўпни кўрган, ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтиб, кўзлари пишиб қолган катта одамлардек фикр юриртишарди. Фронтда нима бўляпти? Душман босиб олган шаҳар-қишлоқларнинг ҳоли нима кечяпти? Кўчириб келтириляётган корхоналар қаерга қурилади? Одамлар-чи? Гўдаклар-чи? Уларнинг ўйини ҳам, ашуласи ҳам, шеърхонлиги ҳам, аскияси ҳам шу эди ҳозир. Булар орасида повестка келишини кутиб юрганлар ҳам, эртага кетадиганлар ҳам, ҳали ёши етмаган, аммо нима қиларини билмай боши қотиб юрганлар ҳам бор. Бурнининг тагига кўмир суйкаб, ёғочни от, хивични қамчи қилиб «Будённый» ўйнаб юрган қўшни болалари ҳам шу ерда. Гўдаклар пойгакда ерга михлаб қўйгандек, қимир этмай бир-бирига суянишиб ўтиришибди. Учала бола ҳам оғизларини катта очганча ағрайиб қолишган. Бутун вужудлари қулоққа айланиб акаларининг гапларини тинглашяпти. Биронтаси сал қимирлагудай бўлса, ёнидагиси туртиб қўяди. Унг томонда ўтирган сепкилдор бола Ботирдан кўзини олмайди. Ёшига яраша хаёли аллақайларни кезади: гоҳ Ботир акасининг сочи қирдирилган тақир бошида пилотка, эгнида ҳарбий кийим кўради. Гоҳ қўлида автомат билан ўрмондан чиқиб келаётганини, тагин бир нафас ўтиб, генерал кийимида, кўкрагида қатор орденларни кўради. «Маза» деб юборган эди хаёлан, дарров ёнидаги ўртоғидан туртки еди.

Қизлар ҳам ортиқча суҳбатга аралашшмайди. Ҳар замонда савол ташлаб қўйишмаса, кўпроқ эшитишарди. Эшитгандаям юраклари увушиб кетаётгани юзларидаги ўзгаришдан, гунча лабларини гоҳ қим-

тиб, гоҳ бехосдан тишлаб олишлари, баъзан ваҳимага тушиб, кўзлари косасидан чиқиб кетай дегани, баъзан хўрсиниб, гоҳо қовоқларини уйиб олишларидан билиниб турибди. Ҳар бирининг кечирмаси, орзу-умиди дарду ҳасрати биттадан китоб бўладиган бу лобарлар орасида севгилисини фронтга кузатиб, кечалари ҳижрон тошлари қалбига ботиб чиқадигани ҳам, кўнгил қўйган йигити шу ерда, унинг кўзларидан кўзларини узмай ўтиргани ҳам, ё бўлмаса ҳали ишқ ўти тугул учқуни ҳам қалбини жиз эттирмагани бордир. Салтанат-чи? Ана ўзи кириб келди. Қўлидаги косалар билинар-билинмас титраб турибди. Дугоналари буни сезишди. Бири дик этиб туриб, қўлидан косани олди. Хизмат қилиш вазидан олгандай сездирмай олди. Бошқа пайт бўлганда, «ўзингни тут, мунча», дермиди. Ҳозир айтмади. Мавридимас. Ўзи қалқиса тўкиладигандай тўлиб турибди-ю, юрагига ҳозир гап сиғармиди. У қалбини, ғунча юзидаги шабнам донасидек титраб турган қалбини кўзгу қилиб, севгилисининг ҳар бир нигоҳини суратга оларди. Кўпроқ олиш пайида. Шунча кўп олсаки, токи ҳижрон кунлари, тунларининг ҳаммасига етадиган бўлса шу суратлар. Оляпти. Ҳаммасини оляпти. Ботир билан биргалашиб, сайр қилиб юришган тотли дамларида кўпинча кўз уриштириш ўйнашарди. Шунча уринмасин ҳар гал Салтанат ютқазарди. Бирон марта ютса-чи. Алам қиларди, кейин, кўзларини ишқалаб, уқалаб, бошқатдан ўйнарди, бўлмасди. Унга сари Ботир завқ билан куларди, баттар жаҳлини чиқарарди. Ҳозир ана шу бардош бериб бўлмайдиган «ютагон» кўзларини кўпроқ кўзгуга тўғрилаяпти. Қоп-қора, қуюқ, ҳамиша бир нима суртгандай йилтиллаб турадиган бароқ қошлар чимирилганда ҳам, уйилганда ҳам кўзгуга тушяпти. Пешанасидан бошланиб, тепасигача сувнинг тўлқинидек йилтиллаб турадиган қуюқ сочларига ортиқча тароқ ишлатмасди, бармоқлари билан бир-икки тараб қўйиш кифоя эди, ҳурпайган сочлари босиларди, қоларди. Ҳозир бу сочлар йўқ. Тақир бошига каржлари эзилган эскироқ дўппи кийиб ўтирибди. Шу ҳам ярашиб турибди. Боя, кириб келишаётганда қизлардан кимдир Ботирнинг сочини олдирганини кўриб, бехосдан «вой» деб юборувди, Салтанат унга шундай хўмрайиб қарадики, дугонаси афв сўрагандек лабини тиш-

лаб, ерга қараб қутулди. Рост да. Қарагинг келса Салтанатнинг кўзи билан қара-да.

Ана, қўшни хотин очиқ деразадан Ботирга шундай қараш қилди. «Бўйларингдан ўргилай Ботиржон, илоҳим бошинг тошдан, устихонинг пўлатдан бўлсин», дея фотиҳа берди. Икки қўлида чойнак билан останада тўхтаб қолган Салтанат аёлнинг яхши ният билан айтган ширин сўзларидан қувониб, фотиҳага қўл очиб юборишига сал қолди. Бўлмаса иккала чойнак чил-чил бўларди. Ана унда кўринг эди Салтанатнинг аҳволини. Буни ўзи ҳам кейин сезиб қолди. Ич-ичидан койиниб қўйди.

Қўни-қўшнилари кириб-чиқиб туришибди. Қариндошлар ҳам улар босим ўтиришмасди. Айвонда дастурхон ёзилган хонтахта ёнига ўтириб, бир пиёла, кўпи билан икки пиёла чой ичишарди. Ботирга омонлик-соғлиқ тилаб, фотиҳа бериб қўзғалишарди. Меҳриниса ва хизмат қилиб ҳовлида ғивирлаб юрган яна бир-икки аёл чекка-чеккада овоз чиқармай «пиқ-пиқ» йиғлаб олишар, кўзи тушиб қолган Маҳкам ака «ҳой» деб уларни босиб қўярди.

Эшикдан Ориф ота билан Абдуҳафиз кириб келишди. Ҳовли юзида Маҳкам ака билан сўрашар экан:

— Ўғилчани кузатар эканмиз-да, уста,— деди йўгон овозини дўриллатиб Абдуҳафиз.

Маҳкам ака шошиб қолди, икки қўли кўксига, меҳмонларни қаёққа ўтказишни билмасди. «Ўғилчани кузатамиз...» Раиснинг бу гапини ҳамма эшитди, Ботирнинг ўзи ҳам, Маҳкам ака ҳаяжон ичида «кўрдингми, ҳой» демоқчидай хотинига қараган эди, у ҳамон кўз ёшини артиш билан овора экан. «Шунақа пайтларда ҳушёр бўлиб, дарров фаҳмлаб ола қолмайдиди, бетамиз», дея ижирғанди ўзича. Билмайдикки, хотинининг кўз ёшлари ҳам худди шу гапдан тўлиб келиб тўкилди, эпполмай қолди, «тамизли» эрига қаролмади.

Бу гап Ориф отасидан чиққанини Маҳкам ака сезиб турарди. Ўша айтган раисга. У ҳам ҳушёр йигитмасми, дарров фаҳмлаган. Мана энди, кўп орасида, «билиб қўйинглар, ҳов», дегандай гапирди. Отасига бўлган меҳри ошиб кетди Маҳкам аканинг.

Йигит-қизлар ўринларидан туришганини, Ботир

айвонга чиққанини кўрган Ориф ота дераза ёнига борди.

— Ҳой, қўзғалманглар болаларим, Ботир, бўтам, қани, сан ўртоқларингнинг олдига кир-чи. Биз мана шу ерда ўтирамыз. Бор. Ўзи вақт ҳам бўлиб қолди.

Ориф ота ҳам, Абдуҳафиз ҳам мезбонларнинг қистовига қарамай ичкарига киришмади, айвонда ўтиришди.

Маҳкам ака шошиб дам нон ушатар, узумнинг яхши бошини меҳмонлар олдига сураб, дам Ориф отанинг орқасига ёстиқ қўярди. Дамлаб келинган чойни қайтариб кўрувди кўнгли тўлмади, чойнакни хотинига узатди, дурустроқ дамла, дегандай хўмрайиб қўйди. Нима қилсаки уларнинг кўнглини олса.

Ҳовлига тортинчоқлик билан уялиб кириб келган, анчагача қовушолмай турган Салтанат энди меҳмонларни бир ўзи эпларди, тинмасди. Кўринишдан очилиб-сочилиб хизмат қилиб юрибди-ю, аммо дили қоронғи. Меҳриниса берган чойнакни Маҳкам ака олдига келтириб қўяётганида Ориф ота сизди қизнинг бу ҳолатини. Кўзига кўзи тушиб қолишини истамади шекилли, бошини эгиб, дастурхон попуғига тикилди. Эрталаб сўрагани, унга раҳми келгани эсига тушиб кетди.

Салтанат ҳам худди шундай бўлди. Кавшандоздаги калиш, ботинкаларни тартибга солар экан, азонда, кимсасиз кўчада бировга кўриниб қолишдан чўчиброқ келаётганида Ориф отага йўлиқиб, анча дадил тортганини, кейин Ботир билан ҳовлига келганини ўйлади. Айтмоқчи, келгани, ҳовли, уйларни саранжомлаб, супуриб-сидиргани яхши бўлган экан. Мана, одамлар келишаркан.

Жўнайдиган вақт бўлиб, ҳамма қўзғалди. Ҳовли ўртасида турган Маҳкам ака қўлини кўксига қўйиб, Ориф отага қаради, «Ўзингиз бир нима деб юборинг», ишорасини қилди. Буни сезиб турган Абдуҳафиз ҳам маъқуллаб бошини қимирлатди. Ориф ота фотиҳага қўл очди:

— Қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин. Олгин олдирмагин, бўтам, омонлик билан дийдор кўришайлик!

Ботир аёллар билан бир-бир хайрлашди, ҳаммалари бағриларига босишиб, пешанасидан ўпиб, яхши

ниятлар тилаб қолишди. Меҳриниса ҳарчанд уринмасин, ўзини тутиб туrolмади, Ботирни бағрига босиб, юм-юм йиғлайверди. Ботирнинг ҳам кўзларига гилт-гилт ёш келди-ю, ўзини зўрға босди.

— Йиғламанг, хола, бўлди,— деёлди холос, бир амаллаб унинг қучоғидан чиқаркан.

Маҳкам ака Ботирнинг қопчиғини кўтариб олган эди, Ориф ота йигитларга ишора қилди:

— Юкини буларга беринг, уста. Аёллар қолишсин. Ҳали, ким билади қай вақтда жўнашади. Уриниб қолишади. Узингиз ҳам қолаверинг, уста, мана ўртоқлари кузатиб қўйишади.

— Аёллар майли қолишсину, мен бораман, ога.

— Маъқул, маъқул. Хайр, болам,— Ориф ота Ботирни бағрига олиб, пешанасидан ўпди.

Йигит-қизлар Ботирни ўртага олиб, кўчага чиқишди. Эшикларидан чиқиб турган қўшнилари Ботирга оқ йўл тилаб, хайр-хўшлашиб қолишди. Меҳриниса ўзини йиғидан босолмасди, кўчага чиққанида додлаб юборди. Хотинлар уни юпата бошлашди.

Ботир кўчанинг муюлишига бориб қолганида, ундан кўзини олмай йиғлаётган Меҳриниса, овози борича қичқирди:

— Ботиржон, болам, узум эсимдан чиқибди.

Йигитлардан бири орқасига қайтмоқчи эди, Ботир уни тўхтатди, ўзи югуриб келди.

— Ма, муздаккина, ўртоқларинг билан еб кетарсан.

Ботир холасининг юзига тикилиб туриб, онасини кўрди. Гўдаклардек унинг бағрига отилиб, маҳкам қучоқлади.

ЕТТИНЧИ БОБ

Кеч кириши билан хавотирланиб, бетоқат бўла бошлаган, дам-бадам кўчага чиқиб, ҳовлига кириб турган Қандолатбидининг қош қорайиб қолгандан кейин юрагига ғулғула тушди. Аллақачон пишган овқат ҳам қозонда қолиб кетди. Супанинг лабига ўтириб, ланг очиқ кўча эшикка тикилганича ўтираверди. «Қаёқда юрганийкин? Қоронғида бирон ярамаснинг қўлига тушдимикин? Поезд тагида қолдимикин? Машина босиб кетдими-а? Ана ҳозир замбилда кўтариб

киришади...» Ҳеч ақл бовар қилмайдиган, биридан бири қўрқинчли фикрлар хаёлига келиб, ваҳима босди. Дод, деб айюҳаннос солмоқчи, тумонат одам йиғмоқчи бўлар, томоғини бир нарса бўғиб, нафаси тикиларди. Тоқати чидамай яна эшик томонга юрди, кўчага чиқиб атрофга кўз тикди. Одам шарпасини сезмай уф тортиб, ҳовлига кирди.

Ҳамма оналар ҳам шу. Қорнида қимирлаганини сезганидан бошлаб, оламдан кўз юмгунча болам дейди, унинг ташвишини қилади. Она учун боланинг гўдаклиги ҳам, ота ё она бўлганидагиси ҳам бир. Сал кўзидан узоқлашдими, ваҳимага тушаверади, тинчи йўқолади, ўзини қўйгани жой тополмайди. Барча оналар-ку, шундай, бироқ Қандолатбибига келганда бу таърифлар урвоқ ҳам бўлмасди. Бу жиҳатдан бир ўзи тўртта онага татирди. Айниқса, Салтанатни сал кўрмаса сувга чўктириб, трамвай тағида қолганга чиқариб, кўз ёши қилиши ҳам ҳеч гапмас, олдида бўлганида бирон ножўя иш қилиб қўйгудек бўлса, шу заҳотиёқ «кўзимга кўринма»дан бошлаб, оғзига келганини жавраши, юмалоқ ёстиқ қилиб, бирпасда жойи ростонига тикиб келиши ҳам ҳеч гапмас.

Салтанат онасининг бу феълени жуда яхши билди. Иложи борича раъйига қараб иш тутишга ҳаракат қилади. Қилади-ю, барибир шунда ҳам бирамас бирда эпполмай қолади-да, яна «сиртмоққа» олинади. Мана ҳозир қаёққа, нимага, кимлар билан кетгани онасига аён, ҳаммасидан хабардор. Бунинг устига, солдатлар жўнайдиган поезднинг вақт-соатини росмана поездларникига ўхшаб олдиндан билиб бўлмайди. Буни ҳам жуда яхши билди. Бошидан ўтказди-ку, ахир. Эрини кузатганида нима бўлувди. Кундузи жўнайди дейишди, бўлмади. Кечқурун дейишди, жўнамади, кечасига қолди. Охири тонг саҳарда жўнади. Йиғлайвериб хун бўлган она-бола уйларига қайтолмай трамвай юргунча вокзалда қолиб кетишди. Ушанда Қандолатбиби уйига келса-ю, кўча эшикда ҳақ деб ўтирган раҳматлик онасига йўлиқса, ўз ўлгани ўзига етмай турганида она унга савағич олиб юурса нима бўларди? Қани энди шуни айтадиган одам бўлса. Айтади. Салтанат айтади-ю, барибир бўлмайди.

Она-бола очилиб-ёзилиб ҳасратлашиб ўтирган кезларида Салтанат узоқдан келтириб, ётиғи билан айт-

ган пайтлари бўлган. Шунда онаси: «Ҳа, қарқиноқдан булбул чиқмай кетинг, ўргатмай қўя қолинг, ўзим ҳам биламан... Она бўлгандан кейин қарғайдиям, эркалайдиям...» дея гапни буриб юборарди.

Сукунат оғирлашган сари, Қандолатбибининг ваҳимаси зўрая бошлади. «Трамвайлар ётса қаёқда қолади?.. Чавақлаб, сувга улоқтиради, қўяди. Вой шўрим... энди бу қопмиди кўрмаганим...»

Шу пайтда кўча эшик тақиллаб қолди. Қандолатбиби чўчиб тушди, ялт этиб ўша томонга қаради. Ним қоронғида икки кишининг шарпасини кўриши билан овозларини эшитди:

— Ассалому алайкум, янга,— деди турган жойида бир-икки йўталиб Абдуҳафиз. Кейин Ориф ота сўрашди.

Ҳали ўзини ўнглаб ололмаган Қандолатбиби зўр бериб кўксига туфлар, тили калимага келмасди. Ориф ота билан Абдуҳафиз хижолат бўлиб бир-бировларига қараб олишди. «Қўрқитиб юбордик чоғимда!, дея кўнглидан ўтказди Ориф ота.

— Тинчликми? Қани?— деди ниҳоят овози титраб Қандолатбиби.

Абдуҳафиз дўриллаган овоз билан, «тинчлик, янга, тинчлик» деганича шошиб супага борди, икки қўли билан Қандолатбибининг елкасидан ушлаб, юзига тикилди.

— Ҳа, янга. Сизга нима бўлди? Эшик очиқ экан, хабар олиб ўтайлик, дедик.

— Қани?— деди титроқ овоз билан Абдуҳафизга тикилиб яна.

— Ҳайрон бўлиб, жим турган Ориф ота энди пайқади. У ҳам супага яқинлашди.

— Э, ҳа, шундай демайсизми. Салтанатлар вокзалда. Ҳали замон келиб қолишади.

— Кўрдингизми? Ўзингиз-а?

— Ҳа, мана, икковимиз ўша ердан кевотмиз.

— Хавотир бўлманг деб, атайи хабар бергани кирдик,— янга,— деди отанинг гапини илиб, Абдуҳафиз.

— Барака топинглар-е худоё,— энди ўзига келди у,— ҳаммаси биргами ахир?

— Ҳа, ўртоқлари билан бирга, кўпчилик бўлиб чиқишган-ку, нимасидан хавотирланасиз.

— Қиз нарса, ахир. Ҳой, эсим қурсин, нима қи-

либ ўтирибман-а! Бу ёққа чиқинглар,— Қандолатбиби кўрпача ёзди,— ҳой, почча, Абдуҳафиз, бу ёққа чиқинглар, мен ҳозир...

— Менга қаранг, янга,— деди Абдуҳафиз уни тўхтатиб,— қани, ўзингиз ҳам ўтиринг-чи, қани, Ориф ота.

Улар кўрпачага ўтиришди. Ориф ота фотиҳа қилди ва кетидан Абдуҳафиз гап очиб қолмасин деб ўйлаб, гапни бошқа томонга буриб юборди.

— Мулла Шаҳобиддиндан хат келганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Иш билан бўлиб, манам, Абдуҳафиз ҳам кўнгли сўрагани киролмадик.

— Юрт ташвиши бошингларда, биламан, сизлардан гинам йўқ, барака топинглар, ҳаммага кўпдан-кўп салом дебдилар,— Қандолатбиби ўрнидан қўзғалди,— қозонда тайёр овқатим бор-а, бирпас ўтирсанглар.

— Ҳожати йўқ, янга,— деди уни тўхтатиб Абдуҳафиз ва Ориф отанинг имоси билан ўрнидан турди,— биз шошиб турибмиз, борадиган жойларимиз бор. Сиз хавотир олмай, бемалол ухлайверинг, янга. Ҳали замон келиб қолишади.

— А? Ҳали жўнагани йўқ денг-а?

Қандолатбиби уларни эшиккача кузатиб, кўчада қўлтиқтаёқнинг дўқиллаши тингунча туриб қолди. «Барака топгурлар, аzza-баzza хабар қилгани киришибди-я. Уйқу дейди, овқат ўтмайди-ю». У, ўзига ўзи гапириб, кўнгли анча тинчиб, ошхонага борди. Тувоқни кўтариб, қозонда шўрва эмас, суви қуриб, атала бўлиб қолган картошкани кўрди. «Яхшиям ўтиришмади, нима деб олиб борардим олдиларига буни», деб қўйди ва тувоқни ёпиб, кўча эшикни юзига бекитди-да, супага чиқиб, омонатгина ёнбошлади.

Ориф ота ҳам, Абдуҳафиз ҳам овқат қўйилса, нималигини суриштириб ўтирмай чангини чиқариб егудай оч эдилар. Ориф отага қолса ўтирарди ҳам бегона жоймас, ўзи кириб-чиқиб юрган, инисидек қадрдон дўстининг ҳовлиси. Фақат Абдуҳафиздан чўчиброқ турди. Гап орасида лоп этиб уйдан сўз очиб қолса, бўлмасди, мавридимас ҳозир. Шуни ўйлаб, турамиз деб, Абдуҳафизга имо қилаверди.

Улар бошқа уйларга кирмай тўғри чойхонага боришди. Гулзор ёнидаги сўрида ўтирган иккита қария-

дан бошқа чойхўрлар йўқ эди. Шийпоннинг бир чек-касида Тўра мўйлов ўтирарди.

— Магазинни уриб кетди, ҳов!— дея тегажаклик қилди унга Абдуҳафиз.

— Урадиганнинг боши ўнта, хўжайин,— деди бўш келмай Тўра мўйлов ва ўрнидан туриб ўтинхонадан дастурхонга ўроғлиқ товоқ кўтариб чиқди,— роса оч қолганга ўхшайсизлар-а.

— Қаёқдан билдингиз, Тўра ака?— деди ҳайрон бўлиб Абдуҳафиз.

— Сизни-ку билолмадим-а, аммо Ориф отамни бир қарашда билиб оламан.

Ориф ота чой дамлар экан, кулиб юборишига сал қолди. Эшитиб эшитмаганга олди ўзини.

— Бўлмаган гап. Билолмадингиз. Ҳозир ош еб келяпмиз. Ориф отам оч бўлса, кела солиб чой дамлармиди.

— Сизга-ку бир нима деёлмайман. Аммо отам овқат еганга ўхшамайдилар.

— Қаёқдан билдингиз?

— Кўрмайсизми. Қовоқ-тумшуқлари осилиб, дамлари ичларига тушиб кетибди.

Абдуҳафиз завқ қилиб кулди. Ориф ота чойнакни ерга қўя туриб илжайиб қўйди. Дастурхонни ечди.

— Кемайсанми ўзинг,— деди Ориф ота Тўра мўйловга.

— Бемалол. Лағмон егандим денг, баднафслик қилиб кўпроқ тушириб қўйибман, ҳазм қилолмай, хунобман,— деди Тўра мўйлов қорнини силаб,— кичкина набирангиз олиб келди. Совуб қолгандиров. Иситиб берайми?

Ориф отадан садо чиқмасди. Қандолатбибиникида ҳам ортиқча гапирмади, йўлда ҳам чурқ этмай келди, Тўра мўйлов шунча гап қилса ҳам миқ этмайди. Тўра мўйловнинг гапи ҳазилмас, ростга ўхшаб қолди-ку, билишини қаранг-а. Абдуҳафиз шунча қадрдон, ҳазилкаш бўла туриб шуни пайқамаган экан-а.

— Қойилман сизга, Тўра ака. Айтганингиздай мум тишлаб олдилар-а.

— Биламиз-да, хўжайин, неча йиллик ота-ўғил-миз ахир,— деди гердайиб Тўра мўйлов оғзига нос ташлаб.

— Қани, олсанг-чи тез-тез, совуб қопти ўзиям,— деди Ориф ота овқатдан бош кўтармай.

Ижрокомда бўлган йиғилиш отани ҳам, Абдуҳафизни ҳам анча шошириб қўйди. Фронт доирасидаги шаҳарлардан кўчириб келтирилаётган одамларни жойлаштиришга тайёргарлик кўриш лозим эди. Улар ижрокомдан чиқишди-ю, маҳаллага келиб, бир чеккадан хонадонларни айлана бошлашди. Шу орада Ботирнинг ҳовлисига кириб, уни кузатиб қўйишди. Узоқроқ ўтириб қолган жойлари ҳам шу бўлди. Чойпой ичиб, бир-икки қошиқдан шўрвадан татиб кўришгани ҳам яхши бўлган экан, мана, ўшандан бери тик оёқда юриб, ярим маҳаллани айланиб чиқишди. Охири Қандолатбибиники бўлди.

— Ўзимиз ҳам қўрқитиб юбордик,— деди Абдуҳафиз қўлини арта туриб,— юрак ўйноғи борми, дейман-а, ранглари қув ўчиб кетди-я.

— Касалини-ку билмайман, илло, ўзи шунақа ваҳимароқ. Кирганимиз яхши бўлди, бўлмаса дод солиб кўчага чиқиб кетишдан тоймасди.

— Аммо ёлғониям боладингиз-э, дарров фаҳмладим.

— Бошқа илож йўқ эди-да. Бўлмаса ҳозир топиб бер, деб ёпишиб оларди. Бир амаллаб тинчитдик-ку, ахир. Савоб ишда ёлғон ишлатсанг худоям кечиради. Ман бошқа нарсадан чўчиб турувдим. Яхшики, ҳушёрлик қилдинг.

— Нимадан?

— Уйдан гап очиб қолсанг борми, ҳозир ўзини ташлаб юборарди, балосига қолардинг.

— Йўғ-э, ҳали шунақа шаддод дегн?

— Унақа беандишалик қилмайди-ку, ўлгудек содда, гўл. Бир нарсани уқтириш амри маҳол. Тезлигим йўқ эмас, лов этиб ёнадиям, писс этиб ўчишиям осон. Илло, кўнгли бўш.

— Бу дейман, ота, Қандолатбиби жуда мункайиб қолган-а. Илгари ҳам шундаймиди?

— Фаҳмлабсан-ку. Нима десам экан. Бировнинг жуфти ҳалол. Гапириш одобдан эмас-ку, сен ўзимниксан. Айтсам бўлади. Шаҳобиддиндан бир-икки ёш каттароқ.

— Ҳа, шундайдир. Меная қайрон бўлардим-а. Аммо роса таърифини келтирдингиз-э.

— Биламан-да, ука. Бундақаларга эҳтиёт бўлмансанг, таъбингни кир қилиб қўяди.

— Нима қилиш керак? Боя Салим кўнчиникида ҳам, тирсагимдан тортиб: «Вас қил!» девдингиз. Оғиз очмасимдан бобиллаб беришини қаранг, шундайлардан тўрттаси бўлса ишни пачава қилади қўяди. Бу ёқда минг-минглаб бошпанасиз қолганлар...

— Шошма, шошма... Ўзингни бос, сен маҳалланинг отасисан. Ҳаммани беш қўлингдай билишинг шарт. Одамлар ҳар хил, биров ундоқ, биров бундоқ. Уруш ҳамма хонадонга кириб борди, тинчини бузди, кўнглини вайрон қилди.

— Тушунмайманми шуларни?

— Тагин қизишади-я. Тушунасанки, гапирвотман. Бу нозик иш, эҳтиётлик билан қилмасак, қоқилиб қоламиз. Одамларимиз ҳаммаси яхши, кўнгли очиқ, бағри кенг. Мана, шунча ҳовлига кирдинг, биронтаси бир нима дедими? Йўқ. Ҳа энди. Салим кўнчи билан Шаҳобиддиннинг аёлларига ўхшаганлари ҳали тагин чиқади. Биласанми, улар қанақа тоифадан?

— Ўзларини ўйлашадиган тоифа-да, қанақа бўларди.

— Йўқ. Ҳозир айтсанг сапчиб тушишади-ю, илло, эртага келганларни жойлаштираётганимизда юк кўтарган, ё бола етаклаган аёлни кўриб қолса, юраги шув этиб, ўзини тутолмай қолади, олдига келиб, боласини қўлига олиб, ўзини етаклаб уйига олиб кириб кетади.

— Шулар-а?

— Мана, мени айтди дерсан. Қандолат ҳам шундай қилади. Бунга аминман. Тагин сандан «нега айтмадинг», деб гинахонлик қилиб қўяди. Салим кўнчининг аёли ҳам шундайлардан.

— Қани, кўрармиз. Қаёқдан биласиз буларнинг барини?

— Билишимни қўй, санам билиб ол дейман, болам. Одамнинг кўнгли гулдан нозик, тошдан қаттиқ, шунга қараб иш тутсанг, асло кам бўлмайсан.

— Рост айтасиз. Одамни билишдан қийин нарса йўқ экан.— Абдуҳафиз тилида шундай деди-ю, дилдан, «шу одамда шунча гап бор экан-ку, билмас эканман-а», деган фикр ўтди-да, гулзор атрофида ивирсиб юрган Тўра мўйловга қараб олди.

— Ярмини кўрдик-а. Жар кўча билан юқоридаги ҳовлилар қолдими?

— Ҳа, иложи бўлса эртага мен келгунча айланиб турсангиз яхши бўлармиди?

— Йўқ. Бу фикринг маъқулмас. Кичкина ишмас бу. Ўзинг билан бирга юрамиз, ўғлим.

— Майли, барвақтроқ келишга ҳаракат қиламан. Абдуҳафиз қўзғалмоқчи бўлувди, Ориф ота унинг қўлидан тутди.

— Тўхта, бир маслаҳат бор.

— Хўш, тагин нима гап?

— Утин-кўмирингни ғамладингми?

— Йўқ. Нимаиди?

— Томларингни сувадингми?

— Ййе, қизиқсиз-а, бир чакка ўтмагунча эсга келармиди.

— Эсингга келади, суваб ҳам оласан, ўтин-кўмирингни ҳам ғамлайсан. Бошқалар-чи? Келаётган одамларни ҳам бир амаллаб жойлаштирамиз-а, илло, бу ёқда кузга кириб қолдик. Тунови кунги ёмғирни кўрддингми? Огоҳ бўл, дегани шу. Утин-кўмирга, томдеворга қарайдиган азаматлар жўнаб бўлди, ҳисоб. Бу ёғини ким ўйлайди?

Абдуҳафиз дабдурустдан эришроқ туюлган бу гапни «сиз ўйлабсиз-ку, бўпти-да», деб, ҳазилга айлантириб юборишига сал қолди. Қараса, жиғибийрон бўлиб, астойдил куйиниб гапираётган Ориф отани ранжитиб қўядиган. Ҳазилга йўядиган гап эмасди бу. У чуқур ўйга ботди. Ўйлар экан, ўзидан ўзи койинарди. Ҳозиргача урушнинг бутун даҳшатини ўйлаганда фақат нарёғини ўйларкану, Ориф ота айтгандай, бу ёғини ўйламас эканда. Ана энди бошланяпти бу ёғи. У чуқур хўрсиниб қўйди, ўрнашиброқ ўтирди.

— Қари билганни пари билмайди дердингизу, ҳақ гап шу. Қаранг, хаёлимга келтирмаганман-а.

— Бунақа мусибат бошга тушибдимики, хаёлингга келади. Ҳозирам биров сени мажбур қилмайди, одамлар ҳам тепангга келиб томимни суваб бер демас-а. Илло, ўша қон кечиб юрган азаматларимизнинг йўқлигини сездирмаслигимиз лозим. Бизга ҳам қарз, ҳам фарз бу, болам.

— Эрта-индиндан қолдирмай активларни тўплаб, маслаҳатлашиб олайлик. Ҳозирдан бошламасак бўл-

майди бу ишни. Уйлаб турсам комиссиянинг энди куни туғадиганга ўхшайди. Уҳу...

— Баракалла. Тушунибсан. Оғир ботмасин деб бу ёғини айтмовдим. Иннайкейин, ўғлим, хонадонларга бот-бот кириб туришинг керак. Бир оғиз, «тинч-мисизлар, хат-хабар борми?» дейишнинг ўзи кўнгилни тоғдек кўтарadi.

— Яшанг-э. Аслида раис ўзингизу, янглишиб мени сайлаб юришибди-да, — деди Абдуҳафиз туришга ҳозирланиб, қўлтиқтаёқларини оларкан.

— Сайлашмаганига қўярмидинг. Таёқ олиб югурарсан.

Икковлари қотиб-қотиб кулишди. Нарироқда ўттирган Тўра мўйлов завқ билан қўлларини тиззаларига уриб куларди. Абдуҳафиз анҳорнинг нариги бетига ўтганида ҳам эшитиб турди унинг кулгисини.

САККИЗИНЧИ БОБ

Эр-хотиннинг бир-биридан яширган сири бўлармикин? Тагин келиб-келиб шундай оилада-я. Беш йилмас, ўн йилмас, салкам ўттиз йил бир ёстиққа бош қўйиб, тотув яшаб келаётган оилада-я. Ақл бовар қилмайди. Мабодо шундай сир бўлгандаям уларнинг аҳиллигига бардош беролмайди, ўртада узоқ ётмайди. Сабри чидамай пақ этиб ёрилади-ю, ташга чиқиб, феълига яраша ҳунарини кўрсатади: ё ўртага нифоқ туширади, ё меҳр-оқибатлари қўрини пуфлаб, алангалатиб юборади. Ҳали портлаганича йўқ бу сир. Ҳар икки қалбга бир вақтда тушиб, жо бўлиб олганича пишиб етиляпти, қалб даргоҳи торлик қилиб қоляпти-ю, ташга чиқолмаяпти. Қалб тилмочлари — бир-биридан ҳамиша нур эмиб келган сирдош кўзлар тўқнаш келади-ю, энди ташқарига чиқаман деганда филтиллаб, чап бериб ўтишади. Тиллар ҳам гулдираб келади-да, гоҳида қисқалик қилади, гоҳида ёзиқлик. Шу тариқа битта ният, битта мақсаднинг ҳомиласи бўлган бу дард ҳар иккала қалбда сир бўлиб сақланиб келади. Ҳар қалай узоққа бормас. Вақт-соати етиб, ҳомила ҳам ёруғликка чиқади-ку.

Меҳринисадаги бу сирли дардни ҳомилага қиёс қилса бўлади. Шу ёшгача ҳомиладек қутлуғ дарднинг нималигини билмай ўтаётган Меҳриниса ўзи ҳам як-

ка-ёлғиз қолиб, ўзи билан ўзи сирлашганда худди шунга қиёс қиларди. Кўзалари чақнаб кетарди, севинч ёшлари думалаб, юзларига тушарди, қандай қилиб бу сир-қолни эрига айта олади? Нима деб айтади? Агар ўзи ўйлаб, ўзи ҳис этаётгандек қилиб айтадиган бўлса: «Ҳой, ҳалиги, кўнглим гунгурт-а, довуччага ўхшаган нарсаларни тусаяпти...» дейиши керак бўлади. Ахир ўзи шундай ўйлаётган, фақат шунга қиёс қилаётган — яшириб нима қилади — шуни истаётган бўлса нима қилсин. Шундай деса-ю, эри хохолаб кулиб юборса-да, кетидан киноя билан бир нарса деб... Йўқ, йўқ, гапининг ҳожати йўқ, мана шу кулишининг ўзидаёқ чил-чил бўлиб кетади, шунинг ўзи кифоя. Худо кўрсатмасин тагин таъна қилса-я? Унда ўлгани шу бўлади қўяди.

Қаёқдан келди бу дард-а? Эзади, сиқади, ўтга солади, йиғлатади, раҳм-шафқатсиз қийнайди, қийнаб туриб тагин кулдиради, яйратади, қалбига чироқ ёқади, дилини равшан қилади, ором беради. Мана, роппароса уч ҳафта бўлди шунга. Ўша, узумли саватчани узатган қўллари нима бўлди-ю, гурсиллаб ураётган навқирон юракнинг ҳаяжонли тегиши сезилиб турган кенг елкага осилди қолди. Бақувват қўллар бамисоли она бағридан алланарсани тимирскилаб, уни маҳкам қучоқлагандай бўлди. Аъзойи баданида шундай бир тотли титроқ пайдо бўлдики, кўзларидан, йиғлаб турган кўзларидан бошқача бўлиб, отилиб ёш чиқди, қайноқ, ҳар донаси юзни куйдиргудек ёш. Кўз ёриганда шундай бўлармикин? Ҳа, шундай. Фақат шундай. Шунга қиёс қиларди Меҳриниса. Буни у ўшанда, ўша дамнинг ўзида сезмаганди. Уйга келганда, кечаси... ё эртасига, йўғ-э, индинига... ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқа сезяпти. Сезган сари янги бўляпти, ёнига тагин эсидан чиққанлари қўшиляпти, ўсяпти. Усган сари азоб беради, азобга қўшиб умид ҳам бахш этади. Ушандан буён нотинч кўнгил ёлғизликка мойил бўлиб қолди. Сокинлик бўлса. Уша дақиқанинг кечинмаларини ипидан игнасигача битта қолдирмай кўз олдига келтирса, эсласа, кўнгил яйраса, токи ўшандай тотли титроқни бир лаҳзагича бўлсаям яна ҳис этса, янгидан дунёга келганини эсласа. Уша қовурғаларига ботган кучли қўллар, йўқ ботгани йўқ, унга шундай туюлганди, иннайкейин, қўллар ҳам бақувватмас, тик-

мачоқдек, чақалоқнинг жажжи қўллари эди, унинг нимжон панжалари ёзилиб, бармоқчаларини ботириб қучоқлаган эди, маҳкам, жон-жаҳди билан қучоқлаган эди. Кўкрагига ташланган бош навқирон йигитмас, она кўксини қумсаб, унга интилган тамшанишга мойил гўдакнинг юмшоқ боши эди. Пишиллаб эмарди...

Бугун эрталаб, нонушта устида қалқиб турган сир қирғоққа отилиб чиқишга сал қолди. Кеча бозордан олиб чиқиб, яхши ният билан Ботирга атаб ўтқазган олма кўчатига тикилганича, чой ҳўплаётган Маҳкам ака хотинига ўгирилмай:

— Хат ёзмади-я?— деб қолди.

Меҳриниса сесканиб тушди. Ранги қув ўчиб кетди. Ҳадиксираб, эрига қаради. «Уйчан бўл қолдинг, бирон дардинг борми демоқчими, ё шунчаки сўравотти-ми?»— кўнглидан ўтказди у ва хийладан кейин ўзини босиб олиб, жавоб қилди:

— Етмагандир... узоқ дейишади-ку...

Маҳкам ака ялт этиб хотинига қаради. «Ким айтди?» деб сўрамоқчи бўлганида, хотини «вой» деб тиззасини ушлади, оёқларини йиғиб олди. Самовар тагига қўйган чойнаги аллақачон тўлиб тошган, қайноқ сув наMATга сингиб, тиззасигача етган эди. Гапи оғзида қолган Маҳкам ака, «жўмракчи бура, жўмракчи...» деди хотинига.

Ким билади дейсиз, чойнак тошмаса, гап бориб тақалиб, сир ўртага тушармиди ёки Меҳриниса бу гал ҳам ўзини тутиб билмаганга олиб ўтирармиди.

Маҳкам ака-чи? Яхшики, чойнак тошди, айни муддао бўлди. Бўлмаса кимдан эшитганини суриштирарди. Жавоб оларди, яна сўрарди. Борингки, гап тақалиб бориб, ёриларди, дилидагини айтиб юборарди. Ундан кейин нима бўлади, буни ўзи ҳам билмасди. Хайр бу сафар ҳам чап бериб қутулди, қани битта хат келсин-чи...

Маҳкам ака кейинги кунларда хотинининг авзойи, гап-сўзлари, ҳаракатларидаги ҳамма ўзгаришларни сезиб юрарди-ю, буларнинг ҳаммасини опасига куяётганга йўярди. Энди хотирдан кўтарилай деб қолганда, яқинда Ботирни кузатишда яна яраси янгиланди, шунга куйяпти, ҳаммаси шундан деб ўйларди. Ахир жигар-ку, биттаю битта жигари шу эди, куяди-да.

Шундай пайтда, ўз ёгига ўзи қовурилиб юрган пайтда, унга ҳамдard бўлиш ўрнига дилида ўйлаб юрганини шартта айтса... Ҳай, ҳай, ҳай.. Инсофданми шу: «Ахир бир кун юзимга соларсиз деб юрардим-а...» деса, ана унда кўринг дилсиёҳликни. Ахир, арзимаган нарсадан гап чиқиб, шунчаликка борган пайтлари бўлмаганмиди. Йўқ, яхшиси дилидагини тилига чиқармайди. Шуниси маъқул.

Тасодифни қарангки, хотинининг бошига тушган дард ўша куннинг ўзидаёқ эрининг қалбидан ҳам жой олса-я.

Эрталаб, бозорга кета туриб, қиёматлик оғаси Ориф отага йўлиқди-да, юрагига гулгула тушди қўйди. Қалбида-ку, гоҳ милтиллаб, гоҳ кул босиб ётган чўғ бор эди-я, Ориф ота яна шу чўғни пуфлаб, аланга олдириб юборди. Бу аланга зурёдсиз ўтаётган ҳаётдан ҳаммиша пинҳона нолиб, ич-ичидан эзилиб юрган яримта кўнглини ҳам ёритарди, ҳам иситарди. Шу-шу холи қолди дегунча ўша суҳбатни, оғасининг гапларини эсларди. Эслаган сари бағри бутун бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилар, олам бошқача бўлиб кўринар, аллақасқдан ғойибона куч белига қувват, кўзларига нур ато қилаётганга ўхшарди. Шундай ширин хаёллар, улкан орзу-умидларга фарқ бўлиб ўтираркан, лоп этиб, ўша дамлар, Ботирни кузатиш дамлари эсга тушиб кетарди. Ориф ота нимаики тайинлаган бўлса, ҳаммасини у айтгандан ҳам зиёда бажарди, ўша дақиқадан бошлаб, то вагонга чиққанига қадар оғзидан «болам, бўтам» тушмади, бағрига олиб, пешанасидан қайта-қайта ўпиб кузатди. Йиғлади ҳам, бироқ йиғисини сездирмади. У бўлса «хайр» деганича жўнади кетди. Шуларни эслаб, юраги орқасига тортиб кетарди, яна ўзига ўзи тасалли берарди: «Ҳа, энди, аста-аста-да... Уруш тугасин, эсон-омон келсин...» деб қўярди. Бунинг устига кетганидан буён хабар йўқлигидан яна ваҳимага тушарди.

Шуларни қандай қилиб айтсин хотинига. Ўша кузатиб келган кечасиёқ ётиги билан, ўзиданмас, оғасининг тилидан қилиб, маслаҳат тариқасида айтмоқчи ҳам бўлди. Айтолмади. Эртасига оғзини жуфтлади, бўлмади, индинига... мана, ҳозиргача айтолмайди. Чойнак тошмаса, айтиб юборармиди. Узоққа боришлигини кимдан эшитибдийкин хотини? Сўрамади.

— Куймадими, ишқилиб? — деди ўрнидан тураркан.

— Тўкилгани йўқ, наमतдан тегди-да... Ҳа, бўлдингизми?

— Бориб келай,— деди-да, кийингани уйга кириб кетди.

Қайноқ сувга бўккан наमतдан тиззаси ачишгани босилди-ю, эрининг саволидан сесканиб тушгани ҳамон босилмасди. «Камгап, хаёлчан бўлиб қолганлари бунданмас,— ўйларди ўзича,— эркакларнинг эсига келармиди бунақа ишлар, артелдагиларнинг кўпи жўнаб бўлди, иш кўпайди, кўмир танқис эмиш, шуларни ўйлайдилар. Ботирнимас. Бир, эсларига келиб сўрадилар, қўйдилар-да...»

Ботир онасининг таъзиялари ўтгандан кейин, холасининг бир оғиз гапи билан шу ерга келган эди. Келгандаям унақа кўч-кўронини кўтариб келгани йўқ, кириб-чиқиб, ётиб-туриб юрди. Кўпинча институтида қолиб кетар, кеч келиб, барвақт кетиб қоларди. Унинг бу юриши онаси ҳаётлигида келиб-кетиб юрганидан фарқ қилмасди. Ўзи ҳам мундоқ ёпишибгина уй-жойга, рўзгор юмушларига қараша қолай демасди, поччаси ҳам, холаси ҳам буни ўйлашмасди. Унинг оғирлигиям сезилмасди. Оғирларини енгил қилганиниям сезишмасди. Уша-ўша келиб-кетиб юрган жиянлари эди, холос. Бирон марта эр-хотин ўтириб, «Энди бу ёғи нима бўлади?» деганга ўхшаган фикрни ўртада ўйлаб ҳам кўришмаганди. Ҳатто соппа-соғ етилган йигит, фронтга жўнаши кераклиги ҳам эр-хотиннинг эсига келмасди, ортиқча ташвишлантирмасди ҳам. Бир куни кечқурун эшикдан кириб келди-ю, овқат устида «эртага кетадиган бўлиб қолдим», деб қолди. У бу гапни худди «эртага, кечроқ қайтсам керак», дегандай босиқлик билан, бамайлихотир айтдики, аввалига эр-хотин нималигига тушунолмаб, бир-бирларига қараб, ағрайиб қолишди. Ағрайишларининг ажабланадиган жойи йўқ. Вирдамас бирда кетишнинг фироқ-ташвиши-ю, келишнинг севинч-қувончини бошдан ўтказишибдими, дарров пайқаб олиша қолса. Анчадан кейин, Ботир овқатланиб бўлгандан кейин ҳамма нарса равшанлашди. Йўл тараддуди маслаҳати бошланди. Ботир ҳадеб «ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ», деяверганиданми ёки эр-хотин ҳалиям сафарнинг таги-

га чуқур тушуниб етмаганлариданми, ҳарқалай бу маслаҳат ҳам бозор-ўчар қилиш маслаҳатидай бўлиб ўтди. Ҳамма гап эртасига, Ботир жўнайдиган кундан бошланди. Ким билади дейсиз, эр ҳам, хотин ҳам бири-биридан пинҳона мижжа қоқмай чиққандир, кечаси билан пишиб етилгандирки, бирига Ориф отанинг насихати малҳам, суянчиқ бўлди, иккинчисига кузатишнинг сўнги ҳаяжонли дақиқалари.

Шу-шу икки қалбда битта дард сир бўлиб яшириниб ётибди. Ёшлик, шўхлик йилларидагига ўхшаб бекинмачоқ ўйнашяпти. Бекинмачоқ бўлгандаям ошиқмаъшуқлар бекинмачоғига ўшарди. Тутган ҳам хурсанд, тутилган ҳам, фақат улар ўзлари билмасди буни. Тутилсам қаттиқ ранжитаман, деб эр ўйларди, билса таъна қилади, деб хотин ўйларди. Ҳаёт тақозосини қарангки, битта тирноқ не кўйларга соляпти одамни.

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Бир неча ойдирки, эр-хотиннинг қўли қўлига тегмайди. Иш кўп. Аввалларидек норма деган нарса қолмаган. Ҳеч ким буни ўйламайди ҳам. Ҳар бир темирчи жонини жабборга бериб уч киши, тўрт кишининг ишини бажариб турганидан кейин сенинг норманг мана бунча деб бўлармиди-ю, ҳисоблаб ўтирилармиди. Артелдагилар аллақачон икки сменада ишлашга ўтишган. Маҳкам акага ўхшаган уйда дўконхонаси борлар ҳам шу. Мана шу ҳовлининг этагидаги пастаккина дўконда тонг отиб, кун ботади. ҳамки, тинмай олов гувиллайди, темир учқунлари сачрайди, босқон тинса, болғача тинмайди, болғача тинса сандон. Кўпинча эр-хотин тушликни ҳам, баъзида кечликни ҳам шу ернинг ўзида қилишади. Йигитлар фронтга кетиб, асосий иш кексаларга қолган. Шу кичкина дўконхона, унинг мўрисидан кети узилмай чиқиб турган тутун ҳам фронт хизматида.

Эртаю кеч дам босиб, болға уриб куни ўтадиган Меҳринисанинг уй-жойга қарашга фурсати етмасди. Салқин тушиб қолди, том-тошга қараш, ўтин-кўмир ғамлаш пайти. Булар ҳам ўлда-жўлда. Меҳриниса бу ҳақда эрига оғиз очгудай бўлса, Маҳкам ака: «Очиқ-ялангда, ўт ичида эмассан. Ҳаёт-мамот жангоҳида қон

кечиб юрганларни ўйла. Ушалар яланғоч отни миниб, жангга киролмайди-ку...— дерди-да, кетидан яна, қайси бир куни артелга Қодирхўжа келганида ундан эшитган ва кўнглини тоғдек кўтариб юборган гапни қўшиб қўярди,— бутун фронт, бу деган гап бутун дунё кўз тикиб турибди бизга. Мана шуларнинг биттаси сан, биттаси ман бўламан. Тушунасанми шуларни?»

— Мани жудаям лақмага чиқариб қўйманг, ақл-фаросатим бор. Ўзингиз қаёқдан тушуна қолдингиз. Бунақа доклад гапларни билмасдингиз-ку?

— Қодирхўжа гапирди, гапиргандаям ҳақ гапни гапирди. Менам дилимда айнан шундайдир деб юрардим, илло, Қодирхўжага ўхшаб келиштириб айтолмасдим. Энди кўз очилди, хотин. Юрган эканмиз дунёнинг иши мана шу тақа-туқу қорин тўйгазиш деб. Йў-ўқ, ундоқмасакан. Биласанми, тагин нима деди Қодирхўжа, йиғилиш охирлаб, ташқарига чиққанида, мани ёнига чақирди: «Уста, деди елкамга қўлини ташлаб, буюртма жуда муҳим. Юқоридан. Буни сиз яхши тушунасиз. Касабаларга ҳам англанинг шуни» деди. Уша, ман тушунадиган бўлганимдан шундай деди-да.

— Нимага?

— Ана, кўрдингми, ақл-фаросатим бор дейсан тагин. Будённийнинг ўзлари буюрибдилар. Тушундингми?

— Қодирхўжа айтганини ман қаёқдан билай.

— У айтгани йўқ.

— Ким айтди, бўлмаса?

— Ўзим эсимни ебманми билмай. Қодирхўжа айтишининг ҳсжати йўқ. Муҳим буюртма дегандаёқ дарров ақлимга келди. Будённийнинг ўзлари буюрган бўладилар.

Меҳриниса бу гапдан кейин жим қолди, дам босиб ўтираверди. У Қодирхўжани яхши биларди. Бир-икки артелга келганида кўрган, қайси бир байрамда ҳам об-бахолам саккизинчи мартдамиди, у ўз қўли билан Меҳринисага совға топширганди. Будённийни бўлса жуда кўп эшитганди. Кўз олдига дарров катта уйнинг икки тахмони ўртасидаги киртокча тепасига қўйилган рамкадаги сурат келди. Унда Будённий одамлар орасида ўзига тортиқ қилинган отнинг жи-

ловини ушлаб, кулиб турган пайти тасвирланганди. Бу сурат Маҳкам аканинг бисотидаги энг қимматли, табаррук, нодир ёдгорлик ҳисобланарди. Еру кўкка ишонмасди уни. Уйнинг тўрига қўйганлиги ҳам шундан.

...Қайси бир йили ифторлик қилдирганида масжид имоми суратга тикилиб туриб, сўраб қолди:

— Мулла, Маҳкамвой, бу ўзлари намозни қаерда ўқийдилар?

— Масжидда, тақсир. Энди, баъзида, хизмат вазидан чиқолмай қолганимизда...

— Биламан, мулла Маҳкамвой, хонадочингизда қаерда ўқийсиз демоқчиман?

Қўл қовуштириб турган Маҳкам ака гапга тушунмади. Утирганлардан бири секин пичирлаб тушунтирди.

— Шу уйда, тақсир. Нимаиди, тақсир?

— Соддасиз, соддасиз, мулла Маҳкамвой. Ҳа, майлига. Сиздақаларнинг гуноҳини худо таоло кечиргай. Сурат осиглиқ хонада намоз ўқимоқлик гуноҳ ҳисобланур, мулла Маҳкамвой.

— Ахир бу сурат... Танидингизми. Ўзимизнинг Будённий-ку, тақсир. Бир чеккаси ҳамкасабамиз. У киши ҳам босқончи ўтганлар...

— Соддасиз, мулла Маҳкамвой, соддасиз. Тушунмоқ даркор.

— Хўп, тақсир, хўп. Маъзур кўрсинлар.

Гапнинг тагига шундагина тушунган Маҳкам ака намозшомга жойнамозни нариги уйга солди...

Шу воқеадан кейин бировга бир нима демади-ю, ўзича: «Ахир бегонамас, ўзимизнинг саркарда-ку. Унга сажда қилиш ўрнига... Эй, тушунмагандан кейин гапираверарканда...» деб ранжиганича, шундан буён бирон одам келгудай бўлса, нариги уйга жой қиладиган бўлган.

Сурат қандоқ қўйилган бўлса, шундоқлигича турарди. Ҳар замонда уни олиб, чангларини артиб, тикилиб қоларди. Суратдаги одамлар орасида ўзи кўринмаса ҳам: «Манави чувт дўппилининг орқасида турибман, қара...» деб тушунтирарди хотинига. Ўзи отдан, эгар-охонжамалардан кўзини олмасди. Ушанда Қодирхўжа артелга раис эди. Маҳкам акани чақириб: «Уста, шу отнинг юганини ўзингиз бошлаб берасиз.

Бир ҳунарингизни кўрсатасиз-да», деб қолди. Бунақа буюртма ҳар кимга ҳам насиб бўлавермасди. Маҳкам ака бажону дил бажарадиган бўлди-ю, бироқ анча ташвишланди. Уша кечаси ухламай, шуни ўйлаб чиқди. Икки кун деганда юганнинг сувлиги, ҳалқа, тўқа, узукларигача тайёр бўлди. Биринчи бўлиб қўлига олиб кўрган Меҳринисанинг ўзи, «заргарнинг қўлидан чиқибди, дейишади-да кўрганлар», деб мақтаганиди. Мана энди, Маҳкам ака ҳар гал расмга, ўзи ясаган асбобларга завқ билан тикиларди.

Артелга фронт буюртмаси берилганидан буён ўздан ўзи «Будённий буюрган», дерди хотинига фахрланиб, Меҳриниса ҳам ҳар гал шу сўзни эшитганида шундай катта одам Маҳкам темирчига ишониб катта иш топширгандай ҳис қиларди.

— Ҳа, нега хаёл суриб қолдинг? Қани, бўл! Ҳали замон келиб қолади,— деди дамни сусайтириб қўйган хотинига.

Авваллари тайёр бўлган маҳсулотни Маҳкам аканинг ўзи артелга элтиб берарди. Энди ўзлари келиб олиб кетишади. Ҳали замон арава келиб қолади. Бироқ ишнинг унуми бўлмай турибди. Маҳкам ака хуноб.

— Нима бало,— деди кўзойнагини тўғрилаб,— дамнинг мазаси йўқ десам, олишининг мазаси йўқ-ку. Кўмири яхши чиқмади. Ғози йўққа ўхшайди.

— Кечаги кўмир-ку,— деди хотини дамга зўр бериб.

Бинойидек олиб турган кўмир эрига ёқмаётгани уни ажаблантирди. Пўстак устида ўтириб, оғир дам босаркан, қўлигина эмас, бутун гавдаси қимирлар, икки кўзи эрида эди. Нега у бесаранжом? Нега камгап бўлиб, чеҳраси очилмай қолди? Назарида эри эсҳушини йўқотиб қўйган, хаёли паршон, қўллари дармонсизга ўхшайди. Қиздирилган ҳалқа омбурдан чиқиб кетиб, болга ўрнига тушмаётибди, неча марта шундай бўлди. Қўрада қизиб тургани қолиб, ярми қорайиб турганини олади, кўриб туриб, сандонга қўяди. Нега бундай бўляпти? Меҳринисанинг энди эсига тушди. У, кечаси ҳам яхши ухлаёлмовди, бир ёнбашиди тонг оттирадиган одам, туни бўйи ағанаб чиқди. Мана, кўзойнак тагидан кўзлари киртайиб турибди, Гаплари ҳам алаҳлаётган одамникига ўхшайди. Бир

газ наридан кўмирнинг қанақалигини айтиб берадиган одам ловиллаб турганини ҳам рози кам дейди? Меҳриниса ҳеч нарсага тушунолмасди. Бирон баҳона топиб сўрамаса, барибир тагига етолмаслигини билиб индамай, эрига тикилганича дам босаверди.

Гап кўмирда эмас, кўнгилда, Маҳкам аканинг кўнгли гап. Иши унмаётгани ҳам шундан. Кечадан бери хаёлини тагин ўша фронтда ҳалок бўлган болаларнинг қисмати чулғаб олди. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Болалик чоғи, толзорда ошиқ ўйнаб юрибди, кейин бир тўда болалар ўртасига тушиб қолди. Уларнинг бири инграб ётганмиш, бирининг аъзойи бадани дока билан ўралганмиш, баъзиларининг эти устихонига шундай ёпишиб кетибдики, инсон боласига ўхшатиб бўлмайди. Шу ҳолатда бир неча бор чўчиб уйғонди, хотинига сездирмай ўгирилиб олди. Тонг палласида туш кўрса, фронтда юрибди. Кўчада кўрган бола уч бурчак конверт қилиб хат ёзиб юборганмиш. Хатни энди очаетганида уйғониб кетди...

Ҳозир унинг сурати ишлаб ўтирибди. Бутун вужуди хаёл дарёсида. Урушнинг ҳамма машаққатларини тасаввур эта оларди-ю, аммо душман босиб олган ерлардаги, фронт яқинидаги гўдакларнинг аҳволи ҳаммасидан ҳам даҳшатли эканини бунчалик билмасди. Наҳот чумоличалик қадри бўлмаса, шу норасидаларнинг?

Маҳкам ака шуларни хаёлидан ўтказиб турганида, болғасини омбурнинг қисқичига уриб олди. Қип-қизил ҳалқа учиб кетди, тепага сачраб, хотинининг этагига тушиб, куйдирди.

— Ҳой, сизга нима бўлди ўзи,— деди жонҳолатда кўзларини ола-кула қилиб Меҳриниса,— кўзимга тушишига сал қолди-я,— у ҳалқани этагидан олиб сувли челақка ташлаганида, ҳеч нарса сезмовди, икки бармоғининг учи ловиллаётгани энди билинди. Ҳалқа ушлаган ери оҳак сургандек оқариб турибди. Маҳкам ака омбурини ушлаганича кўзойнаги тепасидан хотинига қараб ағрайиб турарди. Меҳриниса оғриғига чидолмай, пўстакни кўтариб, бармоғини ерга босди.

— Кўзим учиб турувди-я. Бир фалокат бўлмасин деб хавотирда эдим. Шунга кўрингани рост бўлсин.

Маҳкам ака энди эси. ўзига келиб, оҳиста сўради:

— Чала куймадимми ишқилиб?

— Нима бўлса бўлди. Қани, бўла қолинг, вақт кетди.

Маҳкам ака яна икки дона ҳалқани қўлдан чиқарганида, дарвоза тақиллаб, баланд бўй, қотмадан келган киши кириб келди. Эшикни очган Меҳриниса қўл қовуштириб меҳмон билан кўришди-да, дўконхонага таклиф қилди.

— Келинг, келинг, Исмоилжон,— деганича ўрнидан қўзғалди Маҳкам ака,— қаёқдан кун чиқди ўзи, бизникига ҳам қадам ранжида қилар экансиз-ку.

— Бу ерга келмай, қаерга борардик, уста, қалай бардаммисиз?

— Қимиллаб турибмиз, Исмоилжон. Ҳа, айтгандай, янги меҳмон муборак?

— Қуллуқ, қуллуқ... Ўғилчадан хат борми, уста?

— Телеграмма келди. Эсон-омон етиб олибди. Хат ҳам келиб қолар.

— Келади. Омон бўлсин.

Меҳриниса патнис тузаб, чойнакда чой келтирди.

— Уста, ҳожати йўқ, қўйинг, ушатманг. Шошиб турибман. Сизни ҳам ишдан қўймай.

— Э, иш қочмайди. Собиржон келгунча қолганини ҳам эплаштириб қўямиз. Қани, нонга қаранг.

— Собиржон келмайди, уста, хабарингиз йўқми?

— Нимадан?

— Собиржонни фронтга кузатдик-ку.

— Ийе, қачон?

— Ўтган куни.

— Эй, беҳабар қолганимиз чакки бўлибди-да. Кечаку, идорага борувдим-а... Ҳа, омон бўлсин. Азамат йиғит, олдирадиганларданмас.

— Икки кундан буён ўрнига ўзим қатнаб юрибман. Тайёрларини берингу, тезроқ кета қолай,— Исмоилжон пиёлани бўшатиб, узатмаган эди. Маҳкам ака зўрлаб яна қуйиб берди.

— Бир нафас ўтиринг, Исмоилжон, оламда нима гап? Бирон яхшилик хабар борми?

Исмоилжон тайёр ҳалқадан бирини олиб кўздан кечираркан, бир оз жим қолди.

— Нималигига тушуниб бўлмайди, уста,— деди оғир хўрсиниб,— кеча яна иккита шаҳарни бўшатиб чиқибмиз.

— Тагин-а? Бу кетишида дейман, Исмоилжон, ҳадемай анча жойни босиб олади-ку, а?

— Олишга-ку, ҳозирам чакана жойни олиб қўйгани йўқ. Аммо кексалару гўдакларни қираётганини айтмайсизми. Уйлаб туриб, ақлим бовар қилмайди. Душманнинг мақсади ер олишданам кўра, одамларни қириштириб қўйдим. Аммо ҳар қанақа кучи бўлганида ҳам халқни қириб юборишга ожизлик қилади. Нима дейсиз, уста?

— Ҳақ гап. Халқни йўқ қиламан дейиш — нодонлик.

— Кеча бир гап эшитдим...

— Хўш, хўш.

— Эшитдим, одамларимизнинг одамийлигига ҳайрон қолдим. Ростимни айтсам, кўнглим тоғдай кўтарилди. Агар бизникилар астойдил бир ёқадан бош чиқарса, ҳеч қанақа душман бас келолмайди деб қўйдим...

— Хўш?

— Фронтга яқин жойдаги туғруқхонага бомба ташлашибди. Шўринг қурғур мурғаклар кўз очмай дунёдан ўтибди. Буларнинг урушга нима даҳли бор экан дейман. Чақалоқлардан учтаси тирик қолибди. Тонг отгунча бир амаллаб ертўлада сақлашибди. Одамларимизнинг меҳрини қарангки, атрэф-теваракни ўт-олов қоплаб, душман тинмай отиб турганмишу, бирасма икки киши учта чақалоқни бағрига босиб ўтирганмиш. Уша заҳоти хабар берилган экан, Москвадан шу болаларни олиб кетгани алоҳида самолёт борибди.

— Чақалоқларга-я?

— Ҳа, самолёт қўниб, болаларни олиб ҳавога кўтарилиши билан душман уни ҳам ўққа тутибди...

— Оббо аблаҳлар-эй, оббо жаллодлар-эй. Хўш, хўш.

— Хайрият нозик жойи шикастланмабди, илматешик бўлиб, Москвага учиб келибди. Болаларнинг учаласи саломатмиш.

— Балли, балли. Мана буни қаҳрамонлик деса бўлади. Боя ўзингиз айтганингиз шу, Исмоилжон. Душман бу ёқдан одамларни қиргани билан уч чақалоқни сақлаб қолиш учун Москва самолёт юборибдими, бас, бизни енгиб бўлмайди... Қаранг-а, офарин-э.

Радиода эшиттирган бўлса дейман, газетада ҳам чиқиб қолар-а, Исмоилжон.

— Чиқаришар. Кеча уйдагиларга гапириб берсам, кампиримиз ҳўнграб йиғлаб юборсалар бўладими. Айтганларимга пушаймон едим-да.

— Кимнинг юрагини эзмайди, дейсиз, Исмоилжон.

— Тез бориб суриштиргин, ўшанақа етим қолганларни бағримизга олайлик, бундай савобни икки дунёда тополмайсан болам, дейдилар кампир. Олдиларида бирамас олтита неваралари қаторлашиб турибди. Мана еттинчисининг ҳали чилласи чиққани йўқ-ку, бегона боланинг ташвишини қилишларини қаранг, уста, ғалати кампирим бор-да.

— Бегона дедингизми, Исмоилжон, йўқ. Бегона эмас улар, асло бундай дея кўрманг, ука. Бегона бўлганида сиз билан ман кечаю кундуз меҳнат қилиб, ёрдамлашармидик? Йигитларимизни юборармидик. Бегона бўлганда бутун элу юрт отланармиди? Уҳў, нимасини айтасиз. Ўзингиз тушунасиз, ҳаммасига. Асло бегона эмас, кампирингиз жуда ўйлаб гапирибдилар, оқила аёл-да, жони ачиган. Хўш, сиз нима дедингиз?

— Аниқ бир гап айтмадиму, аммо хаёлимдан кўтарилгани йўқ.

Маҳкам ака аллақачон фартуғини ечиб, сандонга суяниб ўтирарди. У ҳозир калта соқолини тутамлаб, бир нафас хаёлга толди.

«Чиндан ҳам эсимни еб қопман. Шу фикр нега миямга келмади-а. Серфарзанд кишилар шуни ўйласа-ю, менинг хаёлимга келмаса. Ахир, бизга лозим-ку...»

Маҳкам ака калаванинг учини топиб, шошиб қолган кишидек, Исмоилжондан сўради:

— Ука, юрагимга гулгула солиб қўйдингиз-ку...

— Ҳа, уста, тинчликми?

— Ахир, сиздан ҳам кўра бизга лозим-ку бу. Шунча куйиб-пишибмиз, ачинибмизу, бу ёғи ақлга келмабди-да. Яхши айтдингиз.

Исмоилжон хижолат тортди. Худди уста унинг гапларини шама деб тушунгандай туюлди.

— Уста, мен бундоқ демоқчи эмасдим. Кампирумининг гапи таъсир қилганини айтмоқчийдим. У киши шунчаки ачиниб айтдилар, қўйдилар-да. Эплаёлармидилар.

— Йўқ, йўқ. Дилга жо қилинган иш албатта бўлади. Илло, ман айтиб қўя қолмайман. Қани, бир укалик қилинг касава, йўлини кўрсатинг, қаерга бориш керак?

— Ййе, уста шошманг,— деди кулимсираб Исмоилжон,— мен бу ерга иш олгани келиб, сизга ташвиш орттирдим-ку. Қандоқ бўлди! Ахир, опам билан гаплашинг, у киши нима дейдилар. Кейин бафуржа...

— Йўқ, Исмоилжон, бафуржа бўладиган ишмас бу. Энг зарури. Опангиз йўқ демайди. Дегудай бўлганда ҳам ўзим олиб, этагимда боқаман. Фақат кўмаклашинг, бош қўшинг, савоб бўлади.

— Мен ҳам яхши билмайман. Келтирилаётган болаларни қабул қилувчи алоҳида комиссия тузилган деб эшитдим. Бу ишга отанинг ўзлари бошчилик қилаётган эмишлар.

— Йўлдош ота-я?!

— Ҳа.

— Ана, айтмадимми, Исмоилжон, бошида шунчадан-шунча давлат иши бориға қарамай, ота-онасиз қолган болаларға отанинг ўзлари қараётган бўлсалару, эл-юртға чақалик нафи тегмаган, этагидан бошқа оғирлиги йўқ Маҳкам қўл қовуштириб, қараб турса? Тоғни урса толқон қиладиган онангиз олма теришу ҳовли супуришдан бошқасини билмаса? Суф сенга-е, Маҳкам.

— Уста...

— Бошда салла, белда белбоғ одаммиз, деб юрган эканмиз-да. Қаранг-а. Эс қаёқдайди. Охунбобоевдек одам бағрини очиб, норасидаларға оталик қилса-да, биз...

Маҳкам ака Исмоилжонни дарвозагача кузатиб қўйди-ю, қайтиб дўконхонаға кирмади. Айвонга ўтиб, хотиничи ёниға чақирди. Ҳаммасини — неча кундан буён бир боғ ўтин бўлиб ёнаётганидан тортиб, Исмоилжон айтиб берган воқеаларгача гапириб берди. У шундай ҳаяжонда эдики, бамисоли бутун воқеани ўз кўзи билан кўргану, хотиниға ана шу кўрганларини гапириб бераётгандай.

Меҳриниса анчагача унга тик қараб ўтирди, охири бошини қуйи солиб, кўрпачанинг қавиғиға тикилиб қолди.

Салтанат янги ишга кирган кезларида дугоналари орасида уни мазах қилиб кулганлар ҳам бўлди.

Бир куни синфдоши Озода унга: «Ҳой Салтанат, шунча ўқиб, келиб-келиб хат ташувчи бўлдингми?» деди-да, гапига қулоқ ҳам солмай, лиқ тўла жилдига бир уриб, бурнини қийшайтириб кетди. Бир алам қилди, бир хўрлиги келди. Уша куни кечқурун Ботир билан учрашиб ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди. Айтгандай Озоданинг аламини Ботирдан олмоқчидай йиғламоқдан бери бўлиб гапирарди. Ботирнинг шайтони зўрлик қилиб, хахолаб кулиб юборди.

— Сиз ҳам ўшанинг ёнини олинг, сиз ҳам майна қилинг,— дея аразлади тескари бурилиб, тўрсайиб олди.

— Айтмадингизми ахир,— деди Ботир ўзини кулгидан зўрға босиб,— қачонгача Ботир акамга ёзган хатимни қўшнининг болаларидан юбортираман деб...

— Энди ёзмайман ҳам. Қутиламанми шунда? Сизга менинг хатим керакмиди?

— Рост айтасиз. Ўзингиз турганда хатингизни нима қиламан.

— Ўқимай йиртиб ташлардим, денг. «Жавоб ёзишга ожизман», деган жумлаларингиздан билардим-а, ўзим...

Ботир яна кулиб юборди. Кулди-ю, дарров ўзини босди. Қараса ҳазилдан ўт чиқадиган.

— Салтанатхон, ҳар ким ҳар нарса деса ўзингизга олиб, хафа бўлаверасизми. Алоқа ходими бўлиш номус эканми? Ҳозир фронтдан хат-хабар кутмаган ҳонадон камдан-кам топилади. Тиқ этса эшикка тикилиб турганларнинг хатларини етказиб беришдан, ҳожатларини чиқаришдан ҳам олижаноб иш борми? Бундан ташқари, ҳозир, шундай уруш пайтида сиз билан мен ишнинг катта-кичиги, яхши-ёмонини суриштириб ўтиришимиз керакми? Ундай бўлса менам, «йўқ, мен студентман, уруш билан ишим йўқ, аскарликка бормайман» дейишим керак эканда.

— Ким сизга...— Салтанат бу ёғини айтолмади, Ботир илиб кетди.

— Ҳа, ана... энди ўзингизга келдингиз,— деди-да, сочи тагидан энсасига секин қўл узатиб, бўйнидаги қа-

ламбир мунчоқдан биттасини синдириб олиб, оғзига солди.

Сесканиб тушган Салтанат ўзини олиб қочди. Бошини эгиб, ёнига ўтирилди, зимдан Ботирга қиё боқди. Обаки шимиб лаззатланаётган ёш боладай қалампирни шимарди. Қовоғини солиб турган Салтанат айтмоқчи бўлган гапини шу заҳотиёқ унутди.

— Бунақада қалампир чидайдим. Қаранг озгина қолибди, — деди эркаланиб маржонини ўйнарган.

— Оҳ, оҳ, ҳиди маст қилади-я. Кўкнорихўрларга ўхшаб, шунга ўрганиб, гиёванд бўлиб қолсам-а. Қани, юринг...

Салтанат ҳозир тош кўчанинг чеккасидан бораркан, Ботир билан ўтказган ана шу ширин дамларни эслади. Ушанда ҳам шу кўчадан, мана шу толлар тагидан ўтиб боришарди. Эслади-ю, бўйнига қўл юборди, қалампир мунчоқни ушлагандай бўлди. Ҳозир уни тақмасди. Ўша, Ботирни кузатиб қайтган кечаси ечиб қўйганча таққани йўқ. Ким учун, нима учун тақади энди. Ушанда ҳам у зийнат учунмас, Ботирга ёққани учунгина тақарди. Ботир жуда яхши кўрарди. Мана, хатида ҳам шуни ёзибди.

У ўзида йўқ хурсанд эди, Ботирдан бугун хат олди. Йўлдан ёзган, «кетяпмиз»дан бошқа гап айтилмаган қисқагина хати ва етиб боргани ҳақидаги телеграммасидан кейин келгани, тўйиб-тўйиб ўқийдиган, худди ўзи билан ёнма-ён туриб суҳбатлашгандай бўладиган хат эди бу. Ўзи ҳам шундай ёзибдики... Яна хатга хаёли кетди. Ола солиб қайтадан ўқиб чиқди, эрталабдан буён ўқийвериш ҳар бир сатри ёд бўлиб қолган бўлсаям яна ўқигиси келди. Одимини секинлатиб, тол тагида тўхтади. Узоқ ўқиди, кейин авайлаб, қатини бузмай конвертга солиб қўйди. Иккинчи хатни олди. Маҳкам акаларга аталган бу хатнинг конвертига ҳам узоқ тикилди. Ҳозир олиб бориб беради. Улар ҳам хурсанд бўлишади. «Рост. Одамларга хушxabар етказиш, қандай яхши-я... Ботир акам жуда тўғри айтганлар. Ўзим қанчалик хурсанд бўлдим, ахир. Одамлар ҳам шундай. Кўз тикиб туришади...»

Салтанат бирон марта Маҳкам аканинг ҳовлисига кирмаган эди. Уни шу ташвишга соларди. Ҳовлига кириб боргани яхшими ё эшикни тақиллатиб бергани маъқулмикан. Ботир билан ўрталаридаги сирни Меҳ-

риниса билармикин. Билса, бостириб кириши беандишалик бўлмасмикин. Яна ўша андиша деган нарса кўндаланг бўлиб, гашига тега бошлади. «Нима, тўғри кириб боравераман. Ахир мен почтальонман-ку. Бугун кирмасам, барибир келаси гал киришга тўғри келади. Ҳали кўп хат келади Ботир акамдан...» Салтанат шуларни ўйлаб, ўзини дадил тутиб бораркан, боғ кўчага энди қайрилганда, Меҳринисага дуч келди.

— Ассалому алайкум, хола,— деди шошиб Салтанат ва бошини эгиб Меҳринисага яқинлашаркан, икки юзи олов бўлиб ёнаётганини сезд.

— Эсонмисиз, омонмисиз, эгачим бардаммилар — дея қизнинг елкасига қоқди Меҳриниса.

— Юрибдилар...— деди овози зўрға чиқиб Салтанат,— буни қаранг, ҳозир олдингизга кетаётгандим, деди ҳаяжон билан,— сизларга...— «Ботир акамдан» деган сўз тилининг учидан қайтди,— хат бор.

— А? Ботиржондандир?

— Ҳа.

Меҳринисанинг кўзлари чарақлаб кетди, аъзойи баданига титроқ югурди. Хатни узатаркан, Салтанат ҳам сезд буни.

— Хайр хола, мен борай.

— А? Ҳой, уйга кирайлик.

— Раҳмат. Мана буларни...— у тирсиллаб турган жилдни кўрсатди ва бир неча қадам қўли кўксиди, бошини сал эгганча тисарилиб юрди. Меҳринисанинг сурати кузатарди қизни ҳозир, унинг латиф ибоси кўринмасди кўзига. У кетгач, ерга тушса синадиган нарсадай икки қўллаб, авайлаб ушлаб турган конвертга тикилди. Бироқ кўз олди хиралашиб, ёзувлари жи-мирлаб кетди, ўқиёлмади.

Шу алфозда бир неча дақиқа туриб қолди. Ўзига келиб, хатни ўқимоқчи бўлгандагина эри эсига тушди. «Ҳаҳ, эзмаликлари бор бўлсин-да,», деди ўзига ўзи келган томонига қараб. Чойхонадан ўта туриб, Ориф ота тутиб қолган Маҳкам акадан дарак йўқ эди.

Меҳриниса хатни ўқий бошлади.

«Севгилим Салтанатхон!..

Хатимни кўз тикиб кутгансиз, биламан. Йўлдан юборган хатни, телеграммамни олгандирсиз. Хатни

кечикиб ёзаётганимдан хафа бўлманг. Қанийди, иложи бўлса ҳар куни ёзиб, қалбимдагининг ҳаммасини етказиб турсам. Шундай дейману, аммо... Қалбимнинг ярмини узиб олгансиз десам, ишонмасдингиз, кулардингиз. Мен янгилишар эканман. Бирга бўлганимиз учун шундай туюларкан. Энди билсам қалбимни бутунлай олиб қўйган экансиз. Фикр-ёдим сизда. Ҳар кеча тушимга кирасиз. Туш жуда яхши нарса экан. Энди билдим. Агар бу ҳам бўлмаганида, билмадим, нима қилардим. Тарс ёрилиб кетармидим...»

— Ҳа, келинпошша, ёмби топдингизми дейман, оғзингиз қулоғингизда.

Бутун борлиқни унутиб, хатга берилган, унинг ҳар бир сатрини шимиб олаётгандай ўқиётган Меҳриниса ялт этиб Иқбол сатангга қаради, сўрашишним унутди, бахтиёр қизларники сингари чақнаган кўзлари, кулган юзларини кўрган Иқбол сатангнинг ҳаваси келганиним, энсаси қотганиним, ҳайратда қолганиним билиб бўлмасди.

— Ҳа, нима гап, жазманини кутиб турган қиздай-сиз-а, айланай?

Ҳали унчаём ўзини босиб ололмаган Меҳриниса шошиб қолди.

— Топиб гапирасиз-да, опа, яшириб нима қилман, қизлик давримни эсладим ҳозир,— деди-да, қўлидаги хатни ғижимлаб яширмоқчи бўлди-ю ўзидан ўзи ич-ичидан койинди, «бундай хатни ғижимлаб бўлармиди», тахлаб, конвертга солмоқчи бўлувди, Иқбол сатанг қўймади.

— Тинчликми? Э, вой, эсим қурсин-а, йигитчадан келганга ўхшайди-а, айтмайсиз ҳам. Қани нималарни ёзибди?

Меҳриниса нима қиларини билмай қолди. Дудуқланди. Ҳадеганда миясига бир фикр кела қолмади.

— Буни қаранг, опа, ёшларнинг ишига куласиз,— деди ёлгон тўқиёлмай Меҳриниса,— қизи тушмагур ўзига келган хатни менга бериб кетибди-я...

Бунақа гапларга Иқбол сатангнинг устихони бор дейсизми, жон-гани-ку. Дарров суриштира кетди.

— Вой омон бўлгур-ей, ҳали шуни ўқиб турувдим денг, қани, қани, нималарни ёзибди?— У хатга қўл узатган эди, Меҳриниса бермади, бутун фикр-ўйи, қувончи, бахтини тортиб олаётгандай, юз, кўзларидан

кулги қочди. Авзойи бирдан ўзгариб, қовоғини солиб олди.

— Шошманг она, ахир ёшларнинг ишига... Бировнинг хати, яхшимасдир...

— Нега биров бўларкан, шукур қилинг, тасаддуқ, ўглингиз, мана, насиб қилса буниси келинингиз бўлади, ахир хатда шундай деб ёзибдими?

— Қайдам. Хат... Ахир ёшлар ёзишаверади-да, тагин худо билади.

— Яхши ният қилинг. Ахир эсон-омон келса, тўй бўлса... Ўзим хизматдаман-а, қоқиндиқ.

Меҳриниса бирпасда эриди, худди эрта-индан келин тушираётгандек бўлиб кетди.

— Қани, қани,— дея хатни бермаганига қўймай тортиб олди Иқбол сатанг.

— Ҳали ўзимам ўқиб тамомлаганим йўқ, опа.

— Бирга ўқиймиз-да,— деди Иқбол сатанг чўнтагига қўл солиб,— вой эсим қурсин, ойнагим уйда қолибди. Манг, ўзингиз ўқинг, қани, қани...

Меҳриниса хатни қўлига олиб, «ёшларнинг сирини билмай қўя қолсин», дея кўнглидан ўтказди-да, боя ўқиган жойларини ташлаб кетди.

«.. Салтанатхон? Уша ширин дамлар, кино кўрганларимиз, лола сайли, бизникида тонг...

Меҳриниса шу ерга келиб тўхтади, яширмоқчи бўлди, яхши ўқиёлмаётганга ўхшатиб, хижжалади. Иқбол сатанг, ойнаги йўқлигидан койиниб, хатга тикилди, ҳеч нарса кўролмади.

— Тонг... ҳа, битта сўзини ташлаб ўқийверинг, нима қиларди, ҳеч уят жойи йўқ-ку, ҳовлиқасиз-а. Кўрсатгингиз келмаганидан бирон сир бор экану, айтгиси йўқ деб ўйловдим. Қани, ўқинг-чи. Ёшларнинг хати шунақа бўлади-да, эшитиб манам ёшаргандек бўлиб кетдим. Қани, ҳа тонг, тонг... иннайкейин.

«...бирга тонг оттирганимиз, ҳаммаси кўз олдимдан ўтади, жуда равшан кўраман. Салтанатхон! Азизим, болишим...»

— Болишим-а... Роса юрагидан урган экан-а, бола бечоранинг.

— Тўхтанг энди, ўқитгани қўйинг, опа,— деди сал жаҳли чиқиб Меҳриниса.

— Шайтоним ўлгур зўр-да, тасаддуқ, қани, қани, у ёғини ўқинг-чи...

«...Мен бир қўполлик қилибман. Кечирим сўрайман. Уша, мени кузатаётганингизда том баравар тахлоглик турган қопларга суяниб туриб, бирдан ғалати бўлиб кетдингиз. Бошингиз кўксимга тушди, ўзингиз титраганга ўхшадингиз, қўлингиздан сездим буни. Сўрасам, индамадингиз, худди ҳолсиз бўлиб қолганга ўшардингиз. Бошингизни кўтармоқчи бўлсам, «қи-мирлатманг, бошим айланяпти», дедингиз. Кейин ўқчидингиз... Мен буларнинг ҳаммасини кеча ухламаганингиздан, мача бугун ҳам вокзалда тонг оттирганингиз деб, ўзимни юпатдим...»

Меҳриниса хатни борган сари секинроқ, аллақандай хавотир, қўрқув билан ўқий бошлаганди. Иқбол сатанг энди халақит бермас, бутун вужудини қулоқ қилиб тингларди-да.

Меҳринисанинг кайфияти ўзгараётганини фаҳмлаб, далда берарди:

— Чарчаган-да, бола бечора, ўшани ёзаётибди... ўқинг...

«...Бир оздан кейин, бошингизни кўтариб, менга шундай бир кулиб қарадингизки, ҳеч бунақа чиройли кулганингизни, кўзларингиз, юзларингиз чақнаб кетганини сира кўрмагандим. Шундай кулиб туриб, бошингизни яна кўксимга қўйдингиз, икки қўлингизни белимдан ўтқазиб, қаттиқ қучоқладингиз, бунчалик кучингиз борлигини билмас эканман. Рост. Шулар сира-сира кўз олдимдан нари кетмайди. Кўнглим тинчиб, хайрлашдим. Ўзим ўйлагандек уйқусизлик, чарчаш, кўп йиғлаганингиздан деб билувдим. Йўлда ҳам, мана, бу ерга келганимиздан ҳозиргача ҳам шуни ўйлайман. Ўйлаб, ўйлаб, назаримда бир нарсанинг тагига етганга ўхшайман. Ақлимни, ҳушимни йўқотган эканман ўшанда дейман. Ахир мен қаёқдан билай, жоним. Агар чиндан ҳам... шундай бўлса, азизим, нима десам экан-а... Тезда хабар қилинг. Эҳ, уруш шу топда қанийди, афсоналардаги паҳлавон бўлсам-да, мана шу тун қоронғисида учиб бориб, лаънати Гитлери бўғизласам, фашизмнинг кулини кўкка совуриб, бутун дунёга уруш тамом бўлди деб жар солсам. Кейин тўғри ёнингизга бориб, худди ўша кечасидагидек, бағримга олсам... Кулманг, шу топда шундай ғазабга, кучга тўлиб кетдимки... Азизим, жоним. Ёзинг, ҳаммасини

ёзинг. Уйлаганим рост бўлса мени ҳам хурсанд қилинг...

Шу пайт тўғридан югуриб келаётган Салтанат икки аёлнинг бошларини эгиб, хатга тикилиб туришганини кўрди-ю, симёгоч ёнида таққа тўхтаб қолди. Иқболсатанг қўлини пахса қилиб, Меҳринисага алланарсани тушунтирарди. Салтанат икки қўли билан юзини беркитиб, юм-юм йиглаб юборди. Панжалари билан юзини юмдалагудай, орқасига чопиб кетди.

Меҳриниса, алланарсани сезаётгандек, ҳаяжонини босолмади, Иқбол сатангга қаради:

— Опа!— деди-ю, бошқа гапиролмади. Иқбол сатанг ўзини билмаганга олди, далда берди:

— Ҳа, вой, келинпошша, сизга нима бўлди, нега рангингиз ўчиб кетди. Ҳеч хавотир қиладиган жойи йўқ. Соғингандан кейин, ёзади-да кўнглига келганини... Ҳа, энди гумонаси бўлса... ҳали униям худо билди. Қани, тагин нима дебди?

Кўчанинг муюлишидан Маҳкам ака кўринди. Хатнинг давомини эшитишдан умидини узган Иқбол сатанг: «Омон бўлсин, манданам салом айтинг», деди-да, жойидан кўзгалди. Сал бориб, Маҳкам акага икки букилиб салом бериб, ўтиб кетди. Маҳкам ака хотинининг ёнига яқинлашаркан, «Оғамга учрашганим яхши бўлди, анча нарсани сўраб олдим», деди-ю, индамай, бўшашиб турган хотинини кўриб, ҳайрон қолди.

— Ҳа, ораларингда бирон гап ўтдимми?

— Йўқ, гаплашиб турувдик-да.

— Қўлингдаги хатми?

— Ҳа.

— Кимдан?

— Ботирдан...

— Ийе, ҳа, манам айтдим-а, ғалатиноқ кўринасан деб... Қани, хўш, тинч эканми. Нималарни ёзибди, — деб шошиб хатга қўл узатди Маҳкам ака.

— Сизга эмас. Бировга ёзган.

— Бировинг ким? Қани, бер-чи.

— Қўйинг, — деди Меҳриниса хатни чўнтагига сола туриб, — хотинларнинг ишига аралашиб нима қиласиз.

— Хотинларнинг иши деганинг нимаси? — ҳайрон бўлди Маҳкам ака, — хатга нима дахли бор.

— Бой бўлгур, эзмалик ҳам эви билан-да, хотинлар-

ни масхара қиласизу, ўзингиз битта одам билан учрашиб қолсангиз...

— Темирчимиз-да, хотин, қани, гапни чалгитма. Хатни кўрсат, тинч, омон эканми?

— Саломат етиб борибди. Машқ қилишаётганмиш. Сираям вақтим йўқ. Шу хатниям зўрга ёздим дебди. Бу хат бировга ёзилган, почтальон янглишиб менга бериб кетибди. Ўзимизга ёзганини олиб келиб берар.

Маҳкам ака қаноат ҳосил қилгандай бўлди-ю, кўнглининг бир чеккаси тўлмай хотинига тикилди. Унинг аъзойи шубҳага солиб қўйди. Аммо ортиқча суриштиравериш ҳозир фойда бермаслигини билиб, оҳиста йўлга тушди.

Эр-хотин трамвай йўлигача индамай боришди. Меҳриниса ўз хаёли, шубҳаси билан, Маҳкам ака хотинидаги ўзгаришга, «аёлларнинг иши» деганига тушунолмамай борарди. «Барибир, ичига сиғдиролмайди, сал туриб айтиб беради», деб ўзига тасалли берарди. Тасалли берарди-ю, бир нарса бошини гангитарди. «Наҳот, Ботирдан келган хат хотинини хурсанд қилмаган бўлса, лоқайдлигини қаранг. Худди етти ёт бегонадан хат келгану унга сира дахли йўқдай... Тавба, ўз жигаричу ахир?..»

Шу ёшга келиб, бундай савдо бошига тушмаган Меҳринисанинг мияси говлаган, таҳликага тушиб қолганди. «Шу ёзганлари ростмикан? Рост бўлса... вой шўрим... Энди, бунинг исноди бормиди манга... Нимчиликдай қиздан шундай нарса келганмикан? Иқбол сатанг ўшанда, Салиманинг иссиқ-совуқ қилганини гапирганда Салтанатга шама қилган экан-да. Бундан чиқди биларкан-да. Вой ўлмасам, ҳали дўмбира қилиб юрса-я... Йўғ-э, хатдагига тушунмади шекилли, тушунмагани шуми? Шартта юзингга гумонаси бор, деди-ку, лақма! Вой шўрим... Хатни нима қилдим энди? Ўзи келиб олармикин? Юзи чидармикин келишга. Энди нима қилдим?.. Бу кишига кўрсатсам... Тагин тутуни чиқиб кетса-я...»

— Чеккароқдан юрсанг-чи, машина кетвотти. Эсини еб қўйдими бу ўзи? — деди Маҳкам ака хотинига.

Меҳриниса хаёли бўлинди-ю, индамай йўлкага ўтди.

Шаҳар дарвозаси — вокзал биринчи бўлиб ўша

уруш бошланган куниёқ эгнига шинель кийиб олган, камарини маҳкам боғлаб, кўн этигини дўқиллатиб побонликда турарди. Куну тун тиним билмайдиган, серҳаракат, серташвиш, бағри кенг, меҳри дарё бу даргоҳ ҳамиша кузатиш, кутиб олиш билан банд бўларди. Бехатар сафар тилаб кузатарди. Қўлларини кўксига қўйиб кутиб оларди. Шу кунларда кўпроқ кузатиш билан овора. Кузатгандаям кетма-кет, минг-минглаб ҳамшаҳарларини, азамат йигитларини кузатаётибди. «Олинлар, олдирманглар», деб кузатади-ю, аммо ҳар эшелон жўнаганда юраги орқасига тортиб кетади, хунук хаёл фикрини чулғаб олади, хўрсиниб, «қаторларингдан хато бўлманглар», дея ўзини босади, дардини сездирмасликка уринади, дадил бўлади, гудокни чалади, эълонларини эшиттиради, давра олган солдатларни ўйинга тушириб, ашуласини эшитади, кузатиб, кўз ёши қилаётганларга далда беради. Мана, бугун кутиб оладиган кун. Кутиб олгандаям, бутун бир эшелонни кутиб олади. Қон-қариндошларнинг гўдақларини, мудҳиш урушнинг етимчаларини кутиб олади. Йўқ, у юртимизнинг келажагини кутиб олади, уни бағрига босади, ана шунга шайланиб турибди.

Маҳкам ака билан Меҳриниса трамвайдан тушишганда вокзал майдони одамлар билан тўла эди. Оппоқ соқолли қариялар, докарўмолининг икки учини орқасига ташлаган кампирлар, ишхонадан ёхуд уй-рўзгор юмушини ташлаб, тўғри келаверган аёллар туришибди. Ёш-яланглар кам учрайди. Болаларнинг кўпроғи қизлар, баъзилари қўлларига қизил танғиб, елиб-югуриб юришибди, улар оқ халат кийган медицина ходимлари ёнига боришар, алланималарни ёзиб олишар, машина, араваларни кўздан кечиришарди. Тўпланганларнинг кўплари поезд келишини ана шу қизлардан сўрашар, улар елкаларини қисиб аниқ жавоб беришмасди. Ҳар қаер, ҳар қаерга ўрнатилган радио карнайлари поезднинг кечикишини кетма-кет эълон қилди, шунга қарамай ҳеч ким жойидан жилмасди. Келса келяптики, қайтиб кетаётганлар кўринмайди. Одамлар шунча кўп бўлишига қарамай, ортиқча ғовур-ғувур, шовқин-сурон сезилмас, улар бамисоли пичирлашиб гаплашарди. Баъзи-баъзида майдоннинг чап томонида тўпланган солдатларнинг гармонь садоси майдон узра янграб қоларди ёки саф тортиб кириб келган ҳарбийларнинг

«Муқаддас уруш» деган қўшиғи ҳамма ёқни титратиб юборар, баданлар жимирлаб кетарди.

Перронга кираверишдаги эшик ёнида хаёл суриб турган бир жувон ёнидаги хотинга деди:

— Гул-мул олиб чиқиш ҳам эсга келмабди-я, бола бечораларнинг кўнгли кўтарилармиди.

— Гул кўнглига сиғади дейсизми, айланай. Гулсиз ҳам...

Аёл гапни тугатмасданоқ шу ерда турган, анча ёшларга бориб қолган киши махоркасини торта туриб, аёлларга ўгирилди:

— Улар ҳозир бир қучоқ гул эмас, гулсиз қучоқнинг ўзига зор, синглим. Мана шу турганларнинг ҳар бири биттадан боланинг ёнига бориб эркаласа... Одамларнинг меҳри қайси бир гулдан қолишади, — деди-да, яна махоркасини тортиб, буруқситди, мўйловини силаб қўйди.

Ҳамсуҳбат аёллар фуфайкасининг кўкрак чўнтагидан метр асбоби чиқиб турган, тирсаги, енг учи мой тегавериб ярқираб кетган бу одамнинг ғамгин, ташвишли кўзлари, сўлгин юзига қиё тикилганларича жим қолишди. Келганларидан бери ҳеч ким билан гаплашмаган, қаерда туриш, кимга учрашиш, нима қилиш кераклигини ҳали суриштириб кўрмаган Маҳкам ака билан Меҳриниса ҳам бу гапни эшитишди, бир-бирларига «ғалати гап айтди-а» дегандай маъноли қараб олишди.

— Ана келди!

Кимдир шундай деб юборди. Одамлар бўйларини чўзиб, машина келган томонга қарашди.

Машинадан баланд бўй, эғнида қора пальто, бошида чуст дўппили басавлат киши билан озғиндан келган йигит тушди.

— Охунбобоев келди! — деган овоз эшитилди одамлар орасидан.

— Поезд келишига яқинлашиб қолибди, — деди яна кимдир.

Охунбобоев машина ёнида турганлар билан бирмабир сўрашиб чиқди, тўпланганларга қараб қўл силкиди, кейин санитария белгили машиналар ёнига борди.

— Кўрдингми, оқсоқолнинг ўзлари келдилар, — деди Маҳкам ака хотинига бошини эгиб, — Исмоилжон айтганича бор.

Меҳриниса «кўрдим» дегандай бош ирғади-ю, кўзи-

ни ўша томондан узмади. Охунбобоев перрон томонга юргандан кейин, эрига қаради:

— Ўзларига учраймизми?

— А? Қайдам...— Нима деярини билмай қолди Маҳкам ака,— йўғ-е, давлат иши бошидан ошиб ётган одам, ҳаммани қабул қила олармикинлар. Ёрдамчилари бордир...

Маҳкам ака хотинига бир амаллаб шу жавобни берди-ю, ўзи ўйланиб қолди. Юраги дукиллаб ура бошлади. Охунбобоевнинг олдига қандай боради, нима дейди? Шунча одамларни ёриб ўтиб бўлармикан ўзи? Утолганда ҳам қайси лаб-даҳан билан... Менга биттасини... Йўғ-е, молмиди биттасини беринг дейди. Маҳкам ака перрон томонга тикилиб турган хотинига қараганича ағрайиб қолди, эси оғди.

— Ҳа, нимани ўйлаб қолдингиз?

— Ман учрасам, эркак одам ғалати бўлар дейман, сан гапирсанг нима қиларкин-а, Меҳри?

— Во-ой, ман нима дейман. Кичкина одаммиди у киши, қандай гапироламан, қўйинг-э...

— Хотин киши ман боқаман деса йўриғи бошқа, эркак киши айтса қанақа бўларкин?

— Ёнингизда бўламан-ку, ўзлари билиб қоларлар.

Маҳкам ака жим қолди. Шу пайт майдонга олдинда дўмбирачиси билан саф тортиб мактаб болалари кириб келишди, одамлар орасини ёриб, тўғри перрон томонга ўтишди. Маҳкам аканинг нигоҳи болаларда эди-ю, хаёли бошқа томонда, елкасини тоғдек ташвиш босиб турарди. Шунча ўйлагани, хотинига куйиб-пишиб тушунтиргани ҳам бир бўлди-ю, ҳозиргиси ҳам. Бунчалик бўлишини ўйламаган эди. Исмоилжонни бирга олиб чиқмаганига ачинди. Ёнида буруқсаган тамаки тутуни димоғига уриб, хуморини қўзғатди, чўнтагидан носқовоқни ола туриб, махорка чекаётган бояғи кишига ўгирилди.

— Сиз ҳам шу поездни кутяпсизми?— деди у киши Маҳкам акадан олдинроқ гап бошлаб.

Меҳриниса ялт этиб унга қаради. Кўринишидан олтиш ёшларга бориб қолган, шапкасининг тагидан чиқиб турган сочлари оқариб, тамакидан бўлса керак, мўйлови тўқ малла рангга айланиб кетган бу кишининг ўзбек тилида равон гапириши Меҳринисанинг диққатини ўзига тортди.

— Ҳа, ҳалиги болаларни олиб келадиган поездни-да,— деди Маҳкам ака,— сиз ҳам шуни кутвотсизми?

— Ҳа, назаримда бу ердагиларнинг аксари шу поездни кутаётган кўринади. Бирон яқинингиз борми дейман?

Маҳкам ака оғзида носвой билан гўлдиради.

— Биз,— деди-ю, гапираверайми дегандай хотинига қараб олди,— агар беришса биронтасини олсак, бағримизга боссак, деган ниятда келувдик.

— Тарбияга олсак дейсиз-да?

— Ҳа.

— Жуда яхши ўйлабсизлар,— деди чехраси ёришиб чол ва махорка қолдигини ерга ташлаб, Меҳринисага юзланди,— яхши ният, жуда яхши ўйлабсизлар.

Маҳкам ака бир нима сўрамоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаган эди, чол яна ўзи гапириб кетди.

— Кечаги келганларни кўриб, жуда юрагим эзилиб кетди. Кампиримга айтиб берсам, кўз ёши қилиб юборди. «Ваня, билгин, беришса биз ҳам биттасини олиб, тарбиялайлик», деб қолди. Ўйлаб кўрайлик-чи, десам, оғир ботди, «нимасини ўйлайсан, неварам келса бирга юришаверади», дейди.

— Кечаям келганмиди?

— Ҳа, бугун иккинчи эшелон келиши.

— Шундоқ денг. Бундан чиқди сиз ҳам шу ният билан келган экансиз-да.

— Нима десам экан,— дея мўйловини силади чол,— ўзбекларда азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар, деган мақол бор. Шунга ўхшаб мен ҳам ўз дардим билан келаман бу ерга. Айтиб бера қолай яхшиси. Куёвим офицер, чегарада хизмат қиларди. Уруш бошланган кундан буён на хат бор, на хабар. Ярадорлар келтирилармиш деб эшитсам ҳам вокзалга чопаман. Болалар келтирилармиш дейишса ҳам умидвор бўлиб шу ерга келаман. Худди қизим неварамни етаклаб поезддан тушиб келаётгандай. Қариганда ёмон бўларкан. Пешанамизда шу биттаю битта қизимиз. Жуда гангиб қолдим. Қаерга ёзиб, қаердан хабар топишимни билмайман. Онаси бўлса-ку, йиғлайвериб, кўзида ёши қолмади. Кечадан бошлаб, боя айтганимдай, бола орамизга тушди... Мана, қаранг ақволимни, ҳозир ҳам эшелон келармиш деб эшитдим, коржомани ҳам ечмай заводдан тўғри келавардим. Зора...

— Ажабмас, лоп этиб келиб қолса,— деди Меҳри-
ниса унга ачиниб.

— Кошкийди,— деди чол оғир уҳ тортиб ва Маҳ-
кам аканинг қаерда ишлаши, бола-чақалари бор-йўқли-
ги билан қизиқди. Кейин русларга хос очиқ кўнгиллик
билан ўзини Иван Тимофеевич деб танитди.

— Ўзбек ҳамкасбларим Ваҳоб ака деб чақиришади,
шунга ўрганиб қолишган,— деб қўшиб қўйди.

Иван Тимофеевич махорка ўради, кейин эски қадр-
дони билан суҳбатлашаётгандек, бошидан кечирганла-
рини гапира кетди. Биринчи жаҳон урушида қатнашга-
ни борми, ярадор бўлиб, узоқ муддат госпиталда ётга-
ни, шу ерда хизмат қиладиган қизни севиб қолиб, уй-
лангани. Тошкентга келганидан тортиб, ҳозир паровоз-
вагон ремонт заводида ишлаётганигача, ҳаммасини
ҳикоя қилиб берди.

Перроннинг икки тавақали темир дарвозаси очи-
либ, ҳамма ўзини ичкарига урди. Иван Тимофеевич
гапини чала қолдириб, эр-хотинни шоширди.

— Қани, юринглар, келяпти.

Улар ичкарига киришди. Узоқдан ҳарсиллаб кела-
ётган паровоз кўринди. Состав перронга келиб тўхта-
ганида одамлар тўлқини вагонлар ёнига чайқалиб
борди.

Вагонлар... Узундан-узун составда биронта соғ ва-
гон йўқ, ҳаммаси мажақланган, ҳаммаси ўт-олов ичи-
дан ғилдираги бут бўлса судралиб чиқиб, жон сақлаб
қолгандай, паровоз уларни ҳар қаер, ҳар қаердан бит-
талаб териб олиб, сафга тизиб, йўлга тушгандай. Бирин-
нинг томидаги тунука кўчиб, қайрилиб ётибди, бирин-
нинг зинаси узилиб тушган, кўпларининг деразаларига
тахта, картон қоқилган, синиқ ойналарга адёл, кўйлак,
шинеллардан парда тутилган.

Вагон деразалари ёнига ғужанак бўлиб тўпланиб
олган болалар нимжон қўлларини чиқариб, талпини-
шади. Юз-қўллари кир, кийимлари йиртиқ, баъзилари-
нинг қўли, кўзи, юзлари дока билан боғланган. Қуруқ
суяк бўлиб қолганлари ҳолсизликдан ўртоқларининг
елкасига қўлини ташлаб, зўрға бошини кўтариб ту-
рибди.

Бу аҳволотни кўриб, перронда турганларнинг юрак-
лари эзилиб кетди. Ҳамма ҳар тарафдан болаларга қўл
силкишар, кулиб алланималар деб уларни эркалашга

тиришарди-ю, ҳеч ким кўз ёшини тиёлмасди. Маҳкам акадан анча олдинга ўтиб кетган Иван Тимофеевич шапкасини баланд кўтарганича ҳар бир вагон олдига бориб, кўзи тўрт бўлиб деразаларга тикилар, шошиб нариги вагонга чопарди. Маҳкам ака, шашқатор йиғлаб турган хотинини койиб берди:

— Шу одатинг қолмади-қолмади-да, буларнинг ўз дарди ўзига етмайдими, мунча кўз ёши қилаверма-санг.

Ҳани энди Меҳриниса кўзидан оқаётган ёшни тнёлса.

Медицина ходимлари дастлаб вагонлардан ярадор, бемор, қолсизланиб қолган болаларни кўтариб, носилкаларга солиб олиб туша бошлашди. Ўрта ёшлардаги бир аёл қош-кўзлари қоп-қора, сочлари тўзғиган, ўнг оёғи тиззасигача дока билан боғланган тўрт ёшлар чамасидаги қизни кўтариб тушаётган ҳамширага ўзини ташлаб, додлаб юборди. Қизнинг юзларидан ўпиб, қўлига олмоқчи бўлди. Ҳамшира бермади. Аёл қизчанинг бошини силаганича ҳамшира билан ёнма-ён машина томонга кетди.

Ярадор, бемор мурғаклар олиб тушилгандан кейин, қолган болалар перронга тушиб, иккитадан саф тортишди. Кутиб олгани чиққан мактаб болалари уларни ўраб олди. Бирпасда бир-бирларига қўшилишиб, элакишиб кетишди. Уларнинг шовқин-сурони, кулгилари перрондаги йиғи-сиғи, ғамгинликни босиб кетди. Шу пайт Йўлдош Охунбобоев уч-тўрт киши билан болалар ёнига яқинлашди. Уларнинг баъзилари билан қўл бериб сўрашди, баъзиларининг бошини силади. Фуфайкаси ерга тегиб, бошидаги шапка кўзларини бекитиб турган боланинг олдига бориб, шапкасини кўтариб қўйди, бурнини қайчилаб, қорнига шапатиланган эди, болалар кулиб юборишди. Улар дарров пичирлашиб, бу одам кимлигини билиб олишибди. Ота тўданинг ўртароғига бориб, лўппи юзли, рангсиз, сап-сариқ сочларини латта билан боғлаб олган қизчани қўлига олиб, кўтарди. Юзларини силаб «яхши келдиларингми, қизим?» деб сўраган эди, болалар чуғурлашиб: «Хорошо, спасибо дядя Ахунбабаев!» дея жавоб беришди.

— Отинг нима, қизим? — сўради ота.

— Света.

— Жудаям чиройли исминг бор экан-а, энди кета-

миз, бориб дам оласизлар. Кейин гаплашаверамиз, хўшми?

Болалар яна чуғурлашиб жавоб беришди. Уларнинг шовқинини ҳадеганда босиб бўлмади. Ҳарбий кийим кийган лейтенант аёл қўлини кўтариб, болаларни тинчитди. Кейин тўпланганларга ўгирилди:

— Азиз дўстлар!— деди-ю, тўхтаб қолди, бўғилди, ўпкаси тўлиб, анчагача ўзини босолмай турди.— Болалар чеккан азобни гапириб ўтирмайман. Ўзларинг кўриб турибсизлар. Ун етти кун йўлда бўлдик. Бирон-тасининг кулганини, шўхлик қилганини кўрмовдим. Улар кулиш нималигини бир умр унутиб қўйишгандай туюлганди менга. Мана, ҳозир қаранг, сизларнинг меҳр-оқибатларингиздан юзларига кулги қалқди, кўзларида умид чақнаб кетди, овозлари барала янгради, шўхликлари бошланди, қайта туғилгандай бўлишди. Бу меҳрибончиликларингизни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ҳаммангизга раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан...

Лейтенант шундай деди-да, Охунбобоевга ўгирилди, алланима демоқчи бўлди, гапиролмади, гўдаклардек ўзини унинг бағрига отди. Охунбобоев аёлниг елкасига қўлини қўйиб, бошини силади.

Болалар саф тортишиб ташқарида, майдонда турган арава, машиналар томон юришди. Одамлар тарқала бошлади. Маҳкам ака билан Меҳриниса чеккароқда, қимир этмай болаларга тикилиб туришарди. Шу пайтда кимдир орқа томондан келиб, Маҳкам акани билагидан қаттиқ сиқиб ушлади.

— Ҳа, носвой элитдими дейман-а?

Маҳкам ака билагини ушлаб, кулиб турган Охунбобоевни кўриб, таниб қолди. Отанинг гапидан гурр этиб кулги кўтарилгандаёқ ўзини йўқотиб қўйганди.

— Ассалому алайкум,— деёлди зўра.

Охунбобоев унинг билагини қўйиб, қўлини маҳкам сиқиб кўришди, кейин Меҳринисага қўл узатди.

— Буларга айтяпман,— деди ёнидагиларни кўрсатиб, халқимизнинг меҳри дарё, феъли осмон. Керак бўлса битта майизни қирққа бўладики, бу болаларни етим қилмайди. Нима дейсиз, карвон?

— Ҳақ гап, Ота.

— Ахир қўлимиздан ишимизни, елкамиздан юк-мизни оладиганлар шулар-ку, Келажагимиз-ку бу-

лар, шундайми келин?— деди Меҳринисага кулиб қараб.

Меҳриниса қип-қизариб, бош ирғади, тилига гап келмади.

Болаларнинг охирги сафини кўздан кечириб бўлган лейтенант аёл Отанинг ёнига келди. Ҳаммалари Маҳкам акалар билан хайрлашиб вокзал биносига кириб кетишди. Уларнинг орқасидан қараб қолган Меҳриниса эридан сўради.

— Нима қиламиз, қаёққа борамиз?

— А?!

Ҳадеганда эридан садо чиқавермади.

— Нега индамайсиз?

— Нима дей, ўзим ҳам гангиб қолдим.

— Отанинг ўзлари билан учрашдингиз-ку, бир оғиз индамадингиз-а.

— Салобатлари зўр экан-э, гап эсга келди дейсанми?

— Ўзингиз ношудсиз.

Маҳкам ака қулоғига гап кирмагандай атрофга аланглади.

Перронда одамлар тобора сийраклашиб борарди. Меҳриниса майдонга чиқиб кетаётганлар орасида Иван Тимофеевичга кўзи тушди. Эрига кўрсатди. Маҳкам ака тез юриб бориб уни тўхтатди.

— Ийе, кетиб қолдинглар деб хаёл қилувдим,— деди Иван Тимофеевич.

— Хабар тополмадингизми?

— Йўқ,— деди хомуш Иван Тимофеевич.

— Болаларни қаерга олиб кетишди, билолмадингизми?

— Ие, ҳали эшитмадингизми?

— Йўқ.

— Радиода эълон қилди-ку.

— Буни қаранг, пайқамай қолибмиз-да. Нима деди?

— Болаларни болалар уйларига олиб кетишди. Тарбиясига олишни истаганлар ўша ерга учрашсин, деди.

— Ҳа, ҳа. Яхшиям сизни учратдик-а. Кимдан сўрашни билмай, қайрон бўлиб турувдик,— у шундай деб хотинига қаради,— қани, юр, кетдик,— деди қўли билан дарвоза томонни кўрсатиб.

Улар вокзалдан чиқиб, трамвайга ўтиришди.

Икковидан ҳам садо чиқмасди. Маҳкам ака чўнтагидан чақа чиқариб, кондуктор олдига бормоқчи бўлиб қўзғалай деганда, кондуктор ўзи келди, пулни олди-ю, билет бермади. Маҳкам акага, ерга қараб ўтирган Меҳринисага ғалати тикилиб турди-да, зарда билан:

— Вагон Бешёгочга боради!— деди ва индамай жойига бориб ўтирди.

Эр-хотин «нима қиламиз?» дегандай, бир-бирларига қараб олишди-ю, индашмади. «Бешёгочга бориб олайлик-чи, кейингисига ўтирармиз», деган хаёл ўтди кўнгилларидан. Маҳкам ака билет йиртиб берар, деб кондукторга қараган эди, иккала қўлини пахталиги ичидан қўлтиқларига суқиб, жунжиб, пинагини бузмай ўтирганини кўрди. «Эсидан чиқди, кел, хижолат қилиб нима қилдим, бир гап бўлар...» деганича индамай ўтираверди. Эрталабдан бери захри синмаган қора совуқ, очиқ деразалардан гуриллаб кириб, баданни ачитарди. Меҳриниса шол рўмолда бўлганидан сезмаётибди афтидан. Аммо Маҳкам акадан ўтиб кетди, тугмаларини қадаб олса ҳам бўлмади, бошқа жойга бориб ўтирай деса, ҳамма дераза очиқ.

— Деразаларни ёпиб қўймайсизми, болам,— деди у кондукторга.

— Ҳаммаси ёпиқ!— Маҳкам акага қарамай дағал жавоб қилди кондуктор.

— Тавба,— деди Маҳкам ака ҳайрон бўлганича очиқ деразаларга бир-бир қараб.

— Совуқни ўйлаган одам уйда, сандалида ўтиради. Уруш. Деразаларга ойна солинмаган, борлари синиб тамом бўлди,— жаврай кетди кондуктор хотин ўрнидан туриб,— сизлар ҳозир тушиб кетасизлар, мен кечгача мана шу ғур-ғуракда дийдираб кун ўтказаман.

Маҳкам ака гапирганига пушаймон бўлиб индамай қўя қолди. Меҳринисанинг хаёли бўлиниб, бир жаҳли чиқиб келди-ю, ўзини босди, кондукторнинг дўппайган қорнига, эгнида халқиллаб турган эркакларнинг калта пахталигига тикилиб турди-да, нима учундир кўнгли бўшашди. «Қўйинг, нима қиласиз олишиб», дегандай эрига қаради. Ён-верларида ўтирган йўловчилар ҳам ранжиброқ кондукторга бир-бир қараб олишди-ю, ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Трамвай Бешёгочга келиб тўхтади, одамлардан кейинроқда вагондан тушган Маҳкам ака, йўлгага ўтиб олган хотини ёнига бора туриб, кимнингдир чақирганини эшитди. Орқасига ўтирилди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, уста,— деди қамчинини аравага ташлаб Ашуртой ака.

— Саломат бўлинг, ўзингиз ҳорманг, карвон, бардаммисиз?

— Тупроқдан ташқари юрибмиз. Носдан борми?

Маҳкам ака чўнтагидан носқовоқни олиб узатди. Ашуртой ака, бамайлихотир кафтига нос тўкиб, тили тагига ташлади. Маҳкам ака ҳайрон қолди. Бунақанги кашандани сира кўрмаганди, уч-тўрт отим носни битта ташласа-я. Ашуртой ака носқовоқнинг шокиладор чарм тиқинини ёпа туриб, салмоқланиб гапирди:

— Бозор қилай дебсиз-да, уста?

Маҳкам ака нима дейишини билмай қолди. Гапни қисқа қилиб, тезроқ ажралишни ўйлаб турарди.

— Ҳа, шундай, бир иш бор эди,— деб қўя қолди-да, носқовоққа қўл узатди.

— Қаёққа шошиласиз, уста, одам ғанимат,— Ашуртой ака носвойнинг кайфини сурарди,— эртага ким бор, ким йўқ. Қиёмат-қойим бўляпти-ку, кўряп-сизми?

— Худо сақласин, Ашуртой ака, ваҳима қилманг.

Эшак нимадандир чўчиб жойидан қўзғалди. Ашуртой ака сўлоқмондай панжаси билан унинг сағрисиغا бир туширди.

— Тек-ей, ҳаром ўлгур!..

Ашуртой ака, ҳаддан ташқари дароз, сергўшт, суяклари бузуқ, давангирдай одам эди. Отлиқ арава ҳайдарди. Оти ҳам унақа-бунақа отларданмас. Ўзига ўхшаган бўйдор, қари, бесўнақай, ёлдор, ниҳоятда бақувват, филдай от эди. Касалхонада ишларди. Эски миждозларидан бири эди-ю, Маҳкам ака унча рўйхуш бермасди. Умрида касалхона эшигини кўрмаганиданми, ҳарқалай ундан ҳазар қиларди. Ашуртой ака тўрт филдиракли аравада алланималар таширди. Ҳамма вақт юки борми йўқми, барибир арава устидан тупроқ ранг катта брезент чодир тортилган бўларди. Маҳкам ака бунга биларди-ю, нима ташийди, қаерларда бўлади, бу ёғи билан қизиқмасди. Қизиқиш у ёқда турсин, Ашуртой аканинг ёғидаги қора сатин халатга эт-бети

тегиб кетгудай бўлса, у кетгач, эгнини қоқар, таҳоратини янгиларди. Мана энди, ўша, ўзи тақалаб юрган от ҳам йўқ, арава ҳам.

— От қани?— сўради Маҳкам ака.

— Урушга юбордик. Араваниям,— чуқур хўрсиниқ келди Ашуртой акага, оғзи тўла носвойни пуркаб юборишига сал қолди,— ўлманг, уста. Нима қилса ҳам от қадрига етадиган одамсиз-да, дарров пайқадингиз. Дардим ичимда. Бир олдингизга бориб, юрагимни ёзиб келаман дейман, ҳисобини қилолмайман. Тушунмаган одамга бунақа гапларни гапириб бўлмайди. Кулги қилади. Ўзим ҳам бунчалик ўрганиб, суяниб қолганимни билмас эканман. Ажралганда билдим. Фарзанддек қадрдон бўлиб қолган эди-да, жонивор. Биттаю битта ҳамроҳим ҳам шу эди аслида. Баъзида ёнида ўтириб олиб, савдойи одамга ўхшаб ҳасратимни айтардим. Жонивор худди тушунгандай, бошини эгиб, юзини юзимга қўярди. Қаранг...

— Отлар ҳам тушунади. Илло тили йўқ, гунг-да, карвон. Яхши от эди, жонивор.

— Кузатганимда ёмон бўлдим, жиловини тутказдим, кап-катта одам йиғлаб юборсам бўладими. Мана бу ёш дегани ҳам тарновдан оққандай тўкилади, денг. Артганим билан бўлмайди. Жонивор сезди, кўзларини мўлтиллашиб қараб турди-да, филт-филт ёш келди, юзларига думалаб тушди.

— Йўғ-э?

— Ҳа, увваллоки тортади, қани жойидан қўзғалса. Чидолмадим. Шартта ёнимга бурилиб, ўзимни четга олдим. Нарироққа бориб, тескари ўгирилиб турсам, бир кишнади денг... Қулунидан айрилиб, фарёд қилаётгандай бўлиб эшитилди, қулоғимга. Юрагим узилиб тушгандай бўлди. Жонивор. Қаерларда юрганийкин? Ўрмонзордами? Тоғ-тошларни ошиб юрибдими ё ўт-олов ичидами? Тирикмикин?

— Яхши ният қилинг, карвон. Ажабмас...

— Тилингизга новвот, уста. Қанийди. Ёлларини бир силаб, юзларини юзимга қўйсам... Мана, шу қамчи қолди, ундан ёдгор бўлиб,— Ашуртой ака аравадаги қамчини олиб, дастасига тикилди.— Жонивор, қамчи деган нарсани билмасди. Э, нимасини айтаман. Гапим тугул имо-ишорамга тушунарди тулпор. Мана энди, кунимиз мана шу қирчанғига қолган...

Маҳкам ака юки устидан чодир тортилган икки ғилдиракли аравага, озгин, қорнидаги шалтоғи қотиб ётган исқирт эшакка тикилиб қараган эди, эшак талтайиб кетди. Бошини унга энгаштириб, бир ирғитди-да, кейин осмонга кўтариб, оғзини катта очди. Ханграб юборди. Маҳкам ака чўчиб тушди. Ашуртой ака ўзини тутолмай, бесўнақай дўриллаган овоз чиқариб кулди.

— Соатингизни тўғрилаб олинг, уста, — деди у кулгисини босолмай, — ҳурматни бажо келтиряпти-да, уста, хафа бўлмайсиз.

— Ҳай, омон бўлинг, — дея хайрлашмоқчи бўлди Маҳкам ака, — сизни ҳам ишдан қўйдим.

— Э, менинг ишим нима бўларди, биров суришти-рармиди? Вақтли бордим нима-ю, кеч бордим нима, жаноза ўқилармидики шошиламан?

— Нафасингизни иссиқ қилинг, карвон. Ахир хизмат бўлгандан кейин вақти бор, соати бор.

— Бе-е... Биласиз-ку ишимни. Ҳамма вақт ялло. Узим хон, кўланкам майдон, қани, носни олинг, пастроғидан чекар экансизда, уста. Воягиси жиз этмади-«лм-а.

Маҳкам ака чўнтагидан носқовоқни оларкан ҳайрон бўлиб аравадаги юкка тикилди.

— Ашуртой ака, бу нима ўзи?

— Уста, мен сизни содда деб юрардим, анча қув экансиз-а. Билиб-билмасликка оласиз-а. Тавба, — деди Ашуртой ака кафтидаги носвойни оғзига ташлаб. Кейин носқовоқ оғзини пахталик устидан кийиб олган қора халатига артди. Буни кўриб фиғони чиқиб турган Маҳкам аканинг таъби тирриқ бўлди.

— Қизиқ гап қилдингиз-ку, бу нима деганингиз? — деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака. У Ашуртой аканинг наша чекиши, ичкилик ичишини яхши биларди. «Агар ичган бўлсанг, кучала еган жойингга бориб тириш», демоқчи бўлди-ю, айтмади.

— Ахир мени кеча таниганингиз йўқ, нима қилишимни била туриб, тағин нега билмаганга оласиз?

— Худо ҳаққи, ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Касалхонада ишлашингиздан бўлагини билмайман.

— Шунақа денг, — Ашуртой ака жаҳл билан арава устидаги чодирни очиб юборди: — Мана менинг ишим...

Уруш бошланиб, бозорим чаққон бўлиб қолган, уста.

Маҳкам ака аравага қаради-ю, дабдурустдан нима-лигига тушунолмади, кейин фаҳмига етиб, қўрқиб кетди. Кетма-кет кўкрагига тупуриб қўйди. Биров уни ҳозир, «жиноятга шериксан» деб ёқасидан ушлаб оладигандай ён-верига аланглади.

— Соддалигингиз рост экан, уста, — деди Ашуртой ака ва одамлар кўзи тушмасин деб чодирни ёпиб қўйди.

Маҳкам ака ичидан келган титроқни ҳадеганда босолмади. Олдида ҳозир аравакаш Ашуртоймас, инсонлик қиёфасини йўқотган бераҳм одам тургандай эди. Шунча йил таниши, мижози бўлган бу одамни шу вақтгача билолмаганидан ўзини койир, гуноҳкор ҳисобларди.

— Юракдан ҳам худо берган экан-ку, уста. Бунчалигини билганимда айтмасдим. — Ашуртой ака боягига ўхшаб ўзини тутолмай кулиб юборди. Оғзидаги носвой ҳар томонга сачраб кетди.

— Кулманг-э, Ашуртой ака!

— Нима, бўлмаса...

— Бўлди, бўлди, — деди Маҳкам ака бетоқат бўлиб, — ҳай, манам борай, — қўлини силтаб шундай деганича хайрлашмади ҳам, ёнига ўгирилиб, йўлка томонга юрди. Орқасидан қараб қолган Ашуртой ака ўзича гапирарди:

— Оббо уста-ей. Оббо тақачи-ей. Чумчуқ пирр этса, ичлари ширр этаркан-ку... От, от-га та-қа қо-оқ! — дея ёш болаларга ўхшаб, бепарво алифбени такрорлади-да, қўлига қамчини олди. Дастаси билан эшакни ниқтади, — қих-қих-э, ҳаром ўлгур қирчанғи, юр кетдик!

Кўчага бирга чиққанида йўл-йўлакай одамларга учраб, эрининг ушланиб қолиши ҳар гал рижинини келтирадиган Меҳриниса бу сафар аптеканинг эшиги ёнида ўз хаёли билан ўзи сервор бир нуқтага тикилиб турарди. Бир ёқдан вокзалда кўрганлари хаёлини олиб қочса, бир ёқдан эрталабки хат кўз олдидан кетмасди. Эрига нима дейишни, хатни кўрсатиш-кўрсатмасликни ўйларди. Унинг ҳолатидан беҳабар Маҳкам ака ёнига яқинлашаркан, «шу одатингиз қолмади, деб ачитади-ёв», дея кўнглидан ўтказди-да, хотинидан олдин ўзи гап бошлади:

— Шўрлик аравакашнинг ҳам ҳасратидан чанг чиқвотти. Ҳамма ҳамма билан, у фронтга юборган отини ўйлайди, тавба.

— Кетдикми? — деди Меҳриниса юмшоққина эрининг гапига парво қилмай.

— Қани, юр! — «Нечун индамади?» Ҳайрон бўлди Маҳкам ака.

Улар трамвайга чиқишди. Маҳкам акага хотинининг ҳозир ҳеч нима сўрамагани айни муддао эди. Сўраса, бўлган гапларни айтиб берса... Йўқ, йўқ, ўзи бўлганича бўлди, энди хотинининг юрагини увуштириб нима қилади.

Трамвайдан тушганда, «Меҳри сен кетавер, яхши-си, мен қайси детдомдалигини суриштириб, аниқлаб бораё» деган эди, Меҳринисага ҳам маъқул тушди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб, йўлкадан оҳиста одим ташлаб уй томонга кетди. Нима деса хотини индамай кўнаётганига ҳайрон бўлган Маҳкам ака, ҳеч нарсага ақли етмай, орқасидан тикилганича кўчанинг нариги бетига ўтди.

Маҳкам ака қабристон дарвозаси олдига келди. Хаёл суриб, анчагача шу ерда туриб қолди. Ниҳоят, узоқдан эшак арава кўринди.

— Э, уста, — деди бир неча қадам наридан уни кўриб Ашуртой ака, — ҳазиллашдингиз десам...

— Ҳазиллашадиган ишми бу, — унинг гапини бўлди Маҳкам ака, — коп-катта одам, дийдангиз мунча қаттиқ?

— Хўп, хўп дедик-ку, уста, — Ашуртой ака қўлини кўксига қўйиб, энсаси қотиб гапирганини Маҳкам ака пайқамади, аслида у «бефарзанд одам қачондан буён болажон бўлиб қолдилар-а», деган фикрни дилдан ўтказганди ҳозир.

Ашуртой ака аравани ичкарига бошлади. Маҳкам ака орқада борарди. Кенг қабристоннинг ўртасидан кесиб ўтган, ёнларига дарахтлар ўтқазилган йўлдан юриб, нариги чеккасига чиқишди. Бу ерда сағаналар анча сийрак, ундан нарироғи яланглик эди. Маҳкам ака ён-верига аланглаб, қазилган қабрни кўрмади. Ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳали қазилмаганми?

— Ким қазирди, уста. Зап қизиқ гапни айтдингиз-ку, — деди дўриллаб Ашуртой ака, — қазийдиганам

ўзим, гумдон қиладиганам. Ишимиз шу!.. Қихх. Тўхта, ҳаром ўлгур! Шу ердан қазисак ҳам бўлар, а. Нима дейсиз?

— Маъқул, — деди «гумдон қиламан» деганидан ижирганиб турган Маҳкам ака.

Ашуртой ака, қамчинини ташлаб, кетмон олиб келгани товутхонага кетди. Маҳкам ака, эгнидаги тўни, пешматини ечиб, белбоғи билан қўшиб, дарахт айрисига ташлади-да, арава ёнига бориб, устидаги чодирнинг бир чеккасини очди. Оқ чойшабга ўралган учта катта-кичик юмалоқ-ёстиқ мурда ёнма-ён ётарди. «Шўрликлар. Бу дунёдан санларга оҳорли кафан ҳам насиб қилмадими? Ноинсофлар тутилмаган чойшабга ўрашса нима қиларди?.. — кўзига филт-филт ёш келди, — эй, худо. Не кўргулик бу. Пешанамга зурёд битмаганингга яраша, шу ёшга келганимда олдимга учта гўдакнинг мурдасини қўйиб, уларга гўрковлик қилгин деганинг нимаси? — оҳиста, чеккадагисининг юзини очди, икки ёшлар чамасидаги ўғил бола. Сочлари, қошлари қоп-қора, қонсиз лўппи юзлари чойшабдай оппоқ. Оғзи очилиб, гунча лаби осилиб қолибди. Энгаҳини оҳиста кўтарди, оғзини юмди, кўз ёшлари донадона бўлиб чойшабга тушди, — яхшиси бориб, кафан олиб келиб, бошқатдан... — шундай фикр ўтди-ю, яна ўзини босди, мурданинг пешанасини, юмуқ кўзларини, бошини силади, ичида аллақандай дуолар ўқиди, — тупроқ тортиб келдим, болам? Қаерликсан? Киндик қонинг қаерга тўкилган? Исминг нима? Бахтсиз отанг ким, онанг ким? Туғилганингда бошлари кўкка етгандир? Не-не орзулари бор эди шўрликларнинг? Ҳаммаси хазон бўлди. Шаҳримизга келибсану кўз юмибсан-да, болам? Уни кўриш, одамларига кулиб боқиш насиб қилмадими? Лоақал ман кўриб қолганимда ҳам... бағримга босардим, дардингга дармон бўлардим, кўзингни юмдиргани қўймасдим... Қўлимдан қўймасдим, худога ялиниб-ёлворардим, ажални даф этардим!.. — пичирлаб гапираётган Маҳкам аканинг овози ичидан тўлқин-тўлқин бўлиб, бўғилиб, борган сари қаттиқроқ чиқаётганини сезмасди, барала гапириб, барала йиғларди, кўз ёшлари гўдакнинг юзларига тушарди, дод солиб юборай дерди. Кетмон олиб келган Ашуртой ака уч-тўрт қадам нарида қотиб қолди. Индамай тураверса Маҳкам ака ҳозир мурдани азод кўтариб олиб, дод-

лаб юборадигандай важоҳатда эди. Қўрқиб кетди. Гапирилмади. Бир-икки қаттиқ йўталди. Шундан кейингина Маҳкам ака бошини кўтариб, карвонга қаради. Чойшабни оҳиста ёпиб, унинг ёнига борди. Титроғини босолмади. Унинг юзига қаролмаган Ашуртой ака кетмонни кўтариб ерга урди, гўр қазий бошлади.

Кетмон гурсиллашидан Маҳкам ака чўчиб тушди, ҳушёр тортгандай бўлди.

— Гўристонда кетмон ҳам қомаптимми? — титроқ овоз билан сўради у.

— Бор, уста. Нимайди?

— Нега ола келмадингиз?

— Битта гўрни икки кишилашиб қазиймизми, уста?

— Битта?

— Бўлмаса учта қазирмидик. Бўлади-да.

— Карвон, шунақа тошбағирмисиз?

— Уста. Худои таоло одамни лойдан ясаган. Бунга шак келтириб бўлмайди. Биласиз. Шундай бўлгандан кейин фарқи нима?

— Фарқи?! Ахир булар одам боласи-ку! Мушук боласимас-ку...

— Энди, уста, булар мурғаклар. Бир чеккаси ғайридин. Гўр-кафан ҳожатмас...

— Нима?! — авзойи ўзгариб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди Маҳкам аканинг, — ҳайф сизга-ей, шу калла билан одамман деб юрибсизми? Ҳамма гапирсам сиз динга тил тегизмасангиз бўларди, — Маҳкам ака ғазаб билан унинг қўлидан кетмонни тортиб оларкан, димоғига гуп этиб ароқнинг ҳиди урилди. Ашуртой акага шундай нафрат билан тикилдики, у юзига қаролмади, бошини эгиб, оҳиста ёнига бурилди, товухона томонга қараб кетди.

— Гўрсўхта! — деб юборди ғазабдан Маҳкам ака. Умрида одам боласини биринчи дафъа ҳақоратлаши бўлса керак, кетидан «тавба» деб қўйди. Енгларини шимариб, қабр қазишга киришди.

Сокин гўристонда девор ёқалаб ўтган чуқур ариқдаги сувнинг шилдираб оқишидан бўлак овоз қулоққа чалинмасди. Мана, ҳозир гурсиллаб тушаётган кетмон товущи-ю, Маҳкам аканинг ҳарсиллаши қўшилди бунга. У, кетмон уриб, тупроқ тортаркан, беғуноҳ норасидаларга қанча раҳми келиб юраги эзилса, урушга, уни

бошлаган аблаҳга нисбатан шунчалик ғазаби қайнардди. Айниқса, Ашуртой аканинг одамийликни оёқ ости қилаётганига сира-сира чидолмасди. Кетмон урарди. У ёни, бу ёнига улоқтираётган нам тупроққа шабнам доналаридек томчилар йилтиллаб тушарди. Пешанаси, чаккаси, бўйни, энсасидан оқаётган тер ҳам, кўзларидан беихтиёр чиқаётган ёш ҳам тупроққа қорилар, бамисоли гўдаклар ётадиган мана шу лаҳадни тер ва кўз ёшлари билан илитмоқчидай, гўрларини нурга тўлдирмоқчидай бўларди.

Кетмон кўтариб, Ашуртой ака келди. У бўшашиб тушган, Маҳкам акага гуноҳкорона тикилиб турди-да, «хом сут эмган бандамиз, уста, биздан ўтган бўлса...» демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, юраги дов бермади. Бундан ҳам кўра нафси зарурроқ кўринди.

— Уста, нос чекиб олайлик, — деди талтайиб.

Маҳкам ака кетмонни қўйиб, пешанасини бир сидирди-да, унга ўгирилмай, дарахтдаги кийимларини кўрсатди.

Ашуртой ака пешмат чўнтагидан носқовоқни олиб, бир кафт носвойни тили тагига ташлади, тиқинини ёпиб, жойига солгунча бўлмай, носвой жизиллаб томир-томирларига югурди, бояги кайфини жойига келтириб, таъбини равшан қилгандай бўлди. Оғирроқ ботган гапларни ҳам унутди, ҳисоби. Сал нарироқдан гўр қазий бошлади.

Маҳкам ака унга ўгирилиб қарамаса ҳам, ураётган кетмонининг зарбидан ҳали-вери гўрни қазиб бўладиган сиёҳи йўқлигини сезиб турарди. Бир уриб, икки ҳарсилларди. Отаётган тупроқлари Маҳкам ака томонгача сзчраб тушарди.

«Уруш одамларни қиради, — ўзича ўйларди Маҳкам ака, — ҳалок қилади, вайронгарчилик келтиради, ёндиради... Бу унинг касби. Илло одам қадрини йўқотгани ёмон. Бу даҳшат!..»

Кетмон дастаси қўлидан чиқиб, Ашуртой ака гурсиллаб йиқилди. Маҳкам аканинг хаёли қочди. Ялт этиб унга қаради-ю, тупроқ устидан зўрға гавдасини кўтараётганини кўриб, нафратланди, юзини тескари буриб олди. «Одам ўзини ўзи адо қилиши ҳеч гапмас экан-да. Тавба».

Ашуртой ака тупроқларини ҳам қоқмай, бир чеккага чиқиб, дарахтга суяниб тиз чўкди. Бирпас ўтириб,

тагин носвойдан чекди. Маҳкам акага тикилганча қолди:

— Уста,— деди оғзидан нос доналарини сачра-тиб,— сиз, тақани қандай ясайсиз? Отга қандай қилиб қоқасиз?

Маҳкам ака унга ўгирилмади ҳам, индамай қазий-верди.

— ...Менам бу ишга шундай ўрганиб қолганман. Олиб келаман. Қазийман, жой-ростонига жойлаб кета-вераман. Этим ўлиб қолган, уста...— ўкинчга тушиб, қисматидан нолибмас. «Бўлган-турганим шу! Нима қи-ласиз, менга дашном бериб!» деган маънода гапирар-ди у.

Маҳкам ака ишдан тўхтаб пешана, чаккаларини сидириб ташлади. Кетмон дастасига қўлларини тираб, унга қаради:

— Рост айтасиз, карвон, сизга ачинаман. Жабр экан. Ҳунарингиз оғир. Этим ўлган дейсиз. Эти ўлган-нинг дийдасиям қотиб қолади. Қалби совийди. Инчу-нун унга одамийликдан гапириш бефойда.

— Нима десангиз денг, таъна қилманг, уста.

— Дунёнинг бир чеккасида шунақа эти ўлиб, дий-даси қотган битта аблаҳ чиқди-ю, ҳамманинг бошига кулфат ёғдирди, қўйди. Қанчадан-қанчанинг ёстигини қурутвотти. Мана, азобини тортвотмиз, карвон...

— Ҳой, уста... ахир ман жаллодлик қилаётганим йўқ. Одамман.

— Дарвоқе, сиз савоб иш қивотсиз, ўликларга. Мурдаларини олиб келиб дафн этасиз. Фарқингиз шу, карвон.

— Ҳақорат қилманг, уста, кимлар ўтмаган жойда гапиряпсиз бу гапларни?

— Ҳақоратмас, бор гап. Айтдим-ку, жабр экан, раҳмим келади сизга.

Ашуртой ака кайф аралаш нима деяётганини ўзи ҳам яхши сезмасди. Пойинтар-сойинтар гапирарди. «Раҳмим келяпти сизга», деган сўздан кейин сал ўзи-га келгандай бўлди, бўшашди. Номус кучлилик қилди, зўрға жойидан қўзғалиб, кетмонни олди.

Маҳкам ака иккинчи қабрни қазирди. Карвондан бутунлай ҳафсаласи пир бўлганди. Унга гапирди ни-ма-ю, гапирмади нима. «Гўрковларнинг эти ўлган бў-лади, дейишади. Илло уларнинг қалбида одамийлик

бўлади. Мурдани одам боласи деб эъзозлайди, сўнгги марта инсонийлик ҳурматини бажо келтиради. Карвонга ўхшаб... э, садқаи одам...»

Маҳкам ака ҳар кетмон тупроқни чиқарган сари гўдакларни ер қаърига қўйиш кўз олдига келиб, ўпкаси тўларди, гулдек-гулдек мурғаклар кўз олдига пайдо бўлиб, дув ёшларини тўкарди. Ёш тупроққа, ярқираган кетмон юзига, лаҳадга тушарди.

Қабристоннинг девори нураган жойидан—кўчадан ўтиб бораётган бир қариянинг кўзи тушиб қолди. Қария бирпас қараб турди-да, кўздан ғойиб бўлди. Шу заҳотиёқ бу ерда икки бола кўринди. Улар алланималарни баҳслашиб узоқ туриб қолишди. Ёнларига келган аёлга ниманидир уқтиришди. Аёл девор ёнидан нарига кетди.

Қабрни қазиб бўлган Маҳкам ака ҳам, тамомлай деб қолган Ашуртой ака ҳам девордан қараётганларни кўришмасди. Маҳкам ака мурдаларни қай тахлитда қўйишни ўйларди, Ашуртой ака ҳарсиллаб, тезроқ тамомлашу шартта ўзини дарахт ёнига ташлашни кўзларди. Шундай қилди ҳам. Тоқати чидамади. Кетмондаги охирги тупроқни тўкиб, бир чеккага бориб, ўзини ерга ташлади.

Маҳкам ака мурдаларни оҳиста аравадан олиб, ерга қўяётганда девордан мўралаган чол унинг ёнида пайдо бўлди, у ҳам индамай битта мурдани кўтариб олди.

Маҳкам ака мурдаларнинг тепасида жаноза ўқий бошлади. Чол унинг ёнига ўтди. Маҳкам ака дарахт тагида бошини осилтириб, пишиллаб мудраётган Ашуртой акага қайрилиб қарамади ҳам. Чол ҳам унга парво қилмади. Икки қария гўдаклар тепасида жаноза ўқирди. Чекка-чеккада кўчадан кирган болалар, аёллар қараб туришарди. Гўристондаги сокинликни ариқдаги сув шилдираши, Ашуртойнинг пишиллаши бузарди.

Жаноза ўқилиб, Маҳкам ака қабр ичига тушди. Чол мурдани олиб, унга узатди. Маҳкам ака охирги қабрдан чиққунча, оппоқ соқоли кўксини қоплаган нуроний чол тупроқ торта бошлаган эди.

Икки қария учта қабр тўғрисида тиз чўкишганда, аёллар ҳам, болалар ҳам аста-секин дарвоза томон юришди. Ашуртой ака бошини кўтарди-ю, ҳадеганда

Ўрнидан қўзғалолмади. Эшак девор тагида ўтлаб юрарди...

Маҳкам аканинг сурати келди уйга. Куппа-кундуз куни, йўл-йўлакай алоқ-чалоқ туш кўриб келгандай эди. Туш бўлгандаям даҳшатли туш. Бири биридан ширин, жажжи, шўх гўдаклар чуввос солиб, бўйнига осилган, елкасига чиқиб олган, қўллари, этаклари, оёқларидан тортқилайди, қўйиб юбормайди. Кўчасига қайрилиб, эшиги олдига яқинлашгандагина уйқудан чўчиб уйғонгандек бўлди. Тўхтади. Баригаги тупроқни қоқди. Қоқаркан, ерга бир-икки томчи юмалаганини кўрди. Томчилар осмондан боши узра ерга тушгандай бўлди.

Ҳовлига кириб борди. Айвонда ер чизиб ўтирган хотинини кўрди. Ҳозир сўрайди, қаёққа бордингиз, қаерда экан, дея коптиков қилади деб хаёлига келтирган эди, Меҳриниса чурқ этмади, келдингизми, деб бундоқ ёришиброқ қарамади ҳам, хонтахта устидаги конвертни олиб, индамай эрига узатди. Маҳкам ака конвертни кўриб, авзойи ўзгарди, миясидаги васваса хаёлларни унутгандай бўлди. Шоша ичидаги катни олар экан, сўради:

— Қачон келди?

— Келсам, эшикнинг тагида ётибди. Тирқишидан ташлаб кетган бўлса керак.

Маҳкам ака, Ботирдан келган хатни ўқий бошлади. Ўқиган сари тўлқинланиб, юраги тез-тез урарди. Чеҳраси ёришди. Бутун борлиғи билан хатга берилди. «...Ҳурматли почча, — дерди Ботир хатининг охирироғида, етимлигимни сездирмай оталик қилдингиз, холам бағриларига босиб, болам деб қарадилар. Мен буни сизларникида юрганимда унча фарқига бормаган эканман. Мана, бу ерда, узоқда жуда ҳам сезяпман. Бахтимга сизлар омон бўлинглару, саломат дийдор кўришайлик...»

Маҳкам ака вокзални ҳам, қабристонни ҳам унутди. Кўзлари чақнаб кетди. Ичидан тошиб келаётган қувончни яширолмади. Хотинига қаради.

— Ўқидингми?

— Ҳа, — деди хомушлигича Меҳриниса.

— Барака топкур... Омон бўлсин.

— Мана, буни сиңиям ўқинг-чи, — деб кўрпача тагига қўйган хатни олиб узатди.

Маҳкам ака ҳайрон бўлиб, хатни қўлига олди, ўқий бошлади-ю, кулиб юборди.

— Ййе, ййе, ҳой Меҳри, қизиқ бўлибди-ку.

— Ўқинг, ўқинг.

— Оббо азамат-ей, кўнгли бу ёқда эканда-а, қаёқдан топдйкин бунақа сўзларни-а, оббо.

Меҳриниса Ботирнинг хатини қўлида ушлаганича, эридан кўзини узмай турарди. Унинг гапларига куларди-ю, бу ёғини кутарди.

— Шошма, шошма, нима? Касал бўлиб қолган эканми ўшанда? Ўзим бирга эдим-ку. Ҳеч нарсани пайқамовдим. Қара, ўртоқларидан ажраб, юклар тахлаб қўйилган жойга бориб олишган экан-а. Буниям пайқамабман-а.

— Келиндан аввал неvara кўрадиган бўлдингиз, — деди Меҳриниса.

— Нима?

— Тушунмадингизми?

— Нимага?

Меҳриниса оғзига келган гапни айтолмай, ерга қаради. «Бош қоронғиликни мен бошимдан ўтказибманмики, эрим шўрлик билса уни», дея кўнглидан ўтказди-ю, бошини оҳиста кўтарди.

— Ботирингиз қилгуликни қилиб қўйган экан-ку. Тушунмадингизми?

— Валдирама, унақа гап йўқ шекилли, — деди-да, ўша жойини бошқатдан қижжалаб овоз чиқариб ўқиди, ўқиб бўлиб хотинига тикилди. — Айтгандай... — бирдан кулиб юборди. Кулгандаям ёш болаларга ўхшаб кулди, ҳадеганда ўзини тутиб ололмади. — Ҳа, энди шўхлик қилгандирда, шунга тумшайиб ўтирибмидинг, ҳали?

— Ҳой, эс-песингизни едингизми, ёш болага ўхшаб хандон ташлайсиз-а, коп-котта одам. Агар ёзгани рост бўлса ҳазил гапми бу-а? Ўйлайсизми?

— Аввал аниқ билиш керак. Подадан олдин чанг кўтариш ярамайди. Ундан кейин...

— Нима, ундан кейин. Олдингизга олиб келиб ўтирасизми ё Ботирнинг ёнига жўнатасизми? Номусини ўйлайсизми?

Маҳкам ака энди чуқурроқ ўйлай бошлади. Дам қўлидаги хатга қарар, дам бунга у айбдордай эрига жекириб гапираётган хотинига қарарди.

- Хатни қаёқдан олдинг, ўзи?
- Эрталаб кўрсатмаган хатим шу эди. Бошинг узилмагур ўз қўли билан қўлимга топшириб кетди.
- Ўзи ўқимаганми ҳали?
- Шунисини билолмаётибман. Хат очиқмиди ё ўзим очдимми эсимда йўқ.
- Эсинг қаёқда эди!
- Сизда эди, қутулдимми. Мен нима ташвишдаману, майнавозлик қиладилар-а.
- Майнавозлик мана бу ёқда экану, нага мени жекирасан. Ҳой, ғунажин кўзини сузмаса-чи...
- Бўлди, бўлди,— деди эрига гапиртирмай Меҳриниса,— ғунажинам ўлсин, кетишини билиб туриб кўзини сузмай.
- Қаёқдан билган кетишини?
- Билмаса, ҳе йўқ, бе йўқ, лоақал фотиҳа ҳам бўлмай туриб, шундай шармандаликка йўл қўядими.
- Ҳой, оғзингга қараб гапир, бировнинг мўминини жудаям шармандага чиқариб қўйма.
- Ҳе, шунақа мўмин бўлгандан бўлмай ўтсин-эй...
- Манга қара, нега унга ёпишасану, Ботирингни оппоққа чиқарасан?
- Ботир ҳарна қилса ҳам эркак. Авжи етилган пайти.
- Унинг айби йўғу, ҳамма гап қизда дейсан-да. Ё у етилмаган эканми? Ҳамма йигитлар жўнайвериб, қизларнинг ҳам юраги увушиб қолди. Осонмас уларгаям.
- Бўпти. Бўпқопсиз. Эрта-индин олиб келиб этагингизга солиб кетади. Лу-лу-лу қилиб ўтирасиз.
- Қилсам қилавераман-да. Нима, бегонамиди. Бўлсин. Ишқилиб ўлим бўлмасин. Орқа пуштимиз шулар бўлади,— Маҳкам ака шундай деди-ю, хаёлида ҳозир яратганнинг ўзи қулоғига шивирлаб, «учтасини ерга қўйдим деб нолиган эдинг, шу заҳотиёқ биттасини ато қилдим, сабр қил!» дегандай бўлди.
- Энди нима қилдик-а?— сўради жиғибийрон бўлиб Меҳриниса.
- Нима қилардинг, сабр қил-чи.
- Хатни-чи?
- Хатни... Ўзи келиб қолар?
- Ўқиган бўлса, юзи чидаб келолмайди.
- Хатини ўз тахига солиб, жойлагин-да, конверти-

ни яхшилаб ёпиштириб қўй. Бола бечоранинг кўнгли тўқ бўлсин, гумонсираса, устига қарадигу, очмай қўя қолдик дерсан. Зинҳор сездирма. Ўзинг ҳам оғзингни маҳкам қил, тагин бировга кўпириб юрма. Қиз нарса бадном бўлиб қолмасин.

— Эсимни ебманми, бировга айтадиган гапми,— деди Мехриниса ва лоп этиб Иқбол сатанг эсига тушиб, юраги орзиқиб кетди. «Ўлибдими, кап-катта хотин...». дея ўзини тинчитди. Ўрнидан туриб овқат тардудини кўра бошлади.

Маҳкам ака тўнини ечаркан, «кун ҳам кетди, бўла қол, бир оз ўтирайлик», деди хотинига. Ҳаётида бирон кори ҳол бўлиб, дили оғриса, ранжиб, диққинафас бўлса, тўғри дўконхонага ўзини урар, кўра ловиллаб, сандонга болға тегиши билан енгил тортгандай бўларди. Ҳозир иш қолиб кетгандан хотинини шошираётгани йўқ. Эрталабдан бери кўрган-кечирганлари миясини ғовлатиб, юрагини сиқиб юборганидан, тезроқ дўконхонага ўзини урмоқчи, сал бўшамоқчи эди.

УН БИРИНЧИ БОБ

Неча кун уйма-уй юриб, одамларнинг аччиқ-қурумини эшитиб, қош-қовоғига қараб, шошилич жой тайёрлагани ҳам бир бўлди-ю, одамлар келмагани ҳам. Бир неча кун бурун икки эшелон келибди, деб эшитди Абдуҳафиз. Уларни нариги даҳадаги маҳаллаларга жойлашибди. Уруш нондан тортиб, дондун, ширинликкача аллақачон жон бошига қадоқлаб тақсимлаб қўйган. Карточка билан берилади. Ишламайдиган одамларга карточка тарқатиш буткул маҳалланинг бўйнида. Шундан ортиб одамларга вақтида зарур справкаларни ҳам ёзиб беролмайдиган секретарь жувон алламаҳалгача идорада қолиб кетади, Абдуҳафизнинг раҳми келди Кароматга. Оғир оёқли бўлмаганида ҳам бир нави эди, бироқ начора. Битта Абдуҳафизнинг қўли қайси бирига етсин. Активларнинг кўпи фронтга жўнаб бўлди, Ориф ота самоварини бутунлай йиғиб олмаган бўлса ҳам, унга қарашиб туради. Кўпинча чойхўрлар биқирлаб турган самовардан ўзлари дамлаб, чойнак-пиёлани ўзлари йиғиштириб кетишарди. Бу ёқда қиличини яланғочлаб қиш кириб

келди. Эркаги йўқ хонадонларнинг шикаст-ректаларини ҳашар қилиб, ямалган бўлди-ю, лекин кўпларига қўл тегмади. Утин-кўмир танқис бўлиб қолди. Бунинг устига кеча Абдуҳафиз ижрокомдан иссиқ кийим тўплаш зарурлигини эшитиб келди. Пахталик борми, қулоқчинми, қўлқопми, жун пайпоқми, пўстинми — устга олишга ярайдиган иссиқ нарса борки, йиғса бўлаверади. Ҳаммаси фронтга керак, ака-ука, ота-бола, ўғилларимизга керак. Бу ўзи бўладиган иш эмас. Одамлар вазиятни тушунишарди-ю, аммо тушуниб етмаганлари ҳам бор, уларга ётиги билан тушунтириш керак. Буларга-ку, уқтириб бўлар-а, ҳай-ҳай уруш туфайли кўзи оч бўлиб қолганлари ё бўлмаса билиб туриб, сенга ақл ўргатадиганлари қийнайди. Ана шулар билан Абдуҳафизнинг ўзи — шахсан ўзи гаплашмаса, ётиги билан тушунтирмаса бўлмайди. Яқиндан бери бунақа ишларда Иқбол сатанг жонига ора кириб қолган. Виноидек агитатор, йўқни йўндирадиган ташкилотчи чиқиб қолди. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам тўртта ёшнинг ишини қиларди. Кеча демайди, кундуз демайди, югуриб-елгани елган. Абдуҳафиз туриб-туриб бу аёлнинг бетинимлигига ҳайрон қоларди. Иқбол сатангнинг дастурхончи эканини, маҳалладаги тўй-ҳашамларнинг бош-қоши бўлиб юрганини (яширишнинг нима ҳожати бор, чақимчилиги ҳам йўқ эмасди) яхши биларди-ю, бунақанги ишларга аралашганини, бунчалик удабуронлигини билмас эди. Кеча ижрокомдан кела солиб, Иқбол сатангни чақиртирди.

— Кампир,— дея ётиги билан гап бошлади Абдуҳафиз,— маҳалланинг кўпни кўрган қарияси, оқсоқол аяссисиз...

— Шошма, шошма,— деди бетоқат бўлиб шартта гапини бўларкан Иқбол сатанг,— бир-икки шундай дединг индамадим, олдингда одамлар бор эди, хижолат бўлма дедим. Авваламбор, ҳали жудаям сан ўйлаганчалик қариб, мункиллаб қолганимча йўқ, иккиламчиса, оқсоқоллик ўша Орифбойга ярашади.

— Ахир сиз ҳам...

— Йўқ, йўқ, мен бесоқолман,— дея ёшларга ўхшаб, икки қўлини тиззасига уриб, хонани жаранглатиб хахолаб кулди, завқ билан кўзидан ёш чиққунча кулди. Аввалига унга тикилиб, ағрайиб қолган Абдуҳафиз, бир оздан кейин ўзи ҳам кулиб юборди.

— Зап жувон экан-да, деб куласан-да, а. Майли, кулги қувват бўлади, билдингми, яшартиради одамни... Бундан буён, кампир дема, Иқбол опа деб чақиравер, тасаддуқ, кўнгил-да, кўнгил,— яна хандон ташлаб кулди,— бу кўнгил сира қаримайди. Опа десанг оёғимни қўлимга олиб югуравераман. Ахир аёлларнинг кўнглини кўтаришни билгин-да, ука. Қанча ёш десанг, шунча очилаверади.

Абдуҳафизга Иқбол сатангнинг қувноқлиги, очиқлиги ҳам жуда ёқиб қолганди. Ҳозир ҳам, мана шу бир неча дақиқанинг ўзида чарчоқлари босилиб, диққина-фаслиги ёзилгандай бўлди. У нима қилиш кераклигини бир чеккадан айта бошлаганди, Иқбол сатанг дарров тушуниб гапини бўлди.

— Уқдим, тасаддуқ, уқдим.

— Эҳтиётлик билан, ётиғи билан гапиринг. Одамларнинг кўнгли ярим. Тағин қош қўяман деб...

— Ҳай, ҳай, ким деб ўйлайсан мани. Кўпнинг ичида юрибман, тушунтиргандаям эритиб юборадиган қилиб тушунтираман, тасаддуқ, ҳали қараб тур, қоп-қоп қилиб ўзлари мана шу идорангга олиб келиб беришади мани айтди дерсан. Иннайкейин-чи, ука, одамларнинг ўзлариям жуда яхши тушуниб қолишган. Урушни даф қилишга нимакинки нарсаси бўлса, аямайди, оғзидагини бериб, устидагини ечишга тайёр. Ҳа, энди, битта-яримта қитмир, нокаслар ҳам чиқиб қолади. Унақаларни менга қўйиб беравер, куя тушмайдиган жойидан топиб оламан.

Мана, Иқбол сатангнинг айтгани келди, қўйди. Абдуҳафиз ишидан чиқиб, тўғри идорага кирган эди, тўртта қопда иссиқ буюмлар турибди. Хурсанд бўлиб, биттасини ағдариб кўрувди, ичида почапўстиндан тортиб, қўй теридан тикилган нимчагача, чақмоқ телпақдан тортиб, пиймагача бор. Буларнинг кўпидан димоғни ёргудай куя дорининг ҳиди анқиб турарди. Идорани ҳам куя дори ҳиди тутиб кетди. Абдуҳафиз совуқ бўлишига қарамай деразанинг бир тавақасини очиб юбориб, буюмларни қопга сола бошлаган эди, эшиқдан ҳовлиқиб Каромат кириб келди. Унинг ранги ўчган, нафаси оғзига тиқилиб, ҳарсилларди, Абдуҳафиз уни кўриб, бирон кори ҳол рўй берганини фаҳмлаб, стулга ўтқазди.

— Тинчликми?

— Почталъон қизни танирмидингиз? Қандолатбининг қизи-чи?

— Ҳа, ҳа, нима бўлибди?

— Кечадан бери йўқ эмиш. Ишдан энди келиб турувдим, чақиртиришди. Онаси ўзидан кетиб ётибди.

— Врач чақирдингларми?

— «Тез ёрдам»га хабар қилдик. Келиб қолар. Нима қиламиз-а, Абдуҳафиз ака?

— Милицияга хабар бериб қўйиш керак,— деди Абдуҳафиз ўй суриб.— Кеча дедингми?

— Ҳа, эрталаб барвақт ишга чиқиб кетганича қайтиб келмабди.

— Почтага ҳам бормабдими?

— Эрталаб бориб, газета, хатларини олиб чиқиб кетган экан. Қай вақтда қайтганини билишмайди. Сумкаси турганмиш. Бўшмиш,—Каромат шундай деди-ю, худди Абдуҳафиз Салтанатни ҳозир топиб берадигандай, илтижо билан унга тикилди.

— Ўзини яхши танирмидинг, Каромат?— сўради синчковлаб Абдуҳафиз.

— Ҳа, қайинсинглим билан бирга ўқишарди. Уйимизга тез-тез келиб турарди. Бундан бир ҳафта илгари куёвингиздан келган хатни кечқурун олиб келувди. Ақлли, оғиргина қиз.

— Топилиб қолар,— деди Абдуҳафиз Кароматни юпатишга уриниб,— бирон қариндоши, танишиникидир. Ҳозирча ваҳима қилмай тур-чи.

Абдуҳафиз сочилиб ётган буюмларга қўл узатган эди, Каромат ўзи йиғиштира бошлади. Абдуҳафиз қўлтиқтаёғини олди, «мен ҳозир келаман», дея ташқарига чиқди-ю, ёнида бир болага тугун кўтартириб, ўзи бир пахталикни қўлтиғига қисиб келаётган Иқбол сатанга тўқнаш келди.

— Ҳорманг, кампир?

— Саломат бўлинг, чол!— Иқбол сатангнинг энса-си қотди. Кўнглидан «роса одамига танбур чертган эканману», деган хаёл ўтди. Буни дарров пайқатган Абдуҳафиз:

— Опа, сиз бору, биз бор-да, қаранг, анча-мунча тўплаб қўйибсиз-а.

— Айтмадимми,—сал ёришди Иқбол сатанг,—ма, мана буниям идорага олиб кириб қўй,— деди қўлида-

гини болага бериб,— ҳо, баракалла, ҳали қурт бераман ўзим.

— Опа, бу ҳалиги почтальон...

— Ҳа, йўқ эмиш,— унинг гапини бўлди Иқбол сатанг,— бола деган ўлгур мана шунақа куйдирмаса-да. Топилмаса Қандолат ўлиб бўлади энди.

— Нима бўлиши мумкин?

— Ким билади дейсан. Бебош бўлгандан кейин, ҳар бало чиқади ёшлардан.

— Нега бебош бўлади.

— Уйда эркак йўқ-да. Остона ҳатлаб кўчага чиқмайдиган онаси нима қила оларди.

— Эркаксиз уй кам дейсизми. Бундан чиқди ҳамма ёшлар бебош бўлиб кетгани керак экан-да.

— Ҳа, энди, сирасини айтдим-да, ука.

— Йўқ. Сиз билан биз бефарқ қарамаслигимиз керак. Шуларга ҳам биз жавоб берамиз. Фронтда жанг қилаётган отаси, ё акаси эшитса нима бўлади?

Иқбол сатанг ёнидаги болани жўнатиб, ўқиган хатини Абдуҳафизга оқизмай-томизмай айтиб бермоқчи бўлиб шайланувди, «биз жавобгармиз», деганидан кейин ўзини гапдан тийди. Ҳеч нарса билмаган бўлиб тураверди. Аммо бу осон бўлмади, юраги тўлиб, ёрилай деди. Ўзини босиб туролганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Абдуҳафиз гапни бошқа томонга бургандан кейин, сал бўшашди.

— Ҳай, бир гап бўлар. Бу ёғи нима бўляпти.

— Анави Тожихон бор-ку,— дея кўпириб гапира бошлади Иқбол сатанг,— тақачининг қўшнисичи, бирам юмматалаб берса бўладими. Мен-ку майли-я, Ориф отанг билан бирга борган эдик, қани энди эркак одамнинг андишасини қилса. Қочвордилар оқсоқол.

— Қаттиқ-қурум гапирмадингизми?

— Шунисига чидолмайман-да, ука, юрт иши бўлмаганида-ку, ўзим билардим-а.

— Ҳой, ҳой опа.

— Қўрқма, эсимни ебманми, бўйингга тасаддуқ, биламан,— дея қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Зинҳор-базинҳор мажбур қила кўрманг. Тушунтиринг, устасиз-ку бунақанги гапларга.

Иқбол сатанг талтайиб кетди.

— Тўплаганларимни кўрдингми?

— Кўрдим, опа,— Афдуҳафиз энди, унинг кўнгли-

га қараб, ҳар гапда она деб такрорлаб турарди,— энди сиз Қандолатбибидан хабар олинг, менам кечқурун бир кириб чиқаман,— деди-да, уйга кетди. Иқбол сатанг Қандолатбибиникига қараб йўл олди.

УН ИККИНЧИ БЎБ

Маҳкам ака нари-вери нонуштанга қилди-да, отлан-моғчи бўлган хотинини тўхтатди.

Ҳали замон Исмоилжон келиб қолади. Сан кечаги ҳалқаларни пардозлаб тур. Борини бериб юборавер. Ман бориб кўрай-чи.

— Майли. Тура қолинг бўлмаса, вақт кетмасин,— деди Меҳриниса пиялаларни йиға туриб.

Ҳаво совуқ. Қуёш нури тиниқ осмонни чарақлатиб, дов-дарахтлар учида, баланд иморатларнинг деразаларида жилоланаётган бўлса ҳам тафти эшак ўлдиргудек. Тош ётқизилмаган кўчалардаги дей қатқалоқ бўлиб ётибди, от-арава, машина изларида қолган ҳалқобларнинг юзини муз пардаси қоплаган. Оёқ теккан ер ойна сингандек чирсиллаб кетарди. Маҳкам ака катта кўчадан бораркан, қалинроқ кийинмаганига ачинди, совуқ шабада қулоқларини ялаб кетарди. Бир-икки кафти билан ишқалаб кўрди, бўлмади. Охири қўша белбоғидан бирини олиб, қулоқлари аралаш чамбарак қилиб борлади, сал жонига сра киргандай бўлди. Шу зайлда тайин қилинган жойга, шаҳарнинг нариги чеккасига Тахтапулга етиб борди. Суриштириб, айтилган болалар уйини топди. Дарвеза олдида бир нафас тўхтаб қолди. Ҳаяжон босди. Кириб нима деб гап бошлашини ўйлаб, чаккасига тангиган рўмонни ечиб турганида дарвезанинг бир тавақаси очилиб, чакмонга ўралиб олган чол чиқиб қолди. Маҳкам ака салом берди. Чол бепарвогина алик олиб, ўзидан ўзи нолиб кетди:

— Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур дегани ҳақ гап экан-а. Азонда кетишган-а...

Маҳкам ака чолнинг нима деяётганига тушунолма-нос кетди, индамай тураверди. Чол бетоқат бўлиб кўчаннинг икки томонига қараб олди-да, яна гапиви давом эттирди.

— Завхозга айтдим-а, ҳой, буларга ишонма ўзинг бир дедим-а...

— Қаёққа, ота? — оҳиста сўради Маҳкам ака.

— Айттинг, айттинг олиб келсин. Аравани шалди-ратиб, икки қўлини бурунларига тикиб келишса-я...

— Нимага кетишувди? — яна сўради Маҳкам ака.

— ... Ҳозир тўполон кўтаришади, миямни қоқиб қўлимга беришади бу шумтакалар, эплаб бўлармиди уларни.

Маҳкам ака гапига жавоб олиш у ёқда турсин қайрилиб ҳам қарамаётган чолнинг нимага хуноб бўлаётганига тушунолмасди. Бир кўнгли эшикни очиб, ичкарига кираверай деди-ю, ижозатсиз ботинолмади.

— Кирсам бўладими? — деб сўровди, чол унга қараб, тикилиб турди-да:

— Аксига совуқни забтита олаётганини қаранг, бай-бай-бай, қиш ҳам барвақтроқ тушди-а?

Шу топда ичкаридан ҳовлиқиб бир бола чиқиб қолди. Чиқа солиб чолнинг елкасига қўл узатувди, у энгашиб қулогини тутди.

— Печкага қоғоз ёқишди, ҳамма ёқ тутун бўлиб кетди, — бақириб шундай деди-да, чопқиллаганича ҳовлига югурди.

— Айтмадимми, — деди фигони чиқиб чол Маҳкам акага ва кенг чакмонини ҳалпиллатиб ичкарига кириб кетди.

Чолнинг қулоғи оғирлигини энди фаҳмлаган Маҳкам ака унинг кетидан ҳовлига кириб борди. Тўғридаги хоналарнинг деразаларидан болалар кўринар, шовқинлари эшитиларди. Чол кириб кетган хонанинг деразаси очиб юборилгач, бурқиб тутун чиқа бошлади, ичкаридан чолнинг бақиргани эшитилиб турарди.

Маҳкам ака нима қиларини билмай гангиб қолди. «Шунча болага шу битта чол қарайди шекилли?» дея кўнглидан ўтказди-ю, аланглаб, ўнг томондаги «Директор» деб ёзиб қўйилган эшикка кўзи тушди. Бориб очди, ичкарига кирди, ҳеч кимни кўрмади. Катта хонада ҳам, эшиги ланг очик, ёнма-ён столлар қўйилган кичик хонада ҳам ҳеч ким йўқ. Орқасига қайтиб ҳовлига чиққан эди, ўзи томон ҳовлиқиб келаётган чолни кўрди. У ҳовлининг ўртасидан қўлини пахса қилиб ўнқирарди.

— Ҳой, қанақа одамсиз ўзингиз. Бейжозат кира-верасизми. Қани орқангизга қайтинг,— дея дўқ билан қўлидан ушлаб, ташқарига судради.

Маҳкам ака уввало тушунтиришга уринса ҳам, чол эшитмасди. Тутун бурқсиётган хонадан чопиб чиққан болалар ҳам уни ўраб олиб, чуғурлашиб кетишди.

— Нимага келдингиз?

— Нега идоранинг эшигини очасиз?

— Шпионми ўзи?

— Текшириш керак.

Калака бўлиб қолган Маҳкам ака ноилож кўчага чиқди. Чол болаларни уришиб, ичкарига киритиб юборди. Шундагина Маҳкам ака чолнинг қулоғига оғзини қилиб нимага келганини тушунтирди.

— Эй, бундай демайсизми боятдан бери,— деди сал ўзига келиб чол, — тарбиячилар ҳаммаси вокзалга кетган. Болалар келармиш. Бундан аввал келганларини ҳув Самарқанд дарвозадаги детдомга жойлашган. Уша ерга боринг.

Маҳкам аканинг тарвузи қўлтигидан тушди. Чол билан хайрлашишни ҳам унутиб изига қайтди. Трамвай йўлига чиққунча тушида кўргандек бўлиб ўтган воқеаларни кўз олдига келтирди. Шу аҳволга тушганидан кулгиси қистарди. «Болалари тушмагур, ўғрига, йўғ-э, шпионга чиқариб қўйишига сал қолди-я. Талаб юбориши ҳам ҳеч гапмасди. Ёқишга ўтин-кўмир йўқ. Чолнинг жиғибийрон бўлаётгани ҳам шундан. Болалар дирғизлаб юрибди. Яна бунинг устига болалар олиб келишармиш. Қаёққа? Шу ерга олиб келишадими? Бундан чиқди бугун ҳам эшелон келарканда. Ҳар куни келаверса... Қаёққа сиғади?» Шуларни ўйлаб бораркан, назарида бутун шаҳарни етим болалар босиб кетгандай, урушга кетганларнинг ўрнини болалар эгаллаб, қани, бизга қаранглар-чи, деб тургандай туюлди.

Маҳкам ака Чорсуга етиб келганида чошгоҳга яқинлашиб қолган эди. Самарқанд дарвоза томон юриб, сўраб-сўраб, гаранг чол тушунтирган болалар уйини топди.

Саҳни кенг ҳовлининг ўртасидаги ойнавандли катта бино ичи одамларга тўла эди. Маҳкам ака қаторасига ёнма-ён тушган уйлар олдида турган бир-иккита

болага кўзи тушди-ю, улардан сўраб ҳам турмай тўғри ўша бино томонга юрди. Эшикни очиб, ичкарига кирди. Хонанинг тўридаги қизил алвон ёзилган стол ёнида кўкрак бурма кўйлак устидан кийиб олган калта пахталигининг тугмалари ечиқ, шол рўмолини елкасига ташлаган ёшгина жувон ҳаяжонланиб гапириб турарди:

— ... Ҳалқимизнинг бағри кенг, ҳиммати зўр. Болалар келгандан буён телефон орқали ҳам, ўзлари келиб ҳам илтимос қилаётганлар кўп. Ҳаммалари бағримизга оламиз, оталик қиламиз, онаси бўламиз дейишяпти. Мана, ўзларингиз...

Маҳкам ака одамларни ёриб, олдинроққа ўтишга ботинолмади. Пойгакда туриб қолди. Жувоннинг гапларини тингларкан, залга кўз югуртди. Чап томондаги узун-узун, ёнма-ён қўйилган скамейкаларда сиқилишиб болалар ўтиришибди. Ранглари синиққан, устбошлари ҳар хил, йиртиқ, кўпларида катталарнинг кийимлари бўлганидан ҳалпиллаб турибди. Қўли, оёғи, ҳатто бошларига дока боғлаганлари бор. Уларнинг юзларида ётсираш, ҳаяжон сезилади, ҳали бу даҳшатнинг нималигига фаҳми етмаганлари бепарво кулиб туришибди. Девор тагида ерга ўтириб олган қизча йиғидан тўхтамайди, ёнига бориб, овутмоқчи бўлган тарбиячини силтаб ташлайди, сал тинчийди-да, кейин яна пиқиллаб йиғлай бошлайди, қизчанинг йиғиси, бошқаларнинг чуғур-чуғури жувоннинг гапини бўлиб-бўлиб қўярди, ноилож овозини баланд чиқариб гапирарди.

— ... Украин боласини бағримизга олсак, қавм-қариндошларимизга қучоқ очган бўламиз. Рус ўғлонини эркаласак, азиз дўстларимизга меҳр-садоқатимиз бўлади. Молдаван гўдагини вояга етказсак, ватандошимизнинг ярасига малҳам қўйган бўламиз...

— Ҳақ гап, синглим,— деди тўдадан бир чол.

— Тўғри, тўғри!— деган овозлар эшитилди.

Маҳкам ака катта залнинг ўнг томонида турган одамларга бир-бир қараб чиқди. Чоллар, жувонлар, кампирлар. Шу топда Исмоилжон эсига тушди. Балки у ҳам шу ердадир, дея кўнглидан ўтказди. Бир аёл олдинроқда турган тўрт ёшлар чамасидаги қизча ёнига тиз чўкиб ўтирди. Чўнтагидан гўлак туршак чиқариб унга узатган эди, қизнинг кўзлари жовдиради-ю,

олмай, ётсираб, бирпас аёлга тикилиб қолди. Аёл туршакни қизнинг кафтига солиб қўйгандан кейингина охишта өзига олиб борди. Нарироқда яна бир кампир чўнтағидан попуклик чиқариб, чап қўли биитланиб, бўйнига осиб қўйилган болага берди. Бола попукликни олди-ю, ўнг қўлини кампирнинг бўйнидан ўтқазиб, қучоқлади. Буларни кузатиб турган Маҳкам ака, қоқ-қуруқ келаверганидан койинди. «Нима қилса ҳам бола бола-да. Шу ёғини ўйламабман-да. Меҳрининг ҳам хаёлига келмаганини-чи...»

Шуларни ўйлаб турганида орқадан кимдир унинг тирсагидан ушлади. Угирилиб Иван Тимофеевични кўрди. Қўл узатиб кўришди-ю, ҳол-аҳвол сўрашолмади, хумори тутиб кетган Иван Тимофеевич муштутига тиқиб олган махоркасини кўрсатиб, ташқарига чиқиб кетди.

Жувон нутқини тамомлаши биланоқ, жингалак сочли, сап-сарик қизчани боятдан бери кўтариб турган аёл сўради:

— Ким ёзади? Кимга учрашамиз?

— Марҳамат, ҳужжатларни шу ерда расмийлаштирамиз,— деди директор.

Зални говур-говур босиб кетди. Ҳамма болалар олдига ёпирилди. Боятдан бери ёнларида гаплашиб ўтириб, анча эл бўлиб қолган болаларни эркак ёки хотин киши етаклаган ҳолда стол ёнига боришарди. Маҳкам ака аланглаб Иван Тимофеевични тополмади. Шу топда у ёнгинасида, тўладан келган, ўзига оро бериб кийинган бир жувоннинг эри билан баҳслашаётганини эшитиб қолди:

— Қелишган, чиройли бўлса-да, бола деган.

— Анавини ола қолайлик,— деди эри олти ёшлардаги ориқ бир болани кўрсатиб.

— Сизга нима бўлди ўзи, сап-сарик, нимчиликку... Яхшиси қиз бола, ё анави ўғил болани оламиз, кўхликкина экан.

Жувон шундай деб, эрига ҳам қарамай ўша боланинг ёнига борди. Унга қўлини узатувди, ёнма-ён турган, сепкилдор, кўримсизгина бола ўзига қўл узатган фаҳмлаб, умидворлик билан жувонга интилди, ёнидаги болага қўл узатилганини пайқаб, бир хил бўлиб жетди. Бошини эгиб, ерга қараб олди. Жувон тиз чўкиб, болани гапга солди.

— Отинг нима?

— Серёжа,— деди бола.

— Кирилгингни қара,— жувон тирноқлари бўялган опшоқ бармоқлари билан боланинг қошигача тушиб турган пилоткасини олиб, сочларини текислаган бўлди,— майли, майли, қаранг,— деди тепасига келган эрига,— кўзлари бирам чиройли эканки, ола-мизми?

— Майли,— деди эри ўзига тикилган болага қараб.

— Ҳой, нега бўшашасиз, дурустроқ гапирсангизчи. Тагин уйга борганда ўзингиз танлагансиз деб менга тўнкаб ўтирманг.

— Майли дедим-ку. Тагин нима дей. Олаверинг.

Аёл дик этиб ўрнидан турди. Қўлидаги пилоткани ерга отди. Кўзларини чақчайтириб, емоқда, ичмоқда бўлиб эрига ўқрайди:

— Ҳой, нега димоғ қиласиз. Шу ерда, тумонат ўртасида ҳам юзимга солмоқчимисиз. Менга қолса шундай бўлсин дебманми,— деди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди. Икки қўли билан юзларини бекитиб олди. Ён-веридагилардан андиша қилган эри, уни тирсагидан ушлаб юпата бошлаган эди, хотин бошини эрининг кўкрагига қўйди. Боятдан бери унинг гапларини эшитиб турган, қилиқларини кўриб гижинаётган Маҳкам ака нима бўлаётганига тушунолмаб қолди. Бола пилоткасини ердан олиб, қўлида ушлаганича эр-хотинга тикилиб турарди. Аёлнинг йиғисини эшитиб қолган тарбиячи аёл улар ёнига келди.

— Тинчликми? Нима бўлди?— сўради у эркакка қараб.

— Йўқ. Ҳеч нарса,— бошқа гап айтолмади эркак. Хотини шартта бошини кўтариб, ёнига ўгирилди, тарбиячини кўриб, яна кўзимга ёш олди.

— Қайси тошбағир йиғламайди буларнинг ҳолига, опажон,— деди унинг елкасига қўлини қўйиб,— қаранг, гулдай-гулдай болалар..

— Начора. Уруш нималарни қилмаяпти,— тарбиячи уни юпатмоқчи бўлди,— бола олмоқчимидинглар?

— Ҳа, ҳа, мана буни. Отинг нимаёйди?

Бола ерга қараганича, бошини кўтармади ҳам, жавоб ҳам бермади.

— Ҳой, сендан сўраяпман,— жекириб гапирди аёл,— ҳозир айтувди-я.

Тарбиячи тиз чўкиб, болани қўлидан ушлаган ҳам эдики, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ўғлим, нега йиғлайсан, қара сени ўғил қиламан деб келишибди. Уйларига олиб боришадди. Яхшилаб ювинасан, кийинасан. Шунақами амакиси,— деди эр-хотинга ўгирилиб тарбиячи.

— Ҳа, ҳа,— деди эри чўчибгина аввал хотинига, кейин болага қараб.

— Отингни айта қол, дўндиғим,— ялинди юзларини силаб тарбиячи.

— Серёжа,— деди секин ўпкасини босолмай бола,ғижимлаб турган пилоткаси билан юзларидаги ёш томчиларини артаркан.

— Ҳа, Серёжа, айтувди-я, эсим қурсин, ёздираве-рамизми,— деб эрига қаради аёл.

— Ҳа, дедим-ку, ҳадеб сўрайверасизми?

Боятдан бери латтадай бўшашиб турган эрининг эркакларга хос қаттиқроқ гапирганини Маҳкам ака энди эшитиб туриши эди. Шундаям хотини бўш келмади.

— Секинроқ, мунча,— деди қошларини чимириб.— Қани, юр, Серёжа,— болага қўл узатди.

Маҳкам аканинг авзойи ўзгарган эди. Жувоннинг қилиқлари, гаплари унга оғир ботди. Ғазабини қўзғатиб юборди. Яхшиям тарбиячи аёл аралашди, бўл-маса бир нарса деб юборармиди. «Тавба, тагин тошбағирлардан нолийди. Узи қайси тошбағирдан кам?» Шуларни кўнглидан ўтказиб турганда кўзларида ёш милтиллаб, ўксиниб қолган сепкилдор бола ёнига бораётган оқсоқ бир кампирни кўрди. Кампир болага яқинлашди, унинг ёнида турган, украинча кўйлак кийган қизчага чўнтагидан хўрозқанд чиқариб берди-да, уни кўтариб олди. Сепкилдор бола кўз ёшларини эплолмай, бошини эгиб, икки қўли билан юзларини бекитди.

Маҳкам ака ортиқ чидолмади. Боланинг олдига борди. Чўнқайиб унинг қўлларини ушлади.

— Йиғлама, ўғлим,— деди раҳмдиллик билан белбоғини ечиб, боланинг кўз ёшларини артаркан.

— Йиғлаётганим йўқ,— деди бола йиғи аралаш.

— Баракалла. Ўғил бола деган йиғламаелиги керак. Отинг нима?

— Витя,— деди бола кўзларини жавдиратиб.

— Балли, Витя, жуда яхши бола экансану. Бизаникига борасанми?

Витя бир Маҳкам акага, бир у ёқ-бу ёғига қараб, нима дейишини билмай қолди.

— Юравер, ўғлим. Ёқса қоласан, ёқмаса, тағин ўзим олиб келиб қўяман.

Хомуш турган боланинг чеҳраси сал ёришди. Ишонқирамай Маҳкам акага тикилди, қўлидаги рўмолчанинг учини ўйнай бошлади.

— Хўпми?

— Майли,— деди секин бола.

Маҳкам ака Витяни етаклаб, стол томонга борганидагина Иван Тимофеевични учратди. У тўрт ёшлар чамасидаги, боши пешанаси аралаш бинтланган нимжонгина қизчани кўтариб турарди.

— Муборак бўлсин, Ваҳоб ака.

— Қуллуқ, қуллуқ. Мана, неварамни топиб олдим.

— Ростданми? Буни қаранг-а.

Иван Тимофеевич қизчага сездирмай кўзини қисди.

— Жуда яхши, жуда яхши,— Маҳкам ака қизчанинг қўлидан ушлаб эркалади.

— Қаранг, исмиям ўзига ярашган-а, Оля. Ўзларига муборак бўлсин,— деди жовдираб, кулиб турган болага қараб.

— Қуллуқ. Отингни айт, ўғлим.

— Витя.

— Ҳо, баракалла. Энди, Витя, даданг билан бизаникига боринглар. Олечка билан ўйнайсизлар. Хўпми?

— Хўп. Ўзингиз ҳам келинг бизаникига дегин, ўғлим.

Улар олдинма-кетин ҳужжатларини расмийлаштириб, кўчага чиқишди. Трамвай тўхтайдиган жойда хайрлашишди.

Иш билан бўлиб, вақт ўтганини ҳам сезмаган Меҳриниса ҳаяллаб қолган эрини ўйлаб, дўконхонадан чиққан эди ҳамки, эшикдан бола етаклаб кириб келган эрини кўрди. Кўриши ҳамсно юраги дукиллаб ура бошлади. Тўхтаб қолди. Ҳар гал кўчадан келганида

эрини «ҳорманг», дея кутиб оладиган одам индамай турарди.

— Санга ўғил олиб келдим, хотин,— деди Маҳкам ака ва Витяга «бориб кўриш» дегандай имо қилди.

— Здравствуйте,— деди Витя Меҳринисанинг олдига бориб.

— Издирасти, издирасти,— деди тиз чўкиб, боланинг иккала қўлини кафтида сиқаркан Меҳриниса,— вой-бўй. Муз-ку. Қани, юра қолинглар. Танчаям бо-зиллаб турибди. Қоринларинг ҳам очиб кетгандир!

— Уша эрталабки чой билан юрибман. Буям шудирда. Бутун шаҳарни кезиб чиқдим. Хотин, келган боляям кўп, оламан деган ундан ҳам кўп, ҳа, тавба.

Витя нотаниш тилда гаплашаётган эр-хотинга ағрайиб қолганди.

Меҳринисанинг қулоғига гап кирмас, кавшандозда боланинг ботинкасини ечиш билан овора эди. Катта, қўпол ботинканинг боғичи уланавериб, тугун-тугун бўлиб кетибди. Меҳринисанинг сабри чидамади, қайчини олиб, қирқиб-қирқиб ташлади. Бир-икки қийқимни қўлига олган Витя ҳайрон бўлиб Меҳринисага қаради.

— Энди боғлаб бўлмайди-ку буни?

— Янгисини боғлайсан, болам. Ботинканг ҳам катта шекилли?

— Катта бўлсаям бутун-ку. Ҳамманикидан бутуни ўзимники.

— Бошқаларники йиртиқмиди? — Меҳриниса унинг кўнглига қараб гапига қулоқ солишга уринарди-ю, дилдан, «шўрликлар, кўникиб қолишган шунгаям», деган фикр кечарди.

— Серёжаники поездда жудаям йиртилиб кетди. Таги кўчиб тушди. Мен сим билан боғлаб бердим.

— Ажаб қилибсан. Одам деган шунақа ўртоғига қарайди-да.

— Ўртоқ эмасди у менга. Кичкиналар отрядида эди-ку. Барибир қилиб берганларим бекор кетди.

— Нега?

— Серёжа бомба тагида қолди-ку.

— А? Ўлдими?

— Битта умики, бутун вагон ёниб кетди. Ботинка-сиям қолмагандир.

— Бир вагон дедингми?

— Ҳа. Бомба визиллаб тўғри ўша вагонга тушди. Бу ерга ҳеч бомба тушгани йўқми?

— Бу ер узоқ. Бомба ташлайдиганлар бу ерга кела олмайди. Қўрқма.

— Вой, ҳали биттаям бомба тушмаганми?

— Қўй, болам, худо кўрсатмасин.

— Бомбанинг тушиши жудаям қизиқ бўлади. Визиллагани-чи, одамнинг ичидаям билиниб туради, бошдан бошланиб, қорингача тушиб, оёғингизгача эшитилади. Жуда галати. Иннайкейин, гум этиб...

Сандал ёнида ёстиққа суяниб, уйнинг эшигидан Витянинг гапларини эшитиб ўтирган Маҳкам ака кўз олдида уруш даҳшатларини чиллак ўйинидек завқланиб гапираётган боламас, фронтдан қайтган жангчи тургандек бўлди. Витянинг оёғига ўралган қават-қават пайтава, қотиб кетган жун пайпоқни ечаётган Меҳринисанинг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

— Оёқларинг караш бўлиб кетибди. Майли, бирпас сандалга бориб исиниб ўтиргин, салдан кейин чўмилиртириб, оппоқ қилиб қўяман.

Витя уйга кирди. Маҳкам ака сандал кўрпасини кўтариб ёнидан жой кўрсатди. Витя ўтирди-ю, оёғини қаёққа узатишини билмай қийналди. Маҳкам ака кулиб, курсининг шотисини кўрсатди:

— Оёғингни узатиб, мана шунинг устига қўйсанг ҳамма ёғинг исийди.

Витя оёғини узатар-узатмай, жонҳолатда тортиб олди.

— Оёғим куйди-ку.

— Куймайди, ўғлим. Олови пастда. Қани, бу ёққа кела қол,— деди-да, Маҳкам ака уни тиззасига олиб ўтирди.

Меҳриниса ошхонада овқат ва сув иситиш билан овора экан, кўча эшикдан аёл кишининг овози эшитилди.

— Меҳриниса, ҳой Меҳриниса.

— Лаббай,— дея ҳовлига чиқди-ю, Тожиқонни кўриб, бир хил бўлиб кетди. Юз амри ширин дегандек, ўзини босиб, нохуш сўрашди.

— Ярим пиёла мош топиладими? Қўлим бўшаб, бозорга боролмай қолдим.

— Бор,— деди Меҳриниса ва унинг қўлидаги пиёлани олиб, ошхонага кириб кетди.

— Ҳой, Меҳриниса, уйда ўтирган почаммилар? — сўради Тожихон мош солинган пиёлани ола туриб.

— Ҳа. Кириг, уйга кириг.

— Йўқ, чиқай. Тиззаларидаги ким?

— Меҳмон, — деди кулиб Меҳриниса.

— Қанақа меҳмон? Билмай қопман-да, а. Қачон туға қолдингиз? — Ярим кулги, ярим ачитиб гапирди Тожихон.

— Бугун. Шуқанасиз-да, билмай қоласиз.

— Э, ҳа, ҳалиги келгиндиларданми? Тарбияга олдик денг, етимча денг?

— Ким билади дейсиз. Ҳали яхшилаб суриштириб кўрганимизча йўқ. Ажабмас, бирон кишиси топилиб қолса.

— Етимча бўлмаса, биров ўз боласини бағридан қўярмиди, айланай. Тагин билмадим-ку, етим етимлигини қилади-да, Меҳриниса, едиринг, ичиринг, барибир ўзингизникидай бўлмайди-да, айланай.

Меҳриниса қўшининг гапларини ғижиниб эшитарди, қаттиқроқ гапириб, узиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, эрининг юз-хотирини қилди. Тожихон айвон лабига бориб, қўлини пешанасига соявон қилиб ичкарига қаради.

— Витя, — деди Меҳриниса даҳлизга чиқиб, — опонг чиқибдилар сани кўргани, салом бергин.

— Қўйинг, нега энди опоқи бўларканман, ўрисга-я.

Маҳкам аканинг тиззасида иссиқ элтиб, мудраган Витя, кўзини очиб ҳовлидаги аёлга қаради-ю, индамай, ўшшайиб тураверди.

— Салом бермадинг-ку, — деди Меҳриниса унга, ammo кўнглидан: «Садқан салом кет-эй», деган фикр ўтди.

Витя ўшшайганича қовоғини осилтириб тураверди.

— Ана, айтмадимми, айланай, ўз тилида гапирсангиз ҳам индамайди-я, ҳали унга одоб ўргатаман деб она сутингиз оғзингиздан келади.

Маҳкам аканинг энсаси қотиб, уларнинг гапини бўлди:

— Ҳой, овқатинг бўлай дедими?

— Ҳо-озир, дадаси.

— Дадаси дедингизми? — кулиб юборди Тожихон, — елмай-югурмай... ҳа, буюрсин.

Ана энди Меҳриниса ҳам ўзини тутиб туролмади. «Ишқилиб бу киши эшитмаган бўлсинлар-да» дея уйга бир қараб олди-да, кўча эшикка яқинлашиб қолган Тожихонга афтини буриштириб:

— Сасимасангиз туролмайсиз-а, кўзим учиб тургани йўқ эди-ку, қаёқдан билиб чиқа қолдингиз? — деди-да, бурилиб ошхонага кириб кетди.

— Вой, нима дедим, буюрсин дедим-ку. Тилим ўлсин, тўғри гапни айтади-да, балого қўяди. Тавба... — деганича ўзича жавраб чиқиб кетди Тожихон.

Маҳкам ака Витянинг бошига ёстиқ қўйиб, айвонга чиқди.

— Ухладими? — сўради ошхонада туриб Меҳриниса.

— Кўзи кетди. Бирпас ором олсин. Яқинлашай дедими, нима овқат?

— Бир луқма ош қилувдим. Дамладим.

— Яхши қилибсан. Буям ёвғонсираб кетгандир.

— Насибаси-да. Пойқадами яхши келди.

— Ризқи билан келгани рост бўлсин. Кетдими? Мунча гаплари совуқ-а. Тавба, эшитмаган эканман-да.

— Парво қилманг. Бўлган-тургани шу. Бети бўлса кирармиди. Ушандан буён юз кўрмас эдик. Мош баҳона қилиб кириб келди. Кўкрагидан итараманми.

Шу пайт эшикдан олдинма-кетин қўшни хотинлар кириб келишди.

— Муборак бўлсин, Меҳриниса, — деди овозини дўриллатиб дуркунгина аёл.

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Етаклаб келаётганларини кўриб қолдим, чиқиб келавердим, — деди иккинчи аёл, — яхши қилибсиз, почча, оти нима экан?

— Витя, — деди Маҳкам ака, — танчада бирпас ўтириб, кўзи кетди. Уйғота қол, Меҳри.

— Йўқ, йўқ, қўйинг, ухлайверсин, мана шу ердан кўрсак ҳам бўлади, — аёллар кавшандозга чиқишди.

— Бечоралар, не-не азобларни кўришганикин.

— Урушга қирон келсин шу норасидаларни сарсон-саргардон қилмай.

— Кўрган-кечиргани шу бўлсин бола бечоранинг. Ҳали бу ҳовлида яйраб кетади.

— Айтганингиз келсин, — деди Меҳриниса қўли кўксига, — ичкарига киринглар, овқатим ҳам тайёр-а.

— Кириш бўлса қочмас. Ҳали бу билан қутулмай-сиз, Меҳриниса опа, — деди улардан бири.

— Жоним билан, жоним билан.

Меҳринисанинг дили хираллиги ёзилиб, чеҳраси ёришди, аёллари эшиккача кузатиб қўйди. Қўшнилари ўзаро гаплашиб кўчага чиқишди-ю, нариги эшик ёнида турган Тожихонга дуч келишди.

— Яқши қилибди дейсизлару, айланайлар, етим нон берармиди.

— Вой, нега унақа дейсиз. Ажабмас.

— Жиянига анча ўрганиб қолган эди Меҳриниса. Яқши қилишибди. Овунчоқ бўлади.

— Ҳадемай дастёр бўлиб ёнига киради.

— Бўлсин, бўлсин, ўлмасак кўрармиз, — деганича эшигига кириб кетди Тожихон.

Меҳриниса хурсанд эди. У курси устига дастурхон ёзиб, гирдим барқашни қўяркан, кўнглини тоғдек кўтариб юборган қўшнилари кўз олдидан кеткизолмай, енгил пишиллаб уклаётган болага тикилиб қолди.

— Уйқуси бузилади-да, — деди уйга кириб келган эрига.

— Тайёрлайвер, ўзим уйғотаман.

Меҳриниса икки челака сув чапиштириб, уйга олиб кирди. Кир тоғорага сув солиб, танчанинг бир томонини очиб қўйди-да, билакларини шимариб, этагини липпасига қистириб, Витяни бир зумда чўмилтириб олди. Маҳкам ака сув қуйиб турди. Руқи енгил тортиб кетган Витянинг оғзи қулоғида эди. Болага нима кийгизишни билмай шошиб қолган Меҳриниса, «бола олишни ўйлабмизу, кийим-кечак олиб қўйишни ўйлабмиз-да», дея тилини титлаб қолди. Тиззасига тушиб турсаям енгини шимариб, эрининг кўйлагини кийгазиб қўйди. «Ҳали сандиқни титкилаб кўрайчи, — хаёлидан ўтказди Меҳриниса, — зора яроқли нарса чиқиб қолса!»

Вита қинтир-қинтир куларди. Меҳриниса тоғорани кўтариб, чиқиб кетди.

Меҳриниса ошни сузаркан, фикри ёди болада эди. Назарида бутун маҳалла ҳозир унинг болалик бўлгани гапириб, яна тўда-тўда қўшнилари муборак бўлсинга кириб келаётгандай бўларди.

— Ана, ошроқ, бўлдинг. Энди, овқат еймиз, — деди Маҳкам ака хотинининг қўлидан лагани оларкан.

Улар сандал атрофига ўтиришди. Маҳкам ама гўштни тўғраб, биринчи бўлиб ўзи лаганга қўл узатди.

— Қани Витя, ол, буни палос дейдилар.

Витя лаганга қўл чўзиб, беш панжасини ошга ботирди-ю, бармоқлари куйиб шартга тортиб олди. Кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Ийе, ийе, иссиқ эканми? Ҳа, аслида ўзига косага солиб берсак бўларкан.

Меҳриниса токчадан коса олди-да, ошдан солиб берди. Витя косани олдига қўйиб, қўли билан емоқчи бўлувди, олган оши панжалари орасидан кўрпага тўкилди. Маҳкам ака кулиб юборди. Гуноҳқорона чўчиб эр-хотинга қараган Витяни юпатди.

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим,— деди кўрпадаги ошни сидириб оларкан,— ўрганмагансан-да, ўрганиб кетасан. Қани, қошиқ бер-чи, онаси.

Витя заранг қошиқ билан тўкиб-сочиб оша ея бошлади. Эр-хотинга тақлид қилиб турпдан олиб кўрди. Оғзига ёқиб қолди шекилли, карсиллатиб ея башлади.

— Бу нима?

— Турп, ўғлим, сира емаганмидинг?

— Аччиқ бўлгандан емасдим. Бу жуд[†] ширин-ку.

— Ширин-да.

— Шириниям бўладими?

— Ҳа, мана, еб турибсан-ку.

— Мен ҳечам ширинини емагандим. Ошим соп бўлди. Ҳаммаларингдан олдин еб бўлдим. Биринчидан.

— Тагин ейсанми?

— Ҳа, ейман. Тўйганим йўқ. Яна солиб берасизми?— Маҳкам ака кулди.

— Шунча ош турибди-ку. Ҳаммаси санга-да. Тўйгунингча еяверсан.

Меҳриниса косага ошдан соларкан, эрига кўз қирини ташлаб «кўп еса бўлмас», дегандай, бир-инки қошиқни ёйиброқ ташлади. Витя алжон-жалжон еб, косани бўшатди. Яна эр-хотинга қараб тураверди. Улар ўзларини тутолмай кулиб юберишди. Уларга қўшилиб бола ҳам хахолаб кулди.

— Тагин солиб берсангиз, тагин еявераман.

— Кел, еяверсин. Кўзи тўймагунча бўлмайди. Чойни кўпроқ ичир.

Шу пайт ташқаридан эркак кишининг чақирган

овози келди. Сал ўтмай «уста, ҳо уста», деган товуш ҳовли юзидан эшитилди. Маҳкам ака қўлини артиб, айвонга чиқди. Участка милиционери Ортиқвой экан.

— Муборак бўлсин, уста, уйингиз тўлиб қолибди.

— Ҳа, худо муборак қилган бўлсин, қани, Ортиқвой, бу ёққа.

— Йўқ. Шошиб турибман,— у қўлида турп чайнаб айвонга чиққан Витяга кўзи тушди,— ийе, шу азаматми?

— Ҳа, салом бермайсанми, амакингга.

— Здравствуйте,— деди Витя чўчиброқ ва шартта орқасига ўтирилиб уйга кирди-да, Меҳринисадан сўради:— Милиционер нимага келди?

— Бу ўзимизнинг Ортиқвой, санинг келганингга келибди-да. Ма, оғзингни артгин.

— Менга келганми, қаёққа олиб кетади?

— Олиб кетмайди. Сани кўргани келибди. Боя ухлаб қолганингдаям анча хотинлар келиб кетишди.

— Нимага?

— Улар ҳам кўргани келишган-да. Ҳали тагин келишади.

— Мени кўриб нима қилишади?

— Ахир сан меҳмонсан. Узоқ юртдан, уруш бўлаётган жойдан келгансан.

Витя ўйланиб қолди: яна бир нимага оғзини жуфтлаган эди, Меҳринисани Маҳкам ака чақириб қолди. Витя шу ўтирганича нашъаси пасайиб, уйни кўздан кечира бошлади. Тахмон ўртасидаги рамкага қўйилган расмга кўзи тушди. Ўрнидан туриб яқинроқ бориб кўрмоқчи бўлиб турганида ҳовлиқиб, авзойи ўзгариб Меҳриниса кирди, киртокчадан тахлоғлиқ қорғозни олиб очди, унга тез кўз югуртирди-да айвонга чиқиб кетди. Меҳринисанинг ҳаракатларига разм солган Витя яна хавотирланиб, эшикдан ташқарига қаради. Эр-хотин анча қолиб кетишди. Витя ҳозир мени чақиринишди-ю, милиционер олиб кетади, деб ўйлаб ўтирарди. Ошга ҳали ҳам кўзи тўймаган экан, беихтиёр лаганга қўлини узатди, Маҳкам акага ўхшатиб, панжаларини қовуштириб, ош олди-да, кўрпага тўкиб юборди, бармоқлари учда қолган гуруч доналарини гина оғзига солди. Кейин эшик томонга бир-икки чўчиб қараб қўйди, тўкилган ошни битталаб тера бошлади.

Эр-хотин хуноб бўлиб кириб келишди. Бола ни-ма қилаётгани билан ишлари ҳам бўлмади. Витя кўрпадаги гуручларни оғзига соларкан, алланима деган эди, эр-хотин эшитишмади ҳам.

Авзойи ўзгарган Маҳкам ака жойига ўтира туриб хотинига ўқрайиб қаради.

— Ўз қўли билан берган бўлса, Ортиқвой қаёқдан эшитганийкин?

Меҳриниса индамади. Ош устида чақчақлашиб ўтиришгани бирпасда қум-қуютликка айланди. Витя нималигига тушунолмай дам Маҳкам акага, дам Меҳринисага қарарди, бир-икки гапирган гапи жавобсиз қолганидан ўзи ҳақида бирон-бир гап бўлаётганидан шубҳаланиб, чўчиб ўтирарди. Кўзини ошдан олмасди. Охири тоқати чидамади. Қошиқни олиб, Меҳринисага, кейин Маҳкам акага қаради.

— Есам майлими? — секин, бошини шикаста эгиб сўради.

— Еявер, ол, еявер, — деди Маҳкам ака лаганни олдироғига суриб, — кўчадан келганингда хат қаерда экан?

— Эшикнинг таккинасида ётибди. Тирқишидан ташлагандир-да.

Меҳриниса эри олдида хатни Иқбол сатангга кўрсатганини яшираётганидан эзиларди, гаплари қовушмасди. Айтиб юборса, эри тўполон кўтариши турган гап. У, дастурхонни йиғмоқчи бўлиб, ўрнидан турди.

— Бўлар, болам, кўп еб қўйсанг қорнинг оғрийди, — Меҳриниса қорнини силаб тушунтирди.

— Энди чой ичамиз, — деди хаёли бўлиниб Маҳкам ака.

— Мен сув ичаман.

— Йўқ. Иссиқ чой ичсанг, овқатларинг ҳазм бўлади. Қани, хўш, бизникида қоласанми?

— Неча кун?

— Ийе, бутунлай-да.

— Холам, сен меҳмонсан дедилар-ку. Меҳмон одам бутунлай қоладими?

— Ахир янги келган одамни шундай дейди-да. Санам бугунча меҳмонсан-да, ўғлим.

— Сира-сира кетмайманми?

— Нега кетаркансан. Ўғлим бўлдинг-ку, ахир.

— Бир нарса сўрасам майлими?

— Ҳа, сўрай қол.

— Сизни папа десам майлими? — киприклари пир-пираб, аллақандай шикастли овозда сўради у.

— А? — Маҳкам аканинг бадани жимирлаб кетди, Витяга, жавдираб жавоб кутаётган кўзларига тикилди, — майли. Ахир ман сани ўғил қилиб олдим-да. Ўзбекчада «дада» бўлади, папамас, дада, мама — ойна бўлади.

Витя дик этиб ўрнидан туриб, ўзини Маҳкам акага отди, бўйнидан қучоқлаб, юзларидан ўпа бошлади. Бир ўшиб «дада», бир ўлиб «папа» дерди, қўйиб юбормасди. Самовар кўтариб кирган Меҳриниса остонада қотиб қолганди, нима бўлаётганига тушунолмасди. Маҳкам ака кўзидан чиққан ёш доналарини сездирмай артиб олдида, Витяга кўз қири билан хотинини кўрсатди. Бола дарров тушунди. Маҳкам аканинг тизасидан тушиб, Меҳриниса ёнига борди.

— Мен фақат бугун меҳмонман. Эртадан бошлаб дадамнинг ўғиллариман. Ҳеч ҳайдамайдилар. Сиз ҳам ҳайдамайсизми?

— Нима деганинг бу?

— Ростингизни айтинг, ҳайдамайсизми?

— Йўқ-э.

— Сизни мама, йўқ, ойна десам майлими?

— Вой тилларингдан ўргилай, — Меҳриниса шундай деб болага икки қўлини узатган эди, Витя унинг бағрига отилди, пешаналаридан ўпа кетди. Меҳриниса аъзойи баданида Ботирни бағрига босгандаги сингари титроқ сизди. Витя қўлларини олувди ҳамки, Меҳриниса, овоз чиқариб, ҳўнграб йиғлаб юборди, Витя қўрқиб, яна унга ёпишган эди, Меҳриниса ўрнидан турдию, эрига кўзи тушиб, йиғи аралаш кулиб юборди.

— Қўрқма, ўғлим. Хурсандлигидан, йиғлади ойнанг, — деди Витяни юпатиб Маҳкам ака.

Меҳриниса ҳаяжонини зўрга босиб, хийладан кейин уйга кирди. Самовар ёнига ўтирди.

УН УЧИНЧИ ВОВ

Эрталаб ёзилган дастурхон кечгача йиғилмади. Эр-хотин нонуштани қилиб бўлмаслариданоқ кетмакет қўни-қўшнилари муборак бўлсинга кириб кела бошлашди. Маҳкам ака вақтини қизганиб, устахонасига

жириб кетганича чиқмади. Зўр бериб ишларди ю, барибир иши юришмасди. Устахонанинг ҳовлига қараган бир кўзли даричасидан муборак бўлсинга келаётганлар, ҳайрданиб чиқиб кетаётганлар кўриниб турарди, қарамай бўладими. Бодга билан омбур сандон устида қоларди-да, ҳовлидан кўз ололмай тикилиб турарди. Ора-сира меҳмонларнинг қаққадалари, гаплари қулоққа чалинарди. Шундай ағрайиб турган пайтида ҳовлиқиб Меҳриниса кирди:

— Барака топкур, ишингизни қўя турунг, номим узилишиб қолди. Гузарга чиқиб келюнг. Бир-икки хил мева ҳам олинг, — деди-ю, меҳмонлар ёнига шошилди.

Маҳкам ака индамай коржомасини ечиб, кўчага чиқиб кетди.

Меҳриниса шошиб қолган, келаётганлар ортиқча босим ўтиришмас, бир-икки пиёла чойдан кейин фотиҳа қилиб, қўзғалишарди-ю, уларни кузатиб қайтиши биланоқ, кетма-кет яна бир топқирри кириб келарди. Маҳалладагилар товсилиши билан Қуйи гузардан, Кўнчиликдан, Юқори кўчадан кела бошлашди. Буларнинг кўпларини Меҳриниса танимасди. «Эшитдигу, моро бўсинга келавердик, айланай» дейишса, «Ажаб қилибсиз, илоҳи яхшилигингизга қайтарай», дея қўлини кўксига қўйганича бошини эгиб, минг бор миннатдор бўлиб, эшиккача кузатиб қўярди. Қаёқдандир хабар топиб, даладан эмизикли боласини кўтариб, овсини билан қайинсинглиси кириб келди. Ортиб-ортиб келибди. Меҳриниса уларни ўтқазиб, ўзи нариги уйга кирди, тугунни ечиб, оғзи очилиб қолди. Бир даста зоғора нон, қора, серкепак унда бўлса ҳам патир ёпибди. Устида бош-оёқ сарулогача бор. Патир ва зоғорадан бир нечасини олиб чиқиб, дастурхонга қўйди.

— Хуш келибсизлар. Бунча ўзингизни уринтирма-сангиз, Адолатқоя, уялтириб қўйдингиз-ку. Буни қаранг, хабар қилолмадик деб ўтирувдим эрталаб.

— Вей, кеча эшитдик. Қўшнимизнинг қизи Чақарга тушган. Эри тиш доктори. Улар ҳам кеча бола олишибди. Онаси кечгача ўша ерда бўлибди. Ушгалардан эшитдик.

— Таниркан-да, бундан чиқди.

— Қизи акамларни кўрибди-да. Танийди. Эрталаб, болаларни мактабига жўнатдигу, йўлга тушдик.

— Ажаб қилибсиз. Болалар омонми, ўзингиз тинчмисиз, Адҳамжондан хат борми? Сиз тинчмисиз, опа, поччам бақувват юрибдиларми?

— Шукур, шукур. Салом деб юбордилар.

— Муборак бўлсин энди, кеннойи.

— Ўзингизга муборак. Ҳа, худо муборак қилган бўлсин. Ҳой, салом бердингми, Витя?

— Ҳа, салом берди,— деди Адолат қўлидаги чақалоққа тикилиб турган Витянинг елкасига қоқиб,— акам қанилар, хурсандмилар?

— Хурсанд бўлмай-чи, айланай, ҳо-озир келиб қоладилар.

— Ботиржондан хат борми, кеннойи?

Патир ушатаётган Меҳриниса хат сўзини эшитиб, бир орзиқиб тушди. Зўрага ўзини тутиб олди.

— А?.. Ҳа, хат келди. Ҳаммага салом айтибди,— деди-ю, гапни дарров бошқа ёққа буришга уринди,— қани, дастурхонга қаранглар, қуруқ ичманг, опа, олинг. Буни қаранг, сизлар ўзимизникисизлару, жуда шошиб қолсам бўладими. Ношукурчилик бўлмасину, эрталабдан буён одам аримаса-я.

— Қутлуғ ишга одам келади-да, айланай,— деди Адолатнинг овсини.

— Ноним узилиб қолувди, акангизни югуртирдим. Келиб қоларлар. Қани, Витя, бу ёққа юр-чи,— Меҳриниса уни нариги уйга етаклади. Бошидаги дўппини олиб, саруподаги «Чамандагул» нусха дўппини кийгизган эди, лоппа-лойиқ келди.

— Ана, ойнага қарагин, қандай ярашди. Адолат амманг олиб келибди. «Раҳмат, амма» дегин, хўпми?

— Хорошо,— дея даҳлиз томон юрган эди, Меҳриниса уни тўхтатди.

— Қани, мана буни ҳам кийиб кўр-чи,— кастюмни кийгизиб кўрувди сал кенглиги, энги узунлиги демаса, лойиқ келди. Шими бир оз узунлик қилувди, почасини қайтариб қўйди. Витя ўзини ойнага солиб, хурсанд бўлиб кетди, гирр айланиб, ўйинга туша бошлади.

— Бўлди, бўлди, болам, бошинг айланади. Бор, аммангга кўрсат.

— Ойи, ўзимгами шулар?

— Кимга бўларди. Санга олиб келган-да. Ҳали даданг бунданам яхшисини олиб берадилар.

— Энди шуни киявераманми?

— Киймай нима қилардинг, бор,— деди-ю, даҳ-
лизга кирган эрига кўзи тушди.

— Папа, дада, қаранг.

— Вой-бўй, қаёқдан олдинг?— Маҳкам аканинг
кўзига бошқача бўлиб кўриниб кетди Витя.

— Амма олиб келди, амма.

Уйнинг эшиги очилиб, қўлида боласи билан Адо-
лат чиқди, салом бериб, акаси билан қучоқлашиб кў-
ришди.

— Муборак бўлсин, ака.

— Қуллуқ, қуллуқ, ўзинг тинчмисан, Адҳамжон-
дан хат борми?

— Келиб турибди. Салом дептилар.

Витя уйни бошига кўтариб, «Раҳмат, амма»ни
минг оҳангда такрорлаб, ўйинга тушарди, гапни гап-
га қовуштирмасди.

— Адол, бу дейман, ясантириб юборибсан-ку.

— Нима қилибман, ака. Куёвингиз бўлганларида
бунга кўнгиллари тўлармиди. Қўй етаклаб келарди-
лар. Ҳар қанча қилсак арзийди,— деди ўпкаси тўлиб
Адолат.

— Боши омон бўлсин. Келиб қолар, хафа бўл-
ма,— деди Маҳкам ака қўлидаги чақалоқнинг жаж-
жи бармоқларини ўйнаб,— қани, ҳой ўтиринглар, мен
ҳозир,— дея ташқарига чиқиб кетди.

Хотинлар ўтиришди. Адолат боласидан кўзини уз-
маётган Витянинг тиззасига чақалоқни ўтқазиб қўй-
ди. Хурсанд бўлган Витя ўзи билан ўзи сервор бўлди
қолди.

Меҳриниса чой қуяркан, вокзалга чиқишгани-ю,
Охунбобоев билан кўришишгани, кеча эри болалар
уйларини қидириб, шаҳар кезгани, кечга томон эшик-
дан Витяни етаклаб келганигача гапириб берди:

— Тағинам, одам боласини кийим яширар экан-
да. Ориқлабди денг, эти бориб устихонига ёпишибди.
Чўмилтириб бўлиб, мундоқ кийинтираман дейманки,
қани энди бунга лойиқ бирон нарса бўлса.

— Кеннойи-чи,— деди гапни бўлиб Адолат,— ме-
нам худди шуни кечаси билан ўйлаб чиқсам-а. Ту-
шимгаям кирса денг-а.

— Тўсатдан бўлган иш-да, қаёқдан билардин-
гиз,— гапга аралашди Адолатнинг овсини.

— ... Энди нима қиламан, дейман. Акангиз манга қарайдилар, ман у кишига. Дам куламиз, дам тумшайиб оламиз. У бўлса, акангизнинг кўйлагини кийиб олиб, ҳалпиллаб ер супуради, узун енгларини осилтириб, ўйинга тушади, унга сари қотади акангиз. Уни ётқизиб кўйдим-да, алламаҳалгача ўтириб, кўйлак тикдим. Тикиб ўтириб, лоп этиб Ботиржон эсимга тушиб қолди. Кийимлари бордир-ку, деб ўйлайман. Уйлайману, тагин, кел, ўзиники ўзига буюрсин, дейман. Сира кўнглим бўлмади. Уша дабадаба сандиғини шундоқ олиб келиб кўйганимча қўл урмаган эдим. Қандоқ кўйган бўлсам, шундоқ турувди. Очсам, лойиқ келадиган нарса топсам тузук, топмасам нима қиламан, дейман. Секин акангизга маслаҳат солдим. Улар ҳам куни бўйи сарсон бўлиб чарчаганларига қарамай, танчага тикилиб, ухламай ўтирибдилар. Бошқа вақтда бўлса донг қотадиган одам, болага маҳлиё бўлиб қолибдилар.

— Бегонамиди, зап гапларни гапирасан-да. Нега шуни боятдан бери айтмадинг. Бордир, ёшлигида кийганларини опанг бировга бермагандиров. Оч, сандиқни дедилар. Қаранг, опам раҳматлик, саранжом аёл эди-да. Ҳаммаси турибди. Чақалоқлигида кийганларидан тортиб, ҳозиргисигача ҳаммаси бўлак-бўлак қилиб тахлаб кўйилган экан. Тўйида ўралган ним пушти ранг мисқоли салласи дейсизми, акангиз қилган амиркон этикчаси дейсизми, ҳув сиз қилиб берган беқасам тўнча бору, ўшангача турибди денг.

— Вой, турган эканми?

— Ҳа, дўппидан десангиз бир дастаси, тагдўзисидан тортиб, мош ранг духобалигигача, кўзмунчоқлари билан. Олиб, ҳаммасини ёйиб ташладиму, опам тирилиб келди, кўйди... Дунё шу экан деб ўтириб йиғладим, овундим,— кўзига ёш олди Меҳриниса,— тагин йиғладим. Акангиз ҳам бир хил бўлиб кетдилар. Тагин ўтириб-ўтириб қувондим, шукур қилдим. Бир кўнглим уйғотиб, кийинтириб кўрай дедим. Акангиз кўнмадилар. Безовта қилма дедилар. Шундай қилиб, тонг отай деганда озгина мизғиб олдик.

— Кўнглингизни бузманг, Меҳриниса она, боланинг ризқли, насибали келгани бўлади бу. Минг қатла шукур қилинг.

— Рост, кечнойи. Нима, Ботиржон бегонамиди,

эсон-омон келиб, уйланиб, бола-чақали бўлса, янгиси топилади.

Меҳриниса қайнсинглисининг «уйланиб» деган сўздан яна хат, ўша воқеани эслади. Гапини йўқотиб қўйди.

— Қани, ҳой, эзмалигим ҳам ўлсин, олиб ўтиринглар, бир юрагимни бўшатай дедим-да, сизларга ёзилмасам кимга... Вой, вой, ҳой, болани...

Тиззасида чақалоқни ўйнатиб ўтирган Витянинг ранги қув ўчиб, кўзи юмилди, бола бир ёққа, ўзи беҳол орқасига гурс этиб йиқилиб тушди. Адолат шартта чақалоқни олди, чинқириб йиғлаётган болани кўксига босди, кўкрагини тутди. Овутолмади. Меҳриниса Витянинг муздек тер чиқиб кетган пешанасини силади, бошига ёстиқ қўйди, қўрққанидан гўлдирадди.

— Ҳой, Витя, кўзингни оч, сув беринг, сув.

Боласини овутолмаётган Адолат айвонга чиқиб акасини чақирди.

— Адолатхон, пиёзлари қаерда,— ошхона томонга шошилган овсинини тўхтатди Адолат,— мана буни олинг ўзим,— деди-да, чақалоқни овсинига тутқазиб ҳужрага чопди.

— Қани, пиёзни бер-чи,— деди Маҳкам ака ва пичоқ билан иккига бўлиб, Витяга ҳидлата бошлади.

Меҳриниса, дағ-дағ титрар, зўр бериб, «ҳой, болагинам, кўзингни оч, нима қилди» дея пешанаси, кўзларини силарди. Пиёз ҳидидаями, оғздан кўпик чиқа бошлади, сал ўтмай қайт қилиб юборди. Маҳкам ака жонҳолатда, боланинг бошини кўтарди.

— Яхши бўлди, қайт қилгани яхши бўлди. Кўзингни оч, болам. Сув беринглар.

Меҳриниса сув ичирмоқчи бўлувди, эри жекириб берди.

— Олдин юзини ювгин, сеп юзига, сеп!

Яна қайт қилди.

— Жомни тутинглар, жомни.

Маҳкам ака Витянинг бошини ушлаб тураркан, нам латта билан юзларини артарди. Бола оҳиста кўзларини очди. Бир неча дақиқа ич-ичига тушиб кетган кўзлари нурсизланиб қолганга ўхшар, ранги мисоли дока рўмол эди. Бирпас кўзини очиб турди-ю, тагин юмиб олди.

— Мехриниса, ҳо Мехриниса, қаёқдасиз, муборақ бўлсин энди, қоқиндиқ.

Уйдаги нохуш сокинликни ҳовлидан эшитилган баланд овоз бузди. Эр-хотин эшик томонга қайрилиб қарашмади ҳам. Бир қўлида латта, бир қўлида жом ушлаган Адолат нима қиларини билмай, алангларди. Овсини чақалоқни оҳиста, овоз чиқармай обболаб уй айланарди. Унга сари овоз авжигга чиқарди:

Рамазон айтиб келдим эшигингизга,
Қўчқордай ўғил берсин бешигизга.

Аёл ошхонага кириб чиқди шекилли, овози пасайиброқ эшитилди:

Кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат...

— Чиқ!— деди Маҳкам ака энсаси қотиб Адолатга.

Адолат айвонга чиқиб, Иқбол сатангга дуч келди.

— Ассалому алайкум, ҳола.

— Ваалайкум ассалом. Вой, бўйингга қоқиндиқ, ҳай, булар кўчиб кетишдими депман-а.

— Уйда эдик,— деди секингина Адолат,— қани, бу ёққа киринг.

— Кираман, қоқиндиқ, кираман. Шундай қутлуғ кунда кирмай қачон кираман,— деди у кавшандозда қийналиб калишини ечаркан.

Рамазон айтиб келдим...

— Вой, вой ўлмасам, нима гап,— оғзидаги оғзида қолиб, сўрашишни ҳам унутиб, тўрга чиққан Иқбол сатанг боланинг тепасига борди.

— Пиёз ҳидлаттингларми? Майли, тўхтатманг, ҳидлатаверинг. Сувни оғзига солинг. Қайт қилгани яхши бўлибди. Сапро келдими, сапро?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Иқбол сатанг боланинг тепасига ўтди.

— Қани, сиз туринг-чи,— деди Маҳкам акага Витянинг бошини унинг қўлидан олиб,— эркак одам бунақа нарсага кўпам аралашавермайди.

Маҳкам ака оғирлик қилди. Индамай ўрнидан турди.

— Кўздан, бу айланай, кўзикибди. Узим айтувдим-а. Бутун маҳаллада дув-дув гап. Ҳамманинг оғзидасиз, бой бўлгур. Нима дейсан, Маҳкамбой ўғил олибди. Етаклаб келаётганингизни кўришган, босган қадамингизни санашган. Кичкина одаммисиз? Пок, номозхон... Қасд қилганлар, кўра олмайдиганлар йўқ дейсизми? Кўз деган нарса тоғни тешади-я. О-о-о... нималар қилмайди.

Боятдан бери кўзига балодек кўринаётган Иқбол сатанг ҳозир боланинг дардига даво топадиган бирдан-бир шифокордек, Маҳкам акага бўлса бирдан-бир меҳрибондек кўриниб кетди. Маҳкам ака унинг оғзига қараб қолди.

— Нима қилайлик, оқсоқол? — деди Иқбол сатангга илтижо билан.

— Исириқ борми? Дарров хокандозга олов қилиб, тутатиб юборинглар. Аввал ўзингизни тутинг уста, сизам тутинг Меҳриниса. Кейин болага тутинглар.

Адолат самоварни кўтариб, исириқ солгани даҳлизга чиқди.

— Куйманг, Меҳриниса. Худо хоҳласа ҳеч нарса қилмайди. Бало-қазони ҳозир даф қиламиз. Битта товсққа кул солиб, тиканак туз билан бир кафт исириқнинг донидан олиб келинг. Яхшигина киннаям кирганга ўхшайди, ихланиб кетибди бола бечора.

Меҳриниса кулга чиқиб кетди.

— Энди, мулла Маҳкамбой, бир нарсага ўгириб қўймасангиз бўлмайди. Бир чеккаси ғайридин, ҳимм. Бунисини ўйламабсиз-да, ўқимишли одамсиз-ку. Оғир ботмасин деб боятдан бери айтмай турувдим.

— Ийе, оқсоқол, ахир бу норасида...

— Йўқ, йўқ, барибир, тагин аниқ билмайману, ҳар ҳолда бу ёғиниям ўйлаганингиз маъқул. Тагин юк тушиб юрмасин. Уйингиз, ўзингиз, мана қолаверса,— товсқда кул кўтариб Меҳриниса кириб қолди.— Меҳриниса, фаришталисизлар, худога шукур...

— Майли, майли, оқсоқол, ўгиринг.

— Яхши ишгаям садақа, ёмон ишгаям садақа дейдилар. Худо хоҳласа сиз савоб ишга бел боғлагансиз. Қани, биттанга беринг-чи.

Маҳкам ака чўнтагидан бир танга чиқариб узатди.

— Омин,— дея фотиҳага қўл очди Иқбол сатанг танга ушлаганича,— қани, нима атайсиз?

— Майли, нима лозим бўлса.

— Атанг. Астойдил, сиққидилдан атанг. Товуқми, жўжами, жонлиқ атайсизми, ё калла солиб юборасизми?

— Майли, калла солиб юборсин. Топсак жонлиқ ҳам сўяверамиз-да.

Иқбол сатанг ҳаммани ўзига ром қилиб олганди. Ҳаммалари қўлларини фотиҳага очиб, унга қараб турибарди.

— Атаганингизни худо даргоҳида қабул қилсин. Инс-жинслар даф этилиб, касби корингизга барака берсин, норасида ҳам ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетсин. Омин облоҳу акбар... Қани, кулни бериш-чи, рў-молчамам бериш.

Иқбол сатанг сопол товоқдаги кулга исиріқ уруғи, туз солди.

— Меҳриниса, анави дастурхондағи нондан бир бурдасиниям беришг, акир келиб-кетаётганларнинг кўзи йўқми, ҳасад қиладиганлар йўқ дейсизми?

Товоқни рўмолга ўраб бўлудди ҳамки, Витя оҳиста кўзларини очди. Меҳриниса тепасига энгашиб, юзларини силади.

— Овоқмисан. Нима қилди, болам?

Витя индамай, ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Маҳкам акага тикилиб қолди.

— Ҳа, нима қилди, — деди Маҳкам ака тепасига келиб, — қаеринг оғривотти, ўғлим?

— Ҳеч қаерим, — деди секин Витя.

— О, баракалла. Чой ичасанми? Қандли чой ичиб юборсин, яхши бўлади.

— Ичмайман, — деди зўрга Витя.

— Зўрлаб бўлсаям ичиринг, кеннойи, кўнглини босади, — деди Адолат ва ўзи шиёлага икки чақмоқ қанд солиб, чой қуйиб берди.

— Ма, бир ҳўнлаб ичгин. Тур, — бонини оҳиста кўтарди Меҳриниса, — ича қол. Ҳа, ана.

Витя бир-икки ҳўнлаб чой ичиб, қоли келмай ётди. Ёнидаги дўншисига кўзи тушиб, қўлига олди, Иқбол сатангга кўрсатди.

— Амма олиб келди, амма!

— Тилларингдан ўргилай, қўрқитиб юбердинг-ку, — деди сал кўнгли ёришиб Меҳриниса, — энди-чи.

бирпас қимирламай ётсанг, мана бу хеланг кинна еблиб қўядилар.

— Иннайкейин нима бўлади?

— Опоқ бўласан.

— Кўрдингларми? Нафасим ҳам чаканамас. Худо хоҳласа, дарди аригани шу, — деди гердайтиб Иқбол сатанг, «назрини дурустроқ бериш эсингиздан чиқмасин», деган шама билан кинна сола бошлади.

Адолат ҳовлида турган акаси ёнига чиқиб, шивирлади.

— Кинна кинна-ю, докторгайм кўрсатсак бўлармиди?

— Гапинг маъқул. Манам гангиб қолдим, хаёлимгайм келмабди.

— Хўп десангиз, ўзим бориб келаман.

— Борақол, Адол.

— Иқбол сатанг ранжимасмикин?

— Нима иши бор, ўзим юбордим дейман. Беравер, Адолат шошиб кийинди-ю, кўчага чиқиб кетди.

Иқбол сатанг исериқ тутуни билан тўлган уйни бошига кўтариб, овози берича бақириб, илтён-чилтёнларни чақириб, инс-жинсларни ҳайдаб, кинна соларди:

— Суқ кинна, мечкай кинна, кўз косасидан кирган бўлсанг чиқ, ғазна юрагидан кирган бўлсанг чиқ, бош миясидан кирган бўлсанг чиқ... Кинна деган кирмасму, кирган билан чиқмасму. Киннанинг оти Меҳрибон, эрининг оти Шукуржон, чақирвотти, чиқ! Мани қўлиммас, Биби Фотма ойимнинг қўллари, чиқ дейман!

Меҳриниса уйга кириб қолувди, дарров кўнглидагини айтиб, товоқни ўйната бошлади:

— Қўни-қўшниники бўлсанг чиқ, Тожижонники бўлсанг чиқ, ҳай чиқ, чиқ дейман, чиқмаганингга қўймайман...

Иқбол сатанг рўмолчани очиб, товоқдаги кулнинг чуқур тушганини Меҳринисага кўрсатди.

— Буни қаранг, унақа-бунақа кинна кирмаптией. — Катта очилган оғзига кафтининг тескарисини тугиб узун ҳомуза тертди, — ўзимам озмунча юк срттирмадим, қоқиндиқ, — у юзидаги кўмирларни териб, жомга ташлади.

— Барака топинг, қўлингиз енгил экан.

— Мама, ойи... — деди Витя қўлини чўзиб. Тутули уйда тепасида бегона хотин товоқни минг оҳангда

ўйнатиб, жавраётганидан чўчиган, нима қиларини билмай қўрқиб ётган бола, Меҳринисани кўриши билан жонланиб кетди.

— Опоқмисан? Мана, холанг сани тузатдилар.

— Дадам қанилар?

— Шу ерда, ўғлим.

— Ўтиринг.

— Хўп, мана шу ердан, дўмбоғим. Бола анча чўчибди-я, хола.

— Дард билан олишиш осон дейсизми. Ҳар кинна чиққанида бориб келади-да, қоқиндиқ. Шундай. Кўзингизга шунақа кўринаётпти-да, — дея яна овози борича бақириб, Тожихоннинг исмини, ўғлининг исмини, деворию томигача такрорлади, уларнинг киннасини ҳайдай бошлади.

Шу пайт эшикдан врач билан ҳамшира кириб келди. Иқбол сатанг бир чўчиб тушди-ю, сир бой бермади. Овозини пасайтирди. Врач энсаси қотиб, боланинг тепасига келди-да, Иқбол сатангга секингина: «Қани, ўрнингиздан туринг-чи» деди, ўзи Витянинг кўйлагини кўтариб, юрак уришини эшита бошлади. Уй пашша учса сезилгудай жимиб қолди.

— Эшикни очиб юборинглар! — деди врач эшитиб бўлиб, қорнига бармоқларини ботириб кўраркан.

— Нима евди?

— Кеча ош еганди. Нонуштада чой ичди. Ёнғоқтуршак... Ҳа, кўпроқ тутмайиздан еди. Оғзига ёқиб қолди-да.

Врач ҳеч нарса демай нуқул бир болага, бир Меҳринисага, бир унинг орқасида турган Маҳкам акага қарарди. Қарарди-ю, сўрамоқчи бўлган гапини айтолмасди. Кейин у ҳамширага бир нима деди-да, ўрнидан турди.

— Ҳеч нарса қилмайди. Икки-уч кунда тузалиб қолади, — деди очиқ чеҳра билан эр-хотинга қараб, — қани, кўтаринг-чи, амаки.

— Олиб кетасизларми? — шошиб сўради Меҳриниса.

— Ҳа.

— Шошманг, манам кийинай.

— Овора бўлманг. Ҳеч кимни қабул қилмаймиз. Бирга бориб келаман десангиз бошқа гап.

— Сан қолавер бўлмаса, — деди Маҳкам ака хотинига, — ўзим бориб келаман.

Эрига қулоқ солмай, шошилиб кийинаётган Меҳринисани хотинлар тўхтатишди. Зўрға олиб қолишди. Маҳкам ака болани кўтариб, кўчага чиқиши билан, Витя машинани кўрди-ю, дадасининг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди.

— Йўқ, бормайман, папа, дадажон, ўрмонга бормайман,— қўрқув аралаш йиғи билан гапирарди.

— Ўрмонгамас, ўғлим қўрқма ўзим ёнингдаман-ку.

— Бормайлик. Жон дада...— Машинадан юзини ўгириб, Маҳкам аканинг бўйнига бошини суқарди. Маҳкам ака ҳам кўнгли бир хил бўлиб кетди. Врачга қараган эди, «Овуниб қолади, қани чиқинг» деган ишорани қилди. Ўзи ҳамон синчковлаб эр-хотинга тикиларди. Маҳкам ака боланинг йиғисига қарамай машинага чиқди.

Хотинлар ичкарига киришаркан, Меҳриниса эшиги ёнида илжайиб турган Тожиҳонга кўзи тушди. «Айтганим келдими, ҳали бу бисмиллоси...» деб тургандай туюлди унга.

Иқбол сатанг энсаси қотибми, ё чиндан ҳам иши тигизми — унинг тили билан дилидагини ҳар ким ҳам дарров пайқаб ололмайди-ку ахир — ишқилиб, ҳовли юзидаёқ кетадиган бўлиб отланди.

— Ҳой, Меҳриниса, сал бўлмаса унутаё дебман, кечқурун чиқинг, ё куёв тўрани чиқаринг, нон карточкасини олиб келадилар. Хўп, хайр, яхши қолинглар.

Иқбол сатанг чиқиб кетди. Сал ўтмай муборақ бўлсинга яна аёллар кириб келишди.

УН ТўРТИНЧИ БОБ

Кеча, кечга томон Бешқайрағочга бориб, чалангар ошнасининг боғидан бир туп семиринка кўчатини олиб келган Маҳкам ака, милиция идорасидан юборилган чақирув қоғозини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Ошнасиникидаги суҳбат, тарбиясига бола олгани, атайин унга атаб кўчат ўтқазини нияти борлигини айтганида, ҳамкасабасининг хурсанд бўлгани, қўярдақўймай ичкарига олиб кириб, дастурхон ёзгани, чақчақлашиб, дилкашлик қилишгани, кела келгунча Ботирнинг нақш олмаси қаторига Витянинг семиринкасини ўтқазиб, болани хурсанд қилажаги, боладан аввал ўзининг кўнглидаги ниятларидан бирига етишгани-

дан ичига сирмай, хурсанд бўлиб, ҳовлига кириб келса-ю, хотини қўлига шуни тузқурса... Руҳия-ҳелати бирдан ўзгариб, дили хуфтөн бўлиб кетди. Нима ваздан чақирётган экан? Ортиқвой билармикин? Абдуҳафиз-чи? Вилинса ҳай-ҳай, билинмаса-чи? Бирон хуфия иш бўлса тагин ўви ошкор қилиб қўймасин.

Бир қўлида кўчат, бир қўлида қоғов. Хаёл сурарди. Унга тикилиб турган Меҳриниса нуқул Иқбол сатангни ўйларди. Умрида эридан гап яширмаган хотин ичидан эзиларди. Борди-ю, шу боисдан бўлса, сир очилиб қолса эри нима дейди, қандай юзига қарайди? Қилди, қилди, Иқбол сатанг қилди. Лоақал оғзини маҳкамлаб, шипшитиб қўйиш эсига келмаганими-чи.

Маҳкам ака хийладан кейин патак илдизларигача лойга ўралган кўчатга бир қараб олди-да, ҳовли эагига борди. Икки барини белига қистириб, кетмонни қўлига олди.

Меҳриниса эрининг кўчат ўтқашишга алахсиганидан, гап очмаганидан кўнгли таскин топиб, оҳиста айвонга чиқди. Витянинг ёнига ўтирди.

— Яхши китоб эканми. Бу нима?

— Туя-ку. Ойи, сиз туяни кўрганмисиз?

— Ҳа.

— Ростакамини-я?

— Ростакамини кўрганман. Уйимизга келган.

— Вой, шу уйга-я? Сиққанми?

— Ҳа.

— Нега олиб қолмагансиз?

— Эгаси бермайди-да, болам.

— Тагин келадими?

— Даданг бозордан сомон олсалар, ўшани ортиб келади.

— Сомон? Қанақа сомон? Нима қиласиз сомонни?

— Лой қилишга, том сувашга керак бўлади.

— Тагин сомон олиб келсинлар, ойи. — Витя шундай деб, ўрнидан туриб кетди, ҳовлига тушиб, дадасининг олдига борди.

— Дада, сомон олиб келинг.

— Сомон? Сомонни нима қиласан?

— Лой қиламиз, том суваймиз. Мен ростакам туяни кўраман.

Маҳкам ака кулиб юборди, боланинг гаплари хаёлини қочирди.

— Сомонмас, ман сенга кўчат олиб келдим. Мана.
— Вой, Ботир акамникига ўхшаган-а?
— Ҳа. Катта бўлгунингча буям ўсади, олма қилиб беради.

— Яшасин, яшасин!— дея чирр айланаиб ўйинга тушиб, ойисининг олдига чоғди Витя.

Меҳринисанинг ичига чирроқ ёқса ёримасди. «Бола соғайиб бағримизга келди, деб эндигина тинчиганимизда бу нимасийди? Қиз ўлгур қилғиликни қилиб қўйиб, ҳаммани ташвишга солиб қўйди-ку. Йўғ-е, бошқа гап бордир. Ё артелларида бирон фалокат бўлган бўлса, ўшанга чақиришганмикин?...»

Эр-хотин гумонлар билан тонг ситтиришди. Уйқу уйқу бўлмади. Эрталаб нари-вери нонушта қилиб, Витянинг олдига ўйинчоқларни қўйиб, алдаб, кўринса туя, бўлмаса хўрозқанд олиб келишга ваъда бериб, чиқиб кетишди.

Милиция бўлимининг «қидирув ишлари» деб ёзиб қўйилган хонасида ёшига жувон ўзини лейтенант Собирова деб таништириб, эр-хотинни диванга ўтказди. Узи уларнинг тўғрисидаги стулга ўтириб, ҳол-аҳвол сўрай кетди. Худди эски танишлардек бола олтанлари билан, унинг соғайиб чиққани билан қутлади, келди-кеттиларни сўради. Ботирдан хат келаётгани борми, Маҳкам аканинг артелдаги ишिवими, Витянинг кўникиб қолганими — ҳаммасини сўраб чиқди. Сўроқ қилибмас, шунчаки яқин кишисининг ҳол-аҳволини билмоқчидай гапириб, иш тифизлигидан қўли тегиб «моро бўлсин»га боролмаганига узр ҳам сўради, фурсат топиб бирров кириб чиқиш вияти борлигини айтди.

Лейтенантнинг хушмуомалалигидан Маҳкам ака ҳам, Меҳриниса ҳам қаерга келганларини унута бошлаган эдилар. Кечаги ваҳима-ташвиш ҳам анча хаёлдан узоқлашган эди.

— Меҳриниса опа,— деди лейтенант ёқимтойлик билан,— сиз Салтанатни яхши билармидингиз?

Меҳриниса ғалати бўлиб кетди. Эрига қаради. Унинг ҳаяжонини сезиб турган жувон қўшиб қўйди:

— Қачондан буён танирдигиз деяпман-да, опа?

— Қандолатбибининг қизилигини билардим. Саломлашиб юрарди,— деди ўзини босиб олиб,— охирги кўрганим ўша хат бериб кетгани бўлди.

— Хатни тоштираётганда хафамиди ё хурсандмиди?

— Бунисига яхши разм солмаган эканман. Ҳа, ма-ни кўрди-ю, кулиб туриб, уялиб сўрашди. «Ҳозир олдингизга келаётган эдим», деди-ю, ердан бош кўтармади. Шошиб сумкасини титкилай бошлади.

— Сумкасини узоқ титкиладими?

— Йўқ, эсим қурсин. Янглишвотман оповси. Узоқ титкиламади. Қўлини тикди-ю, дарров олиб берди. Ҳа, шундай қилувди, энди эсимга тушди.

— Кейин-чи?

— Кейин ҳаял ўтмай шошиб, югуриб кетди.

— Ундан аввал қаерда учратган эдингиз?

— Қаердайди-я. Хаҳ, ҳа, вой,— эрига қаради,— ўша, Ботирни кузатаётганимизда кўрганмизда-а?

— Уйида, шундайми?

— Ҳа, ўша опам раҳматликникида.

— Ҳеч гаплашувдингизми ўшанда?

— Гаплашиш қаёқда. Бошини эгиб, олдимга келиб салом берганича кейин яқинлашгани йўқ.

— Сира ҳовлига чиқмадими?

— Чиқиб чой ташиб, овқат ташиб юрди.

— Хафамиди, хурсандмиди?

— Ўзи хурсандчилик сигармиди кўнгилга. Ўша Ботир ўтирган уйдаги гурунгни демасангиз, ҳовлида юрган аёллар ҳаммамиз мум тишлагандай эдик. Азалик ҳовлида-да, биласиз-ку, оповси, нима бўларди.

— Мабодо, кўз ёши қилиб, йиғлаб юрганини пайқамадингизми?

— Йўқ. Бўлсаям, кўрмагандирман.

— Уғлингиз Ботиржон билан,— лейтенант исмга урғу бериб, салмоқли гапирди,— бирга юришганини кўрганмидингиз?

— Йў-ўқ,— деди Меҳриниса,— кўриш тугул эшитган ҳам эмасдим.

— Опангиз ҳаётлигида сира гапирганмидилар?

— Уйлантириш орзулари борлигини кўп гапирардилару кимни мўлжаллаб юрганларини, у ер-бу ерга совчиликка борганларини айтмасдилар. Раҳматлик биттаю битта орзусига етолмай кетди.— Кўзига ёш олди Меҳриниса.

— Хафа бўлманг, опа. Борди-ю, Ботиржон Салтанатга уйланаман, деса сиз нима дердингиз?

— Вой, — деди Меҳриниса эрига қараб олиб, — нима дердим, қўлимиздан келганча...

— Тўй қилиб берардингиз, шундайми? — аввал Меҳринисага, кейин Маҳкам акага қаради.

— Бўлмасам-чи.

Маҳкам ака ҳам «шундай» дегандай бош ирғаб жавоб берди.

Милиционер чол чойнакда чой олиб келиб, лейтенант ёнига қўйди-да, индамай чиқиб кетди. Лейтенант чойни бир-икки қайтариб, пиёлаларга қуйди, Меҳринисага узата туриб:

— Гап билан толиқтириб қўйдим, опа, ишимиз шунақа, икир-чикиригача билиб олмасак бўлмайди. Айбга буюрмайсиз-да, — у Маҳкам акага чой узатди, — амаки, сиз қачон кўрган эдингиз қизни?

— Ман танимасдим. Вокзалга кузатгани чиққанимда бир тўда қизлар бор эди. Қайси бирилигини беллолмайман. Ўша хатда ёзганидан кейин билдим. Иккови ахир холи туриб гаплашишган экан, буниям пайқабман.

— Ўғлингиздан, — боягига ўхшаб салмоқли қилиб гапирди лейтенант, — яна хат келдимми?

— Ботиржонданми?

— Ҳа.

— Келди.

— Кўрсатолмайсизми?

— Жоним билан, — Маҳкам ака чўнтагидан хатни чиқариб узатди. Лейтенант ўқий бошлади. Нима учундир охирини овозини чиқариб ўқиди;

«...Саломат борсам, Салтанат келинингиз бўлади. Бир-биримизга кўнгил берганмиз. Ойим раҳматлик ҳам билардилар, маъқул кўрардилар. Жўнашим олди-дан бу гапни сизларга айтишга кўп уриндим, уялдим. Айтолмадим. Сизларга маслаҳат қилмаганим учун кечирасизлар деб ўйлайман. Ақлли, одобли қиз, ўйлайманки, ойижон, сизга ҳам, дадажон, сизга ҳам ёқар... Ўзинг ўт-олов ичидасану, қандай қилиб шу гаплар кўнглингга сиғади, деб ҳайрон бўлманглар. Урушнинг тиғи сенинг кўнгил қўйганинг бор экан деб, ажратиб ўтирмайди. Айтиб қўйишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билдим. Бебош ўғлингизнинг гуноҳидан ўтинглар. Бу гапни Салтанатнинг ўзига сездирмасизлар деб ишонаман. Бўлмаса, андиша қилиб, уйга хатни ҳам

олиб бормаи қўяди... Яқин кунларда фронтга кирсак керак. Кўзим тўрт бўлиб хатларингизни кутаман. Сизларни соғиниб қолувчи ўглингиз Ботир».

Лейтенант хатни ўқиркан, ҳар жумла охирида тўхтаб бир Маҳкам акага, бир Меҳринисага қараб оларди. Тугатганидан кейин хатни столга қўйиб, анчагача унга тикилиб қолди. Эр-хотин ҳам жим ўтиришарди.

— Бундан чиқди, борди-ю, Салтанатнинг гумонаси рост бўлса-ю, уйингизга кириб келса-да: «Мен келиннингиз бўламан» деса, бағрингизга олармидингиз?

Меҳриниса чўчиб тушди, шошилиб гапира бошлади:

— Вой, оповси, нималар девотсиз... Ҳе йўқ, бе йўқ... Эл-юрт олдида...

— Валдирама!— деди жаҳл билан хотинининг гагини бўлиб Маҳкам ака,— олардик, қизим, бағримизга олардик.

— Нега энди ўз уйи, онаси туриб, никоҳсиз, бўлак-сиз...

— Бўлди, дедим,— яна қаттиқроқ овоз чиқарди Маҳкам ака.— Санга никоҳ патта керакми, одамнинг қадри керакми? Мана, никоҳ патта.— Маҳкам ака лейтенантнинг олдида турган хатни олиб, хотинига олди, хат ерга тушди. Меҳриниса қўрқа-писа авайлаб хатни ердан оларкан, лейтенант унинг қўллари титраганини сизди. У эр-хотиннинг гапларига ҳам, ҳаракатларига ҳам сира халақит бермай куватиб турарди. Маҳкам аканинг сўнгги гапидан кейин зимдан, ўзига сездирмай унга узоқ тикилиб қолди. Олдида ҳовир кекса тақачимас, кекса файласуф ўтиргандай эди.

— Аввало шуни унутмайликки, ҳали бу тахмин, гумон гап. Сизларнинг, менинг ҳам, фарзандларингиз,— бу сўзни яна салмоқлаб айтди лейтенант,— Ботиржоннинг ҳам тахмини, гумони...

— Йўқ, қизим, янглишдингиз, ўғлимиснинг гумонидан кўра кўпроқ нияти, орауси бу!

Лейтенант ўзи ўйлагандек, «файласуф»нинг қалбига, олижаноб фикрлар яшириниб ётган казина ичига кириб бораётгандек бўларди. Фақат уни чўчитиб қўймаса, бирон номуя сўзи, ҳаракати билан казина эшигини ёпиб қўймаса бўлгани.

— Онаси Қандолатбиби билса нима қиларкми?— Олдин Меҳринисага, кейин қўлида носқовоқ-

ни ўйнаб чеколмай ўтирган Маҳкам акага қаради лейтенант.

— Қандолатми? Вой, айюҳаннос солиб, қўлига ко-
сов олиб ҳайдар, ҳароми орттириб келадиган...

— Учир овозингни! — титраб кетди Маҳкам ака.

Лейтенант ҳеч нарса билмагандай, мулоҳимлик билан Маҳкам акага:

— Амаки, бемалол чекаверинг, тортинманг, — деди.

— Онаси билмайдимми? — сўради чўчиброқ овозини пасайтириб Меҳриниса.

— Йўқ. Буни сизлару, мен, Иқбол онадан бўлаи ҳеч ким билмайди.

Лейтенант шу гапни айтганини билади. Бехосдан Маҳкам ака чап панжасининг терси билан хотинининг юзига шарақлатиб туширганини кўриб қолди. Ўрнидан туриб кетди, олдидаи ўтиб, эшикка чиқиб кетаётган Маҳкам акани кузатиб турди-да, эшини ёпилгандан кейингина, юзига кафтини босиб, бошини эгиб ўтирган Меҳринисанинг ёнига ўтди, елкасига қўлини қўйиб, юпатмоқчи бўлди.

— Хафа бўлманг, опа. Қаттиқ тегдимми?

— Йўқ, — деди қўлини юзидан олмай Меҳриниса, — яхши бўлди, қайтанга.

— Нима яхши бўлди?

— Урганлари, — деди Меҳриниса, кўз ёшларини рўмолининг учига арта туриб.

Бу ёш хўрлик ёшимас, калтак зарбидан чиққан кўз ёши эканлигини пайқаб турарди лейтенант ва шунисига ҳайрон эди.

— Шунақа одатлари борми?

— Сираям.

— Опа, мани синглингиз деб билинг-да, тортинмай гапираверинг. Эр-хотинчиликда бўлади, яхши тушунаман. Чўчимай айтаверинг. Мен у кишини жавобгар қилмоқчи эмасман...

— Нимани айтай?

— Шунақа жаҳллари чиққанида ўзларини тутолмайдиларми, дейман-да. Эркакларнинг ҳаммаси ҳам ну-ку опаюн, — эрининг калтакларидан куйган аёлга раҳми келаётгандек, Меҳринисанинг бошини силаб гапирди лейтенант.

— Оповси, ҳамма эркаклар қанақалигини билмайману бу киши унақамаслар. Ўттиз йил бўлди бир ёс-

тиққа бош қўйганимизга. Қўл кўтарганлари мана шу.

Лейтенант жудаям ишона қолмади. Устомонлик, қувлик қияпти деса, унақа аёлларга ўхшамасди. Шундай бўлса ҳам синаб кўрмоқчи бўлди.

— Қўйинг-э, отажон. Одамнинг ишонгиси келмайди.

— Тепамда худо турибди, оповси, унақа деманг.

— Қўйинг, қўйинг, хафа бўлманг, айтдим-ку, синглингизман деб, ҳазил қилдим-да... Бўлмаса, нимага урганлари яхши бўлди дейсиз?

— Ўша Йқбол сатанг. Хаҳ, қилди, қилди, ўша қилди. Ўша доғули оғзидан гулламаганда ман бу кишини алдаб, ёлгон гапирмаган бўлардим. Мана, жазосини тортдим. Ўзимга ўзим ортгириб олдим жазони. Тўғри қилдилар. Айтолмай юрардим, эзилардим. Очди бўлди. Жазомни олдим. Тоғдек юкдан қутулдим, юрагим бўшади.

Лейтенант «қув, устомон» деган фикрга борганидан ўзини койирди. Меҳриниса чиндан ҳам ёришиб, енгил тортиб ўтирарди.

— Кетиб қолдиларми, дейман?

— Қайдам.

Хиёл ўтмай Маҳкам ака кириб келди. Лейтенант чойнақдан чой қуйиб, унга узатди.

— Совуб ҳам қолгандир, шу ерда чекаверсангиз ҳам бўларди, амаки, — деди илтифот билан.

Маҳкам ака индамади.

— Қидиряпмиз, ҳамма ёққа хабар қилганмиз, — лейтенант қаламни ўйнаб, оҳиста гапира бошлади. — Шаҳардан чиқиб кетганлиги аниқ. Ўша куниёқ поездга тушиб жўнаган. Қайси томонга — бунисини билолмадик. Вокзалдан: «Ойижон, мени койиманг, етиб боришим билан ҳаммасини сизга батафсил ёзиб юборман. Хавотир олманг, жон ойи...» деб ёзилган бир парча қоғозни конвертга солиб, шошиб адресини ёзгану ташлаган. Ниҳоятда шошганлиги хатидан билиниб турибди. Топамиз! Аммо қиз тўғрисида бўлса, — синовчан назар билан эр-хотинга ер остидан қараб олди, — биронта одамдан нопок, қадам олиши бежо эди, деганга ўхшаган гапларни эшитганим йўқ.

— Йўқ, йўқ, худо сақласин, унақа бола эмасди, — деди шошиб Меҳриниса.

— Мен сизлар билан бир нарсани маслаҳатлашиб олмоқчийдим. Онаси оғир ётибди. Касалхонадан олиб келишган бўлса керак-а, опа?

— Ҳа. Бир ҳафта бўпти. Синглиси қараб турганмиш. Ўзим билан бўлиб, бориб кўролмадим.

— Фурсат топиб, бориб кўрсангиз ёмон бўлмасди, ахир...

— Бораман, албатта бораман, айланай.

— Қизининг ташвиши етмагандек, яна бир жудодлик тушди бошига.

— А? Нима?— шошиб сўради Маҳкам ака.

Меҳриниса лейтенантнинг оғзига қараб, ағрайиб қолди.

— Эри ҳалок бўлган.

— Вой шўрлик, вой бечора-ей, бунисини қандай кўтараркин энди-а?

— Ёмон бўлибди-ку. Фалокат якка юрмайди, кетидан эргаштириб келади дегани шу бўлса керак-да. Э, бечора Шаҳобиддин-эй,— дея юзига фотиҳа тортиди Маҳкам ака.

— Ҳали бу гапни Қандолатбиби билмайди. Сизларга айтдим, холос. Қорахат кеча келди. Почтага тайинлаб қўйганим яхши бўлган экан. Менга келтириб беришди. Нима қилишга миям қотган. Айтсак, яна оғирлашади, айтмаслик, ахир қачонгача яшириб юриш мумкин?

— Оғир савдо. Бир нима дейишга ҳам тил бормайди. Ҳарқалай дейман, қизим, бир оз сабр қилганингиз маъқулмикин. Зора бу топилиб қолса. Анча енгил кўтарармиди дейман.

— Рост, зора,— деди Меҳриниса.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Уғилларингизга хат ёздиларингми?

— Икки марта юбордик,— деди Маҳкам ака.

— Яхши. Бу ҳақда ёзганларингиз йўқдир.

— Йўғ-э. Бола бечоранинг кўнглини бузиб...

— Жуда тўғри. Фронтчиларимиз биздан қанчалик кўнгиллари тўқ бўлса, хизматларини шунчалик яхши бажаришади. Сиз-ку, ёзмай турасиз-а, аммо ўртоқлари ё бошқа бирон қариндоши хабар қилиб қолармикин дейман.

— Бу томони ҳам бор-а. Тўғри ўйлагансиз. Қандай қилиб бунинг олдини олиб бўларкин?

— Ҳйлаб кўрдим. Жуда қийин, амаки. Яна бу ёқда Салтанатнинг акаси бор. У ҳам эшитиб қолиши мумкин.

— Ҳа-я. Бу ёғиям бор. Жуда мушкул аҳволга қолинибди-ку, қизим.

— Мушкул. Жуда мушкул. Биз кўпроқ ўша фронтдагиларни ўйлашимиз керак. Ҳозирча икковиям бишишмайди. Уғлингиз Салтанатга бояги-боягидек хат ёзиб турибди.

— Ёзибдими?

— Ҳа, иккита хат ёзибди. Ёзгандаям шундай ёзганки, Тоҳир ҳам ўз Зухрасига бунақа ёзмагандир.

— Ёпирай-е, — ёқасини ушлади Маҳкам ака ва оғини гапга жуфтлаган эди, лейтенант қўймади.

— Йўқ, хатни беролмайман. Бировники, беришга ҳақим йўқ. Узим бўлсам иш важидан, ўқишга мажбурман.

— Айтганингиздай, кўнгил қўйгани чин экан-да, қизим.

— Асил муҳаббатлигига тирноқча ҳам шубҳа қилмайман. Тоза, мусаффо муҳаббат. Шунинг учун ҳам бу воқеадан хабардор бўлиб қолмаса деб қўрқаман. Узимга қолса, лоақал шунинг учун ҳам тезроқ топишимиз керак дейман, амакижон, — лейтенант қаттиқ хўрсиниб қўйди, — мен фақат ёзган хатидан хулоса чиқараётганим йўқ. Хатда нималарни ёзмайди ёшлар, деган фикр кўнглингизга келди, янглишмасам.

Маҳкам ака «шундай», дегандай сезилар-сезилмас бош қимирлатиб лейтенантнинг гапини тасдиқлади.

— ... Қизнинг ўртоқлари билан, ўғлингизнинг тенгқурлари билан гаплашдим. Салтанат ўғлингиз билан бирга фронтга жўнамоқчи ҳам бўлган экан.

— Ёпирай, ҳали шундай денг?

— Қиз бола нарса, нима қила оларди?

— Мен нима қилиб ўтирибман, опа? Зарур бўлса, эртага мен ҳам жўнайвераман.

— Ҳа энди, сизнинг йўригингиз бошқа.

— Менга ўхшаган, Салтанатга ўхшаганлар озмунча дейсизми, фронтда.

— Уям фронтга кетган, деб ўйлайсизми, қизим?

— Ким билади дейсиз. Уғлингизнинг сўзини қайтаролмай, ниятидан ҳайтиб, бормасликка, онаси ёнида бўлишга ваъда берган экан. Ботир кетганидан кейин

яна фикри ўзгарганми, дейман-да. Бу гапдан хабарларинг йўқмиди?

— Йўқ.

— Борди-ю, шундай бўлганда, ўзбошимчалик билан кетиб қолганида ҳам лоақал онасини азобга қўймай, деб ўйламасмиди?

— Уйларди. Кичкина боламас-ку.

— Нега бўлмаса хатида бирон тайин жойни кўрсатмаган ё бирон яқинига айтиб кетмаган. Ёки кейин хабар қилмайди?

Эр-хотин лейтенантга тикилганларича қолишди.

— Мушкул, жудаям мушкул иш. Ҳа, охири бахайр бўлсин. — Лейтенант ўзи ҳам чарчади шекилли, икки қўлини қовучлаб, пешанасига қўйди, кейин тўғри очилган фарқини бузмай кафтлари билан сочини тепасига бостириб силай бошлади. Бир неча бор такрорлади. Хаёл билан олдида одамлар борлигини, уларга пардоз қилаётган бўлиб кўринишини ҳам унутди. Маҳкам аканинг охирги сўзи унга: «Бўлар энди, анча ўтириб қолдик», дегандай эшитилганди. Оҳиста бошини кўтарди. Миннатдорчилик билан эр-хотинга мулойим бөқиб деди:

— Сизларни ҳам анча уринтириб қўйдим, вақтларингни олдим. Айбга қўшмайсизлар. Хизматимиз шунақа. Илтимос. Бу гаплар орамизда қолсин.

— Хотиржам бўлинг, қизим.

Эр-хотин ўринларидан туришди. Лейтенант уларни эшиккача кузатиб чиқди.

Кўчада эр ўз ўйи билан, хотин ўз ўйи билан боришарди. Салтанатнинг ташвиши, дадасининг ҳалок бўлгани ҳақидаги нохуш хабар Маҳкам аканинг бояги хотинига бўлган ғазабини босиб юборган эди-ю, кўчага чиқишлари билан яна эсига тушди. Қўли қандай қилиб хотинининг юзига тушиб қолганига ақли сира бовар қилмасди. Ҳақ, ноҳақлигига келганда, худо ўзи жазосини берди, ўзига ўзи тилаб олди, деб ўйларди. Фақат бир нарсага — хотинини мана шу ерда, милиция идорасида, бегона одам олдида ҳақоратлаганига юраги ачирди. Шу билан бирга, ҳеч нарсани билмай туриб, Салтанатнинг юзини қора қилмоқчи бўлганини ҳам сира-сира юрагига сиғдиролмасди.

Меҳриниса бўлса, шапатини ўша заҳотиёқ унутганди, ҳозир бу нарса эсига келаётгани йўқ. Эрининг га-

пирмай тўрсайиб бораётгани юрагини сиқарди. Эридан олдин гап бошлашга нафсонияти йўл қўймасди. Шу қийнарди. Аразлари қачонгача чўзиларкин?

Улар Хадрага келиб тўхтаб қолишди. Кўчанинг нариги бетига ўтиб бўлмасди. Нималигига тушунолмаган Маҳкам ака аланглаб муюлишдаги бино деворига, бир вақт ўзи ёпиштириб қўйган аёл суратига кўзи тушди. Аёл худди тирикдек чақалоғини бағрига босиб, қўлини бигиз қилиб, унга қараб турарди. Ёнида яна бир қатор шунга ўхшаш суратлар пайдо бўлибди. Маҳкам ака уларга ортиқча эътибор қилмади-ю, аёлга бирпас тикилиб турди, сув дўкони, ундаги қизни койиб берганини эслади.

Кетма-кет ҳуштак овози эшитилди. Чорраҳа ўртасидаги мўйловли милиционер таёқчасини кўтарганича машина, арава, трамвай, йўловчиларни тўхтатиб, кетма-кет келаётган автобус, араваларга йўл очиб турарди. Маҳкам акага ҳам, Меҳринисага ҳам таниш бу автобуслар, тўрт гилдиракли аравалар янги келтирилган болалар билан тўла эди. Кўча чеккасида тўхтаган одамлар борки, бари болалардан кўз узмай ағрайиб қолган, ғовур-ғувур босилганди. Маҳкам аканинг назарида ўша куни келган болалар ҳозиргача вокзалда яшаган эдилару, эндигина уларни жойлаштиришга олиб кетишгаётгандек эди. Шундай хаёл Меҳринисанинг ҳам кўнглидан ўтдими, йўқми, ҳарқалай у ҳаяжонли юзларини эрига ўгирган эди, қовоқлари солиниб хаёл суриб турган Маҳкам ака ҳам унга қаради. Сўзсиз бу тикилиш узоққа чўзилмади. Аравалардан биридаги боланинг чинқириб йиғлаётган овози эр-хотиннинг эътиборини тортди. Боятдан бери жим турган одамлар орасида ғовур-ғувур бошланди. Бирини бирига нотаниш, бегона одамлар бир нарса тўғрисида гаплашишарди, бир нарсанинг ташвишини қилишарди. Маҳкам аканинг қулоғига юлиниб-юлқиниб эшитиларди бу гаплар:

- Шўрликлар! Она сути оғзида қолиб...
- Буларда не гуноҳ бор эди, денг-а...
- Ярадорлариям бор-а, вой, вой, вой...
- Болаларнинг кўз ёшлари кўр қилгурлар, отганда, шуларнияам отган!
- Қаёққа олиб боришаркин?
- Ун мингта келибди. Шу ростми?

— Ун мингиз нимаси, ўгтиз мингмиш. Ўзим эшитдим.

Бу гапларни аввалига қизиқиброқ эшитиб турган Маҳкам ака, охири юраги сиқилиб кетди, машиналар ўтиб бўлиши ҳамона хотинига ҳам қарамай, кўча ўртасига тушди, жадал юриб, нариги бетига ўтиб олди.

Маҳкам ака уйга келиб, эшикни очди-ю, остона тагида йиғлаб ўтирган Витяни кўрди:

— Ийе, ийе, ана холос, кап-катта бола-я,— қўлига кўтариб, овута бошлади.— Бўлди, бўлди.

— Туя олиб келдингизми?

— Туя йўқ экан, ўғлим.

— Хўрозқанд-чи?

— Ие, ҳа, ҳозир опкелиб бераман-да.

— Алдаган экансиз-да, дада.

— Йўқ ўғлим. Қудоқ сол: боя учрашганимда товуқ ҳали хўроз туғмаган эди. Мана, ҳозир бориб кўрай-чи.

— Энди туққанмикин?

— Албатта туғади. Туғмаганига қўймаймиз-да, ўғлим. Қани бўл, Витя йиғлаб ўтирибди, дейман-да.

Ота-бола кулишди.

— Сан уйга кириб исиниб ўтиргин, ман дарров опкеламан.

Маҳкам ака гузар томонга бораркан, ўзидан ўзи кулгиси қистарди. У бир нарсанинг тагига етолмасди. Витя уйга келганидан буён боши ташвишдан чиқмай қолди. Ўзидаям, хотинидаям тиним йўқ. Касалининг ўзи-ку, олиб бориб, олиб келди. Бироқ ҳар галгисидаям шу болага юзма-юз келдими, бўлди, ҳаммаси унут бўлиб кетади қўяди. Чарчоғиям босилади, ғовлаган мияси тинади, хуфтөн бўлган дил ёришади, қолади. Бугунгиси жуда эзиб юборувди. Ичига чироқ ёқса ёритиб бўлмайдигандай кўринганди. Витяни қўлига олди-ю, энгил тортди қолди. «Тавба, худо ўзи шунақа қилиб яратган экан-да,— ўйларди ўзича,— бир йиғига бир кулги деб. Азза-базза хўрозқанд деб гузарга кетвотман-а. Алдагани бола яхши дейишарди, шу экан-да. Яхшиликка яхши-ю, илло, бир-икки мана шунақа алданса, эси кирганда ўзиям бошқаларни алдайдиган бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Ҳа, бунисига эҳтиёт бўлиш керак экан...» У гузардан хўрозқанд олиб, орқасига қайт-

ди. Ҳовлига кирганида, боланинг хархаша қилаётганини эшитди.

— Қачон келади аммам?

— Қўли тегса келади-да, болам.

— Чақалоқларини бизага берсалар нима қилади, ойи?

— Хали кичкина-да, болам.

— Ўзингиз чақалоқ туғиб беринг, ойи.

Маҳкам аканинг кулгиси қистади, лекин ўзини зўрға босиб қолди. Меҳриниса эрини пайқамаганга олиб, уйга кириб кетди.

— Мана, ўғлим, хўрозқанд.—Витянинг қўлига тутқазди-да, тўғри дўконхонага кириб кетди.

Коржомасини кийиб, даричадан ҳовлига қаради. Хотинини чақирмоқчи бўлди-ю, «ўзим эплолмайманми?» деган фикр оғиз очиртирмади. Кўрадаги кулни тортиб, хокандозга солди. Олиб чиқиб тўкиб келишга бўйин ёр бермади. Вир чеккага қўйиб, кўрага ўт ёқди. Дамни боса туриб, челакка кўзи тушди. Сувини янгилаш керак эди. Бунга ҳам қўл силтаб қўя қолди. Кўзини кўрадан олмай дам босаркан, кўз олдига Хадрадаги одамлар келди, уларнинг гаплари қулоқлари тагида такрорлана бошлади. Юз-қўлларининг шираси билан Витя кириб келди. Ўзидан ўзи жаврай кетди:

— Кўчага чиқсам, ҳеч зоғ йўқ. Анув Бахтиёрниям тополмадим... Дада, нимага индамайсиз?

— Нима дей, ўғлим, оғзингни артиб ол.

— Дада, ойимла билан пўм бўлдингизми?

— А? Ким айтди?— кулгисини босолмай зўрма-зўраки қовоғини солиб сўради Маҳкам ака.

— Ўзим биламан. Пўм-пўм-пўм,— дея қичқириб, ўйинга туша бошлади Витя.

— Бўлди дейман!— қаттиқроқ пўписа қилди,— бўлди, кўрага ташлаб юбораман.

— Пўм-пўм-пўм...

Маҳкам ака бирнима эсига тушиб, дамни тўхтатди.

— Манга қара, бор, ботинкаингни кийиб кел.

— Қаёққа бораман?

— Уйнатиб келаман сани.

— Вой, маза, туяга олиб борасизми?

— Ҳа, тез бўл!

Витя курсанд бўлганича «пўм-пўм-пўм...», дея бақириб, уйга чоғди. Унинг қилигидан дўконхонада қор-

жомасини ечаётган Маҳкам ака ҳам, уйда турган Меҳриниса ҳам қотиб-қотиб кулишарди.

Маҳкам ака ўзида йўқ хурсанд ўғлини етаклаб, дарвоза томон юраркан, Меҳриниса «Қаёққа?» деб сўрамади. Сўрарди-ю, сўролмади.

УН БЕШИНЧИ БОБ

Улар болалар уйига яқинлашиб қолишганда, дадасини қўлидан ушлаб бораётган Витя таққа тўхтади. Қўлини тортиб олди. Маҳкам ака ҳайрон бўлиб, унга қаради. Қовоқлари осилган, тўрсайиб турарди. Ҳозиргина жавраб келаётган болага ўхшамасди авзойи.

— Ҳа, нега тўхтадинг?

— Ўзингиз... — деди-ю йиғлаб юборди.

— Гапир. Эт-бетинг оғривоттими?

— Ўзингиз, ҳайдамайман демабмидингиз?

— Ким сени ҳайдади?

— Нега бу ерга олиб келасиз бўлмаса, — деди Витя болалар уйининг дарвозасини кўрсатиб.

Маҳкам ака гапнинг тагига энди етди. Кулиб юборишига сал қолди. Витянинг башарасидан уйдан умидини узган, кўчада қолиб, нима қиларини билмай шалпайиб тушганлиги шундоққина сезилиб турарди. Маҳкам аканинг раҳми келди.

— Манга қара, ўғлим, — тиз чўкиб Витянинг кўёшларини арта бошлади, — ўзинг шу ерга келган кунинг эсингдами? — Витя бош ирғаб жавоб берди, — ҳа, омон бўл. Бугун ҳам санга ўхшаган болалар келибди. Шулар орасида ўртоқларинг ҳам бўлса нима дейсан?

— Бахтиёрми?

— Йў-ўқ! Боғчадаги ўртоқларинг-чи, айтувдинг-ку отларини.

— Вова, Валяларми?

— Ҳа, ўшалар келган бўлса-чи.

— Келиб бўпти, — катталардек керилиб гапирди, — Вовани ойиси билан фашистлар олиб кетган.

— Бошқалари келгандир. Қани, юр-чи.

Витя ёқинқирамай дадаси кетидан эргашди.

Ҳаво очиқ. Қўёшнинг илиқ тафтидан, тунги ёмғирдан сўнг ҳовли юзи селгиб, енгил ҳовур кўтарилиб турарди. Яқиндагина келтирилган болалар ҳали хоналарга жойлашмаган. Катта опшона биноси ёнида тўда-

тўда бўлиб туришарди. Афтидан, ҳар бир бола ўз вагонидегилар тўдасида эди. Уларнинг шовқин-сурони, бир-бирини йиғлатган, қичқириб чақиритган овозлари ҳовлини бошига кўтариб, қулоқни қоматга келтирарди. Усти қалинроқ болалар иссиқдан буруқсиб кийимларини ечиб ерга ташлаган, эсликлари қўлларида ушлаб турарди. Ёқаси қолса ҳам беқасам дейилганидек, дуч келган нарсани илиб олишган, биронтасининг эғнидагини кийим қаторига қўшиб бўлмасди. Бир тўда бўйи тикроқ болалар ҳовлининг чап томонидаги аравалардан туширилаётган юк атрофида ўралашиб туришарди. Ҳар хил эски кийимлар, адёл, ёстиқлар уюми том баравар бўлиб кетганди.

Маҳкам акага ўхшаганлар болалар ёнига бориб, уларни гапга солишар, ёркалашар, турли нарсалар бериб, кўнглини кўтаришарди. Ҳамма ўзи билан ўзи овра. Дарвозадан бирин-кетин қари-қартанглар, бола кўтарган аёллар келиб туришибди.

Маҳкам ака Витянинг раъйига қараб, анчагача унинг ёнидан жилмай турди. Ўзига қўйиб берди. Қани, нима қиларкин, бошидан ўтганларини эслармикин?

— Ўртоқларинг, танишларинг кўринмайдими, ўғлим?

— Йўқ, — деди қовоғини солиб, гердайиб турган Витя, — бориб сўраб кўрайми? — деди кетидан.

— Майли, бора қол.

Витя дадасининг қўлини қўйиб, унга чўчиброқ бир қараб олди-да, болалар томон юриб кетди. Юргандаям шошмай, салмоқ билан, одимини санаб ташларди. Маҳкам ака орқасидан тикилиб қолди. Қани, нима қиларкин?

— Ассалому алайкум, — деди ёшгина, хушбичим кийинган жувон Маҳкам ака ёнига келиб, — келинг амаки, хизмат.

Маҳкам ака жувонга ўгирилди, алиқ олди. Ўтган сафар бу аёлни кўрмаганди. Танимади.

— Бизам, биронтасини бағримизга олсакмикин, деб келувдик, — деди Маҳкам ака.

— Жуда яхши ўйлабсиз, ота. Кеннойимлар ҳам шу ердадилар?

— Иши чиқиб қолди. Ўзим келавердим.

— Ўғил болами ё қизча олмоқчимисиз?

— Барибир.

— Ёшроқ бўлсинми ё эсликроғими?

— Барибир, қизим.

— Қайси миллат боласи бўлгани маъқул?

Маҳкам аканинг аъзойи бадани титраб кетди. Ранги оқарди. Жувон буни пайқадими, йўқми қўлидаги дафтарга алланималарни ёзишдан тўхтамади.

— Қизим,— деди зўрға ўзини босиб Маҳкам ака,— мен мол бозорига келганим йўқ. Тушундингизми?

— Ахир отахон...

— Ахир-пахир йўқ! Индамасам, ориқми-семизми, кемшикми-пучуқми, қорами-сариқми, деб сўрайдиганга ўхшайсиз?

— Вой отахон, миллатини сўрасам сиз...

— Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи! Тушундингизми?

— Кечирасиз,— жувон Маҳкам аканинг важоҳатидан қўрқиб кетганидан қўлидаги дафтар қалтирарди.

— Одам боласини оқ-қорага ажратманг! Дунёда битта шунақа аблаҳ чиқиб, не кунларни совотти одамлар бошига. Ҳали жазосини тортади. Буларнинг кўз ёши кўр қилади...

Жувоннинг гапиришга ҳоли қолмаганди. Шу топда Маҳкам ака болалар тўдасида турган ўғлига кўзи тушди, жувонга ҳам қарамай ўша томонга кетди. Жувон ағрайганича қараб қолди. Маҳкам ака тўдага яқинлашган ҳам эдики, бирдан болалар Витяни ўраб, дўппослай кетди. Витянинг овози чиқмасди. Маҳкам ака бургутдай тўдага ўзини урди. Витяни азод кўтариб олди. Ғуж бўлиб турган тўда ёйилди. Бир қиз ерда тупроққа қорилиб, босилиб ётган дўппини олиб, Маҳкам акага узатди. Витя юзларини бекитиб, ҳансираб, пиқиллаб йиғларди, чопиб келган тарбиячилар нима бўлганини суриштира бошлашди. Болалар чекка-чеккадан чуғурлашиб кетишди:

— Ўзи нега дадам бөр, деб мақтанади,— деди нарироқда турган бўйдор бола.

— Дадаси бўлганидан кейин мақтанади-да,— деди тўрт ёшлар чамасидаги сап-сариқ сочлари тўзғиган қизча,— дадам бўлса мениям...— гапиролмай йиғлаб юборди у.

Маҳкам ака ялт этиб қизга қаради.

— Дўппинг чиройли, экан, десам, тегма, ҳаром қишасан, дейди,— қалпоғини гижимлаб турган тўладан келган бола хўмрайиб гапирди.

— Ахир, шунга уриш керакмиди? — деди ётиғи билан тарбиячилардан бири.

— Нега фашист дейди?

— Нуқул кийимлари кўплигини мақтайди. Ким фашист?

Қўйиб берса болаларнинг баҳси тугамасди. Бирон-қасига ҳозир қаттиқ-қурум гапириб ҳам бўлмасди. Тарбиячилар ётиғи билан тушунтириб, уларни тинчита бошлашди. Маҳкам ака аввал келганида нутқ сўзлаган жувон уни таниб қолиб, чеккароққа олиб чиқди. Ҳеч нарса бўлмагандай, дадасининг кўкрагига бошини тикиб, бўйнидан қучоқлаб олган Витянинг елкасига доқди:

— Оти нимаиди?

— Витя.

— Буни қаранг-а, кап-катта бўлиб қолибдими? Қашки, менга қара-чи.

Витя тўрсайиб жувонга қаради.

— Уҳў, ясантириб юборибсиз-ку.

— Аммам олиб келиб берганлари бу. Ҳазимники бошқа.

— Шунақами? Қани, бўлди энди, туш. Дадангни чарчатиб қўясану бунақада,— болани кўтариб олиб, ерга қўйди, Маҳкам акага юзланди,— қалай уйингиз тўлиб қолдими, хурсандмисиз?

— Шулар хурсанд бўлса, бизам хурсанд-да, синглим. Ҳали кўчада буларнинг келаётганини кўриб, уйда ўтиролмадим. Тўғри келавердим.

— Ажаб қилибсиз. Витяни бир ўйнатай дебсиз-да, шунақами? — Витя гапни эшитмади, дадасининг этагига яширинганча, кўзини болалардан олмай турарди.

Тарбиячини кимдир ўртоқ Назарова деб чақириб қолди. «Мен шу ердаман», деганича қўлини кўксига қўйиб, Маҳкам акага илтифот қилди-да, ўша томонга кетди. «Одамдан одамнинг фарқи бор дейишгани шундир-да. Боягининг муомаласи қаёқда-ю, буники қаёқда?» У, боятдан бери ўзига тикилиб турган бояғи сариқ сочли қизча ёнига борди. Тиз чўкиб, тўзғиган сөчларини силади.

- Отинг нима, қизим?
- Галя, — деди кулиб.
- Манга қиз бўласанми?

Галя Маҳкам ака орқасида қовоғини солиб турган Витяга чўчиброқ қараб олди.

- Уғлингиз... — деди-ю, гапиролмай қолди.
- Бу ўғлим, сан қизим бўласан-да, хўпми?
- Майли, — деди бошини эгиб Галя.
- Жуда яхши, оппоқ қиз, ширин қиз, — дея багрига олиб эркалади Маҳкам ака, — қани аканг билан танишинглар-чи.

Галя катталардек Витяга отини такрорлаб, қўлини узатувди, Витя ёқинқирамай кўришди.

— Галя! — деган овоз эшитилди шу пайт нарироқдан ва чақирган бола овези борича қичқириб, чопиб уларнинг олдига келди. — Галя, нима, сен, кетяпсанми? — сўради нафаси оғзига тикилиб.

— Ҳа, — деди хурсанд бўлиб Галя ва Маҳкам акани кўрсатди, — сен-чи, Абрам?

— Билмайман, — деди Абрам ўксиниб, — энди кўришмаймизми, Галя?

Галя бир Маҳкам акага, бир Витяга, бир Абрамга қарарди. Индамай турарди.

— Нега кўришмайсизлар, — деди Маҳкам ака қопқора сочлари ўсган, чаросдек кўзлари ёниб турган кичкина, оппоқ кулча юзли Абрамга қараб, — бизникига бориб турсанг кўришаверасан-да.

Абрам индамай, бошини эгганча, орқасига бурилиб кета бошлади. Маҳкам ака бир хил бўлиб кетди. Абрам тўрт-беш қадам юриб тўхтади. Орқасига ўтирилди. Имлаб Гаяни чақирди. Галя икки сакраб унинг ёнига борди. Борди-ю, Абрамнинг шивирлаб гапирганини чала-чулпа эшитиб, орқасига чопди.

— Амаки, — деди ширинлик сўраб эркалик қилгандай бошини эгиб, — Абрамни ҳам олиб кета қолайлик, ўзи жудаям яхши бола.

— Майли, — деди Маҳкам ака ўйлаб турмай, — бери кел, Абрам.

Абрам ўқдай отилиб келди. Кела солиб, Гаяни қучоқлаб олди.

— Салом қани? — деди кулиб туриб Абрамга Маҳкам ака.

— Здрастуйте.

— Баракалла.

— Амаки,— баридан ушлаб эркаланди Галя,— да-да десам майлими?

— Майли, қизим, майли.

— Мен-чи?— кўзларини жавдиратди Абрам...

— Санам.

— Вой, маза.

Витя ўша тумшайганича ҳеч ёришмади. Абрам билан ҳам совуққина кўришди.

— Сизлар шу ерда туринглар, ҳозир келаман,— деди Маҳкам ака ва Назарованинг олдига кетди. Эшиги очиқ хонада уст-боши дурустгина, кўринишидан бугун келганларга ўхшамаган, Витядан тикроқ бола йиғлаб турарди. Назарова унга алланималарни уқтирарди. Маҳкам акани кўрди-ю, гапини тўхтатди:

— Кираверинг, кираверинг,— деди .столи ёнидан чиқиб,— бўлмаса сен ўйнаб тур, кетиб қолма, хўпми. Мен ўзим чақираман,— деб, боланинг елкасига қўлини қўйиб чиқариб юборди,— буни қаранг, ота, нима бўлиши мумкин? Тўққиз кун бўлувди, эр-хотин келиб олиб кетишувди. Қайтиб келибди.

— Ҳалиги бола-я?

— Ҳа. Ўшандаям йиғлаб хуноб қилганди. Ҳозир қам шу.

— Сабабини айтмадими?

— Топган гапи битта. Синглисини йўқотиб қўйган. Шуни топиб беринг дейди.

— Уйдагиларга айтмай келибдими?

— Шунақага ўхшайди. Қайтиб бормайман, дейди.

— Тавба. Зап кунларга қолдик-да. Қайтиб бормайман дейдими?

— Уришдими, қаттиқ гапиришдими, десам йиғлайди, хўрлиги келиб йиғлайди, кетидан нуқул укам дейди.

— Энди, жигар, билмай-нетмай бировнинг хонадо-ни тўғрисида гапириб бўлмайди. Ким билади қанақа одамлар. Тагин суриштириб кўринг... Ман хайрлашгани кирувдим, ана бизнинг жужуқлар,— у очиқ деразадан болаларни кўрсатди.

— Уҳў, жамоат жам-ку,— хурсанд бўлиб кулди Назарова,— қани, юринг-чи.

Улар ҳовлига чиқиб, болалар ёнига боришди. Назарова шу ердан туриб, «Санобар» деб тарбиячилардан

бирини чақирди. Боя Маҳкам ака билан гаплашган жувон югуриб келди.

— Маҳкам отамни овора қилманг, шу ерда мана бу икковини ёзиб олинг, ҳужжатларини кейин ўзим уйларига элтиб бераман.

Маҳкам ака Назарова бу жувонни атайи чақирганини пайқаб қолди. Бу бояги қўполлик учун узр сўраш эди аслида.

— Сизни овора қилсам қандоқ бўларкин, қизим, ё бир оз кутай ё эртага ўзим келай.

— Ҳеч хижолат бўлманг. Ўзим олиб бориб бераман.

— Ҳай, майли. Ман бояги болани ўйлаб қолдим, — деди болалар эшитмайдиган даражада секин гапириб Маҳкам ака, — афтидан қаттиқ хўрланганга ўхшайдида, бола бечора. Суриштиринг, иложини қилолмасангиз, хабар беринг, зора дардига даво тополсак.

— Раҳмат, отахон. Аммо усиз ҳам...

— Бу ёғини ўйламанг. Дунёдан нима олиб кетамиз. Зарур бўлса ҳеч тортинмай бизникига юбортираверинг.

— Ўзим борарман.

— Жуда яхши. Ҳеч тортинманг. Топганимизни қўямиз, — деди кулиб.

Маҳкам ака у билан хайрлашиб, Галяни кўтариб олди. Назарова эшиккача кузатиб қўйди.

Абрам билан Витя ёнма-ён боришарди-ю, гаплашишмасди. Галя севинганидан Абрамга қўлини силкиб қўярди. Катта кўчага чиқишганда, Витя Галяга деди:

— Туш энди, дадамни чарчатиб қўясан.

Маҳкам ака ўғлининг гапини ҳазилга буриб, Галя тилидан:

— Чарчатмайман. Қушдек енгилман, ўзим зўрға дадамни топиб олдим, — деди-да, Галяга кўзини қисиб қўйди. Қизча севиниб, Маҳкам аканинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди.

ҲН ОЛТИНЧИ БОБ

«Яшил дарахтлар, майсазор, гулчечакларга бурканган кенг майдон қуёш нурида ажиб товланади.

Ясанган-тусанган одамларнинг шўх яллалари, ўйин ва кулгилари, музика садолари тинмайди. Болалар

Учирган еон-саоқсиз қаптарлар ердаги шодликка қўшилиб, осмонда ўйинга тушади. Минглаб ранг-баранг пуфаклар болаларнинг кулги, шодликлари сизгари кўзни қоплаган. Дадасининг елкасига миниб олган Абрам булардан кўз узмайди, қувончини ичига сиздиролмайди. Бирдан қаптарлар сайр қилиб, пуфаклар учиб юрган осмонни қора булут қоплади. Қуёш бетини яшириб қўйди. Кучли шамол турди. Катта майдон бўм-бўш бўлиб қолди. Бўрон симларга, симёгочларга урилиб ҳуштак чала бошлади. Усти очиқ машинада келган немис-фашист офицерлари, солдатлари жадаллик билан ўртадаги минбар ёнига дор қуришди. Марказдаги барча одамлар йиғилди. Иккита солдат кийимлари йиртилган, қўллари орқасидан боғланган икки кишини дор тагига бошлаб келди. Абрам уларни таниди. Бири қишлоқ Совети раиси, бири, хаҳ, ким эди-я, эсига келтиролмади. Икковининг кўкрагига катта-катта ҳарфлар билан алланима ёзиб қўйилган тахта осилганди. Фашист офицери икковининг бўйнига сиртмоқ солиб, тағларидаги яшикларни тепиб юборди. Абрам қўрқиб кетди. Икки қўли билан юзларини беркитди... Кейин фашистлар кекса чоллар, хотинларни болалари билан саф-саф қилиб, ишга ҳайдади. Қайинзор орқасидаги ялангликда одамлар узун хандақ қазишди. Онаси ёнида ўралишиб юрган Абрамни бир солдат автомат қўндоғи билан туртган эди, у йиқилиб тушди. Йиғлаб юборувди, яна калтак еди, барибир онаси олдидан кетмади.

Чуқур хандақ тайёр бўлди, офицер одамларнинг ҳаммасини хандақ тепасига иккитадан қилиб, сафга тизди, Абрам ҳам ойсининг этагини ушлаб тураверди. Офицер команда берган эди, бирдан тасир-тусур бўлиб, Абрамнинг қулоғи том битиб қолди. Олдини бир чол киши тўсиб қолганини билади, холос. Кўзини очиб қараса, узун хандақнинг ичида ҳамма одамлар ухлаб ётишибди. Ўрнидан турай девди, туролмади. Ҳалиги чол иккита оёғи билан уни босиб ётарди. Чолни шунча туртгани билан турғизолмади. Қаттиқ ухлаган экан. Кейин ўзи унинг битта оёғини зўрга кўтарди, ундан кейин иккинчисини кўтариб, ўрнидан турди, ухлаб ётган одамлар устидан юриб, хандақнинг нариги бошигача борди. Шунча одаму, биттасиям билгани йўқ унинг юрганини, сакраб-сакраб борди-да, тўхтаб қолди. Ойи-

сининг устига оёқ қўёлмади. Оппоқ кўкрагига бир шиша қизил сиёқ тўкилганди. Тозалайман деб эгилди-ю, муздек кўкрагига юзи тегиб, сесканиб кетди. Уйғотаман дедди, кўзлари юмуқмас, ўйилиб тушибди. Додлаб юборди...»

— Мама, мама, мама...

Абрамнинг чинқириғидан дераза ойналаригача дриллаб кетди. Галяни бағрида олиб ётган Меҳриниса бошини кўтарди-ю, ўрнидан туролмай дағ-дағ титрай бошлади. Маҳкам ака ёнида ётган Абрамни овутарди. «Чироқ, ҳой чироқни ёқвор», дерди-ю, Меҳринисадан садо чиқмасди. Маҳкам ака Абрамни қучоғига босганича дик этиб ўрнидан турди. Бир қўллаб чироқни ёқди. Бола нафаси тикилиб, қансирарди-ю, кўзини очмасди. Эндигина сая ўзига келган Меҳриниса, ўрнидан туриб кетган Галяни ётқизмоқчи бўлди. Галя тетив эди. У, оинасини юпатарди.

— Қўрқдингизми, ойи?

— Ёт, қизим, ёт.

— Қўрқманг. Ўзи шунақа Абрам. Мен ўрганиб қолганман.

— Ёт, қизим.

— Вой, сенам қўрқдингми, Витя.

— Бор-эй... Ўғри келдим дебман-а.

— Дада, ётқизинг Абрамни, ухлаб қолади.

— А?!— Маҳкам ака боланинг бошини кўкрагига қўйиб унинг у бошидан бу бошига юраркан, ўзини босолмасди, тухумдек Галянинг бидирлаб, ҳаммани тинчитаётганига ҳайрон эди. Ё гўдаклигига бориб, уйқу-сираяпти, туш кўргандек бўляпти ёки қўрқувдан эсини йўқотиб ўзини билмай гапиряётибди, деб ўйларди. Ўрнида ўтирган Меҳриниса ҳам, Витя ҳам Галяга тикилиб туришарди.

— Дада, ухлаб қолди, ётқизинг, кўрасиз,— деди Галя.

Маҳкам ака қизчанинг сўзига кириб, Абрамни ётқизди. Галя унинг тепасига энгашиб, сочларини, юзларини силади.

— Абрам, Абрам. Нега энди унақа қиласан, мана, дадам, ойим борлар-ку...

— Қўй қизим, майли, уқласин, ётинглар. Ёт санам, қизим.

Галя Абрам ёнидан жилмади.

— **Абрам**, кўзингни оч! Узнинг айтгин дадамлага. Абрам кўзларини очиб, тепасида турган Галяни кўрди.

— Галя, келдикми?

— Қаёққа? Вой, уйдамыз-ку. Энди қилмайман девдинг-ку, Абрам. Нега тагин...— Галя йиғлаб юборди. Абрам кўзини юмиб, ёстиққа бошини буркади.

— Кел, қизим, йиғлама,— бағрига олди Меҳрини-са Галяни.

— Вагондаям нуқул шунақа қиларди,— деди йиғи аралаш Галя онасининг пинжигга тиқилиб.

— Узинг-да,— деди ётган жойидан уйқуси ўчиб кетган Витя.

— Бўлди. Ётинглар!— деди Маҳкам ака ўрнидан туриб чироқни ўчираркан.

Болалар бир оздан кейин уйқуга кетишди, эр-хотин алламаҳалгача кўз юмишолмади.

Бир вақт кўча томондан машинанинг гувиллагани, кейин отнинг дупури, эркак одамнинг бақириб-чақиргани эшитилди. Маҳкам ака хотинини ухлаган деб ўйлаб, секин ўрнидан турди, чироқни ёқмай, кийина бошлади.

— Қаёққа?

— Ташқарига.

— Ниманинг овози?

— Секин, болалар уйғонади. Чиқай-чи.

Маҳкам ака ҳовлига чиқиб қулоқ солди. Абдуҳафиз, Ориф ота, яна аллақандай аёл кишиларнинг овозини эшитди. «Ярим кечада нима гап ўзи-а?...» Хавотирланиб, эшикни очиб, кўчага чиқди. Ой аллақачон ботиб, кўчани қоронғилик қоплаб ётарди. Катта кўчадаги чироқ ёруғи бу ёққа тушмасди. Маҳкам ака, арава ёнига бориб, Ориф отани кўриб қолди.

— Тинчликми, ота?

— Йе, ҳа, сизам безовта бўлдингизми? Уйғотмай қўя қолайлик девдик-а. Шу топда келиб қолишди. Эрталабгача кўчада қолишмасин дедик-да. Қани, ҳой,— аллакимни чақирди Ориф ота.

— Кўтаришми? Қаёққа?

— Мана шуларни. Шошманг-чи, мана бу ўроғликни биргалашиб ола қолайлик.

Икковлари адёлга ўралган катта тугунни кўтаришди. Тожихоннинг уйига олиб киришди. Ҳовли юзида турган лаш-лушлар ёнига бўғчани қўйишди. Йўлак

ёнидаги хонага Тожихон, нотаниш бир кампир жой солишарди. Маҳкам ака қўшинининг кўзига кўринмай қўя қолди. Кўчага чиқди. Машина жўнаб кетган эди. Икки эшик наридаги ҳовлидан қўлтиқтаёғини тақиллатиб Абдуҳафиз билан Иқбол сатанг чиқиб келишди. Маҳкам ака уларни овозидан таниди. Кўзига ёмон кўриниб юрган, жини ёқтирмай қолган Иқбол сатанг ҳозир катта савоб ишни қилиб, гуноҳини ювган, одам-охун киши бўлиб кўринди, кўнглини юмшатиб юборди. «Шайтонлигиям бору, одамгарчиликни ҳам қўлдан бермайди-я...»

— Уста, ассалому алайкум, сиз ҳам безовта бўлиб-сиз-да.

— Ким бўпмиз безовта бўлмай, оқсоқол,— деди Маҳкам ака,— безовта қилмаганларинг чакки бўпти.

— Жўжабирдек жон бўлиб қолдингиз, безовта қил-сак айб бўлар,— деди гердайиб Иқбол сатанг.

«Оббо, шундаям тишлаб олди-я...» дея кўнглидан ўтказди-ю, индамай Иқбол сатанг кетидан ердаги юкларни кўтариб кетди.

— Қўймайди, оқсоқол, битта узмаса қўймайди,— деди завқ билан Абдуҳафиз Ориф отага.

— Тағинам андиша қилди, бўлмаса иссиқ ўриндан турғазибмиз-да, дейишдан тоймасди.

Эшик тирқишидан қараб турган Меҳриниса ҳеч кимни таниёлмасди-ю, гапларини эшитиб турарди. Девор орқасидан Тожихоннинг ўғлига гапираётгани қулоғига чалиниб қолди:

— Ҳой, салтисвойларникига ҳеч ким кирмади шекилли, ўлик чиққандек жимжит!

«Хаҳ нафасинг оғзингдан чиқиб, кўксингга ёпиш-гур, тонг палласида жаврашини-чи...» Меҳриниса эшикдан нарига бориб, яна қулоқ солди. Уй ичидан чиқаётган гўнғир-гўнғирни англолмади.

— Хайрият,— деди Абдуҳафиз кийимларини қоқаркан,— ука, энди сен боравер,— у аравакашга ўғирлиди,— баракалла, катта хизмат қилдинг.

Аравакаш бола отининг жиловини ушлаб аравани бурди, хайрлашиб катта кўча томонга юриб кетди.

Беҳабар қолиб, хижолат бўлаётган Маҳкам ака бояги гапдан кейин оғзини очмай қўя қолди.

— Ога, Абдуҳафиз, юринглар, чарчагансизлар, тонг ҳам отиб қолди.

— Ҳа, тонг отай деб қолди,— деди Ориф ота салмоқ билан,— бафуржа кирармиз... Менга қара, Абдуҳафиз, сан ишда бўласан, секретаринг ҳам. Буларнинг карточкаси нима бўлади?

— Иқбол опам эплайдилар-да, бошқа чорамиз йўқ,— деди Абдуҳафиз.

— Маъқул, маъқул. Фойдам тегса, мана, манам қарашиб юборай, отин.

— Ёнингизга иккита болани олинг-да, опа, уймау-уй юриб рўйхат қилиб чиқинг. Ҳар оилада неча киши борлигини аниқласангиз, бу ёгини ўзим тўғрилайман.

— Майли,— деди Иқбол сатанг.— Йигирма етти оила-да?

— Ҳа, буниси аниқ-ку, жон бошини аниқлаш керак.

— Ҳой, Абдуҳафиз, бу Шаҳобиддиннинг қизини қачон берармиш, суриштирдингми?

— Бериши даргумон,— деди Абдуҳафиз, уйқу талаб чарчоқ кўзларини уқалаб.

— Топилдими, ука?— шошиб сўради Маҳкам ака.

— Хабарингиз йўқми?

— Йўқ. Қаерда экан?

— Сирдарёдан топишибди. Ҳали кечқурун олиб келишди.

— Улигиними?

— Ийе, дарёдан топилади-ю, тирик бўлармиди.

— Э, тавба. У ерга қандай қилиб бориб қолдийкин?

— Даргумон, деб қараб турсак бўлмас. Ортиқвойга ўзинг айт. Уйдан чиқармасак онаси кўнмайди,— деди Ориф ота.

— Ортиқвойнинг ўзига қолса, бермагани маъқул дейди.

— Нечук?

— Ийе, ўйлайсизми, ота, шунча кунлик мурда... Уни кимга кўрсатиб бўлади. Яна айтиб кўраман. Ҳеч бўлмаса ўша яшикка солганича берсин. Шу ердан чиқарайлик дейман.

— Шундоқ қил, ўғлим. Сен ишга кетасан. Буткул ташвини манга тушади. Онаси ҳам, қари-қартанглар ҳам ҳоли жонимга қўймайди.

— Дуруст. Қани, кетдикми? Ийе, опа...

— Сан боравер, отинни ўзим олиб бориб қўяман,— деди нима демоқчи бўлганини фаҳмлаб Ориф ота.

Абдуҳафизнинг кулгиси қистади. Яхшики, қоронгида ҳеч ким кўрмади. Бир нима деб, тегажоқлик қилмоқчи ҳам бўлди-ю, она халақит берди. Қуюшқондан чиқмади.

Улар қоронги тун бағрига кириб, уй-уйларига тарқалишди. Маҳкам ака ҳовлига кириб, эшикни занжирлар экан, Меҳриниса ёнига келди.

— Сирдарёдан дейдими?

— Эшитдингми?

— Ҳа. У ёққа нимага борганин? Онаси ўлиб бўлди денг. Пешанаси мунча ҳам шўр бўлмаса. Бу ёқда эридан қорахат келиб турса...

— Одам деган пўлатданам қаттиқ бўладими, деб қўйдим, чидар экан-э, — деди хўрсиниб Маҳкам ака, — қани, юр!

Эр-хотин олдинма-кейин уйга киришди. Болалар пишиллаб ухлаб ётишарди. Маҳкам ака оҳиста кўрпани кўтариб, жойига, Абрамнинг ёнига ётди. Меҳриниса чироқни ўчирди.

— Вой, шўрлик-е...

— Бўлди. Болалар уйғониб кетади.

Ухлаб бўлармиди. Ўйлаб-ўйлаб ётиб, Маҳкам ака оғир уф тортиб қўйса, салдан кейин хотини шундай қиларди. «Юрт тинч, сен тинч», деганлари шу эканда, — ўйларди ўзича Маҳкам ака. Унинг кўз олдига Шаҳобиддин келди. Бирга бўлганлари, чойхўрлик, ош-кўрлик қилишгани, ҳаммасини эслади. Маҳаллада ўзига яраша иззат-ҳурмати бор эди. Ўғлини уйлантириш тараддудиди юрарди, шўрлик қизини эслади: — «Гулдай нарса гунчалигича шайтоннинг сўзига кириб, ғарқ бўлса... Таъба... Не сабабдан у ёққа борган экан. Ё битта-яримта ёмон ният билан олиб бориб, сувга ташлаганмикин? Агар ҳомиласи борлиги рост бўлса, бирамас, икки гунча очилмай хазон бўлди-да». Ўйлаб, ўйига етолмасди.

Меҳриниса-чи? Ҳаммаси кўз олдиди тургандай. Уялиб келиб, бошини эгиб салом бергани, кўчада кулиб туриб хат тутқазгани... Онаси-чи? Бечоранинг афти ангорига қараб бўлмайди. Ғам ўлгур тўкибди қўйибди. Сурати қолибди, сурати. Ранги заъфарон, кўзлари ич-ичига тушиб, эти бориб устиконига ёпишибди қўйибди. Дам қизини шайтон йўлдан оздириб, у ёқ-бу ёққа

элаштириб кетганга чиқаради, хабар бермаганига хуноб бўлади, дам ёмонлар қўлига тушгану, чавақлаб ташлаган, ўлиги қаёқларда қолиб кетганийкин, деб йиғлайди бечора. Пешанаси ўлгур мунчаям шўр экан, бу ёқда эридан айрилди, ҳали уни билса ҳоли не кечаркин? Меҳриниса кўргани бориб яхши қилди. Ҳам қиёмат қарздан қутулди, ҳам кўнгли таскин топиб қайтди. Бўлмаса бугун-эрта азасига қандай бороларди. Бормай юрганининг важи ҳам хат эди. Иқбол сатанг оғзидан гуллаган бўлса-ю, Қандолатбиби хабардор бўлса, юзига қандай қарарди, кўзига яхши кўринармиди. Боланг қилган шу ишни, деб туриб олса-я, худо кўрсатмасин буни. Яхшики Иқбол сатанг милицияга айтибдй-ю, онасига етказмабди. Бўлмаса, ўлганнинг устига кўмган бўларди-да, «Иқбол сатанг! Вой, жувон-марг-е... Ориф ота бирга кетамиз деса, индамайди-я. Вой афтингни ел егур-эй...»

— Ҳой,— деди беихтиёр бошини кўтариб эрига,— манга қаранг, оғам-оғам деб мақтаб юрган одамингиз шуми? Вой сўлаги оқмай ўлсин. Айтаман-ку, эркак зоти...

— Секин,— деди шартта гапини бўлиб, нимага шама қилаётганини фаҳмлаган эри,— нима деб валдиравотсан?— Маҳкам ака ўзи ҳам шуни кўнглидан ўтказиб ётган экан шекилли, кулиб юборишига сал қолди, билмаганга олиб, пўписи қилишга ўтди.

— Қариганда қармоққа тушмай қолгур-эй, сатанг ўлгурам индамай турибди-я...

— Бузоқ кўзини сузгандирки, буқа ипини узди-да. Оғамда не айб?

— Гапирманг. Кўзини сузмай ўлсин уям. Вой шарманда, вой шарманда. Қаёққа кетишдийкин?

— Кўнгиллари хоҳлаган ёққа боришади. Санга нима?

— Кўнгиллари-я. Вой кўнгилларига куйдирги чиқсин. Ҳой, оғангиз тўғри уйига олиб борадимиз-а! Ё Иқбол сатангникига борадимиз?

— Эсингни едингми хотин, коп-котта одам жинни бўптими.

— Вой, тагин ёнини оладилар-а. Жинни бўлмаганими бу. Невара-келин, невара-куёв кўрган одам уялмай-нетмай, ярим кечада бировнинг кетидан илиқиб юрса...

— Сатангинг илиқтирадиган муқом қилгандирки, оғам оғиб кетди-да. Бўлмаса ҳад қайда.

— Нега сатангим бўларкан у доғули. Оғангизга тил тегизтирмайсиз-а. Айтаман-ку, эркак халқи...

— Бўлди, бўлди, ҳой, уйғотиб юборасан... Узинг ҳам болалар билан ўралашиб қолдинг-а, жабр бўлди. Буни қара, эсимгаям келмайди...

— Гапирманг!

— Нега жавраб қолдинг дедим-а...

— Гапирманг дейман, ҳозир бақириб юбораман...

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

— Баҳор эртароқ тушадими дейман, касаба. Ис-сиқни қаранг. Новдалар ниш уриб, кўкатлар қаричга келди-я, — деди деразадан тушиб, сандон устида ўйна-ётган офтоб нуруни кўрсатиб Маҳкам ака.

— Эртароқ тушдими ё алдаб туриб, авжи гулни қийратиб кетармикин? — деди дам босиб Ҳамидулла.

— Яхши ният қил, ука. Бева-бечоранинг бахтига ҳеч бўлмаса мева бўлиб берсин. Қани, ҳа!

Ҳамидулла босқон ура кетди.

Темирчилар артелининг устахоналаридан бири ма-на шу серқатнов гавжум кўча юзида эди. Неча йилдан бери қадрдон бўлиб қолган бу устахонани Маҳкам ака ҳовлисидаги кичкина дўконхонасидан фарқ қилолмас-ди. Битта фарқи — уйдагисида биргина кўра ловиллаб турса, бу ерда қаторасига кетма-кет саккизта дам пи-шиллаб ётади, иш жойи ҳам, асбоб-ускуналар ҳам, те-мир қаёқда-ю, тайёр бўлганлари қайси ёнида туриши ҳам — ҳаммаси, деворга қоқилган михдан тортиб, офтоб тиғини тўсадиган соябонгача унга таниш. Наинки уста-хона, кўчани айтмайсизми. Уртадан трамвай ўтиб ту-ради. Қўнғироғини жириглашиб, ғилдирагини ғижир-латиб ўтганида устахонадаги тақир-туқур ҳам билин-май қолади. Машина, от-аравалар қатнайди. Нариги бетида биттагина чойхона бўларди. Кейинги йиллар-да ёнига катта дўкон солинди. Нондан тортиб тамаки, гугуртгача шу ердан харид қилса бўладиган бўлиб қол-ди. Ёнига сартарошхона, қаторига китоб, газеталар со-тадиган дўкон тушди. Булар ҳаммаси Маҳкам аканинг кўз ўнгида кейинги йилларда бўлган ўзгаришлар эди.

Маҳкам ака кўпинча уйда, хотини билан ишлар-

ди. Тайёр молни олиб кетиш ташвиши демаса, шуниси маъқул эди унга. Бироқ иш кўпайиб кетгудай бўлса, устахонага келиб, шу ерда ишларди. Қурби келса кеч-қурунлари уйда ҳам олов қилар, қурби етмаганида қўя қоларди.

Артелдаги азамат темирчилар фронтга кетиб, чоллар, болалар қолди. Иш кўп. Икки сменадан ишлашга тўғри келяпти. Мана, бир неча ҳафтадирки, Маҳкам ака ҳам устахонага келади. Бир чеккаси, ҳали кўзи пишмаган, билак томирлари бўртиб, баданига олов сачрамаган ёшлар бор. Улардан кўз-қулоқ бўлиб турмаса бўлмайди.

Маҳкам ака қўлидаги болгани қўйиб, омбурни челака ташлади-да, жойидан чиқиб, сув бўлиб оқаётган терларини белбоғига артди. Бундай нафас ростлаш пайтларида Ҳамидулла кўра ёнига ўтарди-да, уни тозаларди, иш жойини саранжомлашга киришарди. Унинг мана шу эпчилликлари, дид-фаросати, иш жойини ҳамиша тартибли, саришта қилиб қўйишга ишқибозлиги устага жуда ёқарди.

Маҳкам ака юзларини арта туриб, бир тавақаси очиқ дераза ёнига борди, кўчага тикилди. Узоқ тикилиб қолди. Нима учундир эскидан таниш, қадрдон бўлиб қолган кўча аввалгисига ўхшамасди. Нимаси ўхшамаётганлигини ўзи ҳам билмасди. Уша чойхона, дўкон, китоб дўкони, сартарошхона, трамвай ўтиб турибди-ю, бошқачага ўхшайди. Шу вақтгача разм солмаган экан. Урушнинг совуқ нафаси гуп этиб урибди-ю, кўчанинг ранг-рўйини ўзгартирибди, қўйибди.

Чойхонадаги гавжумлик, қаҳқаҳа, гурунг қани? Чойнак-пийеланинг жаранги, капгирнинг тарақ-туруғи эшитилмайди. Босим ўтириб ҳордиқ чиқарадиган чойхўрлар қолмаган. Дўкон ҳамма вақт гавжум бўларди. Одамлар қуруқ кириб қўйни-қўнжи тўлиб чиқиб кетарди, олганини кўтаролмасди. «Уста, озроқ каноп топилмайдими?», «Уста, халтам эсимдан чиқиб қолибди...», «Уста, мана шунини олиб қўйинг», деб келишарди олди-га. Энди-чи? Дўкон бўшаб қолган. Туз ҳам ўлчоқли. Эртаю кеч навбат аримайди. Тонг қоронғисидан чиқшади. Нонга чиқшади. Патир нон, кулча, ёғлиқ, анвойи хил булқалар, тешик кулчалар қаёқда. Қайси бирини олишни билмай гаранг бўлардинг киши. Хаҳ, пошукур эканмиз. Энди-чи? Бир хил нон. Қон-қора са-

қичдай. Жониворга пичоқ ўтмайди, ўтса елимдай ёшшади. Сотувчи пақирчадаги сувга пичоқни тикиб олмасе, нонга юргизолмайди. Буям ўлчоқлик. Сартарошхонадаги учала йигит ҳам бир ҳафтада устара қайроғини йиғиб, фронтга кетди. Анчагача дўкон очилмади. Кейин, иккита жувон ишлай бошлади. Ана, улар ҳам ҳозир ўзларини ойнага солиб, эснаб ўтиришибди. Қолгандан китоб дўконидаги кўзойнакли Миршарифхон қолди. Газета ўқигани ўқиган... Уйлар, дўконларнинг деворларига ҳар хил плакатлар ёпиштирилган. Энди бу плакатлар, улардаги чақирёқ хитоблари таниш бўлиб, кўз ўрганиб қолди.

Устахона ёнидан, деразанинг таккинасида бузсқдек ит ўтиб борарди. Зўрға юрарди, деворни ҳам, йўлканнинг гиштарини ҳам обдан ҳидларди, бошини у ёқбу ёққа қилиб алангларди, судралиб борарди. «Ийе, Қоплон-ку, — деди ўзича Маҳкам ака итни таниб, деразадан бошини чиқариб қараркан. — Уша, Ҳакимнинг Қоплони, жонивор, эганг кетиб, кўчада санқиб қолдингми? Ҳаким буни еру кўкка ишонмасди. Уйнатгани ҳам ўзи олиб чиқарди. Кўзмунчоқлар тақиб қўйганди. Унисиям кўринмайди. Уҳў, қанақа ит эди. Шаҳарда унга бас келадигани йўқ эди. Тўйтепадан, Қовунчидан олиб келиб қўйишди, биронтаси бас келолмади... Қани энди унинг ишқибозлари, дев йигитлар... Ҳаммаси тинчликда экан. Ит кўчани кесиб, нариги йўлкага ўтди, сартарошхона орқасида ишини бажариб, латгадай бўшашганча нари кетди. Унинг қуруқ гавдаси қолган, қадам босишга мажоли йўқдай шалвираб борарди. Маҳкам ака ит кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб турди. — Жонзот борки, барига уруш шабадаси теккан-а. Тавба...» Маҳкам ака оғир хўрсиниб қўйди. Иш жойига бормоқчи бўлиб турганида нон дўкони олдида бош яланг, қоп-қора сочлари ўсган, йиртиқ камзулли, шими мой, юзи, қўллари кир, қоракуяга беланган етти-саккиз ёшлар чамасидаги қозоқ бола одамлар орасида ўраланиб тиланчилик қилиб юрганини кўриб қолди. Маҳкам ака деразага яқинроқ келиб, яна нос чегди. Болага тикилди.

Бола нон олиб чиққан киши борки, қўлини чўзиб, тиланар, бир-икки қадам эрганиб борар, берса дуруст, бермасе ҳафсаласи пир бўлиб, яна тўдага ўзини урарди. Нон олиб чиққан бир кампир одамлар орасидан

вўрга ўтди-ю, йўлкага тушганда нон карточканини тушириб юборди. Бола буни пайқаб, карточкани олди, кампирга узатди. Аввалига олиб қочиб кетади, деб чўчиган кампир нонининг устидаги катта бурдасини болага берди. «Барака топ», дея миннатдор ҳам бўлиб қўйди. Бола нонни апил-тапил оғзига тикди, чайнаётиб, ўзига тикилиб турган темирчига шўзи тушди. Маҳкам ака кулиб қараган эди, болага ёқди шекилли, лунжида нони билан у ҳам кулиб қўйди. Маҳкам ака, носни ташлаб, иш жойига ўтди. Қўрадаги қизиган темирни омбурда олиб сандон устига қўйган ҳам эдики, бола дераза ёнида пайдо бўлди. Боягидек кулиб, чеклакдаги сувни кўрсатди.

— Ичсам майлими, амаки,— деди ялиниб.

— Ича қол.

Бола бўйнини чўзиб, кружкани олди, сувга ботираётганида, орқасидан «дада» деган овозни эшитди. Ялт этиб қаради. Қўлида тугун кўтарган, бошида янги дўппи, эгнида ўзига ярашган костюм-шим кийган Витя турарди.

— Кела қол, ўғлим. Ҳў, баракалла, бу ёқдан кир,— деди Маҳкам ака ўғлига.

Витя болага бир хўмрайиб қаради-да, устаҳона эшигидан ичкарига кириб борди. Ҳаммага бир-бир салом бериб чиқди, дераза тагидаги тахтага ўтирди.

— Ҳой, бир ўзинг келдингми, ўғлим?

— Ойимлар билан келдим, бозорга кириб чиқаман дедилар.

Уртадан қўра олдида ишини йиғаетган чол Витянинг олдига келиб, уни гапга сола бошлади.

— Овқатни даданга олиб келдингми ё ҳаммамизгами?

Витя индамай ерга қаради.

— Ҳаммага демайсанми,— деди Ҳамидулла.

Маҳкам ака қўлини арта туриб, Витяга тикилиб турган бола ёнига келди. Уни гапга солди:

— Уйинг қаерда?

— Жусалида.

— Ийе, бу ёққа қандай қилиб кепқолдинг?

— Келдим. Поездда келдим. Қийинмики?

— Кирларингни қара. Ювиниб олмайсанми?

— Э... нима қиламан бекорга ювиниб, барибир поездда тагин қора бўлади.

- Даданг борми?
- Фронгда ўлган.
- Ойинг-чи?
- Касал эди, ўлди.
- Қорнинг очми?

Бола жавоб ўрнига, йўқ дегандай бошини қимирлатиб, чўнтагидан нон чиқариб кўрсатди.

— Дада, у бола ким? — Витянинг овози эшитилди ичкаридан. Қозоқ бола ҳам эшитди шекилли бу овозни, юзини кўчага ўгириб олди, алланимага тикилиб қолди. Маҳкам ака индамай уст-бошларини яна бир кўздан кечириб, нариги дераза тагига, Витянинг ёнига ўтирди. Ўғли олиб келган тугунни ечиб, овқат ея бошлади.

Бола йўлкада шу турганича қимирламади. Икки кўзи нон дўконида-ю, бироқ қайтиб у ёққа ўтмади. Анчадан кейин деразадан ичкарига қаради. Маҳкам акани қидиряптими ё ўзи шунчаки темирчиларга қизиқиб қараяптими билиб бўлмасди. Тизза бўйи қилиб қоқилган тахтада орқасини ўгириб Маҳкам ака, ёнида ўғли ўтирарди. Уларнинг гапларини эшитиб қолди. Қулоқ солди.

— Мана буни сен ея қол, ўғлим, — деди Маҳкам ака гўштли суякни Витяга узатиб.

— Ўзингиз энг, дада, сиз ишлайсиз-ку. Қорним тўқ, мен еб келдим.

— Ма, еб қўя қол. Ҳали боргунингча қорнинг очиб қолади. Е...

— Бўлмаса илигини сиз қоқиб энг, дада. Хўпми?

— Майли, майли.

Қозоқ бола маъюс бўлиб, бўшашиб тушди, деразадан бошини тортиб, қўнғироғини жиринглатиб ўтаётган трамвайга қаради. Ота-боланинг гапи эшитилмай қолди. Йўлкада битта-битта қадам ташлаб бораркан, кўчани кесиб, шу томонга салмоқланиб келаётган Қоплонга кўзи тушди. Тўхтади. Қоплон ҳам унинг олдига келганда тўхтаб, кўзларини мўлтиллашиб болага қараб қолди.

— Уйинг қаерда? — сўради у. Ит ҳам саволига жавоб бермоқчидай, ўтириб олиб, гапларига қулоқ қоқди.

— ...

— Бу ёққа қанақа қилиб келиб қолдинг?

— ...

— Кирларингни қара, ювиниб олмайсанми?

— ...

— Даданг борми?

— ...

— Ойинг-чи?

— ...

— Қорнинг очми?

Қоплон бир нарсанинг илинжида ҳамон мўлтиллаб, унга тикилиб турарди. Бола чўнтагидаги нондан озгина ушатиб ташлади. Ит нонни ютди-ю, ердаги увоқларини ялаб, миннатдор бўлиб болага тикилди, тилини чиқариб яланиб тураверди. Боланинг итга раҳми келди, озгинадан ташлайвериш, чўнтагидаги нонни тамомлади.

— Бўлди, оғайни, — деди бўшаган чўнтақларини кўрсатиб.

Бола кўчани кесиб, нариги томонга, нон дўконига бораркан ундан кўз узмай, лабларини ялаб ит ҳам эргашди. Витя билан бирга кўчага чиққан Маҳкам ака болани кўрди-ю, индамай қўя қолди.

— Шошма, келиб қолади. Бир ўзинг адашиб қолсан, ўғлим.

— Ҳеч-да. Топиб бораман.

— Ойинг қидириб юради-да, болам. Юр, бирпас ўтириб тур-чи.

— Ана ойим, — деди Витя, — трамвайдан тушдилар.

Меҳриниса бир халта нарсани кўтариб, трамвай йўлини кесиб, шу томон кела бошлади.

— Ҳаяллаб қолдингми?

— Одам кўп экан. Ҳой, вақтлироқ борасизми?

— Нимайди?

— Анави директор бор-ку, Назарова, ўша келмоқчи. Йўл-йўлакай кирувдим. Кечроқ келарман, маслаҳатли ишим бор эди деб кетди.

— Ишга қарайман-да. Бориб қоларман.

Она-бола кетишди. Маҳкам ака ўртага тушиб олган ўғлини койиди:

— Йўлкадан юр, машина келиб қолади.

Одамлар орасига кириб олган қозоқ бола буларнинг ҳаммасини кузатиб, гапларини эшитиб турарди. Маҳкам ака ичкарига киргач, бола эсига тушди, деразадан дўкон томонга қаради-ю, уни кўрмади.

— Мулла Маҳкам,— деди ёнидаги қамкасби Соли ота пешана терини сидириб,— ўрус, ўрус дейишганиди. Сира ўқшамайди-ку. Биноидек гаплашяпти-ку.

— Урисликка ўрис-ку, боламасми, тез ўрганиб кетди тилга, келганида билмасди.

— Буни қаранг-а. Оғзим очилиб қолди. Одобини айтмайсизми. Иаингизни босибди қўйибди.

— Қуш уясида кўрганини қилади-да, Соли ота,— деди Ҳамидулла,— менам ҳайрон қоламан. Ҳар кўрганида югуриб келиб, салом беради.

— Кейингисиям ўрисми?— сўради Соли ота.

— Униси яҳудий. Бола бечора ўлиб тирилган. Бир тўда одамни хандақ тепасига тизиб, тасирлатиб ўққа тутишган-да, бир чол болани орқасига олиб, ўзини қалъон қилган экан-да. Кўзини очиб қараса, ўликлар ичида ётибди.

— Эй тавба, эй тавба. Шу бола-я.

— Ҳа. Додлаб онасини қидирса, кўкрагидан қон оқиб ётганини кўрибди.

— Уҳ, бола бечора, бола бечора. Гўр оғзидан қайтибди-да, а. Оббо. Ҳа, омон бўлсин, тағинам бола-да. Бўлмаса жинни бўлиб қолади-я.

Ён-веридагиларнинг ҳам тақ-туқи тўхтаб, ҳамма Маҳкам аканинг гапига қулоқ солиб турарди.

— Буям ҳалигача ўзига келолмайди. Уйқусида ялаҳсираб чиқади, додлаб, ойилаб чинқиради.

— Шунақа денг. Ҳа, худо сизга сабр берсин, касаб, у дунёю бу дунё кам бўлмайсиз. Ҳалиги қизчангиз ҳам ўрусми?

— Яхши аниқлолмадик. Ё ўрус, ё украин бўлса керак. Қоғовлари йўқ-да, билиб бўлмади. Бирам қақилдоқ бўлган. Узидан сўрасангиз ўзбекман дейди. Дадамнинг қизиман, деб бўйнимга ёсилади. Сал кўчадам кечиксам, остонага чиқиб ўтиради.

Табиатан камгап Маҳкам ака, болали бўлганидан буён шу ҳақда ким сўраб қолса очилиб-сочилиб, мамнуният билан сўзлаб берарди. Ҳасрат қилибмас, хурсанд бўлиб гапирарди, гапидан ўзи ҳам роҳатлангандай бўларди.

— Бағрингизга келибди-ю, меҳрингиза тушибди қўйибди-да, бечорага. Булар ҳали катта бўлса-чи, касаба, кафтида кўтаради сизларни, ҳа, мана, худо хоҳласа кўрасиз.

— Айтганингиз келсин, — деди кўнгли тоғдек кўтарилиб Маҳкам ака.

— Бўлади, бўлади. Асти кам бўлмайсиз, мулла Маҳкамбой, чакана иш қилганингиз йўқ. Ҳа, ишқилиб омон бўлишсин. Урусдир, жугутдир ўзидан тинсин, ўзидан кўпайсин.

— Гитлер тезроқ гўрга кирсин, денг уста, — деди Ҳамидулла.

— Ҳа, узоққа бормасов. Мана буларнинг кўз ёши, қурбонларнинг қони қўймайди, болам.

Маҳкам ака гап бошқа ёққа ўтиб кетганидан, арашмай қолди. Ишини давом эттирди.

Иш охирлаб, янги смена келди. Ҳали одамлар тарқалиб улгурмаган ҳам эдики, куни бўйи идорада қолиб кетган Исмоилжон ҳам кириб келди. Ўзи ҳам худди шу пайтни мўлжаллаб келганга ўхшайди. «Бирпас тарқалманглар» деди-да, стулга ўтирди. Ниҳоятда чарчаганлиги овозидан, афт-ангоридан билиниб турарди. Соли отанинг «Ҳа, роса ҳавойи иш топиб олдинг-а?» деган ҳазили ҳам ёқмади, индамай қўя қолди. Артелъ раисини янги кўчиб келган заводга ишга олиб қўйишгандан кейин аъзолар Исмоилжонни сайлашган эди. Мана, ҳозир тағин бир гап топиб келганга ўхшайди. Темирчилар бирин-сирин коржомаларини ечиб, чекка-чеккада ўтиришди.

— Мажлис қиласанми? — деди тегажаклик қилиб Соли ота.

Унинг мана шу қилиқлари, юракка сиғадими, йўқми демай ҳазил қилавериши Маҳкам акага кўпам ёқинқирамасди. Бачканалик деб биларди. Кўриб турибдики, Исмоил ўзи хуноб, нима қилади жиғига тегиб...

— Гапир, президиум сайлаймизми? — деди яна овозини баландроқ қилиб Соли ота.

Исмоилжон кулиб юборди. Бошқалар ҳам кулди.

— Ҳеч ҳазилингизни қўймайсиз-да, ота, — деди Исмоилжон, — бир ҳисобда шуям яхши.

— Қуш тинса тинадики, Соли отамнинг оғизлари тинмайди, — деди кимдир.

— Гап шундай, — оҳиста сўзлади Исмоилжон, — янги заводга яна ўн киши керак. Усталардан ўн киши!

— Ўн киши?! — Яна Соли ота гап ташлади, — ҳой.

раислик пойқадамнинг нуқул «бер-бер»дан келди-ю, «ол-ол» ҳам борми?

Исмоилжон «начора», дегандай елкасини қисди.

— Бўлмаса, дўконни ёпиб қўя қолайлик. Илло, бу сартарошхонамаски, — Соли ота деразадан сартарошхонани кўрсатди, — аёллар келиб, қайтадан очса.

— Соли ота, ахир завод...

— Виламиз, ўргатма. Заводнинг аҳамиятиниям тушунтирмай қўя қол. Зарур. Жон деб борамиз. Дўконнинг планини нима қиласан. Барибир талаб қиласанда.

Исмоилжон шундай бўлишини ўзи ҳам биларди. Бироқ у ҳам нима қилсин. Мияси қотди.

— Топшириқ шу! Қодирхўжа акам ўзи айтди, — деди қатъий Исмоилжон.

— Мана, тагин ўйлаб кўрайлик-чи, — деди Соли ота ён-веригадиларга қараб, — нима дейсизлар?

— Тўғри, тўғри.

— Қодирхўжа жудаям санамай саккиз демайди. Айтибдими, бўлди. Уям чорасиз қолганидан шундай қилган. Гап шу раис. Бу дўкондан икки кишини берамиз, — деди яна ёнидагиларга қараб Соли ота. — Нима дейсизлар? Қолганларини бошқа дўконлар берсин.

— Маъқул, маъқул, — дейишди улар.

— Агар планни кессанг, уч-тўрт киши бўлса ҳам розимиз.

— Қани, ўйлаб кўрайлик-чи, — деди бўшашиб Исмоилжон.

Одамлар тарқалишди. Янги смена ишга тушди. Маҳкам ака анчадан бери Исмоилжон билан гаплашолмасди, бирга кетармикинмиз деб бир оз кутди, бўлмади. Исмоилжон бошқа одамлар билан гапга тутиниб қолди.

Қош қорайиб, у ер-бу ерда чироқлар йилтиллай бошлаган эди. Маҳкам ака халтачасини қўлтиғига тикиб, ташқарига чиқди. Сокин кўчанинг нариги ёғидан ғира-ширада оҳиста юриб келаётган қозоқ болага кўзи тушди. Бола, дўкон чироғи тагида тўхтади. Умидвор бўлиб, темирчилик устахонасига қараб-қараб қўйди. Маҳкам ака жойида турганича уни кузатди. Бола энди Маҳкам акани таниб қолганди. Секин йўлқадан тушди, йўлнинг ўртасидан шу томон кела бошлади. Маҳкам ака ҳам пастга тушиб, унга томон борди.

— Уйимга олиб кетайми? — сўради Маҳкам ака.

Бола иккиланиб, индамай тураверди.

— Ётадиган жойинг бўлмаса, нима қиласан? Хўп десанг, юр! — қўлини узатди Маҳкам ака.

Ота-ома меҳридан бевақт маҳрум бўлган гўдак меҳрибон кишига кўзларини тикди. Қўлини узатди. Нимжон қўллар қадоқ кафтда аллақандай ҳарорат сизди, ором олди.

— Отинг нима?

— Сарсонбой, — деди бола.

— Қани, кетдик бўлмаса, Сарсонбой.

Икковлари куни бўйи чарчаб, дам олаётган ним қоронғи кўчанинг ўртасида чироқ нурида йилтиллаб турган трамвай изи ёқалаб ёнма-ён кетишди.

Қоронғида эшик очган Меҳриниса эрини кўриб ҳайрон қолди.

— Санга тагин бир ўғил олиб келдим.

— Тагин-а?

— Салом бермадинг-ку, ўғлим.

— Салом, — деди секин Сарсонбой.

Меҳриниса алиқ оларкан, болага қаради-ю, қоронғида яхши кўролмади. — Қани, юр.

Маҳкам ака олдинда, Меҳриниса орқада айвонга кўтарилишаркан:

— Манам битта бола олиб келувдим, — деди Меҳриниса.

— А? Ҳмм, — ўйланиб қолди Маҳкам ака.

— Украин экан, оти Остап. Сиз билар экансиз-ку.

— Кимни?

— Болани. Ҳали айтдим-ку, Муборакхон келди деб. Кечқурун тагин келди. Сиани анча кутди. Гапларини эшитиб ўтириб, кўнглим бўлмади. Шартта бирга бориб, олиб келавердим. Олиб келдиму, келганидан бери сира чиройи ёришмади, ёришмади-да. Гапирмайди-ям. Юрагида бир дарди борми билмайман, овқат ҳам емади. Ҳозир ётди ўзиям.

Ўйланиб қолган Маҳкам ака кавшандознинг нарироғида ётсираб турган Сарсонбойга эшиттирмай, хотинига шивирлади:

— Бўлмаса, бугунча ётиб ором олсин, эртага буни детдомга олиб бориб бера қоламан.

— Қандоқ бўларкин. Ҳайдагандай бўлади-я.

— Қийналиб қолармикансан дейман-да. Кўрвот-

сан ку, ман ишдан ортолмайман. Бу ёқда еб-ичириш, кийинтириш дегандек...

— Қўйинг, Остап борган жойидан қочиб келган экан. Қандай дийдаси қаттиқлар дейман, олишга олиб, қандоқ қилиб ҳайдашинти, деб бировдан ўнкалаб ўтирувдим. Қаримтали дунёни қаранг, кулганим ҳам йўқ эди-ю, қирқ кун тугул қирқ соат ҳам ўтмай ўзимнинг бошимга тушиб турса-я. Қўйинг, насибасини топиб кетар. Булар нима бўлса, у ҳам шу-да. Бери кел, ўғлим.

Сарсонбой унинг ёнига борди.

— Отинг нима?

— Сарсонбой.

— Кела қол,— Меҳриниса боланинг афт-башарасига қараб, ўйланиб қолди,— шопма-чи, ҳозирча юз-қўлларингни ювиб турайлик. Эрталаб чўмилтирарман,— дедида, сув тайёрлагани кетди.

УН САККИЗИНЧИ БОВ

Меҳриниса эрталаб барвақт туриб самоварга олов ташлади-да, ҳовлида юрган эридан сўради:

— Бугун кечқурунгига борасиз шекилли-а?

— Нимайди. Бормайман. Шу ерда бир оз ишламоқчиман.

— Сарсонбойнинг сочларини олиб берсангиз, нонуштагача чўмилтириб қўярдим. Ҳали кийимларигаям қарашим керак. Узиям гўлаҳдан чиққанга ўхшайди-я, яғир бўлиб кетибди, бола бечора.

— Поездма-поезд юргандан кейин нима бўларди. Майли, уйғот бўлмаса.

Меҳриниса уйга кириб, пойгақда ётган Сарсонбойни уйғотди. Вола сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Баракалла, битта уйғотишда шунақа дик этиб турадиган бўлсанг, яхши бола бўласан. Ҳай, ҳай Витя. Уйғотаверарман, уйғотаверарман. Жаврай бериб жағим тушади. Қани турса. Ҳозир даданг сочингни олиб қўядилар, кейин чўмиласан...

Маҳкам ака Сарсонбойни айвонга ўтқазиб, бошини ишқалай бошлади. Узоқ ишқалади. Боши оғриди, шекилли, Сарсонбой чўчиброқ сўради:

— Олмасангиз нима қилади, амаки?

— Бўлмайди, ўғлим. Бошинг кир бўлиб кетган. Оғридими?

— Бирпас сабр қиласан, ўғлим. Қанча яхши увиса, устара шунча силлиқ юради.

Уйнинг бир чеккасида Абрам, Галя, бир чеккасида Витя билан Остап битта ўринда ётишарди. Уйғониб кетган Остап ётган жойида деразадан Маҳкам аканинг соч олишига тикилиб, ҳайрон бўлиб қолганди. Витя ҳам кўзини очди. Сарсонбойни кўрди.

— Ийе, тагин бола олиб келишибдимми? — деди шошиб бошини кўтариб, — нимага ағрайиб қолдинг, — деди Остапга, — ҳали шошма, сенинг ҳам сочингни олиб қўядилар, ким олиб келди-а, уни?

Остап индамади. Маҳкам акадан кўзини узмасди.

— Мени шу амаки олиб келганлар, биринчи бўлиб, билдингми? — деди Витя Остапга юзини ўгириб, — дам бўладилар, билдингми, — керилди у.

Маҳкам ака Сарсонбойнинг сочини олиб бўлиб, даҳлизга кирди, эшикдан болаларга қаради.

— Офтоб чиқиб кетди-ку, ётишларингни қара, турларинг!.. Хўш, Остап, ўғлим, мани танивотсанми?

— Ҳа, детдомда кўргандим.

— Ҳа, баракалла, эсингдан чиқармабсан-ку. Хўш, яхши ухладингми? Шу ерда қоласанми ё бизникиданам қочиб кетасанми?

Остап индамади. Бошини ёстиққа буркаб олди.

— Ҳой, онаси, мана буни энди чўмилтирсанг ҳам бўлади.

Меҳриниса даҳлизга қўйган жомашов ёнига челақда сув, совун, чипта келтирди. Сарсонбойни чақириб, кўйлагини ечди. Иштонини ечмоқчи бўлганида, липпасини маҳкам ушлаганча ечтирмай туриб олди.

— Сув совуб қолади, бу нима қилганинг.

— Йўқ. Ечмайман, — деди-да, тагинам қаттиқроқ ушлаб олди иштонини.

Айвонда турган Маҳкам ака бола уялаётганини фаҳмлаб, жомашов ёнига келди.

— Нарн тур-чи, ўзим чўмилтириб қўяман, хўпми ўғлим, еч!

Меҳриниса чиқиб кетиши билан Сарсонбой иштонини ечиб, жомашовга тушди. Маҳкам ака заранг косада челақдан сув олиб қуйди, бола сесканиб, кўзларини юмиб олди.

— Витя, бери кел-чи,

Витя югуриб, дадасининг ёнига келди.

— Совун билан чиптани ол. Орқаларини бир ишқалаб қўйгин.

— Кирлигини қаранг,— деди Витя ижирганиб ва серрайиб тураверди.

— Келганигда ўзинг қанақа эдинг, ака-ука деган бунақа бўлмайди. Бир-бирига қарашади. Кел, бўла қол.

— Совун билан кетмайди барибир.

— Нима билан кетади?

— Қашлогич бўлсайди.

— Қашлогич?

— Отни тозалайдиган қашлогич бор-ку. Ўша билан кетади кири.

— Кел, бўл, маҳмадана бўлмай совунни ол!

— Боринг-е, ўзи ишқаласин керак бўлса.

— Ҳа, ҳа,— деди бир нарсани фаҳмлагандай Маҳкам ака ва койиб бермоқчи бўлди-ю, ўзини босди. Остапни чақирди.

— Бу ёққа кел, ўғлим, чиптани ол-чи.

Остап гап қайтаролмай, нохуш келиб, бир қўлига чиптани, бир қўлига совунни олди. Сарсонбойни ишқалай бошлади.

— Қаттиқроқ, ўғлим, ҳа, жонинг борми?

Остап Сарсонбойни қаттиқроқ ишқалай бошлади-ю, бирдан кўзларидан ёш чиқиб, юзларига, кўйлақларига тушди. Кўриб қолган Маҳкам ака нималигига тушунолмади, ётиғи билан сўрамоқчи бўлиб турганида, айвон лабида ҳовлига оёғини осилтириб ўтирган Витя ҳўнграб йиғлаб юборди. Ёнига чопиб келган Галя ҳам бирдан чинқирди. Маҳкам ака ўрнидан туриб, айвонга чиқмоқчи, болалар ёнига бормоқчи бўлганда ўпкаси тўлиб турган Остап йиғлай бошлади. Нималигига тушунолмай ҳайрон бўлган Маҳкам аканинг юраги сиқилиб, Сарсонбойга бақирди:

— Сан нега жим турибсан, йиғла санам!

Сарсонбой бу гапни чипна-чин тушуниб, овози борича у ҳам бўкириб юборди. Ичкаридан қўрқиб Меҳриниса чиқиб келди.

— Нима қилди-а. Нега йиғлашвотти?

Энсаси қотган Маҳкам ака индамай елкасини қисди, совунли қўлларини шалвайтириб йиғлаётганларга бир-бир қараб чиқди. Охири тоқати чидамай, овози борича бақириб юборди.

— Бўлди! Учир оёаларингни!

Ҳаммалари жимиб қолинди.

— Хўш, тирранча, нимага йиғладинг-а? — сўради у Битядан, — қани, айт-чи?

— Нега бўлмаса ўзингиз Остапни «ўғлим-ўғлим» дейсиз. Ўғлингиз ман-ку.

— Санам ўғлимсан, уям, Абрам ҳам, Сарсонбой ҳам. Тушундингми? Ҳаммаларинг ака-укасанлар, ҳаммаларинг ўғил-қизларимизсан, тушундингми?

Витя индамади. Қовоқ-тумшуги баттар осилиб, бурнини тортиб ўтираверди.

— Хўш, қақилдоқ қизим. Сиз нимага йиғладингиз!

— Витя-да. Нега йиғлайсан деб олдига келувдим, чимчилаб олди, — деди бидирлаб.

— Ҳа-ҳа. Ҳали шунақа қўллариям чиқиб қолдим. Яхши айтдинг буни, қизим, — хўмрайиб Витяга қараб қўйди.

— Қани, сан нега, — деб Абрамга юзланган эди, у шюшиб:

— Йиғлаганим йўқ, дада, — деди.

— У кечаси йиғлайди, — деб тўнғиллади тесқари ўтирган Витя.

— Коп-котта бўлиб, сан нимага йиғладинг, — деб сўради Меҳриниса Сарсонбойдан.

— Сенам йиғла дедилар-ку, шунга йиғладим.

Ғая қиқирлаб кулиб юборди. Сарсонбойнинг гапидан ҳам унинг жомошовда ўтириши — елкасида чипта, юзларида қотиб қолган совун кўниклари ғалати кўриниб кетди. Абрамга кўрсатди уни. Меҳринисанинг ҳам кулгиси қистади.

— Укаларимдан қолмай, ёнига қўшилай дедим, дегин, дуруст, дуруст, — деди кулиб Маҳкам ака, — қани, хўш, энди санга навбат. — У Остапга юзланди, — сан нега йиғладинг?

— Укам... — деди-ю, ўпкасини босолмай, тагин ҳўнграб юборди.

— Бўлди, бўлди, бас қил. Қани, гапир-чи.

— Укам бориди, йўқотиб қўйдим.

— Қаерда?

— Вокзалда адаштириб қўйдим.

— Ҳа, ҳа, бундоқ дегин.

— Ойим ўлаётганида Лесядан бошқа ҳеч киминг

Йўқ, бирга юринглар деган эдилар,— у яна йиғлай бошлади.

Маҳкам аканинг кўнгли бир хил бўлиб кетди. Бир қўлида заранг қосани ушлаганича, Остапга тикилиб қолди.

— Бўлди. Ёшларингни арт. Ҳозир Сарсонбойни ювингтириб бўлиб, сиёглингни қидирамиз, тонамиз.

Меҳриниса аллақачон совуб қолган челақдаги сувни янгилаб келиб Сарсонбойнинг устидан қўйди. Маҳкам ака тоғ-тоза бўлган боланинг елкасига шапатилаб, болаларга кўрсатди:

— Мана, қаранглар, қандоқ чиройли бўн кетди.

— Чиройлимиш, — деди масхара қилиб Витя, — боши оппоқ тарвуз бўн қолди-ку.

Маҳкам ака Витяга маъноли қараб қўйди-ю, индамади. Икки қўлини тиззасига тираб ўрнидан тураркан. чарчаган одамдай сездн ўзини.

— Э, галваларинг ҳам бор бўлсин-е... қани, онаси, нонушта қиламизми, ё манам йиғлаб берайми? — деди болаларга кулиб қараб.

— Қани, дада, битта йиғланг, — югуриб келиб этагига ёпишиб олди Галя, — жо-он дада, йиғлай қолинг, мен кўрай.

— Қўй қизим, йиғлагулик қилмасин. Санлар катта бўлиб, орқамизда қолиб, бизларни тепкилаб кўмиб, устимизда йиғласаларинг майли...

— Боринг-е, ҳеч-да. Унақа ёмон гап айтманг, — эркаланди Галя, — айтмайсиз-а?

— Ҳа, қа хўп, пучугим.

— Улманг дада, ҳеч ўлманг, сизам, ойнимам, — деди қўрқиб кетган Абрам бир хил бўлиб.

— Қани, уйга кириглар, чой ичамиз. Остап, бошингни кўтар ўғлим. Айтдим-ку, қидирамиз деб, анави пақирларни олиб қўйгин. Ҳа, баракалла.

Икки гапнинг бирида «Ҳозир буларнинг ишидан зарури йўқ», деб такрорлашга ўрганиб қолган Маҳкам ака, нонуштадан кейин аzza-баzza отланиб, Остапни етаклаб, кўчага чиқиб кетди. Бўлмаса хотини қайта-қайта жавради: «Ҳой, барака топгур, хом ўйлавогтсиз, бекорга кунингиз ўтади, чарчаб, қолдан тойиб келасиз. Қидириш бўлса шунчалюк бўлади-да, айтдим-ку. Мубо-раккон ёзмаган, хабар бермаган, суриштирмаган жойлари қомапти. Шаҳарда бўлса дараги чиқмасмиди?

Сиз қаерни қидирардингиз» деди, эри қулоқ солмади. «Ноумид шайтон» деганича, таваккал қилиб, шаҳар кезмоқчи бўлди. Хотинининг гапида жон борлигини, дарак топиш маҳоллигини биларди. Аммо болани бу билан тинчитиб бўлмайди-ку. Гап билан каттани кўндириб, тушунтириш мумкин. Бола ўз кўзи билан кўрмагунча қаноат ҳосил қилмайди, кўнгли жойига тушмайди. Кўнглики тинчимадими, еган-ичгани ичига тушмай, ётган-тургани татимайди.

Маҳкам акага Остапнинг она васиятини қаттиқ ушлаб олгани таъсир қилди. «Шу ёшдаки, онасининг васиятини муқаддас деб биладими, бу бола бошқача чиқади, унда гап кўп. Лоақал унинг кўнгли учун ҳам бирга юриб, шаҳар кезиб, синглисини қидиришим керак. Топилса ҳай-ҳай, топилмаса яна кўрамиз, кайфити қандай бўларкин?»

Остап камгап эди. Ё ўзи табиатан шунақа ёки кичкина дилини катта ташвиш қора булутдай қоплаб олганидан камгап бўлиб қолганди. Бирон нарса сўраб, жавоб олиш ҳам амри маҳол. Мана, шунча юриб, трамвайга ўтиришди ҳамки, чурқ этгани йўқ. Маҳкам ака ўз ўйлари билан бўлиб, бир нима демади. Вагонда одамлар сийрак, ўтирадиган жойлар бемалол бўлганидан икковлари ёнма-ён жойлашишди. Маҳкам ака бир кўнгли уни секин гапга солмоқчи бўлди, синглик-ку, майли, аммо борган жойидан нега кетиб қолдикин? Шунини суриштириб билай-чи, деди-ю, тагин ўйланиб қолди. Гап очса-да, бола тагин эрталабгидай йиглаб юборса, гапиролмаса нима қилади? Қани, укаси бир ёқлик бўлсин-чи, ўшанда маълум бўлади. Ичидаги дарди шу бўлса, кетишининг сабаби ҳам равшан бўлиб қолади. Ёки бунданам бошқа дарди бўлса, ўзиям ёрилиб қолар. Ҳарқалай, ҳеч тушуниб бўлмайдиган ҳол эди. Фарзандликка олган одам юрагида ўти бўлмаса бу ишга жазм қилолмайди. Бутун машаққатини билиб олади. Олса-ю, орадан сал ўтмай бола кетиб қолса-да, қаёққа кетганиниям суриштирамас? Маҳкам ака ўйлаб-ўйлаб бу жумбоқни ечолмади.

Улар тўппа-тўғри Тахтапулга боришди. Маҳкам ака дарвоза ёнида ўзига таниш гаранг чолни кўрмади. Тўғри директор хонасига кириб борди.

— Леся Грищенко... Грищенко... — директор катта дафтарини varaқлади, аллақандай қоғозларни титки-

лади. Остап қалпоғини қаттиқ гижимлаганича директордан кўз олмай, ҳозир синглиси чиқиб қолади-гандай жавдираб ўтирди.

— Йўқ, бизда бунақа қиз бўлмаган,— деди директор.

Остапнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Улар хайрлашиб чиқиб кетишди.

— Хафа бўлма ўғлим, топамиз, кўнглингни тўқ қил. Ман сенга бир нарса айтиб берайми?— синовчан сўраган эди, Остап зўрға бош ирғаб жавоб берди,— аслида, ўша чолни кўрганингда, қизиқ бўларди, ҳа, эшит...

Маҳкам ака боланинг чиройи очилармикин деган хаёлда, ўзи биринчи шу ерга келган кунда бўлган ҳангамани гапириб берди. Ўрдадан ўтиб, Қашқар маҳалласига етишганда ҳам ҳикоя тамом бўлмади. Болалар уйига кириб боришди. Тарбиячи аёл суриштириб бергунча кутиб ўтиришди. Бу ерда ҳам йўқ. Кекса бир киши уларни кўчагача кузатиб чиқаркан:

— Ун иккинчига бориб кўринглар-а. Зора...— деди меҳрибонлик билан.

Маҳкам ака қолган жойидан бошлаб йўлга тушди. Ҳикояси давомида боланинг икки марта сал илжайганини айтмаганда, ортиқча ёриша қолмади.

— Қорин ҳам очгандир-а, оғайни? Қани, юр, бир чой ичиб олайлик-чи,— деб чойхонага олиб кирди.

Кенг чойхонанинг тўрида беш-олти қария, пойгакроқда иш кийимида уч аёл чой ичиб ўтиришибди. Оппоқ соқолли чол пиёлани кўтарганича радио карнайига аграйиб қолган. Ёнидагиси чойнакни ушланча қулоқ бериб ўтирибди. Елкасига ташланган сочиқнинг учи билан чойнак артаётган самоварчи ҳам қимир этмай репродукторга тикилган. Ҳамманинг қулоғи радиода. Маҳкам ака кириб борганига ҳеч ким эътибор ҳам бергани йўқ. У Остапни кираверишдаги сўрига ўтқазиб, ёнига ўзи жойлашди.

«...Шиддатли жанглардан кейин қўшинларимиз шаҳарни ташлаб чиқдилар...»

Сўнгги ахборот тугади. Ўтирганлардан бири туриб, радиони пасайтириб қўйди. Чойхонага ташвишли жимлик чўкди. Қўлида пиёла ушлаган чол сукутни бузди:

— Бу келишида ҳадемай анча жойни олиб қўяди-ку-а?— деди ташвишланиб.

— Ҳалиям озмунча шаҳарни босиб олгани йўқ, ота...

— Шаҳарларни олару, аммо халқни енголмайди, халқ газаби ёмон. Қўзғалди ҳозир, денгиз тошяпти деяверинг,— деди яна бири.

Маҳкам ака белбоғини ечиб, нон, туршак, жийдани патнисга солди. Чойни қайтариб, Остатга қўйиб берди.

— Ол, ўғлим, мана бу туршак билан қўшиб есанг, тўқ тутади.

Маҳкам ака шундай деб, чойнак қопқоғини тақиллатган эди, самоварчи ёнига келди.

— Утиринг, қани, нонга қаранг,— дея патнисни унинг олдига суриб қўйди.

Остат туршак чайнаркан, чойнак қопқоғининг тақиллашига келган чойхоначига, унга алланималарни тушўнтираётган Маҳкам акага тикилди.

— Паст кўчадаги уста Парпи ҳам бола олган. Анави этикдўз мўйлов бор-ку, ҳовуз лабида, уям олган, қиз болалар дейишувди. Тагин... Ҳа, эсимга тушди. Ўқитувчи бор, биласизми, йўқми, кўзойнакли, бир вақт савод курсидаям ўқитарди, ўшайм бола олган.

— Яхши айтдингиз. Бораман. Ол, ўғлим.

— Топилади, акажан, деб бўйинингга осилиб олади,— деди самоварчи Остатга кулиб.

Остат сал очилди. Назарида ну самоварчи толиб берадигандай ундан кўз узмасди. Самоварчининг чаққон ҳаракатлари, бўй барабар самовардан сув қуяркан, чойнакни гоҳ пўтариб гоҳ пастга тушириб, қўғирчоқдай ўйватини, ҳаммасидан қизиги қопқоқ овонини эшитса, толиб боришига маҳлиё бўлиб қолганди.

— Қорни тўйдими?— сўради Маҳкам ака.

— Жуда тўйди. Раҳмат.

— Қани, кетдик бўлмаса.

Тайин қилинган паст кўчага тушиб боришди. Уста Парпи битта ўғил бола олган экан. Эшигини тақиллатиб ҳам ўтиришмади. Ундан ҳовуз лабига боришди. Бир тавақалли ивстаккина эшикни толиб, тақиллатди Маҳкам ака. Урта ёшлардаги жувон чиқиб келди. Ёнида беш-олти ёшларда, эгнига янги атлас кўйлак кийган, калта сочига бир нечта пилик ўра-

ган қиз пайдо бўлди. Аёл Маҳкам аканинг гапини эшитиб, ачиниб Остапга тикилди. Нима гаиллигига тушуниб қолган қизча унга қараб бидирлади:

— Қўлидан қаттиқ ушлаб олмаган экансиз-да.

Остап индамади. Хомуш тураверди.

— Домланинг қизлари катта. Камида ўн ёшда бўлса керак,— деди жувон.

— Шунақами. Ундай бўлса оёра бўлишнинг ҳожати йўқ экан,— деди Маҳкам ака ҳафсаласи бир бўлиб,— кўн, хайр, синглим.

Кеч кириб қолди. Маҳкам ака ишени ўйларди. Узлариям роса чарчашган эди.

— Энди нима қиламиз, ўглим? Қани, юр-чи, бўлар иш бўлди. Ҳалиги айтишган клубга ҳам бориб кўрайлик-чи.

Клубга желишганда ҳоронги тушиб қолган эди. Эшикни қоқниди. Ичкаридан кекса бир киши чиқиб келди.

— Келинг, кизмат?

— Айбга санамайсиз. Бевақт безовта қилдик. Мана шу боланинг синглисини қидириб юрибмиз. Эрта-лабдан бери шақар кезамиз.

Қоровул ўйланиб қолди.

— Тузукку-я, чирақ йўқ. Болалар барвақт ётиб қолинган. Қандоқ қилсак бўларкин-а. Шошманг, боланинг ўзини киритсак...

— Яхши бўларди, барака тошкур. Ҳожатимиз чиқарди.

— Йўе, секинроқ айтасизми ҳожат деб, асло хи-жолат бўлманг. Шудар деб юрибмиз-да.

Улар ичкарига киришди. Кенг клуб залида, зич қўйилган каравотларда юзга яқин бола ётарди. Баъзиларида иккитадан. Остап деразалардан тушиб турган ним ёруғликда каравотлар орасига кириб, болаларни биттадан кўадан кечира бошлади. Анча айланди. Бир неча марта у бошидам бу бошига бориб келди. Тополмади. Хўрсиниб, эшик ёнига келди.

— Йўқ,— деди оҳиста бошини эгиб.

Қоровул боланинг ҳолига ачиниб кетди.

— Учинчи болалар уйида бўлдиларингми? — деб сўради у.

— Ҳа, у ерда ҳам йўқ.

— Олтинчида-чи?

— Бўлдик.

— Самарқанд дарбозадагига бориб кўрдингизми?

— У ерда ҳам йўқ. Ун иккита болалар уйида бўлдик.

— Э, аттанг...

Маҳкам аканинг ҳам, Остапнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, шалпайиб тушишди.

Маҳкам ака ўйлаб қолди. Тайин қилинган жойларнинг ҳаммасида бўлди. Битта бормагани вокзал қолганди. «Тунда кимдан, ниманиям суриштирдим,— дерди ўзига ўзи,— э, шошма, вокзалнинг тунни нимаю куни нима. Баб-баробар эмасми. Қани, юр. Вокзалга ҳам бир бориб кўрайлик-чи», деди-да, Остапни етаклаб трамвай тўхтайдиган жойга кетди.

Вокзал олдидаги майдон, дарахтзор, гулзор хиёбон, ён-веридаги кўчалар, йўлкаларда юриб бўлмасди, одам босиб кетганди. Кўч-кўрони, бола-чақаси билан гуж-гуж бўлиб ўтирганлар, ерга ётиб олганлар, лашлушлари солинган халтачасини кўтариб, чўнқайишга яроқли жой қидириб юрганлар беҳисоб. Уларни ора-лаб ўтиб бўлмасди, ўтиб бўлганда ҳам ҳол-аҳволларига, кийим кечаклари, чориқларига, афт-ангорлари, кир-чирларига, баъзиларининг кўпчиган юзлари, олхўридек қовоқларига қараб, оқ-воҳлари, дарду ҳасратларига қулоқ солиб бўлмасди, одам боласининг юраги бардош беролмасди. Бунинг учун кўзни кўр, қулоқни кар қилиб олиш керак эди. Неча ойдан бери минг-минглаб оилаларни бағрига олаётган шаҳар ҳам чарчаб қолганди, сиқилиб, ҳансирарди, ҳоли жони толар, мадори қурирди. Шунга қарамай, ҳаллослаб бўлсаям, охирги кучини йиғиб, тиришарди, ноумид бўлмасди. Бўйрадек жой, катакакдек хонасиниям бўшатарди, бир қошиқ ёвғониниям баҳам кўрарди. Барибир улгуролмасди, ҳафталаб, ойлаб шу ерда қолиб кетганлари бор ўтирганларнинг. Вокзал дегани, келиб-кетадиган жой дегани бўлса керак, аслида. Агар шундай бўлса, бу сўз ҳозир Тошкентда ўз маъносини йўқотган. Келиб қоладиган жойга айланганди.

Маҳкам ака трамвайдан тушиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Хийладан кейин чап томондаги йўлкага ўтди, иморат ёқалаб, Остапни орқасида эргаштириб, деворга суяниб юра бошлади. Сал нарироқ борганида гужанак бўлиб ўтирган тўдадан сочлари тўзғиган аёл

зўрға ўрнидан туриб, Маҳкам акани тўхтатди. Бармоғидаги қуйма олтин узукни суғуриб, узатди. Маҳкам ака аёлнинг мақсадини тушуниб, узукни қайтарди. Чўнтагини ковлай бошлади.

— Пул керакмас, нон, нон... боламга...— дея қопчиқ устида чўзилиб ётган болани кўрсатди аёл.

Маҳкам ака шошиб, белбоғини ечди. Икки бурда нон билан беш-олти дона туршак, жийдани аёлга тутқазди. Аёл кўзлари ёниб, шартта қўлини узатди-ю, сўзсиз, тўхтаб қолди.

— Олинг, айби йўқ, насибаси экан,— деди Маҳкам ака.

Аёл яна узугини узатди. Маҳкам ака олди. Шундагина аёл шошиб белбоғни бўшата бошлади. Битта туршакни боласининг оғзига солиб, битта жийдани ўзи оғзига ташлади, миннатдор бўлиб, белбоғни қайтараркан, Маҳкам ака аёлга қўлини узатди, аёл ҳайрлашмоқчи деб фаҳмлаб қўлини тутган эди, Маҳкам ака узукни кафтига солиб, панжаларини букди, кўнмаганига қарамай, бирпас шундай ушлаб турди. Аёлнинг тилига гап келмади, чуқур-чуқур кўзларидан ёш чиқиб, юзларига юмалади. Маҳкам ака қўлни қўйиб юбориб, юриб кетди. Аёлнинг юзига қаролмади, дийдаси бардош бермади. Даҳшатли тўқнашувнинг гувоҳи бўлган Остап этагидан ушлаб борарди. Қоп-қора тунда чақмоқ чақилганидек, шу топда ҳамкасаба дўсти Жўра соқовдан қарз олиб, узук харид қилгани, гўшангада хотинининг қўлига солгани кўз олдига келди. Ўттиз йилдирки, Меҳриниса ҳалиям тақиб юрибди шу узукни...

Вокзал биноси олдига боришганда бирдан тўполон кўтарилиб қолди. Давангирдек, дароз чувринди кийинган бир одам бошини қорнига эгиб, букчайиб, икки қўлини ҳовучлаб оғзини ёпиб, нон кавшарди-ю, беш-олтита аёл, чоллар уни дўппослаб уришарди. Дароз калтакни писанд қилмасди, бошини кўтармай, нон чайнарди, одамлар қўлидагини тортиб олишга уринарди, эплотмасди, кетма-кет елкасига мушт тўшарди. Бирпасда нон ҳам тугади, мушт ҳам тўхтади. Етиб келган милиционер дарозни олиб кетди. Калтаклаганлар тарқалишди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай.

Маҳкам ака вокзалнинг «Эвакопункт» деб ёзилган залига кирди. Билагига қизил таққан қизчага дуч

келди. Воқеани тушунтириб берган эди, қизча Остапга қаради, умидвор кўзларига тикилиб туриб: «Коп-котта бола, етаклаб олмаган экансан-да. Топилади. Хафа бўлма», дея кўнглини кўтарди-да, уларни катта стол ёнига бошлаб берди. Қалин дафтарни очиб, варақлай кетди. Анчагача варақлади. Маҳкам ака кенг залнинг бир бурчида ерга жой солиниб, ёнма-ён ётқизиб қўйилган ўн беш чоғли болаларга тикилганича қолди. Гўдакларнинг ҳаммаси, касал ё бедармон бўлса керак, биронтаси бошини кўтармасди. Баъзилари ухлаган, баъзилари кўзи очиқ, баъзилари чирқираб йиғлар, биллагига қизил таққан қизлар болаларни овутиш билан овора эди. Улардан бири аллакимни яниб, жиғибийрон бўларди:

— Уч соат бўлди-я, кетганига, келсин, кўрадиганини кўради мендан...

— Рўйхатда бунақа қиз йўқ, амаки,— деди дафтарни ёпиб қиз,— эълонларни бир кўриб чиқмадингизми?

— Қанақа эълон?

— Кўчадаги-чи. Ҳамма ёққа ёпиштириб ташланган-ку.

— Пайқамабман, қизим.

— Қоронғи-да. Кўзингиз тушмагандир. Ҳозир. Маъсуда,— у, қалиги болалар билан овора бўлган қизлардан бирини чақирди,— бери кел,— қиз югуриб келди-да, Маҳкам акага салом берди,— фонаринг ёнингдами?

— Шкафда, нимаиди?

— Олгин-да, мана бу амакимга ҳамма эълонларни кўрсатгин. Қоронғида қийналиб юрмасинлар

— Анувларни...

— Узим қараб тураман.

Маъсуда Маҳкам ака билан Остапни бошлаб, ташқарига олиб чиқди. Бинонинг шундоққина муюлишида тўхташди. Деворнинг очиқ жойи қолмабди. Ҳамма ерига қоғоз ёпиштириб ташланган, ҳар хил қалам, сиёҳ билан турли рангдаги қоғоз нарчаларига битилган хат, хабар, эълонлар одам бўйи етадиган жойгача елимлаб ёпиштирилган, мих билан қоқилган, тугмача мих билан қадалган. Маъсуда қўл фонарини ёқиб, хатларни бир чеккадан ичида ўқий бошлаган эди, Маҳкам ака қизиқиб сўради:

— Қизим, нималар ёзилган буларда?

— Ҳамма нарса ёзилган: мана бунисида, — Маъсуда шапалоқдай кепак қоғозни ёритиб ўқиди: — «Коля! Ҳар якшанба кечқурун соат 6 да шу ерда кутаман. Онанг Мария». Мана бунисида, — деди Маъсуда ҳисоб дафтар варағини ёритиб. — «Қизим Оксана. Бунинг билан заводнинг ётоқхонасига жойлашганмиа. Уша ўзимизнинг завод. Адресини эвакопунктдан сўрасанг айтиб беришади. Евдокия Горбатенко», «Уғлимни қидираман, — деб ёзилганди газетанинг четидан йиртиб олинган узун қоғозга, — олти ёнда, сочлари жингалак, бурнининг чап ёнида холи бор. Кўрган-билганлар хабар қилса икки дунё унутмасдим. Фурсатини аямай машаққат чеккан кишига олдиндан миннатдорчилигимни билдираман. Елизавета Синикайте. Адресим: Ғайрат маҳалла, уй № 134», «Тамарочка, мен олтинчи залнинг эшиги ёнидаман. Онанг Валентина», — деб ёзилганди китоб варағининг оқ жойига.

— Ҳаммаси шунақа хатлар, — деди Маъсуда, — қани, юринглар-чи.

Улар симёғоч тагига боришди. Ҳаммасини ўқиб чиқаман деса тонг отарди. Маъсуда имзоларга кўз югуртира бошлади. Бу ерда ҳам топилмади. Нариги симёғочга боришди, ундан наригисига ўтишди. Симёғочларнинг биронтасида ҳам бўлмагач, майдон атрофидаги биноларнинг деворларини кўздан кечира бошлашди. Дуч келган жой борки, ҳаммасига қоғоз ёпиштирилган эди. Ёмғирдан ивиган, сиёҳлари ёйилиб, чаплашиб кетган, йиртилган, офтобда сарғайган бу қоғозларнинг ҳар бирида инсон тақдири, қалб ҳарорати, жудодик нидоси, боланинг жавдираши, онанинг кўз ёши, жигарларнинг бир-бирига интилиши ва албатта шулар орасида раста бўлиб қолганларда уйғонган илк муҳаббатнинг изҳори ҳам бор эди.

Икки қаватли бино деворидаги қоғозлардан бирини ўқиркан, Маъсуда беихтиёр кулиб юборди. Маҳкам ака қизиқсинган эди, қиз уялиб, аввалига ўқимади. Кейин, отанинг кўнглига келмасин деди-да, «Болаларнинг шўхлиги-да, буни қаранг ёзишганини», деб хатни ўқиб берди. «Бутун йўл бўйи сени ўйлаб келдим. Вокзалда йўқотиб қўйдим. Энди кўрмасам туролмайман. Жон Олесь, бизникига боргин, хўнми?»

Заводнинг ўзида турамиз. Адресимизни эвакуопунктдан олгин, биласан-а? Сени кутаман, кутаман, кутаман... Галя Проценко».

Маҳкам ака кулиб қўйди.

— Майли, ёшлик-да, қизим. Ажабмас шулар ҳам топишиб кетса. Қизим, бу нимага ҳамма хатда заводимиз адресини эвакуопунктдан олгин деб ёзишган? Жойи ноаниқми?

— Аниқ. Булар ҳаммаси янги кўчиб келган ҳарбий заводлар. Адресларини айтиб бўлмайди. Ахир биласиз-ку, ҳар хил ярамас одамлар бор,— деди қиз катта одамлардек муҳим бир давлат аҳамиятига эга нарсани Маҳкам акага тушунтирган бўлиб.

— Тўғри, тўғри.

Улар йўлка ёқалаб ўсган дарахтлар ёнига боришди. Йўғон бир дарахтдаги қоғозлар ичида картонга ёзилган хатни ўқиди Маъсуда: «Қизим, Тошкентда бўлсанг, ҳар куни кечқурун саккизда мана шу йўлкага, дарахтлар ёнига кел. Шу ерда кутаман. Марина».

Маъсуда хатни ўқиб бўлиши биланоқ беш-олти қадам нарироқдан бир аёл кишининг «ҳа» деган овози эшитилди ва кўз очиб-юмгунча аёл шу ерда пайдо бўлди. «Мен бўламан Марина. Мен бўламан!» дея қичқариб Маъсудага, кейин Маҳкам акага ёпишди.

— Биламан хола, сизни биламан,— деди уни юпатиб Маъсуда.

— Биласан-а, қизим ҳозир келади, биласан-а...— аёл бирдан жим бўлиб қолди. Йўлканинг четига бориб ўтирди.

Маъсуда Маҳкам акага «Кетдик» деган ишорани қилди. Улар вокзал томонга юришди. Боришаркан, Маҳкам ака сўради:

— Бу ким, қизим?

— Шу ердалигини билганимда ўқимаган бўлардим,— деди Маъсуда жавоб ўрнига ўзидан ўзи койиниб.

— Нимани?

— Ҳалиги хатни-да. Шу кампирники. Савдойи бўлиб қолган. Ҳар кеч соат саккизда шу ерга келади, ўтириб-ўтириб кетади. Баъзида эвакуопунктга ҳам киради. Шу ерга келмадими деб сўрайди. Алдаб, кўнглини кўтариб чиқариб юборамиз.

— Вечора. У ёқ-бу ёққа ёзиб кўрмадими?

— Қаёққа ёзарди. Қизи ўлган!

— А? Ўзи билмайдими?

— Ҳамма бало шунда-да, ота. Ўзи кўрган. Бўйи етган қиз экан. Партизанлар билан бирга бўлган экан. Фашистлар қўлга тушириб, онасининг кўзи олдида отиб ташлашган.

— Э, воҳ!.. Э, шўрлик-е, э, бечора-е... тагинам қаддини кўтариб юрибди-да.

— Ушандан буён мана шунақа савдойи бўлиб қолган. Шу ерга келиб овуниб кетади. Келини бор, анави фабрикада ишлайди. Ўзлариям вокзалнинг орқасида туришади. Кўпинча келини келиб, алдаб олиб кетади.

— Даҳшат, қизим, даҳшат бу. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишлар. Э, тавба...

Улар гап билан бўлиб, эвакуопункт биноси олдига бориб қолишганини ҳам пайқашмади. Маъсуда нима дейишини билмай турарди.

— Майли, қизим, барака топинг, шунча овора бўлдингиз. Ноумид шайтон. Яна қидириб кўрамиз-да.

— Агар дарак топсак, мен ўзим хабар қиламан,— деди Маъсуда.

— Барака топинг, қизим, хайр, омон бўлинг. Кетдик, ўғлим,— Останни қўлидан ушлади, эртами, индин яна қидирамиз. Топамиз,— деди боланинг кўнглини кўтариб.

Улар трамвайга чиқишди. Очиқ дераза ёнига ўтирган Остат шаҳар оқшомини томоша қилиб борарди. Чарчаб ҳориган Маҳкам ака ўз ўйи билан банд. «Одамнинг кўнглини олиш қанчалик оғир, машаққат-а. Ҳали бу-ку, одам ушоғи. Шунингки, кўнглини олиш шунчалик қийналотти. Қанчадан-қанча одамларни овора қилдим, ўзим куни бўйи сарсонман, тавба. Одам зоти дунёга келар экану, бора-бора ҳар бирининг ўзи бир дунё бўлиб қолар эканда-а. Мана шу ушоқ ҳам бир дунё. Уйдагилар-чи?— ўзича кулиб қўйди,— анави сепкил ҳам бир дунё-да. Ҳалитдан гап кўрадиган ҳунар чиқарибди-я. Тавба. Абрам-чи? Бола бечора. Нариги дунёдан қайтиб келганга ўхшайди. «Ўлманг, сираям ўлманг» эмиш. Пучуқвой-чи? Ўзи оламнинг нима эканлигини билмасаям, ўзича, бир олам... Сарсонбой-чи? Ҳа, боласи тушмагур-ей, довдир, довдир, илло, эси кириб қолган. Иштониники

ечишга уялдими, эси кириб қолгани шу... Ҳар бирининг қош-қовоғига қараш керак. Қараш инсон боласига ҳам қарз, ҳам фарз. Шуларни билмасмикин ўша Гитлер аблаҳ. Ахир уям одам боласи-ку, уям мана шунақа ушоқдан ўсиб катта бўлган-ку! Тавба қилдиму, ҳайвон табиатроқ, одам сиёқи йўқ махлуқми деб қўйдим. Ҳай, қўйнинг кўз ёши бўрини кўр қилади дейишади-ку. Узоққа бормас-е.

Ойнадан электр чироқлари хира ёритиб турган кўчани томоша қилиб бораётган Остап йўлкада бир аёл етаклаб кетаётган қизчани кўриб қолди. Укасига ўхшатиб, дик этиб ўрнидан туриб кетди:

— Леся, ана Лесяни кўрдим,— деди ҳовлиқиб.

Маҳкам ака деразадан кўчага бир қараб олди-да, ҳеч кимни кўролмади, вагон ҳайдовчи ёнига борди.

— Барака топкур, тўхтатинг,— деди ялиниб.

— Мумкинмас,— деди ҳайдовчи бепарво.

— Мана бу боланинг укасини қидириб юрувдик. Кўриб қолдик. Тўхтата қолинг.

Ҳайдовчи бир Маҳкам акага, бир Остапга қараб олди-да, вагонни тўхтатди. Бола сакраб ерга тушди, йўлкага ўтиб, югуриб кетди. Кетидан Маҳкам ака чопди. Анча ергача ҳаллослаб борди-да, чарчади. «Леся»лаб бақириб бораётган Остапни тўхтатди.

— Бас ўғлим,— деди нафаси оғзига тиқилиб,— кўзингга ўша бўлиб кўрингандир.

— Йўқ. Узи. Леся.

— Қаёққа кетвотганди?

— Шу ёққа. Сиз шу ерда тура турунг. Мен нарироққача бориб кўрай.

— Майли, бор-чи.

— Ле-е-с-я!!!

Остапнинг овози кимсасиз кўчада узоқларга эшитилиб, акси садо берарди. У ўртаси гулзор сердарахт хиёбонгача чошиб борди. Хиёбон бир-бирини кесиб ўтган иккита кўча ўртасида бўлганидан қаёққа боришини билмай тўхтаб қолди. Яна чақирди.

Хиёбоннинг нариги томонида ўрта ёшлардаги аёлнинг қўлидан ушлаб бораётган Леся таққа тўхтаб қолди. Овоз келган томонга қулоқ солди.

— Остап!— деди ағрайиб.

— Нималар деясан, қизим, юр!

— Шошманг, шошманг... Ана, эшитдингизми, Остап,— деди Леся севиниб.

— Ҳеч ким чақиргани йўқ. Сенга шунақа эшитилгандир, юр, кетдик.

Аёл қизни қўлидан ушлаб, икки-уч қадам юрмаган ҳам эдики, бошини ёнига ўгириб, овоз келган томонга қулоқ солиб бораётган Леся яна акасининг овозини эшитди.

— Ана!— деди аёлнинг қўлидан чиқиб ва шу заҳотиёқ иккала қўлини карнай қилиб «Остап» дея қичқирди.

Остап унинг овозини эшитди. «Леся»лаб бақирганича хиёбон йўлкасидан овоз келган томонга югурди. Маҳкам ака ҳам кетидан чопди. Аёл Лесяни етаклаб, орқасига қайтиб, хиёбон томон келарди.

— Ле-е-с-ся!

— Ос-та-а-ап!

Шу сокин кечада чорраҳа, хиёбон кўкида тун пардасини ёриб, акси садо бериб янграган қўнғироқ овозлар, икки жигаргўша норасидаларни топиштирган ва меҳр-оқибат рамзи ўлароқ, шуларнинг номи билан аталса арзигулик шу кўча, хиёбон кўкида ҳамон жанглаб тургандай...

Улар хиёбон ўртасидаги ҳайкал ёнида учрашишди, Леся югурганича келиб, акасининг бўйнига осилиб ояди. Остап уни маҳкам қучоқлаганича, қўйиб юбормасди. Икковининг йиғлаётганини ҳам, кулаётганини ҳам англаб бўлмасди. Етиб келган Маҳкам ака, ҳайрон бўлиб қолган аёлга:

— Шукур. Топишишди,— деди белбоғини ечиб, терларини артаркан.

— Энди нима қилсак экан-а?— ташвишланиб деди аёл.

— Йе, бу ёғини ўйламанг, сингил, топишганини айтмайсизми. Вой-бўй... Қон қилиб юборди-ку.

— Тушуниб турибман,— деди аёл эс-қушини йиғиб ололмай,— нима қилсам экан-а. Акаси сизларда бўлса, укаси менда... Кўнишармикан?

— Айтдим-ку, синглим. Кўнишадими, йўқми бу ёғини ўзлари билишади. Топишганига шукур қилсангиз-чи. Ҳали буни Назарова эшитса, хавотир олиб ўтирган янгангиз билса борми, тўй бўлиб кетади, тўй,— Маҳкам аканинг кунни бўйи чарчагани ҳам бир

бўлди-ю, ҳозирги хурсандчилиги ҳам. Шундай ёнгил тортиб кетган эдики, аёлнинг ташвиши қулоғига ҳам кирмас, хаёлига ҳам келмасди,— бўлди, Остап, бизам кўришайлик қочоқ қиз билан.

— Кўриш, Леся,— деди укасининг елкасидан қўлини олмай,— шу амаким билан эрталабдан бери қидирамиз.

— Оппоқ қиз, ширин қиз, қочоқ қиз,— дея қўлига олиб эркалади Маҳкам ака. Аёл Остапнинг саломига алик ҳам олмади, икки кўзи қизда, қўлларини унга узатиб тураверди. Маҳкам акани қўлидан шартта тортиб олгудай важоҳатда эди. Маҳкам ака қизчани ерга қўйди, у яна акасининг бағрига кириб олди.

— Энди буларни ажратиб бўлмайди, синглим.

— Тушуниб турибман. Акасини олиб кетай деса, қийналиб қолармиканман дейман. Эркагим йўқ, яккаман.

— Бўлмаса, қизни мен олиб кетай,— деди Маҳкам ака.

— А? Вой. Йўқ, йўқ... Урганиб қолганман-а,— аёл йиғлаб юборгудай ўпкаси тўлиб гапирарди. У, шундай деб, Лесяни қўлидан ушлаган эди. Остап шартта унинг қўлини тортиб олди.

— Тегманг унга!— деди бақриб.

Маҳкам ака қўйдай ювош деб билган боланинг шунчалик зарда билан гапиришини сира ўйламаган эди. Эриш туюлди, ёқинқирамади-ю, шу заҳотиёқ фикридан қайтди. «Жигар-да, жони ачиди», деб қўйди кўнглида.

— Манга қара, ўғлим. Бундай қилайлик. Холанг ёлғиз экан. Бугунчалик Леся билан холангникида қол. Уканг билан гаплашиб ётинглар. Эртага келиб хабар оламан. Ёқса қолаверасан. Ёқмаса ўзим олиб кетаман. Бизникидаям ёқмаса... тагин ўйлашиб кўрамыз.

— Барака топинг-е. Жуда тўғри гапирдингиз. Шундай қилайлик, хўпми? Қани юринглар.

— Бормайман,— деди Лесяни бағрига босиб Остап,— буням бермайман.

Маҳкам ака «начора», дегандай елкасини қисиб аёлга қаради.

— Мени ташлаб кетаверасанми, қизим,— дея кўз ёши қилиб, Лесянинг кўзларидан ўпа бошлади аёл.

— Хафа бўлманг,— деди уни юпатиб Маҳкам ака,— яхшиси соғинганингизда бизникига боринг. Бола баҳона танишайлик, янгангиз билан эгачи-сингил тутининглар:

— Раҳмат, амаки, бораман.

Аёл сумкасини очиб, қоғозга Маҳкам аканинг маҳалласини ёзиб олди. Кўз ёшларини тиёлмасди. Лесядан кўзини узолмай, қўлини кўтарганича унга қараб қолди, чироқ ёруғидан ўтиб, қоронғилик қўйнига кириб кетишгандагина орқасига қайтди.

Меҳриниса қош қорайгандан кейин хавотирлана бошлаган эди. Қозондаги овқати эзилиб кетди. Охири болаларга сузиб берди-да, ўзи емай эшикка чиқиб, кириб, бетоқат бўла берди. Болаларнинг тўполони ҳам юрагига сиғмади, нуқул кўз олдига Ашуртой ака аравасида олиб келган, Салтанатнинг жасади солинган яшик-тобут кўринаверди. Ваҳима босди. Супанинг четига ўтириб, эсини йўқотган одамдай тиқ этса эшикка тикилиб қолди.

Улар алламаҳалда келишди. Эшик тавақасининг гийёқ этиши Меҳринисани чўчитиб юборди, кўксига бир-икки туфлаб, бўшашиб ўрнидан турди.

— Мана, топдик,— деди севиниб укасини етаклаб кирган Остап.

— Ҳа, ташвишларингам бор бўлсин-е. Қаёқда қолиб кетдингиз? Эрталаб кўзим учиб, кўнглим ғаш тортиб турганди. Қўя қолинг деганим ҳам шундан эди.

Остап укасини Меҳриниса ёнига олиб келиб турибди-ю, унинг гапи тамом бўлмасди, қизни кўрмасди. Остап ҳам, Леся ҳам ҳайрон, унинг нега жиғибийрон бўлаётганига тушунишолмасди.

— Ойим бўладилар,— деди Остап Лесяга,— салом бер.

— Салом!— деди секин чўчибгина қизча.

— Ваалайкум ассалом, қани, қани,— Меҳриниса қулочини ёзиб, чўккалаган эди, қизча унинг қучоғига отилди,— ширин қиз, шакар, қиз экану бу, а, қаёқларда юрувдинг ҳаммани сарсон қилиб.

Аёлларнинг бебаҳо фазилатлари бор-да. Ғазаби қўзғаганида киприк толаларининг ҳар бири ханжар

бўлишига ҳам, меҳри товланганда эриб кетишига ҳам, ваҳм босиб, нариги дунёга бориб келишига ҳам, шу топнинг ўзидаёқ айланиб-ўргулишига ҳам гап йўқ. Меҳриниса ҳам ҳозир ҳамма нарсани унутиб, бағридан чиқиб кетган боласини яна қучоқлагандай, қизни қўйиб юбормасди.

Айвонин бошига кўтараётган болалар тинчиб қолганди. Меҳриниса бағрида болани кўриб, Галя ўқдай отилиб, яланг оёқ ҳовлига тушди, кела солиб онасини орқасидан қучоқлаб олди.

— Ойи, Ойижон!

— Мана, сенга ўртоқ келди, қизим. Уйнанглар, — деди Меҳриниса болани бағридан қўйиб ва ўзи эри орқасидан айвонга кўтарилди.

— Дада, дада-чи, фотограф келди. Суратга олди. Тағин келармиш, — ҳовлиқиб деди Витя.

— Дадаиң қақрамон, дейди ўша киши, ростми, дада, — Абрам қизиқиб сўради.

— Ойинг ҳам деди, — Сарсонбой қўшиб қўйди.

Маҳкам ака ечинаркан, хотинига қаради, нима-лигига тушунолмади.

— Газетадан, радиодан, дейди. Ёзиб, суратга олиб кетилди, — деди бепарвогива хотини.

— Нима қилинармиш?

— Қасддан билмай. Босиб чиқаринса керак-да. Тағин келишармиш. Узингиз билан ҳам гаплашишмоқчи.

— Таваба, бунисиям бормиди ҳали. Тинчлик йўғ-а. Исмоилжон айтувди-я, бу аҳволда газетга ҳам тушиб қолармиз деб. Уям нима қилсин бир ўзи. Бир раисчалик ишлаб турибди.

— Қасддаги гапларни гапирвотсиз-а. Болаларни олганимизни ёзишармиш

— Нимасини ёзилади? Сарсон бўлишганимизми? Ёгим қолишганимизми? Шўрликларнинг азоб чекканини ҳаммага хабар қилиб, ярасини янгилаб нима қилишади?

— Бўлди энди, камунча жиғибийрон бўласиз, қилганини қилар.

Болалар эр-хотиннинг гапларини эшитинмас, суна ёнида ўаларя билан ўалари овора эди.

Остап сингласини Сарсонбойга таништирди.

— Мана, синглим Леся, — деди хурсанд бўлиб ва

Лесяни қулоғига шивирлади,— бунинг оти Сарсонбой.

Леся кулиб Сарсонбойга қаради ва катталарга тақлид қилиб, қўлини узатди. Кўришишди. Кейин Абрам, Галялар билан танишди. Остап бир чеккада қовоғини солиб турган Витяни кўрсатди.

— Бу Витя бўлади.

Леся унга кулиб, қўлини узатувди Витя кўришмади, қизнинг олдироғига келиб дўқ қилди:

— Нимага келдинг, энди сен бормидинг нонимизга шерик бўлмаган.

Леся қўрқиб, акасига ёпишди. Остапнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нега уришасан, тегма унга,— деди Витяга ўқрайиб.

— Тагин зўравонлик қилади-я. Нимага келдиларинг. Бор, ўзингнинг уйингга бор!

— Нимага, сен хўжайинмисан бу уйга?

— Хўжайинман. Бу менинг уйим. Биринчи бўлиб келганман бу уйга, билдингми?— деди Витя муштумини Остапнинг бурнига теккизгудай бўлиб,— укасиймиш.

Меҳриниса чақириб қолмаганда болаларнинг жанжали нима билан тамом бўларди, айтини қийин. Улар индамай айвонга чиқишди. Ётгани уйга кириб кетишди.

Эр-хотин айвонда, овқатлангани ўтиришди.

— Шукур. Бунисиниям тиичитдик...

УН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Қодирхўжа ўчиб қолган папиросини кулдондан олиб, заживалкани ёққан эди, ҳадеганда пилиги ўт олавермади. Кўп уннаб ёндиролмади. Жаҳл билан папиросни кулдонга ташлаб, заживалкани стол устига қўйди. Телефонга ўгирилди. Трубкали қўли билан рақамларни терар экан, ўнг қўли беихтиёр тагин папиросга узатилди, уни тишлари орасига олиб, яна заживалкани ёқишга уринди. Бош бармоғини қаттиқ босганидан чархдан сачраган сингари чўзилиб учқун чиқарди-ю, қоп-қора пилик уни пясанд қилмасди, ўчакишиб, ютиб юборарди, унга сари тишлари папиросни гажиб юборгудек бўларди, асаби қайнарди, бензини

тугагани сира хаёлига келмасди. Зарда билан зажигалкани отиб юборган эди, стол устидаги ойнада сирганиб бориб, полга тушди, жавоб бермаган трубкани тарақлатиб жойига қўйди, ўрнидан туриб кетди.

Папирос қолдиқлари тўла кулдонга тикилиб туриб, кеча, артелда бўлганида, Маҳкам аканинг жиғибийрон бўлиб гапирган галини эслади, қовоқлари солинган, пешана ажинлари ариқча бўлиб, тер оқаётган темирчининг юзини кўрди ҳозир. «Ахир шу кўмир билан унум бўладими, ука, қаранг, сасигани сасиган,— дерди Маҳкам ака зўр бериб дам босаркан. У дам босган сайин, кўмир қизариш ўрнига буруқсаб, (қоп-қора тутун чиқарарди, зажигалканинг чақмоқ тошидан чиққанчалик ҳам учқун кўринмасди кўрада...— Кунимиз кўмир саситиш билан ўтвотти...»— деб нолирди темирчи. Қодиржўжа иңдамай ташқарига чиқиб кетганди...

Қодиржўжа шу хаёл билан эшик ёнига борди, тутқичга қўл чўза туриб, тагин орқасига қайтди, кулдондаги папиросни олиб, қабулхонага чиқди. Машинка босаётган секретарь жувонга қаради:

— Муяссар, қизим,— деди-ю, беихтиёр қўлидаги папиросни унга кўрсатди, жавоб кутмаёқ: «Бунда зажигалка нима қилсин!» дея ўзини койиб, коридорга чиқди. План бўлимига кириб, тўғридаги стол ёнига борди. Бошлиқдан бирон топшириқ кутган Иван Иванович махоркасини кулдонга қўйиб, кўзойнагини қўлига олди, одоб билан ўрнидан турди. Қодиржўжа аччиқ тутун буруқсаб турган махоркани кулдондан олиб, папиросини тутатди. Худди Иван Иванович ҳозир кўмирдан гап очиб қоладигандек тез чиқиб кетди. Иван Иванович ҳам, ёнидагилар ҳам бошлиқнинг авзойидан ҳеч нарса тушунишолмади. Иван Иванович жойига ўтириб, махоркага қўлини узатаркан, аллақачон эшикни ёпиб чиқиб кетган бошлиқнинг орқасидан қараб қолганди. «Нотинчроқ кўринади...» деб қўйди ичида.

Қодиржўжа кабинетига кирганда Муяссар полда ётган зажигалкани олиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганди.

— Бухгалтерда бензин бўлгувчи эди, мен ҳозир...— у гапни тугатмай, хонадан чиқиб кетди. Муяссарнинг нима деганини ҳам англолмай қолган паришонхотир

Қодирхўжа жойига ўтирмай телефон трубкасини олди. Узоқ кутди, жавоб бўлавермади. Шу пайт иккинчи телефон жиринглаб қолди. Трубкани кўтарди:

— Лаббай. Салом! Вокзалда?! Кечирасиз, вокзалда дедингизми?! Нима масала? Хўп, хўп...

«Нима бўлиши мумкин? Оладиган юкимиз йўқ. Кўмир келган бўлса... Эсингни едингми, Қодир, сенга кўмирни нақдлаб турибдими, шу топда,— ўзини ўзи койирди,— яна бирон корхона келаётгандир, кутиб олиш керак... Ундай бўлса, ҳар галгидек кутиб олишга чиқинглар, транспорт тайёрланглар, дейишмасмиди?...» Ҳозир унинг хаёли чақмоқ эди-ю, мияси пилик, ўт олмасди. Икки кафти билан калласини ушлаганича ўтирарди.

Эшик очилиб, қўлида икки бўлак тош ичидан пахта пилигининг учи чиқиб турган тунука найча кўтариб Муяссар кирди. Қўлидагиларни, зажигалкани стол устига қўя туриб деди:

— У кишида ҳам бензин қолмабди. Ҳозирча ишлатиб турсинлар деб, мана бу чақмоқ тошни бердилар.

Муяссар шундай деди-ю, индамай тураверди. Бошлиқнинг кайфиятини секретардан ҳам яхшироқ биладиган ходим бўлармиди. У, Қодирхўжанинг авзоёига эрталабдан бери разм солаяпти-ю, аммо нима лигига тушунолмасди, балки унга айтиб бўлмайдиган, сир сақлайдиган ташвишдир, балки эрақлар ўртасидагина ҳал бўладиган, гапириладиган нарсадир?

Муяссар чиқиб кетмади. Стол устини саранжомлаган бўлди, кулдонни бўшатди, имзо чекилган қоғозларни олиб, ҳали ўқилмаганларини бир чеккага қўйди. Бу билан у бошлиқнинг дардини билиб олмоқчи, керак бўлса кўмаклашмоқчи эмас, сал ёришса ўз дардини айтмоқчи, қалбини тирнаб турган, хаёлини олиб қочаётган дардини айтиб, рухсат сўрамоқчи. Бирдан унинг кўзи телефонга тушди. Оҳиста столнинг чап томонига ўтиб, трубкаларни алмаштириб қўйди.

— Ишламай қолди деб ўтурувдим,— деди ясама кулги билан Муяссар,— трубкалари чалкаш қўйилган экан,— у битта трубкани қулоғига тутиб кўрди,— ишлаяпти.

Олдеда одам борлигини ҳам унутиб, чуқур хаёлга толган Қодирхўжа қутичадан папирос олиб, зажигалкага қўл узатган эди, Муяссар тошларни қўлига олди.

— Бензинлари тамом бўлган экан,— деди бояги гапи қулоғига кирмаганини пайқаб,— келинг, мен ёқиб берай,— у чаққонлик билан тошни тошга уриб, учқунидан пилигининг учини қизартирди, Қодирхўжага тутди.

Қодирхўжа папиросини тутатар экан, беихтиёр жилмайди.

— Сен ҳам ўрганиб олибсан-ку, қизим.

— Куёвингиз ҳам шунақасини ишлатадилар. Гургурт йўғида ўзим ҳам шуни ишлатаман.

— Ҳа, уруш кўп нарсаларга ўргатапти, майли, саломатлик бўлса, бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади, қизим.

Муяссар Қодирхўжанинг чиройи сал очилганидан хурсанд эди. Шундан фойдаланиб, ўз дардини ҳам очмоқчи бўлди-ю, ботинолмади. Айтса, ҳозиргача ўзи ҳам ишонгиси келмай, ишонишни истамай турган нарсаси ростга айланиб кетадигандай, юраги орқасига тортиб, ичидан оғир хўрсиниқ келди, ўзини босолмади. Қодирхўжа сизди буни.

— Қизим,— дея ялт этиб Муяссарга қараган эди, унинг ранги қув ўчиб кетганини кўриб қўрқиб кетди,— ҳой, менга қара...

Муяссар қаролмади, икки қўли билан юзини бекитиб, йиғлаб юборди, ёнига ўгирилиб, эшик томон югурди. Қодирхўжа ирғиб ўрнидан турди, кетидан чиқиб ҳўнграб йиғлай бошлаган Муяссарни қўлидан ушлаб, кабинетга олиб кирди, эшикни ёпди.

— Узингни бос, қизим, нима бўлди? Тинчликми?

Муяссар йиғисини босди-ю, ўпкасини босолмади. Йиғи энди ўпкасидан, юрагидан чиқиб, елкалари, қўллари, бутун гавдасини силкитарди. Қодирхўжа унинг икки кяфтини қўллари билан оҳиста ушлаб, диванга ўтқазди. Вундай пайтларда босиқлик билан, ҳалимдек юмшоқ бўлиб гапирадиган Қодирхўжа бу гал ўзини тутолмади, ниҳоясига етиб, чарчаган асаб, овозга куч берди:

— Гапирсанг-чи! Нима бўлди?— бақириб юборди у.

— Куёвингиз...— зўрға гапирарди Муяссар,— жўнаятдилар.

— А?!— ўрнидан туриб кетди Қодирхўжа,— жўнаятти?...— У оҳиста юриб, стол ёнига борди, папирос олиб, заживалкага қўл чўзган эди, бензин йўқлиги эсига тушиб, топларни бир-бирига уриштира бошлади. Ҳадеганда учқун чиқавермай хуноб қилди.

— Қачон?— Муяссарга ўгирилди.

— Кечқурун. Тўққизда.

— Тўққизда?! Нима қилиб ўтирибсан бўлмаса. Нега шу топгача айтмадинг?

Муяссар, авзойингиз бошқачароқ бўлганидан, тағин бирон зарур иш чиқиб қолса диққат бўлиб юрманг, девдим-да, демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, гапиролмади. Тақир гиламдаги тангадек сиёҳ доғига тикилганча ўтираверди.

— Менга қара, қани, тур ўрнингдан, ишларингни йиғ, уйингга бор,— деди койиган оҳангда,— кеча айтмайсанми, ҳеч бўлмаганда эрталаб айтиб, кетавермайсанми... Эри кетадиган одам ҳам шунчалик... Қани, тур, ҳозироқ жўна!..

Муяссар оҳиста ўрнидан туриб, эшикка яқинлашган эди, Қодирхўжа уни тўхтатди.

— Тўққизда дединг-а? Ҳмм. Балки уям ўша составда жўнар.

— Ким?

— Мўътабар.

— Вой, Мўътабар?! Битирмай туриб-а?

— ...

Қодирхўжа Муяссарга жавоб ҳам бермай, оғзида папироси, икки қўлини орқасига қилиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

— Нега ўзингиз бир оғиз айтмадингиз?

— Кеча кечқурун маълум бўлди, қизим. Қани, ҳаяллама. Тўққиз, тўққиз. Бориб қоларман.

Қодирхўжа қимир этмай турган Муяссарнинг елкасига қўлини қўйиб, эшиккача олиб борди, чиқариб, оҳиста эшикни ёпди.

Аччиқни аччиқ кесади, ташвишни ташвиш енгади, дейишгани шу бўлса керак-да. Кўмир муаммоси-ку, халта кўчага кириб ётибди. Металл бор-йўғи ой охиригача зўрға етади. Восқон урса сандонни икки бўлиб юборадиган азаматлар жўнаб бўлди. Қари-қартаг-

лар, болалар, аёлларга қолди иш. Бўнинг устига янги топшириқ. Топшириқ бўлгандаям ўзбек дивизиясини таъминлаш керак. Қайси куч, қайси ашё билан?

Мўътабар... Уғли ҳам, қизи ҳам, бахти ҳам, ҳаёти ҳам, кўзининг оқ-қораси, суянган тоғи — биттаю битта шу фарзанди эди. Эр-хотин еру кўкка ишонишмасди. Кечқурунлари келадиган вақтидан сал ўтса кенг ҳовли, тарақлаган иморат ҳувиллаб қолгандай бўларди, она ҳақ деб дарвоза ёнида туриб оларди. Қодирхўжа унга тасалли берарди, «Эсингни едингми, хотин, кичкина боламиди, хавотир оласан, бор, овқатингга қара» деб, ёнига борарди, ўзи бўлса хотинига сездирмай кўчага қараб-қараб қўярди. Қош қорайгунча келмаса, хотинидан баланд келиб, бирон нарсани баҳона қилиб, кўчага чиқиб кетарди, «Юрагингизнинг кенглиги бор бўлсин-да, энди сиз қаёққа кетяпсиз?» деб жаврарди хотини. Ана энди, тоғни талқон қиладиган, темирни хамирдек яссилайдиган азаматлар қатори унинг қизи Мўътабарга ҳам навбат келди. Қодирхўжа шундай бўлишини ўйлаб юрарди-ю, аммо тамомлашига ҳали бир йил бор, унғача нима гапу, нима сўз дея ўзига тасалли берарди. Хотинига-ку, сира-сира бу ҳақда оғиз очмасди. Эътибор буни хаёлига ҳам келтирмасди. Кеча ўқишдан барвақт қайтган Мўътабардан эшитди-ю, ҳушидан кетиб, ариқ лабидаги гуллар устига кесилган дарахтдек ўзини ташлади. Кечга томон кўзини очди. Артелма-артель кезиб юрган Қодирхўжа уйга кириб келганида, Эътибор мурдага ўхшаб, караватда ётарди. Қодирхўжанинг ўзи-чи? Ўзи не ҳолга тушди? Фарқи шу бўлдики, гулни пайҳон қилмади, холос. Эшиқдан кириши билан Мўътабар югуриб келиб, дадасини қучоқлаб олмаса, бағрига кириб бошини кўксига қўймаса, ким билади дейсиз, балки у ҳам ўзини ташлаб юборармиди. Суянчиғи бўлдики, тутиб қолди. Тутди-ю, жигарбандининг бошини силаб, узоқ туриб қолди, тили калимага келмади, босиқ, кўпни кўрган одам латтадек бўшашиб тушди. Мўътабар буни сезиб турарди. Онаси ҳушидан кетиб йиқилганда қаттиқ қўрққан эди-ю, лекин ҳозиргиси ундан ошиб тушди. Дадасининг юраги халтасидан, кўкрак қафасидан чиқиб, гурсиллаб унинг юзига уриб турарди. Беморларнинг юрак уришини кўп эшитган, стетоскоп билан ҳам, қулоғини кўксига қўйиб ҳам эшитган,

аммо мана бунақа уришини, қайноқ юзига тепиб уришини энди эшитаётибди. У дадасининг кўксидан оҳиста бошини олиб, ясама кулги билан юзига қаради, қон қолмабди-ю, кулишга уринарди дадаси, бошини, сочларини силашдан тўхтамай: «Омон бўл, қизим, ўзингга эҳтиёт бўлсанг бўлгани...» дерди гапи гапига қовушмай, Мўътабар дадаси ҳам ўзини ташлаб юборишидан чўчиб, қаттиқ қучоқлаганича, эркаланди: «Юринг, нима қилиб турибсиз, оймлага...» дея, айвонга бошлади.

— Хўп, қизим, бор, ишларингга қарайвер, менам бугун роса чарчадим,— деб, айвонга кўтарилди. Эътиборнинг каравоти ёнида ўтирган қўшни аёллар билан сўрашиб, хотинига тасалли берди.

— Ана холос, ҳали қизим битириб доктор бўлса, уйда ўтириб, фақат менинг бодимга қарайди, деб ўйлармидинг. Доктор бўлгандан кейин бирон шифохонада ишлайди-да. Уни дарров ўт-олов ичига олиб бориб, қўлига милтиқ берармиди. Госпиталда бўлади, ярадорларга қарайди.

— Ниятингизга етдингиз, бошқа касб қуриб қолгандек доктор бўлсин дея, дея, мана...

Қодирхўжа қизининг уйга кириб кетганини кўриб, қўшни хотинларга «тушунтиринглар», дегандек ишора қилди:

— Ўзингни бос. Ёш нарсани сафар олдидан кўнглини бузма, ўйнаб-кулиб жўнатгин.

— Ҳа, почча, бир нима деяётганлари йўқ,— далда бера бошлади аёллардан бири,— энди: онаизор-да, юраги увушади.

— Кўпга келган тўй, айланай Эътиборхон,— деди иккинчи аёл,— шукур қилинг, фронтга кетаётгани йўқку, ниҳоят олдингиздан сал нарироқда бўларкан, омон бўлса, ҳадемай уруш ҳам тугаб, бағрингизга қайтиб келади.

— Айтганингиз келсин. Уқиши тугаб, эгасига топширганимда ҳам майлимиди, дейман-да, айланай опогойи!

— Боши омон бўлсин денг, эл-юрт тинчиб, ниятингизга ҳам етасиз, ҳали ҳаммаси олдингизда, айналай... Туринг, ўзингизни бардам тутинг, сафари бехатар бўлсинг денг. Қани, бошингизни кўтаринг-чи.

Эътибор ёстиқдан бошини кўтариб, ўтириб олган

эди, кўзи тинганга ўжшаб кетди. Сездирмади, ўзини тутди. Шу пайт ичкаридан Мўътабар чиқиб келди.

— Вой, ойи, турмоқчимисиз?— дея кела солиб, онасининг билагини ушлади, томир уришини санаб кўрди.— Бўлмасам ёстиқни орқангизга қўйиб, ёнбошлай қолинг. Бирпас шундай ўтирсангиз ўтиб кетади.

Мўътабар иккита ёстиқни унинг орқасига қўйиб, дераза токчасидаги доридан пиёлага томчилатди. Сув аралаштириб онасига ичирди.

— Чарчабсиз-да, ойи, ҳамма уйни бир ўзлари кўтарибдилар,— деди у қўшни хотинларга онасидан нолиб,— ўзим қиламан девдим-ку.

— Яхшиям кўтардим, фалокатинг ариган экан, кетганингдан кейин қилолмасдим. Энди уй кўтариш туғул, супуролмайман ҳам.

— Ҳеч шунақа иримларингиз қолмади-да, ойи.

— Дадангга қара. Қоринлари очдир.

— Тўқман, яқинда овқат евдим дедилар. Зарур ёзадиган ишлари бор экан, ўшанга ўтирдилар.

— Дунёда эркак бўлгин экан-да, опогойи, юраклари дарё-я, дарё...

Ҳа, дарёлигидан бўлса керакки, зарур иш билан борадиган жойи ҳам юрагига сигмади, қизини ёнига олиб, насиҳат қилди. «Жон болам, ўзингга аҳтиёт бўл. Дадил бўл. Фронтга кетаётганингни онанг зинҳор билмаслиги керак. Уша, ҳали ўзинг айтган шифохонада ишлайман», деганингда туравер. «Шифохона ўлгурнинг номи, турадиган жойи борми, ахир меия чалғитмай қўя қол», дейиши турган гап онангнинг,— «Худди билгандек гапирадилар-а, дадам», дея кўнглидан ўтказди Мўътабар.—...Шундай деса, «Ойи, ҳозир уруш, ҳеч бир шаҳарнинг номини хатга ёзиб бўлмайди» десаи, бу ёгини ўзим тушунтираман. Фронтда, жанг майдонида бўлмаслигингга қанча ишонса, шунча кўнгли тинчийди. Биласан, юраги ёмон... Майли, қизим, эртагача ҳали ўхў, оламжаҳон гапларни гаплашиб оламиз. Бор, онангни тинчит,— деганидан кейингина, «қорнингиз қалай?» дея оҳиста ўрнидан турди. Дадасининг ёқасини тўғрилай туриб, гапига қулоқ солди.

— Яқинда овқатландим,— овқат ўтармиди шу топда деёлмади.— Чой берсанг бас, озроқ ҳужжатларни тартибга келтирадиган ишларим бор, қилиб олай. Мўътабар эшикни секин ёпиб чиқиб кетди.

Қодирхўжа, янглишмаса, оилада ҳаётида биринчи марта ўзини ҳам, қизини ҳам ёлғон гапиришга, она-сини чалғитишга ундаши бўлса керак. Кўнглига ёқмаган одам уйига чақириб келишини аввалдан пайқаса, «Йўқлар деб қўя қолинглар», деган пайтларини ҳисобга олмаганда, ота-бола, эр-хотин ўртасида ҳеч нарса яширилмасди. Ҳаммаси очиқ-ойдин гапирилади. «Зиёфатда фалончи аёл қучоқлаб кўришиб, ўлиб олди-я, онаси» дейишдан тортиб, Мўътабарнинг «Анови бола, эшигимизгача эргашиб келди...» дейишигача ўртага ташланарди.

Ҳозир, мана, «кенг юрак» Қодирхўжа ҳужжатларни тартибга келтираман деб қизига ёлғон гапириб, бўлмағур қоғозларни олиб, стол устига ёйиб ташлади, уларга тикилганча ўзи билан ўзи сирлашиб ўтирибди.

Шу алфовда кеч кириб, овқат ҳам сузиб келинди. Қодирхўжа қорни «тўқлигидан» овқатга қўл ургиси келмаса ҳамки, қизи, хотинини ўйлаб, қошиқни қўлидан туширмади, чойга зўр берди, юраги ёнарди...

Туни билан мижжа қоқмай чиқди. Қўшини хонада, она-бола пичирлашиб тонг оттирганини, онаси сал овозини баландлатса, Мўътабар «Тисс, дадам...» деганларини — ҳаммасини эшитиб ётди. Эрталаб, нари-бери нонушта қилиб, «Барвақт келаман» деб, идорасига кетди.

Қодирхўжа кўзлари ич-ичига тушиб кетган, гўштор юзлари салқиган, қовоқлари осилиб, бошини қуйи солган ҳолда идорага кириб келди. Муяссарнинг саломига ҳам бош силкиб алик олди. Ҳар кунги одати бўйича ечинмай турибоқ Муяссарга бўлим бошлиқларини, зарур ходимларни чақиритишни буюрмади. Анчагача, ўхў, соат ўн бирларгача ҳам кабинетига ҳеч ким кирмади. Ўзи чақирмади. Иш билан кирмоқчи бўлган ходимлардан икки кишини Муяссар киритмади. «Агар жуда зарур бўлмаса, бир оз сабр қилинг, бандлар» деб жавоб қилди. Яхшики, толеига телефон ҳам бўлмади, ташқаридан келган одамлар ҳам. Бу ёғини эшлади-ю, ўзининг юраги тарс ёрилгудек бўлиб кетди. Отаси қатори бўлиб қолган Қодирхўжанинг феълини, табиатини Эътибор кеннойисидан, Мўътабар синглисидан кам билмасди. Шундай бўлишига қарамай, бугунги кайфиятидан ҳеч нарса англолмади. Агар Қодирхўжа

эшикдан ҳар кунгидек очиқ чехра билан кириб келганда, бир қарашдаёқ Муяссарнинг ичидагини билиб оларди, айтишининг ҳожати қолмасди, билиб оларди-ю, шу заҳотиёқ нима қилиш, ўзини қанақа тутишини айтиб, тасалли берарди. Муяссар худди шундай бўлишини кутиб ўтирганди. Тескариси бўлди. Машинка ёнида ўзи эмас, сурати ўтирди, бир босган варагини уч топқир қайта босди, учинчисида ҳам копировкани тескари қўйиб босибди.

Мана, план бўлимидаги Тасяни ўрнига қўйиб, энди кетяпти, уйига. Кўчада бораркан, ҳеч кимни, ҳеч нарсани кўрмасди, шошиларди-ю, ташлаган қадами орқасига кетаётгандай бўларди. Чигал фикрлар орасида Мўътабар эсига тушиб, бир нафас хаёлини бўларди-да, яна Туробжонни — онаси ҳам, отаси ҳам, ака-ука, эгачи-сингил, қавм-қариндошини, ахир буларнинг ҳаммаси Туробжон, севгили ёри, ёстиқдоши Туробжон эди-да — Туробжонни ўйларди. Бошқа кими бор. Ота деб билгани Қодирхўжа, она ўрнида кўрадигани Эътиборжону, дугоналари, ҳамкасбларидан бўлак кими бор дунёда. Лоақал Туробжоннинг уруғ-аймоғи бўлганда нима қиларди. Биттаю битта онаси бор эди бечоранинг. Бошига кўтарарди, келиним деб Муяссарни ҳам еру кўкка ишонмасди. Уни ҳам худо кўп кўрди. Поччаси бўлса сал ўтмай уйланиб, Марғилонга кетиб қолди. У ҳам ҳозир фронтда...

Муяссарни кабинетдан чиқариб юборганидан кейин хаёл дарёсида сузиб, қирғоққа чиқолмай ўтирган Қодирхўжа, кечадан буён бўлиб ўтган сиру синоатни эслаб, кетма-кет папирос чекарди, аввалига эпплотмай роса қийналган, гашига тегиб хуноб қилган чақмоқтош билан пахтадан йўғрилган, найчадан чиқиб турган арқондек йўғон пилик энди унга эрмак бўлиб қолганди. Ёш болага ўхшаб, кетма-кет чақарди, пиликни ёндирадди, саситарди, бармоқларини қоракуя қилиб ўчирарди. Барибир бу ҳам гангиган мия, паришонхотир, эзилган руҳия-ҳолатини учқунчалик ёритолмасди.

Кабинетга Иван Иванович кириб келди. Қодирхўжанинг хаёли бўлинди, ўзини тетикликка олиб, ўридан турди. «Сиз ўтиринг!» — деди Иван Ивановичга ва ўзи узун стол атрофида айлана бошлади. Иван Иванович қўлидаги қоғозларни бўлак-бўлакларга ажратар экан, Қодирхўжа сўраб қолди:

— Қўшимча топшириқни нима қиламиз? Уйлаб кўрдингизми?

— Ҳеч иложи йўқ, Қодирхўжа ака. Ахир...

— Ахир-пахиримизга ҳеч ким қулоқ солмайди. Узбек дивизиясининг буюртмаси-я бу. Тушунапсизми? Бажармасликка ҳаққимиз йўқ!

Иван Иванович кўзойнагини пешанасига кўтариб, махорка ўрай бошлади, топшириқнинг муҳимлигини тушуниб турибди-ю, аммо бажарилишига сира ақли етмасди. Шу туфайли индамай қўя қолди. Бундай дўппи тор келган пайтларда Қодирхўжа ўзини сувга ташлаб, ўтга уриб бўлса ҳам йўқ ердан йўндирадиган, ақл бовар қилмайдиган топшириқларнинг уддасидан чиқадиган қобилиятга эга эканлигини яхши биларди-ю, аммо бу сафар шундай қобилият ҳам қўл келишига ишонмасди. Сувдан қолва ясаш билан тенг эди бу галягиси.

— Сиз ҳозир менга металл ҳақидаги сводкаларни беринг. Кечагисини ҳам. Ўзингиз, ходимларингиз билан яна бир бисотингизни ковлаштириб чиқинглар. Мижозлар билан гаплашиб кўринг. Зудлик билан. Такрорлайман: тополмасак, ўзимизни сандон устига қўямиз, ҳа, ҳа, танамизни пўлатга, темирга айлантиришимиз керак!

Қодирхўжа шунчалик шиддат билан гапирардики, жанг майдонидаги командирнинг: «Ҳалок бўламиз, асло чекинмаймиз!» деган буйруғи, қасамёддек бўлиб эшитиларди Иван Ивановичга. У, Қодирхўжага тикилиб, ағрайиб қолганди.

— Кўмир...— дея оғиз очиши билан Қодирхўжа унинг гапини бўлди.

— Сводкалари ўзимда. Ҳаммаси аён. Боягиларни тўғрилаб беринг, кечқурун бюрога чақиришяпти.

— Қодирхўжа ака,— деди қоғозларни йиғиб туриб, жойидан қўзгаларкан Иван Иванович,— бугун қизингиз жўнаяпти деб эшитдим.

— А?.. Ҳа, ишга юборишяпти. Ўзи, практика вақти ҳам яқинлашиб қолган эди-да,— деб қўя қолди ўзини бамайлихотирликка олиб.

— Туробжон ҳам...

Қодирхўжа бир нарса эсига тушгандек яна унинг гапини бўлди.

— Яхши ёдимга солдингиз. Иложини қилсала-

ринг, бориб кузатиб қўйини керак. Бир чеккаси... Ки-ми бор унинг ҳам.

— Борамиз, борамиз. Кўнчилиқ бўлиб борамиз, — деди Иван Иванович эшикка юраркан.

Қодирқўжа жойига бориб ўтирди-ю, нима учундир ўзини анча енгил тортгандай ҳис қилди. Унинг ҳозир-ги ҳолати Муъосарнинг йўлда бораётгандаги ҳолатига ўхшарди. Туробжон, бошқармада кўп йил шофёрлик қилиб, ўғлидек бўлиб юрган, дарди ҳасратини ҳам, вақти чоғлигини ҳам баҳам кўрадиган Туробжоннинг фронтга жўнаниши эшитди-ю, худди унга биров: «Бир сенинг бошингдамас бу савдо... Бирини кўриб шукур қил, бирини кўриб фикр қил!» дегандай бўлди. Аммо ҳаммасининг бир соатга тўғри келганини-чи. Муътабарни ҳам соат тўққизда кузатиш керак, Туробжонни ҳам. Балки иккови бир эшелонда жўнар? Ёмон бўлмасди. Аммо қаердан, кимдан билиб бўлади, бузи. Бюро ҳам соат тўққизда.

Бюро! Қизиқ. Нега енди вокзалда ўтказиларкин? Нима масала кўрилишини айтилмадим. Темир йўлнинг ишиммикин? Ундай бўлса бизни нега чақиришади?

Телефон жиринглади. Унга шундай туюлдимми ёки чиндан шундай бўлдимми, ҳарқалай одадагидан бошқачароқ, овози ҳам, кетма-кет жиринглаши ҳам бошқача эди. Қодирқўжа эътибориб трубкани олди.

— Маббай. Салом!.. А, хўл, кўп... — шундай деди-ю, ҳаяжон босиб қотиб қолди, бутун вужуди қулоқ бўлиб, трубкани маҳкам ушлаганича турарди. Анча кутди... Кулдон гардишининг чуқурчасига қўйган напиросининг тамакиси охиригача ёниб, кул бўлди ҳамки, трубкадан элас-элас машинканинг чиқиллашидан бўлак овоз эшитилмасди. Шу найт кабинет эшиги ги-жирлаб очилди, гижанига теги. Бўзчи белбоқча ёлчи-майди деганадек ё эшикнинг эшик-мошигини тузатишади, ё мойлаб қўйишади. Қўлида қоғозлари билан кириб келган Иван Ивановичга: «Ёп тезроқ!» дея ишора қилганида, эшик яна гижиради, қўли билан имо қилиб: «Қоғозларни қўйиб, чиқиб кетавер!» деди, Иван Иванович тушунмадими, ҳайрон бўлиб турарди. «Зудлик билан ташёрма дегани нима-ю, яна қайтаргани нима?» дея кўнглидан ўтказди-да, елкаси-ни қисиб, чиқиб кетди. Бу тал эшик-мошикнинг ги-

жирлангани қаттиқ ёнмаган эмиш тавоқасининг гур-симлангани босиб кетди.

— Асса... — лозиман айтгунча ҳам бўлмади, телефон қалган секретари қиз уэр сўраб, «Бошича телефонда гаплаганлар, бир оё кутасиз», деди. Қодирхўжа «хўш», «хўш», деганича, енгил тортгандай креслонинг суянчигига ташланди, ўзини босиб олиб, ўйлаб кетди: «Нима бўлиши мумкин? Бирон марта ўзлари менга тўғридан-тўғри телефон қилган эмасдилар. Мен-чи? Мислам қилмаганиман. Бир-йўри икки марта ҳузурларида бўлдим. Бошича вақтда, ҳа, энди, катта йиғинларда бақамти келиб қолгудек бўлсам саломлашиб, секин ўзинини четга олардим... — шуларни ҳаёлидан ўтказаркан, эшикка кўзи тушиб, яна фикрлаб гапига тегишим, ё биронгаки кириб, қалидан чалғитиб юборинини ўйлаб, қўнғирорни босди, Таёя кирган эди, унга «Ҳеч кимни кирадиз», ишорасини қилиб, қолган жойидан бошлади ҳаёлини, — ёшларига суқулиб бориб. Эҳ-а, қайси юрак билан... Қўриқчилари, гап-сўзлари, айниқса, аския малайчалари жуда содда, дехмонифату, салобати зўра. Ботинолашди, икки... — трубкадан ҳавон боягудек, оғин-оғиндан эшитилаётганга ўхшаш, машинканинг чиқилган оғин келиб турарди, — ё металл масаласимликми? Э, эсинини едингми, Қодирхўжа, металлдан бошича таннини йўрми у кишининг, каттирининг дарди тўзада деб, ҳадеса металл, металл... ўзи, калланг металл бўлиб қолабди. Отанг темирчи ўтганим, деб сандақаларни айтишадан-да...»

— Лаббай, асалому алайкум, — шовиб қолди Қодирхўжа, гудурлаганга ўхшарди оғини, — ўртоқ Оқунбобоев... Йўқ, йўқ, ҳечқиси йўқ... Лаббай... Ҳа, ҳа, уйда ҳам дўнони бор А?.. Хотини ҳам азамат. Аравани баробар тортишди... Хаҳ-хаҳ, хаҳ... — Қодирхўжа бир дақиқа ҳамсуҳбатини унутиб, ҳазиллаш дўсти билан гаплагангадек, серкиллаб ваҳ-ваҳ отиб, аскияга аския билан жавоб бериб юборишига сал қолди, ўзини зўра босиб олди, — қўнхўниз, қўнхўниз... Лаббай? Кўп борганману, бона олганидан кейин... Тўғри айтасиз, иен билан бўлиб... Тўғри, тўғри, айниқса, менам, биздан лозим эди. Шу буғуноқ... Майли, майли... Қачон десангиз. Ёмон эмас. Ҳа, энди, юртдаги аҳволни кўриб туриб, қолмасак... Лаббай. Оҳо, қанийди... Хўп, хўп, албатта, бориб ётиб олардим-а... қоплаб, па-

қирлаб елкамизда ташиб келардик. Хўп, раҳмат, саломат, саломат бўлинг...— Қодирхўжа суҳбат тугади ҳамки, трубкани қулоғига босганича, эшикнинг тутқичига тикилиб, қотиб қолди. Иккинчи телефон жинринглаганидагина қўлида ҳамон трубка ушлаб тургани эсига тушиб, уни жойига қўйди. Ёнидагисини олди.

— А?.. Туробжон дедингми? Ийе, оч эшикни, кирсин!— деди у ички телефонда чақирган Тасяга ва ўзи ўрнидан туриб кетди. Эшик очилиб, Туробжон кириб келди. Қодирхўжа хонанинг ўртасида қулочини ёзиб, уни қучоғига олди:

— Тап-тайёр солдат бўпсан, қўйибсан-а, ўғлим,— деди гаплари қовушмай. Аслида, «Ийе, эссиэ, қоп-қора, жингалак сочларинг қандоқ ярашиб турарди, олдириб ташладингми-а...» дейиш кўнглига келди-ю, ўзини босди, айтмади, пешанасидан кетма-кет ўпаркан, кўнгли бир хил бўлиб кетди.— Омон бўл, ўғлим. Бошинг тошдан, устихонинг пўлатдан бўлсин!..— деди-да, икки қўлидан ушлаб, диванга ўтқазди,— ўзим кузатиб қўяман, бормоқчийдим...

— Йўқ, йўқ,— шошиб, Қодирхўжанинг гапини бўлди Туробжон,— ҳожати йўқ, ада, шунинг учун атайин ўзим келдим. Бугун ишингиз кўплигидан хабарим бор, сиз менимас, мен Мўътабархонни кузатиб қўйишим лозим эди, бир соатга тўғри келиб қолибди. Ҳозир уйга кириб, хайрлашиб чиқдим.

— Ҳали-я?

— Ҳа, ўша ердан келяпман. Фақат, ада...— шундай деди-ю, гапиролмай қолди Туробжон.

— Нима? Айт, ўғлим.

— Ҳалиги, мениям, келинингизиям кими бор. Қўлингизда бўлса...

— Ийе, эсингни едингми? Қўлимизда бўлмай, қаёққа борарди, бу ёғини хаёлингга келтирма. Кўнглинг тўқ бўлсин. Мен сенга бошқа нарсани айтмоқчийдим. Мана бу стол, мансабни баҳона қилиб ўтирмай мен ҳам ўша ерда бўлишим керак эди аслида, эркак кишига бу ерда ўтириш уят. Не қилайки, ёшимни ўтганга чиқариб, бу ерда ҳам одам керак деб ушлаб ўтиришибди. Демоқчиманки, менинг ҳиссамни ҳам сен чиқарасан, ўғлим. Сендан талабим ҳам, илтимосим ҳам шу!

— Хўп, ада, хотиржам бўлинг. Душманини енгма-
гунча қайтиш йўқ.

— Баракалла ўғлим...

— Ада, ишингизга халақит бердим-а. Эшик ёпиқ
бўлсаям...

— Очиб киравердим, дегин, яхши қилгансан.— У
шундай деб, ўйланиб қолди. Юзида, ўйчан кўзларида
мамнунлик аломатларини сезди Туробжон, адасининг
кўнглини кўтаролганидан ўзи ҳам хурсанд эди. Ҳузу-
рига кириб келгани, ўғли қатори унинг насиҳат-
ларини бажону дил қабул қилганидан Қодирхўжа
ниҳоятда мамнун бўлди деб ўйларди. Қодирхўжадаги
ҳозирги мамнунлик, хурсандликка телефондаги суҳ-
бат кўпроқ сабаб бўлганини пайқамасди.

— Биласанми, ўғлим,— деди Қодирхўжа Туроб-
жоннинг елкасига қўлини қўйиб,— ҳозир Ота билан
гаплашдим...

— А! Охунбобоев ота биланми, ада?

— Ҳа. Узлари билан. Эҳ, ўғлим.

— Нима тўғрида, ада? Нима дедилар?

Туробжон шошиб гапирарди. Шу лаҳзада унинг
олдида Қодирхўжа эмас, «Қизил Ўзбекистон» газета-
сини ўқиб турган ёқимтой, мўйлови ўзига жуда яраш-
ган, нуроний киши — Охунбобоев ўтирибди-ю, унинг
гапини эшитишга шошиларди Туробжон.

Қодирхўжанинг ҳам, Туробжоннинг ҳам ҳозирги
қолатини кўрган киши, бирини бир неча соатдан ке-
йин фронтга жўнайдиган, бирини иши бошидан ошиб
ётган, яккаю ягона қизини фронтга кузатадиган одам-
га сира ўхшатолмасди.

— Одабийликни қарагин-а, ўғлим, бутун респуб-
лика ташвиши билан банд бўлган одам Маҳкам акани
йўқлаб, ҳол-аҳволини сўраяпти-я...

— Анави, Жарариқдаги тақачиними, ада?

— Ҳа, ўшани.

— Нега, ада?

— Олтига болани тарбиясига олувди-ку, билмай-
санми?

— Ҳа, ҳа, бўлди, эсимга тушди.

— Ушандан хабар олдингизми, аҳволи, турмуши
қалай дейдилар. Вақт топиб бирга бориб келамиз де-
дилар. Ота киму, мен ким. Бола олганини эшитдим,
бирров уйига кириб чиқолмадим. Бўлмаса, ҳамкасаба-

миз, ўзимизнинг ҳодимимиз. Артеда бўлганимда ҳар гал кўришиб тураману, бу ёғига қолганда... Эҳ, ўғлим, одамгарчиликни қўлдан берай деб қўйибмиз, хижолат бўлдим Отадан. Ҳа, бўл, план дебмизу, бу ёғини унутибмиз. Уйлаб қара, оддий бир тақачининг ҳамияти қайда-ю, менинг одамгарчилигим қайда. Ота худди мана шуни пайқаган. «Шунақа одамларимизнинг меҳр-оқибати ҳар қанақа ёвни даф қилади, эшон...» дейдилар. Эртагаёқ, бораман. Бундай одамларга сажда қилсак арзийди. Ота ҳам шундай деди.

Туробжон тақачи Маҳкам акани орқаворатдан эшитгану, ўзини кўрмаган эди. Унинг иккита болани тарбиясига олганини радиодан эшитганида унга эътибор бермовди. Ундан кейин яна тўртта болани тарбиясига олипти. Ҳозир, Қодирхўжанинг гапларидан кейин ўйланиб қолди. Нима учундир ўзини ўша темирчига тенглаштириб кўрди. У осмону, ўзи ерга ўхшади, у дарё-ю, ўзи бир ирмоққа ўхшади, у бамисоли қуёш бўлса, ўзи бир зиёдек, зиё бўлгандаям кичик бир даричани топиб олгану, шуни ёритишдан бошқани билмаган, ўйламагандай. Мана энди шу ёритадиган даричасидан — севгилисидан ажраётганига дод солиб, айюҳаннос қилиб, йиғлаётгандай ҳис этди ўзини. «Улуғ Ватанимизнинг тинчлиги, бахти учун қурбон бўлаётганлар...» «Жонажон Ватанимизни кўкрак кериб ҳимоя қиламиз!..» деганга ўхшаш чақириқ, нидо сўзларини газеталарда ўқиганда, радиодан ёки нотиқнинг оғзидан эшитганда ё бунга унчалик эътибор бермасди, ёхуд маънисига тушунмасди. Мана ҳозир энг азиз, ҳурматли кишиси, отакони Қодирхўжа ҳам: «Менинг учун ҳам жанг қил, ўғлим» деди. Яна шу киши, бутун бир ташкилотнинг раҳбари бўлиб ўтирган, кўпни кўрган одам оддий бир тақачи Маҳкам акага ўзини қиёс қилиб, унинг ҳиммати олдида хижолат тортяпти. Ҳатто «одамгарчиликни унутиб қўйибмиз, ўғлим», дея койиняпти. Охунбобоевдек одам «бундай кишиларга сажда қилсанг арзийди!» дебди. Нега?

Суҳбат давомида чуқур ўйга толган Туробжоннинг фикри хаёлини ана шу «Нега?» деган савол банд қилиб олганди. Аллақандай сирли бир куч унга тиним бермасди, жавоб топмасликка қўймасди. Назарида ҳозир мияси яшин тезлигидек ишларди. Бирдан мия-

сига аял тўлиб келди, тўлиб-тошгудек бўлди, оқибат-да ўзи учун улкан бир сирин очди, янгилик яратди. Бутун олам — ердан тортиб осмонгача, дераза тутқичини йилтирлаштириб турган нурдан тортиб қуёшгача, та-рақчилар тортиб давлат бошчилигига — ҳаммасини миясига жон қилиб олди-ю, шуларнинг ҳаммасининг тақдирин учун ўзини жавобгар деб билди. Қалби шундай деб турарди. Қалбининг бу амрини бажармаслик йигит учун, Туробжон учун ўлим билан — шармандали ўлим билан тенг эди. Эл кимму, юрт кимлигини тушуниб олдигига эмас, энди ҳамма ерда, ҳаммага айтиб бера оларди. Шунга муносиб бўлишга, мана шу эл, мана шу ер учун охири нафасигача курашини-га тайёр эди.

— Хаёл суриб қолдинг, ўғлим?.. — деди Қодирхўжа унга тикилиб.

Туробжон сесканиб тушди-ю, ўзини ўнглаб олди.

— Ҳа, йўт-э. Вақт энг бўлмаганда шу одамни бир кўриб кетардим-да.

Қодирхўжа ҳайрон бўлди. Бонгдан бери «Еш хотинини ўйлаяпти. Юраги увушяпти. Насиҳат қилиб, тасалли беришим керак», деб ўйлаб ўтирган ва шунга ҳозирлик кўрган эди. Йўт. Янглишибди. Унинг миясини, фикри хаёлини инсонийлик ҳис-туйғулари, улкан мақсад банд қилиб олибди. Туробжонга ҳайрат ва ҳавас билан тикилди, гапиролмай қолди, кўз олдига бошқа Туробжон, шунчаинки сочини олдириб, кўриниши ўзгарган Туробжонмас, сочини нега олдириди-ю, қаёққа кетаётгани, нима мақсад билан кетаётганини чуқур ҳис этаётган чин инсон ўтирарди. Кечаги Туробжон билан ҳозиргиси ўртасидаги фарқи ер билан осмонга қибё этди Қодирхўжа. Фахрланди.

— Маҳкам акани кўрмоқчимидинг?

— Ҳа, — деди Туробжон.

Қодирхўжа «Нечук уни кўргинг келиб қолди. Олдий бир тақачи-да. Нимаси қизиқтирди сени?» деб сўрамади. Нафсониятига тегмади. «Йигитнинг шахтини қайтармаелик керак!» дея ўзича койинди.

— Уғлим, — деди Қодирхўжа унинг елкасига қўлини ташлаб ва ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Тўлқинланиб, қаяжон босди.

— Нима, ада?

— Маҳкам, тақачи юрагингга ўт ташлабди-а... Бу

яхши, ўғлим. Мана шу ўтни ўчирма. Инсонни инсон қиладиган ҳиммат ўти деб шуни айтадилар. Бу ўт ҳали қалбингда аланга олади, бу аланга сенга оламни тиниқроқ танитади, одамни танитади, қалбига олиб киради. Бу ўтнинг учқуни биласанми, инқилоб босқонидан сачраб, қалбимизга тушган қутлуғ учқун. У ёнаверади, аланга олаверади, отадан фарзандга, унинг фарзандларига, невара, эвараларига, авлодларга ўтади, сира ўчмайди, уни, мана шу қутлуғ ўтни ўчириб бўлмайди. Уни зар билан ҳам, зўр билан ҳам, қириш, ёндириш билан ҳам ўчириб бўлмайди. Олам олам бўлиб, замон замон бўлиб биринчи марта мана шундай қутлуғ ўт, эрк ўти қалбимизга тушган кишилармизки, биз уни ҳамиша аланга олдирамиз, унинг яллиғидан авлодлар, қон-қардошларни баҳраманд қиламиз, ўғлим. Сенда ана шу ўтнинг учқуни борлигини билардим, аммо ҳозир аланга олганини кўриб турибман, Маҳкам акани кўргинг келдими, дилинг торгтими, бас, оламни таниганинг бўлади шу, ўғлим. Баракалла.

Қодирхўжа шундай деб, беихтиёр кулиб қўйди, гап шу ерга келганида Ота билан бўлган суҳбат эсига тушиб кетди.

— Ота ҳам худди шуни айтадилар. Ниҳоятда оқил, юраги дарё одам-да... Кўмирдан гап очиб қолдилар. Биласанки, энг нозик жойимиз ҳам, бизни қийнаётган ҳам ана шу. Нима дейдилар дегин: «Эшон, кўмир-ку керак-а, аммо сизга ўхшаганларнинг юрагидаги олов ҳар қанақа кўмир яллиғидан афзалроқ... Оҳангаронда кўмир кони очдик. Ҳадемай хоҳлаганингизча ташиб олаверасиз...»— десалар ёш боладай севиниб кетибман, оғзимнинг таноби қочиб, зўр бериб, аравалаб, қоплаб, қанорлаб ташиб оламиз-ей, деб юборибман. Ота роса кулдилар, яна кетидан, майиз емасанг ҳам майиздан гапир дейсиз-да, девдим, бунгаям қотиб-қотиб кулдилар. Узимам берилиб кетибманми, худди сен билан гаплашгандай гаплашсам-а. Аския қилгим келди, дегин тагин...

Туробжон ҳам, Қодирхўжа ҳам завқ билан кулишди. Туробжон сўради:

— Бориб, Маҳкам акани кўраман дедиларми, ада?

— Ҳа, албатта бирга борамиз, зиёрат қилса арзийдиган одам дейдилар.

Эшик очилиб, секретарь кирди.

— Қодирхўжа ака, «Қизил олов»нинг раиси келувди, кирса майлими?

— Майли, майли, менга қара, ўғлим, — ўрнидан турди Қодирхўжа, — сен боравер, ўзим кузатиб қўяман.

Туробжон эшикни очиб Исмоилжонга дуч келди, саломлашиб чиқиб кетди. Қодирхўжа кабинет ўртасида Исмоилжон билан қуюқ кўришиб, елкасига қўлини ташлади, ўртадаги узун стол ёнига ўтқазди.

— Жуда пайтида келдинг-да, ука, Хизрни йўқла сам бўларкан-е, — очиқ чеҳра билан хурсанд бўлиб гапирарди Қодирхўжа, — хўш, раис, ишлар қалай?

Исмоилжоннинг руҳи паст, бўшашиб ўтирарди. Ҳадеганда гап чиқа қолмади.

— Қодирхўжа ака, бугун қизингизни...

— Ҳа, энди навбати келган экан. Кўп қатори бориб келади-да, ука. Ишлар қалай?

— Яхшиси шу бугун ишдан гаплашмасак. Мен ҳозир шу ерда эшитиб қолдим, қачон жўнаркан?

— Ҳой, ўзинг нимага келувдинг?

— Олдингизга келаётувдим, — яширолмади Исмоилжон.

— Қани, гапир бўлмаса.

— Яхшиси эртага гаплашайлик, Қодирхўжа ака.

— Нима, қизим кетади деб, бир-икки кун ишни йиғиб қўйишим керакми. Шунақа пайтми ҳозир? Айт.

— ...

— Гапиравер.

Бошини қуйи солиб ўтирган Исмоилжон анчагача сукут сақлади. Қодирхўжа ўрнидан туриб, папирос чекди, ундан кўз олмай стол атрофида салмоқлаб юра бошлади. Бирдан Исмоилжонга ҳаттиқ хўрсиниқ келди. Кўрада ёниб турган алангани ўчиргудек хўрсиниқ эди.

— Раисликдан олинг мени, — деди шартта бошнини кўтариб.

Бошқа хунукроқ кори ҳолни ўйлаб турган Қодирхўжа ўзини тутолмай, хонани бошига кўтаргудек бўлиб, хахолаб кулди, кула-кула Исмоилжоннинг елкасига қўлини ташлади.

— Кўнглинг тўлмаётимми? Тузук, мана бу ерга келиб ўтирасан! — деди жиддий вазиятда, жўрттага гижинига тегиб.

— Ҳазиламас, Қодирхўжа ака.

- Манам ҳазиллашаётганим йўқ.
- Фронтга кетаман.
- Буям маъқул. Бирга кетамиз, бўлмаса. Партия қаёққа юборса, шу ёққа бораверамиз-да, ука.
- Фронтга юбормасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.
- Айтдим-ку, бирга кетамиз деб. Вассалом... Манга қара, айтганингдай бугун гаплашадиган гап эмас экан бу. Анави, Маҳкам устадан хабар олдингми?
- Ҳар қуни биргаман-ку, тагин...
- Уйидан, болаларидан деяётиман.
- Уйи бозор...— сал ўйланиб қолди Исмоил-жон,— аммо Қодирхўжа ака, шу одамга ҳайронман. Шунча йил бирга ишлаб билмас эканман.
- Нимасини?
- Ахир қўйдаи ювош, ҳалимдай юмшоқ, пашша-гаям озор бермайдиган, бузоқнинг ҳақи бор деб, сирининг сутини ичмайдиган одам...
- Хўш, хўш, энди ичадиган бўлиб қолдимми?
- Унисини айтаётганим йўқ. Уйини биларди-ю, меҳнатни биларди. Дунёни сув олиб кетса тўпигига чиқмасди. Ҳаммаси яратганининг ўзидан деб ўтираве-рарди. На жамоатга қўшиларди, на улфатчиликни биларди...
- Энди-чи, энди, унча-мунча отадиган бўлиб қол-димми?
- Йўғ-э. Унақанинг кўчасидан ўтмайди-ку. Чой-хонадаги ҳовузда ароқ шишасини кўриб қолиб, бир ой самоварга чиқмаган одам-а.
- Ростданми?
- Ўзим кўрганман.
- Икковлари қотиб-қотиб кулишди.
- Хўш, нимасига ҳайронсан?
- Ўзим ҳам тушунолмайман. Туриб-туриб ўйлай-ман. Уйқуларим қочиб кетади. Бир одам шунча ишга қодир бўлишига ақлим бовар қилмайди. Биттасига қониқ қилмай, иккинчисини, учинчисини олди, сал ўтмай тўртта бўлди. Мана ҳозир олтига болани бағри-га олиб ўтирибди. Едириб-ичириб, кийинтиришни қўя-верингу, ҳар биттасининг ташвишини айтмайсизми? Вой, бўй... дарё, юраги дарё экан бу одамнинг. Уйига борганимда болаларга қилаётган муомаласини кўриб, оғзим очилиб қолади. Ўзимам жўжабурдек жонман.

Олтитанинг отасимагу, болаларга шунчалик қаролма-
гандирман, деб қўяман. Макаренко бор-ку, Макарен-
ко, ўқигансиз.

— Ҳа, ҳа.

— Ушанга ўхшатаман.

— Ёспирай.

— Ишонаверинг. Бунчалик раҳм-шафқат, оқибат,
сабр-тоқат, чидамни қаёқдан олади бу одам дейман.
Икки гапнинг бирида «Ҳозир энг зарури мана шулар,
шуларнинг тақдири», дейдиган бўлиб қолган. Назари-
да қулочини ёсса-ю, жамики етимларни бағрига ола
қолса...

— Хотини-чи, хотини?

— Хотинигаям ҳайронман. Фарзандсиз сумакка
тўймае хилдан эди. Зиқна, молпараст, бир тийинни
киприги билан қисиб оладиган аёл эди. Буни қўяве-
рингу, назаримда бола зотини ёқтирмайдиган хилдан
эди. Ўзим-ку, билмасдим, келинингиз шундай дерди.
Ҳозир қаранг. Уҳў. Тамом бешқа одам. Ё аслида ўзи
шунақа экану, билмае эканман, ё уям эрига ўхшаб
бирдан ўзгарди, қолди. Кампирим бўлса нуқул: «Бо-
лам, худо икковининг кўнглига меҳр ўтини ташлага-
ну, ёндириб юборганда, ма, мана бу етим-есирларни
иситиб ўтир, деган...» дейдилар.

— У, кампир-ей, топиб гапирибдилар,— деди завқ
билан кулиб Қодирхўжа.

— Уйдаги аҳволни кўра-била туриб, ишени ор-
тиқча суриштирмасдим. Бўлмаса цехда ҳам, уйда ҳам
ишлаб турибди. Оғирни енгил қилиб турганлардан би-
ри шу киши. Шундай бўлсаям цех бошлиғига тайин-
лаб қўювдим. Пайқаб қолибди. Ўтган куни чунонам
изза қилди денг.

— Йўғ-э. Хафа бўлибдими?

— Ука, худога шукур, билагимдан қувват, кўзим-
дан нур аригани йўқ ҳали. Болаларни ўртага солма.
Шуларнинг тинчлиги белимнинг мадори бўлади, дей-
ди. Қетиб қолдим. Айтганларимга минг пушаймон
едим.

— Уруш,— деди Қодирхўжа паширос тутунини
оғзидан буруқсатиб, салмоқ билан,— фронтдаям, мам-
лакат ичкарасидаям одамларни синовдан ўтказаетип-
ти. Бардошиниям, ор-номусиниям, меҳр-оқибатиниям,
садоқатиниям, виждониниям, нафсини ҳам синовдан

Ўтказаётипти. Сарагини саракка, пучагини пучакка ажратаётипти.

Бу гап бир чеккаси ўзига ҳам текканини фаҳмлаган Исмоилжон ғалати бўлиб, стол устига ёпилган мовутнинг учини ўйнаб, ғижимлай бошлади.

— Ҳозиргина олдиндан чиқиб кетган йигит Муяссарнинг эри бўлади.

— Биладан.

— Ота-ўғил тутинганмиз. Уям бугун жўнаётипти, хайрлашгани кепти. Шу бола десанг кейинги пайтларда шундай ўзгардики, кўриб ҳайрон қоладан. Гаплашиб ўтирганимизда аллақаддаги фалсафий сўзлар билан ҳақ, ноҳақлик тўғрисида фикрлашадиган, мени ҳам мот қилиб қўядиган бўлиб қолди. Эшитиб ўтирсам, юрт ташвиши бошига тушган одамнинг мулоҳазасига ўхшаб кетади. Гоҳида кулгим қистаб келади-ю, шахтини қайтармай деб, ўзимни босаман. Хотинини ўлгудек яхши кўради, яхши кўрганидан рашки ҳам зўр. Институтдаги индан олиб, мана шу ерга жойлаштиргани ҳам шундан. Хотинига нима дебди дегин: «Янги келган заводларга одам етишмаётипти деб эшитдим, таклиф қилишларини кутиб ўтирмай, бор. Машинакка чиқиллатиб ўтиришиндан ҳозир шу зарур» деб тайинлабди. Ҳайрон қолдим. Шунга ўхшаш Маҳкам ака ҳам юрт бошига тушган кулфатни кўриб, қараб туролмади. Юрагига ўт тушди.— Қодирхўжа ўрнидан туриб кетди. Папирос чекди.

— Тўғри айтасиз, Қодирхўжа ака, уста ҳам девюррак, меҳри дарё одам экану, билмай юрарканмиз-да. Фақат бир ташвиш анча эзаётипти, бечорани.

— Нима?

— Ўғлидан хат-хабар йўқ.

— Шундайми? Ҳалиги жиянидан-а?

— Ҳа, ўғил қилиб олганди. Куйиб-пишади-ю, ортиқча сездирмайди.

— У-ў, бечора,— ўйлаб қолди Қодирхўжа ва соатига қаради,— қани юр, ука, йўлда гаплашиб кетармиз.

Исмоилжон энгил тортиб ўрнидан турди, биргалашиб чиқиб кетишди. Идорада ҳеч ким қолмаган, қабулхонада ўтирган Тася аллақачон кийиниб, бошлиқнинг кетишини кутиб турарди. Улар кетидан Тася ҳам эшикларни ёпди.

Қодирхўжа Исмоилжон билан йўл-йўлакай Туробжонниқига кириб ўтишди. Вокзалда учрашишларини айтиб, чиқиб кетишди.

ИГИРМАНЧИ БОБ

Эшелон жўнайдиган станция перрони фронтга кетаётганлар, кузатгани чиққанлар билан тўла. Тўда-тўда бўлиб суҳбатлашаётганларнинг гурунги, даврада айтилаётган қўшиқ, фарзандини бағрига босиб олган аёлнинг ҳўнграб йиғлаши, аския айтишаётганларнинг кулгиси — бир-бирини босиб кетарди. Мўътабар билан Туробжон иккови шу эшелонда бирга жўнашаниқ бўлганидан кейин Қодирхўжанинг кўнгли бир оз тинчиган эди. Поезд жўнашига ҳали салкам бир соатча бор. Қодирхўжа қизининг қулоғига пичирлаб, станция томонга кетди. Орқасидан қараб қолган хотини ёнидагиларга: «Айтаман-ку, дарё деб, юраклари дарё, дарё, қаранг...» деб қўйди.

Қодирхўжа эвакуопункт залига кираверишдаги эшик ёнида турган, билагига қизил таққан аёлни — шаҳар партия комитетининг ходими Солиевани таниб қолди. Қўришиб, бюрони сўради:

— Республика, шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари чақирилган. Усмон аканинг ўзлари ўтказадилар,— деди Солиева,— ҳали вақт бор.

— Бир соатга тўғри келиб қолганини айтмайсизми. Нима қилсам экан-а?

— Тушунаман, тушунаман... Шошманг. Ота шу ердалар. Бир оғиз...

— Йўғ-э, қўйинг, айб бўлар.

— Менга қолса-ку, жўнатиб келаверганингиз маъқул-а. Тагин сизга тааллуқли иш бўлса менам хижолатда қолмай деяпман-да. Шошманг-чи. Отадан ўзим сўраб чиқаман.

Солиева ичкарига кириб кетди. Хиёл ўтмай қайтиб чиқди.

— Чақираёттилар,— деди эшикни очиб.

Қодирхўжа шошиб қолди. Ичкарига кирди. Зал ўртасида ёнида уч киши билан турган Охунбобоевга дуч келди. Ота билан, ёнидагилар билан сўрашиб бўлмасданоқ, Охунбобоев унинг елкасига қўлини ташлади.

— Эшон, орқангизга қайтинг, қизчани кузатинг!— деди буйруқ бергандай.

Қодирхўжа нима деярини билмай турган эди, Ота гапиртиргани қўймади.

— Боринг, эшон, бюрога етиб келмасангиз ўзим шу ерда бўламан. Кейин гаплашамиз.

Қодирхўжа ийманиб, эшик томон бораркан, Ота: «Қизчага биздан салом айтинг-а», деб қолди.

— Қанақа бўлди-а, ўртоқ Солиева,— деди эшикни ёпиб Қодирхўжа...

— Ҳечқиси йўқ. Бюро чўзилса керак. Бемалол бораверинг.

Қодирхўжа перронда бораркан, Ота турган залдаги даҳшат бутун вужудини қоплаб, юргизгани қўймасди, «Тупшимми, ўнгимми?» дерди, ўзича жамики ташвиши босиб, гангитиб қўйганди. Узини ўнглашга, фикр-хаёлини йиғиб олишга уринарди-ю, эпполмасди. Нима учундир миясига: «Бир лаҳзада соч оқариб, ақлдан озиш ҳеч гапмас», деган фикр келарди, Эшелон турган жойга — олаговур ичига кириб борди-ю, Исмоилжонга дуч келди. Чироқ ёруғида ранци қув ўчганини кўрган Исмоилжон шошиб сўради:

— Нима гап, Қодирхўжа ака?

Қодирхўжа ҳаяжонини босолмай, Исмоилжонни қўлидан ушлаб, қизи турган тўдадан чеккароққа тортиди. Исмоилжон билагини ушлаган қўл титраётганини сездди. Қўрқиб кетди. Жонқолатда чўнтагидан папирос чиқариб тутди.

— Нима гап, ака?

— Дўзахга кириб қолибман, ука, дўзахга!— деди Қодирхўжа папиросни кетма-кет тортиб,— ҳали биз Мақкам устани гапириб ўтирибмиз. Тошбағир одамам бардош беролмайди уларнинг ҳолига, ука!..— Кетма-кет сўрарди папиросини, шундан аламини оларди. Исмоилжон шунча йил бирга ишлаб қадрдон бўлиб қолган кишисининг бунчалик ўзини йўқотиб қўйганини энди кўриб туришийдди.

— Қаерга кирдингиз, ака?

— А? Гўристонга! Мурдалар тизилишиб ётипти. Она сути оғзидан кетмаган норасидалар, устидан тупроқ тортиш қолган, холос. Уртада гўрков турибди. Қаролмадим. Қараб бўлмайди... Гапиртиргани қўймади, изимга қайтарди. Яхши қилди бир ҳисобда. Бардо-

шим чидамасди. Юздан ортигов, ётганлар, шўрликларнинг овози чиқмайди. Баъзи йиғлаб, инграб ётганларини демасанг, овоз чиқаришга ҳоли қолмаган. Айтдим-ку, тирик мурда бамисоли... Одамлар-а, инсон болалари-я, ука!..

Исмоилжон қотиб қолганди. Ортиқча суриштиришнинг ҳожати йўқ эди.

— Балли-е, тоғ экан Отаям, тоғ...

Атроф-теварақдан «Вагонларга!» деган команда эшитилди. Исмоилжон Қодирхўжани кўлтиғидан олди. Оқиста гапирди:

— Ака, қивингиз, пайқамай қўя қолсин, ҳар қолда... — Исмоилжон «Ўзингизни босинг! деёлмади.

— Йўқ, йўқ. Асло... — деди Қодирхўжа ва ёқаларини тўғрилаб, рўмољчаси билан юзларини, пешанасини артди. Ўзига оро бергандай бўлди-ю, бироқ ичи тутдай тўкилиб турарди.

Вагонга чиқиш олдидан Мўътабар ҳамма билан бирма-бир хайрлашди-да, отасини маҳкам қучоқлаб олди. Кейин онасига отилди, бағрида узоқ туриб қолди, йиғлади, юпатди. Зўрға ундан ажралиб, вагон томон икки қадам қўювди ҳамки, Эътиборкон дод солиб, ўзини ташлаб юборди. Хотинлар суяб қолишди. Зўр бериб, вагонга чиқиб олган қизидан яширишга уринишарди. Яхшики, поезд вақтида жўнади, Мўътабар онасининг ҳушдан кетганини кўрмади.

Яхшиям Исмоилжон чиққани, Қодирхўжа уни ёнига чақирди.

— Ука, буларга ўзинг қарайсан энди, — деди хотини атрофида парвона бўлаётган аёлларни кўрсатиб, — ман борай, нима гаплигини билиб қайтай.

— Хотиржам бўлинг, Қодирхўжа ака, опам ўзларига келиб қолдилар. Ўзим олиб кетаман.

Дақшатли аҳволотдан ҳали ўзига келмаган Қодирхўжа энди қалбининг бир парчасини узиб олиб, увоқларга олиб кетган, чироқ ёруғида йилтиллаб ётган пўлат изларга тикилганича санаб қадам ташларди, станция томонга борарди. Худди қозир яна бояги залга кирадигандай оёғи тортмай оқиста одимларди.

Бюро давом этаётган пайтда кириб борди. Пойгакдаги бун стуллардан бирига ўтирмоқчи бўлиб турганида, Оқунбобоев қўли билан олдинги қаторни кўрсатди.

Секин бориб ўша ерга ўтирди. Президиумда Усмон Юсупов билан Охунбобоев ўтиришарди.

Бюрога қўйилган масала битта эди. Урушнинг бари теккан шаҳар, қишлоқлардан кўчириб келтириляётган, ота-онасиз қолган болаларни қабул қилиш, уларни жойлаштиришнинг қандай бораётгани ҳамда янги келаётганларни кутиб олиб, жойлаштириш масаласи қўйилган. Бу масала ҳақида узундан-узоқ доклад қилинмади. Болаларни жойлаштириш республика комиссиясининг қисқача ахбороти тингланди. Маориф халқ комиссарлигининг вакили, комиссия аъзоси Ҳамидов болалар уйларидаги жойлар сони кўпайгани, янги болалар уйлари очилгани, яроқли бинолар бўшатилиб жиҳозлангани, кийим-кечак, ўтин-кўмир, озиқ-овқат билан таъмин этилгани ҳақида ахборот берди.

— Ҳозирги кунгача,— деди у,— йигирма етти минг уч юз ўн тўққизта бола қабул қилиниб жойлаштирилди. Аҳоли ўз тарбиясига олган болалар бу ҳисобга кирмайди.

— Мана бу залдагилар-чи? — луқма ташлади Усмон Юсупов,— қайси ҳисобга киради?

— Ўртоқ Юсупов, бугун иккита эшелон келиб, шошиб қолдик. Биз-ку улгурардик-а, транспорт бошқармаси, вақтида...

— Ўртоқ Богдасаров!

Богдасаров дик этиб ўрнидан турди-ю, Юсупов уни гапиртиргани қўймади.

— Девор орқасида болалар инграб ётибди, бу хонада биз худди шу масалани муҳокама қилиб ўтирибмиз. Жиноят бу! Халқ олдида, Ватан олдида, фронтчиларимиз олдида жиноят! Ўртоқ Ҳамидов, ўртоқ Богдасаров!

— Машиналар кела бошлади, ўртоқ Юсупов,— деди зўрға Богдасаров ва бошқа гапиролмай жойига ўтирди.

Юсупов ўрнидан туриб кетди. Икки қўли залворли мушт бўлиб юқори кўтарилди:

— Давлат Мудофаа Комитетида Иосиф Виссарионович Сталин ўзбеклар қанча кишига бошпана бера оладилар деб сўраганида қанча зарур бўлса, шунча кишини бағримизга оламиз, деган эдик...

Одамлар билан лиқ тўла зал улкан тоғ силкингандек бир қалқиб тушди. Қалқди-ю, ҳамма бир кишидек

Ўринларидан туриб кетди. Беихтиёр содир бўлган бу қалқиш, оёққа туриш, баданларни жимирлатиб юборди. Юсупов «Ўтиринглар!» даяркан, бу сўз унинг қалбининг теран жойидан титраб чиққанлиги сезилиб турарди.

— Шунинг унутмайлик,— деди Юсупов оҳиста, салмоқли қилиб,— бу ишда масъулият ҳис этмаган ходимни, ким бўлишидан қатъи назар, партия жазосига тортиш керак. Болаларга раҳм-шафқат қилмаган раҳбар ходимнинг ўзига ҳам раҳм-шафқат бўлмаслиги керак.

Зал бир лаҳза сув қуйгандек жимиб қолди. Ўтириганларнинг даярли ҳаммаси бошини қуйи солиб, ўйга толган, ўртага оғир жимлик чўккан эди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги бошқармасининг бошлиғи Аминов ўрнидан турди. Оҳиста гапира бошлади. Уйқудаги болани уйғотиб юборишдан чўчигандек юмшоқ гапирарди. Беморлар, ярадорларни даволаш, чақалоқларни жойлаштириш яхши йўлга қўйилгани, эмизикли болаларни тарбиясига олаётган кишиларга алоҳида медицина ёрдами уюштирилиб, сут билан таъмин этилаётганини батафсил сўзлаб берди. Баъзи ташкилотлар бино ажратиш тўғрисидаги кўрсатмани бажармаётганлиги янги келаётганларни қабул қилиб олишда қийинчилик туғдиришини бюрога маълум қилди. Бюро кўрсатмани бажармаган ташкилот раҳбарларини огоҳлантириб, қатъий муҳлат белгилади.

Биринчи қаторда ўтирган райком секретарларидан Шоқосимов сўз олди. У, тўладан келган гавдасини кўтариб салмоқланиб ўрнидан туриб, кўзойнагини тақиб, залга бир қараб чиқди-да, олдидаги қизил папкани очиб, ундан ёзма тайёрланган нутқини олди.

— Ўртоқлар! Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари фашизм устидан ғалаба соатларини яқинлаштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Янги кўчириб келтирилган саноат корхоналарининг қисқа муддатда ишга тушиб, фронт учун маҳсулот бера бошлашини таъмин этдилар, янги кўчиб келганларни жойлаштирдилар. Болаларни детдомларга жойлаш, ўз тарбиясига олмоқчи бўлганларга ҳар томонлама шароит яратиб беришда ҳам қўлларидан келган ҳамма нарсани қилмоқдалар. Бундан буён ҳам шаҳримизга келтирилаётган ота-онасиз қолган бола-

ларни бағримизни кенг очиб кутиб оламиз, турар-жойларини зарур нарсалар билан тўла таъминлаймиз, озиқ-овқатларини ғамлаймиз. Бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар қиламиз. Батан учун қурбон бўлган ҳамда жонини фидо қилаётган азаматларимизнинг фарзандларини ўз фарзандларимиздек бағримизга оламиз. Келадиган болаларни яхши кутиб олиш, уларни яхши жойлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида болаларни ўз тарбияларига олиш ишини ривожлантириш юзасидан бир қатор конкрет тадбирлар кўришни тақлиф қилардим.

Шоқосимов аввал президиумга, сўнг залдагиларга бир қараб олди.

— ...Аҳолига қарата ота-онасиз қолган болаларни ўз тарбияларига олишга даъват этувчи мурожаат қабул этиш ва бу мурожаатни газета саҳифаларида, радиода эълон қилиш керак...

Залда ола-говур бошланди.

— Мурожаат? — деб кулди кимдир.

— Қандоқ бўларкин? — деб юборди яна биров.

Усмон Юсупов билан Охунбобоев бир-бирларига қараб олишди. Юсупов қалам билан графинни чертиб зални тинчитди.

— Қайси бир ўртоққа мурожаат ёқмади, у киши кулиб ҳам қўйди. Масаланинг муҳим ва нозиклигини тушунинг керак. Мурожаатга ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган аҳолини халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайдиган, ватанпарварлик бурчинни бажаришга сафарбар этадиган муҳим ҳужжат деб қаранмиз ва бу ҳужжатни кенг тарғиб қилишимиз керак. Завод, фабрикаларда, чойхоналарда, клубларда, маҳаллаларда ўқиб беришни уюштиришимиз, варақа тарзида нашр этиб ҳар қаер-ҳар қаерга ёпиштириб қўйишимиз керак...

Яна залда говур-гувур бошланди. Бир-икки жойда шивирлашиб ўтириб, кулиб юборганлар ҳам бўлди. Кимдир барала «Кейин нима бўлади?» деб юборган эди, орқароқдан биров «конкрет, конкрет», деди. Юсупов яна зални тинчитди.

— Жуда тўғри савол: кейин нима бўлади, конкрет айтиб бераман, — деди дадилланиб Шоқосимов, — мурожаат омма ўртасида кенг муҳокама қилинганидан кейин ҳар бир район ўз имкониятларини чамалаб, ўз

зиммасига мажбурият олиши керак. Ҳар бир маҳалла ҳам ўз зиммасига худди шундай мажбуриятни олади...

Залдагилар энди ошқора луқма ташлашга ўтишди:

— Нима деб мажбурият олади?..

— Хом фикр...

— Бундан кўра план белгилаб қўя қолайлик...

Юсупов билан Охунбобоев ўзаро шивирлашиб ўтиришарди, зални ҳам ўз ҳолига қўйиб беришганди.

— Тўхтанглар, ўртоқлар, — деди Шоқосимов кўзойнагини рўмолчаси билан артиб оларкан, — кимдир план деди. Планлаштириб бўлмайди. Қанча бола келишини олдиндан айтиб бўлмайди... Шундай қилиб маҳаллалар мажбурият олгандан кейин ҳар бир оиланинг ўз зиммасига олган мажбуриятини матбуотда кенг эълон қилиш керак...

— Тамомми? — деди ўрнидан туриб Юсупов.

— Таклифим шу, ўртоқ Юсупов, — дея жойига ўтирди Шоқосимов.

Залда гапирмоқчи ё савол бермоқчи бўлиб қўл кўтарганлар кўнайиб кетди. Юсупов бирпас нима қиларини билмай, яна Отага энгашиб, алланарса деди. Қўл кўтарганлардан бири сабри чидамай «битта саволим бор», деб қолди. Юсупов унга қаради.

— Қани, нимани сўрамоқчисиз?

— Ўртоқ Шоқосимовнинг ўэлари қандай мажбурият оларкинлар?

Залдагилар гур этиб кулиб юборди. Юсупов яна қалам билан графинни чертиб, жавоб берасизми, дегандай Шоқосимовга қаради. Ўзи ҳам ўрнидан турмоқчи, бошлаб жавоб бермоқчи бўлиб турган Шоқосимовга жон кирди.

— Жуда тўғри савол. Ҳаққоний савол. Очири, камтарлик қилиб, бир нарсани айтмаган эдим. Энди гапиришга мажбурман. Мен бу таклифни киритишдан олдин обдан ўйладим. Ҳар бир оиланинг мажбурият олиш йўлларини ҳам чамалаб чиқдим. Биз, раҳбар ходимлар, ҳар бир сўзимизни, тайёрлайдиган ҳужжати-мизни амалий иш билан мустаҳкамлашимиз керак. Шундагина омма ишончини оқлаган бўламиз. Биз оиламиз билан маслаҳатлашиб, ўша биринчи эшелон келгандаёқ детдомга бориб, бир украин боласини тарбиямизга олдик. Ювиб-тарадик, яхшилаб кийинтирдик,

кўнглига ёққандини бериб, тарбиялай бошладик, оталик қилдик, оналик қилдик. Ҳозир бола...

— Тушунари, — деди кимдир унинг гапини бўлиб, — бу ишингиз яхши бўлибди.

— Тамомми? — сўради Юсунов.

Шоқосимов жойига ўтирди. Шу заҳотиёқ залда олағовур бошланиб, қўл кўтарганлар яна кўпайди. Нима қилиш керак?

Юсунов гапирмоқчи бўлганларга бир-бир кўз югуртиб чиқди-да, таъкидлади:

— Қисқа, конкрет фикрлар айтилсин. Уртоқ Солихов!

— Уртоқ Шоқосимов, — деди Солихов турган жойида гапириб, — партия раҳбари сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам олижаноб бир иш қилибди. Табрикласа арзийдиган иш. Тарбиясига битта болани олибди. Аммо аҳолини сафарбар қилиш ҳақидаги таклифига мен мутлақо қаршиман! — деди-да жойига ўтирди.

— Уртоқ Миркаримов, — унга сўз берди Юсунов.

— Гап ҳар бир боланинг ҳаётини сақлаб қолиш устида бораётипти, — деди Миркаримов ҳам турган жойида, — биз шу масалани муҳокама қилаётимиз. Шоқосимов нозик масала деди-ю, назаримда нозиклигига ўзи тушуниб етмаганга ўхшайди. Ваъзхонлик, қоғозбозлик билан бўладиган иш эмас бу. Битта болани тарбиясига олганини мақтаса арзийди, дейишди. Билмадим, кўрмай-билмай туриб, бир нима дейиш қийинку, аммо шуни ҳам ўртоқ Шоқосимов қалб даъвати, — у қўлини кўксига қўйиб кўрсатди, — биланмас, одамларга кўрсатиб, ўзи айтгандек, мажбурият юзасидан олганга ўхшаб қолди. Мурожаат, мажбурият ҳақидаги фикрига сира қўшилмайман. Бюро бундай таклифларни қабул қилмай, қоралаш керак. Гапим шу!

— Уртоқ Мирфаёзов.

— Менимча ўртоқ Шоқосимовнинг таклифини синчиклаб ўйлаб чиқиш керак. Унинг гапида жон бор. Шундай ҳужжат қабул этсак аҳолини сафарбар қилиш энгиллашади. Мажбурият ҳам ёмонмас. Ҳар бир район, маҳалла, ҳар бир оиланинг қанчадан олиши аниқлашади. Масъулият ҳам ортади. Менимча чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Фикрим шу.

— Уртоқ Стрельцов!

— Мен темирчи Маҳкам акани яхиш биламан. Би-

ринчи эшелон келган куни мана шу перронда танишдим. Хотини билан келибди. Унга биров мурожаат ҳам қилмаган, мажбурият ҳам бермаган. Эшитгану, юраги ачиб, уйида ўтиролмаган. Тўғри келаверган. Қўйиб берсангиз ҳозир вагондан дуч келган болани олиб, бағрига босиб олиб кетадиган. Эсингизда бўлса керак, Йўлдош ака,— деди у Охунбобоевга. Ота бош қимирлатиб тасдиқлагач, сўзида давом этди,— Маҳкам акага ўхшаганлар ўша куни минглаб келишганди. Ундан кейин-чи? Юзлаб, минглаб одам чиқади болаларни кутиб олгани. Такрор айтаман, мурожаатсиз, мажбуриятсиз чиқишяпти, болаларни тарбияларига олишяпти. Шовқин-суронсиз, писанда қилмасдан олишаётипти. Маҳкам аканинг олтига бола олганидан район ташкилотларининг раҳбарлари кабардорми, биронтаси уйига бориб кўрдими? — Стрельцов «ҳа» деган садо чиқармикан деб, район раҳбарлари ўтирган қаторга қараб қўйди, овоз чиқмагач, сўзида давом этди,— ахир бу лоақал инсоний бурч юзасидан, боринги, ўзбекларга хос «моро бўлсин»га боришдек ажойиб расм-русм юзасидан ҳам лозим эди-ку. Хўш, Маҳкам ака ишлайдиган ташкилот раҳбари-чи, билмадим, бу ўртоқ борми шу бюрода,— Қодирхўжа беихтиёр безовталаниб, бошини қўйи солиб олди, индамади,— бориб, кўнглини кўтариш, зарур бўлса ёрдам бериш лозим эди. Бу кўнгил иши, дил иши. Болалар уйларига бориб кўрган киши билади буни. Маҳкам акага ўхшаган минглаб кишилар болаларнинг бошини силаётган экан, биз уларни қадрлашимиз, рағбатлантиришимиз, халққа кўрсатишимиз керак, мажбурият билан қилинадиган ишмас бу!

Стрельцов жойига ўтирди.

— Менимча масала равшан,— деди Юсупов қўл кўтариб турганларга қараб,— ортиқча чўзиб ўтирма-сак.

Залдан маъқуллаган овозлар эшитилди. Юсупов Охунбобоевга сўз берди.

— Фронтга борганимизда,— оҳиста сўз бошлади Охунбобоев,— қуруқ кетмаган эдик. Совға-салом олиб боргандик. Делегациямизда атоқли санъат ходимлари, ёзувчилар бор эди. Совға-саломларни улашсак, кетидан концерт қўйиб берсак, ғазалхонлик бўлса, кўнгиллари тоғ бўлиб кетади, руҳлари кўтарилади деб ўйлар-

дик, бу янимиздан ҳар биримиз ҳам мамнун эдик. Худди шундай бўлди ҳам. Аммо биз энг зарур, энг қимматли совга олиб борган эканмиз, буни ўзимиз ҳам пайқамабмиз. Совгаларимиз ҳам, кўнгил очар кечалар, учрашувлар ҳам бир бўлди-ю, ҳар бир жангчи, ҳар бир офицер, ҳар бир генерал билан учрашганимизда, «Болаларимизни бағрингизга олганингиздан бошимиз кўкка етди», «Ўғил-қизларимиздан кўнглимиз тўқ, шунинг ўзи бебаҳо совга», дейишгани ҳам бир бўлди. Нафсиларга ўйлаб кўрганимизда азаматларимиз шу гўдаклар деб, келажагимиз деб жон олиб, жон беришяпти-ку. Шаҳарнинг ўзида бугунгача ўттиз мингдан ортиқ болани жойлаштирдик. Уттиз минг қуруқ рақаммас. Уттиз минг жон, ҳар бирини отасига, акасига, бобосига зарб қилиб кўринг, қариндош-уруғларига зарб қилиб кўринг. Булар ҳаммаси фронтдаку, ҳалок бўлганлари шу жигарбандлари деб қурбон бўлишган-ку. Энди, шу ҳар бир болани онаси, онаси, бувиси, холя, аммаваччаларига зарб қилиб кўринг. Улар фронтга хизмат қилишяпти-ку, ҳалок бўлганлари шуларга қалқон бўлган-ку... Фронтчиларимиз «бебаҳо совга» дейишгани маана шу. Мен бу гўдаклар вояга етиб, улғайиб, ўзидан кўлайингани, қўлимиздан ишимизни олингани айтмай қўя қолай. Бунинг аҳамияти ҳаммангизга маълум. Мурोजаат, мажбурият тўғрисида гап бўлди. Қанақа мурोजаат, мажбурият? Кимга? Нима ҳақда? Маана, мурोजаат, — у қўли билан деразадан кўриниб турган перронни кўрсатди, — ҳар кун келинг, дарёдай оқиб келаётган одамларни кўрасиз. Маана, мурोजаат! Детдомларга боринг—бола оламан деб келаётганларнинг кети узилмайди. Маана, мажбурият! Биз халойиққа, давлат болаларни боқолмай қолди, боқамиз деб мажбурият олинглар деб мурोजаат қиламизми? Давлат ҳали бу даражага етгани йўқ. Уларга жой ҳам топамиз, кийим-кечак ҳам, озиқ-овқат ҳам. Биз бу ерда бу нарсани муҳокама қилаётганимиз йўқ. Буни тушуниб олмоқ даркор. Баъзи тушунмаганларга тушунтириб қўйиш — яхшилаб тушунтириб қўйиш лозим. Гап бошқа ерда. Ҳар қандай детдом ҳам болага, ота-онасидан жудо бўлган, уруш даҳшати кўриб, безиллаб қолган норасидага она бағри, ота меҳридек бўлолмайди. Боқин билан тарбиялашнинг фарқига бориш даркор. Мажбурият биланмас, хоҳиш,

истак билан, кўнгил амри билан оталик қиламан, она бўламан деган ният билан оладиган бўлсин. Мажбурият билан болани олиб кийинтирса, овқатини бериб турса-ю, бола бўйнини этиб, бир чеккада мўлтиллаб ўтирса, она деб хархаша қилолмаса, ота деб бўйнига осилолмаса... Ҳай-ҳай, шунақасидан худо асрасин. Даҳшат бу! Кўрганмиз шунақасини. У замонлар ўтиб кетди. Ҳар қандай уруш бўлгандаям давлат болаларни зориқтириб қўймайди...

Қодирхўжа қимир этмай Охунбобоевга тикилиб ўтираркан, чоракор деҳқондан чиққан оқсоқолнинг ёшлик даври қандай ўтганини эслади. «Кўрганмиз шунақасини», деганида у ўша ёшликни—шўхлигу эркаликни билмай ўтган ёшликни, бой-боёнлар эшигида юпун ва салқит билан кун кечирган ёшликни, ҳамиша пойгакда бўйнини этиб, хўрликка чидаб ўтирадиган ёшликни, якка ўзинимас, тенгқурларининг ёшлигини эсларди.

— ..Халқ доно, халқ билади нима қилишини. Ҳозир Тошкентдагина эмас, бутун республикада минглаб оилалар етимларнинг бошини силаб, ота-оналик қиляпти. Иккита, учта норасидани бағрига олганлар бор. Оддий бир темирчи оиласи олтита гўдакни бир дастурхон атрофига ўтқазиб, ризқ-насибасини баҳам кўраётган, уларга оталик, оналик меҳри тушган экан, биз бундай одамларга сажда қилишимиз керак. Халқимизнинг ана шу инсоний фазилатларини, бебаҳо ташаббусларини қўллаб-қувватлашимиз, уларга бошчилик қилишимиз керак. Асил қавм-қариндошлик, дўст-биродарликнинг таомили шу. Бу ҳам қарз, ҳам фарз. Янги замоннинг янги одамларига хос удум бу. Бу удумни эл-юрт, инсоният қадрляпти, маъқулляпти, таҳсин айтяпти... Ноҳақ ишнинг умри қисқа. Уруш тугайди. Газаданинг томири қирқилади. Тинчлик замон бошланади. Ана ўшанда улрайиб, катта бўлган мана бу гўдаклар халқ меҳрини, одамларнинг оқибатини бир умр унутмайди, ўзигинамас, авлод-аждодигача етказди, муқаддас сақлайди.

Республика оқсоқолининг ҳар бир сўзи ўтирганларнинг дилидагини ифода этгани уларнинг юзларидан, тўрға, Отага тикилиб қолган кўзларидан, ора-сира эшитилиб турган чуқур хўрсинишларидан яққол кўриниб турарди. Ҳали бунинг моҳиятига тўла тушуниб

етмаган, дийдаси қаттиқроқ баъзиларнинг кўзини мошдек очиб, катта ҳаёт йўлига назар ташлашга даъват этарди, буни истамаса тўлқиндаги хас-чўпдек қирғоққа чиқариб ташланиши муқаррарлигини кўрсатарди. Қодирхўжа Отанинг нутқидан шуни ўйлаб ўтирарди, оқсоқолнинг гапидан шундай хулоса чиқарарди. Уйлаган сари ёнидаги зал, ундаги болалар кўз олдига келаверарди.

Бюро йиғилиши охирлаб, кўрилган масала юзасидан амалий тадбирлар белгиланди. Шаҳар партия комитетининг секретари болаларни олиб келадиган ҳар бир эшелонни кутиб олишдан тортиб, то болаларни жойлаштиришгача масъул бўлган ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари номларини ўқиб, эшиттирди. Узун рўйхатнинг ўртароғида «Ўзметаллпромсоюз — ўртоқ Қ. Абдуллахўжаев» деб ўқилганда Қодирхўжа яна бояги ҳолатга тушди. Залнинг ўртасида турган, кўзига гўрковдек бўлиб кўринган одам ўрнида энди ўзини кўрди.

Бюро тугаб, одамлар тарқалишди. Қодирхўжа нима қиларини билмай, бир чеккага чиқиб тураверди. Отага кўринишини ҳам, индамай чиқиб кетаверишини ҳам билмади. Ота ёнида одамлар билан эшик томонга юрди, ўртадан ўтаётганида Қодирхўжани кўриб қолди. Олдига келаётган эди, Қодирхўжа унга яқинлашди.

— Қизчани кузатдингизми? — деди очиқ чеҳра билан Ота.

— Ҳа. Саломингизни айтдим.

— Омон бўлсин, — Ота шундай деди-ю, яна ёнида турганларнинг гапига чалғиди, эшикка чиқиб кетди.

Қодирхўжа одамлар билан перронга чиққанида Ота эвакуопункт залига кириб кетаётганини кўрди. Киришга юраги дов бермади.

НИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Ота касбини қилиб, кўн заводида ишлаб юрган Абдуҳафиз фронт яқинидаги шаҳардан кўчириб келтирилган дастлабки заводни тиклашда қатнашди. Бир ўзимас, ҳамкасбларининг кўпи бунга жалб этилганди. Завод жадаллик билан тикланиши, фронт учун маҳсулот етказиб бериши лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Саккиз кун деганда асосий цехлардан бири қад

кўтариб, ишлай бошлади. Икки ойга қолмай бутун завод ўзини ростлаб олди. Улкан корхонанинг кўлами, ўрнатилган машина, механизмларнинг нозиклиги, мураккаблигига қараганда, шунчалик қисқа фурсатда ишга тушиб кетишига ақл бовар қилмасди. Четдан қараган ё эшитган киши буни унчалик пайқамасди-ю, ичида қоришиб юрган Абдуҳафизга бу афсонадек туюларди. Одамлар тун демасди, кун демасди, иш соати деган гап ҳеч кимнинг эсига келмасди... Шу ерда, наридан-бери ростланган баракларда, брезент палаткаларда ётиб қолишарди, ётиш деган гап бирпас мизгиб олиш деган гап эди. Баъзан иш тепасида қолдан тойиб қуш уйқусини олишар, яна ўриндан туриб кетишарди. Совуқ, ёғингарчилик, иссиқ ёвфоннинг вақтида бўлмаслиги бирон кишининг на руҳия-қолатига таъсир қилар ва на куч-қувватига.

Фарзандини авайлаб бағрига босиб, озор бермай кўтариб келган онадек ўз заводларини бўлак-бўлак қилиб, ардоқлаб олиб келганлар ҳам, уларни қўш қўллаб кутиб олганлар ҳам бир кишидай жон куйдиришарди. Бамисоли юрт бошига тушган кулфат кўч-кўрони, довдастагини кўтариб келган азалий қариндошларни азми Тошкентда учраштирди-ю, фақат одатдагича ҳол-аҳвол сўраш, меҳмондорчилик қилиб, чақчақлашиш, шундан кейингина ишга тушишни вазият кўтармасди, борди-ю, вазиятга қаралмаганда ҳам — ахир қарамай бўлармиди, ақлга сирмайди-ку бу — татимасди. Меҳмонга ҳам, мезбонга ҳам. Вазият бир нарсани талаб қиларди: «Қариндошлар, саломат дийдор кўришдингларми, бас, энгни шимаринглар!» дерди. У, кўмаклашинглар, деб бақириб чақириб жар солмасди. Одамлар кетидан юрмасди. Аммо ҳар бир қимирлаган жон борки, қалбига кириб борганди. Қариндош келдими — энгингни шимар! Қолгани кейин бафуржа бўлаверади, дерди ҳар бир киши. Абдуҳафиз ана шуларни кўрарди, чуқур ҳис этарди. Завод тикланганидан кейин кўнчилик ҳунарига қайтиш мумкин эди. Боролмади, икки ой мобайнида янги корхона, унинг одамлари шунчалик қадрдон бўлиб қолдики, ташлаб кетишни инсофдан деб билмади. Нон-тепкилик, қолаверса қардошларга ҳурматсизлик деб ўйларди. Ўзи шундай деса, ҳамкасбларининг фикри ҳам бир жойдан чиқиб қолди. Шу даражагача борди-

ки, кўн заводи маъмурияти масалани райкомга қўйди. Бўлмади. Шу-шу Абдуҳафиз янги келган заводда қолиб кетди. Нима иш қилади, қанақа вазифада, заводи нима ишлаб чиқаради? Бу ҳақда ўзи гапирмасди. Кўпроқ коптиков қиладиган, айтмагани сари баттароқ қизиқадиган Ориф ота ҳайрон бўларди.

— Шу заводга кирдингу, ишингдан сўраеса, ўзингни гунгликка соладиган бўп қолдинг-а, чўлоқ?

— Механикман дедиму. Бошқасини нима қиласиз суриштириб,— деб қўя қоларди кулиб.

— Ё бу ердаям тери ошлайсанми?

— Ошлаганда қандоқ. Шунақанги тери ошлайманки, асти қўяверинг,— яна гапни бошқа ёққа буриб кетарди.

Бора-бора Ориф ота сўрамайдиган бўлиб қолди. Шаҳарга келтириб тикланган ўнлаб улкан корхоналарнинг ҳар бирида минг-минглаб одамлар ишлайди-ю, бироқ улар нима ясаб чиқаради, буни ҳеч ким билмасди. Заводларнинг номи фронтдан келадиган катларнинг адресларига ўхшаб почта қутиси номери билан аталарди. Турган гап, бу корхоналар баркаш ясаб, хокандоз чиқармасди. Фронтга зарур бўлган муҳим нарсаларни ясарди. Ориф ота буни сир сақлаш лозимлигини ҳам биларди. Аммо ўглидек қадрдои, сирдош, ҳазилкаш Абдуҳафиз қиладиган ишини отадан ҳам яширишга ақли етмасди. Гоҳо ўзича: «Менгаям ишонмаса-я? Мехри-оқибати шу экан-да. Шунча йилдан бери ота-ота деб юргани тил учида экан-да... Тавба... Одамга одам ишонмаса қанақа қилиб яшаб бўлади дунёда?— Ориф ота шуларни ўйлаб Абдуҳафиздан астойдил ўпқаларди, ихлоси қайтиб, қўлини силтаб юборарди, дунёдан ҳафсаласи пир бўлиб кетарди. Бирпас шундай куйри чиқиб турарди-да, Абдуҳафизнинг юрагини очиб гапирган гапларини эслаб, шу заҳотиёқ фикридан қайтарди. Ўзига ўзи тасалли берарди.— Йўқ-э, Абдуҳафиз унақаларданмас, хомкалла чол. Сир сақлаётган бўлса давлат сирини сақлаётипти. Ота-бобосидан қолган хумдаги ёмбини яшираётгани йўқ сендан. Дунёда ярамаслар йўқми? Мана, биттасининг касофати. Бутун давлат бошида турган одам бибурдлик қилиб, ўз халқига ҳам, бошқа халқларга ҳам хиёнат қилиб ўтирибди, ҳамманинг бошига кулфат ёғдириб ўтирибди. Ҳар ким ўз ара-

васини тортаверсин, тинч-тотув яшайлик деб ажду
вайтмон қилинганда биз унга ишонган эдик. Оқибати
нига бўи чиқди? Битта одамнимас, бутун бир юрт-
ни, дунёни алдади, беҳаёлик қилди, шармандаларча
бостириб кирди. Ушанга ўшшаган ифлослар, одамгар-
чилик сиёҳини йўқотганлар, унинг айроқчилари йўқ
дейсанми, чол... Тагин уруш бўлиб турган пайтда-я...
Сал эсингни йиғиб ол, чол. Каллани ишлат, жудаям
санамай саккиз деяверма... Узинг ҳам шу самовар-
нинг жўмрагидан наридагисини кўрмайдиган бўлиб
қолганга ўхшайсан-а. Сал нарироққа чиқ, кўчани кўр,
юртни кўр, оламни кўргин-да, иннайкейин ҳол сўр-
гин, чол...» Шундай деб, ўзини ўзи койир ва шунга
ақли етганидан хурсанд ҳам бўлиб қўярди. Шундай
мулоҳазалардан кейин Абдуҳафиз кўзига «сир сақлаб
юрган, ичидан пишган» йигитмас, давлатнинг жуда
муҳим, зарур ишини бажараётган, тилсимотдан ха-
бардор бўлган арбобдай кўриниб кетарди, ихлоси
ошиб, меҳри товланарди. Сиполик билан обрўсини
ўринлатаман дерди-да, ўртага ҳазил тушиб, тагин
бояги-бояги ота-болалигини қилаверарди.

Абдуҳафизнинг хотини Замира кейинги йилларда
болалари билан ўралашиб, попопчиликни йиғиб, уйда
ўтириб қолганди. Боя айтганимиздек, вазият унинг
юрагига ҳам ўт оолиб қўйди. Тўқимачилик комбина-
тига кириб ишлай бошлади. Орадан сал ўтмай маҳал-
ладаги аёлларни тортди. Заводга қатнашнинг иложи-
ни қилолмаганлар уйларида ўтириб ишлайдиган
бўлишди. Хонадонларнинг кўпчилиги шу иш билан
шуғуллана бошлаганидан маҳалла ҳам парашют ма-
ҳалла деб аталадиган бўлиб қолди. Умрида бунақа
ишга қўл урмаган, дераза нарда, гўшанга, чивинхона
тикишдан бошқасини қилмаган қариялар ҳам очилса
масжид гумбавини қолайдиган парашют тикишнинг
чеварлари бўлиб қолишди. Буларни кўриб Абдуҳафиз
ҳайрон бўларди. Эсида, бир вақтлар гўзабозорда янги
артель очилиб, хотин-қизларни жалб этиш ловим
бўлганида, битта аёлни кўндириб ишга жойлагунча
она сути оғайдан келарди. Кейин артель ходимлари
уйма-уй юриб, кўрпанинг ғилофи билан пахтасини
тарқата бошлашди. Уйда ўтирганларга кўрна тикиш-
ни таклиф этишди. Қани, отилиб чиқиб, мен қиламан
деган мард. Ялинишарди, ёлворишарди. Ҳатто уйда

тикканларнинг хизмат ҳақини артелдагиларга бара-варлаймиз, ўзимиз олиб келиб, олиб кетамиз, деб шарт қўйишарди. Шунда ҳам кўнгани кўнарди. Энди-чи, «ҳой, қўлим тегмайди» ёки «юрагимга сиғмайди» дейдиган биронта аёл йўқ. Уйқусидан кечади, оромини бузадики, чурқ этмайди. Хонадонларга кириб юрган Замира кўпинча овқат устида топиб келган гапларини эрига айтиб ўтирарди. «Хожар хола жуда қизиқ хотин-да. Қачон кирсам, «Қанийди, мана шу ҳар бир боғич ўша ер юткур фашистнинг хиппа бўйнидан олса... Олади, қараб тур, Замира, олади... Поччанг раҳматлик балиқ тутарди. Каттакон тўри бўларди. Ўзи тўқиб, узилса ўзи улаб, хуноб бўларди. Шуниям билмайсан-а, балиқни ғипиллатиб ейсану, тўрига қолганда қирқ газ наридан қочасан деб, тўнғиллаган тўнғиллаган эди. Шўрлик ҳозир, мана буни кўрса оғзин очилиб қоларди-да... Илойим, мана шуям тўр бўлсину, ўша газандалар гала-гала тушсин-да, типирчилаб, бўғизланиб қолсин... Ҳай-ҳай, айтганимга тавба қилдим...» — эшитиб ўтириб кулиб юбордим. «Нега тавба қилдим дейсиз?» десам, «Вой болам, газандаларни балиқларга тенг қилдим-а, балиқларни ҳаром қилдим-а...» дейдилар. Кула-кула қотиб қоласиз гап-рига...»

Абдуҳафиз хотинининг қайси бир кампирдан эшитиб келган гапини сира эсидан чиқармасди: «Ҳар бир қатимим душманга ўқ бўлиб тегмаса асти розимасман», дермиш. Турмуш эҳтиёжидан ҳам юрт талабини юқори қўйган аёлларни меҳнати, шижоати заводни тиклаш пайтидаги одамларнинг шижоатини, ғайратини эслатарди. Тожихон-чи? Иссиқ буюм йиғиш пайтида, ҳовлисига кирган Иқбол сатангни олдига солиб қувлаганди. Иқбол сатангдай одам гапини ўтказолмай, хуноб бўлиб келганди. Тўғри гап билан «бермайман» деб қўя қолса майлийди-я, оғзига келганини қайтармай вайсабди: «Келиб-келиб, эски пўстак билан душманни енгаман дейсизларми?» деб сасибди. Бу гапни эшитиб, Абдуҳафиз ўйланиб қолди. Иқбол сатангни юпатди-да, «энди бунақа нарсаларда у одамни безовта қилмай қўя қолайлик» деган эди. Эртасига идорада ўтирса, Тожихон кириб келяпти. Ёнида ўғли. Қоп кўтариб олибди. Идорага кирди-ю, салом ҳам бермай қопини бўшатди. Почапўстин, чақмоқ

телпак, тагин олам-жаҳон иссиқ кийимлар олиб келибди. «Кеча, анави сатангинг кирувди. Таталаб берувдим. Кейин ўтириб, ўқинимга тушдим. У шўрликда нима айб, ўзига сўраб келибдими. Поччангга ўхшаган солдатларга деб келганку... дейман... Ма, иссиққина кияр, кимга насиб қилган бўлса...» деди-да, индамай чиқиб кетди. Абдуҳафиз ағрайиб қолди. Шундай зикна, қишда қорни ҳам қизғанадиган, шаддод аёл ҳам вазиятни тушунди. Тўқимачилик комбинатига ёзилмай қолган экан. Замирадан ўпкалабди. Уйига янги кўчиб келганлардан бири кампирни жойлаштирамоқчи бўлишганда ҳам аввалига ижирғаниб турди-ю, кейин индамай ўзи бошлаб олиб кириб кетди. Вазиятни тушунганидан шу.

Фақат одамларнинг кўнгли нозик бўлиб қолган, фронтдаги жигаргўшаларининг дарди, бу ердаги қийинчиликлар руҳия-ҳолатини эзиб, асабларини таранг, пашша учса титрайдиган қилиб қўйган. Уларга ётиғи билан муомала қилиш, эшигини қоқиб бориб, ҳолидан хабар олиш, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариб қўйиш сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолганди. Абдуҳафиз ҳар қадамда шуни уқтирадиган Ориф отанинг бу одатини жуда қадрларди. Шунинг учун ҳам бугун айтилган вақтда етиб келишга ҳаракат қилди. Ишдан чиқди-ю, уйга ҳам кирмай тўғри чойхонага ўтди.

— Хайрият,— деди уни кўриб Ориф ота,— санам одам бўлиб, ишдан вақтли қайтаркансан-а, чўлоқ.

— Бугун нариги ҳовлига кирмай келяпман-да,— деди Абдуҳафиз тегажаклик қилиб. У, Ориф отани Иқбол сатанг билан дон олишиб юрганга йўйиб, пайров қиларди. Ориф ота бундан хафа бўлмасди. Оғзи қулоғига етиб кетарди, ичидагини ташига чиқариб қўярди. Бу гал ҳам Иқбол сатангнинг ҳовлисига кириб юганига шама қилди.

— Бўлса-ку, кирардинг-а. Ҳой, ман санга айтсам, буниям эплаган эплайди. Икки оёғим бут. Иккала ҳовлиниям эплайвераман. Сани ишинг чатоқ. Таёғинг цўқиллаб сирингни очиб қўяди.

Икковлари кулишди.

— Оббо чол-э, олдиз, олдиз. Бу дейман, ҳазил-ҳазил деб юриб, қармоққа илиниб қолсангиз-а, ота?

— Кошкийди,— деди Ориф ота оғзининг таноби

қочиб, — санжам гоҳи-гоҳида нафасларинг иссиқ бўлиб туради-я, чўлоқ.

— Ҳоҳ, нотавам кўнгилга қўтир жомашов. Ростдан айтаман чол, эҳтиёт бўлинг.

— Ҳой, нима дедингсан. Илло ман илинмайман, илинтирадиган хилиданман, уқдингми?

Абдуҳафиз қотиб-қотиб қудди.

— Бўш келмайсан-а. Емасанг ҳам қара майиздан гашир деб шунга айтивсан керак-да, а, чол... Ҳой, менга қаранг, гагини қўйинг, борадиган бўлсак бориб келайлик. Ҳеч тоқатим йўқ-да шунақа ишларга. Тогдек ташқини бўлиб ётибди билсангиз. Куни бўйи шунга ўйласам-а.

— Кимга ёқади дейсан бунақа гап. Начора. Биз айтмасан, тасалли бермасак, ким қилади бунга. Ўзимам нима деб оғиз очинини ўйлаб бошим қотди.

— Қани, юринг-чи... — Абдуҳафиз қўлтиқтаёқларини олиб, ўрнидан турди.

— Ҳой, манга қара, бу, отинишам чақрайлик.

— Ростданам жигар-бағрингиздан урганга ўйшайди-ку, а?

— Ҳазилни қўй. Ҳар ҳолда аёл киши билан бирга кирганимиз маъқулдир.

Отанинг гапи тўғри эди. Абдуҳафиз кўнди. Йўлдан Иқбол сатаврни олиб ўтадиган бўлишди.

Қандолатбиби бир ҳолатда бўлиб, чўкиб қолган, ранги заъфарон, бир бурдагина юзида гўшг эмас, эт салқиб-салқиб ётар, ажин босиб кетганди. Ҳайҳотдай ҳовлида қорага чулғаниб яқна ўзи ўтирарди. Салтанатнинг ўлигини олиш кетидан юрган, врачларнинг: «Кўрини тугул яниқни очиб бўлмайди», дейишларига қармай, бир амаллаб кўндириб, яшиқ-тобутни олдириб келтириб жаноза ўқиттирган Абдуҳафизга буларнинг ҳаммаси ҳозир бўлаётгандай туюлди, юраги эзилиб кетди. Қизининг тобутини кўриб-оқ ўзини ташлаб юборган Қандолатбиби ҳозир тегин шунақа ҳолга тушса нима қилади? Ҳовлига киришга оёғи тортмасди, биров итариб киритгандай бўлди назарида.

Айвонда ўтирган Қандолатб би меҳмонларни кўриб, оҳишта ўрнидан турди, сўраниб тажмон томонга юрган эди, Иқбол сатавг чаққонлик билан ўзи кўрпача олиб ётди. Фотиҳадан кейин Ориф ота оҳишта ҳол-аҳвол сўрашга ўтди.

— Фурсат бўлиб, вақт-вақти билан хабар олол-жайми. Юрғчилик. Қўл қовуштириб қараб турадиган жайтмас. Абдуҳафиз ҳам яришга. Шундан ортмайди. Ортганда бу ердагиси тиним бермайди.

— Гинам йўқ, почта, барака тонинглар. Яхшим сизлар бор экансизлар. Дуо қилиб ўтираман дастур-хон устида.

— Сирожиддиндан алча бўлдимиз кат келмагани-ра?

— Қивим мана шунақа бўлганидан кейин битта келганича, тақа-тақ. Бештама, тилим ёвиз, олтигами хат юбордим. Биттасига жавоб йўқ.

— Сабр қилинг, бунақалар кўн. Келмай-келмай юриб лоппа хат келиб қолганлар ҳам, ўзлари келаётганлар ҳам...— деди юнатиб Ориф ота,— Маҳкамбойнинг жияниданам ҳалигача хат-хабар йўқ.

— Карим половоннинг ўғлиданам беш ойдан бери келмаётганмиш,— гапга араланиди Иқбол сатанг,— ануви паст кўчадаги Султонкон бор эди-ю, биласми, жиякфуруш, ўшанинг ўғли ярадор бўлган экан, отпус-кага келибди.

— О, бечора. Шунақа келаётганларам бор денг?

— Бўлмаса-чи. Ажабмас. Сирожиддин ҳам кириб келса.

— Айтганингиз келсин. Омон бўлса, кабар қилма-саям майлийди.— деди кўз ёшини артиб Қандолатби-би. Гапирса ҳам, гап эшитса ҳам кўз ёши тўлиб, дув юзига думалаб тушаверарди. Узини тетикликка олиш-га уринарди-ю, ёшини эплаб ололмасди.

— Командирига ёзиб кўрмадингларми?— сўради Абдуҳафиз. Нима қилсаки, кўнглига тасалли беради-ган йўлни топса, кўпроқ шуни ўйларди.

— Йўқ,— деди сал тетик тортиб Қандолатбиби,— қанақа бўлади, кимга деб ёзилади, Абдуҳафиз?

— Уша адресга ёзилади, қисм командирига тег-син дейилади-да. Адресини беринг, ўзим ёзиб юбора-ман.

— Барака топ, болам, яхшим сизлар борсизлар,— Қандолатбиби ўтирган жойида наматни қайириб, бўй-ра устидан уч-тўртта конвертни олиб, Абдуҳафизга узатди.

Ориф ота зимдан Иқбол сатангга «Гапираверайми ўзингиз бошлайсизми?» дегандай қараб олди. У, ла-

бини қисиб, гапиролмаслигини билдирди, ўзига ташлади. Ориф ота ич-ичидан қийналарди. Ҳозир айна дақиқа, бўлмаса эркаклардан андиша қилиб ҳозиргача индаёлмай ўтирган Қандолатбибининг ўзи эридан хат келмаганидан гап очади. Ана унда анча оғир бўлади.

— Қизингиз дейман, пешанасида шу бор экану,— дея узоқдан бошлади Ориф ота,— илло, жаннати бўп кетди. Бамисоли сув париси жаннатга киргандай...

— А? Қандоқ қилай. Унинг ўрнига ман бориб ётсам бўлмасмиди-я... Сира ўлганга ўхшамайди, назаримда кулиб, эшикдан кириб келаётгандай...

— Хафа бўлманг. Шаҳобиддинданам анча бўлди-я, хат келмаганига?

— Ҳа!— деди ҳамон тўкилаётган ёшларини артиб.

— Энди,— чайналарди-ю, ҳеч нарёғини айтолмасди Ориф ота,— худо сабр берсину, бардошингиз пўлатдан бўлсин-да. Бир хабар эшитиб қолдик.

— А?.. Рост эканми?

Ориф ота ҳайрон бўлиб Абдуҳафизга қаради. Иқбол сатанг ҳам ҳеч нарсага тушунолмади. Нимани рост деяпти?

— Ҳа, нега индамай қолдингиз, почча?

— Йўқ, қалиги... Бирон хабар эшитибмидингиз?

— Эшитувдим. Бунақа хабар бекорга тарқалмайди. Сизларгаям келдимиз?

— Келди.

— Кимдан? Уша пулмотчи йигитданми?

— Йўқ. Командиридан.

— Қорахатми?— ҳовлиқиб сўради Қандолатбиби.

— Шундай...

Қандолатбибининг боши шилқ этиб тушди, ияги кўксига бориб теккандек бўлди. Кўзидан шашқатор ёш оқарди, ўртага чўккан оғир сукутда таранг этакка дона-дона тушаётган томчиларнинг овозигача эшитиларди. Анчагача шу алфозда ўтиришди. Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмади. Қандолатбиби яна боягидек ёнига ўгирилиб, наमतни кўтарди, алоҳида турган конвертни узатган эди, Абдуҳафиз олди. Хатни ўқий бошлади. Овоз чиқармай ўқиди. У ўқиркан, Қандолатбиби бўғиқ овоз билан тутилиб-тутилиб гапира бошлади.

— Манга айтмай ота-бола... бамас-ла-ҳаат иш бит-казишган экану, ғафлатда қолиб ўтириб-ман-да... Бунақаякан, маниям қўши-иб, ол-кетишмайдими?.. Нима гуноҳ қилувдим?..

— Қўйинг, хафа бўлманг, юртга келган тўй экан. Қандоқ қиласиз. Сирожиддин омон бўлсин. Ўзингиз саломат бўлинг.

— Вой, саломат бўлмай, ўлай. Кимга керакман ман-а? Нега худо мани тезроқ ола қолмайди-а?..

Абдуҳафиз хатни ўқиб бўлиб, оғир хўрсинди-да, конвертни секин Қандолатбибининг тиззаси ёнига қўйди. Ориф ота яктагининг тагидан қорахатни чиқарди, беришни ҳам, бермасликни ҳам билмай, қўлида ушлаганича ўтираверди. Орага яна жимлик чўкди.

— Иккита сингиллари бор,— деди оҳиста Қандолатбиби ўзини босиб олгач,— икковиниям ўзлари беш бўлиб, оталик қилиб узатган эдилар, икковиниям эри, бирининг ўғли кетган. Мана бунинг дабдабасида уларга ҳам билдирмай ўтирувдим. Энди, чорам қанча... Ҳали эшитишса, дод солиб келишади бечоралар...

Чуқур ўйга толган Ориф ота қўлидаги қоғозга тикилганича ўтираркан, кўз олдидан Шаҳобиддин ўтаверди. Мотамсаро аёлнинг мана бу галидан кейин юраги бир орзиқиб тушди. «Бардошига балли-ей... Ушоқдай аёлнинг юраги ҳам шунчалик тоғдек бўладими-а? Епирай! Кетма-кет иккита мусибатни кўтараолгани устига, қайнсингилларига ачинади-я?..»

Ҳеч кимнинг гапиришга мажоли қолмаганди. Нима ҳам дейишарди. Еш боламиди қайта-қайта тасалли беришса, тагин ўзидан гап чиқди:

— Энди, аза очаман... Ҳеч бўлмаса, шўрликка шу бориб етсин... Нима кўрди? Ўғил уйлантиролмади, қиз чиқаролмади...

Қандолатбиби гапиролмай яна жим қолди. Яна боягидек нохуш сукунат тушди ўртага. Абдуҳафиз зимдан Ориф отага қараган эди: «Қўзғалма», деганга ўхшаш ишорани кўрди кўзларида. «Бирон гапи бўлса айтиб олсин, юраги бўшасин, сабр қилайлик-чи», деб тушунди Абдуҳафиз.

— Почча,— деди яна синиқ овоз билан Қандолатбиби,— йўл-йўриги қанақа бўлади?

— Сиз бу ёғини ўйламанг. Мулла Шаҳобиддин

билан ога-ини эдик. Менга ҳам қарз, ҳам фарз. Бу ёғини қўлдан келганича ўзим бош бўлиб, мана, бу ёқда Абдуҳафиз дегандек... Бунинг ташвишини қилиб, ўзингизни уринтирманг. Эртага ўзим кираман. Бирга маслаҳатлашамиз.

— Барака топинглар, Одам танлагин деб шуни айтишаркан. Бошимга кулфат тушиб билвотман буни. Одамларга нима ҳам қилибманки, ҳамма — катта-ю кичик ҳолимдан хабар олади-я. Бир кун ёлғиз қўйишмайди... Бўлмасам, ўша қизимникининг ўзидаёқ таппа ташлагандим. Қаранг, одамларнинг тафтини. Шулар дардимга дармон бўлиб, суяб туришипти.

— Синглингиз келиб турадими?— сўради Ориф ота.

— Балогардон бўлаётган ўша-да. Кеча кетувди. Униям уйи, сигир-бузоғи, тинчийди дейсизми. Ёлғиз қўйишмайди барака топкурлар. Бўлмасам, мана бу уй ўлгур ютаман дейди.

— Рост. Ёлғизлик ёмон,— деди Иқбол сатанг раҳми келиб.

— Вой, секинроқ айтасизми. Йиғлайверсанг ёш ҳам қуриркан. Оқ дейишга нафас, дод дейишга овозинг қолмас экан. Мана шунақа ёлғиз қолганимда икки топқир ўзимни осадиган бўлдим...

Ҳаммалари чўчиб тушишди. Иқбол сатанг қўрқиб кетди. «Вой!» деб юборди беихтиёр, кўзларини олайтириб. Қандолатбиби унга бир қараб олди-ю, ҳеч нарса бўлмагандай, шунчаки бир оддий воқеани айтиб бераётгандай бамайлихотир гапираверди:

— Худодан яширмаган, сизлардан яшириб нима қилдим. Оғилхонага кирдим. Харига арқон ташладим. Челақни тўнкариб, устига чиқдим. Сиртмоқни бўйнимга солиб, ўйланиб қолдим... Улимдан қўрққаним йўқ. Йўқ, тирноқчалик ҳам қўрққаним йўқ. Гуноҳдан қўрқдим. Ғойибдан бир овоз келди: «Ҳой, бетофиқ. Нима қилмоқчисан? Жилла бўлмаса қизинг билан эрингнинг йилини ўтказ!» деди. Виждоним азобда қолди. Эпложмадим...

Улимга тик қараган аёлнинг гаплари ўтирганларни ағрайтириб қўйганди. Абдуҳафизнинг назарида Қандолатбиби ақлдан озиб қолганга ўхшаб кўринди.

— ...Кейингисида буям кўзимга кўринмади. Хом-талаш эди. Тўғри бориб, бўйнимга сиртмоқни солдим.

Калима келтириш ҳам эсимга келмади. Челақни энди туртиб юбораман деб турганимда ваҳима босди, кўрқиб кетдим. Ҳалиданмас, йўқ, Сирожиддиндан... Саломат қайтиб келса-да, хурсанд бўлиб, эшиқни қоқса... овоз бўлмаса... сабри чидамай тепиб, қулочини ёзиб ҳовлига кирса. «Ойи»лаб бақириб-чақирса-да, ойи ўлгур «болам» деб бағрини очмаса... Додлаб юборса, ўзини ерга уриб йиғласа... Ана шу додлашидан кўрқдим... Кейинчалик бошқа нарсаниям ўйладим. Ҳали ўз қўли билан тепкилаб кўмсин, дедим... Сиртмоқ ўлгур ҳалиям турибди оғилхонада. Барибир, ҳеч нарсага кучи етмади...

Орага оғир сукут чўқди. Ҳутирганлар қотиб қолишганди. Тилга гап келмасди. Ориф отагина бир хўрсиниб, жимликни бузди.

— Аслида, битта ҳамроҳ лозим бўлиб қопти сизга.

— Кошқийди. Ҳзим айтолмай юрувдим. Анави ватанидан айрилиб, бизларни қора тортиб келган шўрликлар бор-ку. Ҳшалардан Ҳзимга Ҳхшаган битта-яримта кампирми, майли-да...

— Биз буни ўйлагандик, бошингизда мана бунақа ташвиш турганда юрагингизга сигармикин деб, индамай қўя қолувдик,— деди Ориф ота.

— Сигмаганда чорам қаерга боради, почча. Мана, қатор уй ҳувиллаб ётибди. Гўримга орқалаб кетармидим... Ҳамроҳ бўлармикин дейман-да.

— Ҳйлаб кўрамиз, хола,— деди кўнглини тинчитиб Абдуҳафиз.

— Майлиз. Нима қилсаларинг розиман. Барака топинглар... Ҳай, Абдуҳафиз. Сирожиддиннинг командиридан бир жавоб келар-а?

— Келиши керак, хола. Шу бугуноқ ёзиб жўнатаман.

— Илоё умрингдан барака топ, болам. Мани сийласанг, сани жумлаи мўмин сийласин.

Ориф ота фотиҳа қилиб, ўринларидан туришди. Қандолатбиби икки букчайиб, қўлларини кўксига қўйиб, ҳовли юзига тушди. Келганларнинг тафти билан сал ёришган юраги яна увишиб, остона олдида якка қолди.

Кўчанинг ўртасига тушиб олган Ориф ота ҳам, йўлкада қўлтиқтаёқларини дўқиллатиб бораётган Аб-

дуҳафиз ҳам, Қандолатбиби билан гапга тутилиб, орқароқда қолган Иқбол сатанг ҳам чурқ этмай оҳишта одим ташлаб боришарди. Ҳозир ҳеч қайсисининг юрагига гап сиғмасди. Ҳар бири ўзича ўйларди. Муюлишгача шу ҳолатда боришди, Ориф ота юраги ёрилгудек бўлиб кетди. Тўхтаб, шундай бир хўрсиндики, ёнида от пишқиргандай бўлиб туюлди. Абдуҳафизга.

— Офарин-ей... Одамзоднинг бардошиям шунчалик бўладими-а?

— Эсим оғиб қолди, ота.

— Ўзи билган экан-ку, қанақа қилиб айтамыз деб бош қотириб юрибмиз-а,— деди етиб келган Иқбол сатанг,— балонинг ўқидек ўтирибди.

— Унақа деманг, отин, айб бўлади,— силтаб ташлади уни Ориф ота,— кетма-кет иккита ўлимни, тагин қанақаси денг-а, бай-бай-бай... Фил ҳам кўтаролмайди, бардоши чидамайди. Мен бу аёлни шу ҳовлига тушганидан биламан. Юраги яримта эди. Шу важдан бўлса керак ваҳимароқ, бўш эди. Шаҳобиддин раҳматлик чойхонада сал хаёлласа типирчилаб турарди. «Биласизу, оға», деб уйига югурарди... Эсингдами, Абдуҳафиз, уйларни хатлаб юриб, шомдан кейин кирганимиз?

— Ботирни кузатадиган кечаси-да...

— Ҳа, ўлма. Остонада ҳақ деб қизига кўз тикиб ўтирибди. Бўлмаса қаёққа, кимлар билан кетганини яхши билади. Гапимизниям гапиролмай, ёлғон ишлабди, болани алдагандай алдаб чиқиб кетувдик.

— Ҳа, ҳа... Манам худди шуни ўйлаётиман. Шундай аёлнинг сабр-бардошини қаранг-а.

— Сабр-бардош дейсан, ўлим билан юзма-юз тўқнаш келиб, гаплашибди-ю... Тагин чап бериб кетибди-я, тавба.

— Нима қилсин бечора, пешанаси шўр бўлгандан кейин,— деди орқароқда келаётган ва бу гапни эшитолмай қолган Иқбол сатанг боягидан сал юмшаб,— ўзини ўтга уриб, сувга ташлаган билан фойда борми?

— Фойда йўғу, илло, ёлғизлик ҳар балога гирифтор қилади. Бот-бот кириб турунг, сиздан лозим, отин. Иннайкейин, мўлжаллаб кўринг, сиқилиброқ ўтирган меҳмонлардан бўлса, шуникига кўчирайлик.

— Сабр қилинг, ота, уч-тўрт кун сабр қилайлик, тагин келадиганлар бор, дейишаётган эди.

— Ундай бўлса, тура турайлик. Ўзига мосроқ, ҳамдард бўладиган аёл қўйсак, анча далда бўлади... Абдуҳафиз, бояги хатни ким ёзган экан?

— Кулаковский деган бир солдат, Шаҳобиддин акам билан иккови пулемётчи экан. Қаттиқ жангда бошларига мина парчаси тегиб, ҳалок бўлдилар, деб ёзибди.

— О, бечора. Бошига теккан эканда-а?

— Икковимиз ака-ука тутинган эдик. Уруш тугагач, албатта Тошкентга борасан, дердилар. Аёллари, ўғил-қизларининг исмларини айтиб, эслаб юрардилар. Жасадаларини ўзим кўтариб, қайинзорга олиб бордим. Жангчи дўстлари билан бирга дафн этдик, дебди. Охирида оила аъзоларига, бутун қариндош-уруғларига таъзия билдирибди-да, ўз дардини ҳам ёзибди шўрлик.

— Нима дебди?— қизиқиб сўради Ориф ота.

— «Қишлоғимизни фашистлар ёндириб юборган. Аҳолини ҳайдаб олиб кетган деб эшитаман, баъзи бир одамлар қочиб улгурган, мамлакат ичкарасига юборилган дейишади. Ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди. Хотиним, икки ёш болам билан қолган эди. Билмадим, қаерда, ҳоли не кечди, тирикми? Сизлар томонга белоруслар ҳам кўчиб борган деб эшитаман... Зора шуларнинг ичида бўлса дейман ўзимча»,— дебди.

— Бундан чиқди, белорус экан-да?

— Ҳа, фамилиясидан ҳам шунга ўхшайди. «Ҳаммасидан ҳам гўдакларга меҳрибонлик қилаётганларингдан жуда хурсандмиз. Фронтдагилар ҳаммаси шуни гапиришади», деб ёзибди.

— А, фронтдагилар ҳам эшитаркан-да, бундан чиқди.

— Бўлмасам-чи. Газеталардан ўқишади, мана бу ўзингиз жойлаганлар эри, ака-укаси, ўғилларига ёзишади.

— Қара-я. Шу томонига ақлим етмас экан. Ёзишганда ахир палон маҳаллада, палончилар бош бўлиб, бошпана берди, дейди-да, а?— кўчириб келтирилганларни жойлаштиришни шунчаки, одамларга бошпана бериш деб билиб юрган Ориф ота ўзининг бу иши фронтгача хабар топиб борганидан, ўт-олов ичида жон олиб, жон бераётганларнинг кўнглини тоғдек кў-

тариб юборганидан фахрланиб кетди, худди унинг ҳам суратини газеталарга босиб, ҳаммага танитаётгандек ҳис этди ўзини. Одатдаги бу гурурни Абдуҳафиз дарров пайқади.

— Чакана иш қилаётганингиз йўқ, ота. Бу ердан гилардан ҳам ўша фронтдагиларнинг кўнглини тинчитишимиз керак.

— Рост, рост. Тушундим. Менга қара, Абдуҳафиз, ҳалиги йигит болаларининг номлариниям ёзибдими?

— Нима қилардингиз? — жўрттага қизиқсиниб сўради Абдуҳафиз.

— Ие, нима қилиши бор эканми. Ахтариб кўрардик. Ажабмас топилиб қолса. Шунақа қидириб мулла Маҳкам ҳам бир болани топди-ку.

— Номларини ёзмабди. Яхши эсга солдингиз. Мен ўзим унга хат ёзиб, Шаҳобиддин акага қилган марҳамати учун миннатдорчилик билдиришни ўйлаб қўювдим. Болалариниям сўрайман.

— Ёз. Яхши ўйлабсан. Болалари топилса тагин яхши бўлади.

Улар гаплашиб, чойхонага етиб қолишганда, анҳорнинг нариги томонидан алланима орқалаб келаётган Маҳкам акага кўзлари тушди. Кўприқдан ўтгандан кейингина орқасидаги қопда буклаб солинган, учи чиқиб турган гилам эканлигини кўришди. «Шу топда қаёққа кетаётипти?» деган хаёл ўтди Ориф отанинг дилидан. Улар тўхташди.

— Йўл бўлсин. Мулла Маҳкам, ҳозир сизни тилга олувдим-а, Хизрни йўқласам бўларкан.

— Хизмат?

— Йўғ-э, ўзим шунчалик эслагандим-да. Қаёққа?

— Тўлажаллобникига... Ташлаб келадиган нарса бор эди, — деди Маҳкам ака юкига ишора қилиб.

— Хўп, хўп. Уй ичи тинчми? Жужуқлар гурпайлашиб юрибдими. Уғилдан хат борми?

— Йўқ, оға... Ўша-ўшалигича. Ҳарбий қисмига ёзувдик, унданам жавоб йўқ.

— Келиб қолар. Омон бўлса бўлгани. Хўп, йўлдан қолдирмайлик сизни, — деди Ориф ота.

— Бу кишининг бардошига нима дейсиз, ота? — деди Абдуҳафиз анча узоқлашиб кетган Маҳкам ака томондан кўзини олмай.

— Ҳе, ука. Бунн қўявер. Бунинг қилаётганини унақа-бунақа одам эплолмайди. Еқамни ушлайман. Уэйку майли, хотинини айт. Олмани битталаб териб, қоқи қиларди. Хотинлар-ку, ошкора «сумакка тўймайдиган» деб аташарди. Энди қара, мана, гиламинн олиб кетвотти.

— Сотганими?— ҳайрон бўлиб сўради Абдуҳафиз.

— Ҳа, нима деб ўйловдинг. Тўлажаллоб тўй қивотувмидики, Маҳкамбой унга тўёна қилса, осон дейсанми шунча болани едириб-ичириш, кийинтириш. Ҳаммаси эслик, авжи ейдиган вақти. Қани, бер, деб турса, тоғ чидайдимми.

— Меҳриниса ҳам тунов куни бир шода марвариди билан қўш билагузугини заргарликка олиб бориб, сотиб келди.

Абдуҳафиз ҳаммасидан кабардор эди-ю, темирчи бисотини сота бошлаганидан бекабар эди. Ачинди. Аммо начора, қўлидан нима келарди. Чуқур ўйга толди, қадам санаб, кўприкдан ўтди, чойхонага кўтарилди.

Иқбол сатанг уйига кетди. Ориф ота самовари ёнига бориб, чой дамлай бошлади.

Шийпон лабига ўтирган Абдуҳафиз хомуш ерга тикилиб қолди. «Одамлар... Бардош... Ҳаёт-мамот... Ҳиммат... Оқибат...» калласини ана шу сўзлар чулғаб олганди. Бири бирига қоришарди-ю, бир жойга келиб тўхтамасди. Ҳар бир сўз унга ниҳоятда сирли, шунчалик мураккабки, ҳали бу сирларни Абдуҳафиз тугул олимлар ҳам тагигача очиб етмагандай, Абдуҳафиз шу ёшгача жуда кўп марта эшитган, аммо бунчалик сири борлигини билмаган бу сўзларнинг ҳар биттасини авайлаб ушлаб, устидаги чангларини артиб, минг йиллик, балки миллион йилликдир, сирини бир чеккадан тимирскилаётгандай бўларди. Устинга тираб қўйган қўлтиқтаёгининг учидаги резинка ангишвона ёнидан боя йўл бошлаган хипча бел, каллахум чумоли қийналиб, бутун кучини йиғиб, понжийда пўстини гоҳ судраб, гоҳ думалатиб, гоҳ орқасидан итариб борарди. Ўзидан ўн баробар катта юкни эплаб бораётган чумолининг юриши бўйи баробар қопни орқалаб бораётган Маҳкам акани эслатди. Бир-бирига олимласа ёпишмайдиган бу ўй-фикрлар ниҳоясига

етмай, чойнак-пиёла кўтариб Ориф ота келиб ўтирди.
Фикри бўлинди.

ИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Болаларнинг ғалва-ташвиши эр-хотинни олиб бориб, олиб келарди. Тонг отади, кун ботади, қуш тинади, қурт-қумурсқа тинади, Меҳринисада тиним йўқ. Қуннинг қандай қилиб ўтганини билмайди. Эрталаб бақатерак учуда йилтиллаган офтоб, кўз очиб-юмгунча лип этиб, ҳовлининг бу чеккасига ўтиб тургандек, нонуштага қўйилган самоварнинг суви ўлмай туриб, ўчоққа олов ёқаётган бўларди. Меҳриниса буларни ўйламасди ҳам, бундан нолимасди ҳам. Ўйлашгайм, нолишгайм вақт керак-да. Самоварнинг кулини қоқмай, тушликни ўйласа, қозон-товоқни йиғмай, кечликнинг ғамини еса, ўйлашга вақт қоладими. Бора-бора тушлик таом ҳам барҳам еди. Олма қоқи, тутмайиз, жийда-ўрик билан чой ичиладиган бўлди. Кечқурунги бир маҳал иссиқнинг ўзиям катта давлат бўлиб қолди. Шуям кўпинча ёвғон бўлади. Дастлабки пайтларда биронтасининг оғзига ёқадиганини қилиб беролмаса, ич-ичидан эзилиб, йўқчиликка минг лаънатлар ўқиб, хуноб бўладиган Меҳриниса, энди, гоҳо-гоҳо ўчоқ бошида ўтириб: «Бандаси ўлгудек ношукур-да, ўшангайм нолирмидим-а...» деб қўярди. Нарёқда ортиб-ортиб қўйганинг ғамлоқли турса-ку, билинмасди-я. Ўшанда қуёшнинг терак учидан айвонга тушганиниям, телангга келиб, тиг урганиниям, ҳориб-чарчаб, уфққа бош қўяётганиниям кўрардинг.

Меҳриниса шу ҳовлига тушганидан буён ўтган умрида рўзгорлари бунчалик тақалганини эслолмасди. Янги келинлик кезларида-ку, рўзгор, нималигини билмасдиям, эсигайм келмасди. Фақат фируза кўзли тиллақошу қуйма билагузук, ёқут кўзли зирагу саккиз тепкили хонатлас, гулбарра кўйлакни ўйларди. Булар бор эди. Фақат тиллақошининг кўзлари анави баззоонинг хотининикига ўхшаб ёниб турмасди, холсс. Шуниси сал кўнглини хира қиларди. Тагин марвариди ҳам йўқ эди. Эрига эркалик қилиб, айтмоқчи бўларди-ю, уяларди. Тилининг учуда турарди-да, ташга чиқмасди. Нуқул кўзларини сузиб, бўғинлари чуқурча сўрқилдоқ бармоқларини оппоқ бағбақала-

рига тегизиб, бўйинини силарди, шундан пайқаб олармикин деб, уввало уринарди, қани эри пайқаса. Анча содда эди. Ҳатто баъзида: «Палончихон кўкси тўла марварид билан келди-я...» деса ҳам, индамай қўя қоларди. Эсида. Бир гал шундай деганда: «Хотин, зап қизиқ гапни айтасан, бўйнинг ҳам, кўксинг ҳам дургавҳардан минг чандон симбар... Марварид бўғиб қўяди...» деди. Содда эридан чиққан шу гапнинг ўзиёқ эритди, қўйди. Марварид таққандай бўлди. Шу заҳотиёқ нариги уйга кириб, кир токча ўртасидаги ойнага ўзини солди. Қўли билан бўйнидаги марварид шодасини ушлагандай бўлди. Шу-шу марварид эсидан чиқди-ю, бўйинини, кўксини ойнага солиш одат бўлиб қолди. Ҳар қараганида эрининг гаплари қулоқлари тагида жаранглаб турарди. Бирон ерга, меҳмондорчиликками, тўйгами бориб қолганида зебу зийнатдан гал очилгудай бўлса ҳам дарров эрининг шу гаплари эсига тушарди-да: «Барибир, ҳар қанақа марвариду дури ҳам...» деб шартта айтиб юборишига сал қоларди.

Бир йилча шундай юрди. Виронта зебу зийнат, кийим кечак олинмади. Бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Отаси ўзига тўқ одам, уни қўша-қўша сарупою зебу зийнат билан узатган, эри ҳам баҳоли қудрат сарупо қилганди. Шуларнинг ўзи қанчага етади. Фақат бир йил ўтгандан кейин пайқаб қолди. Қўлидаги узук, ўша гўшангада эри қўлига тақиб қўйган, токчада липиллаб турган шамнинг ёруғи хиралигиданми ё кўз олди қамашиб кетганиданми, ҳар қалай тикилиб қаролмаган лаъли кўз узук ҳам қарз-қаволага олинган экан. Яқинда қутулибди ундан. Яна анча-мунча қарзи бормиш, аста-секин узаётганини айтди эри. Эрига жуда ачиниб кетди, раҳми келди. Қўлидаги узукниям, яна нима олган бўлса ҳаммасини ҳозир: «Эртага олиб бориб сотинг, қарзингиздан қутулинг» демоқчи ҳам бўлди. Жаҳли чиқиб, хўрлиги келиб, алам қилганиданмас, астойдил эрига ачинганидан шундай қилмоқчи бўлди-ю, ўзини тутди. Эри ҳам унга бу гапларни ҳасрат-надоматда нолиб, таъна қилибмас, хурсанд бўлиб, қарзларидан қутулаётганидан — кўпи кетиб, ози қолганидан мамнун бўлиб гапиргани, «Мана, худода шукур, қарз узилиб, сенга етишганим қолди» деб хахолаб кулиб, уни тўшига тортгани бундай қилишга йўл қўймади. Яхши қилган экан, қарзлар ҳам

узилиб кетди, марваридга ҳам етишди. Унақа бунақасиямас, дуридан олиб берди эри. Яна нимаики кўнглига ёқса ҳаммасини муҳайё қилди. Ушанда эри: «Марварид бўйнингни бўғиб қўяди» деганида қўли қисқалигидан кўнглини кўтаришга айтганини ҳам кейин пайқади. Шу-шу рўзгорда ҳам, кийим-кечак, орзу-жавасда ҳам сира камчилик сезмай яшаб келишарди. Ҳатто ҳов анави қимматчилик — ош авлиё, нон пайгамбар бўлган йилида ҳам ортиқча қийналишмади. Бугдой нонлари бўлмаса ҳам зогорага қорин тўқ, атлас бўлмаса ҳам, чит-сатинга эгни бут эди. Кейинги йилларда бўлса, бояги-боягидай ёққанини кийиб, кўнгил тусаганини еб ўтказишди, муҳтожлик сезишмади. Қўша-қўша кўрпа-ёстиқдан тортиб, гиламларгача, хонатласу қарғашойидан тортиб, ғижим духобадан парёстиқ жилдларигача — ҳаммасини муҳайё қилди, бисотини бойитди. Иккала тахмондаги сандиқ тўлиб-тошиб ётарди. Баҳорда, иссиқ кунларда, кеч кузақда уларни олиб, бир ҳовли қилиб дорга ёйиб ташлар, шамоллатар, куюдори сепарди. Албатта буни қўни-қўшнилари кўрмай қолмасди. Тожихонга-ку худо берарди. Девордан қараганига қаноат қилмай, ҳовлига чиқарди, ҳар бир кийимни, газворни ушлаб кўрарди, охирида албатта: «Ҳа, молнинг бори яхши-ю, бисотда чиригани ёмон-да, қани — буларни тепкилаб киядиганлар бўлса», деб ачитиб чиқиб кетарди. Вефарзандлигига шама қиларди у кўпроқ. Маҳалла аёллари орасида «Меҳриниса зиқна, молпараст», деб гап тарқатган ҳам шу Тожихон эканига Меҳриниса сира шубҳа қилмасди. Ичидан эзиларди-ю, билмаганга олиб юраверарди.

Энди-чи? Энди нима деркин ўша «молпараст» деб юрган оғзига кучи етмаганлар? Сандиқнинг бири бўшади, иккинчисида энг зарур буюмлари қолди, холос. Гилам ҳам сотилиб бўлди. Марваридгача жойи ростонини топди. «Воаларнинг бахтига яхшиям шулар бор экан, бўлмаганда нима қилардик Олишга олиб, лабларини гезартириб, шишириб-кўпиртириб қўярмидик». Шунча нарсани сотишгани билан барибир нонни ёр билан ейишаётгани йўқ. Бир маҳал қозон қайнатишга, ўшандаям кўпинча суюқ, қуюқ бўлсаям ёвғонроқ овқатга зўрға учма-уч етапти. Кўпинча лавлаги қайнатилади. Япроқ-япроқ яхна қилиб қўя-

ди, болалар нон ўрнида ейишади. Шираси бор, анча тўқ тутади. Қовоқнинг гўштини қирғичдан ўтқазиб зогорага аралаштириб, нон ёпади Меҳриниса. Анча майда, иш вақтни олсаямки, болаларни ҳар куни лавлагига борламай, оралатиб туришга яхши. Катталари анча ўрганиб қолишган. Сарсонбой қовоқни то-залаб, уруғини қовуриб, писта қилиб олади, Остап билан Витя кўпинча лавлаги артишади. Бижилдоқ Галя билан Абрам ҳам тинишмайди, бири пўчоқларни йиғса, бири ўчоқ ковлайди. Оёқ остида ўралашиб, ҳамманинг ишига аралашаверадиган Леся гоҳ қарасанг, кийимларини қоракуя қилиб олади, гоҳ қўлини косовга уриб куйдириб, тиниб-тинчимади. Буларни кўриб, Меҳриниса қувониб қўяди. Ҳар қалай қўлидан келганича қарашинишади-ку. Аммо сал кўздан узоқлашдимми, бозор-ўчарга кетдимми, бўлади тўполон, бўлади тўполон. Ҳовлини бошларига кўтаришади. Эшикдан кириб келиши билан бир-бирига тўнкаб, бирини бири чақиб, чуғурлаб кетишади. Бирини алдайди, каттасига пўниса қилади, хуллас, тинчитгунча она сути оғзига келади. Оғзига келади-ю, узоққа чўзилмайди бўғилиши. Ё Леся хиралик қилиб келиб, бўйнига осилади, эркалик қилади, буни кўриб қолган Галя гап тортиб аразлайди. Бўлмагандан кейин икковини бирга бағрига олади, ўзиям ёзилади, кетади. Ҳар куни шу аҳвол. Қандай қилиб қуёшнинг эрталабки нуруни кўрсину, ботишига қарай олсин. Мана, қуёш ҳам, офтобнинг чиқиши ҳам, ботиши ҳам шулар.

Маҳкам ака ҳам тинмайди. Баъзи эркакларга ўхшаб, эррайим бўлиб, ҳаммасини хотинига ташлаб қўймайди. Ҳафтада сменаси айланиб туради. Кечаси ишлаганида, кела солиб бирпас мизғиб олади-да, дўконига кириб кетади. Баъзан бозор-ўчарни қилиб беради. Аммо шунга қолганда Меҳринисанинг боши қотади. Вунинг боиси шуки, эри умри бино бўлиб, ёнида пул олиб юрган, олди-сотдини ўрнига қўйган эркакмас. Пул ҳамма вақт ўзининг қўлида бўларди. Олинадиган нарсанинг маслаҳати ўртада бўлсаям, харид қилиш Меҳринисанинг бўйнига тушарди. Мабодо, Маҳкам ака ўзи бозор қилгудай бўлса, турган гап, бирни иккига олиб келар, хотинидан гап эшитарди. Шу вайдан ҳеч иложи бўлмай қолгандагина эрини бозорга туширмаса, кўпинча ўзи қиларди. Аммо борган

сари бозор қилиш қийин бўлиб кетаётгани сиқиб юборарди. Даста-даста пул билан тушиб кетарди-да, учмауч етказолмай хуноб бўларди. Қайтишда гугуртга пул қолмасди. Ҳатто бир гал трамвайга қолмапти. Вагонга чиққанида чўнтагини ковлайдики, битта бир мириликдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бирам изза бўлди, бирам алам қилди. Халтасидаги картошкадан биттасини олиб беришни мўлжаллаб турувди, кондуктор сездими, ё таниб қолдими, ҳар қалай ёнига ўтириб: «Жуда кўнглингиз бўлмаса, келаси сафар тўларсиз» деб хижолатдан қутқарди. Мана шулари алам қиларди, ҳеч чидолмасди. Назарида бозорга тушганида пулни пўчоқдай сувга оқизиб келарди, эри-ку, умрида сўраб-суриштирган эркак эмасу, шунга қарамай унга қандай ҳисоблаб беришни билмай қийналарди. Пул ушлашга юраги безилларди. Шу ваядан, бозор қилишни унчалик эпполмаса ҳам, баъзан эрига топшириб қўярди. «Ўзлариям бир кўрсинлар...» дерди ичида. Харажат қилиб келдими, яна ўзини туюлмади, нимани қанчадан олганини сўрарди, бирни иккига олиб келганини эшитиб, тагин фиғони фалакка чиқарди. Бозор ҳам ўзи шунақа эди-да. Тарозининг бир палласига пул, бир палласига дон-дун қўйиларди, мисоли.

Меҳриниса ҳаммасидан ҳам кеча чоршанба куни бўлиб ўтган ҳангомани сира унутолмасди. Эсига тушса, дам куларди, дам... Одамларнинг оқибатини ўйлаб, кўнгли тоғдек кўтарилиб кетарди, аллақандай мадад сезарди ўзида. Бозорни қилиб, бир халтада лавлаги, биттасида маккажўхорини кўтариб, катта ошқовоқни бошига қўйиб Чорсугача келди-да, китоб дўкони олдида тўхтади. Газета ўқиб ўтирган сотувчи чол уни кўриб, дарров ўрнидан турди, газетасини ташлаб, қовоқни олди, кейин халталарга қўл узатди, чарчаган Меҳриниса сира тортинмай қўлидагиларни берди. Чол мулозамат билан:

— Мана, бунга ўтиринг,— деди кичкина курсичани унинг олдига суриб.

Меҳриниса хижолат тортди, ноилож ўтириб, терларини арта бошлади. Миннатдор бўлиб, чолга бир нима демоқчи бўлди-ю, тилига гап келмади. Чол юки кўп аёлга раҳми келиб, кўзойнаги тагидан бир қараб қўйди. «Шўри қурсин, бола-чақанинг ташвиши шу-

ларга қолган-да», деган хаёл ўтди кўнглидан. Чойнагидан чой қуйиб, Меҳринисага узатди.

— Мана, буни ҳўпланг, онам,— деди чол жойига ўтириб.

Меҳриниса бу мулозаматдан баттар хижолат бўлди, қайтаролмай пиёлани олди-ю, юзларини яна тер босди.

— Ота, болаларга китоб-дафтар керак эди.

— Жоним билан, онам,— деди чол ўрнидан туриб. Аёл шунчаки нафас ростлашгачмас, харид қилгани келганини энди пайқади у,— қанақа китоб?

— Биринчи синфнинг алифбеси.

— Хўп бўлади. Мана, онам,— чол битта китобни узатаётган эди, Меҳриниса, «учта керак» деди. Чол нималигига тушунолмай яна иккитани олиб, даста қилиб узатди.

— Манга русчаси керак, ота.

— Русчаси?— ҳайрон бўлиб, унга тикилиб қолди сотувчи,— жоним билан,— китобларни тита бошлади, у ҳеч нарсага тушунолмай, аёлга яна бир қараб қўйди.

— Дафтар, сиёҳдон, ручкаям керак.

— Хўп бўлади.

Сотувчи ҳамон ҳайрон бўлганича китоб-дафтарларни тахлаб, чўт қоқа бошлади. Меҳриниса нимчасининг ўнг чўнтагига қўлини солди-да, беихтиёр «вой» деб юборди. Сотувчи ялт этиб, унга қаради.

— Нима бўлди, онам?

— Йўқ,— ўзини зўрга тутиб олди Меҳриниса,— сизни анча овора қилдим. Шундоқлигича тура турсин, қайтиб келиб олиб кетаман,— деди ҳаяжонини босолмай.

Чол аввалига, «Юки кўплигидан шуям оғир кўринди кўзига» деб ўйлади-да, кейин аёлнинг бесаранжом бўлиб, чўнтақларини ковлаётганидан бошқа нарсани фаҳмлади.

— Нима бўлди, онам, тортинмай айтаверинг.

— Пулим тушиб қолибди,— деди кулиб Меҳриниса, қирқилган чўнтагини қўли билан яшириб.

— Ййе, ййе, чакки бўлибди-ку. Кўпмиди, онам?

— Битта ўттиз сўмлик эди.

Чол шошиб қолди. Дўкондан чиқиб, йўлакнинг нариги бошига қаради.

— Қайси йўлдан келувдингиз?

— Вой, топилармиди, ота.

— Ноумид шайтон, ажабмас, — деди-да, йўлкадан юриб кетди.

— Овора бўлманг ота, қўйинг, — деганича қолди Меҳриниса.

Чол анча жойгача бориб, қайтди. Келаркан икки кўзи ерда, йўлканинг ёнларига тикилган эди. Хижолат бўлган Меҳриниса, «Чўнтагимни қирқиб олибди деб ростини айта қолсам бўлмасмиди?» дея ўзича койинарди.

— Йўқ. Бозор ичида туширганга ўхшайсизов, онам.

— Қўйинг, анча овора бўлдингиз, ота. Болаларимдан садақа...

— Ийе, овораси бор эканми. Сиз китобларни олиб кетаверинг, пулини бозорга тушганингизда берарсиз, — деди чол китобларни ўраб, халтага жойларкан, — ҳой, менга қаранг, трамвайга пулингиз борми?

Меҳриниса кулди. Сотувчи чўнтагидан учта бир тангалик чиқариб узатди.

— Тортинманг онам, тортинманг. Билиб турибман. Шунча юкингиз устига, тагин бировнинг ҳожатини чиқараётибсиз, сезиб турибман.

Меҳриниса чолнинг гапига тушунолмади. «Нима деяпсиз», дегандай унга қаради.

— Айтмасангиз ҳам билиб турибман, онам. Китобларни ўзингизга олганингиз йўқ. Бир яқинингизнинг ҳожатини чиқармоқчисиз, ҳа...

— Йўқ, ота. Ўзимга олдим, болаларимга!

— А?

— Мактабга борадиганлари учта-да. Учта олганим шундан.

Чол Меҳринисага тикилиб қолди. Ранжитиб қўйишдан чўчиб сўролмади.

— Омон бўлишсин, омон бўлишсин. Роҳатини кўринг, — деди чол халтани узата туриб.

Меҳриниса миннатдорчилик билдириб, йўлкадан юриб кетди. Орқасидан ағрайиб қолган чол, бир дақиқа шундай турди-да, шартта дўконини ёнди, тез юриб бориб, Меҳринисага етиб олди, бошидан қовоқни, қўлидаги битта халтани олди. Трамвайга ўтқазиб, кўнгли тинчиб, дўконига келди.

— Уйлаб-уйлаб энди эсига тушганди. «Ахир бу ўша темирчининг хотини-ку. Эҳ, хомкалла, нега боя эсингга келмади,— у ўзича шундай деб, дўконнинг бир чеккасидаги эски газеталар орасидан, катталари ёнида кичикларини тиззасига ўтқазиб тушган эр-хотиннинг сурати босилган газетани топди. Унга тикилди,— худди ўзи. Нега пайқамадим-а. Китоб-дафтарларга пул олмаймаман. Болаларингизга менадан совга демадим-а... Хомкалла, хомкалла...» деганича йўлкага, трамвай тўхтайдиган жойга қараб қўйди.

Меҳриниса трамвайда кела-келгунча чолнинг меҳрибончилигини ўйлаб, ич-ичидан қувонарди-ю, чўнтаги эсига тушиб, кулгиси қистарди.

Меҳриниса бир сўз билан айтиш лозим бўлса, қизлигидан тортиб, то ҳозиргача ўзига қараб юришни канда қилмаган саришта аёллардан эди. Ҳар қандай иши зарур бўлганда ҳам, ирк-чиркка ботадиган юмушни қилганда ҳам, ҳатто бирон нарсадан кўнгли ғаш бўлиб юрагига қил сирмай турган пайтларда ҳам ўзига қарашни унутмасди, ювиниб-тараниб, пардоз қилиб оларди. Пардоз бўлгандаям унақа ялт этиб кўзга ташланадиган, гажак чиқариб, ширалаб чаккасига ёпиштириш, кўрпанинг мағизидек ўсма қўйиш, ёғупаю сурмани чалпиб ташлаш, қинғир фарқ очиб, сочини номига ўриб, ёйиб қўйиш, ёшига номуносиб кийинишмас, дидли аёлларга хос ва мос, ҳар кунги, ҳар соат, ҳар дақиқада зарур лозим бўлган пардозни канда қилмасди. Икки ўрим узун сочи ҳамиша қамчиндек силлиқ бўлиб, белига тегмас, тақимига етмасди-ю, ундан баландроққа — тўладан келган юмшоқ жойига урилиб турарди. Ўсмани, қош теришни канда қилмасди-ю, бироқ қош терилгани, ўсма қўйилгани сира сезилмасди. Борадиган жойи, мовлиятга қараб, ҳар замонда билинарбилимас сурма, упа-элик сурарди. Шунга мослаб, дид билан кийинарди. Уйнинг ўзида ҳам коржома бошқа, рўзгор юмушларида киядигани бошқа, қозон-товоқ ювилиб, саранжом қилингандан кейингиси бошқа бўларди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким уни эри билан баб-баравар босқон уриб, дам тортадиган аёл демасди. Иқбол сатангдай аёлки ҳамиша ҳаваси келиб, «ўзига гард юқтирмайди, озода табиат, назокати зўр, диди ўткир», деб мақтармиди, шунинг ўзидан билиб олса бўларди. Баъзилар: «Ҳа, салтисвойлигидан ўзига оро беради,

Бели оғриб биттани туғиб, шалтоғини тозалаб кўрсиччи, ўзигача ихланиб кетади бунақа аёллар» дейишарди. Бўлмаган гап экан. Мана, олти боланинг онаси. Боши баркаш, қўллари обкаш бўлиб тинмайди. Барибир, ўша-ўша Меҳриниса, ўзига қарашни асти канда қилмайди. Кунузукун чарчаб, қолдан тойиб, кўзлари уйқуга тортиб кетаётган пайтларда ҳам канда қилмайди. Разм солиб юрган Иқбол сатанг ҳам буни пайқаб қолди. Ҳасад ё кесатиқ биланмас, астойдил: «Сабрингизга балли-е, келинпошша, шундаям қўймайсиз-а», девди, Меҳриниса кулиб туриб: «Опа, ҳаммаданам энди зарур бўлиб қолибди ўзимга қараб туришим. Болалар бор, ўсишотти, кимга қараб ўсишади ахир?» деб жавоб қайтарди. Иқбол сатанг ағрайиб қолди. «Диду фаросатинг зўр дердим-а», деб қўйди ичида.

Чиндан ҳам болалар ётиб-туриб, ювиниб-тараниш, кийинишда онага тортаётган эди. Иқбол сатанг бунинг сирини энди пайқади.

Тунов куни, Меҳриниса, болаларни ётқизиб, хотиржам бўлди-да, ювиниб-тараниб ойна ёнига келди. Анчадан бери қош термагани эсига тушиб, дарров тақинчоқлар солиб қўядиган ёғоч қутичани очиб, ичидан мўйчинакни олди. Устига рух юритилган бежирим бу мўйчинакни қизлик давридан буён тутарди. Бармоқлари теккан жойининг рухи кўчиб, сийқаланиб, қорамтир бўлиб қолган бу мўйчинак ҳамиша ёшлик даврини эслатиб турар, қадрдон бўлиб қолганди. Ойнага яқинроқ ўтириб, энди қошини тера бошлаган ҳам эдики, эшик тақиллаб, эри келиб қолди. Умрида эрининг олдида пардоз қилмаган Меҳриниса дик этиб ўрнидан турди-да, мўйчинакни шошиб нимчасининг чўнтагига солиб қўя қолувди. Шу-шу хаёлидан кўтарилибди жойига солиб қўйиш. Кеча бозоргаям шу нимчада тушиб кетувди. Қўлинг сингур кисавур чўнтагини шартта қирқибди-ю, ўттиз сўмлик билан қўшиб, мўйчинакни ҳам олиб қўйибди. Пулига-ку тирноқча ҳам куймасди, болаларимнинг бош-кўзидан садақа дерди-ю, аммо мўйчинакка ачинарди, кисавур мўйчинак билан бирга ёшлигини ҳам ўғирлаб кетгандек юраги ачирди, алам қиларди. Эшитган қулоққа ҳам яхшимас. Майна бўлиши турган гап. Иқбол сатангдай одам билиб қолса-ку, дўмбира қилади, шалтоқ хотинларни жини суймайдиган бу аёл унияш: «Шалвира-

май ўл, бу юришингда иштонбоғингням олдириб қўйганингни билмайсан», деб кўз очирмаслиги турган гап. Шунга ўйлаб кулгиси қистарди. Болаларнинг китоби жуда қимматга тушганига — мўйчинаяк эвазига келганига яна бир кулгиси қистарди, вақтики келиб қизларини узатганда ё бошқа бир гурунгда мўйчинаяк воқеасини уларга айтиб бериб, кулдиришини ўйлаб, яна бир куларди.

Мана ҳозир ҳам, болаларнинг қўлида китобни кўриб, беихтиёр кулиб қўйди. Ялт этиб соатга қаради. «Вой-бўй,— деди ўзидан ўзи нолиб,— хаёл ўлгурнинг жиловини сал қўйиб юборсанг, оламни кездиради-я... Утиришимни-чи...», дея, қатимга тугун солдида, ишни узиб, Сарсонбойни чақирди.

— Ма, шимингни кийиб кўр-чи.

Сарсонбой шимини кийган эди, икки энлик узун келди, Меҳриниса почасини сал қайириб қўйди.

— Жуда яхши. Ҳали келганинга орқасига қайириб, тикиб бераман.

Меҳриниса ўрнидан туриб, Витянинг бурди кетиб қолган ботинкасини эски чўтка билан мойлай бошлади. Мойлагани билан барибир эски эскилигини қилиб, йиртиғи билиниб турибди. Меҳриниса хуноб бўлиб кетди-ю, Витяга сездирмади. Қовоқ-тумшуғини осилтириб турган Витя тўнғилларди:

— Олиб бераман, олиб бераман дедилару, ҳалигача олиб келмайдилар.

— Дўконда йўқ эмиш-да, келса санга обермай кимга оберадилар. Мана, амаллаб турсанг бўлади ўғлим. Ўзинг яхши боласан-ку.

Шундан бошқа нима дея олади, Меҳриниса. Бола болалигини қилади-да. Унга тушунтириб бўлармиди. Эр-хотин шуларни мактабга бекаму кўст кийинтириб олиб чиқайлик деб, шунча уринишди. Бўлмади. Рўзгордан орттириб, Витяга ботинка, ҳаммасига портфель, Сарсонбойга шим олишолмади. Бир ойдан бери ҳар кун шунинг маслаҳатини қилишади, ҳар кун мактабга олиб борадиган бўлишади, кун ўтяпти. Болалар ўқиши керак. Охири бўлмади. Мана бугун бир амаллаб мактабга олиб чиқадиган бўлди. Бир чеккаси олди ёз-ку...

Остап билан Сарсонбой газетага китоб-дафтарларини ўрашаркан, Леся бидирлаб акасига ёпишди.

— Мен қачон мактабга бораман, ака?

— Тағин уч йилдан кейин.

— Неча кундан кейин уч йил бўлади?

Остап панжаларини ёзиб, бармоқларини букиб, синглисига тушунтирди.

— Вуй... жуда кўп-ку, ака.

— Мана, мен бир йилдан кейин бораман,— деди мақтаниб Абрам.

Меҳриниса уйга кириб, уч бўлак нон олиб чиқди.

— Мана, ҳали танаффусда ейсанлар, хўпми?

Остап, Витя нонларини китоблари тепасига қўйиб ўраб олишди. Сарсонбой Меҳринисанинг кўзини шамғалат қилиб, нонни тишлай бошлади.

— Ойи, Сарсон нонини еб қўйводди,— деди Леся бидирлаб.

Сарсонбой унга бир хўмрайиб қўйди.

— Ҳозир нонушта қилдинг-ку, болам, мактабда нимани ейсан.

Сарсонбой ноилож тишлаган нонини қоғозга ўраб олди.

— Қани, бўлдими. Юринглар. Абрам, Галя, кўчага чиқмай, мана шу айвонда ўйнаб ўтиринглар, хўпми?

— Эшикни қулфлаб оламиз, ойи,— деди Абрам.

Меҳриниса кулиб юборди. Шунақанги пайтларда Абрамнинг «билсанг отанг бўламан» деганга ўхшаш ўзини катталардек тутиши кулгисини қистатарди.

— Юзига ёпиб ўтираверсанг ҳам бўлаверади, болам. Ман дарров келаман.

Меҳриниса болаларни олдига солиб, Лесяни етаклаб кўчага чиқди. Сал юрмаёқ деразаси олдида турган қўшниси Заҳирага дуч келди.

— Ассалому алайкум, Меҳриниса,— дея кўриша кетди Заҳира,— йўл бўлсин?

— Мактабга олиб кетвотман.

— Вой, ҳа, вой, ширин бўлмай қолгин-эй, санам ўқийсанми?— деди Лесяни бағрига босиб.

— Йўқ, хола. Тағин уч йилдан кейин ўқийман.

— Шунақами. Вой, бидилламай қолгин-эй.

— Бораман деб харқаша қилди,— деди Меҳриниса.

— Омон бўлишсин. Роҳатини кўринг, айланай Меҳриниса.

Заҳира Меҳринисанинг орқасидан қараб қолди.

Муюлишга бориб, катта кўчага бурилганида, уйига кириб кетмоқчи бўлувди, боятдан бери эшигининг тирқишидан мўралаб турган Тожихон унинг ёнига келди.

— Роҳатини дедингизми?

— Вой, қаёқда эдингиз, чўчитиб юбордингиз-а, қилган ишингиз бор бўлсин.

— Осмондан тушдим, — деди кулиб Тожихон.

— Шунақага ўхшайди, Меҳринисага аграйиб турувдим. Қаранг, мактабга олиб кетаётипти.

— Ҳа. Ўқиганда нима бўларди. Ўзиники бўлиб қолармиди?

— Вой, нима деганингиз, опа.

— Етим қўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой қилур, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон-қилур.

— Вой-вой, нима деяпсиз, опа, қандоқ тилингиз боради шундоқ дейишга. Яхши гапгаям фаришта омин дейди, ёмон гапгаям. Қўйинг, Меҳриниса опамнинг қулоғига етса яхшимас, айб бўлади.

— Ўзим тўқибманми буни. Азал-аввалдан қолган гап. Етим асраган бир шўрлик куйганидан айтгандир-да.

— Нуқул азал-аввалини қовлайсиз-да. Одамнинг икки қўли ёқасида-ю, сиз шунақа гапларга қандоқ тилингиз боради, опа. Уруш шуларни етим қилсину, мен олиб боқай дептими, Меҳриниса опа.

— Олсин. Боқсин. Мана, кўрармиз, — деди Тожихон ва ёнига бурилиб, эшиги томон кетди.

Заҳира таъби хира бўлиб, «Ачиган оғиздан сасиган гап чиқади», деди ўзича уйига кираркан.

Икки қаватли мактаб биноси гузарга, катта йўл ёқасига жойлашган бўлиб, теварак-атрофдаги маҳалларнинг болалари шу ерда ўқишарди. Меҳриниса умрида бирон марта бу бионинг ичига кирмаган бўлса ҳам, ҳар кўчага чиққанида, қайтишида ўртаси гулзор, атрофига дарахтлар ўтқазилган, панжара билан ўраб олинган кенг ҳовлини бсшига кўтариб, шовқин-суронлари узоқлардан эшитилиб турадиган болаларга, қўшқават бинога тикилиб ўтарди. Бирон ерда, қариндоши-никидами, маҳалладаги йиғинлардами, ишқилиб қаерда болаларнинг ўқиши ҳақида гап кетса, Меҳринисанинг кўз олдига шу мактаб келарди. Ҳозир, ёнида болалари билан Лесяни етаклаб мактабга яқинлашар экан, лоп этиб Салтанат эсига тушиб кетди. Ботир кўз

олдига келди. Опаси раҳматлик «мактабга чақиришяпти, ота-оналар комитетига бораман», деганларида шу ерга келганини эслади. Кейин, Салтанатни дафн этиш маросимида кимдир «Ана, ўқитувчисиям келибди», деб қолди. Ўрта ёшлардаги бир жувон қўлида дастрўмолча билан кўз ёши қилиб, Қандолатбиби тепасида турарди. Ўша ўқитувчиям шу мактабда ишласа керак-да.

Мана шуларни эслаб, танаффусга чиққан болаларни оралаб, ичкарига кириб борди. Биринчи қаватнинг узун коридори югуриб, сакраб, бир-бирини туртиб, шовқин солиб юрган болалар билан тўла эди. Коридорнинг нариги бошига боргунча қулоғи қоматга келди, орқасида келаётган Остап, Витя, Сарсонбойларга қараб, Лесяни қўлидан маҳкам ушлаб болаларни ёриб ўтарди. Орқароқда қолган Витя аланглаб, болаларнинг турткиси ёқмай қадам ташларди. Остап хурсанд эди, болаларга қўшилиб кетгиси келар, ҳар бирига ҳавас билан тикиларди. Сарсонбой Меҳринисанинг қараб қолишидан чўчиб-чўчиб, бирон қизнинг сочини тортиб қўяр ё ўтиб бораётган болани туртарди.

Меҳриниса эшигига «Директор» деб ёзилган хонага яқинлашганда қўнғироқ чалиниб қолди. Болаларнинг шовқини авжига чиқиб, тўполон билан гуриллашиб синфларга кириб кетишди. Меҳриниса болаларни шу ерда қолдириб, ўзи эшикни очди.

— Кирсам майлими?

— Марҳамат,— деди катта хонанинг тўрида ўтирган, сочларига оқ тушган, анча ёшларга бориб қолган аёл кўзойнагини олиб.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом. Келинг, синглим. Ўтиринг. Меҳриниса стулга ўтирди.

— Болаларни олиб келувдим,— деди ийманибгина нима дейишини билмай.

— Болаларни?— Ҳайрон бўлди директор.— Қайси мактабда ўқишарди?

— Ўқишмаган, энди киришади-да мактабга.

— Энди дейсизми? Ўқув йили тамом бўлай деб қолди-ку. Янги кўчиб келганмисизлар.

— Йўқ, ҳалиги...— Меҳриниса гап тополмай туровди, эшик қия очилиб, Леся мўралади, унга қўли билан «кирма» деган ишорани қилувди, директор ўрнидан турди.

Леся уялиб ичкарига кирди. «Салом!» деди-да, бошини эгиб, Меҳринисанинг ёнига борди, белидан қучоқлаб, пинжигга кирди.

— Шуми болаңгиз?

— Йўқ, катталари ташқарида туришибди.

Ҳали ҳеч нарсага тушуниб етмаган директор бориб эшикни очди:

— Қани, бу ёққа киринглар, — деди.

Болалар бирич-кетин директорга салом бериб, хонага киришди. Дўпписини ғижимлаб олган Сарсонбой шу ердаям тинч туролмади. Витянинг биқинига бир туртдида, «Дўппингни еч!» деган ишорани қилди.

— Қани, ўтиринглар, — деди директор ва ўзи жойига бориб ўтирди.

— Фамилиялари нима?

— Маҳкамов, — деди Меҳриниса.

— Ҳаммаси-я?

— Ҳа, дадасининг отлари-да.

— Шошманг, синглим, — деди директор бир нарса эсига тушиб, — бу анови темирчи Маҳкам аканинг аёллари бўласизми?

— Ҳа.

Директор хурсанд бўлиб, ўрнидан туриб кетди. Меҳринисанинг ёнига келиб ўтирди, елкасига қўлини қўйди.

— Буни қаранг, Меҳриниса, қарилик-да. Киришингиз билан кўзимга иссиқ кўриндингиз. Қаерда кўрган-нимни эслолмадим. Келиб турадиган ота-оналардан бўлсангиз керагу, таниёлмай турибман деб ўйладим. Буни қаранг-а, — директор бир Меҳринисага, бир болаларга қараб олди, — қалай, болалар чарчатиб қўйишмаётибдими?

— Нима десам бўлади...

— Биладан, биладан. Айтмасангиз ҳам биладан. Умрим шулар билан ўтяпти-ку. Қолган иккитаси...

— Улар ҳали ёш. Уйда қолишди.

Меҳриниса жавоб берарди-ю, директор уни қаёқдан таниётганини билолмасди. «Ё, ўша азага борган ўқитувчи айтиб берганмикин?» деб ўйларди.

— Боя ўқув йили тугаб қолди, деган гапимни кўнглингизга олманг, Меҳриниса. Бундай пайтда мактабга қабул қилмаймиз.

— Вой, ахир...

— Шошманг, шошманг. Булардан энди хотиржам бўлинг. Аслида сиз эмас, биз бориб болаларни мактабга олиб келишимиз керак эди. Виздан ўтган. Бу ёғидан кўнглингизни тўқ қилинг. Ўқишади. Каникулга чиқишганда лагерга ҳам юборамиз. Қани, мен ёзиб олай-чи, — директор жойига ўтиб ўтирди?

— Сени отинг нима?

— Остап.

— Менинг акам бўлади, — деди чуғурлаб Леся.

— Шунақам, жуда яхши аканг бор экан-а... сенинг отинг нима?

— Леся.

— Яхши. Сен-чи?

— Витя.

— Сен-чи?

— Сарсонбой.

— Бир нарсани маслаҳатлашмоқчийдим сиз билан, — деди Меҳриниса.

— Бемалол. Нимаиди?

— Бу иккови-ку, русчада ўқир-а. Сарсонбой қийналиб қолмасмикин? Ўзбекчада ўқигани яхшимикин дейман?

Сарсонбой сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ ойи. Витялар билан бир синфда ўқийман.

Директор Меҳринисага қараб кулди.

— Кўрдингизми? Майли, бирга бўлгани маъқул. Бир оз қийналса ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетади. Ана энди, болалар, бугундан бошлаб мактаб ўқувчиси бўлдинглар. Ўқувчи қанақа бўлишлигини биласизлар-а?

Учалови бирдан «ҳа» деб жавоб беришди.

— Менам биламан, — деди охирида Леся.

— Уйга қайтишда адашиб қолмайсизларми?

— Йўқ, — деди Остап.

— Йўлни кўрганмиз, — деди Витя.

— Қани, юринглар бўлмаса, — деди директор эшикни очиб.

Улар коридорга чиқишди. Директор ўртадаги, эшигига «1-б» деб ёзилган синф олдида тўхтади.

— Меҳриниса, синфлари шу. Сиз хотиржам кетавering. Ҳалиги эскилар айтганидек, суяги сизга-ю, эти бизга, — деб кулди директор.

Меҳриниса ҳам кулиб юборди.

— Барака топинг. Ҳой, Сарсонбой, Витя, Остап,

қайтишда эҳтиёт бўлинглар-а. Четдан юринглар, хўп-
ми? Дўппингни тўғрила, Витя. Хайр, бўлмаса,— деди
Меҳриниса директорга,— боринг, бизникигаям.

— Бораман, албатта, бораман.

— Хайр, ака,— қўлини силкиб чуғурлади Леся.

Директор болаларни синфга олиб кириб кетди,
Меҳриниса Лесяни етаклаб, ҳовлига чиқди. У катта
бир ташвишдан қутулгандек энгил тортиб боради.

Уйда қолган Абрам барибир ўз айтганини қилди.
Орадан сал ўтмай кўча эшикнинг орқасидан қулф сол-
мади-ю, занжирлаб қўйди. Айвонга бориб, қўғирчоғи-
ни ўйнаб ўтирган Галяга деди:

— Биласанми Галя, ойим келиб шошиб қоладилар.
Акаларимиз мактабда. Сен картошка артасан, мен қо-
воғни сўяман.

— Ўзинг-а?

— Ҳа, ким бўларди.

— Сўёлмайсан.

— Сўёламаман. Биламан. Мана, қараб тур.

Абрам мана шундай пайтларда, Меҳриниса билан
Маҳкам ака уйда йўқлигида, рўзгор ишларига доир
бирон юмушни қилишни, агар ўзи энлоямаса акала-
рига ялиниб, уларни кўндириб, албатта, ўзи бош бўл-
ган ҳолда, бирор ишни бажаришни яхши кўрарди.
Акаларини бир амаллаб йўлга соларди-ю, Витяга қол-
ганда кучи етмасди. «Бор, каттаконлик қилма!» деб
жеркиб берарди, ўзи каттакон бўлишни истарди у. Би-
роқ иш қилишга келганда каттаконликни энлолмасди.
Шунинг учун ҳам Остап билан Сарсонбой Абрамнинг
гапига кўнишарди ва айтганини қайтаришмасди. Бир-
икки марта шундай қилишганида, бозордан қайтган
Меҳриниса хурсанд бўлиб: «Ҳой, кимдан чиқди бу
ақл?» деб сўради. Остап Абрамни кўрсатувди, Меҳри-
ниса уни бағрига босиб, мақтади. Буни Галя ҳам яхши
биларди. Абрам қиламиз деган ишни қилса, ойиси хур-
санд бўларди. Галянинг ўзи бўлса Абрамдан бир қа-
дам нари жилмасди, унга жуда ўрганган, айтганини
қиларди. Йўқ, кўпинча, айтганини қилдиарди. Ҳозир
ҳам картошка артишини айтганида индаёлмади. Хўп
демади-ю, индамай қўғирчоғини ўйнайверди. Рост-да.
Қўғирчоқ яхшими, картошка тозалашми. Ўзи зўрға-
зўрға уни ясантирмоқчи бўлиб ўтирибди-ю, Абрам бўл-
са... ўғил бола-да, билмайди.

Абрам донхонага кириб, қийма тахтани кўтариб чиқди, айвон лабига қўйди. Кейин инқиллаб-синқиллаб, катта ош қовоқни олиб чиқди. Ташлаб юборишига сал қолди.

— Вуй, оғирлигини-чи, Галя, терлаб кетдим-а.

— Айтдим-ку, ўзим.

— Ёлғон гапирма. Айтганинг йўқ.

— Айтмасам билардим.

— Ўзимам билардим, — деди Абрам ва ошхонага борди. Анча қолиб кетди у ерда, кейин қўлида пичоқ кўтарганича Галянинг ёнига келди.

— Галя, анув бор-ку...

— Нима?

— Анув-чи? Хаҳ... Нимайди?

— Анув, анув... ўзинг билмайсан-да, тагин анув, анув дейсан, — тескари бурилиб, қўғирчоғи билан овра бўла бошлади Галя.

Абрам пешанасини тириштириб, қидираётган нарсасининг отини эслолмай, унга тикилиб қолди.

— Нимайди-а? Галя, айта қолсанг-чи.

— Нимани-е?..

— Анув-чи, ойм қовоқни сўярдилар-ку.

— Пичоқми? Қўлингда турибди-ку.

— Йўқ. Анув, каттаси бор-ку.

— Ошпичоқми?

— Ха. Ошпичоқ. Биласану, айтмайсан-а.

— Ўзинг нималигини айтмасанг, қаёқдан билай.

— Айтдим-ку.

— Айтганинг йўқ, билдингми.

— Айтдим.

— Айтганинг йўқ, дедим. Айтганинг йўқ.

— Айтдим.

— Айтганинг йўқ.

— Айтдим.

— Айтганинг йўқ.

— Бор-э. Қиз боласан-да, бўлмасам...

— Нима қилардинг?

— Ўзим билардим.

— Билмайсан!

— Биламан!

— Билмайсан!

— Биламан.

— Билмайсан дедим, билмайсан!

— Бор-э...

Абрам пичоқни қийма тахта устига қўйиб, ошхонага кетди. Ҳамма ёқни қидирди. Ҳеч қаердан ошпичоқни тополмади. Ҳовлига чиқиб дарахтлар тагига борди. Баъзида ойиси ошпичоқ, самоваркарнай, косов, оташкуракка ўхшаган нарсаларни дарахтга қоқилган миҳга, ё айрисига, илгагига осиб қўярди. Бу ерда ҳам йўқ. Донхонага кирди, роса қидирди, у ердан ҳам тополмади. Галядан сўрашга бўйни ёр бермасди. Охири қовоқни пичоқ билан сўядиган бўлди. Айвонга чиқиб, оштахтани нарироққа суриб қўйди-да, ўзи Галяга орқа ўгириб, ўрнашиброқ ўтирди. Қовоқни икки оёғи орасига олиб, энди пичоқни урмоқчи бўлиб турганда бир нарса эсига тушди. Ойиси тагига нарса соларди-ку. Урнидан туриб, айвондаги қозиқларга қаради, даҳлизга кирди, иккала уйни айланиб чиқиб тополмади. Ҳовлидаги дарахтларда ҳам кўринмасди. Галядан сўрашга яна бўйни ёр бермади. Диққат бўлиб, дастурхонни қидирарди-ю, унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Ростакамига аразлашиб қолишганди. «Рост-да. Ердамлашганими бу. Картошканиям артмай ўтирибди. Нуқул, қўғирчоқ, қўғирчоқ... Қиз бола шундан бошқасини билмас экан-да ўзи. Дастурхонни сўрасам топиб берарди. Билади у қаерга қўйганларини. Ўзиям ойим билан бирга дастурхонни йиғиштирарди-ку. Айтсаммикин? Айтсам, барибир ялинмачоқ қўйиб олади отимни... Бор-э, сўрамайман. Олдин сўйиб олай, иннайкейин майдалаганда яна қидириб кўраман». Абрам шу хаёлларни кўнглидан ўтказиб, қовоқни сўйишга ўтирди. Ий-е, бандини нима қилади? Йўғон, жудаям қаттиқ-ку. Ошпичоқ бўлганида ойисига ўхшаб тескариси билан бир урса, банди учиб кетарди. Пичоқнинг тескариси билан уриб кўрган эди, банди миқ этмади. Тақиллаган овоз чиқарди-ю, урган пичоғининг изи ҳам тушмади, уни сакратиб юборди. Олдин сўйиб, кейин бандини олиб ташлайдиган бўлди. Пичоқни уриб, арралаганга ўхшатиб кўрди, устидан муштуми билан урди, бўлмади. Қайтанга муштуми оғригани қолди. Қовоқ тош-метинга ўхшарди. Пичоқнинг тиғи теккан жойларида, ингичка из қоларди-ю, у ёғига... Ҳа, энди билди. Пичоқ ўтмас бўлса керак. Тигини бармоғига қўйиб кўрувди, ўтмаслиги билинди. Бунақа пайтда ойиси яхшилаб қайраб оларди. Урнидан туриб, уйдаги косадор-

дан битта пиёла олиб чиқди. Пиёланинг тагидаги гардишга пичоқни қайрай бошлади. Қайради-ю, ойисига ўхшатолмасди. Пичоқ гардишдан сирғаниб, пиёланинг қорнига тушиб кетарди. Бундаям роса диққат бўлди. Шунга қарамай қайрайверди. Секин-секин ойисига ўхшатиб, пичоқнинг дам бир томонини, дам бошқа томонини гардишга ишқалай берди. Бирпасда тез-тез қайрашним ўрганиб олди. Ўрганиб олганидан ўзиям хурсанд бўлиб, қайрайверди. Бирдан пичоқ гардишдан чиқиб, пиёланинг силлиқ қорнига, ундан сирғалиб билагига тушди, териси кесилди, пиёлани ташлаб, додлаб юборди. Ялт этиб қараган Галя қўрқиб кетди, қўғирчоғини ташлаб, ёнига келди, қўлидан оқиб тушаётган қонни кўриб, ранги ўчиб кетди.

— Шошма, Абрам, шошма. Ҳозир боғлаб қўяман, — деганича, қўғирчоғи, ўйинчоқлари сочилиб ётган жойга бориб, латта қидира бошлади. Охири қўғирчоғининг оппоқ кўйлагини олиб келди. Абрам қўлини осилтириб, шашқатор йиғлаб ўтирарди. Йиғи овозини эшитди, шекилли, девордан Тожихоннинг боши кўринди.

— Ҳой, нима қилди? Вой ўлмасам, олдидаги пичоқми? Қон оқаётибди-ку. Нега индамайсан, ҳой, нима қилди?

Йиғисидан Абрам гапни эшитмасди. Галя эшитди-ю, нима деяётганини тушунолмади. Қўғирчоқ кўйлагини йиртиб, Абрамнинг қўлини боғлай бошлади. Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Кетма-кет қаттиқ тақиллади. Галя югуриб бориб очди. Меҳриниса кўчада ноқ йиғи товушини ҳам, Тожихоннинг гапларини ҳам эшитган бўлса керак, шошиб ҳовлига кириб, деворга бир қаради, Галянинг чуғурлаб тушунтираётган гапи ҳам қулоғига кирмай, Абрамнинг ёнига келди. Суриштириб ўтирмай уйга кириб, кир тоқчадан дока олиб чиқди.

— Бўлди, бўлди. Ҳеч нарса қилмайди. Эҳтиёт бўлмайсанми?

Меҳриниса Абрамнинг қўлини боғларкан, қўрқиб кетган Леся, Галя унинг тепасида қараб туришарди. Бирдан Лесянинг кўзи қўғирчоқнинг йиртилган, қон теккан кўйлагига тушди. Онасининг орқасидан секин ўтиб, кўйлакни олди-да, дабдала бўлганини кўриб, йиғлаб юборди.

— Ҳа, нима бўлди?

Леся овози борича ҳўнграб йиғларди.

— Бир нарса қилдингми, Галя?

— Йўқ. Ҳзи.

— Қўғирчоғим, — деди йиғи аралаш қўлидаги қонга беланган кўйлакчани кўрсатиб.

— Э, қўғирчоғинг ўлиб, қўғирчоқсиз қолгур-э... Учир овозингни, — деди-да, ёнига секин ўгирилиб, девор томонга қаради, дарахтлар орасидан ҳамон тиржайиб турган Тожихонга кўзи тушди, — кўз теккан, болам, кўз теккан, — деди овозини Тожихон эшитадиган баланд қилиб, — ёмон кўз ўлгур йўлдан тойдиради шунақа, — яна бир қараган эди, Тожихоннинг боши кўринмади. Ҳрнидан тураркан, оштахта билан қовоқни кўриб, кулгиси қистади.

— Майли, кесганинг яхши бўлибди. Бундан кейин эҳтиёт бўласан, — деди-да, қовоқни кўтариб, донхонага кириб кетди.

Ҳамон овозини чиқармай пиқиллаб йиғлаётган Леся қўлидаги кўйлакни Абрамга кўрсатиб, бидиллай бошлади.

— Бировнинг кўйлагини қирқамаман деганингга шунақа бўлган. Ажаб бўпти, хўп бўпти, кўп бўпти.

— Нимага унақа дейсан. Сенинг аканг қўлини кеса нима қилардинг? — деди Галя.

— Нима қилардинг, нима қилардинг... Нега ўзи кўйлакни йиртади...

— Уямас, мен. Қўлини боғламоқчи бўлдим. Жинними бу ўзи?

— Ҳзинг жинни.

— Сен жинни.

— Ҳзинг жинни.

— Ҳой, тагин нима жанжал. Галя, кол-котта қизсану, шунини йиғлатасан-а. Уялмайсанми?

— Қизингизни қаранг, жинни девотди.

— Ҳзини қаранг, ҳеч нарсага тушунмайди-да, нуқул жанжал қилади.

— Тушунмаса, тушунтиргин. Ол, кўйлагини олгинда, жомга сув солиб ювгин. Ҳзим тикиб бераман.

— Ҳзим юваман, — деди кўйлакни маҳкам кўкрагига босиб Леся.

— Юволмайсан, ўзим юваман.

— Йўқ, ўзим...

— Юр, иккаламиз ювамиз, — деди Галя ён бериб.

Икковлари ҳовлига тушиб, токнинг тагига боришди. Ўзлари билан ўзлари селвар бўлиб, хархашалари тинди. Қўлига тикилиб хомуш қолган Абрам чала қолган ишини олиб чиқиб, айвон чеккасига ўтирган онасининг ёнига борди.

— Ойи,— деди у гуноҳкорона,— тавба қилдим, энди қилмайман.

— Майли, болам. Бу ишингга хафамасман, ўрганганинг яхши. Бундан кейин нима қиладиган бўлсанг, сўрагин. Ўзим кўрсатаман, ўргатаман. Одам ўзига яраша ишни қиламан деса, дарров ўрганиб олади. Тушундингми?

Абрам бош ирғади. Меҳриниса Абрамнинг юрагида ўша қўрқув, ваҳиманинг асорати ҳали ҳам борлигидан, ҳамма вақт унга эҳтиёт бўлиб гапирар, иш буюрса ҳам ўзига ёқадиган, қурби етадиганини буюрарди. Қўлини кесганидан қаттиқ қўрққан экан, ҳалигача ўзига келолмай, ранги оқариб, бошини эгиб ўтирарди. Меҳриниса ўйлаб туриб, Абрамнинг хаёлини қочирадиган гап топди.

— Битта қақилдоқ чумчуқ бор экан,— деди чокини тикаркан Абрамга кулиб қараб,— ўша чумчуқ бир куни лайлакни кўриб қопти. Қараса, лайлак лапанг-лапанг қилиб катта-катта қадам ташлаб бораётганмиш. У ёғидан учиб ўтибди, бу ёғидан учиб ўтибди, анча ергача томоша қилиб борибди. Кейин ўтириб ўйлабди; шошма, депти чумчуқ, нега мен лайлакка ўхшаб қадам ташлолмайман дебди-да, ҳайё-ҳув деб йўлга тушибди, лайлакнинг юришини қиламан де-еб, ағдарилиб тушибди...

Диққат билан эшитиб ўтирган Абрам завқ билан кулди.

— Иннайкейин ўлиб қоптими, ойи?

— Ҳа. Икки оёғи икки ёққа ажрали-иб, ўлиб қопти. Шунга ўхшаб ўзига мос, кучи етадиган ишни қилмаган бола ҳам нима бўлади?

— Қўлини кесиб олади,— деди кулиб Абрам.

— Ҳа, ана. Ўзинг ҳам биларкансану, ўғлим,— Меҳриниса Абрамнинг чиройи ёришганидан хурсанд эди.

— Ойи, акамлар мактабдан қачон келишади?

— Бир ярим соатдан кейин. Ҳа, дарров соғиниб қолдингми?

— Соғиндим рост. Ойи, сиз фақат битта Витя акамга ойи бўласизми?

— Нега? Қим айтди санга?

— Витя акам нуқул шунақа дейдилар-ку.

— Витя аканг номаъқул бузоқнинг гўштини есин. Ҳаммаларинг ўғлимсан. Ҳаммангга баб-баравар ойиман.

— Яшасин, яшасин,— дея ўтирган жойида чапак чалиб, ўйинга тушди Абрам.

— Ойи, Ботир акам, ҳаммамизнинг акамиз-а, ростми?

— Ҳа. Ҳаммангга катта ака бўлади.

— Ботир акам келсалар бизани ҳайдамайсизми?

— Нима деганинг? Қаёқдан топдинг бу гапни?

Абрам бирпасда авзойи ўзгариб, кўзлари чақчайган онасига қараб, айтган гапи уни ранжитганини сезди.

— Менамас. Анув Қудратнинг ойиси бор-ку...

— Ҳа. Нима деди?

— Кўчада ўйнаб юрувдим. «Ботир аканг келса, сенларни бошига урадим, ҳайдаб юборади», деди.

Меҳриниса қандай қилиб ўрнидан сакраб туриб кетганини Абрам сезмай қолди. Этагидаги қайчи отилиб бориб шарақлаб кавшандозга тушди, онаси ҳовлиққанидан калишларини ўнгариб киёлмасди. Қўрқиб кетган Абрам ўрнидан туриб, унга ёпишди. Жонҳолатда қучоқлаб олди. Меҳриниса жаҳл билан икки кўзини девордан олмай, Абрамнинг қўлларини бўшатмоқчи бўлди. Бола жон-жаҳди билан кўйлагининг этақларидан ушлаб, қўйиб юбормасди. Ҳовлида ўйнаб ўтирган қизлар ҳам қўрқиб кетишди. Улар югуриб келиб, онага ташлашди ўзларини. Кавшандоздаёқ бир оёғи калишда, биттаси сарпойчанг ҳолда учта бола ўртасида қолди. Абрам йиғларди, унга қўшилиб қизлар йиғлай бошлашди. Болалар ҳеч нарсага тушунмасди-ю, онанинг авзойидан ҳозир қўйиб юборишса ундан ажралиб қоладигандай бўлишарди. Ҳаммасини итариб ташлаб, югуриб Тожихоннинг олдига чиқмоқчи, юмма таламоқчи бўлган Меҳриниса болаларни ортиқ силтай олмади, қўли бормади. Уларга бир-бир қараб, бўшашди, йиғлаётган Абрамнинг бошини силади, қизларни алдаб, овутиди.

— Нимага йиғладиларинг?

— Менмас, Абрам-ку, — деди Галя.

— Ҷузиз нега мунақа сакраб кетдингиз. Қочмоқчи бўлдингизми? — деди кўзини ишқаб Леся, — жуда қўрқиб кетдим.

— Қаёққа қочаман, — деди кулгиси қистаб Меҳриниса, — боринглар, ўйнанглар. Бўлди, Абрам, бўлди.

Меҳриниса ердан қайчини олиб, жойига ўтди-ю, юрагининг дукиллагани босилмади. Газаб билан девор томонга бир-икки қараб қўйди. Игнани олиб ишини қилмоқчи бўлди, қалтираган қўлида игна титраб турарди.

— Ойи, — деди ёнига ўтириб Абрам, — тавба қилдим. Айтмасам бўларкан.

— Бўлди болам, бўлди. Айтиб, мандан сўраб олганинга хафа эмасман. Ботир аканг эсон-омон келса, ҳаммаларингга ака бўлади. Уйланади, иннайкейин келинойинг санга чақалоқ туғиб беради.

— Вой, ўзим кўтариб юраман-а, — чиройи очилди Абрамнинг.

— Ҳа, кўтариб ўйнатасан.

— Ойи, сизам айтмайсизми?

— Кимга?

— Қудратнинг ойисига.

— Йўқ, айтмайман.

— Честное пионерское?

Меҳриниса кулиб юборди.

— Ҳа, пионерски.

— Яшанг ойи, айтсангиз-чи ойи, Қудрат уради.

Эндигина ўзини босиб олган Меҳриниса яна ҳаяжонга тушди. «Қудрат уради? Бу нима дегани?» Абрамни юпатди.

— Ҳеч ким сени урмайди, қўрқма. Бундан кейинчи, ўғлим, кўчада ҳар кимнинг гапига ишониб, ўзингдан ўзинг бунақа хаёлларга бормагин. Хўпми?

— Хўп, ойи.

— Бор, ўйна, қара, укаларинг нима қилишвотганикин?

Абрам ҳовлига тушди.

Меҳриниса иш қилолмади. Тез-тез девор томонга қарар, ҳар қараганида деворни тешиб юборгудай бўларди. «Вой бетинг қурғур-ей. Нега энди болаларга тил тегизади-а. Уларни йўлдан уради? Нима қилмоқчи ўзи-а? Ботир... Нега унинг қасдини еб қолди. Ўзим,

кўзларим нигорон бўлиб, тиқ этса эшикка қараб ўтирганим етмасмиди-а? Яхшиям мана шулар бор экан. Овунаман. Ботиржон. Қаёқларда юрганийкин? Ҳоли не кечдийкин? Нега хат-хабар қилмайди-а? Тагин... Йўқ, йўқ. Худо кўрсатмасин... Ўзим икки қўлим ёқамда бўлса-да, бу бетингга куйдирги чиққур қасдимни сса. Ҳа, худога солдим. Мангаки чоқ қазимоқчимиз, ўзи йиқилсин...»

Кўчадан кетма-кет Остап билан Витя кириб келиб, хаёли бўлинди. Хаёл суришгаям тинчлик керак. Болаларнинг шовқини хаёлни шу заҳотиёқ қочириб юборди.

Леся акасини қучоқлаб олиб, сўрай кетди:

— Нима олдингиз, ака? Бешми-а, айтсангиз-чи?

— Бугун баҳо қўймади.

— Қўйса, беш оласиз-а?

— Ҳа.

— Ака-чи, Абрам қўлини кесиб олди.

— Вой, нима қилиб кесдинг, Абрам.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Дарров чақдингми,

Леся?

— Чақмасаям кўриниб турибди-ку, — деди укасининг ёнини олиб Остап.

Меҳриниса ишни йиғиб, самоварга олов ташлади. Хонтахтани қўйиб дастурхон ёзди. Кавшандозда ботинкасини ечаётган Остап, ҳовлига тушаётган онасига мактабдан топиб келганини гапира бошлади:

— Ойи-чи, ойи, мактабимизга комиссия келди.

— Қанақа комиссия?

— Билмайман. Ичида-чи, анув Асқар амаким бор.

— Асқар амаки? Қайси Асқар амаки?

— Ҳув менга аввал дада бўламан деган-чи? Шоқосимов. Уша.

— Ҳа-а, эсим ҳам қурсин. Нима деди?

— Ҳеч нарса демади. Узоқдан кўрди-ю, хўмрайиб қўйди. Жуда қўрқиб кетдим.

— Нимага қўрқасан?

— Мени опкетишга келган бўлса-я.

— Опкетса бормоқчимисан?

— Йўқ, йўқ. Ҳеч қаёққа бормаيمان, жон ойи.

— Бўпти бўлмаса. Ҳеч қаёққа бормаيسان.

— Дадамгаям айтасизми?

— Даданг ўзиям билади.

— Яшасин, яшасин,— бақриб юборди Остап севи-
ниб.

— Нима, ака?

— Сен кичкинасан. Ишинг бўлмасин.

— Айта қолинг, ака.

— Айтмайман, билдингми?

Меҳриниса самоварга тараша ташларкан, Остап-
нинг ганини ўйларди. «Қанақа бало одам экан-а, бу
Асқар дегани. Бола бечора шунчалик безиллаб қолган-
ки, тавба. Мактабга нимага келганийкин? Вой, галва-
ларинг бор бўлгурлар-ей. Биттасиникидан қутулсанг,
иккинчисиники чиқиб туради-я...»

Айвонга чиқиб, болаларни дастурхонга чақирар-
кан, Сарсонбойни кўрмади.

— Ҳой, Сарсонбой қани?

— Билмайман,— деди Остап.

— Бирга ўқидиларингми ахир?

— Ҳа, дардан кейин қарасак, йўқ,— деди Витя
бепарво.

— Қаёққа кетади, ахир?— бақриб юборди Меҳри-
ниса.

— Билмайман.

— Менам кўрмай қолдим.

— Ака-ука деганам шунақа бўладими? Айтмаб-
мидим, бир-бирларингдан ажралманглар деб...

Меҳринисани ваҳима босди. Кўзлари косасидан чи-
қиб кетай дерди. Болаларга ўқрайиб, бир-бир қараб
чиқди. Улар ҳаммаси онанинг авзойини кўриб, қотиб
қолишганди. Меҳриниса нима қиларини билмай, оҳис-
та эшик томонга юрди, кўчага чиқиб кетди. Сал ўтмай
қайтиб кирди. Айвонга чиқиб, кийина бошлади.

— Қимирламай ўтиринглар, бориб кўрай-чи,— де-
ди-да, шошиб чиқиб кетди.

— Ана энди, йўқолиб қолса нима бўлади?— деди
бидирлаб Леся.

— Йўқолмайди. Дадамлар сени топиб олдилару,
уни тополмайдиларми?— деди Витя.

— Ўзинг-да,— деди Остап айбни Витяга қўйиб,—
сиқилиб кетдик девдинг нариги партага ўтиб
кетди.

— Менми? Уқитувчи айтди-ку.

— Олдин ўзинг айтдинг, билдингми.

— Ҳа, энди, менга тўнкамоқчимисан?

— Қўл ушлашиб юрсаларинг бўлмасмиди,— деди насиҳат қилгандай Абрам.

— Энди чой ҳам совиб қолади,— деди ачиниб Галя.

— Ака, қорним очди,— Леся Остапга ялинди.

— Шошма. Ойим келсинлар.

— Қачон келадилар.

— Сарсонбойниям қорни очгандир-а? — раҳмдиллик қилиб деди Абрам.

— Нонини ўша биринчи танаффусдаёқ еб қўювди.

Меҳриниса бу пайтда кўчама-кўча сарсон бўлиб юрарди. Мактабдан хабар олди, кейин трамвай тўхтайдиган жойга борди. У ёқ-бу ёқни, бозорчани айланиб чиқди. Милиционердан сўраб кўрди.

— Ҳай, ука, шу ерда қўлида китоб-дафтар кўтарган, қорачадан келган болани кўрмадингизми?

— Йўқ. Кўзим тушмади,— деди милиционер ва ҳаяжонини босолмай атрофга аланглаётган аёлга тикилиб қолди.

— Хола,— деди у,— кечирасиз, сиз ҳалиги Меҳриниса опа эмасмисиз?

— Ҳа. Нимаиди?

— Таниб қолдим-да.

— Қаёқдан танидингиз? Ортиқвойнинг ўртоғимасмисиз?

— Участковой Ортиқми?

— Ҳа.

— Танийман. Қайси болангизни қидираётибсиз?

Меҳриниса милиционерга ҳаммасини айтиб берди.

— Меҳриниса опа,— деди милиционер,— сиз бу юришда тополмайсиз. Кўп овора бўласиз. Уйингиздаям қиладиган ишларингиз ошиб-тошиб ётгандир.

— Вой, қандоқ қилай. Уйда ўтира оламанми? Бола шўрликнинг қорни очгандир. Қаерларда бўйинини эгиб юрганикин? Худо кўрсатмасин, мошина-пошина тагида қолиб кетса...

— Ўзингизни босинг, опа. Мен ўзим қидираман, керак жойларга хабар қиламан. Уйга бориб, кўнглингизни тўқ қилиб ўтираверинг.

— Вой, ўтирмай ман ўлай. Кўнгилингиз тинчирмиди.

— Мен ҳозир ишдан қайтиб келаётувдим. Бўшман. Қўлимдагини ҳовлига ташлайману, ўзим қидираман. Хотиржам бўлинг. Бораверинг.

— Вой, сизниям овора қилиб...

— Бундай десангиз, хафа бўламан, опа. Сиз шунча болани олиб, боқаётганингизда, биттасига бир-икки соат вақтимни берсам, йиқилиб қолмайман. Боринг. Хотиржам бўлинг.

— Ҳай, барака топинг. Топилиб қолар-а?

— Топамиз, топамиз.

Меҳриниса трамвайга тушмоқчи, шаҳарни қидирмоқчи эди. Бир неча марта орқасига қараб-қараб қўйди. Ноилож кўчасига бурилди. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга кириб келди. Чекка-чеккада тумшайиб ўтирган болалар якка ўзи кириб келган онани кўриб пндашмади. Уларнинг дастурхонга ҳам яқин келмай ўтиришларига раҳми келди. Ботирдан хат йўқлигини эслаб, йиғлаб ўтирадиган пайтларда эрининг: «Кўз ёшингни болалар кўрмасин, Ботир боласи экану, биз бегона эканмиз-да, деб ўксишади», деган гапи эсига тушди. Ачинаркан, ўзини тутиб олди.

— Бу нима ўтириш? Қоринларинг очмадими?

Болаларнинг чехраси ёришди.

— Очди, ойи. Жудаям очди,— деди Леся ёнига келиб.

— Сизсиз чой ичгимиз келмади, ойи,— деди Остап,— бўлмаса-ку,— дея кўзи Витяга тушган эди, у муштумини кўрсатди, Остап гапини чала қилди.

Шу «сизсиз»нинг ўзи кифоя қилди Меҳринисага. Меҳри товланиб кетди.

— Келинлар тезроқ, ҳой. Остап, хокандоздаги кўмирни олиб кел, олови ўлиб қопти.

Болалар тўполон қилиб хонтахта атрофига ўтиришди. Вола болалигини қиларкан-да. Бир пиёладан чой ичиб, туршак-майиз еб ўтиришгандагина Сарсонбойни эшлашди.

— Ойи, топмадингизми?— чуғурлади сўлагини оқизиб Леся.

— Ҳо, ўзимнинг пўпчимдан айланай. Қорнинг тўйди-да-а. Сан сўрамасанг, буларнинг эсигаям келмайди,— деди тиззасида ўтирган Лесяни қучоқлаб.

— Нега, эсимда ойи,— деди гердайиб Витя.

— Қорни очгандир деб боятдан бери ўйлайман,— деди Абрам.

— Манам,— деди Галя.

— Бир яхши милиционер амакинг ўзи қидиргани кетди. Топиб келади.

— Бўлмаса, дадам топадилар-а, ойи. Мени топиб келганлар-ку,— деди Леся мақтаниб.

Ҳовли саҳнида болаларнинг гупури, кўкида кулгиси янграб, уй бозор бўлганидан буён ҳар бир куннинг қандай ўтганини билмайдиган Меҳриниса баҳор чиқиб, кун узая бошлаганини шу бугун пайқади. Наҳотки тушликдан то қош қорайгунча ўтган вақт йилга айланса-я. Вақт ҳам шунақа имиллайдими? Тиқ этса эшикка тикилиб, қўлидаги ишини ҳам қилолмади. Дастурхон йиғилгандан кейин бирпас ўтирувди, хаёл ўлгур яна елкасига миниб олди, ёнига ваҳимани чақирди. Иккови бир бўлиб уни минг ёққа тортқилай кетди, шулардан холи бўларман деб, ишга зўр берувди, игнанинг кети ангишвонадан тойиб, ўрта бармоғига кириб кетди. Ҳеч замонда игна орқаси билан кирганини эшитганмисиз. Чок игна бўлмасаям бир навийди, қавиқ игна-я. Пахтаси оқиб кетган Лесянинг кўрпасига эски кўйлагини сўкиб, астар қилиб, қавиётган эди. Шу бугун битказарман девди, буниям худо кўп кўрди. Игна ордона қолгурам дурустгина кирган экан, бармоғини ачиштирарди. Улганимдан куламан, кетимни ерга сураман дегандек, бармоғини сўриб туриб, кулиб юборди. Игна учи худди тошга қадалди-ю, аламини ундан олгандай орқасини бармоғига тиқиб олса-я. Бўлмаса юмшоққина, пахтаси юққа кўрпача. «Тавба, аталага тишим синди деб шуни айтишса керак-да...» Туриб-туриб ўзига кор қиларди. Қўлига игна киргани баҳона бўлди-ю, юрагига сизмаётган қавиқни ҳам йиғиштириб қўйди. Қиламан деса бошқа ишлари бошидан ошиб ётибди. Қани қўли борса-ю, юраги чидаса. Нуқул ҳалиги ваҳимали хаёл бошида парвона бўлади, аллақаяёқларга судрайди. Яна айлантириб олиб келиб, кўз олдига жомашов, унда кўйлакчан турган, иштонини ечмайман деб тихирлик қилаётган Сарсонбойни келтириб қўяди. «Ҳай, бола деган шунақа ширин бўларканми-а? Бир ерингни узиб оларкану, гирдикапалак бўлиб атрофингда юрараркан. Кўз олдингда бўлса ҳай-ҳай, кўнглинг тинч, сал нари кетса борми, худди ўша узиб олган жойинг ачишаваркан-а, ё қудратингдан ўргилай. Аксига юриб бу кишининг йўқлигини-чи. Ҳарна дал-

да бўлардилар. Далда-ку бўлардилар-а, ўзлари тинчиб ўтиролмасдилар. Ҳо, ҳув деб кўчага чиқиб кетардилар. Жони ҳолига қарамай қидирардилар. Манга ўхшаш милиционерга ишониб ташлаб келармидилар...»

Кеч кириб, қош қорая бошлагандан кейин юраги баттар сиқилди, болаларнинг тўполони ҳам ёқмай қолди. Ошхонага кириб ўчоққа олов ёқди. Қозонга сув солаётганида ҳовлиқиб чопиб Абрам кириб келди.

— Ойи, машина келди. Ана...

Меҳринисанинг хаёлидан «Сарсонбойни машина босиб олгану, мана, ҳозир чала жон қилиб олиб келишган», деган фикр ўтди-ю, бўшашиб тушди. Ҳовлига қандоқ чиққанини билмай қолди. Эшикдан кулиб кириб келган Маҳкам акани болалар аллақачон ширага ёпишган қумурсқалардек ўраб олишган, қўйиб юборишмасди.

— Дада, Сарсонбой йўқолиб қолди.

— Абрам қўлини кесиб олди.

— Биза мактабга бордик.

— Дада, комиссия келди. Асқар амакиям келди.

Болалар Маҳкам акага гапиргани қўймасди. Меҳриниса нима бўлаётганига ақли етмай ағрайиб турарди. Остонадан энди қадам қўйиб, ҳовлига кирмоқчи бўлган Охунбобоев ўзи ҳам, ёнидагиларни ҳам тўхтатиб, «ҳалақит бермайлик» дегандай қараб туришарди.

— Бўлди, бўлди, болаларим. Онаси, жой қилгин, меҳмонлар келишди,— шундай дея орқасига ўтирилди Маҳкам ака,— қани, қани Ота, Қодирхўжа, Исмоилжон, марҳамат...

Меҳриниса меҳмонларни энди кўрди. Икки қўлини кўксига қўйиб саломлашди. Кейин оҳиста юриб бориб, уйга жой сола бошлади. Бир чеккада қатор туриб, одоб билан ҳар бир меҳмонга алоҳида-алоҳида салом берган болалар ёнига Охунбобоев келди, бирининг юзини, бирининг бошини силади, бирининг елкасини қоқиб қўйди, Галянинг бурнини чимдиб эркалади. Лесяни қўлига кўтариб олди.

— Отинг нима, қизим?— ёйилган сочларини текислаб сўради Охунбобоев.

— Леся...

— Жуда чиройли отинг бор экан-а. Қара-я. Ойингнинг оти нима?

— Меҳриниса,— деди бошини Отанинг кўкрагига қўйиб Леся,— қўлларига игна кириб кетди.

— Ийе, ҳали-я, чатоқ бўлибди-ку,— деди ачинган бўлиб Ота.

Бошқалар кулиб қўйишди.

— Ойим хафалар. Сарсонбой йўқолиб қолди, ўшанга.

— Топамиз, топамиз,— деди кулиб Охунбобоев ва «Нима гап?» дегандай ёнидагиларга қаради. Отанинг орқасида турган ёш йигит нималигини суриштиргани айвонга, эр-хотин ёнига кетди.

— Дадам ўзлари қидирсалар-чи, дарров топадилар, билдингизми? Мениям дарров топиб олганлар.

— Шундайми? Сен жудаям ақлли қиз экансан-а. Менга қара, дадангни яхши кўрасанми, ойингними?

— Дадажонимниям, ойижонимниям.

— Қанақа қилиб яхши кўрасан?

Леся жавоб ўрнига, Отанинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб, юзларидан ўпди, кейин тикандек ботган мўйловига тикилиб туриб, қўли билан ушлаб кўрди. Ҳамма кулиб юборди. Лесянинг ўзи ҳам қиқирлаб кулди, талтайиб, мўйловини бурай бошлади. Энди шовқин солиб, болалар ҳам кулишарди.

— Яхшиси, менга қиз бўлиб қўя қол.

— Йўқ,— деди мўйловидан қўлини тортиб Леся.

— Хўп дея қол, даданг, ойингнинг шунча болалари бор экан, бўлади-да.

— Йўқ,— деди Леся ва бирдан чиройи қочиб.— Ойи!— деб юборди, пахта тушмоқчи бўлди.

— Ҳазиллашдим қизим, ҳазиллашдим,— дея юзларидан ўпиб ерга қўйди Ота ва ёнидаги йигитга бир нима деб ишора қилди. Йигит кўчага чиқиб, қўлида бир нечта қоғоз қутича кўтариб кирди. Охунбобоевга тутқазди. Ота қутичаларни биттадан болаларга улашди.

— Мана буниси, ҳалиги, оти нимаиди? Сарсонбойга,— деб Абрамга узатди.

Болалар кетма-кет «раҳмат» дея чуғурлашишди. Бироқ биронтаси қутичани очолмасди. Унга суқ би-

лан тикиларди-ю, ийманиб турарди. Лесянинг тоқати чидамади. Останнинг ёнига келиб, пичирлаб, хархаша қила бошлади.

— Очиб бер акаси, очиб бер,— деди Қодирхўжа фаҳмлаб.

— Қани, Ота,— деди Маҳкам ака жой тайёрлатиб келиб,— марҳамат.

— Уста, асли баҳавоғна мана шу айвонда ўтирганимиз маъқул эди.

— Йўғ-э, Ота... Озиб-ёзиб бир келибсиз.

— Озиб-ёзиб дейсизу, сизни ишингиздан чақиртириб келганимиз қизиқ бўлди. Ҳа, майли, бу ёғининг увол-чуволи раҳбарларга, нима дейсиз?— дея кулиб, Қодирхўжа, Исмоил полвонларни кўрсатди. Ҳаммалари кулишди.

— Иш бўлса қочмайди, Ота. Сизки вақт топиб келибсиз, бошимиз кўкка етди. Қани, қани.

Улар уйга киришди. Токчада турган янги ёқилган ўнинчи лампа хонани хира ёритиб турганидан, Маҳкам ака айвондаги лампани ҳам олиб кирди.

— Уста,— деди Ота лампага қараб туриб,— электр сими қаердан ўтган?

— Нариги, катта кўчадан, у ёқларга ҳам ўтказилаётган эди. Уруш бўлиб қолиб...

Ота ёнидаги йигитга қаради. У алланималарни дафтарига ёзиб олди.

Самовар кўтариб Меҳриниса кирди.

— Хуш келибсизлар,— деди таъзим билан Меҳриниса ва ийманиб самовар ёнига ўтирди-да, аёлларга хос ибo, одоб билан эски қадрдонлардек бир-бир кўнгил сўраб чиқди:

— Бақувватмисиз Ота, онамлар, болалар эсон-омонми?

— Шукур, шукур. Ҳаммаси саломату, опангизнинг мазаси йўқроқ-да. Эшонга айтиб ўтирибман, босқонга қўйсакмикин, деб...

Гурр этиб кулги кўтарилди, Отанинг ўзи завқ билан куларди. Торғиниб ўтирган Меҳриниса ҳам анча ўзини тутиб, элашиб кетганди.

— Тинчмисизлар, келли саломатмилар,— Қодирхўжага ўғирилди Меҳриниса,— қизчадан хат кеп туриптими?

— Келяпти. Ҳаммага салом айтибди.

— Саломат бўлсин... Исмоилжон, келинпоиша, кампир омонмилар, чақалоқ катта бўлиб қолдимми?

— Шукур, шукур...

— Сиз тинчмисиз, уй ичидагилар ҳаммаси,— деди Отанинг ёнида ўтирган йигитга.

Отани кўргандаёқ гапини йўқотиб қўйган, ҳозир-гача ўзини ўнглаб ололмаган Маҳкам ака хотинининг шошилмай, тутилмай, мулозимат қилаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди. «Балосан хотин, балосан, қойил-э» деб қўйди ичида.

Бир пиёладан чой ичишгани ҳам йўқ. Ота яна ҳазил қилиб гапирди:

— Йўлда Эшонга айтиб келаётувдим. Устаникига борганингизда ота-бобонгизнинг касбини қилингу, темирчилигини қилманг деб...

Гурр кулги кўтарилди. Қодирхўжа завқ билан тиззасига уриб хахолаб кулди. Ота ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмасди.

— Отам ҳам тўғри айтдилар. Ҳарна қилсаям... Узоқни кўрадилар-да.

— Оббо Эшон-э... Олдиз-олдиз,— деди кулгидан тўхтамай Ота,— сиздаям гап кўп, Эшон.

Яна кулги кўтарилди.

— Яшанг, Эшон, яшанг. Темирни қизигида урганингиз яхши-ю, гапга келганда аччиқ ичак қилиб юборасиз-ей.

Ўтирганлар ҳар икки томонга баб-баробар кулишарди. Қодирхўжа сира ўзини босолмай, кўзлари ёшланиб кетарди.

— Энди, бизга рухсат, уста,— деди Охунбобоев секин дастурхоннинг учини қайириб,— партия ҳукумат келиннинг ҳам, сизнинг ҳам ҳимматларингиздан бениҳоя миннатдор. Халқ миннатдор бўляпти. Фронгдаги жангчилар, офицер, генераллар миннатдор. Келажакда вояга етганида мана бу жужуқларнинг ўзлари миннатдор бўлишини, бутун келажак авлод миннатдор бўлишини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Саломат бўлсак, кўрамыз...

Охунбобоев ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, ҳовлидан болаларнинг қийқиришиб-бақиришгани эшитилиб қолди. Юраги бир нарсани сезиб ўтирган Меҳриниса дик этиб ўрнидан турди. Даҳлизга чиқиб, ҳовли ўртасида болалар Сарсенбойни ўртага олиб, бақи-

ришаётгани, милиционер уларга қараб, ағрайиб қолганини кўрди. Беихтиёр овози борича қичқириб, ҳовлига тушди. Сарсонбойни бағрига босди. Мўйловли кекса милиционер унга честь бериб сўрашди.

— Вокзалда юрган экан. Тавба қилди, иккинчи марта шундай қилса...

— Қамаб қўйинг!— деди Меҳриниса пўписа қилиб ва ўз сўзидан ўзи қўрқиб кетди. Шу заҳотиёқ яна Сарсонбойга ўгирилиб, уни эркалади,— билмаган-да, амакиси, кечиринг. Қорнинг очгандир-а, болам.

Сарсонбой зўрға турган экан, йиғлаб юборди, Меҳриниса бағрига босди.

— Қани, ичкарига киринг, бир пиёла чой ичинг,— деди Меҳриниса милиционерга.

— Раҳмат, менга рухсат беринг,— деди честь бериб,— хайр, саломат бўлинглар,— кўчага чиқиб кетди.

Ичкаридан дув меҳмонлар чиқиб келишди. Меҳриниса Сарсонбойнинг қулоғига бир нима деб шивирлаган эди, у югуриб бориб меҳмонларга салом берди.

— Баракалла, ўғлон,— елкасига қоқиб эркалади Охунбобоев Сарсонбойни,— азамат йигитча экан-ку, бу. Бир шаҳарни айланай дебди-да, онаси, шундайми, ўғлон... Уста, бу йигитчалар ҳадемай катта бўлишади. Ушанда сизга ҳам, Эшонга ҳам гап қолмаса керак-а...

Кулги кўтарилди. Ота ҳовлига киришиданоқ Қодирхўжага тегажақлик қилиб, «Мунча эзмасан, отанг темирчи ўтганми?» пайровида бошлаган аскиясини ҳамон давом эттирарди. У, ҳазил қиларди-ю, кулиб туриб, ҳовлини, ундаги дарахтлар, ошхона, ҳужрани, дўконхоналарни синчиклаб кўздан кечирарди. Алланиманинг режасини қиларди.

— Уста, анави деворнинг орқаси нима?

— Майдон, сув ёқасига боради.

— Ҳа, ҳа... Бу ҳовли энди торлик қилиб қолармикин, дейман-а?

— Феъл кенг бўлса, ҳовлининг торлиги билинмас экан. Сиғиб турибмиз, Ота.

— Маъқул, маъқул,— Ота ёнидаги йигитга алланима деб, дафтарига ёздирди.— Уста, мана шу йигит бизнинг хўжайин. Дуруст йигит, ишимиз тушса қўл қовуштириб турамиз,— деди ҳаммани кулдириб, йигит қип-қизариб кетди,— барака топкур йўқ демайди.

Шуниси яхши. Бирон зарурат бўлиб қолса сўзингизни ерда қолдирмасов...

— Раҳмат, Ота, раҳмат.

— А, нима дейсиз Эшон?

— Жуда яхши. Қуллуқ Ота,— деди қўл қовуштирганича миннатдорчилик билдириб Қодирхўжа.

— Бошлигингиз ҳам кичкина одаммасов, уста,— Қодирхўжага шама қилди,— тагин дейман, қўл қовуштириб олдига борсангизу, иш қолиб, гапга ўтиб кетса, ёз ўтиб қишга кириб қоласизми, деб чўчийман...

Отанинг одатини ёшу қари барабар яхши билишарди. Қарияларга қўшилса қария, йигитлар даврасида йигит, болалар ичида гўдак бўлиб кетарди. Ҳазил қиларди, аския айтарди. Гапларида кўпинча шама, қочирик бўларди. Буни ҳамма тушунарди, ёқтирарди, севарди. Ота бор жойда кулги ҳукмрон бўларди. Кулги бўлгандаям ичакни узадиган, ҳар қандай ташвишни дилдан чиқариб юборадиган, кишига руҳ бахш этадиган кулги бўларди. Шу вайдан бўлса керакки, Отанинг ўзи «Руҳи сўниқ кишининг, бурди кетар ишининг» деган мақолни тез-тез тилга олиб турарди. Шу билан бирга бу кулги тагида олам-олам маъно ётарди, қанчадан-қанча иш битиб кетарди. Табиатан катта оғизлик, дабдаба, ваъдани ёқтирмайдиган бу киши мана ҳозир ҳам бир қараганда шунчаки муборак бўлсинга келди-ю, аммо анча-мунча режани кўнглига тугиб қўйди, ими-жимиди ёрдамчисига таъинлади.

Меҳмонлар хайрлашиб, кўчага чиқишди. Болалар билан бирга Меҳриниса кўчада туриб қўлларини кўксига қўйиб кузатиб қолди. Маҳкам ака ҳам улар билан бирга кетди.

— Ойи, дадам ҳам кетдилар-ку,— сўраб қолди Абрам.

— Даданг ишидан чиқиб келувди-да, болам. Иш-хонасига кетди. Эрталаб келади.

Машина катта кўчага чиққунча қараб қолган Меҳриниса болаларини бошлаб, эшиги томон юраркан, дарахтлар орасидан кўчага нур сочиб турган ойнинг ним ёруғида қўшни эшиклар олдида турган одамларни кўрди. Остонасида турган Тожиҳонга кўзи тушиб, ўзини билмасликка олди-да, овозини баландлатиб:

— Юринглар. Ҳали тагин келадилар Оқунбобоев ота, юринглар,— деди болаларига ва кўнгли тоғдек кўтарилиб уйга кирди.

ИНГИРМА УЧИНЧИ БОВ

Маҳкам ака кейинги пайтларда сурункасига икки сменалаб ишлайдиган бўлиб қолганди. Бир у эмас, артелдагиларнинг кўплари икки сменалаб ишлар, зарурат бўлиб қолса, учинчи сменага ҳам қолишарди. Исмоилжоннинг ўзи ҳам раисман деб, қўлини чўнтагига солиб юрмас, чарчаб қолдан тойган ё бетоб бўлиб қолган устанинг ўрнида ишларди. Бундай ҳол тез-тез бўлиб турарди. Исмоилжон раисликни идорадамас, цехнинг ўзида қиларди, секретарь кўтариб келган қоғозларга кўпинча иссиқ сандон устида қўл қўярди. Бир сафар Қодирхўжанинг ўзи шу ерга қидириб келди. Исмоилжонни пачалда кўриб, ачинди. Аммо бир нима деёлмади. Нима ҳам деярди. Иш кўп. Улгуриб бўлмайди. Ҳарбий буюртманинг ўзи бўлгандаям бир нави эди. Дала ишларининг қизгин пайти. Кетмон етказиб бўлмайди. Темирчилардан кўплари, энг иш берадиганлари ҳарбий заводларга юборилган. Идора аппарати ҳам илгаригидек эмас. Витта бухгалтеру секретарь қиз эплаб турипти ҳаммасини. Қолганлари цехда.

Кеча иккинчи смена оқирлаб қолганда Маҳкам ака ёнида ишлаётган Соли уста ўзидан кетиб, йиқилиб тушди. Зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Соли уста ўрнига келадиган шериги йўқлигини билган Маҳкам ака сменани тугатди-да, бирпас нафас ростлаб, ўша ерга ўтди. Учинчи сменага қолиб кетди.

Меҳриниса ҳам бунга кўникиб қолганди. Вақтидаки қайтмадими, яна бир сменага қолганини биларди. Эрталаб барвақт туриб ҳовлига қаради, болалар тургунча зарур кирларни ювиб олиш тараддудини кўриб турганида, эшикдан эри кириб келди. Кўзлари ич-ичига тушган, юзлари сўлгин Маҳкам ака қолдан тойиб, зўра қадам ташларди-ю, бироқ чеҳраси очиқ, хурсанд эди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг,— деди Меҳриниса унинг ёнига келиб.

— Тинчмисизлар. Мана, болаларни бир хурсанд

қилайлик, — дея қўлидаги ўроғлиқ нарсани узатди, — кеча олдимиздаги дўконга кирувдим.

— Вой, гиламнинг пулини олдингизми? — хурсанд бўлиб сўради Меҳриниса.

Тўлажаллоб гиламнинг ярим пулини берганича, ярмисини ҳозиргача чўзиб юрарди. Меҳриниса ҳар куни бу пулни кутарди. Ҳали қўлига тегмай туриб, уни тақсимлаб, оладиган нарсаларини мўлжаллаб қўйганди.

— Ундан умидингни уз, хотин, — деди Маҳкам ака айвонга чиқа туриб.

— Вой, нега?

— Қамалиб қопти.

— Вой шўрим, ҳали буям бор эканми бизга. Айтувдим-а, ҳаром-хариш иш қиладиган одамга сотдингиз деб, ўзиникига қўшилиб суриб кетди денг, ҳали. Шунча пул-а?

— Кел, қўй, қани, болаларингни уйғот-чи.

Меҳриниса эри олиб келган нарсаларни кўрмасиданоқ юрагига сиғмай қолди. Тугунни айвон лабига қўйиб, самоварга қарагани кетди.

— Ҳой, турмайсанларми, мактабга кеч қоласанларку, — деди Маҳкам ака болаларнинг тепасига бориб.

Витя бошини кўтариб, «бугун отдих-ку» деди-да, тагин бурканиб олди. Сарсонбой бир ағдарилиб, Остапнинг устига оёқларини ташлади, бундан Остап уйғониб кетди. Кўзи очиқ ётаверди. Абрам Галя билан кўрпа тагида пичирлашиб ётишарди.

Меҳриниса тугунни очибоқ, жиғибийрон бўла бошлади:

— Барака топкур, тайёридан олмай газмол олиб келсангиз-ку, бир хилда қилиб, ўзим тикиб берардим-а.

— Қўй, хотин. Детдом болаларига ўхшатма, — деди эри ва чўнтагидан пул чиқариб узатди, — ма, харажатларингни қиларсан.

— Шу одатингиз қолмади-да. Бу ёғини қандай отказаман энди, — пулнинг чўғини кўриб, хуноби ошди, — жилла бўлмаса, арзонроғидан ола қолмай-сизми.

— Турсаларинг-чи, ҳой, қани, ким олдин салом берса, ўшанга бир нарса олиб келганман.

Леся сакраб ўрнидан турди, кела солиб, дадасини қучоқлади.

— Салом қани, қизим?

— Юзимни ювмадим-ку.

— Бу сафар ювмасанг ҳам майли.

— Ассаломи алайкум, вуй, дада, нега кўзингиз бунақа?

— Чарчаганимдан, қизим.

— Ётинг. Мана менинг ўрнимга ётинг.

— Хўп. Баракалла, меҳрибон қизим. Манга, қара мани яхши кўрасанми?

— Жуда, жуда.

— Қайси кўзинг билан?

— Иккала кўзим билан.

— Тагин-чи?

— Тагин, тагин, юзим, лабим...— деб турди-да, бўйнидан қаттиқ қучоқлаб, ўпа бошлади.

— Қани, мана бу кўйлакни кийиб кўр-чи.

Леся шовқин солиб, қўлида кўйлак билан ўйинга тушди. Остап ўрнидан турди. Чона солиб ҳовлига тушди, ювинди. Укасининг қувонаётганидан у ҳам хурсанд эди.

— Ассалому алайкум, дада, ҳорманг,— деди дадаси ёнига келиб.

— Қани, ўғлим, мана буни кийиб кўр-чи.

— Бой бўлинг, дада,— деди Остап кўйлакни оларкан, онасидан эшитган гапини такрорлаб.

— Мана бу Абрамга, бу Галя қизимга.

Болалар кўйлаklarни кийиб, бир-бирига кўрсатишарди. Маҳкам ака уларга қараб, ағрайиб қолган, Сарсонбойга бермоқчи бўлган шим қўлида турганини пайқамасди.

— Бу кимга?— сўради Витя.

— А? Бу — Сарсонбойга. Санга ботинка олиб келганман, ўғлим. Қани, кийиб кўр-чи?

Витя хурсанд бўлиб, ботинкани кия бошлади. Роса уринди, ипларини олиб ташлаб кийиб кўрди ҳамки сизмади. Ботинкани отиб юбориб, бир чеккага бориб, тумшайиб ўтириб олди.

— Оббо, ўлчовини кўрсатувдим-а. Қани, Остап сен кийиб кўр-чи.

Остап ботинканинг бир пойини кийиб кўрди. Унга

ҳам сизмади. Кейин Сарсонбой кийди. Унга ҳам тўғри келмади.

— Қилган ишингиз бор бўлсин. Энди нима қиламиз. Энг зарури шу эди. Толеи ўлгурни қарангки, нуқул шунга қолганда аксига юради. Кўнгли чил-чил бўлиб кетди-е...— деди Витяга эшиттирмай Меҳриниса.

Ботинканинг бир пойини Абрам, бир пойини Галя кийиб дўқиллатиб у ёқдан-бу ёққа юришарди. Унга сари Витянинг қовоқлари осилиб, хўмрайрди.

— Ҳечқиси йўқ, айир бошлаб келаман. Хафа бўлма, ўғлим.

Одатда тунги сменадан кела солиб, ўзини ўринга ташлайдиган Маҳкам аканинг кўнгли тўлмади, қандай нонушта қилганини ҳам билмади. Витяни етаклаб, кўчага чиқиб кетди.

Кеча ботинка харид қилган дўкон олдида очилишини кутиб, одамлар тўпланиб туришарди. Маҳкам ака навбат охирини суриштира туриб, Иван Тимофеевичга кўзи тушиб қолди.

— Ййе, Ваҳоб ака, бормисиз?

— Уста, саломатмисиз. Келин, болалар омонми? Буни қаранг-а, бир бораман дейман, ҳеч ҳисобини қилолмайман. Газетада суратларингизни кўриб, жуда хурсанд бўлдик.

Маҳкам ака қизариб кетди, ўзини ноқулай сезиб, бир нима деёлмай қолди, ерга қаради.

— Хотиним денг, суратни қирқиб, деворга ёпиштириб қўйди.

— Қалай, қизчадан, куёвдан дарак борми?

— Йўқ, уста,— деди хўрсиниб Иван Тимофеевич,— онаси тик этса эшикка қараб адо бўлди. Яхшиям ўша қизчани олган эканмиз, овунчоқ бўлиб турибди. Яқинда яна бир ўғилча олдик.

— Ййе, муборак бўлсин.

— Қуллуқ. Анча эси кириб қолган бола. Бугун дам олиш куни холасиникига кетди. Оёғига бир нима топилармикин деб келувдим.

— Яхши, яхши. Бизам...— Маҳкам ака қўлидаги ботинкани кўрсатиб, воқеани айтиб берди.

— Оббо уста-ей. Бу, ўғилчадан хат келиб турибдими?

— Йўқ. Командирига ҳам ёзиб кўрдик. Жавоб йўқ.

— Қандай кунларга қолдик-а. Ҳовлимиз вокзалга

яқин эмасми, ҳар куни кўраман келаётган болаларни. Юракларинг эзилиб кетади.

— Ишқилиб охири бахайр бўлсин, Ваҳоб ака.

— Москвагаки кироладими, бу ёрига бардош беролмайди, уста.

— Шунақа, денг.

— Мана, айтди дерсиз. Кучи қирқилди. Ҳалиям-ку, аламидан роса ташлайдику-я, даф этиш осон бўлмайди, аммо мана шу Москва остонасида ҳамма нарса аён бўлиб қолди. Чекинадиган давр ўтди. Фронтнинг ҳар бир километрга олтига, саккизга, ярлақаса, ўн-тадан қуролимиз тўғри келганида ҳам душманни улоқтириб ташладикми, ана шундан билаверинг одамларимизнинг куч-қудратини. Бутун дунё қойил қолиб турибди бунга.

— Қойил бўлмаям кўрсин-чи... Фронтни-ку мана ўзингиз айтиб беряпсиз, Ваҳоб ака, илло мана шу ернинг ўзида одамларимизнинг азаматлиги, пўлатдай мустаҳкамлигини қаранг. Туриб-туриб ёқамни ушлайман. Ё бафармони худо! Иссиғининг тайини йўқ, уйқусида ҳаловат йўғу, тоғни урса талқон қиламан дейди-я... Кўранинг ёнида йиқилиб қоладикми, қўлидан болга тушмайди.

— Шу-шу, бизда, заводда кўрмабсиз. Сўрункасига уч-тўрт кунлаб станого ёнида қолиб кетишади.

— Ёспирай...

Дўкон очилиб, ҳамма ичкарига кирди. Маҳкам ака навбатида турган эди, Иван Тимофеевич қўймади.

— Сиз бориб айтинг, айирбошлашга ҳам навбат кўтиб ўтирасизми.

Маҳкам ака бирон нарса дейишга ботинолмади.

— Ҳой, қизим,— деди Иван Тимофеевич дўконнинг бир чеккасида турган жувонни чақириб,— мана бу акам айирбошламоқчилар. Тўғрилаб беринг, барака топкур.

Аёл тушунди шекилли, Маҳкам акага нариги томонга ўтишни айтди. Узи бориб, сотувчига тайинлади.

— Келинг, ота,— деди сотувчи одамлар орасидан Маҳкам акани чақириб ва ботинкани қўлига олибоқ қайтариб берди.

— Катгаси йўқ. Тамом бўлган,— деди.

Ҳафсаласи пир бўлган Маҳкам ака, тўдадан чиқиб, Иван Тимофеевич ёнига келди.

— Дардисар бўлди-да, Ваҳоб ака. Бошқа дўконларга бориб кўраман, энди.

— Овора бўлмай қўя қолинг, уста. Бошқа бирорта дўконда ботинка йўқ. Уч кундан буён бормаган жойим қолмади. Одамларнинг ёпирилиб келаётгани ҳам шундан.

— Оббо. Бозорга бораманми, энди.

— Топсангиз тузук. Ушанда ҳам бирни ўнга ола-сизда, уста.

— Рост айтасиз, Ваҳоб ака. Биз кетдик бўлмаса, ишимиз битди,— деди кулиб Маҳкам ака,— боринг, Ваҳоб ака, уйдагиларга салом айтинг.

— Узингиз бир келинг, уста. Хўп, хайр, хайр, ўғлим.

Ота-бола одамлар билан лиқ тўла дўкондан зўрга чиқишди. Витянинг қовоқ-тумшуғи осилган, дадасининг қўлини қўйиб юбориб, бир қадам олдинда ерга қараб борарди. Маҳкам ака ўз хаёли билан. Ваҳоб акадан эшитган гаплари билан банд эди. Унинг «чекнадиган давр ўтди» дегани худди, мана эсон-омон қишдан ҳам чиқиб олдик. Бу ёғи, олди ёз, дегандек, бизникилар ёз бўйи душманнинг адабини беради-ю, кузга қолмай ҳамма ёқ тинчийди, омон-омонлик бўладигандай туюлган эди. «Ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди-е. Ҳамма нарсани билади. Фирқа аъзоси-да... Уша Қодирхўжа қатнашган бюрода ҳам бўлган экан. Ҳар километрда саккизта-ўнтадан қуролимиз бор эди дедими?.. Шу ердан Шайхантаҳурга-ча. Ҳа, оз бўлган экан-да. Ёпирилиб келган ёвга оз-да... Шундаям бостириб ўтолмади-ку. Фурсат топиб бир отамлашадиганман-да, шу Ваҳоб ака билан. Жудаям одамохун, ширинсухан-а. Ҳамма фирқалар ҳам шунақа бўлишса керак».

Маҳкам ака шу хаёллар билан йўлкада бораркан, Витя гоҳ олдинга ўтар, гоҳ ёнида, гоҳ орқада сал қолиб, қўлидаги тол хивични ўйнаб, гапирмай, атрофга аланглаб қадам ташларди.

Маҳкам ака йўлканинг четида тузланган помидор еб турган, кийимлари ифлос, сочлари ўсган бош яланг болага кўзи тушди. Боланинг оёғидаги ботинкаси дабдала бўлиб кетган, дастағи босилиб, чарми ажралиб тушган, латта билан боғлаб қўйилганди. Маҳкам ака боланинг ёнидан ўтаркан, унинг оёғига тикилиб қара-

ди, кейин олдинда бораётган Витянинг оёғига кўз ташлади. Нарироқ бориб тўхтаб қолди. Орқасига ўгирилиб, яна болага қаради. Бола ерга ўтириб ботинкасининг латтасини боғлаётганини кўрди. Витя ҳам тўхтади-ю, дадаси нимага бу болага тикилиб қолганига тушунолмади. Ғаш кўрдими, ҳар қалай дадасининг қўлидан ушлаб, судради.

— Юринг, дада, нимага тўхтадингиз?

— А? Шошма-чи, — Маҳкам ака болага тикилганича бир нафас ўйланиб қолди-да, қўлтиғидаги қутичадан ботинкани олди. Боланинг тепасига бориб, ботинкани узатди.

— Ма, кийиб кўр-чи.

Дадасига қараб турган Витя сапчиб ботинкага ёпишмоқчи бўлди-ю, тўхтади. «Барибир, дадам майнавозлик қиялптилар, ҳозир алдайдилар...» деб кулиб қўйди.

Бола бошини кўтариб Маҳкам акага, қўлида ялтираб, ипи осилиб турган ботинкага қараб, ҳеч нарсага тушунолмади. Қўрқиб, ўтирган жойида орқасига сурилди.

— Нега қочасан, ма, кийиб кўр-чи, — Маҳкам ака ипининг учидан ушлаб, ботинкани боланинг бурнига теккудай осилтирди. Бола илжайди, дадилланди. Ботинкани юлқиб олди-да, яна Маҳкам акага қаради.

— Кий, нимага қараб турибсан.

Шундан кейингина бегона кишининг гапига ишонган бола, ҳозиргина чамбарчас боғлаб ташлаган латтани еча бошлади. Янги ботинкани шошиб киймоқчи бўлувди, Маҳкам ака тўхтатди.

— Оёқларингни артмайсанми, ифлос-ку.

Бола жулдур пайпоғига, устидан ўраган пайтаваларига оёғини артди. Ботинкани кийувди, оёғига жуда мос келди. Севиниб, чап пойини ҳам кийди, ипларини боғлаб, нозик нарсани авайлаб силагандек, ботинка юзини қўллари билан силаб-силаб қўйди. Маҳкам акага кулиб қаради.

— Ойимга кўрсатсам майлими?

— Майли, кўрсатавер.

Бола ўрнидан туриб чопиб кетди. Анча ерга бориб, яна орқасига қайтди. Келиб ерда қолган йиртиқ чориги, пайпоқ, пайтаваларини йиғиштириб олди. Югуриб кетди.

Йўлка билан хиёбон ўртасига қўйилган, соя тушиб турган скамейкада халтачасини ёнига қўйиб ўтирган, кийимлари юпун, ранги заъфарон, сочлари тўзиган, кўринишидан фронт яқинидаги шаҳардан кўчиб келганлиги аниқ билиниб турган аёл янги ботинка кийиб, чопиб келган ўғлини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ойи, қаранг, — деди ўғли хурсанд бўлиб ва гир айланиб ўйинга тушиб кетди.

— Ҳой, тўхта, тўхта, ким берди? — тушида кўргандай ҳайрон эди она.

— Битта киши, — деди бола келган томонини кўрсатиб. Кўрсатди-ю, хурсандлигидан ўзига қараб турган ота-болани кўрмади.

— Қанақа киши?

— Баланд бўй, қоп-қора. Жуда яхши киши.

— Маст эканми? — хотин шундай деб, ён-верига аланглади; ҳеч кимни кўрмади.

Боланинг қулоғига гап ҳам кирмасди.

— Ҳа, — деб қўя қолди ва яна сакраб ўйинга тушиб кетди.

Боладаги бир олам қувонч, шодлик унга тикилиб турган Маҳкам аканинг қалбига кўчганди. Унга ҳозир шунинг ўзи кифоя эди. Мамнуният билан кулиб, Витяга қаради.

— Юр, ўғлим.

— Дада?! — деди-ю, бошқа гап айтолмади. Шу дақиқагача ҳазил деб турган Витя дадасининг бу ишига сира тушунолмасди. Бораркан, ўзидан ўзи ўйларди. «Ўзлари пул йўқ дейдилар-да, тагин ботинкани бировга берадилар. Ойимга нима дейдилар энди?..»

Кўча юзидаги дўкон ҳам одамлар билан тўла эди. Маҳкам ака Витяни етаклаб ичкарига кирди. Пойафзал бўлимига бориб, сотувчи чолдан сўради.

— Ўттизинчи керак эди.

— Бунақаси йўқ.

— Қараб кўрсангиз, ҳожатимиз чиқарди-да, баракка топкур.

— Қанақа одамсиз. Айтдим-ку. Сира бўлгани йўқ!..

— Яқин орада келиб қоладими?

— Айтолмайман. Хабар олиб турунг.

Ота-бола ҳафсалалари пир бўлиб кўчага чиқишди.

Бир неча қадам хомуш боргач, ботинкадан умидини узган Витя йиғлаб юборгудек бўлди.

- Нега бердингиз ахир, дада?
- Сенгаям биров ботинка берса олармидинг?
- Бермайди-да.
- Мана, ман бердим-ку.
- Бировга-да...

НИГИРМА ТҲРТИНЧИ БОБ

Табиат бутун бисотини ёйиб ташлаб, еру кўкни безатган палла. Ҳовли юзи, кўча ёқалари, ариқ лаби, боғу хиёбонлар, далаю дашт, тоғу тош, қиру адирга яшил гилам тўшалган. Шаҳардан сал чеккага чиқилдимми, бас, оловдек ёниб турган лолазор ўз бағрига чорлайди. Дову дарахт оқ, пушти, қизил гулга бурканган. Эрлапишар ўрикларнинг гуллари сал шабадага ҳам дув тўкилиб, ҳамма ёққа оқ чойшаб ёзиб юборади. Табиат бамайлихотир урушу, қийинчилигу, бору йўққа қарамасдан ўз келинчаги — баҳорни безаш, унга оро бериш билан машғул. Ҳар дақиқада ҳар хил, бири биридан гўзал, шўхчан, майин, ранго-ранг, сержилва либос кийинтиради. Бунга ҳам кўнгли тўлмай, бири биридан хушбўй, хушрўй димоққа уриб, киши қалбининг нозик жойларини қитиқлайдиган, баҳри дилини очадиган анвои тур атир сениб қўяди, жонзод борки, маст бўлмай қололмайди. Болаларнинг-ку, куни туққан. Тинишмайди. Узлари ҳам баҳордай қувнаб, булоқдай қайнашади. Ҳар куни эрталаб турибоқ томдаги, бўғот ва девор тепасидаги қизғалдоқларни санашади. Витя чиқиб, териб тушади, кетидан Сарсонбой деворга сакрайди, қизлар қийқиришиб, қизғалдоқ талашипшади, ўтлар билан қўшиб, бошларига чамбар ясашади.

Ерда баҳор, элда баҳор, дилларда баҳор нашъаси.

Баҳор Маҳкам акалар хонадонига аллақандай файз билан кириб келди, деса бўларди. Ҳовлининг этагидаги девор орқаси катта майдон бўлиб, кўп вақтдан буён қаровсиз ётарди. Уша Охунбобоев келиб кетганидан кейин район ташкилотларининг кўрсатмаси билан бу жой Маҳкам акалар оиласи ихтиёрига берилди. Майдон кенг, аммо ахлатга тўлиб кетган, наст-баланд, этагида оқадиган анҳоргача нишаб бўлиб тушган ер эди.

Уни эпақага келтириб, экинзор ё дарахтзорга айлант-риш бир кишининг қўлидан келадиган иш эмасди. Маҳкам ака бир томондан қувонгани билан бу ёғини ўйлаб боши қотарди. Ҳаммасидан ҳам суғоришни ай-тинг. Ҳовлидан ўтиб қўшничикига чиқиб кетадиган, жилдираб оқадиган сувни майдонга буриб бўлмас, ан-ҳор эса анча пастликда.

Маҳкам ака ҳали бировга маслаҳат солиб кўришга ҳам улгурмай, эртаси куни Абдуҳафиз билан Ориф ота кириб келишди. Худди шу иш юзасида келишибди. Маҳалла активларини тўплаб, маслаҳат қилишибди. Яқшалба куни маҳаллани ҳашарга тайинлашибди.

— Оға, нима дейишгайм ҳайрон бўлиб қолдим. Сизни, Абдуҳафизни, ҳаммаҳаллаларимни ташвишга қўйибман-да,— деди Маҳкам ака. Унинг бу гапида миннатдорчилик ҳам, ўксиниш ҳам, хижолат ҳам се-зилиб турарди.

— Мулла Маҳкам, биламан, ниҳоятда камсуқум-сиз,— деди оғир гап бошлаб Ориф ота,— ўзингиздан ўтганини ўзингиз яхши биласиз-ку, илло, биз ҳам кў-риб турибмиз. Шу норасидалар деб ўзингизни ўтга ур-вотсиз, сувга солвотсиз, жонингизни жабборга бервот-сиз. Буд-шудингиздан айрилдингиз.

— Оға, мани ранжитманг, писанда қилган ё ношу-курчилик қилиб нолиган жойим йўқ, худога шукур.

— Шошманг, шошманг, ини деган оғасининг га-пидан ранжимайди. Кўнгилга оғир олманг. Бегона эмасман. Танаси бошқа дард билмас дейдилару, илло шохига урса, танаси зирқирашиям бор. Киндик қони-миз бир жойга тўкилган, илдизимиз ҳам битта. Бола-ларни ўзим олдим, ташвишини ўзим тортаман демоқ-чисиз, биламан. Илло, шу ишни юрт учун, эл учун қилвотганингизни ҳам фаҳмлайсизми? Чакана гап-мас-а, бу! Шундай экан, ҳаммаҳаллалар ҳамдам-лашамиз, деса, сиз ранжишингиз, хижолат торти-шингиз ноўрин. Активларни тўплаганимизда бўлма-дингиз-да.

— Аслида, ўзларини ҳам чақирсақ бўларкан,— де-ди Абдуҳафиз.

— Мана шу майдон устанинг иктиёрига берилди, деганимни биламан,— деди Ориф ота,— менга гапир-тиргани қўйишмади. Ўзлари илиб кетишди. Бири те-кислашни ўйласа, бири ахлат ташишга арава топишни

гапирди. Сув чиқаришнинг ҳам йўлини топишди. Анҳордан чиғириқ билан чиқарадиган қилдик... Эртага якшанбага қўйни тайёрлаб қўяверинг...

— Хўп оға, қўйдан қочирасизми? От сўйсам арзийди.

— Сўясиз, мулла Маҳкам, ниятингизга етасиз худо хоҳласа. Мана бу жужуқларни уйлантириб, куёв кўрган пайтларингизда, саломат бўлсак, шу кунларни эслаб, кулиб юрамиз ҳали.

— Айтганингиз келсин, оға.

— Келар ҳафтада монтерлар ишга тушадиган бўлди. Кўчага сим тортади. Ҳовлига ҳам тушириб беради,— деди Абдуҳафиз.

— Бу ёғиям бўпти,— деди қўлини тиззасига уриб Ориф ота,— ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ дегандек, бу ёғиям юришиб кетаркан. Ҳечаси гугурт тирмирскилаб юрмайсиз, мулла Маҳкам.

Ориф ота ўз шамасидан ўзи қотиб кулди. «Орам тушмагур-е...» дея Маҳкам ака ҳам кулиб юборди. Хотиним эшитмадими деган хаёл билан айвон томонга қараб қўйди.

Якшанба куни майдонни одам босиб кетди. Қари, ёш, болаларгача кетмон, белкурак, челак, замбил, болта, теша кўтариб келишди. Иккита аравада ахлат ташилди. Ориф ота чойхонадаги катта самоварнинг биттасини олдириб келди. Ўзи қайнатиб, дам-бадам чой дамлаб турди. Иқбол сатанг тўйларда мохора қилладиган катта қозонни ҳовли юзига ўрнатиб, увра оши пиширди. Маҳкам ака ҳайрон эди. Исмоилжонга бу ҳақда айтмовди. Қаёқдан билибди экан, ўн чоғлик ҳамкасбларини бошлаб, у ҳам келиб қолди. Ўзи бош бўлиб, чиғириқ ўрнатиш режасини тузди. Аравасозлик устахонасига чиғириқ буюриб қўйганини айтди. Маҳкам акани ҳеч ким ишга яқин йўлатмасди, қўлига кетмон ушласа, тортиб олишарди, белкуракка ёпишса, беришмасди. Тенгқурлари нуқул аския қилишарди. «Чой ташиб турсангиз ҳам бўлади», дерди бири, «Боринг, хамир ёяётганга ўхшайдилар, қарашиб юборинг», дерди иккинчиси. Майдонда иш эмас, бамисоли сайил бўлаётгандай кулги, ҳангама, қийқириқ тинмасди. Катта канал қурилишида ҳамкасблари билан устахона очиб, бир ойча ишлаган Маҳкам ака, худди

ўшандаги тўс-тўполонни кўз олдига келтирарди. Худди тушида бўлаётгандай кўринарди унга.

Кўндан қуён қутулмас дейилганидек, кўримсиз, ахлатхона бўлиб ётган; ҳовлига тўрт баробар келадиган майдон то анҳор лабигача бир неча соатда тозаланиб, текисланди, ер чопилиб, ариқ ҳам тортиб қўйилди. Кун тепага келганда тақир-туқурлар ҳам, шовқин-сурон ҳам тинди. Кўплар овқатга турмади. Маҳкам аканинг зўрлашига ҳам қарамай тарқалишди. Ҳаммалари ҳазил-мутойиба билан тўйни бўйнига қўйишарди.

— Бу билан қутуламан деманг, уста, ҳали тўй қилиб берасиз, дейишарди.

Иш иш билану, Меҳринисага бир нарса кор қиларди. Ҳашарга келганлар орасида ёнида ўғилчаси билан Тожихон ҳам бор эди. Паншаха билан хас-чўпларни тўпларди. Меҳриниса «анавини қаранг, опа», деб, Иқбол сатангга кўрсатган эди, «ўтиролмаган, номус қилган» деди у. «Феъли ўлгур бўлмаса, ўзи туппа-тузук хотин-а, ит феъли бор-да», деб қўйди ичида, бўлиб ўтган қаттиқ-қурум гапларни унутиб.

— Тожихон, қўйинг, бўлди, чарчадингиз, бирпас нафас ростланг,— деди очиқ чеҳра билан Меҳриниса.

Тожихон ҳам худди шуни кутиб турган экан, ёйилиб кетди:

— Рост, сиз айтмасангиз, бошқаларнинг эсига ҳам келмайди,— деди Иқбол сатангга тегизиб,— ма, Қудрат, паншахани опкириб қўя қол, керак бўлмас энди, қаранг, Меҳриниса, худо бераман деса, ҳеч гапмасда-а. Тайёр боғ бўлди, қўйди. Хоҳланг олмазор қилинг, хоҳланг тоқзор. Энди, битта сигир бўлса...

— Уям бўлади, қараб турунг,— деди қозондан бошини кўтармай Иқбол сатанг.

— Бўлсин, бўлсин, вой...

Супага солинган жой шундайлигича қолди. Ҳеч ким ўтирмади. Кун исиб, забтига олганидан одамлар дарахт таги, ариқ лаби, дуч келган жойга ўтириб, овқат ичишди. Чойдан кейин қўзғалишди...

Мана, шунга бир ҳафта бўлди. Бир ҳафтадан бери Маҳкам ака ишдан келиб, болалари, хотинини ёнига олиб, майдонга ҳар хил резавор эка бошлади, кўчат ўтқазди. Қидирганида тополмай, дала томонга чиқишга фурсати бўлмай, кўнглига тугиб юрган армони — Сарсонбой, Остап, Лесяларга атаб экмоччи бўл-

ган гилос кўчатларини ҳам шу майдонга ўтқазди. Чиғириқ битиб келса, сув чиқариш қолди, холос. Утган куни кечқурун Ориф ота келиб, майдоннинг кўча томонига, узунасига райҳон уруғи сепиб кетди. «Ўз қўлим билан сепаман деган ниятим бор эди, ҳар ҳидлаганингизда, ошга солганингизда бизни эслаб юрасиз», деди.

Иқбол сатанг гапирганда фаришта омин деган эканми, майдон тозаланган куннинг эртасига Меҳриниса ҳовлида кир ювиб ўтирса, эшикдан маъраб, олачипор сигир кириб келди. Бўғозлигидан лапанглар, бадани йилтиллаб турарди. Болалар чопишиб, сигирни кўчага ҳайдамоқчи бўлиб туришганда, орқасидан бир кекса киши кириб келди.

— Ҳой, ҳой, одам деган ўз сигириниям кўчага ҳайдайдими?— деди болаларга қараб.

— Бизникимас, амаки, адашиб кирди,— деди Абрам.

— Адашгани йўқ. Ақлли сигир. Билиб кириб келди,— деди сигирнинг юзини силаб.

Болалар кулишди.

— Ғалағи киши экан-ку,— деди ҳайрон бўлиб Витя.

Меҳриниса эрталабдан бери кўзи учиб турарди. Меҳмон келиб қолишини ўйлаб ўтирганди. Сигир кетидан кирган одамни кўриб, қўлининг кўпикларини артди, унга яқинлашди.

— Ассалому алайкум, ҳой, салом қани?— деди болаларга. Болалар бирин-кетин салом беришди.

— Баракалла, баракалла. Сўраб-сўраб Маккани топган экан. Буни қаранг, сўраб ҳам ўтирмай тўғри топиб келсам-а.

— Жуда яхши қилибсиз. Қани, бу ёққа.

— Барака топинг, келин, балли. Мана шу сигир болаларнинг насибаси экан. Бериб юборишди.

— Вой, бутун бошли сигирни-я...— Меҳриниса ҳайрон бўлиб, сигирга қаради. Сигир ҳам «ҳа, шундай» дегандек, кўзларини сузиб унга тикилди.

— Шукур қилинг. Болаларингиз ҳамма вақт ризқли бўлишсин. Илло, ўзинглар ҳам катта савоб иш қилгансизлар, у дунёю бу дунё кам бўлмайсизлар.

— Бу ёққа ўтиринг, амаки,— Меҳриниса шошиб

бориб супага кўрпача ёзди,— Сарсонбой ўғлим, дастурхонни олиб чиқ.

Чол супанинг чеккасига омонат ўтириб, фотиҳа ўқиди.

— Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Майли, насибадан қайтмай, бир пиёла чой ичай.

— Совиб қопти,— деди Меҳриниса пиёлага чой қуйиб,— ҳозир олов ташлайман.

— Ҳожати йўқ, келин, майли совиган бўлсаям. Э, аттанг. Устани кўриб, зиёрат қилиб кетаман деб атайи ўзим келувдим-а. Ҳа, майли, мана, сизни — бир мағизнинг ярим палласини кўрдим. Аслида билсангиз келин, замонанинг табаррук одамларисизлар, ҳмм...

— Нима қипмиз, ота, бир биз эмас. Мана шулар бўйнини қисиб юрмасин дедик-да.

— Ҳа, ўлманг, баракалла. Ана шу ниятингиз яхши. Ҳай, бир, келарман, хайр...

— Келинг, албатта, келинг.

— Яхшиликларингга келай, тўйларингга келай. Хайр, болаларим. Яхшилаб боқиб турсанг, эрта-индин чиройли бузоқча туғиб беради. Оғиз ейсан,— деди чол Сарсонбойнинг бошини силаб.

Меҳриниса жетидан болалар чулдирашиб, чолни кузатгани чиқишди. Меҳриниса «Тушумми-ўнгимми? Хизрга йўлиқдимми?» деганича сигирга бир қараб қўйди-да, жомашов ёнига бориб, бўшашиб ўтирди. Сигирни ўраб олиб, шовқин солаётган болалар ҳам, сигир ҳам кўзига кўринмасди. Эшикка тикилганича қолди. Эс-ҳушини йўқотиб қўйгандай эди.

Анчадан кейин ўзига келди. «Сигирни ким, қайси идора бериб юборди?» — ўзига ўзи савол берарди, жавоб тополмасди. Ўзидан куларди. Чолга бир пиёла чой қуйиб берди, яхши ниятлари, ширин гапларини эшитди, кап-катта одам кўнглини кўтариш учун «табаррук одамларсиз» деди, кейин кузатиб қўйди. Бўлган гап шу, «Лақма бўлмасам, кимсиз, қаердансиз деб сўрамайманми?» Уйлаб-уйлаб Охунбобоев ота юборганга йўйди. Кечқурун эри ишдан келганида айтувди, у ҳам шундай бўлса керак, деб тахмин қилди.

Мана, Меҳриниса «Хизрга» йўлиққан душанба куни осмондан тушган сигир дарахт тагида пишиллаб

кавш қайтариб ётибди. Ўзиям бирам келишган, оқ-қора аралаш, бадани чиройли, ҳомиласиям ярашиб турибди. Ҳавас қилса қилғудай. Болаларнинг қувончи ичига сигмайди. Улар ҳозир сут-қатиғидан ҳам ўйинчоқ, эрмак топилганига хурсанд. Хурсандликлариям бор бўлсин, ҳозирнинг ўзидаёқ ем-хашак ташвиши эрхотинни нари олиб бориб, бери олиб келяпти. Буни билишармиди болалар. Пўчоқ ерга тушгунча ҳали анча қийнаса керак.

Меҳриниса шуларни хаёлидан ўтказиб, терт қорар экан, эшикдан худди ўз ҳовлисига кириб келаётгандек сўрашмай-нетмай ёшгина бола кирди.

— Хола, нарвонингиз қаерда?— деди ҳовли ўртасида туриб.

— Келинг, болам. Ҳув анави ошхонанинг орқасида,— деди қўли билан кўрсатиб.

Бола нарвонни кўтариб, эшик томон юрди. Меҳриниса қараб туриб, болани таниёлмади. Кимсан деб сўрашга ботинмади. «Бу яқин орада бунақа бола йўқ эди, шекилли-а. Кимнинг ўғли бўлдийкин?» Бола аллақачон кўчага чиқиб кетганди. Ўсма қўйишаётган қизлар ёнидан Абрамни чақирди.

— Қара-чи, ким экан у?— деди унга.

Абрам чопиб кўчага чиқди ва ҳовлиқиб қайтиб кирди.

— Ойи-чи, ойи. Монтёрлар экан. Электр сими тортишвоти.

— Монтёрлар?— Меҳриниса шундай деб, ўғлига қаради-да, ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Нега куласиз, ойи. Рост. Мана, чиқиб кўринг ишонмасангиз.

— Хўп, хўп, вой қизлари тушмагурлар-ей. Ҳой, Абрам, ким қўйди ўсмани?

— Ўсма? Ҳа, Галя-да. Нима, яхши бўптими?

— Вой, яхши бўлмай қолсин. Ҳой, ўғил бола қўйса уят бўлади-я. Ювиб ташла, хўпми?

— Хўп. Юринг, ойи.

— Қаёққа тортвотти?

— Шу томонга.

Меҳриниса кўчага чиқиб, симёғоч ўрнатаётган монтёрларни кўрди. Бояги бола ҳам шу ерда эди.

— Ойи, бизгаям қилиб беришади-а?

— Қайдам. Бориб, сўраб кўр-чи.

Кўчанинг бошидан тўполон қилишиб келаётган Остап, Витя, Сарсонбой кўринди.

— Вой, дарров-а?— ҳайрон бўлиб, ўзига ўзи гапирди Меҳриниса,— ҳой, Сарсонбой, нечук вақтли келдинглар?

— Дарс бўлмади, ойи.

— Нега.

— Мактабимиз ёпилармиш.

— Ёпилармиш? Ким айтди?

— Уқутувчимиз.

— Ойи, бизагаям қилишаркан,— деди чопиб келиб Абрам.

— Вой, электрни-я? Яшасин, яшасин!

— Ҳой, шошма, билиб гапирвотсанми ўзинг?

— Ҳа. Ўзлари айтдилар, госпиталь бўлармиш.

— Энди ўқимаймиз, ойи,— деди олдига келиб Витя ҳам,— маза, ўқиш йўқ. Вой, Абрам, вой, қиз бола-а, қиз бола-а, қиз бола.

Абрам чопиб уйга кириб кетди. Ҳовлиқиб чиқиб, ҳовузчадан қошини юва бошлади.

Меҳриниса ҳайрон бўлиб, ҳовлига кирди. Қозонда милтиллаб қайнаётган лавлагидан бир япроғини олиб, тишлаб кўрди-да, ўчоқнинг оловини тортди... «Госпиталь. Мактаб буткул ёпилармикин-а? Билиб айтишди-ми ўзи?»

Хонтахта устида нон кесиб, болаларнинг тегишини алоҳида-алоҳида қилиб тайёрларкан, кўчада аллакимларга гапирётган Абдуҳафизнинг овози эшитилди. Сал ўтмай ҳовлига кириб келди.

— Ассалому алайкум, Меҳриниса опа.

— Ваалайкум ассалом, келинг, Абдуҳафиз. Қани, бу ёққа.

— Электр ҳам, мана, келиб қолди,— деди ҳовли юзида туриб Абдуҳафиз.

— Барака топинглар. Умрингиз нурдай ёруғ бўлсин, айланай. Қани, бу ёққа.

— Йўқ, шошиб турибман. Мени ҳам ишхонадан чақиртириб келишди. Жадаллик билан мактабни бўшатяпмиз.

— Шунақа дейишди болалар. Нимага?

— Госпиталь бўлади. Шунга одамларни хабар қилиб юрибман. Бир қарашиб юборасизлар-да, опа.

— Жоним билан, хўп. Ҳозирми?

— Ҳа, мана, одам тўплаб юрибман. Бу ёқда тагин йигирма битта ойлани жойлаштиришимиз керак бўлиб қолди. Иккови бир вақтга тўғри келди.

— Ҳозир чиқаман, Абдуҳафиз, ҳозир.

Маҳалланинг бир кўчасини Абдуҳафиз, бир кўчани Ориф ота, наригисини Иқбол сатанг айланиб чиқишувди, сал ўтмай гузардаги мактаб ҳовлисини одам тутиб кетди. Эрталаб, биринчи дарсга қўнғироқ чалинганда мактабни бўшатиб, госпиталга айлантириш, шу бугуноқ касалларни жойлаштириш ҳақида хабар келувди. Тушга қолмай, ўқувчиларнинг тили билан айтганда, «катта танаффусга» қолмай, хоналар шипшийдан бўлди. Парта, стол, стуллар, шкафлар ҳовлини босиб кетди. Бир ёқдан медицина ходимлари хоналарни тезалаб, дезинфекция қила бошлади, бир ёқдан госпиталь асбоблари, кўрна, тўшак, каравотларни қўйишга киришилди.

Бу ҳам бир кечанинг ўзида йигирма еттита оилани хонадонларга жойлаш, эрталабдан тушгача ташландиқ майдонни экинзорга айлантириш, икки кунда олам-жаҳон иссиқ кийимлар тўплашдек зудлик билан бўлди. Абдуҳафиз бундай пайтларда кўпроқ заводни чиқаришдаги жадалликни кўз олдига келтирарди. Аммо уни бирон бошқа ишга ўхшатолмасди.

Ориф ота ҳовлининг ўртасида кетма-кет келиб турган араваларга мактаб ашёларини ортиб, нариги маҳалладаги мактабга жўнатишга бошчилик қиларди. Ора-сира Абдуҳафиз араваканларни тезлатарди:

— Эртагаёқ болалар ўқишини бошлаши керак-а? Эшитдингларми?

Иқбол сатанг бошчилик қилиб юрган аёллар юқори қаватнинг дераза, полларини ювиб бўлиб, пастки қаватга тушинганди. Меҳриниса, Тожиҳон, Зоҳидалар билан бирга инқиллаб-синқиллаб Қандолатбиби ҳам пол юварди. Унинг уйига яқинда кўчиб кирган нимчиликқина, оппоқ юзли Светлана исмли жувон, ёнига бориб уввалоки гапирарди, Қандолатбиби «ойи» деганидан бошқа сўзга тушунмасди. Бир эгилиб, икки инқиллаб, латтани сиқарди. Унга ачинган Светлана охири қўлидан латтани тортиб олди. Етаклаб бориб, девор тагидаги стулга ўтқазиб қўйди.

— Ҳой, Меҳриниса, басиринг чиқмагур Салтанат-ойга бир оғиз ўрусчалаб юборинг. Қимирламасам

шол бўлиб қоламан. Уйдаям нуқул шунақа қилади. Жоманов ёнига ўтирдимми, жиғибийрон бўлиб чуғурлаб келади-да, «ойи»лаб икки қўлтиғимдан кўтариб олиб, супага ўтқазиб қўяди. Дам куламан, дам хўрлигим келади. Нима, ман яримта бўп қопманми. Худога шукур, тўрт мучам бут. Еб-ичишдан қолганим йўқ. Балонинг ўқидайман. Шу ергаям чақиргиси йўқ эди. Азза-базза қулфни олиб келиб, эшикнинг устидан қулфлаб, мани қамаб, ўзи чиқиб кетмоқчийди. Қўлидан қулфни шартта тортиб олдим...

Меҳриниса Қандолатбибининг гапларини сўзма-сўз Светланага таржима қиларкан, у қотиб-қотиб куларди, ишлаётган аёллар ҳам унга қўшилишиб кулишарди.

— Шунақа қилаверсангиз, ҳовлигамас, уйга қамаб қўяман,— деди Светлана қовоғини солиб.

— Вой, Салтанатой, қизим, нима гуноҳ қилдим.— Қандолатбиби ўзи ушоққина эмасми, гўдакларга ўжшаб, лабларини чўччайтириб, ялиниб гапиришини Светлана жуда яхши кўрарди, ҳозир ҳам энгашиб, қўли пол юварди-ю, икки кўзи унда эди.

Қандолатбиби Светланага ўрганибгина эмас, суяниб қолганди. Уша лаш-лушларини кўтариб, эшикдан кириб келганида, алланималар деб чуғурлаб, Қандолатбибини эски қадрдонлардек қучоқлаб кўришганидаёқ меҳри тушиб қолганди. Бир-бирларининг тилига тушунмасди. У ўзича гапирарди, бу ўзича, кейин айтмоқчи бўлганларини кўрсатишарди, икковлари ўртасида гапдан кўра кулги кўпроқ бўларди. Бу унча узоққа боргани йўқ. Сал кунда бир-бирларига тушунадиган бўлиб қолишди. Ҳозир ҳам Қандолатбибидан сўрасангиз: «Вой, балодай тушунаману, жавсб қайтаришга тилим келмайди...» дейди.

Светлана қирқлардан ошган, шу ёшда ҳам сочларига оқ оралаган, рангпар, ориқдан келган, кўзлари кўк, очиққина жувон эди. Ҳамиша кулиб турарди. Аслида бу кулги остида бир инсон кўтаришга оғирлик қиладиган, тоғдек бардошталаб ғам-ғусса ётарди. Эри ҳам, ўғли ҳам фронтда ҳалок бўлган, онаси кўз олдида бомба парчасидан ўлган, бир ярим яшар қизчаси йўлда поездда келаётганида касал бўлиб, ўз қўлида, мана шу латтани ушлаб, пол юваётган нозик билакларига бош қўйиб, жон берган эди. Светлана жигарбан-

дининг совиб қолган жасадини бағрига босиб, юм-юм йиғлаганича тун ярмида Оқбулоқ станциясида поезддан тушди. Эрталабгача шу ерда ўтирди. Тонг ёриши билан станция ходимларидан икки аёл унга ҳамроҳ, ҳамдарад бўлишди. Биргалашиб қабристонга боришди. Болани дафн этишгандан кейин аёллардан бири уни ўз уйига бошлаб кетди. Бир кеча шу ерда қолиб, эртасига станцияга чиқди. Вагонлар ёнига яқинлашганини билади. Кўзини очиб қараса, касалхонада ётибди. Нима бўлди, ким бу ерга олиб келди, билолмасди. Уч кечаю уч кундуз ўзига келмаганини айтишди, холос. Ана шундан кейин Тошкентга қараб йўл олди. Бу ерда ҳам олти кунни вокзалда ўтказиб, еттинчи куни деганда заводнинг ётоқхонасидан паноҳ топди.

Светлана Қандолатбибининг уйига келганининг учинчи ё тўртинчи куни буларнинг ҳаммасини айтиб берганди. Қандолатбибининг юрак-бағри эзилиб кетди. Ўз бошига тушган мусибат бу аёлнинг кўрган-кечирганлари олдида ҳеч гап бўлмай қолди.

— Ўлмапсану, гўр оғзидан қайтибсан, болам. Манам ношукурчилик қиларманми. Ке, кўй, ўйлама энди буларни. Ўзинг адо бўлибсан, ўйлайверсанг ақлдан озаркансан киши. Меровга ўхшаб қолганман...

Гапининг охирида Қандолатбиби ётиғи билан сўради:

— Хафа бўлмасанг, сани Салтанат деб атасам. Қизим тирилиб келгандай, олдимда юргандай бўларди...

Светлана жавоб ўрнига, ўзини унинг бағрига ташлади. Худди эркаланиб онасининг кўксига бошини қўйгандай, бирпас шундай ором олди-да, кейин шашқатор йиғлаб юборди. Қандолатбиби дока рўмолининг учи билан унинг кўз ёшларини артди.

— Ойи!— деди Светлана бошини кўтариб ўзбек тилида равон. Юмшоқ ва шу билан бирга шикастали эшитилган бу сўз Қандолатбибининг қулоғига Салтанатнинг, худди ўшанинг овози бўлиб кирди.

Светлана оғир, аччиқ қисматда қисилиб, тақдир етаклаб мана шу бегона юртда, бегона шаҳар, бегона одамлар орасида, бегона хонадон, бегона аёл бағрида, юрак дукиллаши қулоғига эшитилиб турган меҳрибон инсон кўксига бош қўйиб, умрида биринчи марта бегона тилда қалбидан чиқариб шу сўзни айтди-ю, этла-

ри жимирлаб, ўзининг ҳам меҳри товланиб кетди. У бу сўзни ҳеч кимдан, йўлда ҳам, вокзалда ҳам, кўчада ҳам, ишхонада ҳам бирон кишидан ва ё болалардан сўраб-суриштириб, ўрганиб олган эмасди. Ҳали ақли ҳушини йиғиб олиб бундай нарсаларга разм солиш эсига келмасди, юрагига сиғмасди. Ўзбеклар гапиришса, оғизларига қараб кўзлари жавдирарди-ю, ўзича баъзи сўзларнинг маъносини чақарди, тахмин қиларди. Болаларнинг тилига кўпроқ қулоқ бериб, юзларидаги кулги, кўзларидаги тиниқ, беғубор гавҳарга тикиларди, тўймасди. «Ойи» деган сўзни неча марта, кимлар оғзидан, қаерда, қай ҳолатда эшитгани, миясига жо бўлиб қолгани, унинг маъноси ўша ўзи ўйлаган азиз маънони англатишига имони комил бўлганини эслолмасди. Ҳозир юрагидан отилиб чиққан бегона тилдаги биринчи сўз ўша сўз экан. Меҳрибон кишининг қуруқ суяк бўлиб қолган бармоқлари юмшоқ дока рўмол билан намиққан мижжалари, юзларига оққан ёшларини артганида, билдики, ўша дилидагисини айтибди. Шу дақиқадан бошлаб бу сўз ҳаётининг кулфат, ғам-ғусса билан тўлган фаслида, «бегона», «бегона», «бегона» деган сўзларни дилидан юлқиб, улоқтириб ташлади. «Ойи!»—«Бегона» деган бу икки сўз «Ҳаёт»—«Мамот»дай бири бирига зид бўлиб қолди. Шундай эмасми, азиз китобхон! «Она» деган жойда «Бегона» деган сўзнинг ранги ўчиб, қони қочади-ку?..

Шу-шу Қандолатбиби Светланага шундай суяниб қолдики, усиз овқат ҳам ўтмайди, еса татимайди. Бирпас кўзидан узоқлашса, ҳўв ўша, Салтанатидан хавотир бўлгани каби, эшикка бориб, остонада ҳақ деб ўтириб олади. Светлана баъзан тунги сменада қолиб ишлайди. Бундай пайтларда Қандолатбиби ўрни устида ўтириб чиқади. Светлана ҳам буни яхши билади. Ишида ҳам, бирон юмуш билан кўчага чиққанда ҳам ҳаялламасликка ҳаракат қилади. Уй юмушларини ойисига қилдирмай қўйган. Тиниб-тинчимайдиган, қимирламаса юраги тарс ёрилиб кетадиган Қандолатбиби бундан ҳамиша нолигани нолиган. Охири бўлмагандан кейин ҳозиргига ўхшаб ёш боладай ялингани туради. Унга сари Светлананинг кулгиси қистаб завқланади.

Аёллар пол ювишни тамомлаб, ташқарига чиқишди. Иқбол сатанг ёшроқ жувонлардан беш-тўрт киши-

ни бино олдини тозалашга қўйди-да, бошқаларга рухсат берди. Қўлларини юшиб келган Светлана, ҳовлидаги парталардан бирида ўтирган ойиси ёнига борди.

— Ойи, работу кончили, домой кетдик.

— Кетдик, кетдик, қизим. Ҳой, супургини олмадинг-ку.

— Возьму, ойи,— Светлана супургини олиб, Қандолатббининг қўлтиғидан қўлини ўтказди, уйларига кетишди. Улар кўчанинг нариги бетига ўтишган ҳам эдики, сигнаolini чалиб, болалар билан тўла кўчанинг ўртасидан келаётган иккита санитар машинаси кўринди. Светлана ярадорлар келтирилаётганини фаҳмлаб, кампир кўрмай қўя қолгани маъқул, деб ўйлади ва ўша томонга аграйиб, тўхтаб қолган ойисини шоширди.

— Ойи, на работу опоздаю,— дея билагидаги соатини кўрсатувди, Қандолатбиби тушуиди.

— Хўп, қизим, хорош, хорош, ишингга кечикма, ҳа...— дея жойидан қўзғалди.

Санитар машиналари мактаб эшиги ёнига келиб тўхтади. Ичкаридан медицина ходимлари, ҳамширалар чиқиб келишди. Ярадорларни носилкаларда юқори қаватга олиб чиқа бошлашди. Ташқарида шовқинсурон, тақир-туқурлар ҳовлида ўйнаб юрган болаларнинг қий-чувлари ўз-ўзидан тиниб, оғир, мотамсаро сукунат чўкди. Ҳамманинг кўзи машиналардан туширилаётган, бири инграган, бири бақириб юборган, бошқаси аъзойи бадани бинтлаб ташланганича мурдадай қимирламай ётган оғир ярадорларда, аграйиб қолишди.

Машиналардан бири аста тисарилиб, бино эшигига тақалиб тўхтади. Кабина эшиги очилиб, ундан оқ халат кийган, йўрғакланган чақалоқни бағрига босган кекса ҳамшира пастга тушди. Кейин шофёр ёнида ўтирган, ўн ёшлар чамасидаги қизга қўлини узатган эди, шу ерда турган бир аёл уни қўлтиғидан кўтариб тушириб қўйди. Ҳамшира қўлидаги чақалоқни қизчага бериб, тайинлади:

— Бир чеккада тура тур, хўпми? Қайтиб чиқаман,— деганича ичкарига кириб кетди.

Қизча қўлида чақалоқ билан машинанинг орқа томонига ўтди. Эркак киши ётган носилкани тўрт киши-

лашиб олиб кириб кетишди. Ундан кейинги носилкада бошлари бинт билан ўраб ташланган аёл бор эди. Қизча бўйнини чўзиб, ундан кўзини узмай, яқинроқ бориб, тикилиб турди. Кейин носилка орқасидан ичкарига кирмоқчи бўлудди, йўлатишмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, девор тагига бориб ўтирди. Одамлар орасида ўралашиб юрган ва бола кўтарган қиздан кўзларини узмаган Сарсонбой билан Остап бир-бирларига қараб олишди. Кейин секин қизнинг ёнига боришди. Овоз чиқармай юм-юм йиғлаётган қизга бир нима дейишолмай, ҳайрон бўлиб қолишди. Бир оздан кейин Остап унга энгашиб:

— Ойингмиди?— деб сўради.

Қиз кўз ёшларини арта туриб, бош қимирлатди. Шу пайт чақалоқ йиғлаб юборди. Қиз унинг юзини очиб, қўлида аллалай бошлади, ўрнидан турди, юриб кўрди, овутолмади. Йиғиси зўрая бошлади. Остап жуда ачиниб кетди.

— Қорни очгандир?

Қиз бош ирғади, ўпкаси тўлиб гапиролмади. Чақалоқнинг йиғиси янги келган машинадан туширилаётган бир ярадорнинг чинқириб юборган овозига қўшилиб кетди. Юкларни ортиш, жўнатиш билан банд бўлганларнинг шовқини боягидек бутун ҳовлини қоплаган, ора-сира Ориф ота, Абдуҳафизларнинг «Тезроқ!», «Ҳа, бўлинглар!» деб, бақириб-чақириб юрганлари эшитиларди. Ярадорларни келтираётган машиналарнинг кети узилмасди.

Ичкаридан бояги ҳамшира чиқиб, аланглаб қизчани қидира бошлади. Кўзи тушиб, ёнига борди. Қўлидан чақалоқни олиб, овутмоқчи бўлди. Эплолмади. Шу пайт, челақ, супурги кўтариб Меҳриниса чиқди.

— Ойи,— деди ёнига югуриб борган Остап,— биз ташиб бўлдик.

— Жуда яхши. Бора қолинглар. Манам ҳозир кетларингдан етиб бораман. Ма, мана буларни ола кет,— челақ билан супургини Остапга берди.— Ҳой, Тожихон, юрмайсизми?

Меҳриниса шундай деб, йиғлаётган чақалоқча кўзи тушди, яқинроқ борди. Сўрашга ботинолмади. «Эмиза қолса бўлмайдимиз-а», дея кўнглидан ўтказди. Ҳамширага тикилди.

— Хархашаси зўрроқ. Иссиқдан бўлса керак,— деди Меҳриниса.

Ҳамшира болани қўлида аллалаганича нима деярини билмади. Қизчага эшиттирмасликка урниб, Меҳринисани нарироққа имлади. Шивирлаб гапирди.

— Ҳалиги ярадор аёлнинг қизи. Ана каттаси. Нима қилишга ҳайронман, каттасини болалар уйига, буни мурғаклар уйига бермоқчи бўлувдим. Ажралмайман, ойимнинг ёнидан кетмайман, дейди,— деди ҳамшира хуноби ошиб.

Меҳриниса ўйланиб қолди. Бир чақалоққа, бир қизга қаради.

— Манга қаранг,— деди у ҳамширага,— бизаникида тура қолса нима қилади. Онаси соғайиб кетса олар. Шу маҳаллада, яқинда тураман.

— Вой, барака топкур, яхши бўларди-я,— деди ҳамшира мамнун бўлиб,— вақт-бевақт қизининг чиқиб туришига ҳам яхши.

— Ўзимам хабар олиб тураман. Нимасини айтасиз. Одам одамга ғанимат-а.

Ҳамшира ёнига ўгирилиб, қизни чақирди, елкасига қоқиб, унга тушунтирди,

— Айтганингдай бўлади, қизим, ўзингга ҳам яхши. Тез-тез чиқиб турасан. Бора қол, хўпми?

Қиз Меҳринисага бир қараб олиб, жавоб кутиб турган ҳамширага «майли» дегандай бошини ирғади. Меҳриниса ҳамширанинг қўлидан чақалоқни олиб, бағрига босди. Қизга юзланди.

— Отинг нима қизим?

— Ляна!

— Отинг ўзингга ўхшаган чиройли экан-а. Юра қол.— Меҳриниса қўшнилари кутишни ҳам унутиб, ҳамшира билан хайрлашди. Ёнида Ляна билан мактаб ҳовлисидан чиқди. Бу ердаги говур-гувурда унча билинмаётган чақалоқ йиғиси муюлишдан ўтиб, орқа кўчага бурилганда ҳамма ёқни бузиб юборди. Меҳриниса сира овутолмасди. Ёнига қараб-қараб, уйга шошиларди, тез-тез одим ташларди.

Эшикдан кириб келаркан, Остап билан Сарсонбой қизни кўриб, чошиб ёнига боришди.

— Келдингми?— деди Остап қувониб.

Ляна бошини қимирлатиб, болаларга қаради, ҳовлини кўздан кечирди. Онасининг баридан қучоқлаб

олган Леся зўр бериб, «чақалоқни кўрсатинг» деб хар-хаша қиларди. Галя бўйинини чўзиб, уни кўрмоқчи бўларди. Дарахтдаги арғамчида ўтирган Витя қовоғини солганича:

— Уҳ. Тагин опкелишди, — деди ўзича тўнғиллаб.

Уй-рўзғор ташвиши, ой-куни яқин қолган сигир, болаларнинг ғалваси ҳам бир бўлди-ю, чақалоқники ҳам. Оёқ-қўлини боғлади қўйди. Меҳриниса чақалоқнинг тағларини тозалаб, йўрғагини янгилади. Қанд чойни илтиб, ичириб кўрди. Бўлмади. Йиғлаб-йиғлаб ҳолдан тоярди-да, чарчаб бирпас кўзи юмиларди, сал ўтмай яна йиғларди. Йиғи овозига Тожихон бир неча марта деворга чиқиб қаради. Меҳриниса кўриб, кўрмаганликка олди. Чақалоқни бағрига босиб, ҳовлини гир айланиб юрганида Иқбол сатанг ҳовлиқиб кириб келди. Гапирмоқчи бўлгани оғзида қолиб, Меҳринисанинг ёнига борди, чақалоқни кўриб, ачинди.

— Шошманг, келинпошша, — деди у бир нарса эси-га тушиб, — сут керак, сут, — деганича чиқиб кетди. Хийладан кейин, кўк пиёлада сут кўтариб келди. Ўзи ошхонага кириб, пишириб чиқди. Икки кишилашиб, чақалоққа ичириб кўришди. Бу ҳам бўлмади. Лаблари сут билан намланди-ю, ярим чой қошиқ ҳам ичириб бўлмади.

Иқбол сатанг бу ҳовлига нима иш билан кирганини ҳам унутиб, чақалоққа овора бўлиб қолди.

— Ҳой, Меҳриниса, анув Зоҳиданинг келини туққан. Эшитганмидингиз?

— Ҳа, эшитувдим.

— Оборсангиз, эмизиб бермасмикин?

— Чилласи чиқмасдан-а? Қанақа бўларкин?

— Улибдими энди, шундай пайтдаям чилла-пилла деб ўтирса. Бу ҳолатда сизам тинмайсиз, чақалоққаям жабр бўлади. Узимоқ олиб борардим. Бу ёқда манга қараб қолишади. Тагин ўн олтита оила келадиган. Жойлаш керак. Шунга кирувдим ўзи, хаёлим чақалоққа оғиб кетибди. Ҳозир эсимга тушди. Аксига олиб, Абдуҳафиз ишига кетиб қолди. Оқсоқолнинг бир ўзлари, қарашмасам бўлмайди. Ҳалиям қаёққа ғойиб бўлди деб, гўримга ғишт қалаб ўтиргандир... — дея кулди Иқбол сатанг, — шундай қилинг, тасаддуқ, олиб боринг, йўқ демас. — Иқбол сатанг шошиб чиқиб кетди.

Маслаҳат Меҳринисага маъқул тушди. Чақалоқни Лянага тутқазиб, наридан-бери кийинди.

Қуёш уфққа ёнбошлаб, ётоғига отланаётган пайтда кўчага чиққан Меҳриниса чақалоқни бағрига босганича чиллали уйга қош қораймасдан етиб боришга шошиларди. Оёқлари юришга шошилса, ваҳима ақлини шоширарди. Зоҳидани у яхши биларди. Ўлгудек иримчи хотин. Ўғли Обиджонни армияга жўнатаётганида Меҳриниса кўнгил сўрагани, кузатгани борди. Ушанда ҳам Иқбол сатангнинг зўри билан борганди. «Опа, ман азадорман, кўнглига олиб ўтирмасин», деса ҳам Иқбол сатанг қўймади, ноилож борувди. Кейинчалик Зоҳида шуни ҳам гап қилиб, «Нега энди азадор хотин қутлуғ кунимга келади», деб анчагача ранжиб юрди. «Бунга нима деркин энди? Ҳе, яқинига йўлатмайди ҳали. Кўриши билан титроқ босиб, мўйлари тик бўлиб кетар. Ҳеч бўлмаганда, важ тополмай қолганда ҳам ўғлини ўртага солади. «Ўғлимнинг ризолигисиз қандай эмизоларди, айланай», дейди-да, бурилиб тураверади. Унда нима қиламан?— шошиб бораётган Меҳриниса беихтиёр одимини секинлатди,— бориб, изза бўлганимдан, бормай қўя қолганим маъқул...— орқасига қайтди, ўн қадамча ҳам юргани йўқ эдики, чақалоқ бир нарса чаққандек чинқириб йиғлаб юборди, ёни-верига олазарақ қараб олди-да, яна йўлида давом этди. Чақалоқ овунмади,— ишқилиб шу мурғакнинг ғамини егин-да, айланай худо. Зоҳиданинг кўнглига ўзинг раҳм солгину, «ҳа» деганини билмай қолсин-да. Зора, худодан қўрқиб бандадан уялар. Ажабмас инсофга келса-ю, мушкулимни осон қилса. Ўлибдимми, одам-ку, ахир. Аслида, Иқбол сатанг билан бирга келганимда-ку... Далда бўларди. Жуда тихирлик қилаверадиган бўлса, йўқ ердаги гапларни саржиндай тахлаб, лўли бўлиб кетарди. Аврамай қўймасди. Аксига юриб уям ўзини арзанда қилди... «Оқсоқолга қарашмасам бўлмайди...» Вой, оқсоқол жонингни олгур-эй. Шу топдаям стани ўйлайди. Одамларни жойлаш баҳона-ю, дийдор ғаниматга ўхшамасин тагин. Наҳотки? Кўпда юрган, кўпни кўрган хотин... Ориф стаям ахир бутун маҳаллага бош, баобрў одам. Ўйлашар-эй, ўлибдимми?...»

Юрагига гулгула тушган Меҳриниса «йўқ деса нима қиламан» деган ваҳима билан Зоҳиданинг ҳовлиси-

га кириб келди. Ҳеч кимни кўрмай, тўғри деразаси очиқ уй томонга юрди.

Салима кўзи ёриб, бирам очилиб кетган эдики, Меҳриниса уни қизлигида ҳам, келинлигида ҳам бунчалик суҳсур, чўғдай ёниб, офтобдай чарақлаб турган ҳолда кўрмагани. Бўлмаса яқиндагина бўшанган, ҳали чилласи чиқмаган, бунинг устига тўнғичи... Сира-сира кўзи ёриган жувонга ўхшамасди. Қўлидаги чақалоқни айтмайсизми? Оппоққина, лўмбиллаган, бўлаликкина. «Ёқибди» деб қўйди Меҳриниса ичида. Сал тўлишибди. Қош, киприқлари тағинам қоп-қора бўлиб кетибди. Юзлари, кўзлари, билаклари, чақалоқ пишиллаб эмаётган кўкраги пардозсиз, ясаниқсиз, мана шу кўкрак бурма чит қўйлак, жияксиз товор лозимда ҳам оқи оққа, қизили қизилга ажралиб турибди. Меҳриниса остонадан қадам қўймаёқ беихтиёр «ёмон кўздан асрасин» деб юборди.

Келинлигида ясатилган уй шундоқлигича турарди. Иккала тахмонга гулкўрпа илинган, дорда кийим-кечаклар, ўнг деворда катта ой палак, гир айлантириб тортилган дорпеч, тоқчаларда рух самовардан тортиб, гардин баркашгача, гулдор патнисдан тортиб, даста-даста коса, пиёла, катта-кичик ликопчалар, лаганлар, қозиқларда хилма-хил гулли, шокилалари залдеворгача, ергача тегиб турган қозиқ лунгилар осирлиқ. Икки тахмон ўртасидаги киртокча олдига қўйилган бўй баробар тошойнанинг тахта тоқчасида атир, упа-элик, пардоз буюмлари, чиройли қутичаларда турли тақинчоқлар...

Бамисоли никоҳ тўйи кеча бўлиб ўтгану, янгалар эрталабдан бери уйга мол ёйиб, келинчакни холи қолдириб, яқиндагина жўнашган. Куёв бола ёр-жўралари билан ҳаммомга кетган. Ундан бозорга ўтади, ҳаётида биринчи марта жуфти ҳалолига деб, ўз қўли билан ўзи харид қилади. Турмушимиз олтиндай ярқираб турсин деб, тилла узук, ёқут кўзли зирак олар, нозик қўллари бир умр бўйнимга билагузук бўлсин деган ниҳоят билан қўйма билагузук харид қилар, дастурхонимиз ҳамиша ноз-неъмат билан тўла бўлсин, ширин бўлсин дея қийиқчани учма-уч боғлайдиган қилиб анвойи хил ширмойи, пашмак ҳолва, хандон писта, новвоту парварда, рустаю мағиз, ҳолва сингари қандқурслар кўтариб келар... Келади, ҳали замон қўйни-

қўнжи тўлиб, севгилисига атаганларини яшириб, қуёшдай яшнаб куёв кириб келади. Ана шуни кутиб ўтирибди келинчак...

Шунча ташвиш, ғалва бошидан ошиб ётган Меҳринисага ҳозир бу уй худди шундай, Салима келинчакдек бўлиб кўриниб кетди.

— Эсон-омон қутулдингизми, айналай Салимаой, муборак бўлсин энди. Уй билан бўлиб, моро бўлсинга ҳам келолмадим-а.

— Ҳеч гинам йўқ, опажон. Бориш биздан лозим эди. Мен ҳам ишдан бўшаб, ҳеч қўлим тегмади. Ўзингизга муборак бўлсин, Меҳриниса опа!

— Қуллуқ, айланай. Ўзингдан кўпайгин деган гап бўларди. Манам шу худо берганлар билан кўпайишиб ётибман.

Салима боласини бешикка белаб, тахмондан адрас кўрпача олиб ёзди. Ёзаркан, кўз қири билан Меҳринисанинг қўлида ухлаб қолган чақалоққа қарарди.

— Нима қиласиз овора бўлиб, мана, ўтирибман-ку, бинойидек.

— Вой, одамдан азиз бўлибдим, озиб-ёзиб бир келибсиз.— Салима шундай деб, даҳлизга чиқди хонтахтани кўтариб кирди. Меҳринисанинг: «Қўйинг, овора бўлманг» деб, жаврашига қарамай дастурхон ёзди, ясатиғлиқ патнисни қўйди, ҳовлига чиқиб, самоварга уннамоқчи бўлувди. Меҳриниса ялиниб, қўйдирмади.

— Бўйларингдан ўргилай, алоҳида келаман. Шомга қолмай деб шошилдим.

Салима кўнгли тўлмайд, пойгакка, бешиги ёнига ўтирди. Меҳриниса воқеани тушунтириб берди.

— Сут ҳам бериб кўрдим, шакар чой ҳам. Сўрғичда берсамам бўлмади.

Салима чақалоқни қўлига олиши билан йиғлаб юборди. Кўкрагини тутувди ҳадеганда оғзига олавермади, яна йиғлаб, бешикдаги чақалоқни ҳам уйғотиб юборди. Уни Меҳриниса тебрата бошлади. Салима иккинчи кўкрагини тутувди, чақалоқ оғзига олди. Пишиллаб, энтикиб эма бошлади. Салима ҳам, Меҳриниса ҳам хурсанд бўлиб кетишди.

— Барака топинг-е, илоё Обиджон билан қапишиб-чапишиб, қариб-чуриб юринглар-да. Хат келиб турибдими?

— Ҳа. Ҳаммага салом йўллайдилар.

— Саломат бўлсин. Бахтингизга, мана бу ўғилча-сининг бахтига соғ-омон қайтиб келсин.

— Айтганингиз келсин, опа. Ботир акамдан хат борми?

— Йўқ, айланай, нима эканлигига тушуна олмай-миз. Командирига ҳам ёзиб кўрдик.

— Анча бўлди-я келмаганига?

— Мана, шу бугун роппа-роса саккиз ойу ўн тўқ-қиз кун бўлди хат тўхтаганига.

— Балки хат ёзиб бўлмайдиган жойлардадирлар, опа, шунақаям бўлади. Опамнинг ўғлидан етти ой деганда келди.

— Зора, шунақа бўлса...

Чақалоқ пишиллаб эмарди. Салима бирдан кўп эмиб қўйиб оғир бўлиб қолмасин деган хаёлда кўкрагини олиб кўрган эди, йиғлади, яна оғзига солди.

— Ҳеч нарса қилмас-а? — қўрқиб сўради Салима.

— Оч-да. Майли, тўйсин-чи.

— Болажонсиз-да, опа, олиб яхши қилибсиз. Она-си рус эканми?

— Молдаван экан. Уруш ўлсин, қай миллат, қай элатни тинч қўйди дейсиз.

— Рост. Ойимла дастурхон устида нуқул сизни гапириб ўтирадилар. Нақ соянгизга кўрпача ёзиб юрадилар. Меҳриниса юраги дарё, ўзи фил экан. Билмас эканмиз дейдилар. Уша дастлаб бола олиб келганингизда борганларича, қўллари тегиб бошқа боролмадилар. Хижолатдалар. «Ҳайт, деган туяга мадад, болам, қуруқ бўлсаям бориб, «Ҳорманг», деб келишим лозим...» дейдилар нуқул. Узундан-узун дуо қиладилар.

— Мани-я?

— Ҳа. Вой, билсангиз эди, опа. Газетадаги сура-тингизни неча кунгача токчага қўйиб юрдилар, ҳар кўрганларида тикилиб турадилар-да, «Ҳой, келин, ўзи-ми?» дейдилар, мен куламан. Тагин ўзлари: «Ҳа, худди ўзи, сураткашам ўхшатиб опти. Худо ўзи раҳм солса шунақа бўлади. Қараб туринг, келин, мана шу болалардан топади, бу дунёсиниям, у дунёсиниям», дейдилар. Биласиз-ку, ойимлани. Ҳамма нарсани у дунё-бу дунё деб ўлчайдилар,— деди кулиб Салима.

Эшиқдан киришидаёқ Зоҳиданинг йўқлигидан сал кўнгли таскин топган эди-ю, лекин ҳозир ҳовлиқиб

келиб қолишини кутарди. Қаёқдалигини сўраб билиб олмаган бўлса ҳам, Ҳиротда бўлсаям етиб келиши аниқ. Зоҳида бўлади-ю, ёш келинини чилласида ёлғиз қолдирадими. Меҳриниса унинг феълени яхши биларди-ку, ахир. Албатта етиб келади, ҳали замон лоп етиб кириб келиб, ҳамма ишни бузишидан, бу орада Салимани маломатга қўйишидан чўчиб ўтирган Меҳриниса ўзини сал босиб олганди. Шундаям барибир юраги така-пука бўларди. Салима ёшлик қилиб, фарқига бормай эмизиб қўйди-ю, Зоҳидадан ҳали эшитадиганини эшитади, деган ташвишда эди.

— Қаёқда ўзи оингиз?

— Билмайсизми ҳали. Ойим парашютчи бўлиб олганлар,— деди чиройли кулиб Салима,— анави комиссиянинг хотининикига кетувдилар. Бригадир ўша. Ҳозир келиб қоладилар.

— Эшитувдим. Заводга бормади шекилли?

— Ҳа. Уйда қиладилар. Бирам ўрганиб олганларки.

— Шунақами? Энди, мен тура қолай, Салимаой, иннайкейин...

— Вой, қаёққа турасиз. Хафа бўладилар.

— Кетсам хафа-ку бўлмас-а, сизни хафа қилишини ўйлаб ўтирибман боъдан буён.

— Нимага?

— Айланай Салимаой, бировнинг орқасидан чалпишни умримда ёмон кўраману, илло қайнанангизнинг феълени яхши биласиз-ку. Эмизганингизни эшитиб, юмма талаб беради, ҳали.

Салима ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Нега? Нима қилипти. Кўкрагим камсут бўлганида бошқа гап эди. Эпложмай қоляпман.

— Гап ундамас, айланай. Яхшиси, ман турай. Келганимниям билмай қўя қолсин. Шу эмгани кечасига етади. Эртага докторга олиб бориб, анави шишали сугидан ёздириб келаман.— Меҳриниса аллақачон ухлаб қолган чақалоқни ёстиқ устидан қўлига олди. Тагига нам ўтганини сезиб бошқатдан йўргакламоқчи бўлди. Буни сезган Салима ирғиб ўрнидан туриб, таглик келтириб берди. Меҳриниса шошиб, йўргаклар экан, ҳали йўргак боғини ҳам боғламай туриб, эшикдан Зоҳида кириб келди.

— Вой, бой, Меҳринисами? Вой, бўйларингизга

тасаддуқ бўлай а... Ҳой, мани уялтириб қўйдингиз-ку.

— Сизми, мани? — деди Меҳриниса қучоқлаб кўришаркан, — неvara муборак бўлсин.

— Қуллуқ, қуллуқ, — деди Зоҳида ва кўрпача устидаги қон-кўзи қон-қора, юзлари оппоқ чақалоқни кўриб ҳайрон бўлди, — ҳой, ўзингизга муборак?

— Маникимас. Онаси шўрлик оғир ярадор ётибди.

— Шунақами? Мана шу мактабда-я?

— Ҳа.

— Ҳой, шунақаларни олиб келиндингизми-а? Йиғиштириб бўлдигу, тезроқ қайта қолувдим.

— Сизам ўшатдамидингиз? Кўрманман-да.

— Ўшатдайдим. Одам ёғилиб кетди-ку, кўриб бўлармиди... Қани, қани Меҳриниса, ўтиринг. Бунга қаранг-а. Кўзим учиб турувди-я, кудди уйда меҳмон ўтиргандек шошиб келаётгандим.

Меҳриниса ётиги билан ҳамма гапни айтди. Охирида узрга ўтди:

— Жон она, келинчани койманг. Бир оғиз сўзимни ерга ташламай, эмизиб берди.

— Вой, вой, нега койирканман. Жинни бўпманми. Жуда яхши қилибди.

— Айланай она, биламан, чиллала. Обиджонам билмайди.

— Ҳой, Меҳриниса, астойдил айтвотсизми шу гапни? Ҳамма гапирсаям сиз гапирманг. Тўғри. Иримчиман. Лақаб ҳам қўйиб юборишган. Биламан. Ҳозир ҳам ирим қиламан. Қай бирдаям сизданам ранжиганман. Яшириб нима қиламан. Қандоқ қилай, сут билан кираркану, жон билан чиқиб кетаркан. Нимасини айтаман. Аслида шу ирим-чирим ўлгур бемаъни гап эканлигини сиздан ўргандим.

— Мандан?

— Ҳа. Сиздан. Сиз манинг кўзимни очдингиз. Шошманг, шошманг, ахир сизам ирим қилиб гапирдиннинг боласини олмайман деганингизда, ўша жу-жуқларнинг қоли не кечарди? Кўчада-ку, қолмас-а, илло, она меҳрини топармиди?

Меҳриниса аграйиб қолганди. Кимдан эшитяпти бу гапларни? Уша Зоҳидаданми? Шомдан кейин оқлик бермайдиган, бехосдан қоракуяни босиб ўтса, ор-

қасига қайтиб, минг марта ёқасига туфлайдиган Зоҳидами шу?

— Мана, мана бу мурғакнинг гуноҳи нима? Отаси шу топда Обиджоним билан ёнма-ён туриб, жон олиб, жон беришаётган бўлса-да, мен ирим қилиб, бир қошиқ сутни бермай ўтирсам! Худодан қўрқаман, айнанай, ҳа. Бунинг ўрнига Обиджоннинг омонлигини тилайман.

— Рост, опа.

— Туриб-туриб, мана шу норасидаларнинг бахтига сизга ўхшаш худо ярлақан эгачим борлигидан қувониб кетаман. Қаранг, битта манамас. Эл ҳам, юрт ҳам билади шуни.

— Нимаям қипман, опа. Қараб туролмадим, юрагим эзилиб кетди-да.

— Ҳа, ўлманг. Нега ўша жувонмарг Гитлернинг юраги эзилмасикин? Уям бир вақт мана шунақа бола бўлган-ку, онасининг юраги ачиган-ку унга ҳам. Нима бўлиб чиқди, ҳайвон бўлиб чиқди. Одамниям, ҳайвонниям худо яратган, яратгану, ҳайвондан одам ясайман деган эмас. Шундай бўлганини эшитганмисиз? Ҳеч замонда ҳайвон одам бўлганми? Йўқ. Бўлмайдиям. Илло, одамдан ҳайвон чиқаркан. Чиққандаям баттари чиқаркан. Мана кўриб турибсиз. Не кулфатларни солмаётипти одамлар бошига. Онаси бормикин? Билармикин жигарбандидан ҳайвон пайдо бўлганини?

Қош қорайиб, чироқ ёқилди. Меҳриниса Зоҳиданинг гапларига қотиб қолганди. Уни сира таниёлмасди. «Одам деганам шунақа ўзгариб кетадими? Ваъзхон-а, ваъзхон! У ер-бу ерда ўқиб келганга ўхшайди-я». Меҳриниса шуларни ўйларкан, кела-келгунча Зоҳидани иримчи, деб ўзича койиб келганига ич-ичидан хижолат бўларди.

— Опа, анча ўтириб қолдим-а... Уйдагиларнинг ҳоли нима кечдийкин?

— Бўлмаса, бундоқ қилайлик. Чақалоқни ташлаб кетинг. Ман қараб тураман.

— Вой, каттаси дод солиб юборади-я. Шунчалик овутиб олдим, шунга шукур. Эртага докторга олиб берайчи, сут ёзиб берар.

— Доктор деб ўтирманг. Сутни ичса тузук, ичмаса нима қиласиз. Яхшиси, сиз овора ҳам бўлманг. Са-

лимахоннинг ўзи бориб эмизиб туради. Боролмай қолганида ғир этиб ўзингиз келиб кетарсиз.

— Вой, шундан шунга овора бўлиб-а.

— Ҳеч овораси йўқ. Ёш нарса.

— Жилла бўлмаса, чилласи чиқсин, опа.

— Ҳой, Меҳриниса,— кулди Зоҳида,— манга-ку, теккан касал эди. Қараб турсам сизгаям юқибди-ку?

— Юққан бўлса сиздан юққан-да.

Икковлари хахолаб кулишди.

— Чилласида борса увол-чуволи мани гарданимга! Илло, мана бу мурғакнинг уволдан қўрқаман. Қаранг, шўрликнинг гуноҳи нимаиди?

Зоҳида Меҳринисанинг елкасидаги тоғдек ташвиш-ни олиб ташлагандай бўлди. Туриб-туриб бу аёлнинг марҳаматига, сермулозимат бўлиб қолганига ишонгиси келмасди.

— Бошим кўкка етди, опа. Илоҳим ғойибингиз ҳозир бўлсину, ўшандан қайтсин-да.

— Айтганингиз келсин. Жумлаи мўминнинг ғойиби қатори маники ҳам келсин. Болаларни ўшиб қўйинг, поччамга салом айтинг.

— Яхши қолинглар.

— Яхши боринг, айланай.

Қайнана-келин кўча эшиқдан Меҳринисани кузатиб, ҳовлига киришаркан, Зоҳида онанинг келинига айтган гапи шу бўлди:

— Оғринманг, болам, сут қочади. Бир ўғил, бир қиз кўрдим деб қиёс қилаверинг...

Кечлик овқат чўзилганидан, болалар еб бўлишди-ю, таппа-таппа ўзларини ўринга ташлашди. Эр-хотин алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Меҳриниса ёнма-ён қатор ётган болаларнинг чеккасида гингшиган чақалоқни обболаркан, тагин Зоҳида эсига тушиб кетди:

— Нима дейди денг: тоғиб гапиролмайман-а... Ҳалиги, ҳайвондан одам чиқмайди, илло, одамдан ҳайвон чиқаркан, чиққандаям баттари чиқаркан, дейди-я. Тавба.

— Эслик аёл экан. Жуда тўғри айтибди. Ҳайвон-ку чиққани майлийдия. Ҳайвон бўлиб, одамлик ақли билан қолгани ёмон... Шуниси даҳшат экан, хотин! Шунинг жатига қолиб ўтирибди-ку булар ҳам...

Мактабхона, ўртаси гулзор кенг ҳовли ҳамиша ўз эгаларининг чеҳрасидек яшнаб, жилмайиб турарди. Гузарнинг кулган юзи, чақнаган кўзи эди, бамисоли. Болаларнинг қий-чуви, қувноқ қўшиқлари, бақириб-чақирришлари шу атрофда истиқомат қиладиганларнинг қулоғига шунчалик сингиб қолган эдики, узоқдан туриб, танаффус бўлганини ҳам, дарс бошланганини ҳам билиб олишарди. Мана энди болалар кулгисидан кўк жаранглайдиган бу жойда қўнғироқ ҳам чалинмайди, танаффусда тўполон, шовқин-сурон ҳам эшитилмайди. Ҳаммаси тиниб, сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган. Бу сокинликка ҳали одамлар кўникканича йўқ. Уларнинг назарида таътил бошлангану, сал ўтмай яна ҳамма ёқни ўша қўнғироқ, қий-чув тутиб кетадигандай. Уксиниб, хомуш бўлиб қолган қўш қаватли бинонинг деразаларига оппоқ дарпардалар тутилган. Болалар ўзлари экиб, парваришлаб, ардоқлаган гулзор энди акалари, опалари, оталари, оналарининг — уруш ногиронларининг баҳри дилини очишга хизмат қиляёттипти. Тикдан бир хилда тикилган кийим кийган, мадори кетган ярадорлар ҳовлига чиқишади, юролмайдиганлари деразалар ёнида туриб, гулзорга тикилишади. Уқувчилар ҳали ҳам бу ерга келиб туришади, гулларни парвариш қилишади, дарахтларга қарашади. Юқори синф ўқувчилари госпитални оталикка олган, кўзи ожизларга китоб ўқиб, қўли ярадорларнинг хатларини ёзиб беришади, ~~ми~~мирлолмайдиганлар билан суҳбатлашиб ўтиришади.

Салиманинг чақалоқни эмизиб тургани Меҳринининг ташвишини анча енгиллатган эди. Аммо Лянанинг кўз ёши, «ойимни кўраман», деб хархаша қилишлари юрагини эзиб юборарди. Қизга қаттиқ-қурум гапирмасди-ю, оғирликни ичига солиб, ўзидан ўзи хуноб бўларди. Меҳриниса боланинг кўнглига қараб, уни уч марта госпиталга олиб чиқди. Врачларга ялиниб кўрди, бўлмади. Онасининг олдига киритишмади. Ҳар гал келганида врач:

— Кўрганидан кўрмагани яқини. Онаси оғир. Бехуш ётибди. Ҳушига келганида ҳам кўзи кўрмайди, — дерди Меҳринисани чеккага олиб шивирлаб.

Қани энди бу гапларни Лянага айтиб бўлса. У ҳеч

нарсага тушунмасди. Ярадорлар ёнига бемалол кириб-чиқиб юрган мактаб болаларини кўрсатиб:

— Булар киришади-ку, хола. Нега менга рухсат беришмайди,— дерди йиғлаб.

Тўртинчи сафар чиқишганда Меҳринисанинг ҳам сабр-тоқати чидамади. Яна ўша врач ўша важни кўндаланг қилувди, тўғри госпиталь бошлиғининг олдига кириб борди. Медицина хизмати полковниги уни очиқ юз билан қабул қилди. Гапларини диққат билан эшитиб, аввало бу ўша, газетада ўқиган кўн болани тарбиясига олган аёллигини билиб қолди. Кейин баъзи ходимларининг қўнолликлари учун ўзи узр сўради. Меҳриниса билан бирга ҳовлига чиқиб, Лянани чақирди. Қизнинг бошини силаб алдаб, ўзи палатага олиб кирди.

Кичкина хонада, бел баробар келадиган баланд каравотда боши, пешана, кўзларигача боғлаб ташланган аёл ётарди. Каравот ёнида эғнидаги халати катталигидан енгини қайириб олган, этаги тўпигагача тушиб турган, ўн беш ёшлар чамасидаги қизча китоб ўқиб, бир варақ қоғозга алланималарни ёзиб ўтирарди. Бошлиқ ёшиқдан кириши билан қизча китоб-қаламини ташлаб, ўрнидан турди. Икки қўлини ёнига қилиб, шивирлагандай овозини пасайтириб:

— Уртоқ медицина хизмати полковниги, мактаб ҳамширалар отрядининг...

Полковник «ҳожати йўқ» деган ишорани қилдида, меҳр билан қизнинг елкасига қўлини ташлади. Меҳриниса исмини билолмади-ю, маҳалласидаги трамвайчининг қизи эканлигини таниб қолди. Орқароқда палатага кирган Ляна «Мамэ!»¹ деб бақириб, йиғлаб юборди. Аёлнинг лаблари қимирлади:

— Ляна... Марика...— бошқа гап айтолмади.

Полковник йиғлаётган қизни бағрига босиб, овутди. Онаси ҳамон лабларини қимирлатарди, алланималар деяётган бўлса керагу, овози чиқмасди. Полковник бағридаги қизчанинг қулоғига шивирлаган эди, у каравот ёнига бориб, ўзини зўрга тутиб онасига деди:

— Марика жуда яхши, ойи. Икковимиз Меҳри холамникида турибмиза. Ўзлариям шу ердалар...

¹ М а м э — молдаванча «ойи» дегани.

— Ляна!.. Марика!..

Ҳаммалари бирпас шундай туришди-да, бошлиқнинг ишораси билан секин-секин юриб ташқарига чиқшди. Коридорнинг нариги бошига боришганда, Ляна полковникка ялинди:

— Амаки, анув қиз ўтирибди-ку, манам ўтира қолсам бўлмайдами?

— У қиз медицина ҳамшираси ҳисобланади. Нима қилишини билади. Сен ҳали ёшсан, қизим. Ойинг сал тузалсин, рухсат бераман.

— Жо-он, амаки...

— Айтдим-ку, қизим, тузатиб олайлик.

Меҳриниса Лянани онасининг олдига олиб киролгани, ўзи ҳам ўз кўзи билан кўролганидан кўнгли таскин топиб ҳовлисига келди. Лянанинг ҳам хархашаси камайди. Чиқадиган бўлса ичкарига кириш осонмаслигини билиб олди.

Шундан кейин орадан тўрт кун ўтувди, трамвайчининг қизи уйга келиб қолди. Меҳринисани кўчага чақириб, ҳарбий сир айтмоқчидай ён-верига аланглаб, шивирлади: «Анча оғирлашиб қолди. Мени бошлиқ юбордилар...» деди-да, хайрлашиб, югуриб кетди.

Эр-хотин бозорга отланишаётган эди. Ҳайрон бўлишди, Лянага айтиш керакми ё...

— Олдин чиқиб кўрайлик-чи,— деди Маҳкам ака.

Меҳриниса госпиталнинг эшиги олдида ўзига таниш бўлган, чақалоқни қўлидан олган ҳамширага дуч келиб қолди.

— Қалай? Оғирлашди деб эшитдик?

— Оламдан ўтди!— деди ҳамшира.

— А?! О, бечора ахири бўмапти-да, а,— деди Маҳкам ака юраги ачиб.

— Шўрлик, кўзини очиб, қизларини кўриб қолгандаям майлийди.— Ич-ичидан эзилди Меҳриниса. Упкаси тўлиб, томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. Опаси тўсатдан оламдан ўтганида шунақа қолга тушиб, ҳушидан кетгани кўз олдига келди.

— Болаларини ўйлайман. Детдомга берсакмикин?— деди ташвиш тортиб ҳамшира.

— Ўйламанг,— деди сал ўзига келиб Меҳриниса,— олтитаси сиққан булар ҳам сизги кетади. Бечора, ўзининг ёш жони кетди,— чуқур хўрсиниб қўйди.

Кўнгилсиз хабардан ҳуши қочган Маҳкам ака, ха-

ёл билан ёнига ўгирилди, Витяни кўрди. Бозорга тушаман деб бирга олиб келгани эсида йўқ эди.

— Бор, ўғлим, катталарнинг гапига қулоқ солма, уйга кетавер.

Витя итоаткорона ёнига бурилиб, юра бошлаганди, онаси тўхтатди:

— Лянага оғиз оча кўрма, хўпми?

Витя «хўп» деб, кўчага чиқиб кетди.

Маҳкам ака ўй суриб қолди. Лоп этиб Ашуртой карвон эсига келди, ўша эшак араваси билан кўз олдида пайдо бўлиб, ўзидан ўзи чўчиб тушди.

— Улигини нима қилишаркин?— тўсатдан сўраб қолди ҳамширадан ва у елкасини қисиб, «нима қилишарди...» дегандай бўлганини пайқади,— рухсат олиб берсангиз, ўзимиз кўмганимиз маъқул эди. Мусофирлигини сездирмайлик.

— Бир чеккаси қизлари қўлимизда, яқинлигимиз бор,— қўшиб қўйди Меҳриниса.

Витя хомуш, қадамини санаб босар, ерга кўз тикиб, бошини эгиб борарди. Нохуш хабардан кўнгли бузилдими ё дадасига ялиниб, бозорга тушишга отлангани чиппакка чиққаниданми, билиб бўлмасди. Шу алфозда йўлкадан юриб борди-да, бирдан биров унга: «Нимага имиллайсан, юрсанг-чи тезроқ», деяётгандек бўлди, чошиб кетди, бор кучи билан чопарди, тезроқ бориб, Лянага «хушхабарни» етказишга, шу воқеанинг тепасида бўлиб, ўз қулоғи билан эшитганини айтиб, мақтанишга шошарди. Кўча эшик олдига борганида таққа тўхтаб қолди, дадасининг, кейин онасининг гапи эсига тушди. Ҳовлига кирди.

— Вой, Витя, бозорга бормадингми?— ҳайрон бўлиб сўради Абрам.

— Нима ишинг бор.

— Нега унақа дейсиз ака.

— Бормаганини биламан. Дадам уришиб берганлар,— деди Сарсонбой.

— Ҳеч да. Ўзим бормадим.

— Ялинувдинг-ку.

— Ялинувдим. Энди бормайман. Тушундингми?

— Нимага дўқ қиласан, алам қилса бурнингни тишла.

— Бор-бор, аравангни торт, эшак.

— Ким эшак?

— Сен эшак.

— Ҳа, ҳа, ман эшакми, кўрсатиб қўяйми, эшаклигимни, — Сарсонбой икки қўлини мушт қилиб, кўзларини олайтирди, Витя яқинлашган эди, Галя уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Ака, қўйинг, ўзига алам қилиб турибди, бозорга боролмаганига, юринг, — дея уни нарироққа бошлади.

— Сарсонбой акам паровоз, билдингми, — деди бидирлаб Леся, — ўзинг эшаксан, — Леся шундай деб қочди, Витя кетидан қувлади, дарахт тагига бориб тўхтади.

— Шошмай тур ҳали, кўрсатиб қўяман.

— Нуқул, ўздан кичкиналарга дўқ қилади, — деди бақириб Сарсонбой, — қочма, Леся, ҳеч нарса қилолмайди.

Витянинг кўзи Қудратнинг ҳовлисидан кўтарилган лайлак варракка тушди. Варрак терак бўйи баландлади-да, думи оғирлик қилиб, лапанглаб, дарахт шокига илиниб қолди. Хаёли варракка қочган Витя югуриб ҳужрага кирди, варрагини олиб чиқиб мақтанди.

— Шамол турди. Бир варрагимни осмонлатаман, кўрасанлар.

Витя деворга тираб қўйилган нарвондан томга чиқди. Варракни учириб кўрган эди, қўлидан чиқиши билан шох ташлаб, томга тушди. Бир Қудратлар томонга қараб кўрди, бўлмади, кейин кўча томонга учириб кўрди. Варрак сал кўтарилди-да, шох ташлаб қулоқ чўни томнинг бўғотига санчилиб қолди. Яхшики, кўча томондаги бўғот. Бўлмаса, Сарсонбой кўриб қолиб, роса куларди. Витя ҳеч ким кўрмадимикин деб, ҳовли томонга қараб қўйди-да, қулоқ чўни эгилиб синиб кетай-синиб кетай деб турган варракни авайлаб тортиб олди. Томга ўтириб атрофга қаради. Шамол келаётган томонни билиб олмоқчи бўлди. Шамол, шамол деб ўзини ўзи алдаган экан, шамол тугул қилт этган шабада ҳам йўқ эди. Ҳовлидаги дарахтлар ҳам, кўчадаги тол, тераклар ҳам, ошхона ёнидан ўсиб чиқиб, бўғотга ёпишиб ўсган тутнинг новдалари ҳам, барглари ҳам қимир этмасди. Роса хуноб бўлиб турганида кўчада Қудрат кўринди. У, лайлагини лапанглатиб кўчанинг у томонидан бу томонига чопарди, варрак сира кўтарилмасди. Унга сари Витя овозини чиқармай

куларди. «Учириб бўпсан, томда туриб мен учиролмаётиман-ку», дерди ичида. Бирдан Қудрат уни кўриб қолди.

— Витя, шамол борми?

— Ҳа, бор. Томга чиқсанг бўлади.

— Ўзинг нега учирмайсан?

— Учиргим келмаётимти.

— Витя, варрагингни алишмайсанми?

— Нимага?

— Лайлагимга.

— Вой, шунга-я, жинни бўпманми.

— Устига ланкамни берардим.

— Бор, бор, ўзимники тўлиб ётибди. Биласанми, қўрғошинли қилиб олдим.

— Қўрғошинли?— Қудратнинг ҳаваси келиб, ағрайиб қолди,— қани, кўрсат-чи.

— Ёнимдамас. Ўзиям осмон баравар чиқади тепсанг.

— Санга яхши, дадангдан қўрғошин оласан.

— Ўзлари қўйиб берадилар,— мақтанди Витя.

Қудрат ланкадан ҳафсаласи пир бўлиб, яна лайлагини олиб қочди, бўлмади. Витя кулди. Қудратнинг жаҳли чиқди.

— Нега куласан, шамол турсин ҳали...

— Барибир учмайди. Думини қара, ердан кўтарилмайди.

— Шамол йўқ-да. Бўмаса ўзинг ҳам учирардинг.

— Ҳозир шамолни чақираман. Барибир ўшандаям учиролмайсан.

Шамол, баҳра камол,
Варрагинни олиб кет...

Витя шундай деб бақириб, варрагини қўйиб юборди, ўзи томнинг нариги бошига чопди. Варрак томдан кўтарилмади. Қудрат пастда туриб, чапак чалиб куларди. Витяники учмаганидан хурсанд бўларди. Витяга алам қилди. У ҳовли томонга қаради. Болалар чақалоқ билан овора бўлганидан уни пайқашмасди. Қудрат кула-кула кетиб қолди. Витянинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Варракни кўтариб, тушиб кетишга номус кучлилиқ қиларди. Тушса, ҳозир Сарсонбой ҳам кула-

ди, Лёся ҳам бидирлаб, гижинига тегади. Нима қиларини билмай, томнинг кўча томонида ўтириб, шамолни кутди. Анчагача ўтирди. Яна ўрнидан туриб «шамол, баҳри камол...» дея бақирди. Нариги томондан Қудратнинг ҳам овози эшитилди. Ошхонасининг томига чиқиб уям шамолни чақирарди. Анчагача бири олиб, бири қўйиб, шамолга ялинишди. Табиатнинг болаларга раҳми келгандек бўлди. Шабада эсиб, дарахт новдаларини қимирлата бошлади. Витянинг варраги тутдан баланд кўтарилди, кейин терак бўйигача чиқди. Шабада ҳам аста-секин шамолга айлана бошлаган эди. Чўчиб-чўчиб ип қўяётган Витя энди қизиқиб кетиб, қулочлаб қўя бошлади. Варрак баландлаб, чой қоғоздан қилган дардараги «ашула» айтишга тушди. Витя ип қўйишни тўхтатиб, таранг ипни билагига ўраб олганича завқ билан варрагига тикилди. Гердаёиб, нариги томга, лайлагини учиролмай хуноб бўлаётган Қудратга қаради. Кейин ҳовли томонга ўгирилиб, мақтанди.

— Болалар, қаранглар, ипни узиб юборай девотти...

Витя шундай деб бақирди-ю, кўзи катта кўчага тушди. Тобут кўтариб бораётган одамларни кўрди. Улар орасида Маҳкам ака ҳам бор эди. Анча орқада, кўчанинг четида Меҳриниса билан ҳамшира ёнма-ён боришарди. Витя қўрқиб кетди. Варракни ҳам унутиб, тикилиб қолди. Худди шу пайтда ҳовлидан Лянанинг хурсанд бўлиб кулгани, қийқирган овозини эшитди, пастга қаради.

Катта тунука тоғорага кўрпача солиб, Марикани ўтқазишибди. Тоғоранинг бандидан ўтказилган арқонни Сарсонбой бўйнига солиб, паровоз бўлиб, икки қўлини ғилдирак қилиб, пишқириб, ҳовлини айланиб, тоғорани тортиб юрибди. Остап, Абрам, Галя, Ляна, Лёсялар қийқиришиб, шовқин солишиб, тоғора кетидан чопишади. Чақалоқ қиқирлаб кулади, жажжи қўллари билан чапак чалмоқчи бўлади.

Ҳовлидаги тўполон, кўчадаги тобут Витянинг юрагига сизмади, у беихтиёр қичқириб юборди:

— Ляна!

— Ҳа.

— Уйнамаларинг ҳозир!

— Нега энди? — ҳайрон бўлиб сўради Остап.

— Уйнамаларинг дегандан кейин, ўинамаларинг-да.

— Бор-э,— деди писанд қилмай Сарсонбой,— варрагингни учирсанг-чи,— тоғорани тортиб кетди.

— Ляна!— деди жаҳл билан Витя. Бироқ унинг гапини ҳеч ким эшитмади. Қий-чув, тўполон боягидай авжига чиқди,— ҳаммаларинг ҳам аҳмоқ экансизлар,— деди Витя ва Лянадан кўзини олиб, узоқлашиб бораётган тобутга қаради.

Кўчада келаётган арава йўл чеккасида тўхтаб, аравакаш отдан сакраб тушди, бориб тобутни олди. Йўлкада бораётган чол ўртага тушиб, тобутга яқинлашди. Тўхтаган машинанинг шофёри ҳам югуриб кетди. Буларнинг ҳаммасини кўриб, қотиб қолган Витя, тобут кўздан ғойиб бўлгандан кейингина қўлидан ипи чиқиб кетгани, варрак тўрт том наридаги дарахтга илиниб қолиб, ипи осилиб ётганини пайқади. Тортаман деган эди, ип узилиб кетди. Қўлида қолганини тортиб олиб, ўрашга ҳам тоқати чидамай, томга чувалаштириб ташлади-да, хомуш нарвон ёнига борди. Пастга тушди. Болаларнинг олдига бориб, Лянани қўлидан ушлади.

— Тўхта!

— Нима-е?

— Биласанми... Тугманг узилибди.

Ляна шошиб кўйлагининг тугмаларини ушлаб кўрди, ҳаммаси жойида.

— Елғончи... Нега алдайсан?

Витя, индамай ерга қараганича турарди.

— Витя, вой, нега бунақасан. Юзларинг оппоқ бўп кетибди-я. Ё қорнинг очдими?

— Йўқ... Сен... Ҳозир ўйнамагин, Ляна. Хўп дегин...— Раҳми келиб, ялинарди Витя.

Ляна парво қилмай, қўлини силтаб, тоғора кетидан чошиб кетди. Витя ҳайрон бўлиб унинг орқасидан қараб қолди. Унинг назарида ҳозир Ляна шу дақиқада кулишга, ўйнашга ҳаққи йўқ. У ўз онасига кечириб бўлмайдиган ҳурматсизлик қилиб, жиноятга йўл қўяётибди, нима қилиб бўлса ҳам уни тўхтатиш керак, бўлмаса бунга Витя ҳам шерик бўлган бўлади. У ҳозир катталардек фикр юритарди. Унинг хаёлига бир нима келди. Кўйлагининг битта тугмасини шартта узиб, Лянанинг олдига борди.

- Ляна, тугмамни қадаб қўй!
- Сениकिनими?
- Маникини.
- Нега энди ўзинг, меники узилди дединг?
- Маникийди.
- Қани?
- Маана.
- Кейин қадаб берарман, тура тур.
- Ҳозир қадаб бергин. Томга чиқаман. Шамоллаб қоламан, — ялиниб сўради Витя.
- Ҳа, майли. Шошма бўлмаса, — Ляна чопиб бориб, айвон тоқчасидан игна билан ип олиб келди.
- Қани, бер, қани тугманг, вой, йўқотдингми? Нега менга бунақа қарайсан, бер.
- Витя индамай тугмани берди. Ляна тугмани кўйлагига ўтқаза бошлади.
- Ляна?
- Нима?
- Мен... Менчи... Бир нарса биламан.
- Нима? Нега индамайсан, вой, нега бунақасан, Витя? — ипга тугун солиб, тиши билан узди Ляна, — айт.
- Айтмайман.
- Тугмангни қадаб берсамам айтмайсанми?
- Айтмайман... — шундай деди-да, ўзини тутолмай шартта орқасига ўгирилиб, айвон томонга чопиб кетди.
- Ляна қўлидаги игнани ўйнаганича орқасидан қараб, бирпас ағрайиб турди-да: «Жинни бўлдимми ўзи. Бор-э, айтмасанг, айтма» дея, ўйинга берилиб кетди.
- Болалар қий-чув тўполон билан ҳовлини бошларига кўтаришарди. Ошхона девори тагида пишиллаб, кавш қайтариб ётган сигир ҳар замонда маъраб қўяр, ҳар маъраганида Леся унинг ёнига чопиб бориб, «ҳа, битта ўзинг зерикдингми, юр, саниям ўйнатамиз...» деса, сигир кўзларини мўлтиллайтиб, кавшани тўхтайтиб, гапига қулоқ соларди. Болаларнинг шовқини Тожихоннинг жонига теги, икки марта девордан мўралаб, индамади. Учинчисида тоқати чидамади. «Қўйсанларми, йўқми-ей!» дея бақириб берди. Болалар бирпас жим туришди-ю, тагин боягидек ўйинга тушиб кетишди. Тоғора ер тимдалаб кичининг гашини келтирадиган овоз чиқарар, Сарсонбой қора терга тушиб

кетганига қарамай, завқ билан атайин оғзидан кўпик чиқаришга уриниб, паровоз бўлар, Остап, Абрам «Менгаям бер, менам бўлай» деса кўнмас, «Сенлар вагонсан, вагон орқада юради» дер, шу тариқа қийқириқ-чақириқ, кулги ҳовлини қошларди. Марикани овутиш баҳонаси билан бошланган ўйин аллақачон уни ухлатиб қўйган, чақалоқ болаларнинг эсига ҳам келмасди.

Эр-хотин кўча эшикка келиб таққа тўхтаб қолишди. Меҳриниса тирқишдан қараб, болаларнинг ўйинини кўрди. Икковлари гап-сўзсиз бир-бировларига қараб олишди-да, ичкарига киришди.

— Вой, бўй ҳовлини расво қилибсизлар-ку,— деди Меҳриниса тоғора изларини кўриб.

— Дада, дадажон,— югуриб келган Лёся Маҳкам акани қўлидан ушлаб судради,— Марикани қаранг.

Маҳкам ака тоғорада қиқирлаб кулиб ётган чақалоқни «лу-лу» лаган бўлди. Тилини тақиллатиб, яна кулдирди.

— Шошма,— деди Маҳкам ака камзулини ечиб дарахтга иларқан,— чақалоққа беланчак қилиб берамиз, хўпми?

— Беланчак, беланчак...— Лёся ўйинга тушиб кетди, Марика ҳам қўлларини кўтариб қиқирларди.

Болалар тахта, мих олиб чиқиб, беланчак ясашга киришган дадаларини ўраб олишди. Ляна укасини кўтариб, ҳамон ўзига келолмаган, йиғлаб юборишидан чўчиб, Лянанинг олдига бормаи тўғри айвонга ўтган Меҳриниса ёнига борди.

— Хола, Марикани ухлатиб, ойимнинг олдига чиқсам кўрсатармикин?

Тескари ўгирилиб кийимини ечаётган Меҳринисанинг юраги орзиқиб тушди. Зўрра ўзини ўнглаб олди. Ясама кулги билан чақалоқни суйиб, қўлига олди.

— Уйнатишдими, сани-я. Тоғорага солиб юришдими?

Чақалоқ қиқирлаб куларди. Меҳринисанинг юраги эзиларди.

— Майлими, хола?

— Акаларинг, оналаринг яхши ўйнатарканми-а?..

— А, хола?

— Опанг ухлатаман девотдими, сани-я. Бекор айтибсиз, ухламайман...

— Ухлайди. Обболасам дарров ухлаб қолади, чарчади.

— Ҳозир беланчак қилиб берадилар, ўшанда ухлайман, дегин.

Меҳриниса Лянанинг гапига жавоб қайтаришдан шунча ўзини олиб қочса ҳам, чақалоқ билан овора бўлгандай кўрсатса ҳам бўлмади. Ялиниб, туриб олди.

— Жо-он, хола, майлими?

— А? Ҳа, оймнинг олдига дединг-а... Эсим қурсин. Ойингнинг олдига кирувдим.

— Кўрдингизми? — шошиб сўради Ляна.

— Йўқ. Яраси оғир, қизим. Бу ердаги докторлар даволай олишмапти. Олмаотага жўнатишти..

— Ойимни-я?

— Ҳа, ўша ердаги катта профессорлар қарармиш.

Лянанинг катта-катта очилиб кетган кўзларидан дув ёш тўкилди. Эркалашга ўрганган чақалоқ «нега менга гапирмайсан» демоқчидай, жажжи қўллари билан Меҳринисанинг лабларини юмдаларди.

— Олмаота узоқми, хола?

— Узоқ, қизим.

Лянанинг кўз ёши тинмасди. Меҳриниса ҳам ўзини тутолмади. Алланима деб, қизни овутмоқчи бўлди-ю, томоғига бир нарса тиқилгандай гапиролмай қолди. Уйга кириб кетди. Онасининг ёнига келаётган Леся Лянанинг йиғлаб турганини кўрди.

— Нима қилди, Ляна. Нега йиғлайсан, айтсангчи...

Ляна индамади. Кўз ёши билан бурни оқди. Енги-га артиб, оғир хўрсанди.

— Ойим уришдиларми? Нимага?.

— ...

ИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Ҳазил-ҳазил деб юриб, ҳазил бирдан чинга айланиб кетса, бу ҳам бир бало бўларкан. Бўлгандаям дарди бедаво. Туриб-туриб Абдуҳафизга кор қиларди. Дам куларди, дам диққат бўлиб, фиғони фалакка чиқарди. Ишонгиси келмасди. Етти ухлаб тушига кирмайдиган бир ҳол бўлиб турганидан кейин қанақа қилиб ишониб бўларди. Жигибийрон бўлиб, хотинидан сўрарди.

— Ростмикин-а?

— Вой, афандисиз-а. Пишиб қолган ош экан, суйишга чақиряпти-ю, сиз ҳалиям қозондаги ошмикин деб сўрайсиз-а.

— Қачон пиша қопти бу ош ўлгур. Келиб-келиб шу уруш вақтида пишадими. Юрт тинч бўлгандаям бир нави эди.

— Муҳаббат деган шунақа бўлади. Уруш-пурушингизга қараб ўтирмайди. Юракка олов ташлайди-ю, алангасига ош пишаверади.

— Шоир бўп кет-ей... Шоир бўлганиндаям сеҳр-гар шоир бўларкансан. Кўзимни бақрайтириб туриб, икковини яшартириб юбординг-а, йигит билан қизга чиқариб қўйдинг-а.

— Бўлмаса-чи. Муҳаббат ҳам баҳорнинг ўзи. Асти қаримайди.

— Нима? Ҳой, балосан хотин, балосан.

— Оғзингизнинг таноби қочмай қолсин-а. Айтаманку, эркак зоти шу деб...

— Келиб-келиб сенга гапирган ўзим аҳмоқ.

— Отангиз сиздан ақллироқ эди-ку. Ўзингиз мақтардингиз-ку. Энди ёмон бўп қоптимми?

— Ёмонмасди. Ёмон қилди.

— Энди унга ёпишинг. Эрта кунда шу эди-да.

— Тавба!

— Яхшиси аралашманг, Қоработир бўлиб, ўзингизни шумшук кўрсатманг.

— Эл-юрт нима дейди, ахир?

— Деса сизга дермиди. Узларига дейди. Иснод бўладиган нимаси бор?

Абдуҳафиз қачон, қаерда, кимдан эшитганини хотирлай олмасди-ю, ҳар ҳолда бир афсона ё бир замоналарда бўлиб ўтган воқеани эсларди: Анча йилдан буён бева бўлган кампир хасталаниб, ётиб қолипти. Биттаю битта азамат ўғли онасини кўрсатмаган табиб қолмапти. Домлаларга ўқитипти, уларнинг маслаҳати билан жонлик сўйдириб, қон чиқарибди. Наманки ирим-чирим бўлса ҳаммасини адо этибди, бўлмапти. Ахири Маккатиллога опичиб олиб бориб, ҳаж қилдириб, опичиб олиб келипти, шунда ҳам чиройи очилмапти. Хуноб бўлган ўғил бир куни маҳалладаги кўпни кўрган қарияга маслаҳат солипти. Бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берибди.

—Эй ўғлим,— депти қария мийғида кулиб,— ўғилликни бажо кетираман, онамнинг дуосини оламан деб, кўп азият чекибсизу, дардини билолмапсиз. Ҳозир боринг-да, онангизнинг ёнига ўтиринг, ёшлик қилибман, ақлим етмапти деб, узрдан бошланг гапни. Иннайкейин, «Она, дадам раҳматликнинг оламдан ўтганига анча йил бўлди, гоҳо-гоҳо дадамни қўмсаб тураман. Уйимизда шундай бир бош бўладиган киши бўлса, менга ҳам оталик қиларди, сиз ҳам якка-ёлғиз зерикмасдингиз. Нима дейсиз, шунга?..» деб кўринг. Шундан кейинам чиройи очилмаса, мен отимни бошқа қўйганим бўлсин.

Ўғил қариянинг айтганини диққат билан эшитибди-ю, ичида жудаям ишонгиси келмапти. Шундай бўлсаям, таваккал қилиб, онасига шундай деб кўрибди. Кампир ўглининг гапларини эшитиб туриб, охирида чехраси ёришипти, миннатдор бўлиб кетибди.

— Ақллисан-да, ўғлим. Сан бир нима дейсану, ман йўқ дермидим. Майли,— деб, елкасига қоқиб, узундан-узоқ дуо қилган экан..

Абдуҳафиз ўзи эсларди-ю, ўзи қотиб-қотиб куларди. Нимага кулаётганига тушунолмаган хотини қўймаганидан кейин унга айтиб берувди, жизиллаб кетди.

— Улибди-да. Қаёқдаги гапларни топасиз. Қўйинг-эй.

— Муҳаббат қаримайди дединг-ку, ўзинг.— Абдуҳафиз қўлларини тиззасига уриб куларди.

Уямас-буямас, Ориф ота уйланадиган бўлипти-да. Нимаики нарса бўлса Абдуҳафиз билан маслаҳатлашадиган, унинг чизигидан чиқмайдиган одам бу сафар Абдуҳафизсиз иш битирибди. Абдуҳафизни шуниси доғда қолдирган эди. Қариялар билан маслаҳатлашиб, пиширгандан кейин айтди.

Ориф ота ҳарна қилса ҳам кўпни кўрган одам эмасми, бу масалада Абдуҳафиздан маслаҳат чиқиш у ёқда турсин, садо чиқмаслигига ақли етган эди. Худди ўзи ўйлагандек бўлди. Ҳатто ранжиди ҳам. «Ҳа, қуш тилига қуш тушунганидек, қариянинг тилига қария тушунади», дея ўзини юпатди. Тенгқурлари билан маслаҳат қилиб қўя қолганига хурсанд бўлди.

Аммо тенгқурларининг ҳаммаси ҳам жудаям: «Оқсоқол яхши ўйлаптилар», деб қўйиша қолгани йўқ

ди. Аввал бошлаб, маслаҳатнинг бисмиллосидаёқ Тўра мўйлов кулгига айлантириб, гапнинг белига тенди.

— Отам дейман, аравани торта олармикансиз?— деди, ҳамма кулиб юборди. Тўра мўйловнинг ўзи ҳам топиб гапирганидан кўзлари ёшлангунча кулди. Ориф ота бир-икки хўмраювди, бўлмади, ҳар хўмрайиши баттар кулгисини қистатарди.

— Тўравой, ҳазил ҳам эви билан, айб бўлади,— деди кўкрагига тушган оппоқ соқолини силаб Лутфулла сўфи,— оқсоқол кичкина одаммас, баобрў зот, эшитган қулоққа яхшимас.

— Чакки гап айтган бўлсам узр, узр, Сўфи ота,— деди ўзини зўрға босиб Тўра мўйлов ва барибир шайтони зўрлик қилиб, кулгиси қистайверди, бошини эгиб, тиззасига салом бериб ўтирди.

— Кўнгил истагини қайтармоқ, худо берган ризқ-насибадан воз кечмоқ билан тенг,— оғир гап бошлади Сўфи ота, қаридир, ёшдир ўз жуфтини топмоғи, бу дунё ноз-неъматларини бирга баҳам кўрмоғи даркор. Оқсоқол жуда яхши ўйлабдилар. Хўш, сўрагanning айби йўқ, у томоннинг кўнгли қалай?

Ориф ота дарров жавоб бера қолмади. Жилмайиб, өззининг таноби қочди-ю, очик-ёриқ айтишга ийманди.

— Нима десам экан. Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Хабарлари борми? Уртага одам қўйилганми ахир?

— Қўйилгани йўқ-ку, илло. Зарурати борми шунинг,— беихтиёр шундай деб юборди Ориф ота.

Ўтирганлар фаҳмлашди. «Ўзи пишиб қолган экан-ку», деган фикр ўтди кўнгилларидан. Нос қовоқдан кафтига нос солаётган Ғафуршо пичоқчи Сўфи отага қаради:

— Лозим, албатта, лозим, шундайми, тақсир?

— Шундай, шундай, аёл кишининг ҳурмати бўлади бу. Унинг нафсониятини оёқ ости қилмаслик даркор. Хўш, бу ишни биз гарданзимизга оламиз. Болаларнинг онасини совчиликка юборамиз.

— Маъқул, маъқул, Сўфи ота,— деди мамнуният билан Ориф ота.

— Яна бир маслаҳат,— деди носини ташлаб Ғафуршо пичоқчи,— ҳаммамиз ҳам, мана, ошимизни

ошаб, ёшимизни яшаган қариямиз. Олма билан ўрик бўлолмаёмиз, куч-қувват ҳам шунга яраша. Айтганинг айби йўқ. Оқсоқол беш-ўн кун ўзларини парвариш қилсинлар.

— Албатта, албатта,— деди Йўлдош бегим узун эчки соқолининг учини бармоғига ўраб.— Оқсоқол кейинги ойларда туну кун тинмадилар, мана бу меҳмонларни жойлаштириш ўзи бўлгани йўқ. Қаттиқ чарчадилар. Манга қолса, бирон ҳафта дала-палага бориб, ҳордиқ чиқариб, маишат қилиб келсалар де-моқчийдим...

— Бек ота,— деди гапга араллашиб Тўра мўйлов,— даланинг нима кераги бор. Ҳар куни биттадан жўжа хўроз олиб берсинлар. Шу ерда ўзим боқаман. Шунақанги шўрва қилиб бераманки, устидан, яъни ҳалиги қуюғига ўнта-ўнта тухумни чақиб... Э, нимасини айта-сиз. Бир ҳафтада йигит бўлиб кетмасалар, Тўра мўйлов отимдан кечаман.

— Бало, бало, Тўравой ҳам,— деди Сўфининг оғзидан суви келиб,— тўғри айтаётипти, оқсоқол. Бояги гапи ҳазилу, бунисини жонини куйдириб гапираётипти.

— Маъқул, маъқул. Бу, Сўфи ота, маросимни қай йўсинда, қаерда, ўтказсак бўларкин? Нима дейсиз?— сўради Ориф ота.

— Шошилманг, оқсоқол, шошилманг,— деди соқолини силаб Сўфи ота,— ҳали «ҳа» деган жавоб олмай туриб, тўй маслаҳатини қилсак қандоқ бўларкин?— аслида Сўфи отанинг кўнгли чолмай турибди. Иқбол сатангнинг розилик беришига жудаям ишонмасди. «Шунча йил бева юриб, келиб-келиб Орифбойга тегармикин?» дея кўнглидан ўтказарди-ю, очиқ айтиб, ранжитишни истамади. Ориф ота бўлса кўнгли тўқ, пишитиб қўйган. Фақат номус кучлилик қилиб айтолмаётганидан гаранг эди.

— Ман, Сўфи ота, жой боисида гапираётиман, Келиним, невараларим олдида қандоқ бўларкин, де-моқчиман.

— Ийе, ҳа, бу ёғининг ташвиши денг, юлдузи юлдузингизга тўғри келиб, «хўп» деб жавоб бергудай бўлсалар, илоҳи фаришта «омин» деган бўлсину, у томолини ҳам гаплашиб кўрамиз-да, кўнгли тушгандан кейин ҳаммасига кўнади, оқсоқол.

— Ичкуёв бўларкан-да, Орифбой? — деди кулиб Гафуршо пичоқчи.

— Бўлса арзийди, — деди Йўлдош бегим, — сурдек жувон... Ҳой, биродар, ўзингизга қаранг, ҳа, кулманг, дам олинг, чойхонаниям мана Тўравойга беринг.

— Ўзимам шуни ўйлаб турибман, — деди Тўра мўйлов, — кечаси самовар ўзимга қоладиганга ўхшайди. Мабодо сув... — шундай деди-ю, оғзини қўли билан юмиб, ичида қотиб кулди. Утирган жойидан сурилиб, даврадан чеккароққа чиқмаса, яна бир нима деб юборишига ақли етиб, ўрнидан туриб кетди.

Маслаҳат шу билан тугади. Жавоб келса, икки, узоғи билан уч ҳафталарда тўй бўладиган бўлди. Абдуҳафиз бу гапни эртасига Ориф отанинг ўзидан эшитди.

— Тенгқурлар ўртага олиб, қўйишмади, ўғлим. Яккаликда қийналиб қолдингиз, дейишди. Гапларини ерга ташлолмадим. Бир чеккаси ўйлаб турсам, қачонгача неваралару, келинларга юк бўлиб юраман. Ис-сиқ-совуқ дегандай. Беш кунликни мундоқ оёқни уза-тиб, хотиржам ўтказай дедим-да, — Ориф ота бу гапни Абдуҳафизга худди отасига ўғли ялиниб, бўйнини эгиб гапиргандай, гапиргандаям «шаҳдимдан қайтарсангиз бошимни олиб кетаман», дегандай қилиб айтди. Абдуҳафиз одатдагича ҳазил-мутойиба қилмади. Эшитиб ҳангу манг бўлди-ю, мум тишлаб қолди. «Ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам. Анчагача сукут сақлади-да, барибир охирида, қўлтиқтаёғига қўл узата туриб, тагли гап қилди:

— Борай. Тўёнанинг ғамини ей...

Унашилган қиз кўчага чиқмай қўйганидек, Иқбол сатанг ҳам шу кундан бошлаб кўринмай қолди. Буни биринчи бўлиб Абдуҳафиз пайқади. Идорадаки кўринмадими, бошқа жойдан топиб бўлмасди уни.

ИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Болалар кўчани бошларига кўтариб, чангитиб кол-ток тепишарди. Улар тарафма-тараф бўлиб олишган. Икки томоннинг дарвозабони, ҳужумчию ҳимоячилари бор. Ўртага бўрнинг кукуни сепилиб, чизиқ тортилган, икки томонга бўрдан дарвоза ўрни чизилган.

Қийқириқ, бақириқ, чақириқ қулоқни қоматга келтиради. Кўчадаги болаларнинг ҳаммаси шу ерда. Эндигина атак-чечак қила бошлаганидан тортиб, мактаб ёшидагисигача ҳаммаси йўлгага тизилишиб, томоша қилиб ўтиришибди. Копток тепаётганларнинг шовқинидан ҳам томошабинларники ошиб тушади. Қай томонга копток урилса, ҳаммаси ўша ёққа оғиб кетади. Эслироқлари «Уз тарафингни бил, бу ёғи бизаники», дея тўполон қилади.

Уйин қизиб турган пайтда катта кўчадан шу ёққа қайрилган бир киши кўринди. У маст, гандираклаб, кўча ўртасидан юриб келарди. Болалар унга эътибор ҳам беришгани йўқ. Қаттиқ тепилган копток баландлаб бориб, маст кишининг олдига тушганида пайқашди. Маст ёш болалардек қувониб, олдига тушган коптокни қўлига олди. Шу томонга тепмоқчи бўлудди, Остан чошиб бориб, унга ялинди.

— Жон амаки, тепманг.

Унга сари маст коптокни оёғига тўзрилолмай, гандиракларди. Остапга ялинарди:

— Битта тепа қолай.

— Йўқ, жон амаки.

— Кел, битта тепаман.

Бу ёқдан болалар қичқиришди:

— Майли, тепа қолинг, тўғрига тепинг!

Маст хурсанд бўлиб коптокни тепди. Узи ҳам орқасига ағдарилиб тушди. Уйин ҳам бир бўлди-ю, дарракт кесилгандек мастнинг гурсиллаб тушиши ҳам. Болалар чуввос солиб қичқириб юборишди ва у қийқириқ шу заҳотиёқ копток бориб Тожихоннинг кўча томондаги деразасини чил-чил қилиши билан тинди, қолди. Узини ўнглаб, ўрнидан туролмаётган маст ҳам ҳайрон эди. Нима бўлганига тушунолмай, алангларди. Болалар қотиб қолишди. Кўчанинг нишабига қараб юмалаб бораётган коптокни олишга ҳеч ким ботинолмасди. Йўлагидан дод солиб, сочларини юлиб, Тожихон чиқиб келди. Болалар уни кўриб, чекка-чеккага қочишди. Маст ҳам кўздан ғойиб бўлди. Дераза таккинасида турган Остап жойидан қўзғалолмай қолди.

— Қўясанларми, йўқми-а, безорилар. Войдод!

Тожихон жонқолатда Остапга ёпишди, қулоғини қаттиқ бураган эди, бола оғриғига чидолмай йиғлаб

юборди. Кўчанинг нариги чеккасига қочган Леся қўрқиб, чинқирганича акасининг ёнига келган эди, Тожиҳон уни итариб юборди. Йиқилган Леся баттар йиғлай бошлади. Болалар чуввое солиб: «Уямас, хола!» деб қичқаришарди, Тожиҳон буларга қулоқ солмасди.

— Қани, тарбия берганларингга кўрсатиб қўяй сенларни!— дея бақриб, Остапнинг қулоғини қаттиқроқ чўзарди. Йиғи, тўполон овозига ҳовлиқиб Маҳкам ака чиқиб келди.

— Мана, қўшни, сиздан кўрганим. Бут-бутун деразамни чил-чил қилишди. Топадиган эрайим бўлма-са. Улиб бўлдим-ку етимларингиз дастидан.

Маҳкам аканинг ғазаби қайнади-ю, ўзини зўрға босди. Зарда қилиб гапирди:

— Оғзингизга қараб гапириб, боланинг отаси бор, онаси бор. Қўйворинг, нега қулоғидан чўзасиз. Синган ойна экан-ку.

Тўполонга аллақачон қўни-қўшнилар тўпланган эди. Улар кўчага чиқиб, эшиклари ёнида туриб, воқеани кузатишарди. Тожиҳон Маҳкам акага чурқ этмай, ноиллож Остапни қўйиб юборди. Аста-аста юриб бориб, ариқ лабида ётган кептоқни олган эди, қўшнилардан бири: «Тўловига олмоқчи...» деб ёнидагиларни кулдирди. Маҳкам ака индамай дераза ёнига борди. Синган кўзини қаричлаб ўлчаб кўрди-да, ҳовлисига кириб кетди. Тўғри бориб, ошхона даричасининг кўзини ўлчаб кўрди, кейин пичоқ билан ойнани кўчириб олди. Ёнида турган, хўрлиги келиб, ўпкасини босолмаётган Остап дадасига тушунтира бошлади:

— Менамас, дада... Бир маст киши...

— Бўлди, ўғлим, тушундим. Йиғлама. Ма, ушла, юр!

Маҳкам ака болгача билан михларни ўғлига тутқазиб, кўчага чиқди. Ойнани соларкан, Тожиҳонни ҳовлидан қараб турганига кўзи тушди.

Маҳкам ака ҳеч нарса бўлмагандай уйга кириб кетди. Биронта болани койимагани, биронтасига қаттиқ гапирмаганидан ҳайрон қолган қўшнилар бири олиб, бири қўйиб гапиришарди.

— Юраги дарё, айланай, дарё.

— Ажали етса одам ўляпти-ю, шу ойнага ҳам бола бечорага азоб берадими?

— Вой, у синдирган бўлсаям майлийди-я. Бир маст отган экан.

Чекка-чеккадан чиқиб келган болалар Тожихоннинг эшиги олдига бориб ялинишди.

— Коптокни беринг, хола.

— Нарироқда ўйнаймиз.

— Ойингга айт, Қудрат, берсинлар.

Ичкаридан қўлида копток билан чиқиб келган Тожихон қўшни хотинларга қарашга юзи чидамай йўлакдан туриб, коптокни кўчага улоқтирди. Копток келиб, Сарсонбойнинг юзига тегди. Хурсанд бўлганидан башарасидаги тупроқни арта туриб: «Раҳмат» деб юборди. Болалар хахолаб кулишди.

— Қудрат! Бу ёққа кир!— жаҳл билан ўғлини чақириб олди Тожихон.

Элакка чиққаннинг эллик оғиз гапи бўлади, дейилганидек, шовқин-суронни эшитиб, кўчага чиққан қўшни хотинларнинг баъзилари гапга тутилиб қолиб, ҳамон Тожихоннинг ғийбатини қилишарди.

— Нега бунақа ҳуда-беҳудага жанжал чиқаради-я. Пулга сотиб олади-я, тавба,— дерди Каромат.

— Кўролмайди, айланай Каромат.

— Нимасини кўролмайди. Шўринг қургур Меҳри-ниса опа шу етимчалар деб, бор буд-шудидан айрилди, бошини баркаш, қўлини обкаш қилиб, калитдек бўлиб қолди. Шунисини кўролмайдимми?

— Гап бошқа ёқда, Саломат,— деди гапни кулпига айлантириб Солиҳа,— ўзи эрсакроқ хотин эди, эри кетиб, гангиб қолди. Девордан бундақ қараса, Меҳри-нисаники ёнида. Ушани кўролмайди гаши келади.

— Улибди-да, қўйинг-е. Топган гапингиз ҳам бор бўлсин.

Кўчанинг бошида тез юриб келаётган Салима аёлларнинг суҳбатини бўлди. Ҳаммалари ўша томонга қарашди.

— Шўрлик. Азза-базза ишидан эмизгани келяпти,— деди Заҳира.

— Вой, ҳалиги чақалоқни эмизиб юрган шуми?— ҳайрон бўлиб сўради Солиҳа,— Зоҳиданинг келини-ку!

— Ҳа, ўша. Ёш бўлса ҳам болажонгина экан, ба-рака топкур.

— Ҳай, Зоҳида нечук йўл қўйиб қўйибдикан-а. Улгудек ҳазарчи, иримчи эди-ку. Тавба?— ёқасини

ушлади Солиҳа, — ё қайнанасидан яширинча келармикин?

— Нималарни гапиряпсиз, Солиҳабону, Зоҳида опанинг ўзиям бир-икки келиб кетди-ку. Шу мурғакнинг насибасини худо келинимга берган экан, бошқанинг сути унга эм бўлармиди дейдилар.

— Зоҳида-я?

— Ҳа.

— Вой тавба, вой тавба. Зоҳидадан шу гап чиқишига сира ақлим етмайди.

Салима аёллар ёнига келиб, худди янги келинчакдек бош эгиб сўрашди. Коржомасидан сал хижолат тортди шекилли:

— Шошиб кийимимни ҳам киймай келаверибман-а, — деди-да, хотинлардан бирма-бир ҳол-аҳвол сўраб чиқди.

— Обиджон саломатми, хат келиб турибдими, — сўради Каромат.

— Келиб турибди. Ҳаммага салом айтадилар, — деди Салима очиқ юз билан ва қўлини кўксига қўйиб, узр сўраб, Меҳринисанинг уйига кириб кетди.

Ҳовлига кирди-ю, олма дарахти тагида чақалоқни пўстакка ётқизиб қўйиб, ўзи алланимани тикиб ўтирган Лянани чақирди. Ляна Марикани олиб, унинг ёнига келди. Салима супанинг чеккасига ўтириб, болани қўлига олди. Уйнинг деразасидан кўзи тушган Меҳриниса шошиб ҳовлига тушди. «Ҳой, қизим, кўрпача солиш эсингга келмадимми. Бор, анави кўрпачани олиб кел!» деганича Салиманинг ёнига келди. Кўришди. Кўришди-ю, авзойидан қўрқиб кетди. Салиманинг ранги ўчган, ҳамма вақт чақнаб турадиган кўзлари уйқусизлик ёки йиғидан кейин чарчаб, ғамгин бўлиб қолган лаблари титраётганга ўхшар, ҳаяжонда эди. Меҳриниса нима деб гап бошлашини билмай колди.

— Сизниям қийнаб қўйдим, Салимаҳон, — дея оғзини очган эди, Салима гапини бўлди:

— Тагин шуни айтасиз-а, опажон, қўйинг. Нега ҳадеб ўзингизга олаверасиз. Бола сизга қандоқ бўлса, менга ҳам шу-ку. Бу шўрликнинг гуноҳи нима?

— Ўзингизники катта бўлиб қолдими?

— Шукур. Бирам қиқирлаб куладиган бўлганки. Суратини юборувдим укангизга. Кулишиям ўзингизга ўхшабди, деб ёзибдилар.

— Ухшасин, айланай, ўхшасин, — Салиманинг сал ёришганидан кўнгли таскин топса ҳам, барибир зимдан сезилиб турган дилтанглигини билолмасди.

Чақалоқ эмиб бўлиб, жажжи бармоқлари билан Салиманинг кўксини ўйнай бошлади. Салима уни эркалади, гапга солган бўлди:

— Тўйдингми-а? Бўлдими? — чақалоқ унга тикилиб, куларди, — Обиджон амакинг ўзим қиз қиламан дебдилар. Упиб қўйгин дебдилар. Қиз бўласанми? Олиб кетайми?

— Сизам ойимсиз. Катта бўлай, ўзим кирларингизни ювиб бераман, ошларингизни пишириб бераман, дегин.

— Шунақами? Ойи ди-иб эшикдан кириб борасанми? Ё мени унутиб юборасанми?

— Йў-ўқ. Эмизган онасини унутарканми, одам деган. Амакимга салом айтинг, эсон-омон келсинлар, дегин...

Чақалоқ бир Меҳринисага, бир Салимага қараб, қиқирларди. Укасининг қувнаётганини кўрган Ляна уларнинг ёнига келди. Салиманинг қўлидан чақалоқни оларкан, бўйинини эгиб, оҳиста: «Раҳмат, Салима опа!» деди. Онасининг вафотидан бежабар қизнинг шикаста овози Салиманинг юрагини эзиб юборди. Чуқур уф тортиб қўйди.

— Шуларнинг кўз ёши бекор кетармикин, опа? Кўр қилмасмикин ўша жувормакларни.

— Шуни айтаман-да, Салимахон, одам боласи-ку ахир булар.

— Қараб турсам ўша томондаги бари ота-оналар қирилиб кетгану, болалари етим қолганга ўхшайди, назаримда. Бугун тагин бир эшелон бола келтирилибди...

— Вой, шу бугун-а?

— Ҳа... Вой опажон-эй, машинада олиб ўтишаётганини кўриб, ҳушимни йўқотиб қўйдим. Юракларим эзилиб кетди. Кела келгунча титрайман денг. Ҳеч ўзимни босолмайман. Эшикдан кириб келсам, ойим бечора афт-ангоримни кўриб қўрқиб кетибдилар, нуқул сув сепадилар.

— Оповси, қар кўрганимда мен шунақа бўламан-да. Ҳеч ўзимни босолмайман. Тушларимга кириб чиқади.

— Қачон тугаркин бу даҳшат-а?

— Тугайди, қизим,— деди дўконидан чиқиб келган Маҳкам ака супага яқинлашиб.

— Вой, ассалому алайкўм, почча,— шошиб кўйлак, оёқларини тўғрилаб, ёнига ўтирилди Салима.

— Саломат бўлинг, қизим... Уша Москва биқинида тиғининг дами қайтган. Энди минг уриниб чархлагани бефойда... Илло, уруш урушлигини қилади, қурбонсиз бўлмайди. Уша қурбонлар ҳаққи мана шу норасидаларнинг бошини силасак, эл-юрт, қариндошларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади, қизим. Тағин эшелон кепти дедингиами?

— Ҳа, почча. Шуни гапириб турувдим. Болаларнинг ҳолини кўриб, йиғлаган ҳам йиғлайди, йиғламаган ҳам.

Маҳкам ака ўйланиб қолди. Чўнтагидан нос қовоқни чиқариб, тиқинини очмоқчи бўлувди, нос қовоқ қўлидан сирғалиб, ерга тушди.

Салима чаққонлик билан олиб, Маҳкам акага тутқазди. Соатига қаради.

— Мен борай, вақт бўп қопти. Кечқурун...

— Вой, овора бўлманг, Ляна олиб боради,— деди хаёл олиб қочган Меҳриниса.

— Майли. Хўп, хайр бўлмаса.

— Барака топинг, қизим. Салом денг ойингизга. Ҳой, Обиджонга хат ёзганингизда...

— Ҳар сафар, ёзаман, опа.

Меҳриниса Салимани эшиккача кузатиб чиқди. Кўчанинг нариги бетида ҳалигача суҳбатлашиб турган аёлларга кўринмай қўя қолди. Ҳовлига кирди. Маҳкам ака носвой элитгандек, супа лабида хаёлга чўмиб ўтирарди.

— Тупшим тўғри чиқди-я, қаранг,— ёқасини ушлади Меҳриниса эрининг ёнига келиб,— одамга аён бўларкан-а, вой тавба, Муборакхон ҳам тағин ўраллашиб қолгандир?

— Ким билади дейсан. Эҳтимол, бошқа жойни мўлжаллашгандир. Ҳар ҳолда хабар олмоғимиз лозим.

Меҳриниса бир нима демоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаган эди, ҳовлига почтальон кириб келди. Болалар чуғурлашиб, уни ўраб олишди. Эр-хотин умидвор бўлиб, почтальонга тикилиб туришарди.

— Мана сизларга, — деди почталъон бир даста хатни узатиб, — мана буниси перевод, — у алоҳида қоғозни Меҳринисанинг қўлига тутқазди.

— Перевод? — ҳайрон бўлди Меҳриниса ва шошиб ёзувига қаради, — Терешченко... Ҳой, янглиш-ку, бу, бизгамас, — деди чиқиб кетаётган почталъонни тўхтатиб.

— Янглишмас, сизларга. Мана, исм, фамилияларинг, адресларинг ҳам тўғри, — деди почталъон перевод қоғозидagi ёзувларни кўрсатиб ва шошиб чиқиб кетди.

Маҳкам ака қўлидаги конвертларнинг адресларини кўздан кечиранди. Ботирдан келгани йўқ эди. Ҳафсаласи пир бўлиб хотинига қараб қўйди.

— Уқиб беринг, дада.

— Хўп, хўп, болаларим. Перевод деганинг кимдан экан?

— Ҳайронман. Терешченкодан. Беш юз сўм.

— Ийе, қанақаси бўлди бу? Янглишдир хотин. Почтадагилар янглишган.

— Шунақадир. Келиб-келиб танимаган одам пул юборармиди бизга. Булари кимлардан экан?

— Ҳозир ўқиймиз-да. — Маҳкам ака битта конвертни очди. Уқий бошлади: «Ҳурматли Маҳкам ака, Меҳри опа! — деб бошланарди хат, — биз бир группа жангчилар уруш етимларини бағрингизга олиб, тарбиялаётганингизни эшитиб, беҳад қувондик. Олий ҳимматингизга ҳаммамиз бош эгиб, таъзим қиламиз. Бўлинмамиз солдатлари сизларнинг номингизни тилга олиб, жангга киришга, душманга қақшатқич зарба беришга қасамёд қиладилар. Сизларга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бағрингизга олган болалар ўзларингизга ўхшаган меҳр-оқибатли, асл инсон фарзандлари бўлиб етишишларини истаймиз.» — Уҳў, — деди Маҳкам ака, — ўтгиз бир киши қўл қўйибди. Эшитдингларми?

Болалар чуғурлашиб кетишди.

— Яшасин, дадамнинг отларини айтиб, «Огонь!» дейишади, — деди Остап.

— Ол-а, унақамас, — билагонлик қилди Витя, — атакага киришганида шундай дейишади.

— Ойимларнинг ҳам отларини айтишади-а, ака? — сўради Леся Остапдан.

— Танкчилар-чи? Улар нима қилишади, — дерди ҳайрон бўлиб Абрам.

— Ҳаммалари «Маҳкам ака, Меҳри опалар учун, вперёд!» деб команда беришади-да — Сарсонбой шундай деб, қўлини баланд кўтариб, ҳовли томонни жанг майдонидай ҳис этди ва чопиб кетди.

Болалар кулиб юборишди. Уларнинг гаплари, қилиқларига разм солиб турган эр-хотин ҳам бир-бирларига қараб кулиб қўйишди.

— Бошқалариниям ўқиб беринг, дада? — ялинди Галя.

Маҳкам ака иккинчи конвертни очди:

— «Азизларим, меҳрибонларим! Нотаниш бир аёл сизларни шундай деб атаётганидан ҳайрон бўлманглар. Дунёда шундай одамлар бор эканки, уларни меҳрибон дейиш тугул инсон қаторига қўшиб бўлмайди. Фашистлар одамзод бошига битган ана шундай бало экан. Авваллари буни мен қулоғим билан эшитиб юрардим. Энди ўз кўзим билан кўрдим. Бутун авлодаждодларим ҳаққи, келажак авлодларим ҳаққи уларга лаънатлар ўқийман. Одамни одамга хор қиладиганмас, ёр қиладиган сиз каби азиз, меҳрибон, Ҳазрати инсон деб улуғлашга лойиқ ҳамюртларим, ватандошларим билан фахр қиламан, бошим кўкка етади.

Ўғлим колхозда бригадир, қизим бухгалтер, куёвим тракторчи эди. Ҳаммалари ёш, комсомоллар эди. Фашистлар қишлоғимизга бостириб кирган куннинг эртасига қайинзор этагидаги майдонда ўғлим, қизим, куёвимни, яна юзга яқин ҳамқишлқларни сафга тизиб, кўз олдимизда отиб ташлашди. Дод солганимни биламан. Орадан бир ҳафта ўтиб, кўзимни очсам, ертўлада ётибман. Кўзимни очдиму, тагин додлаб юбордим. Сира ўзимни босолмайман. Нуқул додлайман. Овозларим бўғилиб қолди-ю, шундаям додлайман. Орадан бир неча ҳафта ўтиб, тунда мени касалхонага олиб кетишди. Докторлар ҳам мени босолмайди, ўзим ҳам. Уйқу дори беришади, ухлаб ётганимда ҳам додлармишман. Топган гапим битта: жигарбандларимни шу ҳолда кўргандан кўзларим кўр бўлиб, қулоқларим битиб қолса бўлмасмиди, дейман. Одам боласи кўникар экан. Орадан уч ярим ой ўтиб, тузалдим. Кўникдим ҳам. Кўникдим деганим тақдирга тан

бериб кўникишмас, бутун вужудим, сочим толасидан тирноғимгача ғазаб бўлиб, фашист деган аблаҳга минг-минг лаънатлар ўқийдиган бўлиб кўникибман. Умримда пашшани пишт, товуқни кишт демагандим. Чумоли йўлини четлаб ўтардим. Энди-чи? Мана шу нимжон бармоқларим, қуруқ суяк бўлиб қолган билакларим билан ўша фашистни хиппа бўғиб ташлашга қурбим ҳам, қувватим ҳам етади. Бундан сира жирканмайдиган бўлиб қолдим. Шундай қилолсам худо олдида ҳам, банда олдида ҳам савоб иш қилган бўлардим. Начора. Қариман. Фронтдаги нотаниш йигитларга хат юбордим. Жигарбандларим, сизлар менинг ўрнимга фашистлардан қасос олинглар, муштипар кампирнинг ўчини олинглар деб ёздим.

Узоқ юртли, дили дилимга яқин, азизларим! Йиглайвериб кўзларимда ёш қолмаган эди. Газетада болалар ўртасида ўтирган суратингизни кўриб, кўзларимга ёш келди. Сизлар сингари замондошларим билан ҳамнафас бўлганимдан қувониб кетдим. Инсоний ҳимматингиз олдида таъзим қиламан, азизларим. Уруш тугаб, одамлар тинч ухлайдиган кунни кўриш насиб қилса, шахрингизга бориш, Сиздек азиз кишиларни зиёрат қилиш ниятим бор. Ҳаммаларингизнинг сиҳат-саломат бўлишларингизни кечаю кундуз дуо қилиб турувчи Прасковья Маслова*.

Хат ўқиб бўлгунча зўрға сабри чидаган Леся ака-сига ёпишди:

— Нима ёзибди, ака?

— Жим,— деди қовоғини солиб турган Остап.

— Эшитмадингми,— жекириб берди Витя.— Ўғли, қизи, эрини отиб ташлабди-ку.

— Абрамнинг ойисини-чи,— гапга аралашди Галя,— униям отиб ташлашган-ку. Нега...

— Бўлди,— деди яна Витя катта одамлардек қизчанинг гапини бўлиб.

Болаларнинг баҳси эр-хотиннинг қулоғига кирмасди. Улар чуқур ўйга толган, кампирнинг хатидаги воқеа ҳозир кўз олдиларида бўлаётгандек ҳаяжонга солган эди.

— Шўрлик,— деди оғир хўрсиниб Меҳриниса,— суяк-суягидан ўтиб кетибди-да.

Бола болалигини қиларкан. Леся бепарво яна дасига эркаланди:

— Ййе, дада, бошқа яхшисини ўқинг...

Узини босолмай турган Маҳкам ака бундай даҳшатнинг том маъносига ҳали тушуниб етмаган шу одам ушогининг юзида ҳам қандайдир гамгинлик пайдо бўлганини, бундай нарсаларни эшитишга унинг ҳам тоқати йўқлигини сизди, қизнинг кўнглига қаради.

— Хўп қизим, қани, бунисида нима бор экан? — деди-да, яна бир конвертни очди.

«Хўрматли Маҳкам амаки! Мен ўғлингиз Ботир билан бир ротада эдим...»

— Ййе, ана, Ботир акамдан, — деб юборди севиниб Абрам.

— Шошма болам, — юзлари ёришиб кетган Меҳриниса катга яқинроқ келиб, кўз ташлади, — ўқинг...

«...Биз қисқа муддатда бир-биримизга шундай қадрдон бўлиб қолган эдикки... Йўқ, қадрдон десам жудаям тўғри бўлмайди. Ога — қиёматлик ога-ини тутингандик. Яшириб нима қиламан. Мен етим ўсганман. Ботирга ўхшаб, сизлар каби хат ёзадиган, хабар оладиган меҳрибон онам, отам йўқ, биз мана шу ўт-олов ичида бир умр ога-ини бўлиб бирга яшаш ҳақида қасамёд қилган эдик. Шу кундан бошлаб мен ўзимни бағри бутун одам — отаси, онаси, оғаси бор йигит ҳис қила бошладим...»

— Аввалги хатида ёзган ўртоғи-да, эсингдами? — деди Маҳкам ака хотинига.

— Ҳа. Икки марта ёзувди. Қани, ўқинг-чи.

«... Навбатдаги жангда дарё кечиб ўтдик. Сув ичида ҳам, нариги қиргоққа ўтганимизда ҳам бирга эдик. Пусиб ётган душман ёпирилиб ҳамла қилди. Жанг узоқ-қа чўзилмади-ю, аммо биз қуршовга тушиб қолдик. Ботирни шунда йўқотиб қўйдим. У ҳалок бўлганига сира-сира ишонмайман. Исмига яраша Ботир, эпчил йигит. Қуршовдан қутулиб қолган бўлиши керак. Мана биз, беш ярим ой қуршовда қолиб кетдик. Мана, бугун беш кун бўлди, қуршовдан чиқдик. Менга Ботирнинг адресини юборишларингни ўтиниб сўрайман. Салдатлик саломи билан нотаниш ўғлингиз Виктор Кисляков... Хатни қуйидаги адресга ёзинглр...»

— Ботир акамнинг ўртоқлари экан, — деди Галя.

— Униям оти Витя экан-а, ака, — чуғурлади Леся.

— Жим тургин, — силтаб берди Остап.

Маҳкам ака хатни ўқиб, бўшашиб тушди. Хотинига назар ташлаган эди, қошлари чимирилиб, қовоқлари осилиб тушганини кўрди.

— Қолганларини кейин ўқиймиз. Хўпми? Қани, бир ўйнанглар-чи,— ўзига ҳам, хотинига ҳам ҳозир болаларнинг шовқини ёқмасди. Болалар тарқалишди. Худди кутиб тургандек:

— Бир нарса бўлгану, ўртоғи тусмоллаб ёзвоттида,— деди ўлкаси тўлиб Меҳриниса.

Маҳкам ака ҳозир ўзидан ҳам хотинининг йиғлаб юборишидан қўрқарди.

— Узингни бос, кўп ваҳима қилаверма, болалар қараб турибди... Ўзи қуршовдан чиққанига беш кун бўлибди-ю, қаёқдан биларди?

— Ҳой, соддасиз-а. Бирга бўлишади-ю, буни қуршовга олиб, ёнидаги Ботирни қўйиб юборадими?

— Урушда нималар бўлмайди...

— Қутулиб қолган бўлса, нега хабар қилмайди?

Маҳкам ака бунисига жавоб тополмади. Хотинини босишга уринарди-ю, аммо ўзининг боши гангиб қолганди. Беихтиёр бошқа конвертларни ҳам оча бошлади. Хатларига наридан-бери кўз югуртириб чиқди-да, жойига солиб қўйди. Миясига ҳеч нарса кирмасди.

— Викторга хат ёзайлик. Сабр қилайлик-чи. Бирон жавоб келиб қолар...

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Уруш туфайли бевақт ота-оналаридан жудо бўлган, сарсон-саргардонлик бошларига тушган гўдакларнинг аччиқ қисмати Маҳкам акалар оиласи билан Муборакхонни бир-бирларига боғлаб қўйган эди. Маҳкам ака ўша биринчи бор болалар уйига борганида бу жувоннинг икки оғиз нутқини эшитгани бўлди-ю, кейинги сафаргисида танишиб олди. Ўрта ёшлардаги, хушфёъл, ширинсухан бу жувон одоби, муомаласи билан Маҳкам акага жуда ёқиб қолди. Ўша танишиб келган куни кечқурун оғзидан бол томиб, хотинига гапириб берганида, умрида бегона аёлларга кўз қирини ташламайдиган, ташласа ҳам ортиқча эътибор бермайдиган эрининг бу гаплари Меҳринисага ғалати туюлган, аниқроғи, ахир аёл киши эмасми, эрининг гапларини рашқ қилиб, энсаси қотиб эшитган эди.

— Меҳри дарё жувон экан-е. Сабр-чидамига балли.

— Детдом мудирини бўлганидан кейин болаларга меҳр-оқибатли бўлиши керак-да. Кўнглига қаролмаса, болаларни эплотмаса, шунақа ишга қўйишармиди.

— Шунақалариям бор, хотин. Ахир бошқа детдомларда кўрдим-ку. Илло, бу Муборакхон бошқача. Кўрмагансан, билмайсан. Тукидан тирноғигача болажон бўлиб яратилганми деб қўйдим.

— Бўлса бордир. Сизгаки ёқиб қолган бўлса.

— Билмадим, сўрашга ботинмадим, ўзининг фарзандлари борми, йўқми-ю, илло, барака топкур, жонини фидо қилиб юборди-я. Катталар билан муомаласини айтмайсанми.

Орадан сал ўтмай эр-хотин бирга боришганда Меҳринисанинг ўзи Муборакхон билан танишди. «Ҳа, бу киши айтганларича бор, ўйларди у,— яхшиям ўшанда бир нима деб кўнгилларини ранжитмаганим...» дея ўз эҳтиёткорлигидан хурсанд бўлганди. Муборакхон эркаклар тугул аёллар ҳавас қиладиган лобар жувон эди. Биринчи кўришдаёқ Меҳринисага ёқиб, қиёматлик эгачи-сингил тутинишди.

Муборакхон билим юртида ўқиб юрган пайтидаёқ тарбиячи бўлиб ишлаб бошлаган эди. Уқишни битириб, тўйлари бўлганда болалар уйининг ҳаваскор музикачилари — бир томонда рубобчи, дуторчилар, бир томонда духовой оркестр галма-гал чалиб, тўйни чунонам қиздиргани сира эсимдан чиқмайди. Маҳалладагилар ҳали-ҳали шуни гапириб юришади. Уруш бошлаб, эри фронтга жўнаганда тўрт ўғил-қиз билан, кекса қайнасанини бағрига олиб, катта рўзгорни тебратар, детдомда бош тарбиячи бўлиб ишларди. Орадан сал ўтмай детдом эвакуетдомга айлантирилиб, Муборакхонни директорликка тайинлашди. Келтирилётган болалар аввал шу ерга олиб келинар, кейин бошқа детдомларга юборилар, тарбиясига олмоқчи бўлганларга бериларди. Бу иш ниҳоятда оғир, нозик эди. Муборакхон банд бўлишига қарамасдан болаларни тарбиясига олган хонадонларга боришга, улардан хабар олишга фурсат топарди. Маҳкам акаларнинг оиласи-ку, ўз уйидек бўлиб қолганди. Тез-тез кириб турарди. Ваъзида азда-базда маслаҳатлашишга ҳам келарди. Айниқса Остапни тинчитиб, сингилсини топиб бергани, ўз бағрига олиб қолгандан кейин Маҳ-

кам ака ҳам, Меҳриниса ҳам унга маслаҳатгўй бўлиб қолганди. Шу-шу «Яна болалар келтирилибди», деган хабар қулоқларига чалинса, эр ҳам, хотин ҳам тинч ўтиришолмасди. Шунча болани эплаштириш ташвиши босарди уларни ҳам.

— Шугинага шунча нари бориб, бери келамиз... Шўрлик Муборакхоннинг ҳоли нима кечдийкин? — дейишарди-да, детдомга қараб йўл олишарди. Бугун ҳам шундай бўлди. Салиманинг гаплари эр-хотинга тиним бермади.

Катта кўчага чиқиб, трамвай йўлига яқинлашганда, Меҳриниса эрига маслаҳат ташлагандай деди:

— Почтага кириб ўтсак бўлармиди.

— Почтага?!

— Ҳа, йўлимиз-ку. Ҳалиги переводни суришти-рардингиз.

— Хотинлигингга борасан-а. Умидвор бўладиган жойи йўқ. Бировники дедим-ку. Янглиш олиб келган.

«Бозорга бориб, ўз қўли билан пул санаб бериб, рўзгор харжларини қилмаган эркакнинг тушуниши қийин экан-да. Айб ўзимда. Шунга ўргатмаганман. Ҳар бозор қилганимда бир эт тушишимни билганлари-да бундай демаган бўлардилар. «Хотинлигингга борасан»миш. Эркакман, деб гапиравераркан-да. Витя шўрлик ўша янги келганида бир-икки палов еганича, ҳали-ҳали мазаси оғзидан кетмайди. Ажабмас, болаларнинг ризқи деб худо осмондан ташлаган бўлса...»

— Менам ўша бировникини ташлаб кетайлик, бечора қидириб юрмасин демоқчийдим, — деди ўзини босиб.

Маҳкам ака «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Тўғри шочтахонага бурди йўлини.

Ним қоронғи бостирмадан ўтиб, ғиштдан ишланган камбар зинадан юқорига — болохонага чиқишди. Хонанинг очиқ деразасидан аёл кишининг асаби қайнаб, қаттиқ-қаттиқ гапираётгани эшитилди:

— Дала почтасини ёзмапсиз-ку, қандай қилиб етиб борсин. Тагин айбни почтага қўясиз, — дерди куйиниб почта ходими.

— Вой болам, мунча жиғибийрон бўласан, билсам шунақа қилармидим. Ўзимнинг боламга-я, — дерди кампир тахта устида посилкани суриб, — кўзи тўрт бўлиб кутаётгандир болагинам.

Маҳкам ака: «Худди шунга ўхшаб чатоқ бўлган бу перевод ҳам, кўрдингми?» дегандай хотинига қараб қўйди.

— Энди нима қилдим, болам?— ёлворди кампир почтачига.

— Ҳозир, ўзим бошқатдан адресини ёзиб бераман. Қани, конвертини беринг-чи.

— Барака топ, болам,— кампир дока рўмолининг учига тугиб қўйган саккиз буклоғлиқ конвертни авайлаб олди-да, почтачига узатди. Жувон конвертни ола туриб, Маҳкам акага юзланди.

— Келинг, амаки.

— Ҳечқиси йўқ, бу кишининг ишини битираверинг.

— Бу холамники чўзилади, айтаверинг, нима керак эди?— деди хатдан бошини кўтармай.

Маҳкам ака чўнтагидан перевод қоғозини чиқариб узатди.

— Бировники янглиш бориб қолганга ўхшайди,— қўшиб қўйди.

Перевод қоғозини қўлига олиши биланоқ Маҳкам акага ялт этиб қараган жувон, шошилиб гапирди:

— Бировникимас, Маҳкам ака, сизга келган. Мана, ёзган хати ҳам бор.

— А?!

Кампир дардини айтиб, гапга тутган, аммо хаёли шу томонда бўлган Меҳриниса почтачига ўгирилди.

— Кимдан? Уғлингизданми?— сўради қизиқиб кампир.

— А?! Ҳа, ҳалиги...— Меҳриниса нима деярини билмай гулдираган эди, почтачи жувон яна бир қоғозни кўрсатди.

— Ҳозир келган почта орасида яна битта перевод чиқди. Паспортингиз ёнингиздами?

— Ҳа, ёнимда,— деди ҳайрон бўлган Маҳкам ака.

— Икковини тўлгазинг. Унгача мен мана бу холамларнинг ишини битириб бераман.

— Барака топ, болам,— деди кампир ва яна Меҳринисага ўгирилди, ҳасратини чала қолган жойидан бошлашни унутиб, бирамас иккита перевод юборган «ўғилга» ҳаваси келди.

— Барака топгур, ўғлингиз командирми?

— Командир?— Меҳринисанинг қулорига гап кир-

масди, икки кўзи перевод қоғозини тўлғазаётган эрида эди.

— Катта ишда экан-да, а. Анчагина юбориб турса керак?

Меҳринисанинг тоқати чидамади. Кампирни силтаб ташлаб, эрининг ёнига боришни ўйлади-ю, хат ёзаётган бўлсаям тез-тез унга қараб қўяётган почтачи жувондан андиша қилди. Почтадагилар бирпасда шивирлашиб, бир бировларига Маҳкам акани ҳам, Меҳринисани ҳам кўрсатишаётганини боя пайқаган эди.

— Биламан, биламан, айланай. Хаёлингиз болангизга қочди. Ҳа, омон бўлсин. Не-не умидлар билан катта қилгансиз. Мана шунақа оғир кунларда билинади фарзанд дегани, қаранг кетма-кет юборибди-я...

— Мана, хола,— почтачи конвертни кампирга узатди,— энди хотиржам ўтираверинг.

— Барака топ, болам, ҳой, тезроқ юбора қолгин. Маҳтал бўлиб қолмасин болагинам.

Кампир имирсилаб, конвертни яна саккиз буклади, рўмолининг учига тугиб, Меҳринисага қаради:

— Хайр. Хат ёзсангиз манданам салом айтинг, омон бўлсин,— дея ҳассасини олиб, эшик томонга юрди.

Маҳкам ака иккала переводни ҳам тўлдириб, ўрнидан турди. Бетоқат бўлиб, юраги қаприқиб кетаётган Меҳриниса яна кимдан, қанчалигини суриштиришга шошиларди-ю, аммо зўрға ўзини босиб турарди. Назарида ҳозир олмоқчи бўлган пулларини биров тортиб олаётгандай хавотир бўларди.

Почтачи Маҳкам акага саккиз юз сўм санаб бердида:

— Бундан кейин сиз овора бўлиб юрманг. Нимаки бўлса ўзимиз элтиб берамиз,— деди.

— Барака топинг, қизим.

Эр-хотин хайрлашиб, эшик томон юришаркан, газеталарни саралаётган кўзойнакли қариядан тортиб, посилкаларни тахлаётган болагача ҳаммаларни ўринларидан туриб, уларни кузатиб қолишди.

Болохона зинасининг камбарлигини энди пайқади Меҳриниса, «Шунақаям тор бўладими, икки киши ёнма-ён сигмаса-я...» дея бостирмага тушиб, ним қоронгиликдан кўчага чиққунча юраги ёрилгудай бўлиб кетди.

— Тавба!— деди Маҳкам ака ҳайрон бўлиб хотинига қараркан.

— Нега тавба дейсиз. Шукур қилинг,— деди. Меҳриниса дарров эридан баланд келиб,— эркаклигингизга борасиз-да.

— Чимчиламасанг бўлмайди-да, а?

— Сиз ўймалаганда ман чимчиласам нима қипти. Кейингиси кимдан экан? Нима ёзибди?

Маҳкам ака чўнтагидан перевод қоғозини чиқариб, ўқиб берди: «Отахон, болаларга ширинлик олиб берарсиз. Худди ўғлингиздан пул боргандек қабул қилсангиз хурсанд бўлардим. Пулни почтальонга топширдиму, жангга кириб кетдим. Младший лейтенант Скворцов». Қара, адресини ҳам ёзмапти-я.

— Шўрлик. Айтибди-ю, жангга шошилвотман деб. Эсидан чиққан. Омон бўлсин, барака топкур.

Улар йўлкада олдинма-кетин боришаркан, эр ўз ҳолига, хотин ўз ҳолига ўй сурарди. Маҳкам ака пул йўллаган йигитларни ўйларди. «Улар кимлар? Ҳозир, мана шу дақиқада қаерда юришганикин. Ўт-олов ичида, жон олиб, жон беришаётгандир. Нечук шундан шунга, нотаниш бир кишига пул юборишади? Ахир болаларни бағримга олганимда биров кўмаклашармикин деб ўйламовдим-ку. Буларнинг саховати, одампарварлигини-чи. Инсон меҳри, оқибатидан ҳам афзалроқ нарса бўлмаса керак ёруғ оламда. Тepasидан ўқ ёғилиб, жонини ҳовучлаб турган пайтида ҳам одамларни ўйлайди, бошқаларнинг ташвишини қилади-я. Ёпирай. Кўчадаги бир болага ботинка бердим, гўдакнинг кўнглини олдим деб ўз соянгга ўзинг салом бериб юрибсанда, Маҳкамбой. Кўнгил олиш мана бундай бўлади. Аслида инсонийлик мана бунақа бўлади...»

Меҳриниса хаёл билан йўлкага тақаб ўрнатилган симёғочга ўзини уриб олишига сал қолди. У ҳозир болаларни ўйлар, бозорни кўз олдига келтирарди, рўзғор ташвишини қиларди. «Детдомдан қайтибоқ растага тушаман. Шу бугун яйраброқ бозор қилай. Ўзимни сиқмай. Бечораларга бир ёғлиқ палов қилиб берай. Меъдаси тўйсин... Шошма, ҳовлиқма, Меҳри, ўпкангни бос. Осмондан бебилиска тушди деб, ўнг-терсига қарамай харжлайверасанми? Кун — бир кунми. Эртани ўйламайсанми. Бир кило гуруч икки юз ўн сўмга чиққан-а, Меҳри. Асрорнинг паловини қилиб берсанг ҳам

катта гап. Асрорнинг палови! — такрорлади-ю, ўзига кор қилди. Мийиғида кулиб қўйди, — ҳазил-ҳазил деб шу бола шўрликнинг номи билан аталадиган бўлиб қолди-я. Эси кириб, катта бўлса, Асрорнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлади-да, ёр-жўралари сен ўйлаб чиқарган палов деб аския қилиб, кун беришмайди. Билишмайдики, Асрор эмас, уруш, ордона қолгур уруш ўйлаб чиқарди бу паловни. «Нон палов», «Картошка палов», «Вермишель палов» — булар ҳаммаси уруш даврининг палови. Шундай деб атай беришса бўлаверади-ку. Нега энди Асрорнинг номини қўйишади. Шўрликнинг гуноҳи паловни соғинганидами?»

Асрорнинг палови шу маҳалладан, Зоҳиданинг қўшнисидан чиққан гап эди. Нима бўлади-ю, серфарзанд хонадонда болалар палов егиси келиб, хархаша қилишади. Рўзғорида палов дамлағудик масаллиғи бўлмаган она ўйлаб-ўйлаб боши қотади ва ниҳоят чорасини топади. Ёр идишни қозондан айлантириб олиб, гуруч солади, гўшт ўрнига картошка ташлаб, дамлайди. Болаларни тўплаб, ошни сузиб келади. Палов қўмсаб юрган болалар иштаҳа билан ошни туширишади. Уртоқлари билан дастурхон атрофида ўтирган қўшнинг боласи уйига чиқиб, еган ошини мақтайди:

— Гўштсиз бўлсам жуда ширин-а, ойи. Сизам қилиб беринг, — дея хархаша қилади.

— Қанақа палов?

— Анови Асрорникига ўхшаган-да.

Шу-шу қўни-қўшниларида бу палов Асрорнинг номи билан атала бошлайди. Буни Меҳриниса ҳам эшитган эди. Орадан сал ўтмай, қайнсинглиси Витяни далага олиб кетди. Уч кун туриб келган Витя ҳам эшикдан Асрор паловини еганини мақтаб келди. Асрор палови шаҳардан далага ҳам чиқиб борганини эшитиб, ўзича кулиб қўйганди. Ҳозир яна эсига тушиб, анча ўйлантириб қўйди. Паловнинг бу тури Меҳринисага уруш машаққатлари, озиқ-овқат, кийим-кечак танқислиги туфайли рўзғорга кириб келган ва одамлар кўникиб қолган кўп нарсаларни эсига туширди. «Гугурт ўрнида чақмоқ тош, қиёқ, олма барги ё қоқисидан чой, тоқ барги қўшиб қилинган қарам шўрва... Яхнани айтмай-сизми. Яхна деганида ёғлиқ қўй гўштининг биқини, қазию қарта оғизнинг сувини келтирарди. Энди-чи? Яхна деганда лавлагининг палахса-палахса бўлаги

кўз олдинга келади... Тавба, уруш нималарга ўргатмаётипти-я. Одам кўнар экан-а...»

Улар дегдомга яқинлашиб қолишганди. Одамлар кириб-чиқиб турган дарвоза ёнига боришганида, Меҳриниса Қандолатбидининг уйига кўчиб кирган жувон — Светланага кўзи тушди. «У нима қилиб юрибди бу ерда?» ўзига ўзи савол берди-ю, индамай ичкарига кириб борди. Ҳовли юзидаёқ бир қария билан гаплашиб турган Муборакхонга дуч келди. Қучоқлашиб кўриша кетишди.

— Вой опажон-эй, сизни кўрсам чарчоқларим ёзилиб, кўнглим ёришиб кетади-я... ўзимам келиб қоларсиз деб турувдим,— Муборакхон Меҳринисани бағридан қўймасди,— ассалому алайкум, почча, бардамсиз, келинлар, келинлар,—у гаплашиб турган чолга ўгирилди,— отахон, мана, боя мен сизга айтган Маҳкам ака шу киши бўладилар, ўзларидан сўранг.

Чол яқинроқ келиб Маҳкам ака билан сўрашди.

— Тилига тушунмайман, қийналиб қолмасмианман деб ташвиш қилиптилар,— деди Муборакхон Меҳринисага чолни кўрсатиб.

— Бола деган тез ўрганиб кетаркан,— деди оҳиста Маҳкам ака чолга қараб,— ман-ку унча-мунча гаплашардим-а, илло, келинингиз тушунсаям, гап қайтаришга қийналарди. Манам унга оғир бўлармикин деб чўчигандим. Беҳудага ташвиш қилган эканман. Витямиз сал кунда тилни ўрганиб олди, бу орада келинингизнинг ҳам тили русчага бурро бўлиб, мани ярим йўлда қолдириб кетди,— кулиб қўйди Маҳкам ака.

Ҳаммалари кулишди.

— Гап тилда эмас экан, оға, дилда экан. Дил дилга тишса, тил ўзидан ўзи гапиравераркан.

— Рост айтасиз. Барака топинг, анча далда бердингиз,— деди чол ва Муборакхонга «Мақтаганингча бор экан бу одам, қизим», демоқчидай бошини қимирлатди. Маҳкам акага ишора қилиб,— бўлмаса бизга рухсат, қизим. Ҳалиги қоғозларини?..

— Фурсатингиз бўлса эртага келарсиз. Бўлмаса ўзим олиб бориб бераман.

— Йўқ, қизим. Сизни овора қилмайман. Ишингизни кўриб турибман. Ўзим келаман. Хайр, омонлик бўлсин,— чол шундай деб, ошхона ёнидаги стол атрофида ўралашиб турган болалар тўдаси томон юрди.

— Келганларингиз яхши бўлди-да,— деди мамнунлик билан Муборакхон,— вокзалдан биргалашиб келган эди шу киши, ҳув анави қизчани — болалар тўдасидаги сариқ лента билан сочини боғлаган қизчани кўрсатди,— бағрига босиб олганича қўйиб юбормади. Қиз ҳам дарров элакишиб кетди, соқолларини ўйнаб, чуғурларди, ота тушмагур «қизимка, хорош...» дейишдан бошқани билмасди. «Шакарим, асалим, новвотим, қани энди шу ширин тилларингга тушуна қолсаму, манам сенга ўхшаб қувонсам, яйрасам» дерди чол. Гап топиб беролмай хуноб бўларди. Охири олдимга келиб, «Қизим, манку, ўрганиб кетарман, кампирим ҳам кўникару, илло, қизча тилимизга тушунмай хуноб бўлиб, ўзини олдириб қўймасмикин, деб ташвиш тортяпман», деб қолдилар. Энди гапириб, тушунтириб турганим устидан чиқиб қолдинглар-да, жуда яхши бўлди. Ҳой, нима қилиб турибмиз, қани, юринглар,— дея кабинетига бошлади Муборакхон.

Улар олдинма-кетин кабинет томон боришаркан, Маҳкам ака қизни етаклаб чиқиб кетаётган чолдан кўзини узмасди. Яқинроқ келганида:

— Муборақ бўлсин энди, оға, деди.

— Қуллуқ, қуллуқ, худо муборақ қилган бўлсин,— деди мамнун бўлиб чол.

Муборакхон кабинетига кирибоқ, чой дамламоқчи бўлди. Меҳриниса чойнакни қўлидан олиб, тўхтатди:

— Ҳожати йўқ, барака топгур. Бошқа вақтда бафуржа ўтириш қочмайди.

— Қани, почча, ўтиринг,— деди Муборақ Маҳкам акага жой кўрсатиб,— самовар қайнаб турибди-я, дарров олиб келаман,— дея чойнакка қўл узатувди, Меҳриниса бермади,— қалай тинчмисизлар, болалар омонми?

— Шукур, шукур.

— Ботиржондан хат борми?

— Йў-ўқ,— деди оҳиста Меҳриниса.

— Болалар топилдими, қизим?— сўради Маҳкам ака.

— Учтасини топиб келдик.

— Ҳа, ҳа. Қаерларда санқиб юрган экан?

— Иккитасини бозордан олиб келишди. Битта каттаси вокзалда юрган экан.

— Хайрият. Қолганлари ҳам топилиб қолар, омон бўлишса.

— Бугунги эшелондан ҳам биттаси қочибди.

— Оббо, ҳеч тиним йўқ экан-да, сизга.

— Болалар-да, нима қиламиз. Топилмай-ку, қолмайди-я, машина, трамвай, сувдан қўрқади-да, одам.

— Рост. Рост... Қизим, ишдан қўймайлик сизни. Яна эшелон келганини эшитиб уйда ўтиролмадик.

— Билиб турибман, почча,— деди кулиб Муборакхон. У эр-хотиндан қанчалик мамнун, миннатдор бўлса, шунчалик уларга ачинарди-ю, бироқ бирон гап айтолмасди. Ҳозир ҳам кўнглига шу келди-ю, ҳазилга буриб юборди,— шу дейман, ҳовлингизни детдомга айлантириб қўя қолсак, сиз директор, опам мураббия бўладилар, қўядилар.

Ҳаммалари кулишди.

— Зарур бўлса қилаверамиз, қизим, феъл кенг бўлса бўлди. Болалар нима билан яйраса, шуни қиламиз. Шулар деб юрибмиз-ку,— Маҳкам ака «Шундайми?» дегандай хотинига қаради.

— Қанийди, қурбимиз етса, ҳаммасини бағримизга олардик,— деди Меҳриниса.

— Олардигу, илло ҳовлимизни «етимхона» деб атамасдик. Болалар ўксийди. Уларга ота, она меҳри керак, қизим.

— Тўғри айтасиз, почча,— ўй суриб қолди Муборакхон, қаердадир, ҳа, эсига тушди, Бедилда ўқиган ҳикматли сатрларнинг мазмуни эсига тушди: «Ҳар кимки Ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у— малъундир». «Саждага сазовор кишилар шулар эмасми?»— ўйларди ўзича.

— Ҳар ҳолда қийналиб қолманглар дейман-да. Ёйиши бор, ичиши бор, кийим-кечаги дегандек, ўзи бўлмайди булар. Шуларни ўйлаб кетаман...

— Тўғри айтасиз, қизим. Илло оч ҳам, яланғоч ҳам қолмайди, топилади,— Маҳкам ака чўнтагидан перевод қоғозларни чиқариб, Муборакхонга узатди,— мана буларни ўқиб кўринг.— Муборакхон қоғозни олиб ўқий бошлади,— бунга нима дейсиз?— Муборакхон ағрайиб, оғзи очилиб хатга тикилганича қолди.— Мана шунақа одамларимиз бор. Ҳимматини қаранг. Уэлари ҳалокат қирғоғида турибди-ю, болалар-

ни ўйлайди, келажакнинг ташвишини қилади. Асл инсон деб мана шуларни айтса бўлади.

Ўртага жимлик чўкди. Муборакхон биринчи учрашганидаёқ меҳри тушиб қолган бу эр-хотинни ҳаргал кўрганида уларга муҳаббати борган сари ортардики, сўз билан ифодалаб беролмасди буни. Улар олдида тиз чўкиб, ер ўпиб таъзим қилишга, уларни бошига кўтаришга тайёр эди. Баъзида, кўпчилик ўртасида туриб: «Ҳой, одамлар, орамизда мана шундай олижаноб кишилар бор-а, биласизларми?» дея жар солгиси келарди. У столдаги чойнакни олиб, коридорга чиқди. Кимгадир чой дамлашни буюрди.

— Бу сафарги эшелон қуршовда қолган шаҳардан келди,— деди жойига ўтираркан,— ярадорлари кўп. Устига-устак, йўлда икки топқур ўққа тутишибди.

— Оббо, аблаҳлар-эй.

— Ваҳшийлик денг, почча, ваҳшийлик бу!— деди Муборакхон унга чой узата туриб.

Ҳовлидаги говур очик деразадан эшитилиб турарди. Маҳкам аканинг тоқати чидамади.

— Қизим, ўтириш бўлса қочмас. Қани, тапқарига чиқайлик-чи.

Улар ўринларидан туришлари ҳамона эшик тақиллади. Муборакхон очди-ю, кирмоқчи бўлиб турган милиционерга тўқнаш келди.

— Марҳамат!

Милиционер честь бериб сўрашди-да, ёнида бошини эгиб турган кийимлари ифлос, ўн ёшлар чамасидаги болани етаклаб хонага кирди. Ҳали гап бошламасданок кўзи Маҳкам акага тушди. Гапиролмай қолди.

— Ийе, ассалому алайкум,— деди милиционер, қўлини кўксига қўйиб, кейин Меҳринисага ўтирилди,— ассалому алайкум, опа. Бардаммисиз, болалар омонми?— сўраша кетди.

Меҳриниса Сарсонбойни қидириб кўчага чиққанида йўлдан қайтарган милиционерни дарров таниди. Бола бир чеккада икки қўлини осилтириб, бошини кўтармай турарди-ю, ер тагидан бир Маҳкам акага, бир Меҳринисага қарарди. Милиционер улар билан бунчалик қуюқ сўрашгани, ҳатто гапидан янглишиб кетганига ҳайрон эди. «Кимлар экан булар?»— ўйларди ўзича.

Муборакхон «Қочган болалардан биттаси шу», дегандай Маҳкам акага кўз қирини ташлади-да, милиционердан сўради:

— Қаерда экан?

— Бозорда.

— Кечалариям бозорда ётарканми?— «Бунақа бола бизга керакмас», деган маънода пўписса қилди Муборакхон.

— Бозордамас. Боғда ётардик,— деди бола бошини кўтариб.

— Боғда?

— Ҳа. Чойхона орқасидаги гулзорда.

— Уртоқларинг ким?

— Уртоқларимми... йўқ, айтмайман.

— Нега?

— Уришади.

Бу гаплар милиционерга маълум бўлганидан у Муборакхонга «Ярамас болаларга қўшилиб қолипти...» деган маънода ишора қилди. Буни Маҳкам ака ҳам сезди.

— Билмаганда-а, шундайми?— сўради Маҳкам ака.

Бола бош ирғади.

— Отинг нима?

— Ренат.

— Энди нима қилмоқчисан? Шу ерда бўласанми ё тагин бозорга борасанми?— сўради Муборакхон.

Бола бир милиционерга, бир нотаниш эр-хотинга қаради. Гапиролмасди.

— Шу ерда бўлади, опаси, қаёққа борарди, шундайми, Ренат.

Бола истар-истамас бош ирғади.

— Бор бўлмаса, группангга бор. Ювиниб, кийимларингни тозала,— деди Муборакхон.

Бола оҳиста эшик томон юрди. Ташқарига чиқаркан, чўчиброқ милиционерга қараб олди.

— Булар тўртта эди,— деди милиционер эшикни ёпиб,— товуқ ўғирлашибди, сотмоқчи бўлиб турганда ушладим.

— Ренат ўғирлаганми?

— Уғирлаган шериклари-ку, бунга соттиришаётган экан. Улари катта ёшда, бозорда юрадиган болалар.

— Нима қилдинглар?— шошиб сўради Маҳкам ака. Милиционер кулди.

— Нима қилиб бўларди. Тарбиялаймиз, Маҳкам ака. Уларнинг йўриги бошқа. Мана булар йўлдан озмаса бас. Ҳали бу уларнинг тузоғига илинганича йўқ.

— Энди учирма бўлвотти денг?

— Ҳа, қанот ёзмасдан пайқаб қолинса, қайириб олиш осон... Хўп, бизга рухсат,— деди-да, милиционер хайрлашиб чиқиб кетди.

Ренат ўз группаси жойлашган хонанинг деразаси тагида ўртоқлари даврасида турарди. Эр-хотин Муборакхон билан бирга ошхона томонга боришаркан, Ренат улардан кўзини узмай тикилиб қолди. Ўртоқларининг гаплари ҳам қулоғига кирмасди.

Гўдакнинг кўз ёшини кўрдими, бас, тинчини йўқотиб, безовта бўладиган Маҳкам ака ҳовлига чиқиши биланоқ, ошхона олдидаги ола-ғовур, болаларнинг тўполони орасида дераза тагида йиғлаб ўтирган қизчага кўзи тушди, ўзига тикилиб турган Ренатни ҳам кўрмади, хотинини, Муборакхонни орқада қолдириб, одимини тезлатди, қизчанинг олдига борди. Тиз чўкди. Меҳриниса билан Муборакхон бир-бирларига қараб олишди.

— Нимага йиғлаватсан, қизим?

Сочлари тўзғиган, кир бармоқларини мушт қилиб, ёшли кўзларини ишқалаётган қизча Маҳкам аканинг қўлини силтаб юборди, баттар йиғлай бошлади.

— Шошма, шошма, қизим,— Маҳкам ака қизчани нимчилик биллагидан ушлаб, кўзига тикилди,— нимага йиғлайсан?

Қизча ўпкасини босолмасди.

— Ким хафа қилди?..

— ...

— Ҳа, қорнинг очганга ўхшайди-я, билдим, билдим.

Қиз эркалай бошлаган бегона кишига тикилиб қолди. Бурнини эпломас, кетма-кет тортар, хўрсинарди. Маҳкам ака белбоғини ечиб артиб қўйди. Кейин тўзғиган сочларини панжаси билан тароқлаб, бошини силади. Бу пайт Меҳриниса ҳам эрининг ёнига тиз чўккан эди.

— Отинг нима, қизим?— сўради у.

Қизча бир Маҳкам акага, бир Меҳринисага қаради. Кейин бошини кўтариб Муборакхонни кўрди.

— Отингни айт. Нимага индамайсан?

— Дзидра,— деди қиз қовоқларини осилтириб, бепарвогина ва яна қайтадан ётсираб, чўчиб, олдида турганларга бир-бир қараб чиқди. Меҳриниса чўнтагидан қурт чиқариб, қизчага узатди.

— Ма, қизим еб кўргин, кўнглинг очилади.

Дзидра энди хўмрайиб қарай бошлади. Меҳринисанинг қўлидан қуртни олмади, юзларига тикилиб туриб: «Мама!» дея бақариб юборди. Меҳриниса чидаб туролмади. Жонҳолатда қизчани бағрига олиб, ўтириб қолди, бошларини силаб, овута бошлади. Қизчанинг чинқириб юборганига одамлар тўпланди, Муборакхон уларга ётиги билан тушунтира бошлади:

— Ҳеч гап бўлгани йўқ. Онасини эслаб йиғлаётипти, тарқалинглр...

Маҳкам ака қизчанинг елкасини силар, Меҳриниса бағрига қаттиқроқ босиб, сочларини текислар, бошини силарди. Қиз ўзини босолмасди, хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди.

— Ўрнингиздан туринг, опа,— унинг қўлидан болани олмоқчи бўлди Муборакхон. Маҳкам ака қўймади, ўзи кўтариб олди. Қизча йиғлаб чарчаган, шилқиллаб тушган эди. Маҳкам ака бағрига босганича тўғри директор хонасига қараб юрди.

Муборакхон эр-хотинни хонада қолдириб, чиқиб кетди.

— Кел, юзларингни артиб қўяй,— Меҳриниса рўмолчаси билан Дзидранинг юзларини артди. Дзидра ҳамон ётсирар, бир Маҳкам акага, бир Меҳринисага хўмрайиб қарар, чиройи ёришмасди.

— Менга қиз бўласанми?— кулиб сўради Меҳриниса.

Қиз тикилиб турди-ю, индамади.

— Акаларинг, опаларинг бор, ўйнаб юрасан, майлими?— бошини силади Маҳкам ака.

Ҳамон қовоғини осилтириб, хўмрайиб турарди қиз.

— Юра қол. Зериксанг, тагин шу ерга келсанг ҳам бўлади.

Дзидра жавоб ўрнига, алланима қидирган бўлиб, ёни-берига қаради, чойнакка кўзи тушди.

— Сув ичсам майлими?

— Сувмас, чой қуйиб бераман,— севиниб кетди Меҳриниса ва чойнақдан чой қуйиб қизчага берди. Дзидра шошиб хўплади-ю, оғзи куйиб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Жони ачиган Меҳриниса жонҳолатда пиёлани тортиб олди.

— Пуфлаб ичмайсанми, қизим,— дея иккинчи пиёлага чойни ағдариб, совута бошлади.

Унга тикилиб турган Дзидра тилини чиқариб, оғзини шамоллатаркан, кулиб юборди.

— Бир марта сут ичганимдаям шунақа бўлудим,— деди бирдан.

Боятдан бери садо чиқмаган қизни бурро гапириши Маҳкам аканинг чиройини очди.

— Пуфлаб-пуфлаб, совитиб ичмаса, шунақа бўлади-да, қизим.

— Ма, энди совиди,— пиёлани қўлига тутди Меҳриниса.

Дзидра чойни ичиб, пиёлани қайтараркан, «раҳмат» деди. Унинг кўзлари ёмғирдан сўнгги олча донасидек йилтиллаб, юзларида жилмайиш пайдо бўлди.

— Баракалла, қизим, қани, хўш уйга кетамизми?— Маҳкам ака унинг тупроқ бўлган этагини қоқиб қўйди.

— Майли,— деди Дзидра бегона кишиларга элакишиб қолгандай.

Шу пайт ҳовли томондан «Дзидра» деб чақирган овоз эшитилди. Қиз югуриб, очиқ дераза ёнига борди.

— Ҳа, Саша, мен бу ердаман,— дея бақирди,— Саша, Лёша,— қўлини силкитиб овози борича қичқирарди.

Ҳовлининг нариги чеккасидаги болалар тўдасидан икки бола ажралиб, чопиб келишди. Беш ёшлардаги бу болалар бир-бирига жуда ўхшар, юз тузилишлари, кўзлари, бўй-басти битта. Маҳкам ака ҳам, Меҳриниса ҳам Дзидранинг орқасидан туриб, болаларга тикилиб қолишди.

— Саша билан Лёша булар,— деди Дзидра уларга ўгирилиб, битта вагонда келганмиз.

— Шунақами. Жуда яхши.

— Сени қидириб юрувдик,— деди Саша.

— Йўқотиб қўйдик деб, қўрқдик,— деди Лёша,— юр, нима қилиб турибсан?

Дзидра индамай қолди. Бир эр-хотинга, бир ўртоқларига қаради. Кўзлари жавдиради.

— Менга қара, Саша,— деди Маҳкам ака деразага яқинроқ турган болага. Бола шартта унинг гапини бўлди:

— Мен Сашамасман, Лёшаман.

— Ҳа, майли, Лёша, санлар ҳам бизникига бора қолларинг, хўпми?— деди кулиб Маҳкам ака.

— Вой, Дзидра, сен шуларга қиз бўлдингми?— ҳовлиқиб сўради Саша.

— Ойимни топаман девдинг-ку?— сўради Лёша.

— Ойисини топса жуда яхши бўлади, биргаллашиб қидирамиз-да, шунақами қизим,— Меҳриниса Дзидранинг бошини силади.

— Ростми?— севиниб кетди Дзидра.

— Бўлмаса-чи. Албатта қидирамиз. Топмай қўймаймиз,— деди Маҳкам ака.

— Саша, Лёша, борасизларми-а, бора қолинглар,— ялинди Дзидра ўртоқларига.

— Бўпти,— деди Саша.

— Бўпти,— деди Лёша ҳам.

Дзидра конадан отилиб ташқарига чиқди, ҳовли юзига тушиб Лёша билан Сашани қучоқлаб олди. Болаларнинг қувончини кўрган Меҳринисанинг кўзларида филт-филт ёш пайдо бўлди.

— Оббо, энди сеники бормиди?

— Йўқ, нега, вой... Худога шукур. Юзларига кулги югурди-я.

Эр-хотин ҳовлига чиқишди. Болаларни кўриб қолган Муборакхон шу томон келаркан, кулиб алланималарни гапирарди-ю, ғовурда эшитилмасди.

— Ҳасан-Ҳусанларни топиб олибсизлар-да,— деди яқинлашиб.

— Узимам худди эгизак бўлишса керак деб турувдим-а,— деди болаларга тикилиб Меҳриниса.

— Ҳа, Ҳасан-Ҳусанлар,— деди Муборакхон икковини икки ёнига олиб,— вокзалдаёқ билиб олувдим. Жуда яхши, ақлли болалар-да булар.

— Бизникига боришадиган бўлишди, опаси,— Меҳриниса Дзидрани икки қўлидан ушлаб, бағрига тортди,— энди чойни пуфлаб ичади-а?

Дзидра қип-қизариб, кулиб юборди. Меҳринисанинг бағридан чиқиб, Саша билан Лёшанинг ёнига бориб, оғзи куйганини гапириб кетди.

— Бизга рухсат, қизим, — деди Маҳкам ака Муборакхонга, — ҳужжатларини...

— Айтаман-ку, почча, бу ёғини сира ўйламанг. Ўзим тўғрилайман. Сал тинчиб олай, бориб қоламан.

Эр-хотин болаларни етаклаб дарвоза томон юришди. Муборакхон уларни кузатиб чиқди. Йўлакка яқин қолганда орқа томондан «Опа!» деб бақирган овоз эшитилди. Муборакхон ёнига ўгирилиб, шу томонга чопиб келаётган Ренатни кўрди. Эр-хотин ҳам тўхтаб қолишди.

Боятдан бери ўз группасининг деразаси тагида эр-хотиндан кўз узолмай турган бола охири бир нарсани кўнглига тугди шекилли, Муборакхон ёнига келди. Унинг юзига тик қаролмади-ю, бошини эгиб:

— Менам борсам, олишармикин? — деди маъюс.

Эр-хотин бир-бировларига қараб, ҳайрон бўлиб қолишди. Муборакхон ҳам даб-дурустан бир нима деёлмади, хижолат чеккандай бўлди.

Орага чўккан ғалати бир жимликдан болалар ҳайрон эди. Кичиклари унча фаҳмламаган бўлса ҳам, зийрак Дзидра нима бўлаётганига тушуниб, дам Маҳкам акага, дам Меҳринисага жавдираб қарарди.

— Майли. Шахти қайтмасин, қизим. Ўзики, жазм қилдим... — деди Маҳкам ака.

— Қайдам, — иккиланиб қолди Муборакхон. «Сизларни қийнаб қўймасмикин?» дейиш кўнглидан ўтди-ю, Ренатнинг олдида айтолмади, — қани, бу ёққа юричи, — Муборакхон Ренатни қўлидан ушлаб, сал нарига олиб борди. Алланималарни уқтира бошлади. Бола бўйнини эгиб тинглади, ора-сира бош ирғаб қўйди. Шундан кейингина Муборакхон уни Маҳкам аканинг ёнига олиб келиб, болаларга қўшди.

— Болаларни ўпиб қўйинг, опа, эрта-индин ўзим ҳам кириб қоларман.

Ренат Муборакхоннинг бу гапларини «атайи сендан хабар олгани бораман» деган маънода тушунди.

Эр-хотин тўрт болани етаклаб кўчада боришаркан, ўтган ҳам, кетган ҳам уларга тикилишар, таниганлар салом бериб ўтиб, нарироқда тўхтар, орқаларидан қа-

раб қолар, танимаган ёхуд тахмин қилганлар ўзаро пичирлашиб, «Уша тақачи шуми?» дея бир-бировларидан сўрашарди. Маҳкам ака ҳам, Меҳриниса ҳам бунга одатланиб қолишганди. Табиатан босиқ Маҳкам ака бундай пайтларда ниҳоятда эҳтиёт бўлар, қаддини ўлчаб босгандай юрар, салом берган алиқсиз қолмаслигига эътибор берарди. Алиқ олгандаям очиқ чеҳра билан худди таниш-билишни кўргандай миннатдор бўлиб алиқ оларди. Кўпинча у хотинига: «Эл оғзига тушиб қолдик, хотин, эл назаридамиз. Ўйлаб гапириб, ўлчаб одимлашинг керак. Бу назардан қолиш иснод. Шукур қил!..» дерди. Меҳриниса бунга яхши тушунарди. «Айтмасангиз ҳам биладан, жудаям орқада қолган хотин деб ўйламанг», дерди-ю, барибир, худди мана шунақанги пайтларда, болалари билан кўчага чиққанида, беш-тўрт нотаниш таъзим билан салом бериб ўтдимиз, бўлди, унутарди, қўярди. Унутиб-ку, кўчада кўкрагига уриб: «Ҳой одамлар мен ўшаман», дея жар солмасди-ю, аммо қалби ғурур ҳисларига лиммо-лим тўларди-ю, бошини кўтариб, мағрур юрарди. Ёнидаги болалари билан фахрланарди, олиҳимматлик қилаётганидан мамнун бўларди, одамларнинг, етти ёт бегоналарнинг назар-нигоҳидан бир эт семирарди. Бунга ўзи ҳам иқрор бўлиб қўярди. Мақтанмасди-ю, «Кўчага чиқсам одамларнинг таптиданми, ҳайронман, тетик бўлиб, енгил тортиб кетман-а...» дерди.

Улар сув сотадиган дўконча ёнидан ўтиб боришаётганда кимдир: «Ассалому алайкум, опа», деб қолди. Икки қадам олдинда бораётган Маҳкам ака эшитмади-ю, Меҳриниса таққа тўхтади. Салом берган аёл қулочини ёзиб, ёнига келгандагина Қодирхўжанинг хотини Эътиборхон эканини таниди. Зўрға таниди.

— Вой сизмисиз, қаранг, хаёл билан келаётган эканман, танимабман-а,— деди Меҳриниса шошиб қолиб: Аслида у: «Сира танимадим. Шунча ўзгариб кетибсиз!» демоқчи бўлди-ю, зўрға ўзини тийди.

Чиндан ҳам Эътиборхон жудаям ўзгариб кетган эди. «Одам деган ҳам шунчалик тез ўзгарадими? Эт бориб устихонга ёпишибди қўйибди. Қорайиб кетгани нимаданийкин? Кўзлари ич-ичига тушиб, ёноқлари бўртиб чиқибди. Сочларига оралаган оқ кўпайиб, икки чаккасидан энсасигача борибди. Тавба. Шундоқ жу-

вон-а. Ортиқча ташвиши бўлмаса. Қодирхўжа ҳам унақа-бунақа ишдамас. Катта бир заводга директор. Олдида, фронтда эмаски, эрига куйса. Якка бош. Рўзгори бут. Ҳа, энди, қизи бўлса, хат келиб турибди деб эшитдим. Ё шунга куйганиданмикин? Йўғ-э. Битта буники кетибдими...» (Ҳай, ҳай, Меҳриниса, гапнинг гапдан фарқи бор, етмиш икки нархи бор дейдилар. Уйлаб гапиринг. Шу гаплар Тожихоннинг қулоғига етса борми, нақ «бели оғрмаган...» деб, юмталалаб беради-я).

— Ҳой, Эътиборхон, омонмисизлар, Мўътабархондан хат келиб турибдими?

— Шукур. Ўзларингиз тинчмисизлар. Ботиржондан хат борми?

— Тинчмизу, Ботирдан дарак йўқ. Нималигига тушуниб бўлмайди,— деди маъюс тортиб Меҳриниса,— вой, бу ким?— сўради Меҳриниса Эътиборнинг этагини ушлаб олган қизчани кўриб.

— Вой, опа, бир ўзим сиқилиб кетдим. Менам сизга ўхшаб...

— Вой, вой, жуда яхши қилибсиз. Отинг нима?— суйиб, қизчанинг бошини силади Меҳриниса.

— Люба,— деди қиз,— салом, хола. Уша темирчи сиз бўласизми?

Меҳриниса ҳам, Эътиборхон ҳам кулиб юборишди.

— Қаёқдан билдинг?

— Биламан,— деди лабларини чўччайтириб қиз.

Улар хийла гаплашиб қолишди. Нарироқда тўхтаб турган Маҳкам ака аввалига танимаган эди, кейин жувон кўзига иссиқ кўриниб, яқин келди, ҳол-аҳвол сўрашиб, аёллар суҳбатини бўлмай деди шекилли, болаларни етаклаб, аста-секин кетаверди.

Эътиборхон қизи фронтга жўнагандан кейин Муяссарга жудаям суяниб қолган эди. У билан овунарди. Қодирхўжа янги кўчириб келтирилган ҳарбий заводга директор қилиб тайинланди-ю, орадан сал ўтмай Муяссар ҳам ишдан кетди. «Ҳамма фронт учун хизмат қилаётганда мен машинка чиқиллатиб ўтирмаман» деб, парашют заводига кирибди. Бир-икки ой ишлаб, «Қатнашга олислик қиялпти» деб, Эътиборхонларникига келмай қўйибди. Ҳозир ҳам ҳар замонда бир келиб, меҳмондек ўтириб кетармиш. Беш ойдан буён Туробжондан хат келмасмиш. Муяссар бун-

га кўникканми ё ичига ютиб, сиртига чиқармайдами, ҳар қалай парвойи фалак, ўзига юқтирмасмиш. Эътиборхон кечалари алламаҳалгача заводда қолиб кетадиган эрига пайт пойлаб бир-икки бор айтиб кўрди: «Барака топкур, Туробжон кетаётганда хотинингни қоғоздаги қанддек асрайман, бағримизда бўлади, деб ишонтирган эдингиз. Уйга келмаса, қаерларда бўлаётганини билмасак. Ёш нарса...» деган экан Қодирхўжа: «Кичкина боламиди, гапирсам тик қарайдиган бўлиб қолди. Ўзига инсоф берсин...» дебди. Авваллари Эътиборхон Туробжондан ҳар хат келганида кўнгли бузилмасин, деган хаёл билан «Хотининг бағримизда, хотиржам бўл...» деганга ўхшаган ёлғон-яшиқларни ёзавериб чарчаган экан, мана энди буларни ҳам худо кўп кўрди, хат ҳам, хабар ҳам йўғмиш. Шўрлик ўзиники етмагани устига Туробжонники ошиб тушибди. «Бола бечорага ачинаман», дейди Эътиборхон. Қизи Мўътабархон дала госпиталида хирург бўлиб ишлаётганмиш. Хатини канда қилмас, бот-бот пул ҳам юбориб турармиш. «Пули кўзимизга кўринади дейсизми, опа, ўзи омон бўлса бўлгани», дейди Эътиборхон. Хуллас, бу бечорани ҳам ҳам раъибди қўйибди. Рост-да. Палаги палакда, гулкўрпаю дорпечлари шай, ипакликдан кўрпа-ёстиқлар, қўша-қўша хон атласу товар, крепдишину шойидан сарупони муҳайё қилиб, қизимни узатаман деб турганимда фронтга узатса... Осон дейсизми? Бундан уч ой муқаддам мана бу қизчани тарбиясига олган экан. Анча ўрганиб қолибди. Овунчоғим дейди. Унга овунчоқ бўлибди-ю, бироқ қизчага овунчоқ йўқмиш. Қўғирчоғу ўйинчоқларга ҳам қарамай қўйганмиш, ўзидан ўзи хархаша қилиб сиқилган юрагини баттар сиқармиш. Шу важдан бугун тагин болалар келтирилибди деб эшитибди-ю, шу ёққа қараб келаверибди.

— Яна битта қизми, ўғилми олсам, зора иккаласи ака-ука бўлиб, зерикмай юришса,— деди Эътиборхон.

— Жуда яхши, Эътиборхон. Сиз биттасининг зерикиб қолганини ўйлабсиз. Анави,— қўли билан детдом томонни кўрсатди,— кўнгли чил-чил бўлиб, бошини ҳам қилиб ўтирганлар худога нима ёзибди?

Эътиборхон ҳаётда ортиқча ҳам-ташвиш чекмаган, шу билан бирга сиркаси сув кўтармайдиган жувон эди. Меҳринисанинг юмшоққина даккисини дарров

тушунди. Тушунди-ю, жавоб қайтаролмади, гапни бошқа ёққа бурди.

— Рост, опа. Анови, каттангизми?— сўради у болаларни етаклаб, Маҳкам ака билан кетган Ренатни эслатиб.

— Ҳа. Ёши каттароғи, ҳозир олдик.

— Шунини-я.

— Тўрттовини.

Эътиборхон ҳанг-манг бўлиб қолди. Беихтиёр ёнига ўгирилиб, Маҳкам ака кетган томонга қаради. Улар аллақачон нариги кўчага бурилиб, кўздан ғойиб бўлганди. Бир зумда хаёлидан «Уйдагилар нечта эди-ю, булар қўшилса қанча бўлади?» деган фикр ўтди.

Эътиборхон Меҳриниса билан ортиқча борди-келди қилмасди, яширишнинг нима ҳожати бор, ўз тенглари қаторига қўшмас, менсимасди. Эрлари ҳамкасаба бўлганлари туфайлигина онда-сонда кўришиб қолишса, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларини таклиф қилишарди-ю, бироқ булар ҳаммаси мулозиматлигича қолиб кетарди. Меҳриниса эри ишлайдиган идора бошлигининг хотини ҳурматини ҳамма вақт ўрнига қўйгани сингари Эътиборхон ҳам ўз мавқеини сақлар, узангидан туша қолмасди. «Ҳа, ким бўпти, ўша темирчининг хотини-да. Узиям эркаклашиб кетган. Эри билан баб-баравар дам тортиб, босқон урармиш. У билан нон-қатиқ бўлиб, нима ортирардим» дея кўнглидан ўтказарди-да, тил учигагина: «Бир боринг...» деб қўя қоларди. Ҳозир ўша темирчи Меҳриниса эмас, қучоқласа тоғни кўтарадиган, меҳр ўти тошни эритиб, нафасидан бий дала яшнаб кетадиган афсонавий аёл олдида тургандай, унинг қудрати, матонатига икки букилиб сажда қилиш лозимдай туюлди унга. Бу аёл уни ҳам билагидан ушлаб: «Қани, юринг, рўзғор икир чикирлари билан ўралашиб қопсиз, мундоқ яланликка чиқинг, эл-юртга нафингиз тегадиган, кўзга кўринарлироқ иш қилинг, синглим...» демоқчидай қараб турарди. «Йўқ. Мен сизчалик бардош беролмайман», деб юборишига сал қолди. Бўшашиб тушди:

— Опа,— деди у синиқ овоз билан,— шуларнинг бахтига яхшиям сиз бор экансиз.

— Бир манинг қўлимдан нима келарди. Кўрвотсизми, эл-юрт баб-баравар ёнишган. Мана, ўзингиз ҳам қараб туролмабсиз-ку.

Бу гап Эътиборхонга кесатиқдай, даккидай бўлиб эшитилди.

— Мени гапирманг. Мендақаларнинг ўнтасини ишини қиялпсиз, опа. Биладан. Осонмас. Ойим раҳматлик ҳамиша: «Битта аблаҳ чиқса кўпни ташвишга қўяди, битта ақлли кўпнинг ташвишини қилади», дердилар. Сизни эсласам нуқул шу гаплар ёдимга тушади.

— Поччангиз ҳам икки гапнинг бирида «одам бўлмоқ осонмас, хотин» дейдилар. Шу гўдаклар ҳам одам қаторига кирганини кўрсак, шу-да бу дунёдан олиб кетадиганимиз, айланай.

— Эсим қурсин, опа, поччам кутиб қолдилар-а. Мен сизни ушлаб қолдим. Хайр. Бир боринглар.

— Узингиз келинг. Салом денг...

Эр-хотин болаларни етаклаб уйга кириб келишганда кеч бўлиб қолган эди. Кўча эшик олдидаёқ Леся чуғурлаб, чапак чалиб ўйинга тушиб кетди. Галя бири бирига ўхшаш Лёша-Сашаларга тикилиб қолди.

— Вой, анувларни... иккови бир хил-а.

— Эгизаклар-да, қизим,— деди Маҳкам ака,— мана бунинг оти Саша, буниси Лёша.

Болалар шошиб, ўз исмларини айтишди.

— Сашамас, Лёшаман,— деди Лёша.

— Мен Сашаман.

— Барибир эмасми?— деди Меҳриниса.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

Гир айланиб, ўйинга тушаётган Леся эрмак қила бошлади: «Саша-Лёша, Саша-Лёша...»

Чеккароқда қовоғини осилтириб турган Витя Ренат билан таниша туриб, Остапга қараб тўнғиллади:

— Ётишга кўрпачаям етмайди энди.

— Нима, биттасида икки киши ётаверамиз.

— Нонниям шунақа қилиб ейсанми?

— Нимага унақа дейсан. Ўзининг карточкаси бўлади-ку.

Ҳозиргача болаларга аралашолмай, Меҳринисанинг пинжида турган Дзидра Витянинг авзойини пайқаб қолди. Меҳринисани этагидан қаттиқроқ ушлаб, қошларини чимириб, болаларга бир-бир қараб чиқди.

— Бунинг оти Дзидра,— деди Меҳриниса.

Дзидра ўшшайиб, секин болалар ёнига борди. Катта одамларга ўхшаб, бирма-бир қўл узатиб, сўрашди.

Витянинг аъзойига разм солиб, гапларини эшитиб турган Маҳкам ака ер остидан унга бир хўмрайиб қўйди-ю, индамай айвон томонга кетди. «Ғаламислиги қолмади-да... Эҳтиёт бўлмасам газак олиб кетади...»

ВИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОВ

Светлана эшикдан ҳовлиқиб кириб келди-да, олазарак бўлиб ҳовлига кўз югуртирди. Кўпинча ўрик тағидаги чорпояда ёнбошлаб ётадиган Қандолатбибинини кўрмади. Айвоннинг тўрида ярим палла ош қовоқни қириб ўтирганига кўзи тушиб, чопганича олдига борди, маҳкам қучоқлаб юзларидан ўпа бошлади. Донг қотиб қолган кампирнинг қўлидаги қирғичи тарақлаб тунука товоқ устига тушди.

— Нима гап, ҳой, ўзингни бос, тинчликми?

— Бизнинг қишлоқни олишипти...

Сочлари тўзгиган Светлананинг юзидан кулги аримас, кўз ёшларини тиёлмасди. Кампирни қучоғидан қўйиб, ёнига ўтириб олди. Гапираман дерди-ю, ҳаллосларди. Чопиб келганиданми, ҳаяжонданми аъзойи бадани титради.

— Олишипти?— ҳайрон бўлди Қандолатбиби.

— Ҳа, бизникилар киришипти. Душманни ҳайдаб чиқаришипти.

— Вой, шундоқ демайсанми? Ҳайдагани рост бўлсин, болам. Буни қара, эрталабдан бери ўнг кўзим учиб турувди-я. Яхшилиқ хабар олиб келаркансан. Шунга кўринди. Қаёқдан эшитдинг?

— Радиода айтди. Сафоново райони, темир йўл станцияси душмандан батамом озод қилинди, деди.

— Озод бўлсин, болам, илоҳи жумлаи мўмин озод бўлсин.

— Вой, ойижон, қишлоғимизни билмайсиз-да. Шунақанги чиройликки, ҳеч қараб тўймайсиз.

Ағрайиб қолган Қандолатбибининг ҳуши қочди, «Ҳа, ҳар нима бўлганда ҳам, қуш уясини қўмсар экан-да, а. Бечоранинг ичи ёришиб кетди ҳозир...»

— Кўрмаган бўлсамам биламан, болам. Киндик қони тўкилган ер ҳар кимга ҳам азиз бўлади. Омон-омон бўлиб, юрт тинчиса, бориб қишлоғингни кўрасан, болам. Кўнглинг жойига тушади.

— Қанийди. Қанотим бўлса, ҳозироқ учиб борардим. Урмон ичига кириб, овозим борича бақирардим... Биласизми, ўрмонда овоз жуда ғалати эшитилади. Узоқ-узоқлардан акси садо беради. Иннайкейин чопиб бориб, тепалик устига чиқиб олардим, ундан бутун қишлоқ кўринади. Бизнинг уйимиз ҳам, томидаги тунука хўроз ҳам. Клуб биноти, мактаб, қаторасига кетган уйлар, ҳаммаси кўринади... Тепаликда иккита чиройли қайин бор. Биттаси қўшалок бўлиб ўсган. Кўпинча мен шу қайиннинг ўртасига ўтириб, икковини маҳкам қучоқлаб, аргимчоқ учгандай бўлардим. Шу қўшалок қайинни бирам яхши кўраман, бирам яхши кўраман. Нуқул тушимга кириб чиқади. Ҳозир бўлса мана шундоқ қилиб,— у беихтиёр Қандолатбибини қучоқлаб олди,— қучоқлардим-да, юзларимни танасига қўярдим, димоғимга пўстининг ҳиди кирарди. Тўйиб-тўйиб ўпардим...

Қандолатбиби ёш болалардек қувончини ичига сиғдиrolмаётган, гаплари ҳам, эркаликлари ҳам қизларникига ўхшаган Светланаинг қучоғидан зўрға қутулди, белини маҳкам қисиб турган иккала қўлини оҳиста олиб қўйиши билан Светлана юзини кампининг юзидан тортди. Бу ҳолат унга қизлик пайтидаги тотли бир дамни эслатди. Тинмай жавраб, чақчақлаб турган Светлана бирдан бўшашиб тушди, хомуш бўлиб қолди. «Оҳ, қўполлигим ўлсин, шахтини қайтардим-а, оғир ботди, шўрликка», деб ўйлаган Қандолатбиби дарров юпатишга тушди.

— Гўдаксан-а, болам. Дарров аразлайсан. Ахир, ҳоли жонимга қўймаётибсан-да.

Светлана қимир этмай қолган, қулоғига гап кирмасди.

— Вой, ҳазил десам, ротакамига аразладингми. Кела қол, бўлмаса эмизиб қўя қолай,— дея қўлидан ушлаб, бағрига тортган эди, Светлана хахолаб кулиб юборди. Хаёли бўлинди.

— Айланай, оймидан,— деди-да, ўрнидан турди. Шундагина айвонга оёғини ечмай чиқиб келганини пайқади. Хонасига кирди. Ёчинаркан, ёстиқ устидаги чўлоқ қўғирчоққа кўзи тушди.

...Иўлда, бегона шаҳар станциясида поезддан тушиб қолиб, жигарбандини ер бағрига қўйган кунидан буён бу қўғирчоқ унга эрмак, овунчоқ бўлиб қолган-

ди. Бўйи бир қарич ҳам келмайдиган қўғирчоқ ўзи билан бирга чўнтагида, гоҳ тугунда, юм-юм йиғлаб, аламини кўз ёшларидан олган кезларида ҳамдард бўлди, шаҳарлар, кўчалар кезди, одамларни кўрди, бирдан-бир ҳамроҳи бўлиб қолди. Қўғирчоқнинг ўзига яраша тарихи бор: боши қоронғи бўлиб, кўнгли алланималарни тусаб юрган кезларида нима бўлди-ю, бир куни кечқурун ишдан чарчаб келган эрининг овқатини столга келтириб қўйди-да, ўзи ўтирмади. Бирга овқатланишга ўрганиб қолган эри бунга тушунолмай, ўрндан туриб, хотини ёнига кирди, каравотга чалқанча тушиб ётганини кўриб, қўрқиб кетди. Нималигига тушунгач, икки қўли билан унинг юзларидан ушлаб, ўпа бошлади. Қайта-қайта ўпар, қўйиб юбормасди. «Нимани кўнглинг тусайди?» деб сўрар, хотини гапиролмай, бошини сарак-сарак қиларди. Овқат совиб қолди, хонада эса эр-хотиннинг муҳаббат алангаси қалбдан қалбга ўтиб ловиллаб, фарзанд орзу-ҳаваси чақнаган кўзларида, олов юзларида барқ урарди. Кучли ҳаяжон гапни гапга қовуштирмасди. Ташқаридан кампирнинг: «Ҳой, овқатларинг совиб қолди-ку», деган овозидан кейингина эр-хотин туш кўриб уйғониб кетгандай ўринларидан туришди. Эртаси куни эри, эшикдан кирибоқ, чўнтагидан мана шу қўғирчоқни чиқариб хотинига тутқазди. Светлана шу дақиқада худди эри никоҳ тўйи арафасида бармоғига узук тақиб қўйгандаги сингари аъзойи бадани жимирлаб кетди. Қўғирчоқни олиб, унга тикилиб турди-да, хурсанд бўлиб, кўксига босди. Шу кундан бошлаб қўғирчоқ тунда ётоқдаги пардоз столида, кундузлари устига гажимдор оқ тўр ташланган парёстиқ устида турадиган бўлиб қолганди. Қизи қўғирчоқ нималигини билгунга қадар ҳам унинг жойи шу эди. Ёшига яқинлашиб, қўғирчоқни ушлайдиган, икки қўлидан тортқилайдиган, отиб юборадиган, оғзига соладиган бўлганида, бир сафар ўнг қўлини шартта узиб юборди. Орадан сал ўтмай уруш бошланиб, бошига кулфат тушганида Светлана қўғирчоқни ҳам унутди: Ҳар замонда гоҳ буюмлар, гоҳ кийимлар орасида кўзига тушиб қолганида, улоқтириб ташлайверди. Йўлга отланганида кўзи тушиб қолувди, беихтиёр чўнтагига солиб қўйди. Поездагина қизининг хархашаси баҳонаси билан қидириб топди, қўлига тутқазган

эди, ҳар гал қиқирлаб ўзини ташлайдиган, ола солиб дарров оғзига тиқадиган чақалоқ қўғирчоққа қайрилиб қарамади ҳам, бунга ҳоли қолмагани. Светлана уни буюмлари орасига ташлаб қўя қолди. Турар жойи тайин бўлиб, устидан чизимча билан боғланган кичкинагина шалоқ чамадонидаги бисотини ёйганидагина шулар ичидан чиққан энг қимматли, қадрдон буюми шу бўлди. Ола солиб, кўксига босди. Гуп этиб чақалоқ бўйи димоғига урилди...

Қандолатбиби Светлана уйига кўчиб келган куннинг эртасига унинг хонасига кириб, ёстиқ устига ётқизиб қўйилган қўғирчоқни кўриб, ҳайрон бўлди. Узоқ тикилиб туриб, оҳиста қўлини узатди, олиб у ёқ-бу ёғини кўрди, назарида уруш шу қўғирчоқнинг ҳам бир қўлини узиб, майиб қилиб қўйгандай бўлди. Яна жойига — қандоқ бўлса шундоқлигича қўйиб қўйди, Светланага сездирмади. «Шўрлик. Шу билан овунса керак-да» деди ўзича ва бу ҳақда Светланадан ҳеч нарса сўрамади, ярасини янгилашни истамади. Шундай қилди-ю, бироқ ўзи ҳам ҳар куни, Светлана ишга кетдими, уйига бир кириб чиқадиган, киргандаям унга сирли туюлган шу ёстиқ устидаги чўлоқ қўғирчоқни кўргани кирадиган одат чиқарди. Нимага бундай қилаётганини ўзи ҳам сезмасди. Анча вақтгача шунақа ўгринча кириб юрди, Светлана сезиб қолиб, қўғирчоқ тарихини айтиб берганидан кейингина кўнгли таскин топгандай бўлди-ю, шунда ҳам ҳар уйга кирганида аввал кўзи шунга тушадиган бўлди. Қордай пар ёстиқ устида қўғирчоқ туриши хонада кўрпа-ёстиқ бўлиши зарурдай бир нарса бўлиб, қолганди...

Светлана кўкрак бурма кенг кўйлагини кийиб, қўлига қўғирчоқни олди-да, ўзини каравотга ташлади. Қўғирчоқни кўксига қўйиб, кўзларини юмди, хаёл дарёсига фарқ бўлди. Уша қўшалоқ қайин ўртасида ўтирди, қишлоқни кезиб чиқди, ўрмонда югурди, қарағай шохларини эгиб баргларини шитирлатиб узди, ҳалқоб сувларни шалоппатди, қўшиқ айтди, анҳорга тушди, эри қўғирчоқ олиб келган дамларини кўз олдига келтирди. Анчагача шу алфозда кўзи юмуқ хаёлот кайфи билан маст бўлиб ётди.

Ҳар гал ишидан келиши ҳамона кийимларини ўзгартириб, олдига чиқишига одатланиб қолган Қандо-

латбиби бутун бир қовоқни қириб тамомлади ҳамки, Светлана хонасидан чиқмаганига ҳайрон бўлди. «Очи-либ сочилиб кириб келди-ю, бирпасда сўлиб, уйига кириб кетди. Ё бояги...— ўйларди Қандолатбиби,— онамни эслаб қучоқласаму, кўкрагимдан итариб ташласа, деб оғир олдимикин-а? Кўнгил деган нарса капалакдай нозик бўлади. Ҳой, қишлоғи-ку, озод бўлибди. Мени ташла-аб кетиб қолса-я... Вой шўрим. Энди бу-нисиям ташлаб кетадими?» Уни вақима босди. Қовоқ пўчоқларини йиға туриб чақирди:

— Салтанат, ҳой Салтанат, ухлаб қолдингми?

Светлана чўчиб тушди. Ирғиб ўрнидан туриб, ўзини эшикка отди.

— Ҳа, ойи, вой, шошманг, шошманг, ўзим йиғман,— югуриб бориб Қандолатбиби қўлидан патнисини олди,— хаёл суриб кетибман...

«Хайрият» деб қўйди ичида Қандолатбиби унинг авзойига назар ташлаб.

Светлана самоварга олов солиб келиб, айвонни йиғиштирди. Хонтахтани ўртага суриб, кўрпача ёзди. Қуруқ намат устига ўтирган Қандолатбибинини койий бошлади.

— Ҳеч шу одатингиз қолмади-да, ойи, дунёга икки марта келасизми. Қават-қават кўрпача солиб ўтиринг дейман-ку сизга. Туринг, бу ёққа ўтиринг,— деди деворга пар ёстиқни қўйиб.

— Қайнанадан ўргилай, шунақа тийиб туришларингни бирпас эшитмасам хумори тутади-я. Борадиган, ётадиган жойим ер, болам. Ушанга ўрганай дейман-да.

— Нафасингизни иссиқ қилинг, тагин шунақа гапни бошладингизми.

— Хўп, хўп, болам, тавба қилдим. Ҳой, Салтанат, кўзим учиши қолмаяпти-я,— у бармоғини ҳўллаб қовоғини кетма-кет силаб қўйди,— хушхабар олиб келдинг, шунга йўйган эдим, тагин нимага.... вой, вой, буни қара, қовоғим ўйноқилайди-я.

— Сурма сургингиз келаётгандир.

— А?!

— Ё ўсма сиқиб берайми?

— Ҳа, вой...— энди эсига тушди, кулиб юборди ва шу заҳотиёқ авзойини ўзгартириб, шалпайиб тушди, ҳоли жони қолмагандай пастки лабини осмаптириб,

кўзини сузиб, бошини эгиб олди-да, Светланага қаради.

— Йўқ-йўқ, йўқ-йўқ,— дея бошини сарак-сарак қилди.

Светлана қотиб-қотиб кулди, унга сари кампир бошини бир томонга қийшайтириб, тиззасига теккудай эгиб, кўзини очолмаётганга ўхшатиб, шалпаярди.

— Сиқиб бера қолай, муздаккина қўйиб оласиз?

— Йўқ, йўқ, йўқ,— зўрға овозини чиқариб, бошини қимирлатди.

...Кечқурун ишдан қайтган ўғил сандалнинг бир чеккасида беҳол, мункайиб ёстиққа суяниб ўтирган онасига раҳми келибди. Хотинидан сўрабди.

— Қарадингми. Қоринлари очгандир?

— Вой, нима деяпсиз. Кўзингизга дарров онангиз кўринади-я. Кўнгиллари тусаганини муҳайё қилипман-ку, ўлайми,— деб жеркиб берибди ва эрини ишонтириш учун қайнаnasi ёнига бориб, пахтадай юмшоқ бўлиб: «Ўсма сиқиб берайми, сурма суртасами?» деб сўрабди. Толиқиб, қолдан тўйган кампир «йўқ-йўқ» дея жавоб берган экан, эрига қараб, «Эшитяпсизми? Қуймоқ ҳам, қовурдоқ ҳам емайман дейдилар. Юмшоқкина ширгуруч қилиб берай десам ҳам йўқ деяптилар...» — дебди.

Лақма эр, маккор хотин, муштипар она ҳақидаги бу ҳангама содир бўлган воқеами ё шунчаки афсонами, бунини Қандолатбибининг ўзи ҳам билмасди. Аммо келиштириб, ўзи қайнана бўлиб айтиб берганида ичакни узарди. Светланага жуда ёқиб қолганидан ҳар замонда, айниқса, Қандолатбибининг чиройи очилмай турганида шу воқеани такрор эсига туширар ва икковлари бирпас кулишиб олишарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Кула-кула бориб, самоварни олиб келди. Чой дамлади.

— Илоҳим суюнганнинг рост бўлсин, болам, бирам хурсандсанки бугун.

— Ҳаммаси кўз олдидан ўтаётпти,— деди Светлана чой қуя туриб,— худди қишлоғимда юргандайман.

— Юргин, илоҳи юргин, болам... Ҳой, Салтанат, анча одам яшармиди қишлоғингда. Ҳаммалари омонмикин?

— Вой, ойижон, айтдим-ку, қишлоғимиз жуда катта эди. Ёшлар урушнинг эртасигаёқ фронтга жўнаб кетишди. Қолганлари партизанларга қўшилиб кетди. Бизни бу ёққа жўнатишаётганда немис яқинлашиб қолган эди. Отилган замбараклар ўрмонга, сувга келиб тушарди. Шу пайтда қишлоқда чоллару, кампирлар қолганди. Улар киндик қонимиз тўкилган ерни ташлаб кетмаймиз, деб туриб олишди. Билмадим, ҳоллари нима кечдийкин.

— Омондир, болам. Наҳотки чол-кампирларга ҳам азоб берса?!

— Шунақа дейсиз-да, ойи. Менинг ойимни нима қилишди... Биздан уч ҳовли нарида Серафима хола деган кампир бор эди. Жуда яхши хотин. Бутун қишлоқ ҳурмат қиларди. Ойимнинг жасадини кўмишда ҳам Серафима холам бош бўлди. Шуңдоқ кўз олдимда турибди. Эрлари ўрмончи эдилар. Худди Ориф отага ўхшаган баланд бўй, оппоқ соқоллари кўкрагига тушган, келишган чол эдилар. Ҳаммага маслаҳат берар, насиҳат қилардилар...

Қандолатбиби чой ҳўплаб туриб, пиқ этиб кулиб юборувди, қалқиб кетди, оғзидаги чойи дастурхонга сачради. Куйиб-пишиб гапираётган Светлана нималигига ақли етмай, гапида тўхтади. «Куладиган ҳеч нима демади шекилли?» Ҳайрон бўлганича Қандолатбибига тикилди. У ҳамон ўзини кулгидан тўхтатолмасди, оғзига гап келмасди.

— Нима бўлди, ойи?

— Ориф отага ўхшаган дедингми?

— Ҳа, жудаям ўхшардилар.

— Ўхшаса майли-я, қилиғи ўхшамасин,— яна кулди Қандолатбиби,— кел, қўй, гапингни гапиравер, кейин айтиб бераман.

— Нимани?

— Уша Ориф отангни. Гапиравер, гапиравер...

Светлана ҳеч нарсага тушунмади.

— Ниманиям гапирардим. Шуларга ўхшаган қариялар қолишганди. Нима бўлдийкин? Нуқул Серафима холамини ўйлайман. Ойимнинг қадрдони, қизимга доя бўлгандилар.

— Асли шу ёққа олиб келавермабсан-да, бечорани. Ўғил-қизлари бормиди?

— Иккита ўғиллари фронтга жўнашди. Битта қизлари институтни битириб шу томонларга, буни қаранг, ўша вақтда билмасдим-да, Тошкентгами ё Чимкентгами ишга кетганиди. Уруш бошланиши билан дарров етиб борди.

— Вой, шўрлик. Ҳайтовур ўғилларининг ўрнини билдирмаяпти. Бағрида дегин?

— Қаёқда. Бир-икки ҳафта қишлоқда бўлди-да, бирдан кўринмай қолди.

— Кўринмай қолди? Нечук?— қиз боланинг тўсатдан ғойиб бўлишини бошидан ўтказган Қандолат-биби яраси янги бўлиб, ҳуши қочди. Светлананинг оғзига тикилиб қолди.

— Партизанларга қўшилиб кетибди.

— Вой қизи тушмагур-ей, онасига айтибдими ахир?

— Ҳа, айтиб кетган.

— Ҳой, Салтанат, қизлар нима қилишади партизанликда?

— Вой, ойи, қизларни айтасиз, ёш болалар ҳам партизан бўлиб кетишган. Валя-ку, алоқачи эди. Жудаям керак бўлади.

— Улар ҳам уруш қилишадими?

— Ҳа. Яшириниб олиб, душман орқасига ўтиб, шунақанги адабини беришадик. Фашистлар партизан деган сўзни эшитишса, дир-дир титрайди.

— Сирожиддиним ҳам шунақа партизан бўлиб кетганмикин-а?

— Ажабмас. Агар партизан бўлиб кетган бўлса, хат юбориши ҳам анча қийин бўлади. Партизанлар турган жойларини ниҳоятда эҳтиёт қилишади. Яширишади.

— Тилларингга новвот, болам. Зора уям ўшалар билан бирга бўлса... Омон бўлса бас.

— Бизлар йўлга отланганда Даниил бобо ҳам кўринмай қолганди. Уям партизанларга қўшилиб кетибди деб эшитдик. Кечаси Серафима холаникига шпион келибди деган гап тарқалди. Эрталаб қарасак, шпион дегани бир қиз бола экан. Серафима хола гап тарқатганларни койиб берди. «Ҳеч қанақа шпионмас, қизимнинг ўртоғи, бирга ишлашган, Тошкентдан келибди», деди.

— Вой. Тошкентдан?

— Янглишмасам Тошкентдан девди. Эри фронтда экан, шу томонда деб эшитиб, ўртоғининг уйига кела-верибди.

— Ўзбек қизими?

— Ростини айтсам ўзбекми, тожикми ўзим ажратолмадим. Сўраш эсимга ҳам келмади. Ҳар қалай рус эмас. Отиям русчамас. Алланима девди, эсимда қолмади. Мана шунақа Санобар, Салима, Салтанатга ўхшаган эди. «Валя мени Соня деб чақирарди» дейди. Қош-кўзалари, сочлари қоп-қора, юзлари оқ-сарикдан келган, ўрта бўйли, келингангина қиз. Ўз ташвишим билан бўлиб, ортиқча гаплашолмовдим. Энди ачина-ётибман. Сўраб олганимда, уйдагиларига хабар қилардим.

— Шундоқ азим шаҳарда қаёқдан топардинг уйини.

— Адресини билсам-ку топардим-а. Бечора у қаёқда юрганийкин. Серафима холамини қаранг, душман босиб келаётинти-ю, «Қизимнинг ўртоғи», деб уйдан жой берибди-я.

— Ростданам ўртоғи эканми?

— Ким билади дейсиз. Валя шу томонларда ишлаганини билардим. Бўлса бордир. Шундан шунга эрини қидириб борганини айтмайсизми? Топганда ҳам нима қила оларди. Уруш бўлса,

— Вой болам, ҳар каллада ҳар хаёл. Ўйлагани бордир. Ким билади дейсан, нималарни кўнглига туғиб борган.

— Душман кўзига кўринмаса-ку, ҳай-ҳай. Кўринса қўймайди.

— Нима қилади?

— Инсофга келса Германияга ҳайдаб кетади. Бўлмаса отиб ташлайди.

— Вой, бечора, ажал қувлаб борган бўлса-я. Тавба. Худоё тавба, айтганимга тавба қилдим.

— Қаранг ойи, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ шу қиз кўз олдимдан кетмаяпти-я. Сўраб олмаганимга ачинапман.

— Билмагансан-да, болам. Уруш ўлсин. Одамларни тентиратиб қўйди.

— Шуни айтаман-да. Мен бу ёқда сарсон, у ёқда, у нима қилиб юрибдийкин?

— Ҳой, Салтанат, хат ёзсанг бера-а?

— Узимам шуни ўйлаб турибман. Энди хат ёза бўлади.

— Ёз, болам, ёз. Уша Серафима холангдан ҳам, эридан ҳам хабар оласан. Кўнглинг жойига тушади.

— Ойи, Ориф ота нима қилибди?

— Э, Ориф отангни ел ёпсин, бамаъни чол деб юрсам, ақли ўлгур калта экан. Юртда шундоқ қиргин уруш бўлиб турган пайтда-я. Мана, ўзинг айтдинг, Уша Даниил бобонг кампири ҳам кўзига кўричмай, партизан бўлиб кетибди. Ориф отанг бўлса, қариганда кўнгиллари хотин тусаб қопти.

— Нима, ёмонми?— Светлана кулди,— ишқ-муҳаббат ёшга қарайдими?

— Улибдики, саксонга киргандаям ишқ-муҳаббат деса. Бу ёқда уруш бўлса.

— Уйланибдиларми?

— Ҳа. Анави Иқбол сатангга уйланибди.

— Дастурхончи хотинга-я?

— Ҳа. Уйланибдиям, биринчи куниёқ шарманда-сиям чиқибди.

— Вой, нега, ойи?

— Нимага бўларди. Худонинг қаҳри келса шунақа бўлади. Никоҳ куни хотинга қўшилолмаё шалпайиб чиқибдилар...

Худди шундай бўлса керак деб ўйлаб ўтирган Светлана бирдан ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Иннайкейин нима бўлибди?

— Азонда туриб, жойнамоз устига ўтириб, «Эй худо, шундан бенасиб қилмагин мени» деб фотиҳа ўқиса, орқада ўтирган Иқбол сатанг ҳам қўлини очиб «Омин!» дермиш...

Светлана ҳеч ўзини тутолмади, қўлларини тиззасига уриб куларди. Қандолатбиби кула-кула кўзлари ёшланди.

— Беҳаёлигини қарагинки, бу гапни Иқбол сатангнинг ўзи айтиб юрибди.

— Уялмай-нетмай-а?

— Шуни айтаман-да. Бетавфиқни қара. Мана энди, Ориф отанинг одамлардан қочиб, кўчагаям чиқолмай, юзи шувут бўлибди. Қариганда қармоққа тушган деб шуни айтадилар-да.

Кўча эшик тақилламади-ю, бир тавақаси шарақлаб очилиб ҳовлига почтальон кириб келди. Шошиб

салом берди-да, қўлидаги тумор нуска конвертни ҳовлига сакраб тушган Светланага тутқазиб чиқиб кетди. Гап гапда қолди. Қандолатбиби «Тагин кимдан хат келдийкин?» деган жаёлда Светланага тикилди. Кейинги пайтларда бу хонадонга келадиган хатлар Светланага тегишли бўларди. Шунга ўрганиб қолган Қандолатбиби ҳам «Қани ўқисин-чи, кимданлигини айтар» деб, бамайлихотир лунжидаги туршакни шимарди. Светлана бирдан қичқириб юборди:

— Сирожиддиндан, ойи, Сирожиддиндан!

Қандолатбиби ағрайиб қолди, оғзи катта очилиб, тили устида турган туршак этагига тушди, ранги қув ўчиб, кўзлари юмилди, боши шилқ этиб, ёстиққа тушди. Светлана қўрқиб кетди. Югуриб уйдан аллақандай дорилар олиб чиқди. Виттасидан пахтага томизиб, бурнига ҳидлатди, пешанаси, қовоқлари, икки чаккасига суртди.

— Ойи, ойижон. Кўзингизни очинг... Мана бу чойдан ҳўпланг,— ёстиқ аралаш бошини сал кўтариб, илиқ чой ичирди.

Қандолатбиби сал тетикланди, кўзларини очиб, Светланага тикилди. Зўрға гапира бошлади:

— Нима депти? Омонми ўзи?

— Уқигани қўйдингизми,— дейди Светлана эркаланиб.

— Қандоқ қилай, ўзимни билмай қоламан-да, болам. Худога шукур, омон экан, бор экан. Қани, ўқи. «Меҳрибоним, онам! Жигарим Салтанат!..»

— Жигарим деган тилларингдан ўргилай,— шашқатор ёш тўкиб юборди, йиғи аралаш бўғилиб гапира бошлади,— дунёдан кўзи очиқ кетган жигарингдан жудо бўлдинг, болам, худо манга бошқасини етказди, мана олдимда...

— Ойи!..

— Уқи болам, ўқи,— энги билан кўз ёшларини артди она.

— «...Узоқ вақт хат ёзолмаганим учун кечиринглар. Хат ёзиш ёки бошқа бирон йўл билан сизларга хабар етказишнинг сира иложи йўқ эди. Аммо ҳамма вақт, энг оғир дақиқаларда ҳам юрсам ёнимда, бурсам, бурсам...— қийналиб ўқирди Светлана,— турсам экан,— деди сўзини топиб,— турсам олдимда бўлдинглар. Ойим бечорага ачинаман. Хатимга кўз тикиб чарчаган»

дирлар. Салтанат. Балки «Ҳалок бўлди, бедарак йўқолиб кетди»га чиқариб қўйгандирлар. Йўқ. Мен тирикман, саломатман, ойижон, синглим. Ярим соатгина вақтим бор эди, аввал дадамга хат ёздим...»

— Оҳ, болагинам,— кўзларидан дув ёш тўкиларди,— яхши қилибсан, ёз, болам, манданам салом дегин. Ҳадемай олдингизга бориб қоларлар дегин...

— Ойижон,— Светлана ҳам ўзини тутолмасди-ю, уни юпатмоқчи бўларди.

— Ҳой, дадангнинг турган жойи бошқа бўлган-а, биласанми? Нариги дунёга, қаро ерга ёзсанг тўп-тўғри бориб тегади... Ўқи, болам, нимага жим қолдинг?

— «...Энди сизларга ёзаётибман. Фурсат етса Ботирга ҳам ёзаман. Яна хатим тўхтайтиди. Қай вақтгача — бунисини айтолмайман. Сен бунга тушунасан, синглим, ойимга тушунтириб қўй. Менга хат ёзмай туринглар. Адресим йўқ. Хавотир олманглар. Ойимга қара, жон синглим...»

— Қараб турибди. Қараб турибди, дедим-ку!.. Вайдод!

— Ойижон, ўзингизни босинг!!

— Қараб турибди, сув париси бўлиб қараб турибди, эшитдингми, Сирожиддин?

— «...Сенга ҳам қийин бўлди, ҳам ўғилсан, ҳам отасан, ҳам қизсан... Саломат дийдор кўришсак, ойим билан баб-баробар кафтимга кўтараман, синглим, жигарим. Хайр. Ҳаммага салом айт. Сизларни соғиниб, Сирожиддин...»

— Сирожиддин! Сирожиддин! Отларингдан айланай. Ана, айтдим-ку, ўғлим тирик деб. Яхшиям ўзимни... Яхшиям шайтоннинг сўзига кирмаганим.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Сут билан кирган жон билан чиқади дейилганидек, Тожихонга ҳам қўшненикига мўралаш қўндоқда теккан. Азали аввалдан шу, кунига ҳеч бўлмаганда бир марта нарвонга чиқибми, офилхона тепасидаги болохона туйнугиданми ё хас-чўпни тозалаш баҳонаси билан томдан турибми — ишқилиб, қўшненикига бир мўралаб олмаса егани ичига тушмайди.

Бугун ҳам тонг палласида туриб, оdatини канда қилмади. Ҳовузчада нари-бери ювинди-да, тандир ёнида турган нарвончага чиқди. Ҳовлини кўздан кечира бошлади. Супада қатор тизилишиб болалар ухлаб ётишпти. Эр-хотин кўринмайди. «Ишда бўлса керак эри,— ўйлади ўзича,— Меҳриниса ҳам йўқ-ку? Қаёқда экан?» Ҳайрон бўлганича иягини нарвон поясига қўйиб тикилиб қолди.

— Нима қилиясиз, опа?— хонасидан ҳовлига чиққан Марфанинг овози унинг хаёлини бўлди.

— А? Ҳа. Ўзим. Шунча...— оҳиста пастга тушди,— барвақт турибсанми?

— Шундаям сиздан кейин турдим,— деди кулиб Марфа,— бугун вақтлуроқ боришим керак.

Марфа ювингани ариқ лабига ўтирди. Меҳринисанинг қаёқдалигини билолмаган Тоҷихон бутун вужудини қулоқ қилиб, девор томонга тутганича нарвон ёнида туриб қолди. Марфа Ильинична илдам ювиниб, хонасига кириб кетувди ҳамки, Тоҷихон нарвонга оёғини қўйди, юқорироқ чиқди. Ҳовлига тикилди. Дарахт тагида мудраб ётган сигир-бузоқдан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Супадагилар донг қотиб ётарди.

Кийиниб, хонасидан чиққан Марфа унга қараб, ҳайрон бўлиб қолди. Секин олдига борди.

— Бир нимани қидираётибсизми?

— А? Йўқ. Меҳриниса бормикин деб қаровдим, кўринмайди. Шу топда қаёққа кетибдийкин деб ҳайрон бўлиб турибман.

— Рўзғор ташвиши билан кетгандир-да, опа. Очедрага чиққандир.

— Йўқ. Эшиги орқасидан занжир-ку.

Марфа Ильинична бу ҳовлига келганига анча бўлиб қолган бўлса ҳам ҳалигача қўни-қўшниларни яхши танимасди. Кўп болали бу хонадонни билар, эрини ҳам, хотинини ҳам кўриб қолганида саломлашиб ўтарди-ю, ҳовлисига кирмаганди. Азонда кетиб, қош қорайганда ишдан қайтар, кўпинча дам олиш кунлари ҳам қолиб кетар, ҳар замонда уйда қолса ҳам ўзи билан ўзи селвор бўлиб, у ёқ-бу ёққа боролмасди. Тоҷихон билан ҳам ортиқча эзмалашиб ўтирмасди. Аммо табиатига сал-пал тушуниб қолган, унда-бунда шу оиладан, Меҳринисадан нолиб гапирганида ўзини

билмасликка олиб кетарди. Ҳозир, нарвонда тургани уни қизиқтириб қолди.

— Ҳовлилари кенгми, опа?

— Кенг эди, торайиб қолди.

— Нега?

— Шунча болани қаёққа сирдириб бўлади, ҳали қараб тур, экинини олиб, анови томониниям қўшиб юборишади, барибир ўшандаям тинчлик беришмайди.

— Опа, нуқул шунақа дейсиз. Болалар жудаям шўхми?

— Вой, шўхам гапми, эрта кетиб, кеч келасан, билмайсан-да, опанг ўлгур бекорга каллаи саҳарлаб турармиди,— ишонарли важ топганидан хурсанд бўлиб кетди,— шулар ётганида бирпас ҳовли юзида роҳат қилай дейман-да.

Дўконхона олдидаги пўстакка жой қилиб, лавлаги артиб ўтирган Меҳриниса бир қўлида пичоқ, бир қўлида ярим артилган лавлагини ушлаганича ағрайиб қолди. Тожихоннинг гапларини эшитаркан, шайтоё минг ёққа бошларди: «Дод солсанг, одам тўпланани, очди қилиб оласан», «Яхшиси қўлингдаги пичоқни улоқтир, қачонгача тоқат қиласан...», «Қасдингни еяшти-я, бирдамас-бирда болаларингга чанг солади...» шайтонга ҳай бериб, тишини тишига қўйиб ўзини босарди.

— Кўнглингга олмагину, Марфа, дастлаб сени уйга киритишда «Қандоқ бўларкин-а», деб иккиланганим ҳам шундан эди, ҳамм. Ўзим ўлиб бўлганман, сенинг ҳам жонингга тегади деб ўйлардим-да. Яхшики, уйда кам бўласан... Чиқ, мана бу ерга оёгингни қўй, кўрасан болаларини...

Марфа Ильинична тандир ёнига тахлаб қўйилган гишт устига чиқиб, ҳовлига қаради, супага кўзи тушди.

— Қаранг, қатор ётишипти-я. Тўполон қилишадими?

— Тагин сўрайди-я. Безори, айланай сендан, безори. Бир қарасанг ойнамни чил-чил қилган, бир қарасанг Қудратни уриб, қон-қон йиғлатган, бир қарасанг нон талашиб, бир-бировини еб қўяй дейди. Ҳовлини бошига кўтариб, тўполон қилганда бу ерда ўтириб бўлмайди, жоним ҳиқилдоғимга келади.

— Унта девдингизми, опа?

— Унтанг нимаси, мана, ўзинг сана.

— Қўйинг. Ўзим биттасини энлолмаган, бировникини санаб нима қилдим.

Тожихон Марфанинг шамасига ё тушунмади, билиб билмасликка олди. Ўзи санай бошлади.

— Бир, икки, уч, тўрт... саккиз, саккиз... ўн бир... Янглишмадимми?

— Ўзи нечта?

— Ун учта. Биттаси қани-а? Ҳув ана, кичиги, опасининг пинжиги кириб кетибди. Меҳриниса ўзи олиб ётарди бунисини...

— Анави чеккадагиси каттасими?

— Ҳа. Ўзи кириб келгани шу.

— Ўзи?

— Ҳа. Кўчада санқиб юрган экан, қараса тайёр жой... кириб келди. Айтдим-ку сенга, ҳовлимас, карвон сарой бўлиб қолди, деб... Келаверишади. Ҳали қараб тур, бошларига таёқ тушириб, бир чеккадан кетишганини кўрасан. Эплаб бўпти ҳаммасини. Ўзиям бўларича бўлди. Лак-лак бисотидан айрилди, қоққанда қозиқ, оғанда хурмача қолмади. Битта сигир билан қаёққа ҳам борарди...

Меҳриниса минг ўзини босгани билан бўлмади. Ич-ичидан титроқ келди, қўлидаги пичоқ, лавлаги тоғорага тушди. Боя ловиллаб ёнган ғазаб ўти оҳиста пасайдими ё аъзойи баданига тарқалдими, ҳар қалай хўрликка айланди. Бунчалик хўрланмаган, эзилмаган эди. Ҳаммаси ҳаммаси-я, бисотидан айрилганини қаёқдан билиб олибди? Нима иши бор? Шунча яширгани, сир бой бермай юргани ҳам бир бўлибди-ю, Тожихоннинг билиб қолгани ҳам... Бўлмаса баъзи кўзга ташланадиган буюмларни қош қорайганда уйдан олиб чиқиб кетарди. Буларни қаёқдан кўрибдийкин-а? Тавба... Тожихоннинг ҳозирги гапи Коля келганида Витянинг ғаламислик қилганини эслатди.

...Рост. Коля ўзи кириб келди. Ҳаммалари супадаги хонтахта атрофида тушлик қилиб ўтиришарди. Қўча эшикнинг бир тавақаси оҳиста очилиб, ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги новча, ориқ, абжир, кўз қарашлари тийрак бола ҳовлига мўралади, уни биринчи бўлиб Витя кўриб қолди. Кўрди-ю, кўзлари косасидан чиқиб кетди. Сакраб ҳовлига тушиб, болани ҳайдамоқчи

бўлди-ю, дадасидан ҳайиқди. Бола шапкасини қўлида гижимлаб, ичкарига кирди. Супа томон юра бошлаган эди, Маҳкам ака уни кўриб қолди. Бола ҳовлининг ўртасида тўхтаб, бошини шикаста эгиб, салом берди:

— Бола олаётганмишсизлар деб эшитдим. Шу ростми?— дўриллаган овози зўрға чиқарди.

Маҳкам ака кийимлари қоракуями ё қорамойга беланган, башараси ҳам кир болага тикилиб турди-да, нима деярини билмай хотинига бир қараб олди.

— Хўш, нимайди, болам?

— Мениям оласизми?— гапиргандагина бошини кўтариб, кейин яна ерга қараб олди бола. Супадагиларнинг ҳаммаси унга тикилиб қолишганди.

Энди Меҳриниса ҳайрон бўлиб эрига қаради. Витянинг тоқати чидамади, нафаси оғзига тиқилиб, бақириб юборди.

— Йўқ, керакмас, олманг. Кўчада ҳамма уйларинг детдом бўлиб кетди деб масхара қилиб, кулишяпти...

Маҳкам ака Витяга ўқрайиб қараб олди. Болалар ҳаммаси бир унга, бир ота-оналарига қарашарди. Ҳовлида турган бола оҳишта орқасига ўгирилиб эшик томон юра бошлаган эди, Маҳкам ака уни тўхтатди.

— Бу ёққа кел. Отинг нима?

Бола тўхтаб, орқасига ўгирилди:

— Коля,— деди маъюс.

— Бери кел, ўтир Коля,— деди Маҳкам ака ва ёнидаги Витяга ўгирилди:

— Ким санга шундай деди?

— Анави Тожиҳон хола ҳаммага айтиб юрибди. Уғли Қудрат ҳам...

— Ҳа, ҳа. Улар айтибди. Ўзинг нага бунчалик хуноб бўвотсан? Коля сани нонингни емайди, ўз насибасини ейди, қўрқма. Униям карточкаси бўлади. Жуда қийналиб қолсак, ман бунданам кўпроқ ишларман...— у Коляга қаради,— ўтир, ўғлим, нага тик турибсан?

— Кийимларим...— дудуқланди Коля.

— Ҳечқиси йўқ, ўтиравер, ҳозир ювиниб оласан. Қаерликсан, Коля?

— Смоленскдан келдим.

— Ҳеч киминг йўқми? — қизиқиб сўради Дзидра.

— Дадам фронтда ҳалок бўлди. Ойим бомба тағида қолди.

Маҳкам ака буни эшитиб дарров гапни буриб юборди.

— Манга қара, Коля, майли, оламиз, ўғлим. Мани ота, буни она десанг, буларни укаларим дейдиган бўлсанг, оламиз. Хўпми?

— Хўп бўлади.

— Шуниям унутмагинки, болаларнинг ҳаммасиям сув бўлса симириб, тош бўлса кемиришади. Бир маъини қирқ бўлиб ейишади. Уқтингми?

Коля итоаткор бошини ирғади...

«Худди тепасида тургандай гапиради-я, касофат...» деб қўйди ўзича Меҳриниса.

Шу пайт девор орқасидан Марфа Ильиничнанинг гапи эшитилди:

— Осонмас, опа, шунча болани эплашни ҳам айтинг.

— Шуни айтаман-да. Нима зарур эди дейман шунча болани олиб. Етим — етим-да, айланай сандан. Ўзиникидай бўлармиди. Тагин ҳар хил миллатдан-а...

Марфанинг томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Титраб кетди. Тожихонни койиб бермоқчи бўлди-ю, ўзини зўрга босди.

— Юрагига балли-е, шуларнинг, опа. Тоғ экан, тоғ!

— А?

— Ҳа, сизга қийин экан дейман, — энсаси қотган Марфа сакраб пастга тушди.

Жаҳл чиқса ақл кетар деганидек, Меҳриниса боя шайтоннинг сўзига кириб қизишмагани яхши бўлган эди. «Марфа чакана гап қилгани йўқ. Тамизи бўлса ўшанинг ўзи калтак», деб қўйди-да, бирпас девор томонга қулоқ бериб ўтирди. Овоз чиқмай қолгандан кейин ишига унади. Тез-тез лавлаги артар экан, аста-секин дили ёриша бошлади, ширин хаёл чулғаб олди. Болаларнинг бирин-кетин катта бўлиб, уйланиши, эрга тегиши, ўзларидан кўпайишини кўз олдига келтирди. «Ана ўшанда кўрсин қасд қилганлар. Ичидан қиринди ўтсин...» деб қўйди ўзича ва меҳр билан супага тикилиб қолди. Марика бошини опасининг кўкрагига суқиб ётибди. Галя битта оёғини Лесянинг

белига ташлаб олибди. Сапа-Лёша оғиз-бурун ўпишиб ётибди. Сарсонбой Витянинг бўйнидан қучоқлаган.

Меҳриниса буларни кўриб, чиройи ёришиб кетди.
«Шукур, минг қатла шукур...»

Витя бўғилди шекилли, кўзи очилиб кетди, жаҳл билан Сарсонбойнинг қўлини олиб ташлади. Кейин оҳиста бошини кўтариб афтига тикилиб турдида, лунжига мушт туширди. Чўчиб уйғонган Сарсонбой нималигига тушунолмай, кўзларини ишқалади, уйқусираб, гўлдиради.

— Ҳадеб бўйнимдан бўғаверасанми?— деди унга ўқрайиб Витя.

— Нима-е. Қаёқдан биламан уйқумда...

— Билмайсан-а, билмайсан...— деди-да, яна бир мушт туширди.

Сарсонбой йиғлаб юборди. Қўлини муштлаб у ҳам урмоқчи бўлудди, Витя чаққонлик қилиб, ўрнидан туриб қочди. Бошқа болалар ҳам уйғониб кетишди. Коля ирғиб ўрнидан туриб, Витянинг ёнига борди. Муштланган қўлидан маҳкам ушлади.

— Нега урасан, нима қилди сенга?— деди у кўзларини олайтириб,— йиғлама, Сарсонбой, қани, тагин қўлини кўтарсин-чи, нима қиларкинман.

Меҳриниса Сарсонбойга раҳми келиб ўрнидан турмоқчи бўлудди, Коля Витянинг танбеҳини бераётганини кўриб, индамай, билмаган киши бўлиб ўтираверди.

— Тагин урадиган бўлсанг, оймларга айтиб бераман билдингми,— деди бидирлаб Леся.

— Айтсанг айтавер, нима, қўрқармидим,— шундай деб, ёнига ўтирилди-ю, ялт этиб онасига кўзи тушди. Қотиб қолди. Ҳамма болалар бир онага, бир Витяга қараб қўйишарди:

— Болам,— деди мулойимгина Меҳриниса супага яқин келиб,— иккиламчи ака-укаларингга қўл кўтарганингни кўрмай!

Витя бошини эгганича туриб қолди. Девор орқасидан мўралаган Тожихонни ҳеч ким пайқамади. Каллаи саҳарда мўралаб-ку, Меҳринисанинг кўнглини чил-чил қилиб, оппоқ тонгини хуфтонга айлантирган эди. Тагин нега қаради? Нима қилмоқчи ўзи? Қани, азиз китобхон, шу бугун биз ҳам уни кузатайлик-чи. Мана шу тонг отишидан кун ботгунча неча топқир

мўраларкину қайси бирида яна Меҳринисанинг асаб торларини чертаркин?

Ҳар кунгидан вақтлироқ уйғониб кетган болалар қайтиб ўринларига ётишмади. Коля бошчилигида ўринни йиғишга киришишди. Ляна Марикани оҳиста бағрига олиб, айвонга жой қилиб ётқизди.

Меҳриниса артилган лавлагини қозонга ағдариб, сут челақни олди. Сигир ёнига бораркан, Коляга та-йинлади:

— Сув лойқамасдан челақларга тўлғизиб олгин. Анави кашкул, мис тоғораларни олиб чиқ. Кир ювиб оладиганман.

Коля «хўп бўлади» деб, ёғлоғини олиб, челақларга сув тўлдири бошлади. Бошқа болалар ҳар куни ўзлари қиладиган — Ляна тақсимлаб берган иш билан машғул эди. Фақат кўчани супуриб, сув сепадиган Витя айвон устунига суяниб, тумшайиб ўтирарди. Қўлига пақирчани олиб майдонга чиқиб кетган Ренат ғойиб бўлганича кетди. Унинг одати шу. Айтганини эмас, хоҳлаган ишини қиларди. Қилгандаям ўрнига қўёлмасди. Гап гапирса қулоқ бериб турарди-ю, барибир таъсир қилмасди. Уй-юмуш ишларидангинамас, мактабда ҳам шундай экан. Икки дафқир куратори келиб кетди. Дарсни ўзлаштириши яхши эмасмиш. Хуллас, келганига анча бўлса ҳам ё уйга кўниколмаётипти, ё бўлган-тургани шу-ю, қунт билан сабр билан уни йўлга солиш керакка ўхшайди, афтидан.

Бугун яқшанба бўлганидан Меҳриниса майдондаги экинларга қараб, қолган-қутганларни йиғиб олишни мўлжаллаб қўювди. Буни эшитган Ренат пақирни олиб, афтидан помидор тергани чиқиб кетди. Ўғил болалардан Коля-ю, қизлардан Ляна Меҳринисанинг икки қўлидек бўлиб қолган, рўзғор ишларига кўзи пишиб, билиб-билиб қилишар, ўзларигина эмас, укаларига ўргатиб, уларга бош бўлишарди. Меҳриниса ҳам уларни ўз ҳолига қўйиб берарди.

Меҳринисанинг қаттиқ ранжиб, Витяга юмшоққина қилиб айтган бояги гапи ҳаммаларига ҳам таъсир қилди шекилли, кичкиналарининг хархашасини ҳисобга олмаганда, бошқалари нонушта пайтида ҳам ортиқча тўполон қилмай ўтиришди. Ҳаммалари қовоғини солиб ўтирган Меҳринисага ер остидан қараб

қўйишар, бояги нохушлик, диди хиралик ўртадан кўтарилганича йўқ эди.

Нонуштадан кейин Меҳриниса Лесяни ёнига чақирди.

— Бу кўйлагингни еч, ювиб бераман, Лянага айтгин, сариқ кўйлагингни олиб берсин. Ҳой, Сарсонбой, санам шимингни ечиб бер. Яғири чиқиб кетибди.

— Ййе, турсикда юраманми?

— Ҳеч нарса қилмайди. Кечгача қурийди.

— Боринг-э.

— Шошма бўлмаса, анави Коляники бор-ку, ўшани кийиб юра тур.

— Йиртиқ-ку у.

— Бир кунга ҳеч нарса қилмайди, болам.

Меҳриниса самоварни бақирлатиб қўйиб, кир ювишга ўтирди. Коля катталарни бошлаб майдонга чиқиб кетди. Ляна ариқ лабига ўтириб, идиш-товоқларни юва бошлади. Кичкиналар чақалоқ билан қиқирлашиб, дарахт тагида ўтиришарди. Боя ярим пақирча кўк помидор териб чиққан Ренат «Менинг ишим битди» дегандай айвонда аллақандай расмли китобчани варақлаб, чалқанча ётарди.

— Санам чиқа қолсанг бўларди, болам.

— Ҳозир, ойи.

Шу пайт кўчадан ҳуштак овози эшитилди. Ренат бошини кўтариб, эшик томон қараган эди, девор тепасида ўзига таниш боланинг боши кўринди. Китобни улоқтириб ташлади-да, кўчага чиқиб кетди.

Меҳриниса кир ювар экан, назарида ҳар бир боланинг кийимини эмас, ўзини битталаб жомашовда чўмилтираётгандай бўлар, чўмилтиргандаям ҳафсала билан аввал юз-кўзларини, кейин баданини, оёқларини ишқалаб, совун кўпиртириб чўмилтирарди. Орасира кўйлак ва иштоннинг сўкилган чоки ё йиртиғига кўзи тушиб қолар, «буниям жони кетибди» дея кўнглидан ўтказарди-да, авайлаб ишқалаб, эҳтиётлаб сиқарди, ямоқ солиш, ёки бузиб кичкинасига тўғрилаб беришни мўлжаллаб қўярди-ю, шу заҳотиёқ ўрнига янгисини олиш ташвиши бошланарди. Кул ранг шимни мағзавадан олаётганда тўхтаб қолди. Икки почасидан кўтариб кўрди. Бу Ботирнинг шими эди. Почасини қирқиб, Остатга тўғрилаб берганди. Унинг ҳам жони кетибди. Ўтирадиган жойига ямоқ солиб берма-

са, бир-икки кийганда тешилиб қолади. «Шим-ку садқан сар, ўзи омонмикин? Нима бўлди-а? Қаёқларда юрганийкин? Е...» Уз фикридан ўзи қўриб кетди, шу топда бир нима чақдими ё йиқилдими Мариканинг чинқириб йиғлаши баттар ваҳимасини ошириб юборди. Жонқолатда шимни нари-вери сиқиб, одми кирлар устига ташлади.

— Ҳой, нима бўлди-а?

— Ҳеч нарса, йиқилиб тушди,— деди Галя Марикани овутаркан.

Майдон томондан Колянинг дўриллаган овози, кичкинтойларнинг бақириб-чақирингани, кулгилари эшитилиб турарди.

Колянинг овози яна Ботирни эслатди. «Шундайлигида, уйга келиб кетиб юганида унинг ҳам овози шунақа бирдан ўзгариб, афт-башарасига . бир нималар тошиб кетган эди. Ман эси паст опамни койиб юрибман ўшанда: «Қарасангиз бўлмайдими, йигитча бўлиб қолганида юзларига шунақа нарсалар тошиб кетса, докторга кўрсатинг» десам, опам раҳматлик лабини ташлаб, гапимни бўлди. Кейин якка қолганимизда тушунтириб, койиб берганди: «Номусга ўлдирдинг-а, эрингнинг олдида. Билмайсанми, ҳуснбузар тошяпти-ку. Эртароқ уйғонадиганга ўхшайди...» деб мамнун бўлиб қўйганди. «Колянинг овози бузилгану, ҳали ҳуснбузар тошганича йўқ, тошар. Ботир эсон-омон келса, олдинма-кетин уйлантирамиз».

Эшикдан Салима кириб келиб, хаёлини бўлди.

— Ассалому алайкум, опа, ҳорманг, ҳорманг, вой бўй, тоғ бўлиб кетибди-ку,— дея қучоғини ёзиб, Меҳринисага яқинлашди.

— Икки кун ювмасам, шунақа тўпланиб қолади. Қалай, тинч-омонмисизлар. Обиджондан хат борми?

— Ҳар хатларида салом айтадилар. Қалай, хараша қилаётгани йўқми.

— Эсига тушганда-ку, ҳаммани олиб бориб, олиб келади-я.

— У-ку майли-я, ўзим чидолмаётибман.

— Вой, сиздан ўргилай, қийнаб қўйибмиз-да, а? Сутга бинойидек ўрганди.

Келганидан бери икки кўзини дарахт тагидан олмаётган Салима чидаб туролмади, бориб Марикани қў-

лига олди. Вола хурсанд бўлиб, бағрига отилди. Кўкрагини тимирскилай бошлади.

— Мамма бужий,— дея учига қора латта боғлаб қўйган бир кўкрагини чиқариб кўрсатди. Марика дам кўкрагига, дам юзига тикиларди. Нима қиларини билмасди. Боғланган қора латтани бармоқлари билан ушлаб кўрди. Бирдан йиғлаб юборди. Салима бағрига босиб овута бошлади.

— Суюнчи, ҳой Меҳриниса опа, суюнчи чўзинг!— Меҳриниса ёнига ўгирилиб, эшикдан ҳовлиқиб келириб келган Каромат, Заҳираларни, уларнинг ёнида турган почтальонни кўрди.

— Вотиригиздан, опа,— деди севиниб Заҳира. Меҳриниса ағрайиб, бир нафас ўзини йўқотиб қўйди. Ранги қув ўчиб, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Вой, опа,— деди уни қучоқлаб Каромат,— хурсанд бўлмайсизми, нега йиғлайсиз?

— Нега йиғларканман,— деди сал ўзига келиб Меҳриниса ва супанинг бир чеккасига бориб ўтирди.— Ўтиринглар, ҳой, Салимаой,— ушлаб турган тумор нусха хатга тикилди, қўлининг титраётганини сизди.

— Ўқинг, опа, ўқинг.

— Салимаой,— хатни унга узатди,— кўзим тивиб кетаётганга ўхшайди. Ўқинг.

Салима Марикани Заҳирага бериб, хатни очди:

«Хурматли дадам, меҳрибон онамга дуои салом!..»

Меҳриниса Ботирни бағрига босиб, хайрлашаётгандаги сингари аъзойи бадани титраб кетди. Ёнидагиларга сездирмасликка уриниб, беихтиёр чиқаётган севинч ёшларини енгининг учига артди.

— «...Ўзимнинг сиҳат-саломатлигимни хабар қилиб, сизларнинг ҳам қадрдон Тошкент бағрида соғ-саломат бўлмоқларингизни табиатнинг нозик жойларидан сўраб қоламан. Хат ёзмади деб койиманглар, ёздим. Жуда кўп хат ёздим. Санасам ўттиз еттита бўлибди. Бироқ биронтасини юборолмадим. Ярадор эдим. Бунинг устига хат юборадиган жойда эмасдим. Хатни сизларга ёзардим узим ўқирдим. Ўқиб, хаёлимда шу хатларга сизлардан жавоб хати тўқирдим. Бунинг эшитиб, Ксения холам куладилар. «Тузук, ўзингга эрмак топиб олибсан», дердилар. Ксения холамни танимайсизлар. Борганимда айтиб бераман. Мени

Ўлимдан сақлаб қолган одам шу киши бўладилар. Максим Горький «Инсон деган ном мағрур жаранглайди», деб ёзган эди. Мен энди тушундим. Ксения холани инсонларнинг инсони, энг улуғ инсон дегим келади. Агар ёзувчи бўлганимда Ксения хола ҳақида катта бир китоб ёзардим. Ёзгандаям у кишини оламини ёритиб, иситиб турган қуёшга, ё бўлмаса шовқин солиб оқадиган энг катта дарёга ўхшатардим. Ўзларига бир марта шунақа десам, «Э, болам, эсингни ебсан, не не азизу авлиёлар ўтган, баҳодир у паҳлавонлар, саркардаю донишмандлар ўтган. Ана ўшаларни улуғ деса бўлади... Мен кимман? Бўйи бастим ҳам, кучқувватим ҳам, ақл-идроким ҳам ўша улуғ зотлар олдида чивинчалик эмас. Буни мана бу ертўлада ётавериб ўзинг тўқиб чиқаряпсан, болам», дедилар, «Ҳеч ўйлаб чиқарганим йўқ, шундайсиз», десам ҳам ишонмадилар. Аммо мен гапларидан хафа бўлмадим. Қайтанга «чивинчаликман» деганлари менга жуда ёқди. Ўзи шунақа бўлса керак, шунақа улуғ инсонлар ҳамиша ўзларини чивинчалик деб билишса керак. Уларнинг асил одамлиги ҳам худди шунда бўлса керак...»

Меҳринисанинг бояги ҳаяжони анча босилган, ўзини тутиб олиб, бутун вужудини қулоқ қилиб, хатни тингларди. Тингларди-ю, нима учундир тушида эшитаетганга ўхшарди. «Ҳой, Ботир ёзоттими шуларни? Ҳеч ўхшамайди-ку? Бунақа гапларни, тушуниш жуда қийин бўлган гапларни қаёқдан топибдийкин? Ё биров ёзиб берганмикин-а?». Шу фикр хаёлидан ўтди-ю, жумла шу жойга келганида беихтиёр қўлини узатиб, Салимадан хатни юлқиб олди, шошиб ҳусни хатига тикилди. Бошдан охиригача кўз югуртириб чиқиб, имзосига қаради. «Ўзи, ўзи ёзган...» деди бўшашиб. Хатни Салима қўлига олди. Ёнида турганлар ҳайрон эди. Ё ҳаммалари тушуниб, индамай қўйиша қолди, ё безовта бўлаётган Меҳринисага халақит беришни исташмади. Салима хатнинг давомини ўқий бошлади:

— «...Бўлмаса, бир ўзи етти кишининг ҳаётини сақлаб қолган одам... тагин қандай қилиб, қанақа шароитда денг, дада? Уҳў... биттасига — молдаван йигитга уч ярим ой тувак тутдилар-а... Ана шу одам чивин бўлармишми? Қаҳрамон деса арзийди. Мен бу-

нақа одамни ҳеч кўрмаганман, ўқиган китобларимда-
ям учратмаганман. Ўшанинг учун ёзувчи бўлсам
ўзим ёзардим деяётганим...»

Меҳриниса Ботирнинг ўз қўли билан ёзганига,
ўша ҳовлисига келиб, олма тагида ўтириб дарс қил-
ган пайтларида тўғри чизиқ ё катак дафтар бетига
тушадиган чиройли ҳусни хатлигига қаноат ҳосил
қилса ҳам, бунақанги чуқур, аллақаяқдаги фалсафий
дейишармиди-ей, фикрлар юритишига сира ақли бовар
қилмасди. Яна бунинг устига ўзи ҳақида, қаерда бўл-
ди, нималар қилди, нега жимиб кетувди, бу тўғрида
ёзиш у ёқда қолиб, нуқул баланддан келади. Меҳри-
ниса бу томонига сира тушунолмасди. Худди унинг
фикри шу жойга келганида хатдаги гап ҳам ўзгарди.
Бу тасодифни ҳозир Ботир дилидагини билиб турган-
га йўйди.

— «...Ийе, нималарни ёзаётипман сизларга. Бари-
бир битта хатда ҳаммасини тушунтириб беролмайман.
Саломат дийдор кўришсак айтиб бераман. Ойижон!
Дада! Ярадор бўлиб етти ой ертўлада ётдим. Қуршов-
да қолгандик. Мана бугун уч кун бўлди госпиталга
ўтказишди. Оёғимдаги ярам анча тузалиб қолган. Би-
ринчи бўлиб сизларга хат ёзаётибман. Жон ойи, хатим
бориши билан дарров жавоб ёзинг, Жуда-жуда со-
ғиндим. Саломат, тинч эканликларингизни тезда ха-
бар қилинг. Маҳаллада нима янгиликлар бор, ўртоқ-
ларимдан хат келиб турибдими, мени кузатгани чиқ-
қан ўртоқларим соғ-саломатми? Шуларни ёзиб юбо-
ринг. Ҳозирча хайр. Сизларни соғиниб, ўғлингиз
Ботир».

— Ана, опа, кўнглингиз тинчидими энди? — деди
Салима хатни буклаётиб.

— Худога шукур! — деди Меҳриниса хатга қўл
узата туриб, — ҳали поччангиз эшитсалар қандоқ хур-
санд бўларкинлар, — у ёнида тўпланиб турган бола-
ларга ўгирилди, — мана, Ботир акаларингдан, яқинда
келиб қолади, тўй қиламиз...

Болаларга худо берди. Ҳовлини бошларига кўта-
риб, чапак чалишиб: «Акам келади, тўй бўлади», деб
чуввос солиб юборишди. Бири кўчага, майдонга чоп-
са, бири ўйинга тушарди. Бу шовқиндан Тожиҳон бе-
хабар қолармиди. Тагига етмаса отини бошқа қўяр.

— Вой-бўй, жамоат жам-ку, — деди нарвон пояси-

да туриб,— ҳой Меҳриниса, Ботирдан хат келди дейишдимми?

— Худога шукур. Салом депти.

— Саломат бўлсин. Хурсанд бўлганимдан кийимларимниям ечмай нарвонга чопдим.

— Тагин юриш чиқдим дейман?— сўради Каромат.

— Вой, айланай сандан, юриш қаёқда. Бозорга тушувдим... Ҳой, Меҳриниса, тўғрилигим ўлсин, ҳеч гап ичимда ётмайди. Айтсам тилим, айтмасам дилим куйди дегандек...

— Нима гап? Айтаверинг,— деди Меҳриниса авзойи ўзгариб.

— А? Ҳалиги...— чайналарди Тожихон,— болаларингиздан биттаси бозорда тарвуз ўғирлаб юрибди...

— Нима?!— Меҳриниса чўчиб тушди, ялт этиб Тожихонга қаради,— бозорда? Қайси бири?

Отини билармидим, айланай, ҳалиги энг каттангиздан кичикроғи-чи.

— Ренатми?

— Ушадир. Ким билади дейсиз, тагин...

Меҳриниса мулзам бўлди ва ўтирганларга қаролмай қолди. Унинг бу ҳолатини кўриб, Тожихон ўзича жаврарди:

— Тилим ўлсин. Билиб туриб айтмасам, туролмайман. Айтсам, ёмон кўринаман... Қўйинг, куйманг, болада. Атайи қиларди дейсизми. Иссиқ кунда тарвуз егиси келгандир...

Меҳриниса бошини эгганича оҳиста ўрнидан турди, кийинишни ҳам унутиб, сарпойчанг кўча эшик томонга юрди. Ҳовлининг ярмига бориб, орқасига ўғирлиди:

— Бирпас ўтира туринглар, хабар олай-чи, тез қайтаман,— деди-ю, эшикдан чиққанини билади, кўчада бамисоли қанот пайдо қилиб, елиб кетди. Ҳовлида Салима, Заҳира, Кароматлар ағрайиб қолишди. Нима қилишларини билишмасди.

— Шу одатингиз қолмади-да, опоқи,— деди куйиниб Заҳира ҳамон деворда турган Тожихонга,— айтиб юрагини эзиб нима қилардингиз бечорани.

— Вой, зап гапни гапирасизу, ичимдан чиқарибманми. Айтмаганим яхшимиди?

— Кўришга кўрибсиз,— гапга аралашди Каромат,— секин қўлидан ушлаб, чеккага олиб чиқиб, тиғиб қўя қолсангиз гуноҳкор бўлармидингиз?

— Бировнинг боласига қанақа ҳаддим сиғарди. Эяп гапирасиз-да.

— Меҳриниса опа бировми? Шунақа қаҳрингиз қаттиқми? Бир болага етти хонадон жавоб беришини биласизми?

— Билар экансиз, сиз қарашиб тура қолинг, манн тоқатим йўқ. Келиб-келиб етим боланинг ўртасига тушиб, балога қолайми?

— Қўйинг, Заҳирахон,— деди қўлини силтаб Каромат ва жомашов ёнига ўтиб, Тожиҳонга орқа ўтириб олди,— бечора ёниб кетди. Ботиржондан хат олиб, қувонганиям бир бўлди-ю, бунисиям...— деди-да, кир юва бошлади.

— Тағинам юраги тоғ экан...

Бир дақиқанинг ўзида қувонч ва ташвишнинг гувоҳи бўлган Салима гапга ҳам аралашолмай, кетишини ҳам билмай донг қотиб қолганди. У, Тожиҳон ҳақида кўп эшитган эди-ю, бироқ бунчалигини, бағри тошлигини билмасди. Ҳозир назарида у тўйни азага айлантирмоқчи бўлгандай кўринди кўзига.

— Менам борсаммикин? — деди Салима Кароматга қараб.

— Қаёқдан қидирардингиз, айланай, ҳали ўзлариям тополодиларми, йўқми, жиғибийрони чиқиб келади денг. Мана буларига қараб турсак ҳам...

Эшикдан бир челақ лавлаги кўтариб Коля кирди.

— Ҳой, укаларинг ҳаммаси шу ердами? — сўради ундан Каромат.

— Нимаиди?

— Айтаман-да, қараб тургин.

— Ойим қанилар?

— Ҳозир келади.

— Ренатни кўрмадингизми?

— Йўқ.

— Қаёққа кетибди. Саша-Лёшяам кўринмайди.

— Ҳалиги, Ҳасан-Ҳусанларми?

— Ҳа, ўша.

— Вой, қара, болам. Дайдиб кетишмасин.

Коля челақни ошхонага қўйиб, кўчага чиқиб кетди. Кетидан Салима югурди. Чайилган кирларни дор-

га ёйиб, Кароматга қарашиб турган Заҳира «бир хабар олай-чи» деб уйига чиқиб кетди...

Бир томони қиялаб тушиб, катта тош кўчага тугашган, бир томони нари-бери усти ёпилган растага чиқадиган қовун бозори одамлар билан гавжум. Ҳар қаер-ҳар қаерда тўкиб қўйилган, қўқон аравалардаги четанларда, эшак араваларда турган қовун-тарвузлар атрофини харидорлар ўраб олган. Эски-туски буюмлар, кийим-кечаклар кўтарган олиб сотарлар ҳам беҳисоб. Ғовур-ғувур бир нафас тинмайди. Ҳар замонда эшак ҳанграб, қулоқларни қоматга келтиради.

Кетидан от кишнайти. Елкасида сув тўла мешкоб, қўлида заранг коса кўтариб: «Оби худойи, муздек сув» деб бақириб юрган мешкобчи: «Муздек қатиқ, келиб қолинг, муздек!» дея қичқираётган айрончи, «Чайнамай шиминг, обаки дандон» деб юрган бола, «Кунжут қолва, хўрозқанд» деб бақираётган қандолатфуруш ва яна аллақандай молини мақтаётган сотувчиларнинг овозлари биридан бири ўзмоқчидай қулоққа чалинади. Баланд бўй, савлатли, иссиқ бўлишига қарамай қават-қават чакмон кийиб, бўйнига кашкул, чиганоқ осиб олган, кўринишидан тетик, тим қора соқоли кўксини қоплаган маддоҳ одамлар оралаб, икки қўлини осмонга чўзиб, ваъз айтиб юрибди. Унинг овози ола-ғовурни босиб юборгудай бозор устида янграйди:

Бугун бозорга ўхшайдур,
Бугун бозорга ўхшайдур
Етимлар зору қақшайдур,
Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Отоси йўққа ўхшайдур.
Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Отоси йўққа ўхшайдур.

Меҳриниса қиялаб тушган бозор кўчасига кириши биланоқ маддоҳнинг олдидан чиқиб қолди. Унинг ҳар бир сўзи фақат Меҳринисага айтилгандай, «Югур! Нега ташлаб қўйдинг!» дея дакки бераётгандай бўлиб қадалди бағрига. Олазарак бўлиб одамлар тўдаси ичида бораркан, маддоҳнинг овози орқасидан қувиб келаётгандай бўлар, баттар ҳаяжонланиб, дили бор-

ган сари гашланарди. Ё чиндан ҳам маддоҳ уни қувиб юрибди, ё унинг ваъзи қулоғига шундай қўйилиб қолдики, сира нари кетмаётипти:

Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Отоси йўққа ўхшайдур...
Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Оноси йўққа ўхшайдур.

Аравалар оралаб, қовун-тарвузлар уюмини ёнлаб, одамларни гоҳ туртиб, гоҳ туртки еб борарди. Орқасига қарамасди. Маддоҳдан чўчирди. Кенг кўйлақда ҳалпиллаб борар, нафаси тиқилар, ҳаллосларди. Қаёққа кетаётганини билмас, Ренатни қидирарди. Аллақаерда ҳуштак овози эшитилди. Милиционернинг ҳуштаги. Бир нафас тўхтаб кўзини тўрт қилиб, овоз келган томонга аланглади. Юраги «шув» этиб кетди, ваҳм босди. Яна орқасига қарамай, одамлар ичига урди ўзини. Аллақачон расталарнинг ичкарасига кириб кетган маддоҳнинг овози даҳшатли эшитилиб, уни қувларди, қулоқлари тагида жарангларди:

Отоси йўққа ўхшайдур,
Оноси йўққа ўхшайдур...

Бўй баробар уйиб қўйилган тарвуз атрофини харидорлар ўраб олган. Бир ўспирин йигит одамлар орасига суқилиб, эгасининг кўзини шамғалат қилиб туриб, катта бир тарвузни оёғи билан орқасига думалатиб юборди. Бунни пойлаб турган бола ён-верига аланглаб, тарвузни нарироққа думалатди. Ниҳоят тарвуз дўкон ёнигача думалаб борди. Ренат уни азод кўтарди-да, дўкон орқасига ўтмоқчи бўлганида Меҳринисага юзма-юз тўқнаш келди. Ғазабидан титроқ босган Меҳриниса ўзини тутолмай боланинг юзига тарсаки қўйиб юборди.

— Ҳали шунақа ишларни қилиб юрибсанми-а? — деди бўғилиб. Боланинг қўлидан тарвуз тушиб, иккига бўлиниб кетди. Ўзи орқасига тисарилди. Тарсакидан олови чиқиб кетган юзини ушлаганча йиглаб юборди:

— Нега урасан мени? Нима қилиб қўювдинг менга? — йиғи аралаш қичқира бошлади Ренат. — Нима

ҳаққинг бор? Ўзимнинг ойим ҳам урган эмас мени, билдингми?..— шундай деди-ю, дўкон орқасига ўтиб, чопиб кетди. Ёрилган тарвуз палласини тортқилаб, таллашаётган бслалар чуввос солиб, унинг кетидан чопишди. Дағ-дағ титраб турган Меҳринисанинг қулоқлари тагида бозор ғовури, болалар шовқинимас, маддоҳнинг овози жарангларди:

... ҳолини сўрсанг,
Отоси йўққа ўхшайдур,
Оноси йўққа ўхшайдур...

Ренат одамлар орасини ёриб, чопиб борарди. Шу пайт тарвуз сотиб ўтирган, оқ яктак устидан белбоғ боғлаган, бош яланг киши ўрнидан туриб, боланинг кетидан югурди. Ёймачининг олдида уни ушлаб олди. Қўлини қаттиқ бураб, чеккароққа судради:

— Қўлга тушдингми, безори, мен сенга кўрсатиб қўяман тарвуз ўғирлашни!— деганича арава ёнига судраб келди ва шотиси осмонга қаратилган арава тагидаги похол устида ёнбошлаб ётган шеригини чақирди:

— Ваня, бери кел!

Дароз, оёгида кўн этик, эгнида ранги оқариб кетган ҳарбий гимнастёрка, бир кўзини қора тасма билан боғлаган йигит дик этиб турди-да, болани қўлидан тутди.

— Бўлди, ўзим боплайман,— деди Ренатнинг қўлини маҳкамроқ сиқиб,— қани, юр-чи!

Ренат аввалига йигитнинг қўлидан чиқиб, қочишга уриниб кўрди. Бўлмагач, йиғлаб ерга ётиб олди. Одамлар тўпланди. Йигит энди боланинг қўлини бураб, ўрнидан турғазди. Дўконга суяниб ҳаммасини кўриб турган дилафгор Меҳриниса титроғини босолмас, ҳар қўли буралганида Ренатга ачиниб, юраги эзиларди, лабларини бир неча бор тишлаб олди. Нима қиларини билмасди. Ренат ерга булғаниб, типирчилар, одамлар орасидан аланглаб, кимнидир қидирарди, тополмасди. Чинқирарди. Унга сари йигит қўлини қаттиқроқ бурарди.

Меҳриниса энди маддоҳнинг овозинимас, тўпланган одамларнинг гапларини эшитарди:

— Шериклариям бор эди. Қочишди...

— Саёқ юрган таёқ ейди. Жазосини тортсин. Адабини бериш керак!

— Ҳеч кими йўқ, очдир, қаёқдан биласизлар...

— Рост. Осонмас. Очлик нималарга олиб бормайди...

— Безорилиги кўриниб турибди-ку, нимага ёнини оласиз...

— Ота-онасини худо урган, қараса бўлмайдими...

— Бўлса ташлаб қўймасдиёв... етимчага ўхшайди...

Қалбини наштардек тилган Ренатнинг қақорати устига одамларнинг таънасини эшитиш Меҳринисага ўлганнинг устига тепгандек бўлди. Икки кўзи дод солиб, типирчилаб бораётган Ренатда-ю, югуриб бориб, унга ёпишишни ҳам, ташлаб кетаверишни ҳам билмасди. Мияси зирқирар, титроғи босилмас, хаёлига ҳеч нарса келмасди, калласи ғовлаб кетганди. Фақат бир нарсадан чўчирди. Жўжадек чирқираб, кичик гавдаси, қўл-оёқларини қарён ташлаб бораётган Ренат калхат чангалидан чиқиб кетмаса бас, чиққудай бўлса ерга, тош устига тушиб чилпарчин бўлади... Ё калхат уни жаҳл билан бўғиб қўймаса бўлгани... Шу топда қаёқдандир Тожихон пайдо бўлган, ёнида туриб, вайсаётгандай бўлди: «Етим етим-да, айланай... Узиникидай бўлармиди? Ҳали қараб туринг, бир кунмас-бир кун оғизларига тупуриб кетишади. Ҳмм. Мени айтди дерсиз...»

Тожихон шу дақиқада баланд келди. Меҳринисани ишонтирди. Ақли ҳуши бир нафас равшанлашди. «Орттирганим шуми?» Узига ўзи дакки бериб, шартга орқасига ўтирилди, дўкондан, бармоқлари билан эзиб юборгудай бўлиб ушлаб турган темир панжарадан қўлини узиб олдида, юриб кетди. Икки ё уч қадами расмана қадам бўлди-ю, кейингисида оёқлари бўшашиб, юролмай қолди.

Етимнинг қолини сўрсанг,

Оноси йўққа ўхшайдир...

— Бор! Бор дедим-а, бор!..— чинқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Ялт этиб унга қараб, ҳайрон бўлганлар, нималигини тушуниб етмаслариданоқ, Меҳриниса орқасига чопиб кетди. Одамларни ёриб

чопарди, сочлари тўзғиган, қўлидаги пешанабоғининг учи ерга судралиб борар, кенг этаги гавдасини орқага тортарди. Ниҳоят йигитга яқинлашди. Нафаси бўғилди, гапиролмай қолди. Бўшашиб тушди. Йигитнинг ёнидан бориб, тирсагига қўлини тегизди.

— Болам, раҳмингиз келсин...

Йигит унга қарамади, гапига ҳам қулоқ солмади. Бола типирчилайвериб ё ҳолдан тойган ё забардаст қўлдан қутулишнинг иложи йўқлигига кўзи етиб оёқ-қўллари осилтирганича хўнграб борарди. Меҳринисанинг тоқати чидамади, йигитни билагидан қаттиқ ушлаб олди. Томоғига тикилган нарса отилиб чиққандай, жон-жаҳди билан бақириб юборди:

— Қўйвор дейман!

Йигит чўчиб тушди. Шартта ёнига ўгирилди, тўхтади. Кўзлари косасидан чиқиб кетай деб турган аёлни кўриб, бўшашгандай бўлди, болани оҳиста ерга қўйди:

— Она, нега ёнини оласиз?

— Саням болаларинг борми?

Ренат Меҳринисага тик қаролмай, бошини эгиб турарди. Йигит ерга туширганидаёқ унинг қўлини қўйиб юборганди. Боятдан бери қочибга уринаётган бола индамай турганига тушунолмас, аёлнинг ғазаб тўла кўзларига у ҳам тик қаролмасди. Гапига нима деб жавоб қайтаришни билмасди. Бир болага, бир аёлга қарарди: «Саням болаларинг борми?» деб қайта-қайта такрорларди назарида аёл. Ким билади дейсиз. Бордир. Қидириб юргандир. Борди-ю, бефарзанд бўлса муштипар аёлнинг илтижоси унинг шахтини қирққандир. Ҳар қалай гап ҳам гапиролмас, нима қилишини ҳам билмасди.

— Энди қилмайди, амакиси, бу номаъқулчиликни,— ўртадаги жимликни бузди Меҳриниса ётиги билан гапириб.

— Кимингиз бўлади, жонингиз ачяпти?

— Уғлим.

— Уғлим?!— ҳайрон бўлди йигит ва шу заҳотиёқ бесўнақай панжаси билан боланинг иягидан ушлаб, бошини кўтарди, ёш билан ювилган юзига, тиниқ кўзлари, нам киприкларига тикилди. Кейин Меҳринисага қараб қолди.

— Ростданми?

— Оналар ёлгон гапирмайди, болам.

«Ростданам ойингми?» деб сўрамоқчи бўлиб турган йигитнинг гапи лабидан қайтди, айтолмади.

— Менга қара,— деди яна боланинг бошини кўтариб йигит,— яхши одамларнинг шаънига доғ тушириб юрибсан-а, биласанми шунини? Мана шу хотин ўртага тушмаса, кўзингни мошдек очиб қўярдим-а. Майли бор, уйингга бор. Иккиламчи бунақа номаъқулчиликни қила кўрма. Эшитдингми?

Бола индамай, бош ирғади.

— Бор!— деди йигит унинг энсасига шапатилаб ва худди аёл олдида ўзи гуноҳ қилиб қўйгандек, энди узр сўрамоқчидай бошини кўтариб унга қараган эди, тўзғиган сочларини текислаётган Меҳриниса қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди:

— Барака топинг, кам бўлманг, болам.

«Ўғлим» деганига сираям ишонмаган, аёлнинг илтижосигина кўнглини юмшатган йигит бола ҳозироқ шаталоқ отиб қочиб қолади, пайт пойлаб турибди, деган хаёлда эди. «Ке, бўлганича бўлди дея» кўнглидан ўтказди-да, ёнига бурилиб, икки қадам ташлагани ҳам йўқ эдики, Ренат «Ойи!» дея ҳўнграб Меҳринисага отилди, белидан маҳкам қучоқлаб олди. Йигит шартта шу томон ўгирилиб, уларга тикилганича қотиб қолди.

Меҳриниса чарчаб, руҳи толиққан, агар ҳозир Ренат уни қучоқламаганида йиқилгудек ҳоли қолганди. Ҳозир сизди бунини. Ўғлининг бошини силаганича туриб қолди. Хийладан кейин Ренатни етаклаб, оҳиста йўлга тушди. Растанинг этагига борганида давра олган одамларни ёриб ўтолмади. Давра ўртасидан маддоҳнинг овози эшитилди. Юраги бир орзиқиб тушди-ю, Ренатга қаради. Маддоҳ ваъз бошлаганди:

— ... Сайёҳлар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, жазирама офтобда қизиб, ловиллаб ётган Саҳрои Кабирга етиб боришибди... Бир маҳал қарашса, қовжурган бурганзор ичида чириган суяклар осмонга сакраб, ўйинга тушаётганмиш. «Во ажаб, не ҳол бу?» дея яқинроғига боришипти. Не кўз билан кўришсинки, одамзод суяклари. Ҳар бири билакдек келадиган чаёнлар суякларга ниш урар, суяклар бунга чидолмай осмонга сакрарди. Сайёҳлар донг қотиб қолишибди. Улардан бири нарироқдан яна шундай ҳол рўй

бераётганини кўрибди. Суякларга берилаётган азобга тик қаролмаган сайёҳлар қўрқув ва даҳшат тўла кўзларини кўкка тикишибди, қўлларини кўтариб, «Алла-қачонлар оламдан ўтган мурдаларнинг не гуноҳи борки, суякларига шунчалик азоб берилса, эй худо, раҳм шафқат қил!» дея нола қилишибди. Шунда ғойибдан садо келибди: «Эй бандаларим. Буларнинг бири зино қилган аёлнинг, иккинчиси қўли эгри эркакнинг суяклари. Огоҳ бўлинглар, бу икки гуноҳга йўл қўйган банданинг жазоси ҳамиша шул эрур...» Сайёҳлар бу даҳшатга ортиқча чидаб туришолмапти. Суякларни азобдан қутқармоқчи бўлишипти. Уларни тўплаб, катта дарёга ташлаб юборишибди. Не кўз билан кўришсинки, сокин дарё тошиб қайнаб кетибди...

Маддоҳ сеҳрлаб қўйгандек қотиб қолган одамлар орасида олағовур бошланди. Ёқаларини ушлаб, «тавба» деган овозлар эшитилди.

Меҳриниса ваъз охирида Ренатга қараган эди, оғзи очилиб, маддоҳга ағрайиб қолганини кўрди. «Фаҳми етдимикин?» дея кўнглидан ўтказди-да, қўлидан ушлади.

— Юр, кетдик!..

Улар кўча эшикка яқинлашганда, Ренат синиқ овоз билан онасига ялинди:

— Дадамга айтмайсиз-а, ойи?

Меҳриниса остонадан ҳатлаб ўтди-ю, бошига декча қозон кийиб олган Лесяга дуч келди.

— Ҳой, бу нима қилиқ. Қаёқдан олдинг?— деди ҳайрон бўлиб. Қозонга қўлини узатувди, Ренат эпчиллик қилиб, Лесянинг бошидан қозонни олиб, ерга қўйди.

— Вой, афтингни ел ёпмасин, кўйлакни расво қипсан-ку. Ҳали эрталаб киймабмидинг-а,— деди қоракуяга беланган кўйлагини ўзига кўрсатиб,— бунақада жомашовда чирийди-ку, кўйлак ўлгур. Ҳой, сан нимани кўтариб олдинг,— деди у эски қумғонни ушлаб ҳайрон бўлиб турган Галяга.

— Металло-лом,— деди бидирлаб Галя,— мактабга топшираамиз.

— Кимдан чиқди бу ақл-а, бут-бутун қозонни топширадими?

— Акам айтди. Ўзим зўрға топдим-ку,— ҳафсала-си пир бўлган Леся йиғлаб юборай деб турарди. Жо-

машов олдида ўтирган Каромат кулиб юборди. Кир ювиш билан алахсиб болалар бу буюмларни қаердан, қачон топиб олишганини у ҳам пайқамай қолганди.

— Бор, кўйлагингни еч, юзларингни юв,— деди Меҳриниса Лесяга,— катта бўлиб шуларга қарасанг бўлмайдими-а, Ляна.— Ляна югуриб келиб, Лесяни айвонга етаклаб кетди.

— Вой, Кароматхон бу нима қилганингиз?— охирги кирларни чайётган Каромат ёғлоғини челака ташлаб, кирни сиқа бошлади,— ҳой, Ляна, опкел кўйлагингни, мағзавага солиб бераман.

— Узим юваман, хола, қўяверинг.

— Мана бўлмаса тайёр мағзава, кела қол.

Каромат: «Нима бўлипти?» деб сўраса, Меҳринисанинг ярасини янги қилишни ўйлаб, жўрттага унинг гапини эшитмаганликка олди.

— Ҳой, Қаромат...

— Лаббай опа, мана, фалокатингиз ариган экан, бўлди,— деди у оқ чойшабни дорга ёйиб,— чарчагандирсиз, кунам исиб кетди-ей. Заҳира ҳам ҳозир чиқиб кетувди. Мен ювиб турдим, у ёйиб турди.

— Барақа топинглар. Ғойибларинг ҳозир бўлсин, айланай.

Кўчадан ҳовлиқиб Коля кириб келди.

— Ойи,— деди-ю, айвон лабида бошини эгиб ўтирган Ренатга кўзи тушиб хўмрайиб қўйди,— Лёша-Сашалар йўқ.

— А?

— Ҳамма ёқни қидириб келдим. Ҳечқатда йўқ. Салима опамниям кўрмадим.

— Салима?

— Ҳа, Салима опам ҳам қидириб кетувдилар.

— Вой шўрим. Олдиларингда олиб ўтирсаларинг бўлмасмиди-а, болам.

— Шу ерда эди, эшик олдида чиллак ўйнашаётганди. Бирдан йўқ бўлиб қолишди.

— Опа, бирпас нафасингизни ростланг,— деди Каромат Меҳринисани босиб,— топилиб қолар.

Эшикдан кетма-кет чопишиб Саша-Лёша кириб келишди. Онасига раҳми келиб, Ренатга хўмрайиб қараб-қараб қўяётган Коля, қўлини кўтариб, Сашани урмоқчи бўлувди, бола қочди. Меҳриниса гапиролмай

қолди. «Қўй» демоқчидай Коляга қўлини сияди-да, бўшашиб, супа лабига ўтирди. Эшикдан Салима кириб келди.

— Вой, омон бўлгурлар-эй... Трамвай йўлига чиқиб кетишибди-я. Узоқдан қарасам, иккаласи ерда ётишибди...

— Вой, вой, — ваҳима босди Кароматни.

— Ҳа, юрагим орқасига тортиб кетди, югуриб борсам, изга бошларини қўйиб ётишти. «Кевотти» деб биттаси айтса, «йўқ, ҳали» деб биттаси айтади. Жонҳолатда қўлларидан ушлаб, бу ёққа олдим.

— Бунисиям бор эканми...— зўрға шундай деёлди ҳамон бўшашиб ўтирган Меҳриниса.

— Энди у ёққа боришмайди, ойиси,— деди Салима Саша-Лёшани олдига чақириб. Иккаловининг юзига трамвай изи тушиб қолганди. Чекка-чеккадан бунни кўриб турган болалар қиқирлаб кўлишарди. Каромат ҳам, Салима ҳам ўзларини тутиб туришолмади. Меҳриниса ҳам жилмайиб қўйди.

— Трамвай босиб кетади-ку, бунақада, одам ўлиб қолади,— деди Каромат икковининг бошини силаб,— энди сира боришмайди, ойиси, тавба қилишди. Шундайми?

— Саша-де,— деди Лёша айбни унга тўнкаб.

— Узинг-ку борамиз деган.

— Сен айтдинг.

— Узинг. Қулоғингни изга қўйсанг трамвай келатгани эшитилади, дединг-ку.

— Елгон. Мен поездни айтувдим.

— Кевотти, кевотти деб алдадинг-ку.

— Трамвайни айтганим йўқ. Салима холам кевотти девдим, билдингми.

— Кевотти, кевотти деб алдадинг-ку.

Ҳамма кулиб юборди. Саша-Лёша йиғлагудек бўлиб, бир-бирларига хўмрайиб туришарди.

— Бор, юзларингни ювиб қўйсин,— деди Меҳриниса Лянага қараб,— кийимларига қаранг, боламан деб шуни айтаркан-да-а... Уфф... ташвишларинг бор бўлсин-эй. Самоваринг қайнадими, қизим?

— Ҳозир дамлайман,— деди болаларни ариқ лабига бошлаб борган Ляна.

— Дадангнинг ҳам овқат вақти бўп қолди-я, қай биринг борасан?— Меҳриниса Сарсонбойга қараган

вди, у индамай, тескари бурилиб олди. Буни пайқанган Коля:

— Узим олиб бораман,— деди.

Меҳриниса супага жой солмоқчи бўлган эди, Каромат ҳам, Салима ҳам солдиришмади. Салима беланчакда ётган Марика тепасига бориб, тикилиб турди-да, юзларидан ўпиб, эркалади.

— Утириш бўлса қочмас, опа борай,— деганича Каромат билан чиқиб кетди.

Сарсонбой йиртиқ шимда кўчага чиқмайман, деб тихирлик қилиб туриб олди. Меҳриниса «Уйга келганингда қанақайдинг ўзинг?» демоқчи бўлди-ю, ўзини тийди, боланинг кўнглини ранжитгиси келмади. Шўх, ерга урса булутга сакрайдиган, ҳаққа бўйин эгиб, ноҳаққа ёниб кетадиган Сарсонбойнинг ор-номуси зўр эди. Унинг бу қилиғи Меҳринисага ёқарди. Шу вадан ҳозир уни зўрламади. Маҳкам аканинг овқатини Коля олиб борадиган бўлди.

Коля устахона эшигидан кираркан, аллакимнинг тепасида тўдалашиб турган темирчиларни кўриб, қўрқиб кетди.

— Бир чаккаси болаларини ўйлайди-да.

— Ўйламай бўладими, осонмас.. Тағинам азамат экан-э.

— Роса бир ҳафта бўлди. Сурункасига икки сме-нада ишлаётгиптилар. Бугун дам олинг десак ҳам кўнмадилар.

— Ўзинг-чи? Нега ишлаётгипсан?

— Устамни ташлаб кетармидим...

Қотиб қолган Коля бу гапларни эшитиб, нима қиларини билмай, энди одамлар орасига суқилиб, тахта каравот устида ётган кишини кўрмоқчи бўлиб турганида, эшикдан шошиб ҳамшира кириб келди. Одамлар тисарилиб, уни ўтказиб юборишди. Ҳамшира аллақандай дорини Маҳкам акага ҳидлатаётганида Колянинг кўзи тушиб қолди.

— Дада!— дея бақариб юборди. Соли уста Коляни ушлаб қолди.

— Ўзингни бос ўғлим, ҳеч гап бўлгани йўқ. Толлиққан-да.

Ҳамширанинг дорисиданми ё Колянинг овозигами, ҳар қалай Маҳкам ака кўзларини очди. Очгандаям

уйқуга тўйиб, чарақлаб очилиб кетгандай тепасида турганларга кулиб қаради. Коляга қўлини узатди, турмоқчи бўлди.

— Турманг, уста, мана буни ичиб юборинг,— деди ҳамшира билагини ушлаганича.

— Чой ҳам ичсинлар, чой, мана.

— Бирпас ёта туринг уста,— деди шогирди белбоғи билан елпиркан.

— Дада!..

— Қўрқма ўғлим. Сал чарчабман-да. Утиб кетади. Укаларинг тинчми? Ийе, ийе, ана холос. Коп-катта йиғиғ-а,— Маҳкам ака шогирди қўлидаги белбоғни олиб, Колянинг кўз ёшларини артиб қўйди. «Одамлар кўрса уят бўлади-я», деган маънода лабини тишлаб, кўзи билан ёнидагиларга ишора қилди. Кейин Колянинг қўлидан ушлаб ўрнидан турди,— ўтир,— деди уни ёнига ўтқазиб. Ўзи пешана, бўйнидан оқаётган терини артди, чойдан ҳўплади.

— Ийе, ҳаммани ишдан қўйибман-ку, а. Ҳеч нарса қилгани йўқ. Сал кўзим тингандай бўлди-да.. Барака топ, қизим.

— Дам олинг. Бугун ишламайсиз!— деди буйруқ оҳангида ҳамшира.— Ҳа, қўйинг уста. Ўзингизга жабр қилманг,— деди ҳамкасабаларидан бири.

— Барака топкурлар, тепамиздан ўқ ёғилиб, ўлим билан юзма-юз келаётганимиз йўқ-ку. Шу арзимаган от анжомлариниям вақтида етказиб бермасак, айб бўлар. Кейинчалик, урушдан кейин дам оламиз...

Одамлар жой-жойларига тарқалишди. Маҳкам ака ёнида ҳамшира билан Коля қолди. Ҳамшира кўнглини тинчитиш мақсадида яна билагини ушлаб, томир уришини санай бoshлади. Коля тугунни ечиб, товоқни оларкан, бирдан қичқириб юборди.

— Вой дада, эсимдан чиқибди. Ботир акамдан кат келди.

— А?!

— Ҳа. Ярадор эканлар. Яқинда келармишлар.

Маҳкам ака Коляга тикилганича бақрайиб қолди. Ранги қув ўчиб, боятдан бери пешанасига қўйилиб келаётган ва белбоғи билан сидириб ташлаган қора тер ўрнидан тарик сепилгандек майда совуқ тер доналари пайдо бўлди. Билагини ушлаб турган ҳамшира

юрак уриши дарров ўагарганини пайқадю, сездирмади.

— Хат қани?

— Ойим бермадилар, йўқотиб қўясан дедилар.

— Тагин нима депти. Қаери яраланибди?

— Оёгим дептилар. Ҳаммага салом дептилар. Тезда жавоб ёзинглар дептилар.

— Ҳа, ҳа, оббо, азамат-эй, эшитдингми, қизим? Ўғлимдан хат келибди. Омон экан... Ҳой, биродарлар!..

Устахона тақ-туқиди унинг овозини ҳеч ким эшитмасди. Соли ота шу томонга кўзи тушиб, Маҳкам аканинг алланима деб ҳаяжонланаётганини пайқади. Ишини тўхтатиб, олдига келди.

— Хушxabар, касаба, хушxabар...

Бирпасда тақир-туқур тўхтади. Ҳамма Маҳкам акани ўраб, қутлай бошлади. Маҳкам ака рўмолни ёзиб, товоқдаги овқатни ўртага қўйди.

— Қани ҳой, насиба, биттадан бўсаям олинглар...

— Шу билан қутулмоқчимисиз?..

— Тўнни ечинг-э...

— Эртага чоршанба, бозордан қолманг. Қўй бўлмасаям майли, эчкига кўнаверамиз...

— Хўп, хўп. Қўй сўямиз, албатта ҳаммасини қиламиз,— деди Маҳкам ака юзлари чақнаб,— оббо, азамат-эй..

Кулги, қувонч, ҳазил-мутойиба авжига чиқиб, гурунг бўлиб турганида, эшикдан бўй-басти Коляга тенг ўспирин кириб келди. Салом бериб, қўлидаги бир даста қоғозни титкилай бошлади.

— Ҳамидов!— деб ўқиди-да, одамларга қаради.

Ҳамидов қўлини партугига артиб, қоғозга узатди.

— Аҳмедов!

Маҳкам ака қоғозни олди.

Уруш даврининг ҳаммага таниш бўлиб қолган ҳужжатларидан бири — ҳарбий комиссарликдан юбориладиган чақирув қоғози эканлиги кўриниб турарди. Фақат қайси кун, қай соатга чақирилганида эди фарқи. Буларнинг икковлари ҳам эртага эрталаб, соат ўн бирга юклари билан ҳарбий комиссарликка боришлари керак эди.

Гурунг тўхтаб, ҳамма жой-жойига тарқалди. Тар-

қалишди-ю, бироқ ҳаммаям бирдан ишга қўл уролмади. Бундай ҳол темирчилар сафининг тобора сийраклашиб бораётганини, биров фронтга, биров ҳарбий корхоналарга жалб қилинаётгани одат тусига кириб, ҳамма кўникиб қолганига қарамай, ҳамкасабалар тўда-тўда бўлишиб, ўзаро суҳбатлашишар, ҳаммалари Маҳкам устанинг ташвишини қилишарди.

— Озамас, овлоғамас, ўн учта-я...

— Оч-яланғоч қолмас-а, энди бағриларига офтоб текканда тўзиб кетишади-да, болалар.

— Қайтадан детдомга олиб борадими?..

— Хотин-ку, бундай қилмас-а, илло, эплашиниям айтинг-да.

— Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар ҳозир ўзим-данам олдин, устани ўйлаяпман-а,— гапга қўшилди қўлида чақирув қоғозини ушлаб турган Ҳамидов,— шунча бола тагин бошини эгиб қоладими-а?

— Фурсатни ўтказмайлик. Ҳалиям вақт бор. Исмоилни топиш керак,— деди Соли ота,— борсин, идрога айтсин. Қодирхўжа ҳам кичкина одаммас, ёрдам берсин.

Ҳаммага маъқул тушди бу гап, Исмоилжонни топишга одам юборадиган бўлишди.

Маҳкам ака Коляни эшиккача кузатиб чиқди-да, тайинлади:

— Кичкина боламассан, ўғлим. Дадил бўл. Ҳарна қилса ҳам онанг аёл. Оилада бош эркак бўлиб ўзинг қоласан. Оғир бўлади. Начора... Ажабмас, аканг ҳам келиб қолса... Бор, хавотир олиб ўтирмасин онанг. Манга қара, ҳозирча бир нима демай турганинг маъқулмикин-а, ўғлим?

— Майли. Борганингизда эшитарлар.

— Яхши, ётиги билан айтарман. Бора қол, ўғлим...— Маҳкам ака катта кўчани тик кесиб, нариги бетига ўтаётган Колянинг орқасидан тикилиб қолди. Чуқур хўрсиниқ келди ичидан. «Шукур, яхшиям шу бор экан. Эсликкина. Зурёд — белга қувват дейишгани шу бўлса керак-да», деб қўйди ўзича.

Меҳриниса болаларини овқатлантириб, эндигина ямоқни бошлаган, игна-ангишвонадан олдин Ботирнинг хатини яна қайтиб ўқиб чиқиб, эртага кириб келади-ю, индинга дарров тўй тараддудини кўради-

гандай ширин хаёлларга ғарқ бўлиб ўтирганида, кўча эшикдан ҳовлиқиб Остап кириб келди:

— Ойи! Ойи! Абрам йиқилиб ётибди... Юзлари оқариб кетди...

— Вой шўрим... Қаерда?

— Кўчада.

Меҳриниса сарпойчанг кўчага чиқди. Нариги бетдаги терак тагида ерда беҳуш ётган Абрамнинг тепасига борди. Ранги қув ўчган, пешанаси терлаб, қўллари қалтираб ётарди. Қўрқиб кетган болалар тарвуз палласининг пўчоғида сув келтириб, зўр бериб юзига сепишарди.

— Абрам, нима бўлди, ўртоқ.

— Сепавер, сеп тагин.

— Абрам, кўзингни оч, ана ойимлар...

— Вой ўлмасам, нима қилди-я...— Меҳриниса боланинг бошини кўтариб, сув ичирмоқчи бўлди. Ичмади. Кўзи ҳам очилмади. Азод кўтариб, ҳовлига олиб кирди. Супага ётқизди.

— Ляна, пиёз олиб кел, тез бўл.

Меҳриниса пиёзни бир тишлаб, бўлагини бурнига ҳидлатди, зўрлаб оғзига тикди. Абрам бир-икки аксириб кўзини очди-ю, ҳолсизланиб, яна юмиб олди.

— Мана, бу сувдан ичгин. Ич, болам.

Абрам сувдан ҳўплаб, қалқиб кетди. Кўзи очилди. Онасига бирпас тикилиб турди-да, йиғлаб юборди.

— Бўлди, бўлди. Қўрқибсан-да, болам. Ҳой, Ляна, чойнак ҳали иссиқдир. Бир чақмоқ қанд солиб қуйиб бер...— Меҳриниса Абрамнинг юзлари, пешанасини силаб туриб бирдан бурнининг тагидаги қоракуяга кўзи тушди. Пиёз ишқалаганида ҳам бармоқлари қора бўлган эди-ю, фаҳми етмаганди. Энди билди. Қоракуя суртиб, мўйлов қилган экан, қилгандаям бурни тагига шундай чаплашибдики, бир парча қора мум ёпиштириб қўйилгандай. Меҳриниса ёнига ўгирилиб, супани ўраб турган болаларга қаради. Ҳаммасининг бошида тарвуз пўчоғидан каска, қўлларида ёғоч милтиқ, биттасида тўппонча, қизлар билагига санитария белгиси қилиб олган.

— Ким урди? Ким йиқитди?

— Ҳеч ким ургани йўқ, ўзи йиқилди.

— Уруш-уруш ўйновдик... У партизан бўлувди.

Асир туширдик. Сўроқ қилаётганимизда, тўппонча ўқ-

талувдик. Бирдан кўзини олайтириб юборди, иннайкейин, йиқилиб тушди.

— Ойи-чи, ойи, сўроқда ҳечам сир айтмади. Молодец,— деди мақтаниб Саша.

— Честний, молодец,— такрорлади Лёша.

— Отиб ташлаймиз деб қўрқитишди-да,— деди бидирлаб Галя.

Ляна чой келтириб Абрамга ичираркан, Меҳриниса ғазаб билан ўрнидан туриб кетди. Болалар ёнига бориб, бошларидаги каскаларни олиб, ерга отди, милтиқларини тортиб олиб, синдирди, қўлларидаги санитария белгиларини бурдалаб ташлади.

— Ҳув ўйинларинг жуворманг бўлсин. Иккиламчи бу уруш деган ўйинни кўрмай. Тушундиларингми?

Болалар итоаткорона бош эгиб туришарди. Остап оҳиста энгашиб, ердаги пўчоқларни йиға бошлади, Дзидра ҳам тарашаларни теришга киришди.

— Қўрқитиб юборишдими? — деди мулойим товуш билан Абрамнинг юзини силаб Меҳриниса,— ҳеч нарса қилмайди. Бирпас ёт.

— Бошим...— деди зўрға Абрам.

— Оғривоттими? Қимирлама. Босилиб қолади... Ҳой, Витя, Остап, бўлди энди, шаталоқ отмай дарсларингга ўтирларинг. Ляна, уканг ухладими, ўтир санам.

— Ойи, ман ўсма қўяман,— эркаланди Лёся.

— Манам,— унга қўшилди Галя.

Жиғибийрони чиқиб турган Меҳриниса ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Вой, ўсма қўймай қолинг-а. Ҳа, қўя қол, қўя қол, пучугим.

— Унақа деманг.

— Ҳа, нима дей. Кичигим, бўлдими?

— Йўқ, кучугим денг,— бидирлади Галя.

— Узинг кучук, билдингми? — деб Галяга ёпишди Лёся. Галя қочди. Лёся уни қувиб кетди. Ҳозиргина қумқуют бўлган ҳовли яна тўполон, кулгига кўмилди. Меҳриниса уларга тикилиб, кулиб ўтирди.

Ямоқ ҳам эсидан чиқди. Анчагача ўрнидан қўзғалолмади. Кўзи уйқуга кетган Абрамга, бурни тагидаги «мўйлови»га тикилиб туриб, ўйга толди: «Юрак ўйноғи бўлиб қолди-да, бола бечора. Уйқусида додлашлари қолди-ю, дилидагисининг асорати ҳали аригани йўқ... Ҳой, Коля ҳаяллаб қолди-я... Ҳа, дадасига

хат келганини айтган бўлса, ота-бола шуни гаплашиб ўтиришгандир... Хатни бермай чакки қилдим-да. Йўқ. Яхши қилдим. Бўлмаса бугун ҳам сменада қолиб кетардилар. Кечқурун эшикдан кириб келадилар. Ҳорманг, қани дадаси, суюнчини чўзинг, дейман. Нима деркинлар?...»

Ляна укасини беланчакда ухлатиб, дарс тайёрлашга ўтирди. Дафтар, китобини очиб қўйдида, кўзи супада ётган Абрамга тушиб, хаёли қочди. Онаси эсига тушиб кетди.

Кейинги кунларда унинг ҳам хархашаси бошланганди. Ҳар гал «ойим» деб гап очганида Меҳриниса ич-ичидан эзилар, нима жавоб қилишини билмай гангиб қолар, чап бериб кўрар, овулар, ниҳоят, адресини аниқлолмаётганини баҳона қилиб қутуларди. Ляна ёшига қараганда анча зийрак қиз эди. Баъзида арзи-маган нарсани баҳона қилиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Меҳриниса бундай пайтларда ортиқча тийиб, суриштириб ўтирмай, ё алдаб овуларди ё ўз қолига қўйиб берарди.

Ляна дафтарини очиб, ҳафсала билан ҳар бир ҳарфни битталаб безаб, бир-бирига қўша бошлади: «Ойи-жон! Бошингиз тузалдим, ман сизни жуда-жуда соғиндим. Меҳриниса хола жуда яхши хотин, ўзизга ўхшайди... Олмадан қачон келас...»

У ёзар экан, орқасидан келиб, ҳижжалаб катни ўқиб турган Витяни пайқамасди. Витя, хат шу ерига келганда, «Ҳе...» деб юборди. Ляна чўчиб тушди, жон-қолатда кафти билан катни бекитди, орқасига ўтирилди:

— Ҳа, нимага қарайсан?

— Хато ёздинг-ку. Олмамас, Олмаота.

— Ургатмай қўя қол, ўзимам биламан.

— Ҳе, билармиш-а. Билсанг хат ёзармидинг.

— Биламан, тушундингми. Бор, халақит берма.

— Билиб бўлсан. Ойинг аллақачон ўлган-ку...

— Ким?!

— Ким дейди-я. Ойинг-да.

— Нима девотсан, холамга айтиб берайми?

— Ўзлари кўмиб келганлару...

— Ёлғон!

— Бор-е. Ишонмасанг менга нима. Яхшилик қил-

сам...

— Яхшилик. Шу яхшиликми. Ойимни, ойижонимни ўлди дейсану, яхшиликми шу?

— Ўзим кўрдим-ку мозорга олиб кетишганини...— Витя шундай деди-ю, бирдан Лянанинг ранги оқариб, кўзларидан ёш чиққанини кўриб, қўрқиб кетди. Нима қилиб қўйганини энди тушунди. Секин орқасига бурилиб, дарахт тагида китоб ўқиб ўтирган Сарсонбойнинг ёнига борди. Лянанинг икки юзидан марварид доналаридек юмалаб қоғоз бетига тушаётган кўз ёшлари хатни чаплаштириб юборди. У қоғозни беихтиёр гижимлади. Буни кўриб турган Витя ўзини билмасликка олиб, ерга ўтирди.

Беланчакда Марика гингший бошлади, йиглаб юборди. Ляна ҳеч нарса эшитмай, қимир этмай ўтирарди.

— Укангга қара, ҳой!— деди супадан Меҳриниса.

Ляна қимир этмади. Чақалоқнинг йиғиси зўрайди.

— Ҳой, санга айтвотман, эшитвотсанми?

— Нага айтмадингиз. Алдаган экансиз-да,— тўлиб турган Ляна ҳўнграб юборди,— ойижонимни кўриб қолмасмидим...

Меҳриниса сакраб ҳовлига тушди. Лянанинг ёнига келиб уни бағрига олди, бир қўли билан беланчакни тебратаркан, хўмрайиб Витяга қаради. Витя онасидан кўзини олиб қочди.

Ляна Меҳринисанинг қучоғида хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди.

— Мани кечир, болам. Бошқа чорам йўқ эди...

Эшикдан Коля кириб келди. Минг ўзимни тутаман деб ўйлаб келгани билан барибир авзойи ўзгача эди. Ҳовлига кириб, Лянани бағрига босган онасини, чекка-чеккада бир нарсадан қаттиқ қўрққандек қотиб қолган болаларни кўриб, ҳайрон қолди. «Эшитишганмикин-а? Қимдан? Қачон?» миясига шу фикр келди. Оҳиста айвонга ўтиб, тугунни устун ёнига қўйди ҳамки, ҳеч ким унга қарамасди. Фақат бурнидан юқорисигина девордан чиқиб турган Тожихоннинг икки кўзи унда эди.

Лянани овутиш осон бўлмади. Меҳриниса чақалоқни бағрига босгандек, уни қучоқлаб ўтирди, бошини, юзларини силади, кўз ёшларини артди, қаттиқроқ бағрига босди. Анчагача шу алфозда ўтирди.

Намозгарга яқин эшикдан хафақон Исмоилжон ки-

риб келди. Салом ҳам йўқ, алик ҳам, фиғони фалакка чиқиб гапира кетди.

— Аксни қаранг. Шундай пайтда Қодирхўжа акамнинг йўқлигини айтинг. Командировкада эканлар. Военкоматга кирдим, тушунтирдим. Ҳеч қайсиси қулоқ солмайди. Буйруқ! Буйруқни бажармай бўлмайди дейишади. Бошим қотиб ўртоқ Шоқосимовнинг уйига бордим.

— Шоқосимов?— кимлигини билолмай сўради Меҳриниса.

— Асқар амаки-чи,— деди қулоғига таниш эшитилган фамилиядан югуриб келган Остап,— ҳув, эсингиздами?..

— Уша,— деди Исмоилжон,— хайрият уйида экан. Тушунтирдим. Гапимни обдан эшитиб олиб, нима деди денг: «Биз ҳаммамиз солдатмиз, ака. Буйруқни бажаришимиз керак! Ватан биздан шуни талаб қилади. Буни тушунмаслик — сиёсий калтабинлик. Уқдингизми?» Ахир бу киши... дейишим билан бундай деди: «Жуда яхши биламан. Ватанпарвар одам, илғор ишчи. Аммо барибир Ватан ҳимоясига бориш шарафли бурч эканлигини билмоғи лозим!» «У кишини фронтга эмас, ишчи батальонига олишаётган экан. Ахир...» «Бўлди бўлди, ўргатманг Илёсов, сиздан яхши биламан. Аммо ҳеч нарса қилолмайман!» дейди. Қўйинг-чи, ҳеч тушунтиролмадим. Шаҳар партия комитетига бордим. Бугун отдихлигини унутибман. Навбатчи бир жувон экан. Ёзиб қолди. Эрталабоқ секретарга маълум қиламан, ўзингиз ҳам келинг деди. Аксига юриб секретарь ҳам қайси бир қурилишда экан...— Исмоилжон нафасини ростлаб, рўмолчаси билан пешана терларини артди, папирос чекди. Унинг гапларини бўлмай эшитиб, ҳеч нарса тушунолмаган Меҳриниса шу фурсатдан фойдаланиб ётиғи билан сўради:

— Исмоилжон, ўзи нима гап? Нега бунчалик диққатсиз?

— А?— ҳайратда қолган Исмоилжоннинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деб, Меҳринисага тикилиб қолди. Бармоғи орасидаги папироси ерга тушиб кетди,— акам қанилар?

— Вой, сиз билмасангиз мен қаёқдан билай. Хабарингиз йўқ ҳали. Ботиржондан хат келди.

— Ийе, жуда яхши, ҳалиги...

— Хатни эшитибам вақтлироқ кела қолай демайдилар-а. Дарё акангиз, дарё... Худога шукур, саломат экан. Сал ярадор бўлибди.

— А? Яхши, яхши... ҳалиги... Абдуҳафизнинг олдига борай-чи, ахир уям.— Исмоилжон бу ёғини айтишга ҳам тоқати чидамай шошиб чиқиб кетди, остонадан қадам қўйди-ю, яна қайтди.— Ҳой, Коля, бери кел ўғлим уйини кўрсатиб қўй.

Коля чопиб, кетидан чиқди. Ҳовли ўртасида қолган Меҳриниса беихтиёр кулиб юборди.

— Ҳой, нега довдирайди-я?— ўзидан-ўзи гапирарди Меҳриниса,— қаёқларга, нимага борибди? Нима деди? Ярадор экан десам, «яхши, яхши» дедими? Эси жойидами ўзи бунинг...

Нарвонда турган Тоҷихон пиқ этиб кулиб юборди. «Ўзиники жойидами? Ким билан гаплашаётпти?» деди ўзига ўзи ва нарвондан пастга тушди.

Мана, кун ботай деяпти. Тагин мўралармикин Тоҷихон, ё қоронғида туртинмай деб қўя қолармикин?

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Меҳриниса ёнида қайнсинглиси ва Коля билан вокзалдан қайтганида намозгарга яқинлашиб қолган эди. Ҳамма вақт тавақалари ланг очиқ турадиган кўча эшик ёпиқ экан. Ҳалқасига қўлини узата туриб, юраги шув этиб кетди. Назарида уйдагилар ҳаммаси кўчиб кетгану, ҳовли эгасиз ҳувиллаб қолгандай бўлди. Ёнига ўгирилиб, бир неча қадам орқароқда бошини эгиб санаб қадам қўяётган Исмоилжонга кўзи тушди. Маҳкам акани кузатгани чиққанларнинг ҳаммаси ўша вокзал майдонидаёқ битта-битта кўздан ғойиб бўлгандек кўринувди. Ундай эмас экан, мана, Исмоилжон уйгача бирга келибди, Меҳриниса пайқамабди. Балки яна бошқалар ҳам келаётгандир.

Ҳовли юзида жўхори туйиб ўтирган Каромат Меҳринисани кўриб, дик этиб ўрнидан турди. Олдига келди. Болалар чекка-чеккада хомуш ўтиришарди. Ошхона мўрасидан буруқсаб қуюқ, аччиқ тутун чиқарди, қуруқ қозонни қиртишлаётганга ўхшаш капгирнинг овози эшитилар, тутун аралаш қовун ё қовоқ уруғининг қизиган ҳиди димоққа уриларди. Заҳира хазон

ёқиб қовун уруғи қовурарди. Ҳамма келганлар ҳам, ҳовлидагилар ҳам фақат шу капгирнинг тарақа-туруқини эшитмоқчидай, жим эди, ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Бир дақиқа тиним билмай, ҳаммаша бидирлаб турадиган Леся ҳам югуриб келиб, онасига ёпишди-ю, чурқ этмади. Бағрига юзини яшириб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади, Меҳринисанинг баттар юрагини эзиб юборди. Лесяни оҳиста етаклаб бошини силаб айвонга бориб ўтирди. Коля эшик ёнида Исмоилжон билан аллаи-малар ҳақида пичирлашарди.

— Бу ёққа ўтиринглар,— деди Каромат супадаги жойни кўрсатиб ҳовлида турганларга.

Ориф ота, Соли уста, Иқбол сатанг, яна бир-икки киши кириб келганди. Улар бирин-кетин супага бориб, омонатгина ўтиришди. Бундай пайтда нима қилиш керак ўзи? Бу қайси расм-русмда кўрсатилган? Буни ҳеч ким билмасди. Ҳамма сукут сақларкан, чакка-чаккада ўтирган болаларга зимдан тикилиб қўярди. Супа лабида ўтирган Соли уста энгашиб, носвойини ташлади-да, бир-икки йўталиб, сукутни бузди. Оҳиста гап бошлади:

— Келин, сабр-бардош боёида тоғни толдирадиган аёлсиз. Буни ҳаммамиз биламиз. Эл-юрт билади. Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: Худойи таоло оламни яратганида бутун ғам-ташвишни тоғлар, қоялар елкасига юклаган экан. Орадан бир қанча вақт ўтиб қараса, тоғлар ҳам, қоялар ҳам ғам ташвишга бардош беролмай қулай бошлабди. Шундан кейин бандалари елкасига юклаб қўйибди. Қарасаки, одамлар тоғдан ҳам бардошлироқ экан... Устанинг жўнаши сизга анча оғир бўлди. Илло, биз қараб турмаймиз. Исмоилжон билан фикрлашдик. Фронтга жўнаган ҳамкасабаларимизнинг ўрнини сездирмай, ишларини елкамизга олганимиз сингари, мулла Маҳкамбойнинг ҳам кўрасида ўт ўчмайди, сандони совиб қолмайди. Мана бу жужуқларнинг кўнглини ўкситмаймиз. Қунига, кун оралаб хабар олиб турамиз. Бу оила ҳаммамизнинг оиламиз... Омин, қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин!

Соли уста ўрнидан қўзғалиши билан бошқалар ҳам туришди. Хайрлашиб, чиқиб кетишди. Шу дақиқагача кечадан буён бўлаётган воқеалар тушдай бўлиб кўринган Меҳринисага, эри ҳозир фартуғини тутиб, пачалда

тургани йўқ, қизил вагонда, узоқ-узоқларга, фронт деган жойга кетаётганини бутун вужуди билан ҳис этди, бўшашиб тушди. Қимирлашга ҳоли қолмади. Упкаси тўлиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди-ю, эрининг вагон ёнида туриб: «Болалар олдида кўз ёши қилиб юрма», дегани эсига тушиб, лиқ-лиқ кўз ёшларини ютди. Хўрлиги келди. «Болаларни ўйладилару, мени эсларига ҳам келтирмадилар-а... Кўрган-кечирганим шу бўлди-ми?..» Алам ва изтироб алангасида ёнарди Меҳриниса. Бундоқ ўйлаб қараса, эри хайрлашиш олдидан шундан бўлак гап айтмапти. Болаларни ўйлапти, холос. «Нима гуноҳ қилувдим. Ҳой хотин, сенинг ҳолинг нима кечади, дейишга тиллари бормаса-я... Шунчалик жонларига текканмидим? Қутулишга баҳона тополмай турган эканлар-да, бундан чиқди. Ҳайё-ҳув дедилару, бир ҳовли ғалвани менга ташлаб, жўнадилар, қолдилар..» Меҳринисага ҳозир эри билан ўтказган ўттиз йиллик тотув умр ҳам бир бўлди-ю, мана шу кетар чоғида бир оғиз «ҳолинг не кечади» демагани ҳам. Боя йиғлагиси келувди, энди дод солгиси, эрининг мана шу хўрлаганидан додлагиси келди. Ўзини босди. Баттар бўшашди. Кўз олди хиралашгандай бўлди. Холи бўлишни, бир ўзи якка қолиб, хаёл суришни кўнгли тусади. Қаёққа боради? Уйга кирадими? Дўконхонагами? Болалардан қаёққа қоча оларди? Шуларни хаёлидан ўтказиб, гангиб турганида, одамларни кузатиб қайтган Коля ёнига келиб, оҳиста елкасига қўлини қўйди. Маҳкам аканинг шунақа одати бор эди. Хотинини юпатмоқчи бўлса, елкасига қўлини ташлаб гапирарди. Коля ҳам отасидан ўрганганми ё ўзининг шунақа одати борми, ҳар қалай Меҳриниса буни пайқамас экан. Ялт этиб, унга қаради. Қаради-ю, боланинг нигоҳида гўдакмас, йигитликни кўрди.

— Эртадан ўқишга бормаيمان,— деди Коля қовоқларини уйиб салмоқли гапираркан.

— Нима деганинг бу?— чўчиб тушди Меҳриниса. Ҳозиргина хилватга етаклаётган хаёли қочди. Ўғлига тикилиб қолди.

— Ишлайман.

Меҳринисанинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Гапиролмай қолди. Коля унга «Бўлди энди, бу уйда турулмайман, сизни ташлаб кетаман...» дейгандай бўлди.

— Майли, болам,— деди этишитилар-эшитилмас, хўрлиги келиб,— зўрлаб ушлаб туролмайман. Қаерда бўлсанг ҳам омон бўлгин, онам борийди деб эслайсанми, йўқми, ихтиёр ўзингда. Аммо ман болам деган эдим...

Коляни ваҳима босди. «Нима қилиб қўйдим? Нега ойим бундай деяптилар? Хурсанд қиламан деб, хафа қилиб қўйдимми, тағин?..»

Меҳриниса кўпинча нарсаларни кўтаришиб чиқар деб Коляни бозорга олиб тушарди. Ҳар гал онаси қилган харжни кўриб, Коля қўрқиб кетарди. Даста-даста пул сарфлаб, олган нарсалари икки кунлик рўзгорга етадиган озуқа бўларди. Тирикчиликнинг машаққатлари нима эканлигини ўз кўзи билан кўрган ва бунга ақли етган Коля онасига ҳам, тиним билмай ишлаётган отасига ҳам раҳми келарди. Қани энди, эшлай олса-ю, уям ишлаб, онасининг қўлига пул келтириб берса, бозорга тушганида минг ўйлаб, савдолашиб, тортишиб ўтирмай, шартта-шартта олаверса... Бир сафар бозордан қайтарида шуларни ўйлаб келган Коля ётиги билан деди:

— Ойи, папирос ё бўлмаса писта сотсам майлими?— сўради-ю, бирдан онасининг юзлари оқариб, кўзлари косасидан чиқиб кетганини кўрди.

— Болам,— деди вужуди қалтираб Меҳриниса,— судралиб қолсам қоламанки, кўзим очиқлигида сани бу ҳолга тушириб қўймайман. Шу ниятда бағримга олган эмасман. Ўқи, вақт-соати келиб ишга кирарсан..

Коля айтганига пушаймон бўлиб бошини эгтанича қолди. Шу-шу бу тўғрида оғиз очмаган эди. Мана ҳозир ҳам ўшандагига ўхшаб онасини хафа қилиб қўйганидан ўзини койий бошлади.

— Ойи, мен ундоқ деяётганим йўқ... Ахир катта бўлиб қолдим. Вокзалда дадамларга ҳам айтувдим, майли дедилар, ишласам, сизга қарашсам ёмонми?

Колянинг гаплари ич-ичидан, эзилиб чиқарди. Чиққандаям ҳар бир сўзи тонг шабнамидек тиниқ, беғубор, ёш қалбининг самимий ифодаси эди. Бутунлай бошқа хаёл дарёсига ғарқ бўлиб, шалпайиб тушган Меҳриниса Коляга, унинг тиниқ, ёлвориб турган кўзларига тикилиб турди-да, беихтиёр бағрига олди. Бағрига олдимас, ўзини унинг бағрига ташлади. Қучоғида экан, бошларини силади, бирпас тин олди, дукил-

лаб турган гапларим рост деб тасдиқлаётган юрак уришларини эшитди.

— Ўқишинг нима бўлади?— бағридан қўйиб, оҳиста сўради.

— Уруш тамом бўлсин... Дадам, акам келсинлар. Иннакейин ўқийвераман.

— Майли, болам. Розиман.

— Исмоилжон акам дадангнинг ўрнига борасан, дедилар,— севиниб кетди Коля.

Меҳринисанинг лабларига кулги қўнди. Уғлига сездирмасликка уринди. Исмоилжон боланинг кўнгли учун шундай деганини фаҳмлаб турарди.

Эшикдан Тожихон кирди, она-бола унга тикилиб қолишди.

— Эсон-омон кузатиб келдингларми, уй билан бўлиб, чиқолмадим ҳам.

Қўшинининг гапи Меҳринисага: «Бошингга тушди-ми, энди кўраман ҳолингни», дегандай эшитилди-ю, сир бой бермай, ўзини тетик тутиб, кулиб боқди унга.

— Мана буларнинг бахтига ой бориб, омон келсинлар ишқилиб. Душманни қора қон қақшатиб келмасангиз асти ризомасман, дедим.

«Сиртига юқтирмайди-я», дея кўнглидан ўтказди Тожихон ва ачинган бўлиб кесатди:

— Катталари тушунар-а, кичиклари ичкиб қолса анча қийнайди-да сизни...

— Ҳозирдан бошланди. Мана бу қақилдоғим,— Лесяни кўрсатди,— тумшайиб қолди.

— Ҳой, Меҳриниса, Абдуҳафиз қамалиб қолибди деб эшитдим-а, ростми?

— Қамалиб? Билмадим,— Меҳриниса шундай деди-ю, кеча бир неча марта уйга бориб, Абдуҳафизни тополмай хуноб бўлган Исмоилжон эсига тушди.— Нимага қамалади?

— Уғринча нон карточкаси олиб юрган экан. Энди ким беради карточкани? Уч кундан кейин ой янги бўлади-я.

Тожихонни Абдуҳафизнинг қамалишидан кўра, нон карточкасини олиш кўпроқ қизиқтирарди.

— Одам топилиб қолар-ку, Абдуҳафиз шўрликни айтинг-а. Унақа чакки қадам қўядиганлардан эмас эди, шекилли?

— Во, қаёқдан биласиз. Нон карточкаси орқасида

битиб кетган экан. Бир ўзимас, карточка бюродагилар билан тил бириктириб иш қиларкан. Ҳаммаси очилибди. Минг-минглаб пул, даста-даста карточка чиқибди, суд бўлармиш.

— Вой шўрлик. Жўжабирдек жон, ўзи ногирон...

— Қилмиш-қидирмиш деб шуни айтишади-да. Фронтга юборамиз деганида почапўстин, чақмоқ телпак, тагин олам-жаҳон иссиқ кийимлар чиқариб берувдим. Бундан чиқди, уларни ўзи гум қилган экан-да, жувормаг.

— Ҳой, ҳой, овсин, оғзингизга қараб гапиринг. У буюмларнинг ҳаммасини фронтга юборишган, булар ҳам бошида бўлганлар.

— Қаёқдан биласиз, битталаб текширибдилар дейсизми у киши ҳам.

— Улибдими, қўйинг. Эшитган қулоққа яхшimas-а. Бошига буям жиноят бўлиб қўшилади-я.

— Кимга айтардим. Сизга гапирдим-да. Уйига яшириб қўйган бўлса, борсам хотини қўрққанидан олиб берармикин, девдим, кунимга яратардим. Яп-янг-я...

Меҳриниса қўшнисининг дардига энди тушунди. Тожихоннинг фисқ-фасод, ҳасадчилигини билар, бунга ўрганиб қолган эди-ю, аммо бунчалик беандиша, бераҳмлигини билмасди. Кўзига жуда ёмон кўриниб кетди ҳозир.

— Худодан қўрқиб, бандадан уялинг-эй, ёв қочса ботир кўпаяр дегандек, қамоқда бўлса, устига мағзава ағдараверасизми. Ким билади, балки янглишдир. Сўроқ қилинса, очилиб қолар.

— Бекорга қамалмайди. Ёнини олмай қўя қолинг. Биладан. Келиб-келиб сизга маслаҳат солганимни қарангу...— Тожихон барини қоқиб, бурилиб ҳовлидан чиқиб кетди.

«Тавба. Одамлар нима ташвишда-ю, бу ниманинг ташвишини қилади...» Очиқ турган кўча эшикка тикилганча қолди Меҳриниса. Қўшнисининг «хушхабари» миясидаги фикрларга қўшилиб кетдими, уни босиб тушдими, ҳар қалай шу топда эшикдан қўлтиқтаёғини дўқиллатиб, «Опа, ҳой!..» деб Абдуҳафиз кириб келаётгандай бўлди. Ўз уйидай тортинмай кираверарди. Қариндошлардек қуюқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрарди, сўраб туриб, албатта кўнгилни кўтарадиган бир

гап — шу хонадонга, эгаларига тегишли гап топиб га пиарди: «Қўлингиз гул-да, опа. Дарахтниям ўн беш кунлик келинчакдек яшнатиб юборасиз-а...» «Уста, роса қулоғингиз қизингандир-а. Тақачилиқдаги чойхонада ошхўрлик қилувдик, ҳамкасабаларингиз бор экан, роса гапиришди-е, Ҳазрати Довутимиз дейишаркан сизни, ичига илик солиб ошатишди, Ҳазратнинг насибаси деб... шолининг орқасидан курмак ҳам суғ ичиб юрибди, уста!» дея мағрурланарди. Ҳеч гап тополмаганда, ҳовли юзига бир қараб оларди-да, чинни моҳдек супурилганини кўриб, «Опа жаннатга киргандай бўламан-да, қаранг одамнинг баҳри-дили очилди...» дерди. Ўзи нима иш билан келади, ҳайрли ишми ё нохуш бир хабарми, бунисини айтишдан олдин, кўнгилни оларди, қалбининг қўрини берарди-да, кейин сиз уни ўз қалбингизнинг тўрига чиқариб қўйганингизни пайқамай қолардингиз. Ҳамма билан шу эди. Ҳамма биларди буни, ҳар бир хонадондаги унга оғанини, амаки-тоға, опа-сингил, бобо-ўғил эди. Маҳаллага янги кўчиб келганлар ҳам буни билиб қолишипти. «Жудаям одампарвар-а, барака топкур» дейишганини кўп эшитди Меҳриниса. «Мана энди, шу одам, эл-юртга шунча хизмати сингган, ўхў, биргина мана шу фронт яқинидан кўчириб келтирилган меҳмонларни жойлаштиришнинг ўзини айтинг, чакана иш бўлдимми, ё бўлмаса, фронтчиларнинг болаларига қилган ёрдамлари-чи? Шунча ишни эплаб, бирон марта миннат қилмаган одам, қамалиб ўтирса. Жўжабирдек жон эди. Еттита-я боласи. Каттаси нари борса ўн-ўн бирларга киргандир-да. Хотини шўрлик қон-қон йиғлаб ўтиргандир, ҳали... Ҳой, нималарни ўйлаётман-а. Ростмикин? Ё мана бу касофат почалўстинининг дардида... Йўғ-э. Бўлмаса кеча кечқурун уйга кириб келарди, ҳеч бўлмаганда шу ердан кузатарди. Вой бечора, майда болалари чирқиллаб қоптида-а. Ўзи шунақа қилганмикин? Ё шайтон йўлдан оздирганмикин? Одамларни билиш қийин эканда-а...»

Исмоилжон Маҳкам акага чақирув қоғози келганини эшитган заҳотиёқ типирчилаб қолди. Бормаган жойи қолмади. Охири Коляни олиб, Абдуҳафизникага югурди. Ҳарна қилса ҳам маҳалла отахони, баобрў комиссия раисларидан, йўл-йўриқ кўрсатар деган умидда эди. Кўчада боришаркан, Коля уни тўхтатди:

— Амаки, дадамнинг ўрнига мен борсам нима қилади. Катта бўлиб қолдим-ку,— деди оёғининг учида туриб, бўйинни чўзишга уришиб.

— Эсингни едингми, болалар нима қилади у ерда,— Исмоилжон шундай деди-ю, уч-тўрт одим ташлаб, Қодирхўжанинг «Йигитнинг шахти қайтгунча шайтоннинг бўйни узилсин» деб юрадиган гапи эсига тушиб, Коляга юзланди.

— Тўғри. Катта бўлиб қолдинг, ўғлим. Бироқ ёшинг етмагани чатоқ. Майли мен айтиб кўраман,— деди елкасига қўлини ташлаб, кўнглини кўтараркан.

Бориб Абдуҳафизни топишолмади. Кечроқ тагин борди. Болалари ишдан келганлари йўқ дейишди. Бироқ Исмоилжоннинг бу жон куйдириб юриши Маҳкам акага ёқмади.

— Ука, чакки қилибсан. Эл-юрт нима дейди. Болаларини қалқон қилиб, паноҳида фронтга боришдан бош тортди деган гап бўлади. Бу иснодни кўтаролмайман.

— Ун уч жонни, қайта туғилган мана бу норасидаларни ташлаб кетиш иснодини-чи?

— Жумлайи мўмин қатори иш тутишим керак. Гарданимдаги бурчимни қайтаролмайман. Тўғри, опангга оғир бўлади, начора...

— Ўзим бораман. Шунини талаб қиламан. Ўрнингизга юборишларини талаб қиламан.

Маҳкам ака кулди.

— Тузук. Бояги, сан, салт-суваксан, ҳеч кимнинг йўқда-а?

Исмоил тутатиб кетди. Одамлар халақит бермаса тагин нималарни дерди. Барибир айтганини қилди. Тўғри ҳарбий комиссарнинг ўзига учрашди. Гапни шундан бошлади. «Ўрнига мени юборинглар» деб туриб олди. Комиссар рози бўлгандай эди-ю, бироқ бўлим ходими унинг ҳужжатларини кўтариб кириб: «Бўлмайди», деб. чиқиб кетди. Кўзи ёшланадиган одади бор эди. Шунини касалгә чиқариб юришарди врачлар. Ҳозир ҳам шу сабаб бўлди.

— Ахир ишчилар батальонига деяётипсиз-ку, ўртоқ комиссар. Кўзимга нима қилибди.

— Юборолмайман!

— Бу одамни биласизми ўзингиз?

— Эшитганман. Аммо кечикди. Командага қўшиб, расмийлаштириб қўйганмиз. Фойдасиз.

Комиссар юмшоқ, салмоқ билан, кесиб-кесиб гапирарди. Исмоилжон чиқиб кетди. Уйга келиб, сафар тараддуди кўриляётгани устидан чиқди. Абдуҳафизнинг қамалганини ҳам шу ерда, Ориф отадан эшитди. Югуриб ёнига келган Коляга «рухсат беришмади» деб қўя қолди. Вокзалдан қайтиб келишгандагина уни ишга жойлаштирмоқчи эканини айтди...

Онасининг розилигини олган Коля эртаси куни эрталаб мактабига борди. Синф раҳбарига бўлган воқеани айтиб берди. Бироқ қош-мўйлови оппоқ оқарган, баланд бўйли рус тили ўқитувчиси Дмитрий Николаевич, боланинг гапларини эшитиб, маъюсланди, салқиган қовоқлари тагидаги кўзлари намланганга ўхшади. «Ўзи-ку, ўқишни яқинда бошлаганди... Оила ташвишигаки ақли етибдими...» У, Колянинг елкасига қўлини ташлаб, эшиккача бирга олиб чиқди.

— Майли, йигитча бўлиб қолдинг. Дадангининг йўқлигини сездирмайсан. Ишонаман, — деди-да, Коля кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб қолди.

Устахонада Исмоилжон йўқ эди. Салом бериб кириб борди-ю, кимга учрашишни билмай турувди. Соли уста пачалдан ёнига келди.

— Келдингми, мана буни кийиб ол, — деди клеёнка фартукни бериб, — ўзим билан бирга ишлайсан.

Соли уста билан бирга ишлаш Колянинг айни муддаоси эди-ю, аммо уйда шунча кўзи пишиб қолганига қарамай, юраги дов бермасди. Оҳиста пачалга тушиб, қўрадаги кўмирни ковлади, ашқол-дошқолларни чиқариб ташлаб, куракчада янги кўмир солди. Дамни босди. Зимдан қараб турган Соли уста анчагача ёнига келмай ўзига қўйиб берди.

Шу кундан бошлаб темирчилик устахонаси табелида Николай Маҳкамов исмли янги ишчи пайдо бўлди.

УТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Қодирхўжа машинасини катта тош йўлда қолдириб, Маҳкам акалар кўчасига пиёда кириб борди. Бораркан, ўздан ўзи хижолат бўлар, койинарди. Уйлаб қараса, ҳарбий заводга директор бўлганидан бери бор-йўғи бир марта келибди бу ҳовлига. Ушандаям ҳамка-

сабасини кўролмайд қайтган эди. Кейинчалик Исмоил-жон орқали ҳол аҳволини сўраб турди, икки дафқир заводга ишга таклиф қилаётганини тайинлаб юборди. Бироқ Маҳкам ака бормади. Қодирхўжа ҳаётида қариндош-уруғ, ёру дўст, ҳамкасабаларининг: «Мансабдор бўлиб, менсимайд кетди», деб таъна қилишларидан ўзини эҳтиёт тутарди. Бу янги вазифада бўлса буни ўйлашга ҳам вақти қолмади. Тонг қоронғисида кетиб, тун оққанда қайтади. Заводда тунаб қолиш, ҳар ҳафтада, ўн кунда командировкада бўлиш-ку, одат тусига кириб қолган. «Аслида ҳозир ўзини билган одам бир-бир-биродан гина қилмаслиги керак», деб ўзига тасалли берарди бундай пайтларда.

Қодирхўжа шу хаёллар билан эшикка яқинлашаркан, нариги томондан қовун пўчоқ билан лиммо-лим иккита челақни зўрға кўтариб келаётган болага кўзи тушди. Танигандай бўлди. Бола икки-уч қадам юриб, челақларни ерга қўйди. Шимининг чўнтагидан туршакми, қуртми олиб, алжон-жалжон оғзига солди. Кейин иккинчи чўнтагидан буклоқли қоғоз чиқарди. Оғзидагини у лунжидан бу лунжига олиб шимаркан, қоғозга тикилиб қолди. Бирпас шундай турди-да, уни чўнтагига солиб, яна челақларни кўтарди.

Боланинг ҳаракатларидан кўз узмай келаётган Қодирхўжа жойида таққа тўхтаб қолди. Назарида оиланинг аҳволи анча оғирлашиб қолган экану, Маҳкам ака жўнаб, тутдай тўкилган, болаларнинг куни пўчоқ теришга қолгандай бўлди. Бу даҳшатли фикридан ўзи қўрқиб кетди. Болаларга совға деб олган қўлидаги тугун тушиб кетишига сал қолди. Бола икки елкаси букчайиб, инқиллаб келиб, эшик ёнида яна челақларни қўйди. Шундагина Қодирхўжага кўзи тушди, шошиб, салом берди. Қодирхўжа алик олишни ҳам унутиб, боланинг ёнига борди, бошини силаб, челақлардан бирини кўтармоқчи бўлувди, бола қўймади.

— Қўяверинг, амаки, ўзим кўтароламан,— бола пўчоқдан айрилиб қолаётгандай икки қўллаб, челақка ёпишди. Қодирхўжа ноилож қўлини тортиди. У ҳозир нима қилаётганини, энди нима қилишини, ҳовлига кириш-кирмаслигини ҳам билмайди.

— Даданг қаёқда?— оғзидан чиқиб кетди-ю, била туриб сўраганидан ўзини койиди.

— Фронтга кетдилар.

— Ойинг-чи?

— Уйдалар, касал ётибдилар.

— А?

Қодирхўжанинг қулоғига: «Очликдан ўсал ётибдилар...» бўлиб эшитилди. Шу зумдаёқ кимдир унга: «Аблаҳсан, одамийлик сиёқинг қолмапти. Қай юз билан кирасан. Қайт!» дегандай бўлди. Кап-катта одам гангиб қолди. Тикилиб турган болага қараб, қўлидаги тугунни узатди.

— Мана буни ол, мен ҳозир келаман,— деди-ю, орқасига бурилди. Ҳайрон бўлган Остап тугунни кўтариб, кетидан борди.

— Амаки, бу нима ўзи? Кимсиз? Олмайман, ойм уришадилар...

— А?.. Олавер. Сизларга. Ойинг уришмайди.

— Йўқ. Олмайман. Бўлмаса уйга киринг,— тугунни қайтариб берди.

— Хўп, хўп. Қани, юр-чи.

Шундай деди-ю, барибир жойидан қўзғалолмади. Бир неча дақиқада кечган ўз ҳолати ҳаяжонидан ўзига келолмасди. Бутун ихтиёрини ҳозир шу болага бериб қўйган, у нима деса шунга кўниши керак, бошқа иложи йўқ эди. Зўр бериб чўнтакларидан папирос қидирарди, тополмасди. Тугунни у қўлидан бунисига олар ва қайтарар, ҳамма ёгини ковларди.

— Юринг,— деди челақларини базўр кўтариб Остап.

— Хўп, хўп...

Қодирхўжа боланинг кетидан ҳовлига кираркан, айвон томондан Меҳринисанинг овозини эшитди.

— Битталаб кўтарсанг бўлмасмиди, болам. Витя қани, сандирақлаб юрмай,— Меҳринисанинг кўзи Қодирхўжага тушди,— вой, ассалому алайкум,— у бошини кўтариб ўрнидан турмоқчи бўлувди, Қодирхўжа қўймади.

— Саломатмисизлар, қимирламанг, қимирламанг. Ҳа, баҳай?

— Қайдам. Сал учинибманми.

Ичкаридан чиққан Ляна салом бериб, кўрпача ёзди. Кетма-кет Леся билан Галя уйдан чиқишиб, онасининг пинжига киришди.

— Ҳой, салом қани?

— Ассалому алайкум,— дейишди кетма-кет чуғур-

лашиб қизлар. Қодирхўжа айвон лабига қўйган тугунни қизларга узатди. Галя бир унга, бир онасига қараб, тугунни кўтармоқчи бўлудди, ердан узолмади. Ляна кўтариб, қизларни етаклаб уйга олиб кириб кетди. Қодирхўжа челақдаги пўчоқни девор тагида ётган сигирнинг тоғорасига солаётган Остапга кўзи тушиб, бояги ваҳимасидан кулиб юборишига сал қолди. Анча ўзини босиб, тетикланди. «Хайрият» деб қўйди ичида.

— Касабани кузатибсиз-да? Йўқ эдим, беҳабар қолибман.

— Кўпга келган тўй экан,— деди хомуш бошини эгиб Меҳриниса,— ўзингиз тинчмисиз. Эътиборхон саломат юрибдими?

— Шукур. Салом айтди. Уям болалар билан ўралашиб қолган.

— Омон бўлсин. Мўътабархондан хат борми? Ҳалиги госпиталдами?

— Ҳа. Яқинда ўзи ҳам келиб қолар.

— Вой, шундайми? Отпускага келадими?

— Отпускага...— Қодирхўжа бу сўзни чўзиб айтди-да, хомуш тортиб, хўрсиниб қўйди. Меҳриниса бирон нарсани сезгандай бўлди-ю, қайта сўрашга андиша қилди.

— Айтгандай, Муяссар эсон-омон юрибдими? Келиб турадими? Эридан хат борми?

— Хат йўқ... Турмуш қурган деб эшитаман. Ўзини кўрмайман.

— Келмайдими?

— Йўқ. Келинингиз бир сафар кўчада кўрган экан, ишимдан ортмайман дебди. Қизимиздек бўлиб қолган эди... Ҳа, омон бўлсин. Сиз ёнбошланг, янга, иситмангиз борми?

— Йўқ. Сал учинганга ўхшайман-да,— аъзойи бадани қақшаётганига қарамай, ўзини тетик тутиб гапирарди-ю, барибир лаблари пирпираб турарди.

Қодирхўжа буни сизди. Эридан гап очишдан ҳам Меҳринисанинг саломатлиги уни ўйлантириб қўйди.

— Докторга хабар қилдингларми?

— Анув каттам эрталаб хабар қиламан дедди, тўхтатдим. Босилиб қолар.

Ичкаридан Лесянинг чинқириб йиғлагани эшитилди. Меҳриниса ялт этиб, уй томонга қаради.

— Нима қилди-а, Ляна, йиғлатмасанг-чи.

Даҳлизда Ляна пайдо бўлди.

— Печенье берсам, тагин дейди.

Меҳриниса меҳмон олдида хижолат бўлди.

— Йиғлатма. Бера қол, болам.

— Ҳаммага биттадан бўлиб чиқувдим-да. Тегишини еб қўйди.

— Бера қол... ҳой, дастурхон ёзмайсанми, қизим.

— Ҳожати йўқ,— деди Қодирхўжа ўнғайсизлашиб,— овора бўлма, қизим. Мен ҳозир тураман...

Ичкарида Лесянинг хархашаси босилмай туриб, қовли этагида Саша-Лёша бири бирини ерга босиб дўппослай бошлади. Ерда ётгани додларди. Сигирга овқат бераётган Остап югуриб бориб, уларни ажратди. Меҳриниса бошини кўтариб қаради-ю, қаттиқ гапиришга ҳоли келмади.

— Нима қилишди, ҳой Остап?— деёлди зўрга.

Қодирхўжа ҳайрон бўлганича қолди. Юраги сиқилиб кетди.

— Туршак берувдим. Шуни талашибди,— деди болаларни ажратиб Остап.

— Туршак?

— Ҳа,— деди Остап айвонга яқинлашиб,— ойичи, анави қора кампир бор-ку.

— Қора кампир?

— Жарнинг нариги ёнидаги кўк эшикли.

— Ҳа, Олия холами?

— Ҳа, ўша.

— Нима қилди?

— Пўчоққа кирувдим, туршак бердилар.

— Яхши. Бор, укаларингни йиғлатма,— Меҳриниса Қодирхўжа олдида ортиқча суриштириб ўтиришни эп кўрмай, гапни қисқа қилмоқчийди, Остап жойидан қўзғалмади. Қапшайган чўнтагига қўлини солиб, да-наклар орасидан алланарсани қидира бошлади.

— Пул ҳам бердилар,— деди туршак ширасидан қаватлари ёпишиб қолган эллик сўмликни олиб, ёзиб кўрсатди,— манг...

Меҳринисанинг зил-замбил қовоқлари кўтарилиб, кўзлари катта очилиб кетди. Эллик сўмлик иссиқ кўриниб беихтиёр қўлини узатди-ю, дарров тортиб олди, ваҳима босди.

— Манга қара, ким дединг?

— Ўша Олия хола-да, манг...

Меҳриниса бошини кўтариб, ўтириб олган эди, кў-
ви тиниб кетди, яна ёстиққа ташлади ўзини.

— Ўзингизни уринтирманг, янга. Бераси бор бўлса
бергандир-да,— деди уни тинчитишга уриниб Қодир-
хўжа. Остап қўлида пулни ушлаганича турарди.

— Олди-берди қиладиган хотинмас, шунга ҳайрон-
ман,— зўрга гапирди Меҳриниса,— ростингни айт,
болам.

— Рост, ойи.

— Нима деди? Бирон нарса олиб келиб бергин де-
гандир. Уйда ҳеч кими йўқ. Эркаксия.

— Уйларида битта киши бор экан. Соқоллари ўс-
ган, худди партизанларга ўхшайди. Уша киши берди.

— Нима деди?

— Ма, ол. Уртоқларинг билан қовун олиб е, ҳеч
кимга айтма, ўзинг яхши боласан-ку, деди... Кейин
Олия хола бир ҳовуч туршак берди. Олмайман деса-
мам зўрлаб берди.

Қодирхўжа Меҳринисага қаради.

— Янга, қўйинг, ўзингизни уринтирманг, таги чи-
қиб қолар.

— Тавба... Ҳой, Остап, ҳозир пулни олиб бориб,
эгасига қайтариб бер, бор!

— Ойи, ҳеч кимга айтмагин, пулниям, мениям де-
ган. Борсам уради.

— Уради?

— Ҳа,— деди-ю, йиғлаб юборди Остап.

Меҳриниса гангиб қолди. Қодирхўжанинг раҳми
келиб, Остапни ёнига торғди, бағрига босиб, қўлидан
пулни олди, бошини силаб, овутишга тушди.

— Йиғлама. Нега уради. Ўзини танийсанми?

— Ҳеч кўрмаганман. Биринчи кўришим. Ўзи дала-
дан келганмиш. Олия хола айтди. Ҳозир кетади, деди.

Боятдан бери, қўрққанидан гаплариниям эплаб га-
пиролмаётган Остап Қодирхўжанинг бағрида ўзини эр-
кинроқ ҳис қила бошлади. Кўз ёшларини артиб, гу-
ноҳқорона онасига тикилди.

— Қани, Остап, бир бошдан гапириб бер-чи ўғлим.
Нима бўлди ўзи?

— Эшиклари занжир экан. Итарувдим очилиб кет-
ди. Пўчоғларинг борми деб ҳовлига кирсам, ўша киши
турган экан. Соқоллари ўсган. Ёнглари янги шимариб
олиб, битта ёғочга ўхшаган нарса билан, анув бор-ку,

хаҳ... — Остап отини айтолмай, ҳовлига кўз югуртирди, супага ташлоқли пўстакни кўрсатди, — ана, пўстакчи, шунақа катта ҳўл пўстакни ёғочга осиб ураётган экан. Мени кўриб, чошиб олдимга келди. Қўлидаги таёқ билан урмоқчи бўлувди, додлаб юбордим. Олия хола олдимни тўсмаса ўлдириб қўярди. Кейин қочмоқчи бўлувдим. Олия хола ушлаб қолди. «Жинни бўлдингми Тўлавоё, э, афтингни ел ёпсин, болага нимага тегасан», деб у кишини қарғади.

— Ким дединг? — жонҳолатда бошини кўтарди Меҳриниса.

— Тўлавоё.

— Вой касофат, қамалган деб эшитувдикку-а?

— Ким у? — сўради Қодирхўжа.

— Вой, Тўлажаллоб-да. Гиламимизнинг ярим пулини еб кетди-я. Қамоқда дейишганди. Мундан чиқди, опасиникида қочиё ётган экан-да?

— Кўнчилик қилармиди?

— Ҳа, ундан ҳам хабари бор дейишарди. Вой ҳаромхўр... Сани таниё қопти-да, бундан чиқди?

— Билмадим, — деди Остап нималигига тушунолмай.

— Менимча танимагану, бола бўлса ҳам ўзидан қўрққан. Қани, кейин нима бўлди? — сўради у Остапдан.

— Кейин, Олия хола мени алдаб, пўчоқларини челагимга солиё берди. «Амакинг сенга ҳазиллашди-да, болам...» деди. Иннайкейин ўша киши пул берди. Олия хола чўнтагимга туршак солиё қўйди. Ҳеч кимга айтмайсан девди, хўп дедим...

— Шундоқ дегин, — Остапнинг бошини силади Қодирхўжа, — бўлмаса сўзингнинг устидан чиққин. Ҳеч кимга айтмай қўя қол. Қўрқма, у одам сени урмайди, шунчаки ҳазиллашибди-да. Қўрқоқми бу бола ё ботирми? — деб синаё кўрмоқчи бўлибди.

— Қўрқмадим, — деди дадил бўлиё Остап.

— Баракалла. Пулни ойинг ўзи бериё қўяди. Энди у ҳовлига бормай қўя қол, хўпми? — Қодирхўжа шундай деб: «Айтганингиз тўғри, янга», дегандай Меҳринисага қараё қўйди.

— Хўп, сиз дадам билан ишлардиз-а, амаки.

— Ҳа, ҳа, ўғлим.

— Нега сиз фронтга кетмадиз?

— А? Навбат келса менам бораман, ўғлим.

— Дадамни кўрсангиз салом айтинг. Хат ёзсинлар. Меҳринисанинг кўзларидан дув ёш тўкилди, шошиб кўрпанинг учига артиб олди.

Эшикдан ҳовлиқиб Сарсонбой кириб келди. Қодирхўжага салом бериб, онаси ёнига ўтди. Ўпкасини бо-солмасди.

— Ойи-чи, ойи, Ренат вокзалда юрганмиш.

— Вокзалда?

— Ҳа. Анув тўртинчида ўқийдиган ўртоғим кўрибди.

— Вой ўлмасам...

— Бориб, олиб келайми?

— А? Битта ўзинг... Шошма, шошма,— Меҳриниса зирқираб кетган бошини ушлаб, кўзини юмди.

Қодирхўжа нималигига тушунолмаб бир Сарсонбойга, бир Остапга қараган эди. Остап тушунтира кетди:

— Ренат уч кундан бери йўқ. Ойим, ўшанга касал бўлиб қолдилар-да, амаки... Кеча эрталабдан кечгача қидирдилар, тополмадилар. Вокзалда кўрдингми, Сарсонбой?

— Менамас. Болалар кўрибди.

— Қорни очгандир-а. Қаерда ётибди кечаси?

— Қаёқдан биламан.

Меҳринисанинг қулоғига гап кирарди-ю, кўзини очолмасди.

— Амаки,— деди Сарсонбой,— кўчанинг бошидаги машина сизникими?

— Ҳа,— деди унга ўгирилиб Қодирхўжа ва шошиб соатига қаради,— нимаиди?

— Шоферингиз қидириб юрибди. Чақириб келайми?

— Йўқ... Ҳа, менга қара, ўғлим, бориб айт. Ҳозир чиқадилар дегин.

Сарсонбой ўрнидан туриб, ҳовлига тушган эди, кетидан Остап ҳам югурди.

— Хаҳ, ташвишлариям бор бўлсин,— деди зўрға кўзларини очиб Меҳриниса,— биттам сал шўхроқ чиққан. Ярамас болаларга қўшилиб қолдими деб қўрқаман. Уч кундан бери йўқ. Вокзалда дедими?... Тагин поездга осилиб...

Бирров кириб, кўнгил сўраб чиқаман деган, иши

бошидан ошиб ётган Қодирхўжа Маҳкам акани ҳам унутиб, оиланинг ташвишида ғарқ бўлиб ўтирарди. Бутун бир улкан корхонани бошқариб турган одам ҳозир кўриб, эшитиб турганлари олдида довдираб қолди. Юраги сиқилиб кетди. Нима маслаҳат беради-ю, қандай кўмаги тегади. Келиши ҳамона зудлик билан врач чақиртиришни ўйлаб ўтирувди, мана, ҳозир ундан ҳам зарури чиқиб қолди. Меҳринисага врачдан ҳам кўра боланинг топилиши кўпроқ, давога ўхшайди. Цех бошлиқларини мажлисга чақириб қўймаган бўлса ҳам бир нави эди. Эсига тушса, кабинетини тўлдириб, тамаки тутунини буруқсатиб ўтирганлар кўз олдига келарди. Шартта туриб: «Ишим зарур», деб кетаверсинми? Йўқ-э. Виждони олдида, мана шу гўдаклар олдида, Меҳриниса, Маҳкам ака олдида нима деган одам бўлади. Хўш, бўлмаса нима қилиш керак? Мияси гангиб қолди. Қодирхўжа йиламас, оямас, ҳафтаямас, бир неча дақиқа кўрганларидан боши қотиб ўтирибди. Ўлмаган эр-хотиннинг жони. Шу хонадонга болалар келганидан буён кўраётган кунлари шу-ку, ахир. Қодирхўжа шу топда Маҳкам акани ҳам Меҳринисани ҳам ҳар қандай корхонанинг манамаман деган раҳбаридан баланд қўйди, уларнинг бардошига қиёс қилгудек сўз тополмади. Ниҳоят бир қарорга келгандек бўлди.

— Янга,— деди кетма-кет папиросини тортиб,— вақтни ўтказмайлик. Мен бориб, сизга врач юбораман, кейин вокзалга чиқиб, Ренатни қидирамиз. Болалардан қайси бирини олиб кетсам бўлади?

— Вой, сиз овора бўлманг. Ишлик одам. Докторнинг ҳожати йўқ. Фақат мана шу боладан кўнглим тинчимай турибди-да.

— Ҳеч овораси йўқ,— Қодирхўжа ўрнидан турди,— Сарсонбойни олиб кетсаммикин ё икковинг борасанми-а,— деди у ёнма-ён турган Остапга.

Шу пайт эшикдан ёнида врач билан Коля кириб келди.

— Вой, ана, ўзиям кеп қолди,— деди Меҳриниса,— Коля, Ренатинг вокзалда юрганмиш-а. Нима қиласан?

— Вокзалда? Ким кўрибди? Ўзингиз тузукмисиз ойи?— сўради Коля Қодирхўжа билан сўрашиб бўлиб.

— Мактабдаги болалар кўрибди,— деди Сарсонбой ва акасининг ёнига бориб тушунтира кетди.

Врач Меҳринисага қарай бошлади. Ҳарорати ўттиз тўққизга чиқибди. Коля буни эшитиб қўрқиб кетди.

— Нима бўлибди, опа?— секин сўради врачнинг ёнига келиб.

— Қаттиқ шамоллабдилар. Ўзлари бедарман эканлар. Бу ер шабада, уйда ётишингиз керак, Меҳри опа,— деди врач ва сумкасидан қоғоз чиқариб дори ёза бошлади.

— Ляна, уйга жой қилгин,— деди Коля онасининг пешанасидан қўлини олмай.

— Йўқ, сиқилиб кетаман уйда, болам. Шу ерда ўралиб ётаман.

— Шабада бу ер, ойи, иссиғингиз баланд,— деди Коля ва Лянага: «Жой солавер», дея ишора қилди.

Колянинг катталардек гапиришлари, болаларнинг унга итоат қилаётгани, ҳатто Меҳриниса ҳам унинг сўзини ортиқча қайтармаётганини кўриб, ағрайиб қолган Қодирхўжанинг меҳри товланиб кетди. Келганидан буён диққинафаслиги сал ёришгандай бўлди. Коляга ҳавас билан тикилганича папирос тутатарди. «Ўғил ўғиллигини қиларкан-да а... Суянса суянчиқ бўлиб қолибди...»

Врач дориларни ёзиб, ўтирмай чиқиб кетди. Эртага яна келажаги, кечқурун ҳамшира келиб, укол қилишини тайинлади. Коля уни эшиккача кузатиб қўйиб, айвонга чиқди. Меҳринисани қўлтиқлаб уйга олиб кирди.

— Амаки, сиз овора бўлманг. Вокзалга ўзим чиқиб келаман,— деди Қодирхўжага.

— Бирга чиқамиз, ўғлим, қани юринг,— умрида болаларни сизлаб ўрганмаган одам Коляни нима учундир сизлай бошлади,— янга, хотиржам бўлинг, Ренатни топамиз, қаёққа борарди.

— Ишингиздан қолиб-а?

— Ҳечқисси йўқ. Сиз уринманг.

Коляга Остап, Сарсонбой қўшилди. Эшикка яқинлашишганда Саша-Лёша ҳам, Абрам, Дзидра ҳам хархаша қилиб эргашишди. Коля уларни қолдирмоқчи эди, Қодирхўжанинг кўнгли бўлмади. Ҳаммасини эргаштириб олди. Уйда Ляна билан кичкина қизлар қолди.

Шофёр ҳайрон. Сигишмайди дейишга қарамай Қодирхўжа ҳаммасини ўтқазаверди. Болаларга худо бер-

ди. Тўполон билан машинага чиқишиб, бирининг тизасига бири ўтириб олишди. Коля уларни тинчитмоқчи бўлувди, Қодирхўжа: «Қўяверинг ўғлим, ўйнашсин, майли...» дея, ўз ҳолларига қўйиб берди. Улар бири олиб, бири қўйиб, тўполон қилиб боришарди. Шофёрнинг ғижини келар, бир нарса деса хўжайинни ранжитиб қўйишни ўйларди. «Қаёққа?» деган саволга Қодирхўжанинг: «Заводга» дейишига тушунолмади. «Болалар заводда нима қилишади?» демоқчи бўлди-ю, сўролмади. Хийла юрилгандан кейин Қодирхўжа машинани ўнгга бурди.

— Олдин вокзалга берайлик-чи, а,— деди Коляга ўгирилиб.

— Амаки, сиз ишингиздан қолманг, ўзимиз қидирамиз,— деди Коля.

— Сиз ишдан қолибсиз-ку, ўғлим.

— Мен сўраб келдим, оймларга врач обораман дедим.

— Амаки, сизам ишингиздан сўраганмисиз? — бидирлади Абрам.

Шофёр орқасига ўгирилиб, кулиб юборди. Қодирхўжа ҳам завқ билан кулди. Чўнтагидан папирос чиқариб, чекмоқчи бўлди. Болалар ўтиргани эсига тушиб, тўхтади. Орқасига қаради:

— Отинг нимайди, сени?

— Абрам.

— Сўраганман, ўғлим. Абрамларникига бориб келаман, майлими деганман.

— Майли дейишдими?

— Ҳа.

— Алдавоштила,— деди Лёша.

— Алдадилар,— гапга қўшилди Саша,— оймларни кўргани келганлар, билдингми.

— Оймлагамас. Дадамларни олдига келувдилар. Дадам кетиб қолдилар,— деди билағонлик қилиб Дзидра,— ўзлари бирга ишлашади-да.

— Вой, амаки, сизам тақачимисиз? — сўради Лёша.

— Ҳа, ўғлим,— деди Қодирхўжа ўзини кулгидан зўрға босиб,— даданг билан ҳамкасабамиз.

— Ҳадеб бидиллайверма,— деди пичирлаб Витя Лёшани туртиб,— тақачи машинада юрадим, жинни?

— Бўлди,— деди икковига хўмрайиб Коля.

Қодирхўжа эшитиб эшитмасликка олди. Шофёрнинг баттар гижини келарди. Кўпинча уйдан заводга боргунча бир оғиз гапирмайдиган одам мунча эзма бўлиб қолди. Худди болаларга ўхшайди-я. Хурсандлиги-чи?

Болалар жимиб қолишди. Сал ўтмай Қодирхўжанинг ўзи бузди бу жимликни.

— Катта бўлсаларинг, ҳаммаларинг машинада юрадиган бўласизлар,— деди болаларнинг кўнглини кўтариб,— ўзларинг ҳайдайсизлар.

— Барибир мен ҳайдамайман,— деди Абрам.

— Нега?

— Одам босиб олишдан қўрқаман.

— Вой, қўрқоқ,— деди уни масхара қилиб Витя.— Абрам ўзи ҳамма нарсаданам қўрқади.

— Ҳо, ўзиз-чи, ўзиз? Фашистлар бостириб келганда қочдим деган ким эди?

— Улар мотоциклда келувди-да, фашистлар эди-да, қочмайманми?

— Бизани қишлоққа шунақа машинада бостириб келган. Усти очиқ эди, автоматдан отиб, ҳаммани бостириб келаверган. Қочиб қолганман, бўлмаса, мениям мажақлаб кетарди.

— Улар фашистлар-да. Сен фашистмики. Узимизникисан-ку.

— Барибир. Одам босган одам фашист бўлади. Билдингми...

Болаларнинг баҳси Қодирхўжани шу топда ўт-олов ичига олиб бориб қўйгандек бўлди. Бўғилиб кетди. Дарров гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Ҳой, менга қаранглар, дадаларингга хат ёздиларингми?

— Йўқ.

— Ман ёзаман.

— Адресларини билмаймиз-ку.

— Ҳа, дарвоқе, адреси келгани йўқ-а. Нима ёзасизлар?

— Дадажон, соғиндим дейман.

— Ренат кетиб қолди, қидирвотмиз дейман.

— Бор-э, шуниям ёзадими? Эшитиб дадам ҳам касал бўп қоладилар.

— Тўғри айтди Остап,— деди Қодирхўжа ётиги билан,— бунақа нарсани ёзманглар. Яхши юрибмиз, сизни соғиндик деб ёзинглар.

- Ойнинг касалини-чи?
- Ойнинг эрта-индин тузалади, ўғлим.
- Ренант-да, ойимни касал қилган. Бўлмаса...
- Ренатниям топамиз.
- Мен Ботир акамга хат ёздим,— деди Абрам мақтаниб.

Боядан бери хомуш ўтирган Абрамнинг чиройи ёришганидан Қодирхўжа хурсанд эди.

— Жуда яхши қилибсан, ўғлим. Тузалса, ўзиям қадемай келиб қолади.

Машина вокзал майдонига келиб тўхтади. Болалар шовқин солиб машинадан туша бошлашди. Қодирхўжа Коляни ёнига чақирди:

— Уғлим, ўзингиз бош бўлиб, Ренатни қидириб кўринглар. Мен заводга бориб келай. Одамлар қараб қолгандир. Тез келаман. Мана шу эвакуопункт ёнида учрашайлик. Хўпми?

— Амаки,— деди Коля унга ялиниб,— сиз овора бўлманг. Ўзимиз кетаверамиз.

— Топмасаларинг-чи?

— Бошқа жойларни қидирамиз.

— Йўқ. Мен келаман. Гап шу. Кетиб қолманглар. Қодирхўжа машинага ўтирди.

Вокзал майдони одамлар билан тўла. Кўплари ҳарбийлар. Солдатлар, матрослар, учувчилар, офицерлар, генералларгача бор. Тўда-тўда бўлиб турган солдатлар давра олишиб, ҳарбийча рақсга тушаётган йигитга қарсак чалишмоқда. Нарироқдаги бир тўда ашула айтяпти. Укалари ўртасида турган Колянинг мияси қотди. Қаёққа боради. Қаердан қидиради, кимдан сўрайди? Ҳаво очиқ бўлгани билан куз шабадаси эсиб турарди. Дзидра эгнидаги юпқа, енгсиз кўйлаги билан келаверган экан, жунжий бошлади. Унинг лаблари оқариб кетганини кўрган Коля жаҳли чиқиб:

— Шундоқ келаверибсан-да. Ма, кийиб ол,— деди костюмини ечиб.

— Ўзингиз-чи, ака.

— Ма, кий. Шамоллаб қоласан. Сарсон, қаерда кўришган экан? Қачон?

— Шу бугун. Дадасини кузатгани чиққанида кўрибди. Қўлида тугуни бор, ёнида иккита бола билан юрибди, деди.

— Қани, мана бу ёқдан айланиб чиқайлик-чи,— де-

ди Коля ва майдоннинг бир чеккасидан юриб кетди, — қараб борларинг, Саша-Лёша, орқада қолма, Витя, қўлларидан ушлаб олгин...

Улар майдонни айланиб чиқиб, дарахтзор боққа ўтишди. Кейин «Билет кассалари» деб ёзилган бинога кириб чиқишди. Ренатни қидиришдан ҳам Саша билан Лёша қийнаб юборди. Аграйишар, орқада қолиб кетишар, одамлар орасида ўрмалашиб «ака»лаб йиғлашарди. Коля уларни олиб келганига минг пушаймон бўлиб, ўзини койирди. Бироқ қаттиқ гапирмасди. Сарсонбой ҳам, Остап, Витя ҳам эплай олмагани, ҳадеб турткилай берганидан кейин Саша билан Лёшани ўзи етаклаб олди. Бинодан ташқари чиқиб, тўхтаб қолди. «Перронга ўтказишармикин?» дея кўнглидан ўтказди-ю, таваккал қилиб темир дарвоза ёнига борди. Билагига қизил лента боғлаган темирйўлчи аёлга салом бериб, воқеани тушунтирди. Киришга рухсат сўради. Аёл болаларга бир-бир қараб чиқди-да, ёлвориб турган тийрак кўзларга бардош беролмади. Эшикни очаркан, тайинлади:

— Нариги ёққа ўтманглар. Эҳтиёт бўлинглар!

Майдондагига қараганда бу ерда одамлар сийрак эди. Деярли ҳарбийлар, темирйўлчилар. Биринчи йўл бўш. Иккинчи йўлда узун эшелон турибди. Қизил вагонларнинг баҳайбат эшиклари ланг очиқ. Баъзиларига солдатлар жойлашган. Эшелон ҳали анча турса керак. Солдатларнинг кўпи ечиниб, пастга тушиб бемалол юришипти. Бири ботинкасини тозалаяпти, бири ювиаяпти, яна бири пақир кўтариб, сувга кетаётипти. Махоркаларини тутатиб, тўда-тўда бўлиб турганлар гурунглашиб, ора-сира гурр кулги кўтаришади. Вагонларнинг баъзиларига отлар ортилган. Очиқ вагонларга ҳар бири биттадан вагонга жо бўладиган танк, тўплар ортилиб, ҳаммасининг устидан брезент тортиб қўйилган. Бу вагонларнинг олдида ҳам, орқасида ҳам соғчи турибди.

Коля укаларини бошлаб, тўғрига юрди. Бораркан, дадасини кузатгани эсига тушиб кетди.

— Дадамлар ҳам шунақа вагонда кетувдилар, — деди укаларига.

— Етганмикинлар, ака? — сўради Сарсонбой.

— Билмадим.

Улар эшелоннинг охирига бориб, учинчи йўлга

ўтишди. Бу ерда пассажир поезда турарди. Поезд яқинда келиб тўхтаганми, ё жўнаши керакми, буни Коля билолмади. Вагонларда одамлар бор, чиқиб-тушиб туришибди. Коля проводниклардан бирининг ёнига бориб, сўрамоқчи бўлиб турганида, Дзидра бақириб юборди:

— Ана, Ренат!

Паровозларнинг тутуни буруқсаб турган томондан икки милиционер тўртта болани етаклаб келарди. Болаларнинг кийимлари ифлос, қоп-қора мой, куяга беланган, афт-башараларига қараб бўлмасди. Дзидра қандай қилиб Ренатни таниб қолганига Коля ҳайрон эди. Узи, болалар яқинроқ келганидагина Ренатни зўрға таниди. Нима қиларини билмай қолди. Ренат буларни кўриб, қичқириб юборди, милиционернинг қўлидан чиқмоқчи бўлувди, эпллмади.

— Коля, Сарсон... — деди-ю, йиглай бошлади.

Коля олдинроққа ўтиб, милиционерга яқинлашди.

— Амаки, бу менинг укам бўлади, қўйиб юборинг, — дея ялинди.

— Укам? Узинг кимсан?

— Мен... мен Николай Маҳкамовман.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Ким қўйди сени?

— Укамни қидириб келувдим... Қўйворинг, жон амаки.

Милиционер икки қўлида икки болани етаклаб бораркан, бир Ренатга, бир Коляга қаради, орқароқда эргашиб келаётган болаларни кўздан кечирди. Нималигига тушунолмади. Милиционерлар тутиб келаётган болаларни ичкарига олиб кириб кетишди. Коля, укалари билан коридорда қолди. Навбатчи уларни киритмади.

— Жон хола, битта ўзим кирай. У менинг укам.

— Бошлиқнинг рухсатисиз киритолмайман. Тушундингми?

— Қамаб қўйишадими энди, ака? — безовта бўла бошлади Абрам.

— Нима қилган экан ўзи? Нега ушлаб олишган?

— Қамаса шу ерга қамармикин?

— Бу ер қамоқхонамас.

— Энди нима қиламиз, ака?

Коля гангиб қолди. Укаларига нима деб жавоб қилишини билмасди. Эшикни қаттиқ тортувди, навбатчи

жекириб берди. Коридордан ҳайдаб чиқараман деб пўписа қилди. Шу пайт, коридорнинг майдонга қараган эшигидан, эвакуопункт томонидан ориқдан келган йигит кириб келди. Болаларга эътибор ҳам бермай шошиб хонага кириб кетди.

— Вой, Коля, танидингми?

— Йўқ.

— Мана бу кишини-я?

— Йўқ.

— Охунбобоев билан уйимизга борувди-ку. Эсингдан чиқдимми.

— Ҳа, ўшанга ўхшайди,— деди Остап.

— Ҳа, ҳа. Ухшайди,— деди Витя.

— Ака, ўша кишига ялиниб кўрайлик,— деди Дзидра.

Эшик очилиб йигит чиқди, шошилиб, коридордан юриб кетди. Кетидан Коля эргашиди.

— Амаки, ассалому алайкум, менинг укамни ушлаб келишди. Айтинг, қўйиб юборишсин.

— Укамни? Навбатчига айт,— йигит эшик томон шошиларди.

— Қўйишмаётипти. Сиз айтинг, жон амаки.

Йигит ниҳоятда шошиларди. Қулоғига гап кирмасди. Эшик тутқичини ушлаганича Коляга тикилиб қаради.

— Шошиб турибман. Телефон кутяпти. Қани, бу ёққа юр-чи,— деди-да, Коляни бирга олиб чиқиб кетди. Коридорда турган одамлар, кириб-чиқиб юрган темир-йўлчилар, милиция ходимлари ўзлари билан ўзлари овора, болаларга ортиқча эътибор беришмасди. Бир қараб қўйишарди-ю, ўтиб кетишарди. Улар дайди болаларга ўхшамас, тўполон қилишмас, бўйинларини эгиб, пичирлашиб гапиришарди. Дзидра эшик ёнидан жилмай, тавақасига қулоғини қўйиб, ичкаридаги шовқинни, йиғи овозини эшитарди, қўрқув босарди.

Эшикдан хурсанд бўлиб, Коля кириб келди. Укалари уни ўраб олишди.

— Нима деди, ака?

— Ўша киши эканми?

— Ҳа. Ҳозир чиқаришади,— деди Коля эшик ёнига яқинлашиб. У гапини тугатмаёқ навбатчи аёл чиқди.

— Қани, киринглар!

Коля укаларини олдига солиб, хонага кирди. Катта хонанинг тўридаги стол ёнида аёл милиция лейтенанти ўтирибди. Болалар пойгакдаги скамейкада қатор тизилишган. Ренатнинг кўзлари ёш. Икки милиционер эшик ёнида туриштипти. Коля ҳам, укалари ҳам лейтенантга олдинма-кейин салом беришди.

— Фамилиянг нима? — сўради лейтенант Колядан.

— Николай Маҳкамов.

— Сен-чи?

— Сарсонбой Маҳкамов.

— Сен?

— Дзидра Маҳкамова.

— Виктор Маҳкамов.

— Абрам Маҳкамов.

— Остап Маҳкамов.

— Лёша.

— Саша.

— Маҳкамов десанг-чи. Икковиям Маҳкамов, — деди Сарсонбой.

Лейтенант ўрнидан туриб кетди:

— Буниям Маҳкамов демоқчимисизлар? — Ренатни кўрсатди, — мени калака қилмоқчимисизлар?

— Рост. Узидан сўранг ишонмасангиз.

— Ҳа, ҳа, заб тил бириктириб олибсанлару. Мана буларни ҳам Маҳкамов деб қўя қолсаларинг, олам гулистон бўларди, қўярди, — деди у қолган учта болани кўрсатиб.

— Уларни танимаймиз хола, — деди Коля.

— Мен сенга хола эмасман, — жекириб берди у.

— Уйда укаларимиз бор. Улар ҳам Маҳкамов, — деди Дзидра қўнғироқ овози билан.

— Укаларим? Узларинг нечтасизлар?

— Ун учта, — деди Коля.

Боятдан бери «Болалар мени доводиратаёштипти», деб ғазабланаётган лейтенант бир нарса эсига тушгандай, оҳиста жойига ўтирди. Авзойи ҳам ўзгарди, овози ҳам.

— Дадаларинг қаерда ишлайди? — ётиғи билан Колядан сўради.

— Темирчи эдилар. Фронтга кетдилар.

— Ээ... ҳалиги тақачи Маҳкам аками?

Болалар чуғурлашиб, жавоб беришди.

— Шундай демайсизларми? — Кулиб ўрнидан тур-

ди лейтенант, болаларнинг ёнига келди, Дзидранинг бошини силаб, сочларини текислай бошлади. Зўр бериб ўзини ноқулай аҳволдан қутқаришга уринарди.— Сизлар мени калака қиляпсизлар деб ўйлабман.

Болалар кулиб юборишди. Колягина индамай турарди. Лейтенантнинг гаплари унга оғир ботди.

— Ренатни қўйиб юборинг, жон хола,— эркаланиб, ялинди Дзидра.

— Хўп бўлади, энди дайдиб юрмайди-да, а? Тавба қилдингми?

Ренат «ҳа» деб бошини ирғитди-ю, севиниб ака-укалари тўдасига отилди. Қучоқлашиб кўриша кетди.

— Сени деб, ойим касал бўп қолдилар,— деди тўрсайиб Витя.

— Вой, нима қилди?

— Ётиптилар, иситмалари баланд.

Лейтенант болаларнинг гапини эшитиб бир хил бўлиб кетди. Булар олдида ҳам, хонадаги ходимлар олдида ҳам хижолатда эди. Колянинг чиройи ёришмаганини ҳам сезиб турарди.

— Оббо Маҳкамовлар-э. Жудаям пишиқ, ақил экансизлар-а. Бир синаб кўрай девдим, бўш келмадинглар-а,— дея болаларнинг бошини бир-бир силаб чиқди,— хўп, хайр бўлмаса, ойингларга салом денглар, хўпми?

— Хўп, раҳмат сизга!

— Раҳмат, хола, хайр.

Лейтенант болаларни коридорга кузатиб чиқди. Коляни қўлидан ушлаб шивирлади:

— Сен мени кечир, йигитча, ишимиз шунақа. Гоҳо билолмай қолади киши.

— Зарари йўқ, хола. Хайр.

Ҳаммалари майдонга чиқишди. Болалар Ренатни ўраб олиб, уч кундан буён қаёқларда юрганини сўрай бошлашди. Коля уларни бир чеккага тўплади.

— Сизлар шу ерда туринглар. Мен ҳозир чиқаман,— деди-да, эвакупунктга кириб кетди. Навбатчи қиз уни кўриши билан, ичкарига таклиф қилди:

— Шошиб турибдилар. Сизни кутиб ўтирган эдилар, кира қолинг,— деди эшикни очиб.

— Қўйиб юборишдимми?— кириши биланоқ сўради бояги йигит.

— Ҳа. Раҳмат сизга.

— Укаларинг қани?

— Ташқарида туришипти.

— Қани, хўш. Айтиб бер-чи, ҳаммасини.

Коля дадасининг армияга жўнагани, эртасига Ренат уйдан чиқиб кетиб қолгани, ўзи ишга жойлашгани, онаси бетоблиги — ҳаммасини батафсил айтиб берди. Бугун уйга Қодирхўжа ака борганини ҳам қўшиб қўйди.

— Кап-катта йигит бўлиб қолибсан, шуларни бир оғиз менга келиб айтмайсанми. Ўзимнинг вақтим бўлиб боролмадим.

Коля бош эгиб ўтираверди, индамади.

— Гап шундай, Коля. Мен бу гаплардан ўртоқ Охунбобоевни хабардор қиламан. Натижасини эртага ўзим етказаман. Мабодо боролмасам, ўзинг келиб билиб кетасан. Ишдан қай вақтда бўшайсан?

— Соат олтида.

— Еттига етиб кела оласанми?

— Ҳа.

— Идорамни биласанми?

— Йўқ.

— Қизил майдонда. Бинонинг ўнг қанотидан кирилади. Пропуск ёздириб қўяман. Келишдикми?

— Хўп бўлади.

— Меҳри опамга, болаларга салом айт. Хайр.

Тайин қилинган жойда машина кутиб турган экан. Қодирхўжа заводда ушланиб қолибди. Болаларни элтиб қўйишни шофёрга тайинлабди. Улар қош қорайганда уйга етиб келишди.

Кечга томон Меҳринисанинг ҳарорати яна кўтарилиди. Ҳамшира укол қилиб кетганидан кейин ҳам босилмади. Олов бўлиб ёнди. Кўзларини очолмас, гапиришга ҳоли қолмаган эди. Кичкиналарни нариги уйга чиқариб, Меҳринисанинг ёнидан жилмай ўтирган Ляна, болаларнинг шовқинини эшитиб, ҳовлига чиқди. Уларни тинчитиб, нариги уйга киритмоқчи бўлувди, Ренатни кўриб, йиғлаб юборди.

— Нега келдинг. Ҳаммасини қилган сен. Бундан кўра, бутунлай кета қолсанг яхши бўларди... Қара, холамнинг аҳволини. Виждонсиз! — деди-да, башарасига тупуриб юборди.

Ренат бошини эгиб, жим турарди. Ўзига тикилиб турган ака-укаларининг юзига қаролмасди. Би-

ронтаси унинг ёнини олиб, бир оғиз гапирмаганидан билдики, ҳаммасининг фикри бир, Лянанинг газаби, ҳаммасининг газаби эканлигига ақли етди. Коля ҳам кўнгил учун: «Қўй, Ляна», демади. Сукут анчага чўзилди. Ренат ё бутунлай чиқиб кетиши керак ё...

У секин бошини кўтарди.

— Мени кечир, Ляна. Тавба қилдим. Кечиринглар деёлди зўрга юзини енгига артиб,— ойимлани кўриб чиқсам майлими?

— Юр,— деди Коля ва ўзи бошлаб уйга олиб кирди.

Бошқа болалар бирин-кетин бериги уйга ўтишди.

Меҳриниса шарпани сезиб, кўзини очди.

— Ойижон,— дея тиз чўкди Ренат,— тавба қилдим.

— Шукур. Омон экансан,— қўлини чиқариб, бошини силамоқчи бўлувди, ҳоли келмади. Коля ишора қилиб, Ренатни чиқариб юборди. Кафтани онасининг пешанасига қўйиб қўрқиб кетди. Қизиган темирга ўхшарди. Меҳриниса оҳиста гапирди:

— Дурустман, болам... Шукур... Ляна йиғладими? Уришма, болам, уни.

— Уринманг, ойи. Уришганим йўқ. У яхши қилди. Ренатни бошлаб койиб берди.

— Нима қиларди, койиб. Ўзи тирик экан, шуниси га шукур. Қўйилиб қолар.

— Ойи, мен Охунбобоевнинг ёрдамчиси бор-ку, ўша кишига учрашдим.

— Нима дединг?

— Дадамнинг кетганларини айтдим. Сизга салом дедилар.

— Бахтларингга даданг ўзи омон бўлсин, болам.

Ляна пиёлада чой кўтариб кириб, пишадаги доридан томиза бошлади. Коля лабларини жипслаштириб, қошларини чимириб, томчиларни санаётган Лянага тикилиб қолди. Назарида қиз шу бугуннинг ўзидаёқ бирдан бўйи ўсиб ҳамма нарсага ақли етадиган, бутун оилани бемалол эплайдиган бўлиб қолганди. Ренатга қилган бояги муомаласига қойил қолди. Коля: «Бопладинг. Мард экансан. Ляна. Мен билмас эканман сени», дерди ўзича ундан кўзини узмай. Ляна дорини Меҳринисага ичирмоқчи бўлувди, Коля ўрнидан турди, «Нима қилай» дегандай итоаткорона қизга қаради.

— Бошларини сал кўтаринг. Ундоқмас, ёстиқ билан...

— Шукур... Баракалла, қизим, — дорини зўрға ичиб, бошини ёстиққа ташлади Меҳриниса.

Алламаҳалда Исмоилжон кириб келди.

— Бемаҳал демай келавердим, опа, айбга қўшманг.

— Овора бўлибсиз, ҳожати йўқ эди, дурустман. Анави баттолниям топишди.

— Яхши бўлипти. Майли, уринманг.

Коля билан Лянадан бошқа болалар аллақачон ухлаб қолишганди. Исмоилжон бир чеккада. Коля билан гаплашиб ўтирди. Коля ҳамма воқеани айтиб берди.

— Яхши қилибсан, менинг эсимга келмаган ишни қилибсан, ўғлим. Охири бахайр бўлсин. Аслида эртага ишга бормай қўя қолсанг ҳам бўларди.

— Соат еттида бораман дедим.

— Ойингга ҳам қараб турармидинг, дейман.

— Ляна бор. Мактабига айтиб кетаман. Бормай қўя қолади.

— Майли. Тагин ўйлаб кўрарсан, — дея ўрнидан турди Исмоилжон.

Юлдузлар билан чарақлаган кўкдаги тўлин ой ҳамма ёқни ёритиб турарди. Исмоилжон кўча эшик олдида. Коля билан хайрлашаркан, назарида ҳозир Маҳкам аканинг ўзи уни кузатиб чиққандай бўлди.

— Хайр, касаба. Омонлик бўлсин.

Коля Исмоилжон катта кўчага чиқиб, ўнгга қайрилгунча ундан кўз узмади. Ичкарига кириб, эшикни занжирлар экан: «Касаба», деб қўйди ўзича. Эшик тавақасига суяниб туриб қолди. Нима учундир ҳозир якка бўлишни, куз тунининг мана шу салқинида танҳо хаёл суришни истарди. Дадасини кузатгани, бағрига олганида икки қўллаб белидан маҳкам қучоқлаб, ўпкаси тўлиб келганидан тортиб, мана шу ойдin кечагача ўтган кунларнинг воқеалари миясида чувалган калавадай бўлиб ётарди. Ҳозир шу калаванинг учини топмоқчи бўлди, топса нима қилади, ўзи ҳам билмасди. Фақат ҳеч ким халақит бермаса бўлгани, мана шу ширин, қалбининг нозик жойларида тўлиб турган ажиб ҳиссиётларини тўкиб юборсам бас. «Даданг кетган, онанг шу ҳолатда ётса-да, сен ширин хаёл билан банд бўлсанг!» дея ҳеч ким дакки бермаса. Калаванинг учини топай деганида эринчоқлик билан кавш қайтариб,

мудраб ётган сигир ирғиб ўрнидан туриб кетди, бутун гавдаси билан силкинди. Коля чўчиб тушди. Қўрққандай бўлди, ўз ҳолидан ўзи кулиб юборишига сал қолди. Хаёли бўлинди. Калава баттар чувалашиб кетди. Юлдузлардан бири ёруғ, узун из қолдириб, айвон томига тушиб сўнди. Қоронғи тунда отилган ракеталар осмонда овозсиз порларди-да, шунга ўхшаб из қолдириб, сўнарди. Бундай пайтда одамлар юрагини ҳовучлаб турарди. Ракета ё отишмани бошлаб келар ё осмонда мотор овози гумбурлаб, сал ўтмай бомбаларнинг визиллагани, портлагани эшитиларди, ердан ўт-олов, аланга кўтариларди. Коля ана шу даҳшатлар ичидан қандай қилиб соғ чиққанига ақли бовар қилмасди. Бир ойдан ортиқроқ поездма-поезд юрди, темир йўл станцияларида ҳам неча бор ракеталар портлади, бомбалар портлади, вагонлар ёниб кетди. Қий-чув, тўполон орасида қолди, ҳалок бўлганлар, ярадорларни ўз кўзи билан кўрди. Бироқ ҳар сафар у тириклар орасида қоларди. Бировнинг боласини кўтарди, бировнинг тугунини. Яна бошқа поездга чиқиб оларди. Кимсан деб биров ундан сўрамасди, у ҳам мен фалончиман демасди. Гўё ҳаёт ўзи шу, шундай бўлиши керакдай туюларди. Ниҳоят, Тошкент вокзалига келиб тушди. Кимдир уни, кийимига қараганда темирйўлчи эди афтидан, эвакуопунктга олиб кирди. Ғуж-ғуж гўдаклар орасига тушиб қолди. Қараса, ёши, бўй-басти энг каттаси ўзи. Биров уни гўдаклар қаторига ҳам қўшмасди, ё каттасан деб, ажратиб ҳам олмасди. Гўдакларга нимаики берилса, унга навбат келганида афтига бир ғалати тикилиб қўйишарди. Чиндан ҳам оғриниб овқат беришармиди ё унга шундай туюрлармиди, ўзи ҳам билмасди. Уч кун туриб, чиқиб кетди, Бегона шаҳар кўчаларида дайдиб юрди. Шу юришида яна қанча юради, қаёққа боради, нима қилади, билмасди. Ўйлаб ҳам кўрмасди. Назарида ота-онасидан ажраган одам борки, шу кўйга тушади. Ҳеч ким унга қарамайди, одам қаторига қўшмайди. Уруш бўлаётган жойларда ҳам тинч, аммо серташвиш, оғир ҳаёт кечирилаётган шаҳарларда ҳам шу аҳвол, ҳаётнинг ўзи шундай бўлиб кўринарди.

Ҳамма нарсага бефарқ қаради. Сувнинг шилдираши ҳам, трамвайнинг жиринглаши ҳам, ботаётган қуёшнинг шафағи ҳам, одамларнинг кулгиси ҳам, музика садоси ҳам, хуллас, ҳеч нарса қизиқтирмасди, ҳам-

ма ёқ бўм-бўшдай, ўзи ҳам шундай бўлиб кўринарди. Қорни очгандагина бозор ёхуд трамвай тўхташ жойларига борарди, биронта юки бор одамнинг оғирини енгил қилиш учунмас, кўмаклашса, бир оз ҳақ берса у-бу олиб тамадди қилиш учун шундай қиларди. Икки-уч дафқир учрашган кишилари болалар уйига боришни маслаҳат беришди. Хўп деди-ю, бормади. У ер ҳам худди шу кўчадаги ҳаётга ўхшаб кўринарди. Беш-олти кун бозор ёқасидаги бир ошхонада ишлади. Шоп мўйловли ошпаз раҳми келиб, ўзига сув ташиб бериб турадиган, чиқиндиларни тўкадиган қилиб ишга олди. Шу ерда ётиб ҳам юрди. Бирдан у киши армияга жўнаб қолди. Ўрнига қолган аёл уни яқинига йўлатмай қўйди. Шунда у темирчи Маҳкам ака оиласи ҳақида газетада хабар ўқиб қолди. Бунга ҳам ўзи ўқигани йўқ, чой ичиб ўтирган бир кишининг ўқиганини эшитиб, оиланинг адресини билиб олди. Таваккал қилиб, шу ҳовлига кириб келди. Аҳволини очиқ айтди. Болалардан биттасининг, унда оти Витялигини билмасди-да, «Дада олманг», деганидан кейин қайтиб, чиқиб кетадиган ҳам бўлувди-ку, Маҳкам аканинг ўзи ҳам, сўзлари ҳам жуда ёқиб қолди. Ота-онасидан айрилиб, ёлғиз, саргардон бўлиб юрганидан буён, бирон одам у билан одам қатори гаплашмаган эди. Бу киши, кириши биланоқ ҳолаҳвол сўради, «ўғлим», деб чақирди. Шу гапнинг ўзи ёқ кўнглини тоғдек кўтарди, кетгиси келмай қолди. Орадан сал ўтмай қарасаки, олам у ўйлагандай бўм-бўш эмас экан, одамлар бор экан, бўлганидаям қанақалари денг, уни ҳам одам деб биладиган одамлар кўп экан. Бунга у ё ёшлиқ қилиб, ё эси пастлик қилиб билмай юраркан. Ҳаёт ҳам у ўйлагандай юмалаб, туриб кетаверадиган, қорни очгандагина ўзини ўйлайдиган, маъноси йўқмас, ширин, лаззатли экан. Мана бу кўкда сузиб юрган тўлин ойга тикилиб, қандай маза қилсанг, сувда чўмилганинда ҳам шундай маза қиларкансан, бировнинг йиғисига куяркансан, кулгиси сени ҳам қувонтираркан. Бунга у шу хонадонга киргандагина фаҳмлаб олди, ақли ета бошлади. Келганига бир йил ҳам бўлгани йўқ-ку, бир умр шу ҳовлида ўсгандай. «Бўм-бўшман», деб юрганлари тушидай бўлиб қолди. Эсига тушса ўзига ишонмайди, ўзини ўзи «Жинни бўлиб юрганаканман», деб қойийди. Ё ёши улғайганидан шунақамикин? «Одам боласи қайта туғилади», де-

ган гапни эшитса, маъносига сира ақли етмасди. Уйлаб-уйлаб энди топди. Шу бўлса керак. Узи бўлса керак. Шу хонадонда қайта туғилди, ўсди, ота-онали ўғил, укалари бор ака бўлди.

Ҳа, ота-онасининг ўғли эди. Олтинчида ўқиб юривди. Мана беш кун бўлдики, у оила бошлиғи, укаларига ҳам шунчаки ака эмас, отадек бўлиб қолди. Ахир ўқитувчисининг ўзи ҳам «Ишонаман, дадангнинг йўқлигини сездирмайсан» деди-ку. Мана ҳозир артель раисининг ўзи уни «касаба» деб атади. «Фақат ойим тузук бўлсайди...» деди-ю, хўрсиниб қўйди. Ойга тикилди. Тикилиб туриб, юзларига кулги югурди, калаванинг, ширин хаёлга толдирган калаванинг учини топгандай бўлди. «Ляна... Вуй... Шунақамидинг? Энди билдим...»

— Ака!

Коля чўчиб тушди.

— Нима қилиб турибсиз?

— Узим. Ляна, ойдинни қара...

Ляна қўлида жом билан ҳовли юзига тушди.

— Қайт қилдилар.

— Тағин-а,— Коля шошиб, ичкарига кирди.

Меҳриниса аввал оқшом бир-икки қайт қилиб, бевозталаниб ётди-ю, тун ярмидан оққандан кейин ухлади. Бироқ уйқуси ногинч бўлди, азонгача алаҳлади. Коля кўзлари юмилиб кетаётган Лянага раҳми келиб, уни зўрлаб ухлатди. Онасининг тепасида ўзи ўтириб чиқди. Тонг қоронғисидагина уйқу элителиб, бир нафас мизғиган бўлди-ю, тонг ёриши билан яна уйғониб кетди. Эрталаб Ляна сигир-бузоққа қарай бошлаганида, у ишга отланиб турган эди, врач кириб келди. Меҳринисани кўриб, зудлик билан касалхонага ётқизиш лозимлигини айтди. Меҳриниса кўнмай шунча зорланиб, ялиниб-ёлворса ҳам врач қулоқ солмади.

Ҳар куни эрталаб бошланадиган ғовур, бақириб-чақириб шўхлик қиладиган, бир-бировларига ёстиқ отган, дўппи ирғитган, сув сеппи қувлашадиган болалар бугун жимжит эди. Ҳаммага тегажаклик қилиб чуғурлаб юрадиган Лесянинг ҳам овози чиқмасди. Улар оёқ учиди юриб, шивирлашиб гаплашаётганга ўхшарди. Нонуштадан олдин, бирин-кетин уйга киришди, Меҳринисанинг тепасига бориб, салом беришди. «Касалхонага кетсам, буларнинг ҳоли не кечади?» деб

ташвишланиб ётган Меҳринисани ҳаяжон босди. Уларнинг саломига дурустроқ алик олиб, эркалаш, «баракалла болаларим» деганга ўхшаш бирон гап айтишга ҳам тили келмади. Узини тетик тутмоқчи бўлган сари, ҳаяжони зўрайиб, гудурларди. Болаларга бир-бир қараб чиқди-да ваҳм босди. «Вақт-соатим етган бўлса-ю, оламдан ўтсам, шулар — бири сочини ёйган, бири белбоғ боғлаган, бири ҳасса таянган, бири тобут кўтариб кўча билан битта бўлиб, дод солиб, қабристонга олиб борадими? Кейин-чи? Дафн этиб қабрим устига ўзларини отиб, чуввос билан тупроққа беланиб... Ботирга ўхшаб, қабристонга қатнаб юришармикин? Чирғоғимни ёқиб, маъракаларимни ўтказиб ўтиришармикин? Ё эртасигаёқ битта-битта кўчага чиқиб... Йўқ, йўқ. Худо сақласин. Унақа болаларамас...» дея кўнглидан ўтказди-ю, кўзини чирт юмиб олди. Болалар қўрқиб кетишди. «Ойи!» деб чинқириб юборди Абрам.

— Ҳа, болам. Нима бўлди?

— Юмманг кўзингизни, йўқ, жон ойи!.. — Абрам қаттиқ қўрққан экан, йиғлаб, ўзини Меҳринисанинг устига ташлай деганида, Остап ушлаб қолди. Болаларни қўрқитиб юборганини Меҳриниса энди пайқади.

— Ман тузукман. Ҳеч нарса қилгани йўқ. Қўрқманглар... Ҳой, мактабга кеч қоласизлар-а. Боринглар, чойларингни ичинглар... Ҳа, баракалла.

Болалар бирин-кетин уйдан чиқишаркан, Меҳриниса ҳар бирининг авайлаб қадам босишидан тортиб, хомуш юзигача, шикаста эгилган бошлари, шалпайиб тушган қўлларигача кузатиб турарди. Энг охирида остнага қадам қўйган, икки оёғида икки хил — бири калта, бири узун пайпоқ кийиб олган Галя даҳлизга чиқди-ю, шу лаҳзада қандайдир ғойибона куч уни дарддан фориг қилди, фикр-ўйлари равшанланди, кўзлари чарақлаб, қувноқ ёшлик, дуркун келинчаклик, оламнинг бутун нашъу намосига ғарқ бўлган давридек ҳис этди ўзини. Бу нима ўзи? Бахтми? Толеми? Қувончми ё сароб? Ўша, Ботирни бағрига босиб, юраги ўйнаган, аъзойи бадани титраб кетган дақиқадан то шу пайтгача фарзанд меҳри она қалбини бунчалик қувончга тўлдиришини ҳозиргидек чуқур ҳис этмаган экан. «Бахт!» деб юборди бехосдан. Ирғиб ўрнидан турмоқчи, ҳар бирини битталаб бағри-

га босмоқчи бўлди, бошини кўтарди-ю, — йўқ, кўтариш қаяқда, зил-замбил бошини қимирлатолмади ҳам — бўшашиб тушди. Туш кўргандек бўлиб ўтган бу ҳолатидан ўзи қўрқиб кетди. Э, худо, вақт-соатим битган бўлса, розиман, майли. Фақат мана шу бахтдан бенасиб... Йўқ, йўқ, болаларни, девотман, мана шу жавдираган кўзларни бенасиб қилма. Шуларнинг бахти учун умр бер, фақат шулар учун. Шулар бошини эгиб қолмасин. Илтижо қиламан, ялинаман, ёлвораман... Нима? Йўқ! Талаб қиламан!..»

— Ойи! Ойижон! — Ляна ёнига ўтириб, бошини ушлади, — кимга гапиряпсиз?

— А?.. — Меҳриниса ўзига келиб, пешанасида турган жажжи қўл устига кафтини қўйди, — шукур, шукур... Ҳой, аммангга хабар бермадинг-а... Ҳа, уям ўзидан ортармиди. Майли, билмаганиям яхши.

Коля катталарни мактабга жўнатиб, ўзи ишдан анча кеч қолди. Ҳадеганда машина келавермади. Охири остонадан туриб, Лянага «кетдим» деган ишорани қилди-да, кўнгли ярим бўлиб кўчага чиқди.

Пешинга яқин машина келди. Нонуштадан кейин бирров кўргани кирган Заҳира ҳам, кетидан кириб келган Каромат ҳам қимирлолмай, Меҳринисанинг ёнида ўтириб қолишди. Ҳамширага кўмаклашиб, Меҳринисани машинага олиб чиқишди. Заҳира онаси кетидан йиғлаб, ўзини машинага урган Леся, Галя, Саша, Лёшани овутиб, алдаб олиб қолди. Каромат бирга жўнади. Болаларнинг қий-чуви, машина овозига чиққан Тожихон эшиги ёнида аграйиб турарди. Галяни бағрига олиб, ҳовлига кираётган Заҳирага:

— Ҳой, кеча бинойидек эди-ку, а? — деган эди Заҳиранинг эвсаси қотиб, қайрилиб қарамади ҳам.

УТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Жуссаси ушоқ, ориқдан келган қари эшак икки гилдиракли шалоқ аравани зўрға тортиб борарди. Кўчаннинг йирикроқ тош ётқазилган гадир-будур жойларига келганда туёқлари тойиб, йиқилгудай бўлар, арава у ёқ-бу ёққа лапанглаб кетар, хашак устида ўтирган қизча қўрқиб, ёнидаги қопни маҳкам қучоқлаб оларди.

Бир қарич келар-келмайдиган сочи қирқ кокил қилиб ўрилган, ҳар ўримида ярим қаричдан пилик

осилиб ётган тўрт каржли тагдўзи дўпписининг гардишлари кир, опасинингми, онасинингми увада пуфайкасини кийиб олган беш-олти ёшлардаги бу қиз эрта-лаб барвақт дала изғиринида йўлга чиққанича ғужанак бўлиб, пахталигига бурканиб, силкиниб келарди. Ҳар замонда увишган оёқларини хашак устига узатар, жунжиб, тагин пахталик барига ўраб оларди. Йўлга чиққанидан бери оғзи тинмасди. Қишлоқнинг эгрибугри, деворлари нураб ётган кўчаларидан катта йўлга чиққанида, суяниб келаётган қопининг бир-икки ерини пийпаслаб, тимдалаб кўрди. Охири арқоғи нимжонроқ жойини топгандай бўлди, ўсиқ тирноғи билан қопни тешди. Аввалига қўрқиб кетди. Кўча четида хомуш келаётган онасига олазарак бир-икки қараб олди. Семади деб фаҳмлади шекилли, бармоғини ботирди. Тирноғи қаттиқроқ нарсага тегиб, қайрилдими, синди ми билолмади. Кейин иккинчи бармоғини ҳам суқди, бир амаллаб, битта туршакни олди. Алжон-жалжон оғзига солди-ю, яна онасига қараб қўйди. Боламисан деб шуни айтадилар-да, ўз кўнглида онаси ҳам, кўчада ўтиб бораётган йўловчилар ҳам унинг ҳаракатларини сезишмаётгандай, бамайлихотир борарди, оғзи қимирлаётгани, лунжи дўппайиб турганини ўйламасди. Аввалига битта жажжи бармоқ зўрға сиққан қоп тешиги бора-бора икки-уч бармоқ бемалол сигадиған, дуч келганинимас, сергўштроқ, каттароқ, юмшоқроқ туршакни танлаб оладиган бўлиб қолди. Аввалига битта туршакни оғзини юмиб шимиб келаётган бўлса, энди бемалол еб, данагини чўнтагига соларди. Онаси анча олдинроқда бораётгани жуда яхши бўлди-да. Ҳеч нарсани кўраётгани йўқ. Бўлмаса... Яхшимас-де, ўзлариники бўлгандаям майлиди, уришмасди, колхозники бўлса, бунинг устига бировга аталган..

Ўрта ёшлардаги, эгнига кул ранг пуфайка кийиб, шол рўмол ўраган, оёғига эркакларнинг қайтарма этигини кийиб олган дуркунгина жувон қизнинг ўша биринчи туршакни оғзига солганидан буён ўзини билмасликка олиб, индамай борарди.

Улар шаҳар кўчаларидан ўтиб, Кўкча даҳасига келишганда пешиндан ошган эди. Аёл сўраб, суриштириб олган ва ўзи тахмин қилган катта кўчага аравани бурди. Анча юрилгач, йўлкада бораётган чолдан сўради.

— Тарбиясига бола олган тақачининг уйи қайси?

— Ҳув анави кўчага қайрилиб, сал юрсангиз икки тавақали эшик,— деди чол ва уч-тўрт қадам босиб, орқасига ўгирилди,— остонасига тақа қоқилган...

Аёл миннатдорчилик билдириб, эшак жиловини кўчанинг чеккароғига тортди.

— Ойи,— деди қизи бир нарсадан чўчигандек,— ҳаммасини берамизми?

— Ҳа, қизим. Колхоз шуларга юборди-да.

— Бир қопни-я?

— Ҳа.

— Бизга ҳечам йўқми?— ўксиниб йиғлагудек бўлиб сўради қиз,— ойи, озгина дўпшимга солиб олайми, а? Ҳечам билинтирмайман.

Аёл қопнинг оғзини ечди. Туршак, олмақоқидан икки ҳовучлаб рўмолига сола бошлади. Унинг қўллари қалтирар, ён-верига қараб-қараб қўярди. Кўча бошида шу томон келаётган аёлга кўзи тушиб қолди. Шошиб, аввал рўмолни тугди, кейин қопнинг оғзини бекитди. Эшакни ниқтади. Арава эшик ёнига борганида, қопни орқалади.

— Қимирлама!— деди қизига ва бир қўллаб тугуқли рўмол устига хашак тортиб қўйди,— мен тез чиқаман.

Аёл остона ҳатлаб, ҳовлига кирди-ю, қопини ерга қўйиб, аграйиб қолди. Дўконхона ёнида, жомашовда кир юваётган Ляна ҳам, айвонда Марикани ўйнатиб ўтирган Абрам ҳам, қийқиришиб, арғимчоқ учаётган Саша-Лёша, Леся, Галялар ҳам аёлни кўришмади. Қирини сиқаётганида Лянанинг кўзи тушиб қолди. Қўлларининг кўпигини сидириб, ўрнидан турди, хотиннинг ёнига келди.

— Ассалому алайкум, келинг хола.

— Ваалайкум ассалом. Ойинг қанилар?

— Касалхонадалар,— деди хомуш Ляна.

— Вой шўрлик. Анча бўлдими?

— Уч кун бўлди олиб кетишганига.

— Тузукмилар, бориб кўрдингларми?

— Ҳа. Кеча акам билан борувдик. Ўрниларидан турибдилар.

— Хайрият. Даданг ишда бўлсалар керак-а?

— Йўқ,— деди Марикани кўтариб, аёлнинг ёнига келган Абрам,— фронтга кетганлар.

Аёл нима дейишини билмай қолди. Арғимчоқ уча-

ётган болалар югуриб келиб, салом беришди-да, бир аёлга, бир ерда турган қонга тикилиб, уни ўраб олишди.

— Ботир акамдан хат келди. Энди ўзлариям келадилар,— деди чуғурлаб Леся.

— Шунақами?— дея унинг бошини силади аёл.

— Юринг, айвонга чиқинг, хола,— деди Ляна.

Аёл айвон томонга юрди. Пошна чармларини қатқалоқ босган этигини ечишни ҳам унутиб, хонтахта ёнидаги кўрпачага бориб ўтирди. Шошиб, қоннинг оғзини очди. Икки ҳовуч мевани хонтахта устига сочиб юборди.

— Келинлар, олинглар.

Болалар ҳайрон эди. Уларнинг кўзлари ўйнаб кетди. Бир-бирларига қараб олишди. Кейин «Нима қиламиз?» дегандай Лянага тикилишди.

— Олинглар, сизларга олиб келдим.

Болалар хонтахта атрофига ийманибгина ўтиришди. Абрам Марикани ерга қўйган эди, у икки қўлини чўзиб, туршакка ёпишди. Ҳамма кулиб юборди.

— Вой, бу ширин қиз экан-ку, қани, менга келгин-чи, дея Марикани қўлига олди аёл ва битта юмшоқроқ туршакнинг данагини ажратиб, қўлига тутқавиб қўйди.

— Бу кичкинасимми?

— Ҳа, менинг укам, оти Марика,— деди Ляна.

— Мунчаям чиройлик-а? Ҳой, нега уяласизлар. Олинглар. Мана бу қондагининг ҳаммаси сизларга. Колхозчилар бериб юборишди. Совға.

— Совға?— ҳайрон бўлди Ляна.

— Ҳа.

— Опа, оймлагаям олиб борамиз-а?— севиниб кетди Леся.

— Дадамгаям юборамиз, совға деймиз,— деди Абрам.

Ляна чой дамлаб келди. Уйга кириб, тулука тарелкада нон кўтариб чиқди. Бир хилда юпқа қилиб кесилган, қора булка нон тарелка гардишига териб қўйилганди. Туршак билан олмақоқини аралаштириб, анил-ганил, шошиб ейишаётган болаларга, уларнинг кўзлари, юзларидаги севинч, қувончга тикилиб, ағралиб қолган аёл нонни кўриб, хаёли қочди.

— Овора бўлма, қизим. Мен ҳозир тураман.

— Олинг, нон билан ичинг,— деди Ляна чой узатиб. Болалар ҳаммаси ялт этиб, Лянага қарашди. Ляна уларга қошнини чимириб қўйди. Буни сезиб турган аёл ўзини билмасликка олди.

— Акаларинг қаёқда?

— Акам ишдалар. Бошқалари ўқишда,— деди Ляна,— олинг, қуруқ ичманг.

— Олинг хола,— деди Абрам тарелкадаги бир бўлак нонни олиб, унинг қўлига узатаркан,— мени қорним тўйди туршакка.

Аёл боланинг қўлини қайтармади, нонни олиб, олдига қўювди, Саша ҳам тарелкадан бир бўлакни олиб узатди.

— Меникиниям ея қолинг, олинг.

— Манг, мениям қорним тўйди,— деди ўз бўлагини узатиб Лёша ҳам.

Аёл нонларни олди-ю, нима бўлаётганига энди тушунди, увоғини ҳам оғзига сололмади. Аъзойи бадани титраб кетди. Қаёқдандир миясига «Етимлик етти пуштингни куйдиради...» деган фикр тигдек санчилди-ю, қайтиб чиқиб кетмади. Томоғига бир нарса тикилди, қўлидаги совиб қолган чойдан хўплаган эди, гуп этиб, олма ҳиди димоғига урилди. Тезроқ пиёлани бўшатиб, ўрнидан туриб, ҳовлига тушди, хайрлашмай, жадал юриб кўчага чиқиб кетди. Ҳайрон қолган болалар нималигини тушуниб етмасданоқ, аёл эшикдан қайтиб кирди ва тўғри айвон лабига келиб, қўлидаги тугунни ечди. Ичидагини наomat устига ағдарди.

— Олинглар, бу ҳам сизларники. Хайр, омон бўлинглар,— деди-ю, ҳовлиқиб кўчага чиқиб кетди. Лянанинг назарида аёл кейинги гапларини ё бўғилиб, ё йиғлаб туриб гапиргандай бўлди. Болалар аёлнинг кетидан кўчага чиқишган эди, катта йўлга қайрилаётган эшак арава устида ёнма-ён ўтирган она-болани кўришди.

Ляна укаларини бошлаб ҳовлига кирди. Болалар айвонда сочилиб ётган туршакка ёпишишган эди, Ляна уришиб берди.

Болалар чекка-чеккада бўйинларини эгиб, хомуш туришар, Лянага қараб-қараб қўйишарди, туршакдан кўз узишмасди. Ляна ўзига келиб, уларга бир-бир қараб чиқди, раҳми келди. Ҳар бирига иккитадан туршак, иккитадан олмақоқи бериб овутди.

— Биров келиб еб қўймайди. Ҳаммаси ўзларингга, ўзларинг ейсанлар, оймларга ҳам олиб боришимиз керак,— у туршак, олмақоқиларни қопга солиб, уйга олиб кириб қўйди.

Болалар тўполон қилишиб, бири қўлига теша, бири болгача, яна бири тош кўтариб, чекка-чеккада даянак чақишга киришиб кетишди. Айвонда яқка қолган Марика эмаклаб, ўрнидан туриб йиқилиб, чирқираб йиғларди.

— Ҳой, Абрам, Леся, олсаларинг-чи, буни.

Ляна қўлидаги мис тоғорачада олиб чиққан туршак, олмақоқиларни челақка солиб, илиқ сувда обдон чайиб, яхшилаб ювди, кейин қозонга солди. Ярим челақ сув қўйиб, олов ёқиб юборди.

— Опа, нима ош қиласиз? — сўради ёнига келиб Саша.

— Ошмас, компот қайнатамиз.

— Вой маза, компот ичамиз.

— Сенгамас.

— Ҳа, кимга бўлмаса? Ҳа, билдим. Оймлагача-а?

— Ҳа. Менга қара Саша, мана бу чўп билан ўчоққа хазон ташлаб тургин, хўпми?

— Боринг-э. Данагимни чақиб бўлай.

Ляна қандай қилиб кўндиришини билолмай, боши қотди. Ўзи қилай деса, кири қолиб кетяпти. Бошқасига буюрсинми ё ялинсинми? Лоп этиб Маҳкам ака эсига тушди. Худди Сашага ўхшаб, тихирлик қиладиган Витяга қандай қилиб сўзини ўтказарди?

— Саша,— деди ерга қараб, иккиланиб турган болага пўписа билан,— мен нима дедим сенга?

— Леся қила қолсин.

— Йўқ. Мен сенга айтдим! Қани бери кел-чи,— Саша жойидан қимирламаган эди, билагидан ушлаб, ўчоқ олдига бошлаб келди-да, ўтқазиб қўйди. Саша йиғлаб юборди. Унинг йиғисига Лёша чопиб келди.

— Нимага йиғлавогсан?

Саша овозини баландроқ чиқариб йиғлай бошлади. Унинг ёнига Абрам ҳам келди. Воқеани кузатиб турган экан шекилли, қўлига косовни олиб, ўчоқни қовлай бошлади.

— Ляна опа, мен қиламан,— деди у.

— Йўқ. Сен Марикага қара. Сашанинг ўзи қилсин. Бўлмаса ойсининг олдига бормайди.

Буни эшитиб, хўрлиги келган Саша йиғисини баттар авжига чиқарди.

— Қила қолгин, Саша, ма, қийинмас-ку,— деди унга шивирлаб Абрам.

— Менам олдингда ўтираман,— деди Лёша.

Ляна самовардаги сувни челақка ағдараркан зимдан болаларнинг гапларига, авзойиларига разм солиб қўяр, ҳаётида биринчи марта катталарга тақлид қилиб, сўзини ўтказишнинг уддасидан чиқа олишини ўйларди. Сашанинг йиғиси босилди-ю, «Яна нима деркин?» дея гўдақлик ғурури билан Лянага зимдан қараб қўярди, кетма-кет бурнини тортарди. Бу орада Абрам ўчоққа икки ҳовуч хазон ташлади, олов ўчиб қолиши ташвишлантирарди уни. Рост-да. Ўчиб қолса бошқатдан ёқиш керак. Яна битта гугурт бекорга кетади.

— Абрам, Марикага қара!— деди турган жойидан шиддат билан Ляна.

— Саша, ма, хўп дегин,— ялиниб косовни узатди унга Абрам,— қийинмас-ку, ҳар замонда ташлаб турасан, хўпми. Иккита данак бераман.

— Алдамай қўя қол. Ўзимдаям бор.

— Ойимла нима дегандилар, эсингдан чиқдимми?

— Ляна ойиммики?

— Ойим айтдилар-ку, опангнинг сўзига киргин деб... Ҳа, ёлғонми?

— Ёлғон бўлмаса, нега кеча мени обормадилар.

— Бугун борасан, вой жинни-е.

— Ўзинг жинни,— бурнини тортди Саша.

— Опа. Саша бугун борадими?

— Сўзимга кирмаса, сираям бормаиди.

— Ана эшитдингми? Қара, вой, ўчиб қолай девотти. Саша ёқинқирамай, бир-иккита хазон ташлади.

— Кўпроқ ташла жонинг борми?

— Ўргатмай қўя қол, биламан... Қани данагинг?

— Ўзингники соп бўлдими?

— Бераман дединг-ку. Ёлғончи.

— Ёлғончимасман. Ма, очопат.

— Ўзинг очопат. Нега бўлмасам алдайсан.

— Бердим-ку, тагин нима дейсан. Оловга қара, ўчириб қўйсанг кўрасан!— деди-да, зарда билан ўрнидан туриб, Мариканинг олдига борди Абрам.

Саша Лянага қарашга бўйни ёр бермай, ўчоққа хазон ташларкан, нарироқда данак чақаётган Лёшага шивирларди:

— Кел, икковимиз ёқиб ўтираммиз.

— Бор-е.

— Бўлмаса данагимни чақиб бер.

— Узинг чиқавер. Ма,— қўлидаги тошни Сашага ташлаб, ўрнидан туриб кетди Лёша.

Ляна кир сиқаркан, буларнинг ҳаммасини кузатиб турарди, кулгиси қистарди-ю, ўзини босарди. Ҳаммасидан ҳам Сашага сўзини ўтказа олганидан хурсанд эди. Имтиҳонда беш олгандаям бунчалик қувонмасди. Шуларни ўйлаб турганида, кўча эшикдан қовлиқиб ёш бир жувон кириб келди. Худди артистларга ўхшарди. Жудаям чиройли. Қош, киприклари қоп-қора, бўялган бўлса керак, лабига қизил сурган, эгнида ҳаво ранг яланг пальто, билагида тилла соат, сочини жуда чиройли қилиб турмаклар, устидан оқ шол шарф ташлаб олган, оёғида учи найза, пошнаси ингичка қора туфли. Ляна бунақа чиройли ва ясаниб юрадиган аёлларни уруш бошланмасдан олдин кўп кўрарди. Урушдан буён ҳеч учратмаганди. Кўзига жуда галати кўрииб кетди. Тикилиб, қотиб қолди. Аёл ҳам қимирламай турарди. Анчадан кейин сўради:

— Бола олган темирчининг уйи шуми?

— Ҳа,— деди кулиб Ляна ўрнидан тураркан,— ким керак эди, хола?

— Қизим. Дзидра...

— Вой, Дзидра!— қичқириб юборди Ляна,— ойиси бўласизми?— шундай деб, беихтиёр қулочини ёзиб, ўзини аёлга ташламоқчи бўлувди, аёл сал тисарилди. Лянанинг қўллари шалпайиб тушди, ўксиниб бир хил бўлиб кетди. Биров унга: «Сенинг ойингмас-ку, аҳмоқ!» дегандай бўлди.

— Қани, Дзидра?

— Мактабда,— дейишди аёлни ўраб олган ва унинг бошидан оёғигача синчиклаб кўздан кечираётган болалар.

— Мактабда? Вой, ўқияптими?

— Ҳа, иккинчида ўқийди.

— Болагинам... Мактабда дедингларми?— аёлнинг кўзларидан дув ёш тўкилди. Чиройли бежирим қора чарм сумкасидан оппоқ шойи рўмолча чиқариб, юзла-

рига томган ёшларини авайлабгина артиб олди,— мактаби қаерда?

— Узоқмас,— деди хийла ўзига келиб Ляна,— мен қағириб кела қолай. Сиз ўтириб туринг.

— Майли.

Ляна чопқиллаганча кўчага чиқиб кетди. У қушдай учиб борарди. Узоқдан мактаб ҳовлисини тўлдириб юрган болаларни кўриб хурсанд бўлди. Охири танаффусга чиқибган экан, Дзидрани черта ўйнаётган жойидан топди. Бора солиб, қучоқлаб олди.

— Дзидра. Ойинг!— дерди-ю, бошқа гап айтолмасди.

— Ойимга нима қилди?— қўрқиб кетди Дзидра.

— Йўқ. Вой, жинни. Узингинг ойинг.

— Узимнинг?

— Ҳа, ойинг қидириб келдилар, юр!

Дзидра ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Юрсанг-чи, ойинг дедим-ку. Нимага ағрайяпсан?

— Ойим?!— Дзидра ўйчан шундай деди-ю, кўзлари чақнаб, юзлари қизариб кетди. Лянанинг бўйнига осилиб, қаттиқ сиқди-да, юзларидан чўли-чўли ўна бошлади. Кейин кўйиб юбориб, ўқдек отилиб кўчага чиқди.

— Ойим!..— Дзидра нафаси оғзига тикилиб чопиб бораркан, сарғиш ўрилмаган калта сочлари тўзгиб, юз кўзларини бекитар, кўчада ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмасди кўзига. Кетидан бораётган Ляна чопиб ҳам унга етолмасди. Дзидранинг бошидаги лентаси ечилиб учиб кетди, йўлка ёқасидаги дарахт шохига илинди, Ляна уни олиб олди. Дзидра муюлишга етгунча икки марта қоқилиб, муккаси билан йиқилишига сал қолди. Ляна қўрқиб кетди. Дзидранинг кўзига ҳозир одамлар ҳам, дов-дарахтлар, иморатлар ҳам, от-аравалар ҳам «Ойи!» деб чопиб бораётганга ўхшарди. Ҳаяжондан бўғилар, нафаси бетўхтов, «Ойи», «Ойижоним!» дерди. Ляна буни эшитиб келяпти-ю, чопиб унга етолмасди.

Дзидра эшик остонасига қоқилиб, учиб кетай деди. «Ойи»лаб отилиб ҳовлига кирди. Кетма-кет ҳаллослаган Ляна кириб келди. Марикани кўтариб турган аёл орқасига ўгирилди-ю, болани секин Абрамга узатиб, индамай тураверди. Ҳарсиллаши босилмаган Дзидра ҳам, Ляна ҳам унга тикилиб қолишди. Аёл уларга яқинроқ келди-да, бошини кўтариб, кўча эшикка кўз тикди.

— Келаётимими?

— Мана Дзидра!— бақриб юборди Ляна.

— А?— аёлнинг кўзлари катта очилиб кетди,— йўқ-йўёқ, буямас,— боши эгилиб, қўллари қалтирай бошлади, кўзларидан дув ёш тўкилди.

Ляна ҳам, бошқа болалар ҳам энди аёлгамас, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлаётган, юзларига, тўзғиган сочларигача ҳўл бўлган Дзидрага тикилиб қолишганди. Ляна Дзидрани бағрига олувди, бошини унинг кўксига қўйиб хўнграб юборди?

— Ҳой, тинчликми? Нима бало бўлди тагин?— девор томондан эшитилган Тожихоннинг овозига аёл ялт этиб қаради-ю, тагин юзини ўгириб олди. Болалар эътибор ҳам беришмади. Ляна зўр бериб Дзидранинг сочларини тароқлар, пешана, юзларини силар, эркаларди. Унга сари Дзидра Лянани қаттиқроқ қучоқлаб йиғларди. Шу топда Абрамнинг қўлида турган Марика бир нарсадан қўрққандек чинқириб юборди. Аёл чўчиб тушди. У, қошларини чимириб Абрамга бир қараб олди-да, рўмолчаси билан ёшларини артиб, орқасига ўгирилди, кўчага отилди. Остона ҳатлаб чиқди-ю, шу заҳотиёқ қайтди. Нафаси бўғилиб, гапиролмасди:

— Кечиринглар... Мен, мен, қизимни, Дзидрани қидириб келувдим...— саломсиз кириб келгандек, хайрлашмай чиқиб кетди.

Дзидранинг умидвор кўнгли чил-чил бўлди-ю, синиқлари ҳамма болаларнинг ярасини тимдалаб ўтди.

Худди шу пайтда катталарнинг мактабдан келишгани яхши бўлди. Бўлмаса ҳовлидаги бу қумқуютлик қачонгача давом этарди, билиб бўлмайди. Сукунатни папқасини ўйнаб шовқин солиб кирган Сарсонбой бузди:

— Ляна, оймнинг олдига қачон борамиз?

— Кеча бординг-ку.

— Бугунам бораман. Беш олдим. Бирданига иккита. Ойим эшитсалар жудаям хурсанд бўладилар.

Ляна индамади. Дзидрани қучоқлаганича уйга олиб кириб кетди.

Шифохонанинг бош врачлари, анча ёшларга бориб қолган, ориқдан келган, ўрта бўй, чўққи соқол Жалол Алиевич Омоновни бутун шаҳар биларди. Уни танимаган, ё номини эшитмаганлар камдан-кам топиладди. Ҳамма доктор Омонов деб қақирарди. Ўзига ҳам шу маъқул тушарди шекилли, Коля биринчи келган куни

рўйхатхонадан «Жалол Алиевичга учрашмоқчидим» деб сўровди, оқ халатли жувон: «Доктор Омонов» деявер, катта ҳам кичик ҳам шундай деб чақиради, деди. Шу-шу Меҳринисанинг болалари ҳам дуч келиб қолишса: «Доктор Омонов» деб чақирадиган бўлиб қолишди. Айниқса, улар биров сўрагудай бўлса: «Ойим доктор Омоновнинг кабинетида ётиптилар», дея мақтаниб ҳам қўйишарди.

Шифохона катта бўлишига қарамай, беморлар билан тўлиб кетган коридорларга, ҳатто айвоннинг олди-га чодир тутилиб, шу ерга ҳам каравотлар қўйилганди. Меҳриниса келган куни уни коридорнинг бошидаги каравотга ётқизишди. Ёнида қолган Заҳира курсига ўтириб, мижжа қоқмай тонг отгирди. Эртасига хотини билан кўргани келган Қодирхўжа ўтиришга жой тополмай тикка туриб, қол-аҳвол сўраган бўлди-да, хотинини қолдириб, ўзи бош врач кабинетига кириб кетди. Сўнг Омонов ўзи бош бўлиб, Меҳринисани кабинетга кўчирди.

— Ҳеч хижолат бўлманг, онам,— деди очик чеҳра билан доктор Омонов столдаги қоғозларини йиғаркан,— касал кўп, жой етишмайди... Кеча беҳабар қолибман. Бу ёқда десангиз,— у кўзини қисиб, Қодирхўжани кўрсатди,— мана бу катта келиб қолдилар...

— Катталардан қўрқаман денг...— кулди Қодирхўжа.

— Хўжалардан десанг бошқа гап. Аммо хўжалар ҳам тўққиз хил бўлади дейишади,— ўз гапидан ўзи завқ қилиб кулди доктор,— шуларнинг каттасиман деб юрсанг керагов ўзингни.

Ҳамма кулиб юборди. Мадорсиз ётган Меҳринисанинг ҳам юзига кулги югурди.

— Оббо доктор-ей, қўймайсиз, қўймайсиз. Ҳар ҳолда катталар бир нима деса типирчилаб қоласиз-ку,— Қодирхўжа гапни яна шундан бошлади. Бунинг тагида фақат икковларига аён бир сир-синоат бўлса керак, доктор Омоновнинг юзидан кулги қочди.

— Дунёда қўрқадиган одамим йўқ, Эшон, фақат икки нарсадан — одамни ранжитишу, кўпнинг назаридан қолишдан қўрқаман.

— Виламан. Энди кўраётибманми сизни. Қанийди ҳамма ҳам сизга ўхшаган бўлса, олам гулистон бўларди-я.

— Мени мақтамай қўя қол, Эшон, аслида билсанг ҳамма одамлар шундай. Мана ўзинг, келин, мана бу онагинам-ку,— у. Меҳринисани кўрсатди,— эй, нима-сини айтмай, бу онагинам ўзи бир олам... қилган иши олам-жаҳон.

— Мен ўзимни шифокор деб юрардим. Халқ мана бунақа шифокорларни етказибди,— хаёли қочган Меҳриниса нималигизи тушунолмади кулиб қўйди, ҳаяжонланди.— Луқмони Ҳакимнинг ўзи ҳам бу киши олдида таъзим қиларди. Олам ҳали бунақа шифокорларни кўрмаган. Шундай зотлар билан ҳамнафас, юртдош бўлганимга минг қатла шукур...— Доктор Омонов ҳаяжонланар, калласи титраётганга ўхшар, кўзойнаги тез-тез сирганиб, бурни учига тушар, тўғрилаб оларди,— онагинам, онам,— дея Меҳринисанинг пешанасини силади,— ўху, биз-ку, дори-дармон билан, тиг билан даволаймиз, онагинам-чи, қалбининг ўти билан, меҳрининг қўри билан мурғакларга янги ҳаёт бахш этаётингиз-я. Бу зўр шифо, ўткир даво. Бундай зотларни эл бошига кўтарарди. Ҳали бу кабинет экан-ку, лозим бўлса халқ комиссаримизнинг кабинетини ҳам бўшатиб берсак кам... Онам, онам... онагинам... отабобоси темирчи ўтган бу-ку, эзмаликни мен қилдим-а...
Ҳамма кулиб юборди.

— Қани, ҳой, ўтиринглар. Ўтир, ҳой, катта... Мана шу хона ўзингизга, онам. Тайинлаб қўяман. Ким кўргани келса кираверсин. Ўзим даволайман сизни, онам. Ҳадемай бошингизни кўтарасиз... Сизлар ўтиринглар, мен мана буларни жойлаб келай,— доктор Омонов шундай деди-да, ташқарига чиқди.

— Аломат одам-да,— деди Қодирхўжа Меҳринисага қараб,— гапирганда артист бўлиб кетади-я.

— Титраганларини кўриб, қўрқиб кетдим,— деди Эътиборхон.

— Дарди ичида. Иккита азаматидан айрилиб ўтирибди. Осонми. Тағинам тоғ экан.

— Вой шўрлик...

Аёллар бир-бирларига қараб олишди...

Шу-шу, мана беш кундан бери Меҳриниса шу хонада ётибди. Доктор Омонов бир ҳисобда яхши қилган экан. Бўлмаса Меҳринисани кўргани келаётганларни эплаб бўлмасди. Келганидан буён одам аримайди. Заҳирахон икки кеча ёнида бўлган эди, шундан буён қар

куни қатнайди, уйдан, болаларидан ҳам хабар олиб турибди. Каромат шўрликни боди тутиб қолибди. Шу ҳолатда бўлсаям қўшалоқ шол рўмол билан белини боғлаб, инқиллаб кунига бир келиб-кетиб турибди. Ён қўшнилари, шу кўчадагилар-ку майли-я, ҳаммаҳалларининг жуда кўпи кўргани келишди. «Ёш келин-куёв» Ориф ота билан Иқбол сатангдан тортиб, келини билан Зоҳида ҳам, Светланани ёнига олиб Қандолат-биби ҳам келди. Абдуҳафизнинг хотини шўрлик чўпдек бўлиб қолибди. Ҳалиям эрининг иши бир ёқлик бўлмапти. Ичи дардга тўлиб ётибди-ю, бечора дамани чиқармайди. Қиёлмаганидан келган. Бўлмаса бемор кўриш юрагига сиғармиди. Номус кучли қилганми ё инсофга келганми, ўтган куни Тожиҳон ҳам келди.

— Ён қўшни — жон қўшни дейдилар айланай, бир чеккаси товуткашмиз, ҳамм. Бирров кўриб келай дедим...

Маҳкам аканинг ҳамкасблари икки дафқир келишди. Соли уста кўп бамаъни чол-да. Ҳар келганда Меҳринисанинг кўнглини тоғдек кўтариб кетади. Исмоил-жон-ку, хотини, онаси билан деярли ҳар куни қатнайди. Кеча тарбиясига олган болаларни етаклаб Иван Тимофеевич келди. Битта стакан қизил малина муроббо олиб келибди.

— Келин, минг дардга даво бу, чойга солиб ичинг, — дейди меҳрибон чол.

Одатда врачлар бемор олдига одам қўйишавермайди. Толиқади, узилади дейишади. Доктор Омонсв бунинг тескарисини маъқул кўради, ё Меҳринисанинг дардига қараб иш тутаётиптими билиб бўлмасди. Эрталабдан кечгача келаётганларнинг кети узилмаётганини кўриб турибди-ю, ҳар гал «Онам, майли келишаверсин, чарчасангиз ҳам тўйгунча гаплашиб ўтиринг, аммо касалдан гап очманг. Касал борасини бизга қўйиб беринг, онам...» деб чиқиб кетади. Меҳричиса ҳам наварида одамлар келган сайин чиройи ёришиб, енгил тортарди. Кечга бориб, толиқиб, кетмон чолиб чарчаган кишидек қаттиқ ухлаб қоларди. Уйлаб турса, уйда, соппа-соғ юрганида ҳам бунчалик ухлаганини эслолмайди. Шуниси борки, тонг қоронғисидан кўзлари чарақлаб очилиб кетади. Шундан бошлаб то ташқарида оёқ товуши эшитилиб ҳамшира термометр кўтариб киргунга қадар ҳаёл дарёсига ғарқ бўлади. Эрмаги шифт-

даги қандил. Ҳовлидан тушиб турган чироқ нурида йилтиллаган қандилни минг оҳангга солиб, ҳар хил нарсага таққослайди, ўхшатиб кўради. Йўгон-ингичка, узун-калта сумалакка ўхшаб осилиб ётган шокилаларини бир сафар болаларга ўхшатганича, ҳар гал шунга тикилиб, биттадан номларини айтиб чиқади, «Маринкани тўсиш эсига келганмикин? Ё қотиб ухлаб қолади, туролмайти. Таги ҳўл, музлаб ётибди-да, бола шўрлик. Усти очилиб қолса...— деб худди ёнида ётгандай ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади.— Нега хат ёзмайдилар-а? Тинчликмикин. Ботиржон келса, уйлантириб, келин туширсам. Вой Иқбол сатанг ўлгурэй... гажагига бало борми? О-ми-ин!..» Эсига тушиб кулиб юборади, мункиллаб қолган Ориф ота кўз олдидан ўтади. Коридорда оёқ товуши эшитилиб, хаёли бўлинади, қулоқлари тагида «Онам», «Онәм», «Онагинам» деган ёқимли сўз жаранглайти. Соли уста айтгандай одамнинг бардоши кучли бўларкан-е. Иккита ўглидан айрилиб, ғам-ғуссанинг заҳар-заққумини татиб юрган бўлсаямки, бол томади-я. «Яхши туш кўриб чиқдингизми? Онам? Тушда ҳикмат кўп. Аммо ҳаммасига ишонавериш керакмас. Яхшилларини териб олингу, ёмонларини улоқтириб ташланг, ёмон туш шайтоннинг иши. Шайтонни даф қилган одам ҳамиша дардан фориг бўлади. Бу борада Луқмони Ҳаким ҳам шундай деганлар. Мана буни ҳидлаб ётинг, димоғни чоғ қилади,— бир даста садарайҳон тутқзади доктор Омонов. Ориф отага ўхшаб, у ҳам райҳон шайдоси экан, ҳар куни кўтариб келади. Меҳринисанинг қўлига тутқазидан олдин кафтига уриб, ҳидини таратади,— бай-бай, жониворнинг бўйини қаранг...»

Бугун эрталабдан тагин одамлар кела бошлади. Даладан қайнисинглиси Адолат тушиб келди. Тонг қоронғисиди йўлга чиққан экан, Назарбеккача аравада келибди. Гузардаги чойхонанинг супасида ўтирган қўлтиқтаёқли, соқоллари ўсиб кетган бир ҳарбий кишини эрига ўхшатиб додлаб юборибди, ҳушидан кетиб, йиқилишига сал қолти. Ҳарбий кишининг ўзи уни юпатиб, ёнига ўтириб, ёш болани алдагандай овутибди. Ҳарбий вокзалдан келаётипти экан. Гузарга етиб олибди-ю, тонг ёришини, от-улов ўтиб қолишини кутиб турган экан.

— Вой кенной, гапириб бераверса, ҳанг-манг бў-

либ қоласиз. Еру кўк ўт бўлиб ёнади, дарёда сув ўрнида бамисоли қон оқади, осмондан қизил қор ёққанга ўхшайди, дейди. Аммо душман енгилди. Мана шу Москва остонасидаги жангда бўладигани бўлди, энди сираям ўзини ўнглаб ололмайди, опа,— дейди.

Адолат топиб келган бу гаплар Меҳринисанинг кўнглини ёриштириб юборди. Худди эртага Ботир ҳам, Маҳкам ака ҳам, куёви ҳам кириб келаётгандай бўлди.

Тушликдан кейин нотаниш икки аёл келди. Уларни доктор Омоновнинг ўзи бошлаб кирди.

— Мана, онам. Тагин меҳмон келди. Оқсоқолнинг ўзлари юборибдилар. Қаранг, бу борада ҳам Отахоннинг ҳимматлари зўр-да. Шунча ишлари бўлсаям, унутмаптилар-а, қани, қизларим, мана бундоқ ўтирингларчи,— аёлларнинг қўлидаги ўроғлиқ нарсани стол устига олиб қўйди-да, ўзларини диванга ўтказди — бемалол гаплашиб ўтиринглар,— дея хонадан чиқиб кетди Омонов.

Аёллар узоқ ўтиришмади. Йўлдош Охунбобоев кеча Фарғонага кета туриб, аёлларга кўриб келишни тайинлаб кетгани, салом айтиб юборганини гапириб беришди-да, ҳол-аҳволини сўраб, ўринларидан туришди. Кетиш олдидан, аёллардан бири:

— Маҳкам акамдан хабар борми?— деб сўраб қолди.

— Йўқ,— деди хомуш Меҳриниса,— омон бўлсалар бас, ҳали етмагандирлар-да.

Аёллар бир-бирларига маъноли қараб олишди-да, хайрлашиб чиқиб кетишди.

Сал ўтмай доктор Омонов кирди. У жуда хурсанд эди.

— Онам, онам... Бориб айтинглар. Доктор Омонов ўзи даволаётипти денглар дедим. Оқсоқол эшитсалар хурсанд бўладилар.

— Танийдиларми?

— Таниганда қандоқ, онам. Канал қурилишида учрашганмиз. Табаррук одам, улуғ одам, онам. Қаранг-а, йўқлаганини қаранг,— доктор Омонов хонанинг у бошидан бу бошига борарди, ўзини қўйгани жой тополмасди.

Шу пайт эшик қия очилиб, Сарсонбойнинг кулиб турган юзи кўринди:

— Кирсам майлими?

Доктор Омонов ялт этиб қаради.

— Ана, бой келдилар, бою-бой, бою-бой, Сар-сонбой,— дея ўйинга тушиб, эшик тавақасини очди,— ўхў, келинлар, келинлар...

Сарсонбой орқасидан кетма-кет салом беришиб, Ляна, Дзидра, Саша, Лёша, Галя, Леся, Абрам кириб келишди.

— Қани, қани, мана бу диванга ўтиринглар-чи... Опоқларим, ширинларим, шакарларим, дўмбоқларим... О, баракалло, баракалло... Ийе, ийе, қалдирғоч қани — Доктор Омонов Марикани биринчи қўлига олганида қошлари қалдирғоч қанот бўлади деб айтганича, уни шундай деб суярди.

— Ухлаб қолувди, уйғотмадим,— деди Ляна.

— Майли, майли, қани, хўш, тинч-омонмисизлар? Уй-жой, бола-чақа, сигир-бузоқ, қозон-товоқ, жанжал-тўполон...

Доктор Омонов ўртада туриб ўзи бола бўлиб жавраркан, Меҳриниса ҳам, Адолат ҳам, болалар ҳам ўзларини кулгидан тўхтатолмасди. Хона болалар боқчасини эслатарди. Кириши ҳамано онасига беш олганини айтиб, хурсанд қилмоқчи бўлган Сарсонбой ҳам гапини унутиб, докторга ағрайиб қолганди. Хонадаги гурунг босилгани ҳам йўқ эдики, эшик очилиб, қўлида алланарса кўтарган аёл — Иван Тимофеевичнинг хотини Ольга хола, кетидан қизи Надежда кириб келишди. Ўйинга тушаётганга ўхшаб, икки қўлини кўтариб ўртада турган доктор Омонов ўзини ноқулай ҳис қилиб, гудурлай бошлаган эди, бирдан кўзлари олайиб кетган Надежда:

— Алочка! — деб бақириб юборди, ҳушидан кетиб, ўзини ташлади, доктор Омонов бўлмаганида, чалқанча ерга тушарди. Ҳамма қўрқиб кетди. Ольга хола зўр бериб, қизининг пешанасини силарди. Доктор Надеждани суяб, диванга ётқизди. Югуриб кирган ҳамшираларга аллақандай дорилар буюрди. Ўзи қизни билагидан ушлаб, томир уришини санарди. Ҳамшира шишадаги доридан пахтани хўллаб, бурнига тутди. Кейин билагидан укол қилди.

— Надюша, болагинам, кўзингни оч. Нима қилди? — Ольга хола юм-юм йиғларди. Нима бўлганига тушунолмасди. Меҳриниса бирпас бошини кўтариб ўтирган эди, зирқираб кетди, яна ёстиққа ташлади

Ўзини. Бир нарса сезгандай: «Алочка? Алочкаси ким бўлди?..» — деб қўйди ўзича.

Надежда хийладан кейин кўзини очди. Очди-ю, тепазида қатор турган болаларга жавдираб қаради-да, «Алочка», дея қичқириб, азод бошини кўтарди, қўларини узатди, Леся билан Абрам, ўртасида сиқилиб турган Галя «Мама!» дея бақириб, ўзини унинг устига ташлади. Ҳайратда қолган доктор аграйиб турарди.

Қани энди шу топда доктор Омоновга: «Ҳой, баракка топкур, бундан энди хотиржам бўлинг, анавиға, «онам»га қаранг, тез бўлинг, узилиб қолди, шунча даволарингиз бир пул бўлди!..» дейдиган одам бўлса-ю, билагидан ушлаб, Меҳринисанинг каравоти ёнига судраса. Боши зирқирашига титроқ қўшилди, ранги қув ўчиб, дағ-дағ қалтираб, қора терга тушди. Биринчи бўлиб, Абрам сизди бунди. «Ойижон!» дея ўзини каравотга ташлади. Шундагина доктор Омонов шошиб ўрнидан турди. Меҳринисанинг ёнига келди.

— Онам, онагинам... — у ҳамширага ўгирилган эди, дарров тушунди, стаканга дори солиб сувга аралаштирди, докторга узатди, — мана бунди ичворинг, ҳа, — томирини санарди доктор, санаб туриб янглишиб кетарди, «Биринчи бир умрга даволанди-ю, бирида қаттиқ асорат қолди», деган хаёл тиним бермас, томир санатгани қўймаеди.

Диванга ёнбошлаган Надежда тиззасига Гаяни ўтқазиб, юзлари, боши, қулоқлари, дуч келган жойини шалолатиб ўпар, қувончи ичига сиғмас, ҳеч кимни кўрмас, ҳеч ким билан иши йўқ. Қизча онасини бўйнидан маҳкам қучоқлар, қўйиб юборар, юзига тикилар, хўрсиниб-хўрсиниб: «Мама, мамочка», дерди. Ранжу алам изтиробиди дилини тилган, яраси яллиғланиб турган Дзидра бирдан-бир суйанчилигини Лягани маҳкам қучоқлаганича она-боладан кўз олмай турар, юзларидан ёш доналари юмалаб тушарди. Меҳринисанинг каравотини болалар ўраб олишган, доктор, ҳамшира у билан овора. Уз қувончларига ғарқ бўлган она-бола хийладан кейин пайқашди. Йўқ. Иккови бирдан пайқагани йўқ. Аввал шу томонга кўзи тушиб қолган Галя сизди. «Вой, ойим!..» дея Надежданинг тиззасидан сакраб тушди, ўзини каравот томонга отди. Сарсонбойнинг ёнидан суқулиб, Меҳринисага яқинлашди.

— Ойи, ойижон!

— Онам, кўзингизни очинг, мана қизингиз...

Меҳриниса кўзини очди. Қўлини узатиб Галянинг бошини силади.

— Болагинам...

Болалар орқасида буни кўриб турган Надежда-нинг кўзлари ёниб, ўзини болага ташлашига, Меҳриниса қўлидан юлиб олишига сал қолди. Буни Ольга хола дарров фаҳмлади. Қизини билагидан ушлаб, «Ўзингни бос!» дегандай қаттиқ сиқди. Бошини силаётган дармонсиз қўлини маҳкам ушлаб олган Галя, бир Меҳринисага, бир онасига қарарди, жавдирарди. Бунисидан ҳам ажралгиси, унисини ҳам йўқотгиси келмасди. Қизиқ. Катта хонада шунча одам бору, биттасидан садо чиқмасди. Сув қуйгандек жимжит эди. Ҳамманинг тили, дили кўзларга кўчган. Галя ҳозир икки кўнгилини галма-гал овутиб турган бўлса, бошқалар зимдан икки чехрага, қалқиб турган кўнгили дардини акс эттираётган кўзларга галма-гал қараб қўйишарди. Доктор Омонов ҳам анчагача ўзига келолмади. Энгашиб туриши толиқтирмаса, бу оғир сукунат яна қанча давом этарди, айтиш қийин.

— Қани, ҳой, ўтиринглар, — деди у қаддини ростлаб, кўзойнагини кўтариб қўяркан. Шундай деди-ю, бу ёғига гап тополмади. Нима деса бўларди, ҳозир? «Сизни табриклайман, қизим», десинми Надеждага? Кейин Меҳринисага юзланиб, «Начора. Чеккан заҳматингизга рози бўлинг. Онасига топширишдан бўлак илож йўқ», дейдими? Ҳай, ҳай, ҳай. Бу жудаям нозик иш. Уйнашиб бўлмайди бу билан. «Қани доктор, кўрсат кучингни. Уша Лукмони Ҳаким нима қиларди? Абу Али ибн Сино-чи? Павлов нима дерди?» Ўзи билан ўзи олишар, мушкул муаммони ҳал қилолмасди. Хонадаги жимлик уни шоширарди.

Ольга хола диванда Надеждани босиб ўтирибди. Болалар битта курсига иккитадан сиқилиб олишган, ҳамшира тик турганича хаёлга чўмган доктордан кўз узмасди. Галя каравот лабида ўтирганича, Меҳринисанинг қўлини силаб, ҳамон галма-гал икки томонга қарарди. Надежда сира ўзини босолмас, ҳар қизи қараганида сакраб туриб кетмоқчи бўларди-ю, онаси босиб турган чап қўлини тортиб ололмасди.

— Шукур! — деди-да, хўрсиниб қўйди Меҳриниса.

Хонадаги сукунатни бузган бу овоз доктор Омоновни эсанкиратиб қўйди. Нималигига тушунолмади, Меҳриниса тепасига энгашди. Пешанасини ушлади.

— Хафа бўлманг, онам...

— Йў-ўқ, биттасини яраси битди. Кўзларига қаранг болагинамнинг. Шукур қилмайманми?

— Во ажаб!— деб юборди доктор Омонов беихтиёр. Кўзларига ғилт-ғилт ёш келганини ҳам сезмай қолди. Зўр бериб Меҳринисанинг пешанасини силарди. Ольга холанинг ҳам оғзи очилиб қолган, қизини қўлини қўйиб юборганди. Надежда бемор аёлнинг, қизини бағрига олиб тарбиялаган аёлнинг беқиёс марҳамати олдида хижолат чекарди.

— Оббо қизим-эй, оббо пучуқвой-эй,— ўзини зўрға босиб олган, бироқ ҳаяжондан танасида турган титроқ ҳали аримаган доктор Омонов, қизни бағрига олиб, гапга тутди,— буни қара, иккита ойинг бор экан-а,— ясама кулги билан галирарди у,— мени биттаям ойим йўқ,— башарасини буриштириб, ўксиниб, йиғлагудай бўлди, болалар кулишди,— нима қиламиз, битта ойингни менга бера қоласанми?

— Йўқ!— деб юборди жонҳолатда Галя,— икковиям ўзимники,— шундай деди-ю, сакраб каравотдан тушди, бориб Надеждага ўзини ташлади, қучоқлади. Кампир дарров қизчага кўзини қисиб, Меҳринисанинг олдига боришга имо қилди. Боланинг бу ҳаракатларидан доктор хавотирда эди. «Ишқилиб, бузиб қўйма-сам бўлгани», дерди ўзига ўзи.

— Икковиям ўзингга буюрсин, қизим, оббо пучуқвой-эй, жудаям ақлли экансан-да. Яхши бузоқ икки онани эмади дегандек, сенам бир бу ойингга,— доктор онасига югураётган бузоқ бўлувди, болалар хахолаб кулиб юборишди,— бир бу ойингга югураркансанда-а. Оббо пучуқвой-эй... Менга қара. Яхшиси,— доктор бармоғини пичоқ қилиб, ўзини бурнидан қорнигача кесиб кўрсатди,— ўзингни иккига бўлиб қўя қолсам нима қилади?— болалар яна кулишди. Доктор нима қилсаки орадаги оғир вазиятни юмшатса. Шу баҳона икки хил исминини ҳам билиб олишни кўзларди,— бу ёринг Алочка бўлади. Отинг ҳам иккита экан-ку, ахир?

— Шўрлик дадаси Алочка дейишни яхши кўрарди,— деди Надежда оғир хўрсиниб.

— Бўлди, бўлди,— деди доктор Омонов мақсади-

га эриша олганидан мамнун бўлиб,— буни қара-я. Иккита ойилик бой қиз экансан-а,— бу ёғини айтолмай чайналарди.

— Жуда яхши,— деди Ольга хола доктор айтолмаётган фикрини сезгандай.— Меҳриниса билан таниш эдик. Тақдирни қарангки, қон-қариндош, эгачи-сингил қилиб қўйди, бири кўкрак сути берган бўлса, бири меҳр сути билан тарбия қилган,— Ольга хола қаддини ростламоқчи бўлиб, қизининг сонига қўлини тиради, «Сен жим ўтир!» дегандай қаттиқ босди,— Галочка шу ерда бўлсин, Меҳриниса соғайсин, ана иннайкейин хоҳласа бу ҳовлида, хоҳласа у ҳовлида бўлади. Шундайми, қизим?

— У ҳовли қаёқда?

— Бизаники-да, қизим.

— Ҳали, Дзидранинг ойиси келганда олиб кетади деб қўрқувдим. Энди Леся ҳам шунақа бўвотди.

— Дзидра?!— ҳайрон бўлиб, бошини кўтарди Меҳриниса,— Дзидра...

— Йўқ, ойи,— ёнига борди Дзидра,— бошқа хотин экан. Янглишиб келибди.

— Уфф...

— Майли, қизим, майли,— дея Галянинг бошини силади Ольга хола,— ўзинг омон бўлсанг бўлгани.

— Майлими?— қиз эркаланиб, Меҳриниса ёнига борди.

— Майли, қизим. Мани эслаб юрсанг, шуни ўзи бас, болагинам. Шукур, минг қатла шукур.

Доктор Омоёнов ортиқча туролмади. «Бўлмаса сизлар гаплашиб ўтиричлар», дея хонадан зўрға чиқиб кетди. Ҳаёти қил устида турган оғир операцияларни қилганида ҳам бунчалик чарчамас, ҳаяжонланмасди. Врачлар хонасига кирганида ҳамкасабалари кўриб қўрқиб кетишди, ўзини креслога ташларкан, қўлига чой тутқазишди.

Ольга хола доктор чиқиб кетгач, қизини юпатди. Ҳозир шу ердан, Меҳринисани бақрайтириб туриб Галяни олиб чиқиб кетиш одамгарчиликдан бўлмаслигини уқтирди. Хайрлашиб, тезроқ тузалишини тилади, келиб туришларини айтиб, Надеждани олиб чиқиб кетди.

Мудҳиш урушнинг беҳисоб яраларидан биттаси битди. Она фарзандини топди.

УТТИЗ ТҮРТҮНЧИ БОВ

Самолёт тун қоронғисида ерга қўнди. Ёмғир шивалаб турибди-ю, қор совуғи келарди. Изғирин юзларни ялаб, баданни ачитарди. Кечаги қор бўрони, бурунқулоқларни узиб кетгудек аёздан кейин Тошкент ҳавосини писанд қилмаган Маҳкам ака шинелининг тугмаларини қадамай, қулоқчинини туширмай, қопчигини осилтириб, темир нарвон поясига оёқ қўяркан, изғирин қулоқчинини учириб кетай деди, бир амаллаб бостириб олди-ю, аммо шинелини эплай олмади. Эҳтиёт билан зиналарга оёқ қўйиб, пастга тушгунча совуқ бадан-баданидан ўтиб кетди. Қопчигининг нам бўлиши ҳам кўзига кўринмай, уни ташлади. Шошиб тугмаларини қадади, қулоқчинини тушириб, бўйнидан боғлади, ёқасини кўтариб олди. Зимистонда бий дала ўртасида якка қолгандек ҳис этди ўзини. Олдинма-кетин тушган ўн беш чоғлик йўловчилар аллақачон жўнаб қолишган, баҳайбат самолёт тагида бир ўзи қаққайиб турарди. Унг ва чап томонида бир чизиққа тортилган кўк, қизил, сариқ лампочкаларнинг хира нури кўзга ташланди. Ҳамма ёқни қоронғилик, ерга тушишига бир-икки терак бўйи қолган қуюқ булут қоплаб ётарди. Мана шу зимистонда ҳозир бирдан-бир ҳамроҳи бўлиб турган самолёт уни осмони фалакдан ерга эсон-омон олиб тушганига ақли бовар қилмасди. Изғирин уни итарарди, «Юр!» дерди. Қаёққа боради? Қизиқ. Узи туғилиб ўсган шаҳрига келса-да, қаёққа боришини билмай ўтирса «Шалвираган чол. Имилламасанг-ку, одамлар кетидан кетаварардинг. Узингдан кўр. Юр, энди нима бўлса бўлди...» дея ўзига ўзи дакки берди-да, тўғрига, чироқлар милтиллаб турган томонга юрди. Хийла юрганидан кейин ўнг томонда ҳам чироқлар кўринди. Юрган сари чироқлар кўнайиб, ёруғроқ кўрина бошлади. Аэропорт биноси қайси бирилигини билмай юраверди. Нарироқ борганида қоронғиликдан: «Тўхта! Кимсан?» деган овоз эшитиб, аланглади, ҳеч кимни кўрмай, яна қадам ташлаган эди, «Тўхта деяпман! Қимирласанг отиб ташлайман!» деган даҳшатли овоздан таққа тўхтади.

— Ман, Маҳкам бўламан, — гудурлаб овоз келган томонга аланглади, ҳеч кимни кўрмади. Орқа томони-

дан шарпани сезди, ўгирилиб ўзидан икки қадам нарида милтигининг найзасини унга тўғрилаб турган солдатни кўрди. Кўрдию, шу заҳотиёқ кўзига тушган фонарь ёруғидан кўзлари қамашиб, қўрқиб кетди.

— Қимсан?

— Ман, ман... Маҳкам бўламан... — титраб, гудурларди.

— Қани, юр!

— Қаёққа?

— Унг томонга!

Маҳкам ака сал ўзини босиб олди-ю, титроғини босолмади. Бораркан, тақиқланган жойдан юриб қолганини фаҳмлади, бундай пайтда соқчининг гапини икки қилиш беҳудалигини яхши биларди. Ахир ўзи ҳам икки марта вагонлар олдида қоровулликда турди-ку, туришга турган эди-ю, ҳеч кимни бўнақа қўлга туширмаганди. «Энди нима бўлади? Тагига етиб, қўйиб юборармикан, ё пешанага бирон фалокат битилгану, шу баҳона бўлиб... Йўғ-э, эсингни едингми, Маҳкам, сал янглиш қадам қўйганга ҳам жазо берилармиди... Ваҳима қилма...»

— Унгга!

— Хўп бўлади!

— Гаплашма! Тўғрига!

Эшик тепасида қизил чироқ ёниб турган бинога етишганда, «Тўхта!» деди солдат ўзи олдинга ўтиб эшикни очди, ичкарига киришни буюрди. Кетидан ўзи кириб, стол ёнида ўтирган офицерга рапорт берди.

— Уртоқ лейтенант, учинчи зонада ушланди. Ефрейтор Ковалев!

Лейтенант Маҳкам акага бошдан-оёқ қараб олди-да, ефрейторга рухсат берди.

— Утиринг,— деди Маҳкам акага жой кўрсатиб,— ҳужжатларингизни беринг-чи.

Маҳкам ака чўнтагидан чарм кармонни чиқариб, ичидан кеча командир келтириб берган ҳужжатни олиб узатди. Лейтенант ўқиб кўриб, Маҳкам акага синчков назар ташлади. Кейин телефон трубкасини олиб, аллаким билан гаплашди. Самолётда неча киши келгани, уларнинг рўйхатини суриштирди. Нариги томондан рўйхатни ўқиб беришаётибди шекилли, лейтенант қўлидаги қоғозга тикилиб, узоқ эшитиб турди.

— Тушу-нар-ли... — деди чўзиб лейтенант ва ша-

рақлатиб трубкани қўйди, хўмрайиб Маҳкам акага тикилди-да, шартта ўрнидан туриб кетди. Маҳкам ака ҳам «ишим битди» дегандай турмоқчи бўлувди, лейтенант жекириб берди.

— Қимирлама! Утир жойингда!

Ҳозир сизлаб турган одам сансираб, дағал гапириши Маҳкам акага оғир ботди.

— Хўп, хўп секинроқ гапирсангиз ҳам бўлади, болам.

— Мен сенга бола эмасман, совет офицериман!..

— Кўриб турибман. Илло, бешигимни тебратган бўлсангиз ҳам сансирамай гапиринг. Уғлим тенгисиз.

— Шунақами! Отам бўласизми!— мазах қилиб гапира бошлади лейтенант,— қани, хўш қаёққа кетаётувдингиз?

— Уйимга.

— Самолётга қандай қилиб чиқдингиз?

— Одамлар қатори чиқдим.

— Одамлар қатори рўйхатда йўқсиз-ку. Бунисига нима дейсиз?

— Қанақа рўйхат?

— Ҳа-ҳа. Тушиб олдим бўлади, нариёғини ҳеч ким пайқамайди деб ўйлагансан-да, а. Қопчиғингни оч-чи.

— Кўрадиган нарса йўқ бунда ўғлим. Ким деб ўйлаётисиз мени. Унақа одамларданмасман. Ишонинг...

— Оч деяпман!

— Маҳкам ака ноилож буюм қопчиғининг оғзини ечди. Ичидан пайтава, пахталик шим, бир банка консерва, бир бўлак қанд билан икки кесим нон чиқди. Лейтенантнинг буйруғи билан ҳаммасини яна жойига солиб қўйди. Шу дақиқагача ўзини босиб, «Тақиқланган жойдан ўтиб қолганим учун текшириб кўришадид» дея ҳаммасига тоқат қилиб ўтирган Маҳкам аканинг ғазаби қайнаб кетди. Бир кўнглида «Ҳой зумраша, мен унақа қочоқлардан эмасман. Оқсоқолнинг ўзлари телефон қоқиб, зудлик билан чақиртириб олдилар. Ишонмасанг, суриштириб кўр!» деб лейтенантни ханг-манг қилиб қўймоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини босди. Шу арзимаган иш деб Оқсоқолнинг табаррук номини ўртага соладими? Зинҳор, базинҳор, очди қилгунча ҳар қанча азият чекишга рози бўлса бўладики, буни қилмайди.

Лейтенант қопчиқдаги лаш-лушлардан бирон шубҳа

қиладиган нарса тополмаганидан ёки ён-верини тинтув қилишга ботинмади. Чўнтаклариди ҳам ҳеч вақо йўққа ўхшайди. Боя гимнастёрканинг кўкрак чўнтагидан кармон олаётганида яхшилаб разм солган эди. Нима қилишга мияси қотди. Вир-икки жойга телефон қилиб, излаган кишисини тополмади. Зўр бериб, бармоқлари билан қуюқ сочини тарар, стол устида турган хатга тикиларди.

— Ечиниб, анави диванга бориб ўтира тур-чи,— деди сал юмшаб.

Маҳкам ака шинелини ечиб, қулоқчини билан илгакка осди, диванга бориб ўтирди-ю, жуда хўрлиги келди. Ёшлик чоқларида, устасининг уйида бўйнини эгиб юрган, хўрланганларини ҳисобга олмаганда, шу ёшга келиб, хўрлик нималигини билмаган эди. Ҳозир нарёғ-берёғидан ўтиб кетди. Бироқ начора. Қандай қилиб тушунтириб бўлади мана бу гўдак гумроҳга. «Пешанага ёзилгани бўлади-да. Бу ҳам кўргилик...» деб қўйди ўзича.

Хона иссиқ эди. Ёмғир кучайган бўлса керак, сонсаноқсиз чўпи билан тунука томни ногора қилиб чаларди. Тарновдан оқаётган сувнинг шалдираши шундоққина Маҳкам аканинг орқасига тушаётгандек эшитиларди. Хонанинг тўридаги осма соатнинг чиқиллаши-ю, ёмғир товушидан бўлак овоз эшитилмасди. Ҳар замонда самолёт моторининг гувиллаши хонани ларзага келтирар, дераза ойналарини дириллатиб юборарди. Мотор товуши ё бирдан тинар, ё аста-секин узоқлашиб, эшитилмай қоларди.

Маҳкам ака гаранг эди. Самолётда том битиб қолган, оғрий бошлаган қулоқлари пастга тушганида сал очилиб, зирқираши босилгандай бўлувди, яна бошланди. Ёзилмасди. Мудраганга ўхшаб ўтирибди-ю, на уйқу келар, на фикр-ўйлари ёришиб, бирон нарса ҳаёлини банд қиларди. Шу топда ўз киндик қони тўкилган шаҳарда ўтиргани, шу ернинг ҳавосидан хотини, болалари билан бирга нафас олаётгани, ёмғир шовқинини ҳам бирга эшитаётганига сира-сира ишонмасди. Ун икки кун деганда етиб борган шаҳридан саккиз соатда қайтиб келганига ҳайрон бўлиб, ёқасини ушлаган — ҳаммаси тушдай бўлиб ўтди. Ҳозир у ўша қизил вагоннинг бир чеккасида ўтирибди. Шериклари уйқуга кетган. Ёлғиз ўзи темир печкада чирсиллаб ёнаётган

қайин пўстлоғининг буралишига кўз тикиб қолган. Пўстлоқнинг жизгинак бўлишими бу ўзи ё?.. Печканинг деворга туташган бурчагида тарам-тарам тортилган, чироқ нурида йилтиллаган тўр... Ургимчак инику. Ана ўзи, тунги овга чиқибди. Ўлжасини пойлаб, пусиб ётибди. Деворга пашша келиб қўнди. Ўзини ёруққа солиб, қўллари билан юзини ювди, оёқларини бир-бирига чалиштириб, ҳас-чангдан тозалади, кейин қанотларини устига чиқариб, уни ҳам силаб-сийпади, текислади. Сокин кечанинг чарақлаган оламида ўзини танҳо билиб, бамайлихотир ҳузур қиларкан, ўргимчак ғизиллаганича унга ташланди. Пашша буни фаҳмлаб қолиб, учмоқчи, чироқдан тўкилиб турган нур шалоласига ўзини урмоқчи бўлувди, ипакдек товланиб турган зие ўргимчак тўри бўлиб чиқди, тепинди, бошини деворга урди, оёқларини тираб кўрди, қўлларини ёзди, қанотини кўтармоқчи бўлди, эпполмади. Типирчиланган сари баттароқ жаҳаннам қаърига кираётганини пайқамасди. Буни кўриб турган ва тузоғининг пишиқлигидан кўнгли тўқ бўлган ўргимчак тантана билан йўлга чиқди, шошилмай ўлжасининг тепасига келди-да, уни панжалари орасига олиб, бўғизлай бошлади.

Маҳкам ака қўрқиб кетди. Кўзларини чирт юмиб, олди. Қулоқлари тагида Абрамнинг уйқусида чинқириб юборгани эшитилгандай бўлди. Ўзи ҳам бирон овоз чиқариб юбордими билмайди. Мудроқ босган лейтенант сакраб ўрнидан туриб, «Нима?» деб бақириб юборди. Маҳкам ака ҳайрон бўлганича лейтенантга тикилиб қолди. Нима бўлганини билмайди. Лейтенант бармоғининг бўғини билан кўзларини ишқалаб, жойига ўтирди, телефон трубкасига қўлини узатди. Маҳкам ака типирчилаётган пашшага кўзи тушди-ю, шартта, юзини ўгириб бурчакка тескари ўтириб олди. Ташқаридан мотор гумбурлаши эшитилди. Лейтенант бақириб, аллақаер билан гаплашди, натижа чиқмади шеклилли трубкани жойига қўйди, яна ҳужжатга тикилди.

Нима бўлаётибди ўзи? Не кўргилик? Наҳотки фронтга деб отланган одамнинг ўн икки кунлик сафари шу билан тугаса-да, уни қамаб қўйинмса?

Иўлда шундай воқеа содир бўлувди. Олтинчи кун деганда қайси бир станцияга тунда кириб боришди. Эрталаб эшитса, қўшни вагондан бир одам қочибди. Кечга томон аллақаердан топиб келишди. Одамлар ўр-

тасида ҳар хил гап тарқалди: биров: «Жарима батальонига юборилади» деса биров: «Суд қилинади, қамалади» деди, яна биров: «Шартта отиб ташланади» деб ваҳима қилди. Маҳкам ака қочган кимлигини билолмади, билишни ҳам истамади. «Худо шунақасидан асрасин» деганича вағонида ётаверди, қочоқ устидан кулгани ҳам йўқ эди. Мана энди ўз бошига тушиб турибди. «Мени алдаб қалбаки ҳужжат беришдимикин? Наҳот?..»

Маҳкам аканинг бояги ғазаб ўтида ёнгани, мана бу йигитга бўлган нафрат алангаси сўниб, чўгини кул боса бошлади. «Пешанага ёзилгани шу экан, кўрмай начора» дея ўзига тасалли бериб ўтирибди. Ҳозир бўлмаса эрталаб, жуда бўлмаса кундузи ҳамма нарса ойдин бўлиб лейтенант ҳам ҳовуридан тушишига имони комил. Фақат бир нарсага тушунолмасди. Уша, Тошкентдан насибаси узилган соатдан то самолётга чиққунга қадар уйини, хотинини, болаларини, ёру дўст, қавм-қариндошлари, қадрдон шаҳрини бир дақиқа унутмаган, шу билан яшаб, кун ўтказган, самолётга ўтирганида-ку, юраги ҳовлиқиб, ўзининг бола-чақалари орасида, хотини ёнида бўлишини шундоққина кўриб келган, уйига шошилган одам нега энди шу хонага кирди-ю, ҳаммасини унутди. Дийдор кўришиш қувончи, ҳаяжони ҳам жаёлидан кўтарилди. Бамисоли ҳамма нарсадан воз кечиб, тарки дунё қилгандай, ҳаёт ҳам, бутун олам ҳам ундан юз ўгиргандай ўтирибди. Ҳамма нарсага бефарқ қарарди. Мана шунисига тушунолмасди. Мияси қовоқ, қалби совиган, кўксида дукиллаб турган нарса шунчаки бир тухумдай гўшт, оёқ-қўллари тарашадек, гавдани кўтариб турибди, холос. Ўзини ўзи шунга қиёс қилар, нега бунақалигига тушунолмасди. Яхшиям ташқарида ёмғир қуяётибди, самолётлар гумбирлаётибди, чироқ ёниқ, ҳаётдан дарак бериб турибди. Булар бўлмаса ақлдан озиш ҳеч гап эмас экан-да...

Тонг ғира-шира бўла бошлаганда телефон жинглади. Унинг овозига Маҳкам ака кўникиб қолган, лейтенант нима ҳақда гаплашиши билан қизиқмай қўйганди. Деразадан кўз олмай тарновдан оқаётган сувнинг овозига қулоқ солиб ўтирарди. Бирдан қулоғига ўз фамилияси эшитилди. Лейненант бир неча марта такрорлаб, алланималарни қоғозга ёзиб олди. Кейин

трубкани оҳиста жойига қўйиб, икки кафтида калласини чангаллаганича, столга энгаштирди, ҳужжатга тикилиб қолди. Шу алфозда хийла ўтирди. Маҳкам аканинг раҳми келди. «Бола бечорани уйқу элитди. Ўзини эплотмай қолди»,— кўнглидан ўтказди.

Анчадан кейин лейтенант кўкрак чўнтагидан бир дафтарча чиқарди. Ичидан тўрт буклоғлиқ қоғозни олиб ёзиб, кўрди. Унга тикилиб турди-да зимдан Маҳкам акага бир-икки кўз ташлади. Ўрнидан туриб, диванга яқинлашди.

— Маҳкам ота!

Ҳарбийча итоаткорликка анча кўникиб қолган Маҳкам ака ёш йигитлардек дик этиб ўрнидан турди. Лейтенант бошқа гап айтмай уни қучоқлаб олди. Бир томон қучоқласа-ю, қучоқдагининг қўллари шалпайиб тураверса, бундан хунуги бўлмас экан.

— Маҳкам ота, мени кечиринг... кечиринг...— дерди. Маҳкам ака шу топда Қодирхўжанинг «Йигитнинг боши эгилгунча шайтоннинг бўйни узилсин», деб юришини эслади. Қўлини кўтариб, лейтенантнинг бошини силади.

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим. Хўш, аниқландими? Қаёқдан келган жосус эканман?

— Илтимос қиламан. Бундай деманг. Койиманг, айб мендамас,— гапи гапига қовушмас, Маҳкам акага тик қаролмасди лейтенант,— сиз ҳарбий самолётда келдингиз. Йўловчилар рўйхатига киритилмаган экансиз. Бу ер ахир нозик объект-да! Бунга ўзингиз ҳам яхши тушунишингиз керак.

— Тушунаман, тушунаман ўғлим. Қандай аниқладингиз?

— Куйбишевдан суриштирдик. Телефон қилишди. Шундан кейин ҳам мен сизни бирон ҳужжатдаги суратингизга солиштириб кўришим керак эди.

— Ийе, ёнимда бошқа бирон ҳужжатим йўқ-ку, болам.

— Бор ота. Сизда бўлмаса менда бор. Мана.

Лейтенант столдан бояги тўрт буклоғлиқ газетадан қирқиб олинган суратни олиб, Маҳкам акага тутқазди.

— Ҳў.

— Партия билетимнинг ичида сақлардим.

— Ёпирай.

— Бу сурат мен билан бирга Сталинградгача жанг қилиб борди. Юзлаб фронтдошларим биларди. бу суратни. Йўғ-э, сизни...

— Ҳа, ҳа, фронтда-я... Узингиз қаерликсиз?

— Молдавиялик. Онам, иккита ёш укам бор эди. Қаердалигини, нима бўлганини билолмайман. Қишлоғимиз ёниб, теп-текис бўлган деб эшитаман...

— Қидириб кўрмадингизми?

— Ҳозирам қидираётибман... Утиринг, ўтиринг ота,— лейтенант Маҳкам акани диванга ўтқазиб столи ёнига бораркан энгашиб, ўнг тиззасини ушлаганича ўртада тўхтаб қолди.

— Нима қилди, ўғлим,— шошиб ёнига борди Маҳкам ака.

— Гоҳо-гоҳо шундай тутиб туради. Сал лат еган,— деди лейтенант тиззасини силаркан.

— Эҳтиёт қилинг, мана бунга ўтиринг,— Маҳкам ака стул келтириб қўйди. Хижолат бўлган лейтенант миннатдор бўлиб Маҳкам акага қаради-да, номус кучлилик қилиб стулга ўтирмади, бир оёқлаб сакраб, стол ёнига борди. Телефон қила бошлади. Бир неча бор чақирди, жавоб ололмади.

— Ота, тонг ҳам ёришай деб қолди. Бирпас сабр қилинг. Гараждагилар ухлаб қолганми, жавоб бермаётибди.

— Менинг ташвишимни қилманг, болам. Юким йўқ. Ҳа, айтганча, ҳибсдан буткул озод бўлдимми?

— Отахон. Минг бор узр. Хизмат вазифам. Нозик объект. Ярамаслар изғиб юришади...

— Тушунаман. Кўнглингизга олманг, ўғлим. Яхши-си, менга йўлни кўрсатинг. Тагин адашиб юрмай.

Лейтенант бир оздан кейин машинада юборишини айтиб, шунча зўрласа ҳам Маҳкам ака кўнмади. Шинелини кийиб, қончигини қўлига олди.

— Шошманг,— деди бошига қулоқчинини кийиб лейтенант ва Маҳкам ака билан ташқарига чиқди. Тўғридаги қоровул будкасидан аллакимни чақирди. Қўлида автомати билан чопиб келган солдатга буюрди:

— Шофёрга айт. Отамни вокзалга ташлаб келсин!— у Маҳкам акага қўлини узатди,— навбатчи машина, уйингизгача юборолмайман. Ҳеч бўлмаса вокзалгача...

— Баракалла ўғлим. У ёғига трамвай бор. Хайр. Хой, бизникига боринг, ўғлим.

Лейтенант кабинет эшигини очик қолдириб, ўзи ванада турарди. Маҳкам акага миннатдорчилигини билдириб, уни кузатиб қолди. Солдат уни машинага ўтқазиб қўйганидан кейингина ичкарига кирди.

Маҳкам ака вокзалда трамвай айланасида тушиб, скамейкага бориб ўтирди. Ёмғир тингану, совуқ аўрайган. Ҳали трамвай йўлга чиқмаганиданми ўзига ўхшаган беш-олти киши ҳар ер-ҳар ерда скамейкага жунжикиб ўтиришарди.

Маҳкам ака қолчиғини ёнига қўйиб, атроф-теваракка назар ташлади. Ўша-ўша ўзи билган, бир неча марта кўрган, ҳаминша гавжум майдон. Бирон ери ўзгармаган. Фарқи шуки, ҳозир барвақт, совуқ бўлганлигидан одамлар кўринмасди. Шу бир қарашнинг ўзидаёқ вокзал майдонининг ҳусн-жамолига тўйди қолди. Ҳеч қаер, ҳеч нарса қизиқтирмай қўйди. Во ажаб. Ахир у шахрини, унинг кўчалари, иморатлари, хиёбону бозорлари, одамларини қайта кўришга ичкикарди-ку, кечасию кундузи ўйларди-ку. Ун икки куннинг ҳар бири йилдек бўлиб ўтмаганмиди. Нега энди ҳиссиз, туйғусиз ҳаммасига бефарқ қараяпти? Бирон юмуш билан вокзалга чиққану, ҳозир уйига ё ишхонасига борадигандай бамайлихотир ўтирибди? Тиг яраси битта, тил яраси мингта дейилганидек, лейтенантнинг ҳақоратлари дилини шунчалик вайрон қилиб юбордими, фикр-ўйи, қалб талпиниши, висол қувончи батамом сўнди қўйдими? Ундай деса, ўша лейтенант қаттиқ қучоқлаганидаёқ ҳаммасини унутган, ҳатто йигитни хафа қилишни ҳам истамай, газаб-нафратини, алам-хўрлигини ўша ернинг ўзидаёқ улоқтириб ташловди-ку. Нега энди кесакдай жонсиз, муздай совиб қолди. Ҳали замон трамвай келади, нари-бериси билан бир соатлар ичида ҳовлисида бўлади, болалари ўраб олишади, хотини парвона бўлади, қўшнилари чиқади... Тонг ёришаётганидек аниқ бўладиган гап-ку бу. Нега шуям қалбини чўғчалик иситиб, шамчалик ёритмаяпти? Бунга сира тушунолмасди. Тушуна олмагани, тагига етолмагани сайин ҳиссиёти ўтмаслашарди, руҳия-қолати зимистон бўлиб, ҳовлисига оёғи тортмаётганга ўхшаб, ваҳм босарди. «Бирон фалокатнинг даракчисими бу? Ё шунчалик эсимни йўқо-

тиб, темирдек қотиб қолдимми-а?...» Азза-базза тугмасини ечиб, кўкрагига бир-икки тупуриб қўйди. Ҳадиксираб, ён-верига қараб олди, ичида алланималарни ўқиди. Қайси бир кечаям тушида қатор тобуларни кўтариб бораётган кишиларни кўриб, қўрқиб уйғониб кетгани, шу алфозда вагоннинг тақир-туқурига қулоқ солиб, тонг оттиргани, лабларига бодроқдай учуқ тошиб кетгани эсига тушди. «Қўрқибсизу, аммо яхши туш кўрибсиз, уста» деб ёнидаги ҳамроҳи тушини яхшиликка йўғанида, шу одам кўзига оловдек кўриниб, дилини чароғон қилиб юборганди. Кеча эрталаб қўлига ҳужжат келтириб беришганида, ўша бурама мўйлов киши яна ўша гапани такрорлади: «Айтмовдимми, уста. Эл-юртга салом денг», деб хайрлашди.

Бир уямас. Вагондагиларнинг ҳаммаси, қўшни вагондагилар ҳам шундай деб кузатиб қолишди. Туш баҳона Маҳкам ака ҳозир бир нафас ўзини ўша ҳамроҳлари даврасида ҳис қилди. Ўн икки кун ўн икки йилдек бўлиб туюлгани билан назарида шу ўн икки кун ичида ўн икки минг одам билан, одамлар бўлгандайям ҳар бири бир олам бўлган асил одамлар билан дўстлашиб олгандай бўлганди. Ҳа, энди булар орасида битта-яримта, анави қочоққа ўхшаганлариям йўқ эмас, илло бундайларни одам қаторига қўшмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси бири биридан меҳрибон, бири биридан дилкаш очиқ кўнгил, сахий... Баъзан Маҳкам ака: «Одамларнинг асили тўпланганми бу эшелонга» деб қўяди ўзича. Ахир ҳали фронт доирасига яқинлашмай туриб шу ўн икки куннинг ўзида ҳам одамни синовдан ўтказадиган озмунча ишлар бўлдимми? Тўртинчи кун деганда, эшелон чўл ўртасидаги кичик станцияда тўхтаб турганида, бир киши қаттиқ оғриб қолди. Врач зудлик билан операция қилиш лозим депти. Маҳкам аканинг назарида шу кеча бутун эшелондагиларнинг ҳаммаси хирург бўлиб, беморни даволашга киришганди. Одамлар станция навбатчисини ўртага олиб, ўз ҳолига қўйишмасди. «Телефон қилдим, айтдим», дейишига қарамай кетма-кет қисташар, шўрликка дакки беришарди. Кимдир сабри чидамай шу атрофдаги уйлардан бирининг олдида арава турганини билиб келибди. Кейин комиссарга бориб, эшелондаги отлардан бирини қўшиб, аравада олиб бориш-

га рухсат олди. Тун қоронғисида уч киши беморни аравада касалхонага олиб боришди.

Эшелон баъзи станцияларда икки-уч суткалаб тўхтаб қоларди. Бундай пайтда одамлар ўтин, сув ғамлашга киришиб кетарди. Бир станцияга киравришда уч чақиримча келадиган йўлни қор босиб қолган экан. Одамлар шундай ишга киришиб кетишдики, қора терга тушиб қор тозалаган Маҳкам ака ёқасини ушларди. Куйбишевга яқинлашганда бомба тагида қолишгани-чи. Одамлар ўзлари қочиб қутулишгина эмас, биронта отни ҳам вагонларда қолдиришмади. Мана, уч кундирки, эшелон Куйбешевдан қўзғалолмай турарди. Маҳкам акага ҳам қайтиш ҳақидаги буйруқ шу ерда берилди. Комиссарнинг ўзи машинага ўтқазиб, аэродромга етказиб қўйди.

Бир соат нари-берисида етти ухлаб тушига кирмайдиган воқеанинг содир бўлиши уни эсанкиратиб қўйганди. Умрида биринчи марта самолётга тушган одам осмону фалакнинг ҳавосини олиб, қулоқларни қоматга келтирадиган мотор тovuшига кўникиб олгунча эс-ҳушини йиғолмади, нима бўлганининг тагига етолмади. Хийладан кейин ён-верига қаради. Йўловчиларнинг ҳаммаси офицерлар эди. Ҳаммасиям уйқудан қолиб, самолётга фақат ухлаб олиш учун чиққандай мудраб, баъзилари хуррак тортиб борарди. Уларга қараб туриб, комиссарнинг: «Сиз, бу ердан кўра у ерда зарурроқ экансиз», деган гапини эслади. Шунда юраги бир орзиқиб тушганди. Мана, ҳозир ҳам шу ваҳима ғулғула қилаётибди. «Йўғ-э, худо кўрсатмасин!...» деб юборди овозини чиқариб ва ўрнидан туриб кетди. Чекка-чеккада одамлар пайдо бўла бошлаганди. Оёқларини ёзмоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Нохуш ўйлари сал узоқлашган бўлди-ю, лоп этиб «қочоқ» деган сўз эсига тушиб, беихтиёр кулиб юборди. Ўйлаб турса чиндан ҳам кулгили эди. «Биров эшитса, айниқса, ўша вагондаги ҳамроҳлари қулоғига етса борми, роса кулишарди-да. Кулишар-а. Илло, қайтганимни нима деб ўйлашаркин? Улардан қаерим ортиқ? Пинхона қочмаган бўлсам ҳамки... Ҳар ҳолда кўпдан ажралдим-а...»

— Амаки, трамвай юраётибдими?

Орқа томондан, икки-уч қадамча наридан эшитилган бу овоз жаёлини бўлди.

— Ҳа, ҳозир келади,— деди-ю, оҳиста ёнига ўгирилиб, бир зум ағрайиб қолди. Кейин бирдан «Ботир!» дея бақириб юборди, қулоч ёзиб, унга ташланди. Уғлини бағрига олди. Ботирнинг иккала қўлтиқтаёғи шарақлаб ерга тушди. Скамейкада ўтирган чол икки букчайиб, қўлтиқтаёқларни ердан кўтараркан, бир-бирининг бағрига кириб кетган ота-боладан кўзини узмасди.

— Мана, ўғлим,— чол қўлтиқтаёқларни Ботирнинг қўлига тутқазаркан, ҳаяжондан кўксига тушган оппоқ қуюқ соқоли серкилларди,— Кел, манам бир ўпай,— чол Ботирнинг бошини икки қўли орасига олиб, пешанасидан ўпди,— омон бўл, ўғлим,— деди-ю, ич-ичига тушган кўзларида лик-лик ёш пайдо бўлди.

— Утиринг,— деди чолни қўлидан ушлаб Ботир.

Улар скамейкага ўтиришди. Маҳкам ака ўғлининг елкасидаги қопчиғини оларкан, Ботир кўзини меҳрибон чолдан узмасди. Юзлари иссиқ бу кишининг кўз ёшлари унинг қалбида аллақандай раҳмдиллик, ачишиш ҳиссини уйғотди.

— Ажабмас, бир кунмас-бир кун манам сизга ўхшаб...— чол у ёғини айтолмади, Маҳкам ака бир нима демоқчи бўлиб турганида Ботир жавоб берди.

— Албатта келади, отахон, келади.

— Иншоолло. Тилларингдан айланай,— чол Ботирга энгашиб, тагин пешанасидан ўпди,— шу ердан, ҳув анави жойдан кузатгандим, шунақа тонг пайтида. Ҳар тонг шу ерга келаман, назаримда поезддан тушиб келаётгандай...

Трамвай ғилдирагининг темир изларга урилиб чинқиргани асабларни арралаб ўтди. Ота-бола вагонга чиқишди. Чол қўлини силкиб ҳаяжонланиб пастда қолди:

— Шукур. Яна бир хонадон тинчиди. Топишишди. Яхши паллада — мусаффо тонгда топишишди. Жумлаи мўмин топишишининг тонг отари бу! Фашистнинг кун ботари, умри тугаганининг нишонаси бу!

УТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Меҳриниса ноқуштадан кейин самоварни ҳам йиғмай Ботирнинг кетидан нариги уйга кириб борди. Кўп болалик бўлгандан кейин қийин экан. Бунинг устига келди-кетдиларнинг кети узилмайди. Булар бўлма.

ганида ё Ботир ишга кетиб қолган, ё эри уйда бўлади. Ўғли билан холироқ гаплашишнинг иложини қилолмайди. Ҳозир аини фурсати, ишқилиб биров халақит бериб қолмаса бўлгани. Меҳриниса шуларни ўйлаб, уйга кирди-ю, эшикни оҳиста бекитиб, отланаётган ўғлига бирпас тикилиб турди.

Ботир дарров фаҳмлади. Онаси тагин қийин-қис-тоққа олгани кирди. Кейинги пайтларда Меҳриниса ўғлининг холи пайтини қанчалик пойласа, Ботир бу учрашувдан шунчалик қочарди. Қаттиқ гапириб чўрт кесса, ранжитиб қўйишини ўйларди. Кўнглига қараб розилик беришни ўйласа ваҳм босарди. Кўз олдида қалампир мунчоғини ўйнаб хомуш турган Салтанат пайдо бўларди-да, титраб кетарди. Дод солиб юборай дерди. «Наҳот ойим шуни тушунмасалар?..»

— Ҳа, ойи?

— Болам. Нега қийнайсан одамни?

Ботир хахолаб кулиб юборди.

— Кулади-я, тагин.

— Ойижон, ростини айтайми?

— Айт, ҳа гапир!

— Биронтасиям юрагимни жиз эттирмаса нима қилай.

— Жиз эттирадиганини ўзинг топ бўлмаса.

— Топай десам ўз ҳолимга қўймаётибсиз-ку.

— Қачонгача танлайсан. Келганингга уч ой бўлай деб қолди. Номус қиламан. Биров ундоқ дейди, биров бундоқ...— Меҳриниса «Ўзиники бўлганда дарров бошини икки қилиб қўярди», деб эшитган гапини айтиб юборишдан зўрға ўзини босиб қолди.

— Дейдиганлар уруш бўлиб турганида тўй қилишни ҳам ўйлармикин. Тенгқурларим қон кечиб юрса-ю, мен...

— Санам қон кечиб келдинг, болам.

— Дадангга ўхшаб «қочиб» келганинг йўқ денг,— хахолаб кулиб юборди Ботир.

— Тагин ҳазилга олади-я. Уруш пайтида уйланмасин деб ким айтибди?

— Кўнгилга ёқмасаям уйланаверсин деб ким айтган бўлмаса?

— Кўргин, гаплашгин, суриштиргин. Ўзидан ўзи олдинга келади-ю: «Ёқаманми?» дейдими? Ман бу-

гун бир жойга бормоқчидан. Ҳамма шуни мақтавотти. Қани, буниям кўргин-чи.

— Ким экан?

— Мани боққан докторнинг қизи, ҳамшира бўлиб ишларкан.

— ...

— Ҳа, дамнинг чиқмай қолди?

— Нима дейман. Ойижон, ахир...

— Уфф...— Меҳриниса ерга ўтириб олди,— ҳой, мунча ланжсан-а. Дурустроқ жавоб берсанг-чи. Бешинчисини қайтаришинг-а. Яхшимас, тагин худо кўрсатмасин, танлаб-танлаб...

— Қани, бориб кўринг-чи.

— Бораман, юрагим сезиб турибди. Шу сангаям ёқади, худо хоҳласа. Иннайкейин Ботиржон, қабристонга кириб юришинг яхшимас, бас қил, болам.

Ботир чўчиб тушди. Онасига тик қаради. Гимнастёркасининг ёқа тугмасини ечди.

— Ахир, ахир...— дудуқланди, гап тополмади,— оиймининг хотирасини... Зиёрат...

— Жуда яхши. Раҳматлик опамнинг арвоҳини хушнуд қилганинг яхши. Кўрганлар бошқача гап қилишвотди-да.

— Нима? Айбми? Тўғри, Салтанатнинг қабрини ҳам зиёрат қилдим.

— Айбмас-ку, ҳар ҳолда... бир марта бўлади-да. Гул кўтариб кирармишсан. Қабрида гул пайдо бўлиб қолармиш. Қандолатбибининг қулоғига етибди, ишонмасдан бориб кўрибди. Яраси янги бўлиб ўтирганмиш.

— Хафа бўлибдиларми?

— Нега хафа бўлади. Энди унутдим деганида, у шўрликка ҳам қийин-да, болам. Тунови куни яна келувди...

— Нима дедилар?

— Ҳеч нима дегани йўқ. Шуларни айтиб, йиғлай-йиғлай хун бўлди. Узундан-узоқ дуо қилди сени. «Насиб қилмаган экан, чорам қанча», дейди шўрлик.

«Бундан чиқди, онаси ҳам кўникибди-да, шундай деган бўлса. Мен, мен кўниколмайман, ойижон!» деб юборишига сал қолди, ёқасини ушлади.

— Ойижон,— деди ўй суриб Ботир,— ана энди юрагимга қўл солдингиз. Кўрсатган қизларингизнинг биронтасини Салтанатга ўхшатолмасам нима қилай.

Қани, айтинг-чи? Салтанат мани деб, фақат мани деб ўзини ҳалок қилган.

— Санам у деб тоқ ўтмоқчимисан?

— Шундай қилсам тўғри бўларди.

— Ҳай, ҳай, ҳай, тавба дегин-а, яхши ният қилгин, болам. Қабристонга ҳадеб кираверма деганим ҳам шундан эди. Иқбол сатанг: «Энди у Салтанатнинг ишқида тоқ ўтади», деб гап тарқатибди.

— Гапирманг ўша сатангингизни, — жаҳли чиқиб жекириб берди, — кўрсам бўғизлаб ташлагим келади, ифлосни...

— У билан ади-бади айтишиб юрма тагин. Бас келадиган хотинмас.

— Шуни билингки, ойи, борди-ю, уйланадиган бўлсам ҳам ўша қизга бутун шартимни айтаман.

— Қанақа шарт?

— Салтанат билан бўлган алоқамни, уни бир умр унутмаслигимни.

— Вой шўрим... Эсингни йиғиб ол, болам. Келин бўлмай туриб сендан шунақа совуқ гапни эшитадими, шўрлик қиз.

— Олдиндан эшитгани, билгани яхши. Қабрини зиёрат қилишга келганда, у ерга ман ёлғиз Салтанатгамас, икки кишининг хотираси учун бораман. Шуни ҳам айтаман.

Меҳринисанинг юрагига ғулгула тушган эди. Уғлининг садоқати, вафоси билан ич-ичидан фахрланса, севганидан жудо бўлиб эзилаётганига раҳми келарди. Қай йўсинда тасалли бериб, йўлга солишни билмасди.

— Бола, тагин бир яхшилаб ўйлаб кўргин. Элбурутдан айтмасанг кейинчалик ўзи ҳам эшитиб қолади, кўникади. Дабдурустдан гапни шундан бошласанг чўчитиб юборасан.

Ботир «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Камарининг тўқасини артиб, йилтиллатаркан, хаёл олиб қочди.

— Ойи, — деди хиёлдан кейин, — шунақанги пайтларда нуқул Ксеня холам эсимга тушади. Ҳамма айтганлари келяпти-я.

— Нима дерди?

— Боришинг биланоқ онанг қўймайди. Уйлантириш ҳаракатига тушади, дердилар нуқул.

— Жудаям меҳрибон хотин эканда-а, ҳой, Ботир, тўйингга чақирсанг келармикин?

— Ҳазлариям ҳазиллашиб юрардилар, тўйингга айтасан деб. Қайдам.

— Айтамиз. Келсин. Аввали худо, қолаверса Ксения холанг сабабчи бўлибди соғ-омон қолишингга.

— Рост. У киши бўлмасалар... Бир манамас, етталовимиз ҳам соғайиб, одам бўлишимиз маҳол эди,— Ботир кулди,— нуқул қишим бўлганда сени ҳеч қасққа юбормасдим. Кетаман десанг ҳам оёқларингни боғлаб олиб қолардим, куёв қилардим, дердилар кулиб.

— Очиқ, кўнглида кири йўқ аёлга ўхшайди. Чақирамиз болам, телеграмм берамиз.

Эшик очилиб, Абрам кўринди.

— Ойи, сизни битта хотин чақирвотти,— деди-да, даҳлиздан туриб,— ҳозир чиқадилар,— деб жавоб қилди аёлга.

Меҳриниса айвондаги кавшандоҳда Сапа билан Лёшани гапга солиб турган аёлни орқасидан таниёлмади. Яқинига бориб, салом бериши билан қучоқлашиб кўришиб кетишди. Шаҳар социал таъминот бўлимининг ходими Губайдуллина шунча зўрласа ҳам ичкарига кирмади. «Шошиб турибман, шу ерда гаплашиб кета қолай», деб туриб олди.

— Тинчликми, айланай Зайтуна?

— Тинчлик, опа,— деди Зайтуна ва Меҳринисанинг қўлтиғидан қўлини ўтказиб, ҳовли юзига олиб тушди, овозини пасайтириб, гап бошлади,— кеча кечга томон одамлар кўнайиб кетди. Кетма-кет кириб келишаверди. Ўзингиз кўргансиз, бундай пайтда бош кўтариб, ён-веримдагиларга ҳам қарамай қоламан. Иш оқирлаб, хонада уч киши қолган эди, бирдан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Шунда ҳам билмайман. Ейронта болали аёл кўлгандир, деб ўйлаб, бошимни кўтариб қарамайман ҳам. Йиғиси зўрайди, турган одамлар бири олиб, бири қўйиб, лу-лулашарди. «Онаси қасқда, ҳой!» деган овоздан кейингина, ёнимга ўтирилдим. Қарасам, йўргакланган чақалоқни икки аёл, бир чол галма-гал қўлга олиб, уввало овутаман дейишади, қани, йиғиси босилса. Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Онаси қани?— деб сўраб қолди ҳассасига таяниб турган чол. Нима деб жавоб беришимни билмайман.

— Қаранглар, ташқарига чиққандир,— деди қўлида чақалоқни оутиб турган аёл.

Ким қарайди, ўзим югурдим. Бошқа хоналарга

кириб чиқдим. Сўрадим. Ҳеч ким билмайди. Қайтиб кирсам, чинқириғи хонани кўтариб юборай деяпти. Тағи ҳўлдир, ечиб, бошқатдан йўрғаклаб кўрайликчи деб, қўлимга олдим. Йўрғак боғини бўшатиб, шол рўмолини ечсам, ичидан хат чиқди. Олдиму, юрагим бир нарса сезгандай жиз этиб кетди. Одамлар олдида ўқимай, боланинг тагини янгиладим. Сал йнғиси бо-силган бўлди-ю, барибир қўлда кўтариб, овутиб тур-маса бўлмасди. Ҳалиғи турган одамлар буни сезиш-ди, галма-галдан олиб овутиб туришди. Мен уларнинг ишларини битириб бердим. Охирида қолган кампир сездн шекилли, болани менга бера туриб:

— Болам, энди буни нима қиласан?— деб сўраб қолди.

— Онаси топилади, хола. Қаёққа борарди,— дея тинчитиб чиқариб юборганимдан кейингина хатни ўқидим. Мана.

Меҳриниса Зайтунанинг қўлидан хатни олиб, ўқий бошлади. «Бедарак кетган эримдан хабар топдим. Ҳо-зир ярадор бўлиб, госпиталда ётибдимиз. Олдига кетаётибман. Боладан беҳабар. Олиб бөрөлмайман. Ноиложман. Чақалоқнинг исми Қорабой, отаси унинг туғилганини эшитди-ю, ўзини кўролмади. Фронтда ҳалок бўлди. Чақалоқлар уйигами ё Маҳкам акага ўхшаган меҳрибон кишиларнинг тарбиясига берасиз-ларми— ихтиёр ўзларингизда. Кўчада қолмас. Сиз-лардан бир умр миннатдор бўламан».

— Болани нима қилдингиз?

— Показчақалоқлар уйида. Кечадан бери ўйлай-ман.. Бир кўнглим ўзим ола қолайми дедим. Била-сиз, анийим оғир касал. Ўзим эпюлмайман, иккита кичкинам десада.

— Қийин сизгаям, ишлик одамсиз.

— Мудиримиз билан гаплашувдим, у киши Меҳри-ниса опангизнинг олдидан ўтинг дедилар.

Меҳриниса хаёл сурарди. Зайтуна буни хижолат чекаётибди деб тушунди.

— Опа, сизга-да осон тугул. Шунча болалар... Просто маслаҳат қилиб кўргин дедилар-да.

— Бунисини ўйлаётганим йўқ, синглим. Ахир Ма-риканиям эпладим-ку, биласиз. Бошқа нарсага тушу-нолмаётибман. Қанақа дийдаси қаттиқ, тошбағир онаки, ўз боласини кўчага ташлаб кетса?

— Кўчага тугул, кабинетимга.

— Шунинг отини кўчага ташлаш дейди, синглим. Нима мажбур қилдийкин уни? Тағинам шунақаларни ер кўтариб юради-да, ютиб юбормайди.

— Эрига билдиргиси келмаганини айтибди-ку.

— Шундай ҳам бўлсин. Боласини ўз қўли билан ё сизга, ё манга, ё бўлмаса ўша чақалоқлар уйига ўзи келтириб берса бўлмасмиди?

— Мияси гангиб қолган, опа.

— Ёзган хати гангиган миядан чиққанга ўхшамайди. Майли. Бола шўрликнинг гуноҳи нима. Ўзим оламан. Фақат эмизиш ташвиши қийнайди. Неча ойлик кўринади?

— Катта бўлиб қолган. Олти-етти ойлик келади.

— Майли. Галиямнинг ўрни билинмайди қўяди.

— Рост-а. Галяни соғинаётгандиреиз?

— Келиб туради. Шундай бўлсаям ўрни билинади. Кўз олдимда филт-филт қилиб тургандай. Зайтуна, уйга кирмадингиз-а.

— Йўқ опай, борай. Тўй қачон?

— Яқин синглим... Мен бўлмаса бир оздан кейин олдингизга чиқаман,— деди Меҳриниса Зайтунани эшиккача кузатиб.

Кийиниб, уйдан чиққан Ботир кавшандозда турарди.

— Ойи, чақалоқ бўлса, қийналиб қолмайсизми?

— Вой, эшитдингми? Қийналсам сан борсан-ку,— кулди Меҳриниса,— қўявер, уйлансанг хотинингга овунчоқ бўлади, болам. Шошма, лойини қара,— Меҳриниса Ботирнинг қўлтиқтаёқларини олиб, учига ёпишиб қолган лойларни ҳўл латта билан артиб берди.

— Протезимниям кўрсатишим керак.

— Ҳа, тагин қийнаёттими?

— Яхши тушмаётибди-да. Иложини қилсам бугун кираман.

— Майли. Ҳаяллама, болам.

Ботир қўлтиқтаёқларини дўқиллатиб кўчага чиқди.

Урушдан илгари Абдуҳафизни ҳар кўрганида салом бериб ўтарди-да, сал юриб орқасига ўгириларди. Бир шимининг почасини тиззасидан қайириб қўйган оёғига, қўлтиқтаёқларига тикилиб қоларди. Кап-катта одамнинг оёғини қандай қилиб кесиб ташлаш мумкинлигига ақли етмасди. «Пичоқ билан кесарми-

кин, ё арралаб ташлармикин?» дея ўзига ўзи савол берарди. Ҳар гал шуни ўйларди, ҳаммасидан ҳам унга қўлтиқтаёқнинг тошга, ғиштга урилиб дўқиллаган овози ёқмасди. Ҳар дўқиллаши унинг кўкрагига биров мушт тушираётгандай бўлиб эшитилар, чўчирмиди, қўрқармиди, ҳар қалай тезроқ шу овоздан қочишга уринарди. Оламдаги жамики овозлар ичида энг ёқимсизи, хунуги, одамнинг ғашига тегиб, таъбини хуфтон қиладиган шу — қўлтиқтаёқ овози деб биларди.

Бир сафар шундай бўлди. Салтанат билан кинодан чиқиб, уни уйига кузатиб қўяётганида, қоронғида узоқдан қўлтиқтаёқ овозини эшитиб қолди. Сесканиб кетди, Салтанат дарров сезд.

— Нима қилди?— деб юборди жонҳолатда.

— Тссс...— дея қўлидан маҳкам ушлади. Салтанат. Ботирнинг қўли титраётганини пайқади.

— Айтсангиз-чи,— ялинди овозини пасайтириб.

— Тссс. Абдуҳафиз ака келяптила.

— Билиб турибман. Нима, қўрқасизми?

— Жим!— дея Салтанатни эшиги очиқ турган қоронғи бостирмага тортди.

— Вой, эсингиз жойидами. Биров кўрса...

— Тссс...

Қўлтиқтаёқ овози тобора яқинлашиб, сокин кўчада тарақлаб эшитила бошлади. Ботирнинг юраги қафасидан чиқиб кутгудай тез-тез дукилларди. Агар Салтанат бўлмаганида икки қўли билан қулоқларини бекитиб оларди. Ҳозир номус кучлилиқ қилди. Бунинг устига бир қўли Салтанатнинг кафтларида эди.

Абдуҳафиз ўтиб кетганидан кейин кўчага чиқишди. Бир неча қадамгача Ботир индамай борди. Овоз узоқлашиб батамом тинганидан кейингина ёрилди:

— Шу овозни ўлгудек ёқтирмайман.

— Қўрқаман деб қўя қолинг,— деди киноя билан Салтанат.

— Ҳа.

— Қўрқоқ. Чумчуқ пирр этса...— хахолаб кулиб юборди Салтанат. Бироқ Ботир кулгига қўшилмаганидан ҳазили ноўрин бўлганини дарров пайқаб олди,— вой, ростдан айтаётибсизми шуни?

— Рост.

— Мени чалғитаётибсизми дебман.

— Йўқ. Жуда ёмон кўраман. Эшитсам, титраб кетаман.

— Тавба денг, Ботир ака. Ҳеч кимнинг бошига солмасин. Абдуҳафиз акамнинг ўзлари ҳам ёқтирма-салар керак. Аммо ҳеч сездирмайдилар-да. Ҳамма вақт кулиб крэдилар.

Эскилар нимадан кулсанг, кимни масхара қилсанг бошингга тушади, дейишади. Шу рост эканми-а? Ундай бўлса, Ботир Абдуҳафиз акамнинг қўлтиқтаёғига кулмаган, уни масхара қилмаган эди-ку. Аксинча, раҳми келарди, ич-ичидан унга ачинарди. Мама энди ўзи худди ўшандай қўлтиқтаёғни дўқиллатиб юрибди. Энди унинг овозига шунчалик ўрганиб қолдики, юмшоқ жойни босганда эшитилмай қолса, таёқларига қараб-қараб олади. Абдуҳафиз акадан фарқи шуки, шимининг почасини тиззасидан қайириб юрмайди, холос. Унг оёгининг тўпиғидан пасти қирқиб ташланган. Протез ботинкада, устидан шимини тушириб юборса билинмайди. «Салтанат кўрганида нима дерди! Уў... Вўлганида-ку... Қўлтиқтаёқларимни улоқтириб ташларди. Қўлтиғимга кириб, ўзи олиб юарди... Оҳ! Салтанат... Салтанат... Мани кечир, жоним...»

Шу хаёл билан катта кўчага чиққанини билмай қолди. Йўлақдан бораркан, Абдуҳафиз тўқнаш келди.

— Ўҳў, жигар, йўл бўлсин?— деди очиқ чехра билан Абдуҳафиз.

— Ассалому алайкум. Ишга ака.

— Менга қара. Сал хомушроқ кўринасанми?

— Йўқ,— ийманиб бошини эгди Ботир,

— Протезинг қийнамаётибдими?

— Сал сиқади. Шуни кўрсатмоқчиман.

— Янги-да. Ўрнашиб олгунча шунақа бўлади.

Майли. Кўрсатганинг яхши. Ишларинг қалай?

— Дуруст.

— Эҳтиёт бўл, ука, янгисан. Бу соҳада юлдузни бенарвон урадиган олғирлар кўп.

— Шунақаякан. Кеча биттасини ушлаб қолдим. Эски талонларни қўшиб ёпиштирибди.

— Бунақалари бўлади. Хўш, тўйни қачон?

— ...

— Судрама. Ойинг ҳам, даданг ҳам келин тушириб, орау-ҳавасларига етишсин. Ўзим бош бўламан бу ёғига... Хайр, омон бўл.

Абдуҳафиз тез-тез юриб кетди. Ботир бирпас орқасидан қараб қолди. Қўлтиқтаёқларининг овозига қулоқ солибмас, уларни чаққонлик билан сакратиб, чоптириб бораётганига қараб турарди. Шундоқ одамни қамаб қўйишган экан-а. Суриштиришмас экан-да, ўша терговчилар ҳам. Яхшики, дадам қаттиқ туриб олдилар. Узларининг жаҳллари чиқса одамни еб юборгудай бўларканлар-а: «Қизим, Абдуҳафизни ман болалигидан биламан. Ҳалоллигига ўзимга қандоқ ишонсам, унгаям шундоқ ишонаман. Агар ўша заборний ўғриларига қўшилган бўлса, уни кимдир этагидан тортган бўлади. Яхшилаб суриштиринг. Шу боланинг нияти бузилиб, қилдек йўлдан тойган, ҳаромга қўл урган бўлса, баншарамга тупуринг мани...» деганларида лейтенант ўридан туриб кетибди-я. Қойил қолдим дадамга. Ҳеч ким аралашиб эпломмаган экан. Дадам қаттиқ туриб олдилару, Абдуҳафиз ака бўшаб чиқди. Уша терговчи ҳатто ундан узр сўрабди. «Кечирим сўраган бўлса майли,— дейдилар дадам — бўлмаса манам умримда қилмаган ишни қилардим, каттасига арз қилардим...» Тавба. Бир одам янглишса, иккинчи одам бекорга жабрни тортаверадими десам, Абдуҳафиз акам куладилар-да: «Кўрдинг-ку, гапирсам ишонмайди, юзлаштиринглар, айбимни бўйнимга қўйишсин, десам қилинмайди. Шунақасиям бўлади, жигар», дейдилар. Шунақа терговчилар бўлса, кўп одам бекорга қамалиб кетади-ку? Салтанатни қидириш ишини ҳам шу терговчи олиб борган экан. Тагин... Йўғ-е, эсингни едингми, Ботир, битта хатосини сезиб қолиб, буткул ярамасга чиқарасанми, одамни?...»

Яна Салтанат эсига тушди. Трамвай тўхтайдиган жойга бориб қолган Ботир беихтиёр орқасига қайтди, қабристон томон юра бошлади.

Салтанатнинг қабри онаси ётган жойидан сал нарироқда, бақатерак тагида эди. Худди биров тайинлаб қўйгандек ёнма-ён қўйишганини қаранг. Раҳматлик онаси ёруғ дунёда етолмаган ниятига нариги дунёда етибди. Орзу қилган келинини тўрга чиқариб, ўзи пойгакда томоша қилиб ётибди.

Ботир гўристон сокинлигини, онаси билан Салтанатнинг уйқусини бузмай, дегандек, қўлтиқтаёқларини оҳиста кўтариб қўйиб, ёлғиз оёқ йўлдан кириб борди. Онасининг қабри устида тўхтади. Бир ҳафта

бурун атайин шаҳар чеккасидаги гулхонага бориб олиб келиб қўйган гуллари сўлиб ётибди.

— Ассалому алайкум, ойижон... Мен Ботирман...— гулга тикилди. Назарида гулнинг ҳусни ҳам, бўйи ҳам ерга сингиб, онасининг юзларига ўтган, димоғига урилгандай.

— ...Энди, келинингиз олдига борай, ана, неварангизни тиззасига олиб ўтирибди,— у оҳиста бориб, Салтанатнинг қабри устида тўхтади. Боягидай гуллар... Биттаси қабр устидан пастга тушиб кетибди, энгашиб гулни олди, дастага қўшиб қўйди.

— Мен келдим, азизим... Ишга кетаётгандим...

Пастликдан елкасида кетмони билан гўрков кўринди... Ботир бошини эгганча, орқасига бурилди. Чиқиб бораркан, қадамини санар, ҳар қадамида «хайр, хайр, хайр» деб такрорларди...

Хадрага келиб, трамвайдан тушганида соат ўн иккига яқинлашганди. «Бугунам протез устахонасига боролмайдиган бўлдим», дея кўнглидан ўтказди. Иш вақти бўлиб қолган, сал кечикса талонларини топширгани келадиган дўкон мудирлари кутиб қолишини ўйлаб, тўғри идорасига йўл олди. Сартарошхона ёнига ўтаркан, сабзавот дўконининг орқасида тўпланиб турган одамларга кўзи тушди.

— Арава, дуч келган аравани тўхтатиш керак!

— Бир чеккага олайлик, қани, отахон...

Ботир яқинроқ бориб, аъзойи бадани титраб кетди. Кўз таниш, шу Хадрадан ҳар гал ўтганида кўриб турадиган одами — ориқдан келган, кичкина юзли ҳаммол елкасида талқонли қопи, арқони билан ўлиб ётибди. Тепасида турганлардан бир чол белбоғини ечувди, ичидан икки бўлак кунжара ерга тушди. Чол рўмол билан мурданинг энгаҳини боғлади. Кейин оҳиста елкасидаги қопи, арқонини олди. Шу пайт кимдир устида бир қоп юки бор эшак аравани бошлаб келди. Мурдани аравага ортишди. Бир киши ҳаммолнинг қопини юзига ёпмоқчи бўлувди, сартарошхонадан югуриб чиққан уста уни койиб берди. Шартта эгнидаги халатини ечиб, мурданинг устига ёпди.

Икки киши — ҳаммолнинг танишларими ё шунчаки ўткинчиларми, арава кетидан кетишди. Ботир арава хийла жойга боргунча жойидан қўзғалолмай

қолди. Аллақандай даҳшат юки бамисоли елкасидан босиб турарди. Шу оғир юкни кўтариб, майдоннинг нариги бетига ўтди, йўлкага чиқиб, икки қаватли бино деворидаги плакатга — бир қўлида чақалоқ, бир қўлини бигиз қилиб турган аёлга кўзи тушди. Бир вақтлар шамол кўчирганида дадаси ёпиштириб қўйган плакат. Ҳалиям турибди. Бу аёл, ҳозиргина кўрган даҳшатли фожиа — иккови қўшилиб, қон кечиб юрган дамларини эслатди: Асабларга тиг тортиб, чинқириб бомбалар туша бошлади, кетма-кет портлади. Тупроқ уюми тагида қолган Ботир қоқилиб, ўрнидан турди-ю, ўнг оёғини босолмай чалқанча йиқилди. Нималигига тушунолмай ён-верига аланглади. Икки қадам нарида пешанаси мажақланиб қопқора қонга беланиб ётган солдатни кўрди. Бурнидан тирқираб қон келарди-ю, оғзида ҳали чекиб тамомламаган махоркаси буруқсаб ётарди...

Плакат тагида тўхтаб қолган Ботир туш кўриб, уйғонгандек сесканиб тушди. Олдида Қазбек папиросини кетма-кет тортиб, бир киши турарди.

— Ботир ака, ассалому алайкум, қани, марҳамат,— деди йўлканинг четида турган извошни кўрсатиб.

Ботирнинг оғзига тутун кириб, йўталди. Олдида кулиб турган, башанг кийинган киши — дўкон мудирларидан бири эди. Қайси дўконданлигини билса ҳам, отини билмасди.

— Юринг, бирга олиб кетай.

— Қаёққа?

— Талон бюросига-да.

Умрида извошда юрмаган Ботир қандай чиқиб қолганини билолмай қолди. Йўлда дўкон мудирини алланималарни гапирди. Қулоғига кирмади.

— Хомушроқсиз, Ботир ака!

Отаси тенги кишининг «ака» дейиши ғашига тегарди. Индамади. Боя йўлда келаётганида Абдуҳафиз айтган гап эсига тушди: «Эҳтиёт бўл, ука... Юлдузни бенарвон урадиганлар кўп...»

— Ногиронсиз. Йўл узоқ. Тортинманг. Извош ўзимники. Ишга келиб-кетишингизда хизматингизда бўлсин.

— Раҳмат, амаки. Ҳожати йўқ.

Ботир идорага етмай, анча берида тушиб қолди.

Эрталаб кун ёйилиб кетди ҳамки, Ботир билан Коля ўринларидан туришмади. Аввалига: «Бугун дам олиш кун, ёта турсин» дея, кўнглидан ўтказган Меҳриниса чой дамлаб туриб, юрагига гулгула тушди. «Тағин ис-пис тег-иб... вой шўрим» нари-бери чойнакни самовар устига қўйиб, бориб эшикни очди. Ичкарига кириб, ағрайиб қолди. Ака-ука шундай ширин ухлаб ётишардики, уйғотиш тугул халақит бергиси келмади. Ташқаридан қулоғига чалинаётган болаларнинг овози ҳам гашига тега бошлади. Ботир келган куниданоқ Коля билан иноқ бўлиб қолгани, бири биридан бир қарич нари кетмаслиги, ораларидаги шивир-шивирлар, жандон отиб кулишлар борган сари авжига чиқиб, кечалари алламаҳалгача ўтиришларини билар, ич-ичидан қувонарди-ю, бироқ ўринда бунақа ётишларини сира кўрмаганди. Гўдакларга ўхшашади-я, ўрин нарёқда қолиб, танчанинг бир томонига тикилиб олишибди. «Нима азоб,— куларди ўзича Меҳриниса,— икки букчайиб ётгунча биттанг бу ёрига ўтиб ол!..» Иккови битта ёстиқда. Колянинг боши пастга тушиб кетибди. Бир қўлини акасининг бўйнидан ўтказиб олган, шифтга қараб хуррак тортиб ётибди. Ботир унга ўгирилиб, ёнбошлаб олган, дамдан чиқадиган овозга ўхшатиб, Колянинг юзи, қулоғига пуфлаб ётибди. Тикилиб туриб, ич-ичидан келаётган кулгисини босолмасди Меҳриниса. «Тавба. Туғишганлар ҳам бунчалик бўлмас. Ҳасан-Ҳусаннинг ўзгинаси-я... Шукур... Минг қатла шукур. Худо кўрсатмасин, бир-бирига тумшайиб юрса нима бўларди? Буниси «ака» деса оғзидан бол томади, униси битта майизниям ярмини бермаса, ўзидан ўтмайди...»

Ташқаридан Қорабойнинг йиғиси, Лесянинг «ойи»-лаб бақиргани эшитилди. Эшикни очиб, кириб келишларидан хавотирланиб чиқиб кетди.

— Акамлар туришдими, ойи?— сўради даҳлизда турган Абрам.

— Акаларинг ишлаб чарчаган. Майли, ухлашсин.

— Азонгача ухлашмади,— деди Сарсонбой.

— Шахмат ўйнашди. Ботир акам икки марта ютқаздилар,— деди Ренат.

— Елғон. Коля акам ғирром ўйнадилар, билдингми?

Болалар бири олиб, бири қўйиб, шахмат ўйинининг баҳсини қилишарди. Меҳриниса уларни бошлаб, уйга олиб кирди. Хонтахта ёнига ўтираркан, ҳамон хаёли ўшаларда эди. Эрининг йўқлиги ҳам эсига келмасди.

— Дадам келмаяптилар-ку,— деди эшик томонга қараб Саша.

Тонг қоронғисида турибоқ, дўконхонасига кириб кетган Маҳкам ака ишни қизганиб, ҳадеганда ўрнидан тура қолмади. Остап бориб чақирганидан кейингина ишини йиғди.

Оила аъзоларининг ҳаммаси жамулжам бўлиб дастурхон атрофига ўтиришлари камдан-кам бўларди. Маҳкам ака билан Коля сменалаб ишлаганидан кўпинча дастурхон устида болалар билан бирга бўлишолмасди. Ботирнинг иши ҳам бетайин. Кундузи эран-қаран кетади-да, кўпинча кечаси келади.

Маҳкам ака эшикдан кирибоқ икки катта ўғлининг ўрни ҳувиллаб турганини пайқади.

— Уйғотмадим, уйқуга тўйиб олишсин, кейин ичишар,— деди Меҳриниса.

Дадасининг ёнида ўтириш гали Сашаники эди, Маҳкам ака хаёли Ботир билан Коляга кетиб, индамовди, Саша бошини эгиб туриб йиғлаб юборди.

— Йе, ийе, ҳой, ёсимдан чиқибди-да, ўғлим, қани, қани... Ўзинг келиб ўтиравермайсанми,— овутмоқчи бўлиб, ёнигамас, тиззасига ўтқазган эди, болалар кулиб юборишди. «Чақалоқ, Қоровой чақалоқ», дея мазах қила бошлашди. Унга сари Саша талтайиб, дадасининг пинжига кирарди. Ҳали тили чиқмаган, «адда»дан бошқасини айтолмайдиган Қорабой бўлса ўз исмини эшитиб қийқирарди, ерда эмаклаб, ҳар бирининг ёнига келиб тортқилар, кейин ундан қочиб, бошқасининг ёнига борарди.

Меҳриниса кўзи қиймай болани олишга олди-ю, қийналиб қоларман деб хавотирда эди. Ундай бўлмади. Кўкракдан вақтлироқ ажратилганми ёки тез ўрганиб кетдимми, ҳар қалай сутга кўника қолди, ортиқча қийнамади. Бўлаликкина, пишиқ, эмаклашлари залворли, катта-катта кўзлари тийрак, ортиқча йиғиси ҳам, беҳуда хархаша ҳам йўқ. Вақтида овқатланса дуч келган жойда думалаб, пишиллаб ухлаб қолаверади. Бир дақиқа тиним билмайди. Болалар бўлса бас, қийқириқ билан лананглаб эмаклагани эмакла-

ган. Тиним билмасликлари бор бўлсин, қўлдами, тиз-
вадами, кўрпадами, ёстиқми демай дуч келган жойни
кўлоблатгани кўлоблатган. Қилгуликни қилиб қўйиб,
кетидан «бопладимми», дегандай қийқириб қўяди,
Бунинг азобини кўпроқ Ляна тортади. Баъзида пўписа
қилиб думбасига шапатиласа, баттар хўрозга ўхшаб
қичқиради, хурсанд бўлиб, опасига ёпишади. Оилада
Марика оёққа туриб, юриб кетди-ю, ўрнини Қорабой
босди. Ҳадемай у ҳам рағатга кириб қолади. Шу роз-роз
туришлари бўладиган бўлса, тез юриб кетади.

— Полвон чиқади бу!— дейди ҳар қўлига олганида
Маҳкам ака,— ҳой, онаси, бу Қорабой полвоннинг
кўчатлари эсдан чиқиб кетди-я. Колянг ўзим ўтқазаман
деганига ишониб маниям хаёлимга келмайди.

— Ўтган ҳафта тушувди бозорга, тополмаяпти.
Бугун тушмоқчи.

— Дада, Қорабойга нима экамиз?— сўради Витя.

— Полвонгами?..

— Олча,— деди Дзидра.

— Сашаники олча-ку.

— Олма,— деди Лёша.

— Уям бор.

Маҳкам ака қўйиб берди. Болалар чуғурлашиб,
кимга қанақа кўчат ўтқазилган бўлса ҳаммасини санаб
чиқишди. Бундай пайтда Маҳкам ака дарё бўлиб кетарди.
Болалар қанча шовқин солиб, чуғур-чуғур қилишса,
шунча ёзиларди. Бироқ Меҳринисанинг юраги сиқилиб
кетарди. Эрининг кўнглига қараб, бир нарса деёлмасди.
Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ўрнидан туриб, самоварни йиға бошлади.
Болалар ўртасида Маҳкам ака ўзи қолди.

— Дада,— деди бир нарса эсига тушгандай
Лёся,— Галянинг олмаси катта бўлиб қолди. Ўша
Қорабойга бўла қолсин.

— Йўқ, қизим. Галяники ўзига буюрсин, Қорабойга
ўзига атаб экамиз.

— Барибир, Галя кетиб қолди-ку.

— Келиб турибди-ку. Олмаси пишса-чи, тез-тез
келадиган бўлади.

Болалар уйни бошларига кўтаришарди. Ляна она-
сига қарашиб юрибди. Сарсонбой, Витя, Остап, Ренат-
ларгина кулиб, жойларида ўтиришибди. Марика да-
дасининг тиззасига чиқиб олган, Лёся бўйнидан қу-

чоқлаб, «ўзимнинг дадам», дея соқолини ўйнаш билан овора. Саша-Лёша иккови орқадан келиб, баробар қучоқлашди. Маҳкам ака мукка тушди. Абрам белига миниб олиб, «туябоп» қилинг деб қистарди. Ҳарсиллаган Маҳкам ака ерда думалаб, завқ билан куларди. Уйга кириб-чиқиб юрган Меҳринисанинг юраги тарс ёрилиб кетай деди.

— Ҳой, қўясанларми, йўқми-а. Бунақа қилаверсаларинг, даданг тагин кетиб қоладилар,— бақириб берди.

— Шунақами, дада?

— Қаёққа кетадилар? Бизларни ташлаб ҳеч қаёққа бормайдилар дегин,— деди қорнига тик турғизиб олган Қоравойни қиқирлатаркан.

Тўпалонни яна авж олдирган Қорабой бўлди. Иззатига ўтириб қўйди. Дадасининг қорнида ғоз-ғоз турганича чоптириб юборди. Болалар қийқиришиб, дўмбалоқ ошиб кулишарди. Меҳриниса келиб чақалоқни қўлига олди-ю, уям ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Оббо полвон-ей, майли, майли, отнинг шўрваси бу. Ҳечқиси йўқ,— дея Маҳкам ака ўрнидан тураркан, болалар: «Отнинг шўрваси», «Отнинг шўрваси», деб бақиршарди. Маҳкам ака устидагини еча бошлади. Шу топда Витя билан Сарсонбой бир-бирларига сирли қараб олишди. Остан ҳам тушунди буни. Кейин Сарсонбой дадасига ялинди.

— Дада, бугун кинога тушайлик.

— Жо-он дада.

— Яхши кино.

— Бора қолайлик.

— Анча бўлди кўрмаганимизга.

— Ўзиз оборинг, жо-он дада.

— Қанақа кино экан?

— Чапаев!— қичқириб юборишди бирдан.

— Кўрмаганмидиларинг?

— Тагин кўрайлик, жо-он дада.

Маҳкам ака, ҳали ечиб улгурмаган костюмининг чўнтагини ковлаб, пул чиқарди. Санаб кўрди. Кейин болаларни санади.

— Ҳаммаларингга етмас экан-ку.

Жимиб қолган болалар кимга тегаркин, деб омадларини санаб кўзларини жавдиратиб туришарди.

— Сарсонбой, Остап, Ляна — сенлар келаси гал тушинглар, хўпми? Қолганларинг мана бугун... Мана, бор нулим шу экан.

Пулди қўлга олган Витяни ҳаммаси ўраб, чуғурлашиб кетишди. Сарсонбой ҳафсаласи нир бўлиб, тумшайиб қолди.

— Кейин дедилар-ку, — уни юлатмоқчи бўлди Остап, — хафа бўлма.

Меҳриниса кириб, нима бўлганини дарров пайқайди. Қўлидаги ҳўл латта билан кийинмини артаркан, тўнғиллади:

— Шу одатингиз қолмади-да. Шу топда кино зарурмиди. Кўнглига қарасангиз нималарни дейишмайди?

— Кел, ҳўй, яйрашсин. Бўйинини эгиб юрмасин.

Маҳкам ака даҳлизга чиқиб: «Қани, ҳў, турмай-санларми, санларга чиқарган экану уйқуни», деб эшикни бир-икки тақиллатди-да, ҳовлига тушди, тўғри устахонага кириб кетди. Дадасининг овози Ботирни уйғотиб юборди. Кўзларини ниққалади-ю, тургиси келмасди. Коля боя уйғонган. Танчанинг нариги томонига ўтиб, акасининг хатларини титкилаб, ўқиб ўтирарди. Бу ўша, Ботир ёзган, бироқ юборолмаган хатлар. Яримдан кўни Салтанатга ёзилган. Ҳар бир сатр ўзига ёд бўлиб қолган Ботир ҳовир Коля қайси хатнинг қайси жумласини ўқидганини сезиб турибди. Бир кўзлари чақнаб, юзларига кулгу қўнади, бир қовоқларини уйиб, лабларини маҳкам бирлаштиради, тишлариниғижирлатганга ўхшайди. Ботир укасининг юзидаги бу ўзгаришларга узоқ тикилиб қолди. Тикилгандаям пирпираб турган узун-узун кичрик толалари, бурни учидаги сенкил деваларини битталаб санаб чиққудай, кўз қарашлари, қошларини чимириши, қалин бесўнақай, аммо юзига ярашиб турган лабларини расмга туширмоқчидай тикиларди. Тикилган сари меҳри ортарди, азод туриб, қучоқлаб олгиси, қувоқ сочларини чангаллаб бошини силкитиб эркалагиси келарди. Хатга берилиб кетган Коля буни пайқамасди.

— Ака, қалампирни яқши кўрармидилар Салтанат опам?

— Бу бошқа қалампир. Сен уни кўрмагансан. Шовма, — Ботир бошини кўтариб, гимнастёркасининг

чўнтагидан комсомол билетини олди. Ичидан Салтанатнинг сурати сирғалиб тушди. Кейин кичкина, ўроғлиқ қоғоз орасидан чойнинг чўпига ўхшаган нарсани олди.

— Мана, ҳидлаб кўр,— деди Колянинг қўлига тутқазиб.

— Вой, яхши ҳиди бор экан-а. Қаёқдан олгансиз?

— Бўйнидан узиб олувдим. Учтайди. Иккитасини еб қўйибман.

— Еса бўладими?

— Билмайман. Ҳар ҳидлаганимда озгинадан тишлайвериб, еб қўйибман,— деди кулиб Ботир.

— Ҳалигача олиб юрганингизни қаранг-а.

— Обке, йўқотиб қўясан,— Ботир қалампирни авайлаб, қоғозга ўраб, билети орасига қўйди.

— Ака муҳаббат шунақа бўладими?

— А?!— ўйланиб қолди Ботир. Расмга тикилди,— қанақалигини билмайману, аммо ўзим Салтанат бўлмасам... Билмадим қаёқларда қолиб кетардим?..

— Ийе, қайтиб келмасмидингиз?

— Келардим,— деди кулиб Ботир,— сен тушунмадинг, ўша қийналганларимда, азоб чекканларимда, якка қолганларимда ҳамиша ёнимда тургандай бўларди, шерга ўхшаб кучайиб кетардим, хафа бўлсам дарров кулдириб юборарди, ярам оғриси босилиб қоларди, қоронғи зимистон ҳам ёришиб кетганга ўхшарди... Ксения холам бало эдилар. Ҳаммасини сезардилар-а...

— Ҳозир-чи, ака?

— Ҳозирам шунақа. Эсласам... биласанми?..

— Нима бўлади, ака?

— Э-э... қўй... Бошингга тушганда биласан.

— Ака, битта нарс айтсам майлими?

— Айт.

— Анави, анув-чи... Лянаям худди Салтанат опамга ўхшайди-а?

— Ақлли қиз. Умри ўхшамасин-да,— Ботир шундай деди-ю, бир нарсани пайқаб қолгандай Коляга тикилди. Кўзлари чарақлаб, кулиб турарди.— Ляна дедингми?

— Ҳа.

Ботир ҳеч нима демади. Узини билмасликка олди. Расмига тикилди.

Эшикдан Меҳриниса кирди.

— Бўлди энди, иззатларинг битди. Турларинг. Чойларингни ичиб олларинг. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Бозордан келган Қоля ҳовлига кириб, қўлидаги кўчатни қўйиб улгурмаган ҳам эдики, кетма-кет Қодирхўжа кириб келди.

— Ассалому алайкум, амаки.

— Ваалайкум ассалом, омонмисиз ўғлим, ийе, қишда баҳорни бошлаб юбормоқчисиз дейман-а. Нима кўчат экан?

— Кўксултон.

— Ухў, жуда яхши дарахт-да. Меваларнинг султони дейишади бунни.

— Укамга. Қорабойга ҳали кўчат ўтқазмовдик.

— Баракалла. Дадангизнинг удумини қилибсиз-да. Касабамнинг шу одатларини яхши кўраман. Ҳар боланинг ўз дарахти — ўз меваси...

Ошхонадан Меҳриниса чиқди. Салом берди.

— Қалай, Эътиборхон эсон-омонми, болалар билан чарчамай юрибдими, Мўътабархондан хат борми?

— Бор. Бор. Бизам бобо бўлиб қолдик, янга. Невара кўрдик.

— Вой, шунақами? Моро бўлсин. Қачон?

— Уч кун бўлди хабар келганига.

— Ўғилми, қизми?

— Ўғил, янга.

Дўконхонасидан Маҳкам ака чиқиб келди.

— Ийе, ийе, касаба, бормисиз? Қанақа ўғилни гапирвотсизлар?..

— Невара кўрибдилар. Мўътабархоннинг кўзи ёрибди.

— Ие, ийе, бу хушхабарни қаранг. Келдим, ё...

— Куйбишегда.

— Шунақами? Бунни қаранг, билганимда кўриб келарканман-а. Қалай, ўзи омонмишми?

— Шукур. Туғуруқхонада.

— Бола бечора ёлғиз эмасми ишқилиб?

— Куёвим етиб келибди. Ёнидамиш,— деди Қодирхўжа,— хўш касаба, тўй ҳаракатига тушибсиз деб эшитдим, муборак бўлсин.

— Ҳали муборак дегудек иш бўлгани йўқ. Унашганимизча йўқ.

— Нечук?

— Жиянингиз кўнмайроқ турибди-да.

— Ёқтирмаётгандир-да. Бир-бирини кўриш-
дими?

— Кўрган шекилли-а?— хотинига қаради Маҳкам ака.

— Кўрдим дейди-ю, жавоб бермайди.

— Уялаётгандир, одобли бола-да, узоқни ўйлайди.
Хўп демай қаёққа борарди.

— Қайдам.

Қодирхўжа Коляни чақирди:

— Уғлим, бери келинг-чи.

Коля югуриб унинг ёнига келди. Қодирхўжа қулоғига алланарса деб шивирлади, бола чопиб кўчага чиқиб кетди.

— Қани, бу ёққа,— айвон томон бошлади Маҳкам ака. Қодирхўжа кўнмади.

— Сизниям ишдан қўймай. Ўзимникиям бошимдан ошиб ётибди. Келмаган, синамаган жойиммас. Яхши-си дўконхонага кирайлик.

— Ийе, иш бўлаверади, уйга кирайлик.

— Уста, анчадан бери дўконхонани қўмсаб юрибман. Бирпас ўтириб, хумордан чиқай. Юринг.

Маҳкам ака холироқ гаплашадиган гапи борга ўхшайди, деб хаёлидан ўтказди-да, дўконхонага бошлади. Эшикдан қопда бир нарсани кўтариб Коля кирди. Маҳкам ака ҳам, Меҳриниса ҳам ҳайрон бўлиб, Қодирхўжага тикилиб қолишди.

— Қўлимиздан келгани шу бўлди, янга, бу ёғига қарздормиз.

— Вой, ҳали ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ... Нима қилардиз овора бўлиб, шунча нарсани...

— Олдин тўёнаси келдими, тўй ҳам бўлади. Олаверсанг-чи, хотин. Мана, Қодирхўжаям неvara кўрибди...

— Ҳазилиз бор бўлсин. Одамни номусга ўлдиразиз-а.

— Олдин очиб кўр, арзийдими, йўқми. Тағин темир-терсак бўлмасин.

— Бўлса-ку жон дейсиз-а, касаба. Ҳозир энг қиммати шу-ку.

Ҳаммалари хахолаб кулишди. Касабалар дўконхонага кириб кетишди. Меҳриниса шошиб, патнис

жааб, дастурхон билан Коляга тутқазди, ўзи самоварга олов ташлаб юборди.

Қодирхўжа остона босиб, ичкари кириши билан ўрганиб қолган таниш ва қадрдон ҳид гуп этиб димоғига урилди. Хонага ўрнашиб қолган тутун, қиздирилган темирнинг нордони, пачалнинг ўнг томонида уюлиб қолган ашқол-дашқол, кўрадаги кўмир, мўркон девсрларида қалин бўлиб ёпишиб ётган ис, қурум ва ниҳоят, челақдаги занг босган сувнинг ҳиди — буларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, ўткир бўй тарагарди. Қодирхўжа бурнаки отгандек кетма-кет ҳидлади, бурчакда турган, учқун ва темир тушавериб, куйгинди бўлиб қолган курсини олиб ўтирди.

— Уста, энди бўлар,— деб гап бошлади,— Ҳазрати Довуднинг ўзлари ҳам мингдан-минг розилар сиздан. Дўконни йиринг, заводга олиб кетай.

— Тагин шу гапми. Ман бирон маслаҳатли иш чиқиб қолибди деб ўйлабман. Айтдим-ку, таним соғ бўлса болаларни ҳам ўргатаман ҳали. Мана биттаси, бинойидек эплаб кетди — у чой кўтариб кирган Коляни кўрсатди.

— Дада, қазийверайми? Ўзингиз чиқасиз-а?

— Ҳа, бу чеккасидан, олчанинг ёнидан қазигин.

— Бу ўғлингиз аломат чиқди,— деди Колянинг орқасидан қараб қолган Қодирхўжа папиросини тутатиб.

— Омон бўлишсин. Заводга бориш мана буларга ярашади. Бизнинг суягимиз шу билан қотган, юмшатиш қийин бўлади.

— Кўзим қиймайди денг?

— Ҳа, балли. Энди ўзингизга келдингиз, Эшон. Ҳамкасабаларни ташлаб кетолмайман.

— Майли, майли, уста. Зорлик бору, зўрлик йўқ... Хўш энди, асосий гапга ўтайлик. Сиз Москвага борадиган бўлиб қолдингиз.

— А?! Москвага?

— Ҳа.

— Нечук? Тинчликми?

— Ҳа, ўлманг. Тўғри айтдингиз. Худди шу тинчлик деб борасиз. Юртга тинчлик, элга тинчлик, оламга тинчлик бўлсин деб борасиз.

— Тушунолмадим, Эшон.

— Фашизмга қарши курашчиларнинг катта йиғи-

ни бўлади. Шунга сизни вакил қилиб тайинлашди.

— Бир мани-я?

— Бошқалар ҳам бор. Менам борсам керак. Шаҳар партия комитети сизга тайинлаб қўйишни менга топширди.

— Қачон?

— Ҳали куни аниқмас.

— Бу ёқда тўй ҳаракати. Унашиб, фотиҳа қилиб олганимизда ҳам бир оз кўнгил тинчирмиди.

— Фотиҳа қилиш қийинми. Аёллар бориб оқ ўраб келишади-да. Сиз қилармидингиз?

— Ҳар ҳолда... Бирон ҳафта қолиб кетилса керак Москвада?

— Бу ёғига бир нарса деёлмайман, уста. Республикадан беш-олти киши борармиш, холос.

— Шундай денг. Бу, ҳалиги, шу ерда, стадионда ҳам шундай йиғин бўлувди шекилли?

— Ҳа. Республика аёлларининг фашизмга қарши митинги бўлувди. Янгам гапирган эдиқар-ку.

— Ҳа, ҳа, эсимда.

— Энди навбат сизга.

— Ҳай, ҳай, ҳай,— сесканиб тушди Маҳкам ака,— ҳар қанақа юмушга ҳозирману, шунисига йўқман.

— Янгам эплаган, сиз эплаёлмайсизми?

— Йўқ, йўқ, барака топкур, шунисидан холи қўйинг. Лаб-даҳан бор дейсизми. Узингиз эплайверасиз бу ёғини...

— Бир гап бўлар. Қани, нима маслаҳатга келдик?

— Бошим қотиб қолди, Эшон.

— Ҳозирлик кўраверинг-чи, ҳали куни аниқмас-ку. Менга руҳсат, борай. Бирон гап бўлса хабарлашармиз.

Қодирхўжа ўрнидан турди. Ҳовлига чиққанида ўзи томон келаётган Вотирни кўрди. Сўрашиб, тўйдан гап очган эди. Вотир қип-қизариб кетди.

— Эшон, қани юринг,— деди Маҳкам ака супага тираб қўйилган кўчатни кўтариб,— табаррук қўлингиз тегиб қолсин.

Ҳаммалари майдонга чиқишди. Қодирхўжа кўчат ўтқазиб, бир-икки кетмон тупроқ тортди. Сув қуйди.

— Эсларингда бўлсин,— деди Маҳкам ака ўтиларига ўгирилиб,— нишонаси амакингники бўлади.

Уруш бошланиб, тўйлар ҳам барҳам еб қолди, жигар. Ҳар замонда шаҳарнинг бирон еридан сурнай навоси эшитилгудай бўлса, одамлар ҳавас билан, шундай кунларга етишишни орзу қилиб, қулоқ солишади. Бамисоли унут бўлиб кетган сурнай қайта тирилгану, қайтадан куй таратаётгандай. Қайси бир қизиқчи ҳам овқатларнинг йигинини ўтказган экан. Йигинда бошчилик қилган аталадан тортиб, пойгакда пусиб ўтирган ёвғон хўрдагача паловни ўртага олиб, дўппослашибди. Недирки сен, юрт бошига кулфат тушганида элдан узоқлашдинг, юзингни ўгирдинг, камдан-кам дийдорингни кўрсатасан, оғир кунларнинг машаққатига бардошинг чидамаётибди, шундай қилаверсанг, шаънингга доғ туширасан, биз ҳам сени тўрға чиқармай қўямиз, деб айблашган экан. Шунга ўхшаб, мабодо жамики тантана-маросимларнинг йигини ўтказиладиган бўлса, тўй ҳам яхшигина дакки ерди, чамамда.

Дастлабки йили жудаям камайиб кетувди. Бўлганлари ҳам ортиқча даранг-дурунгсиз ўтарди. Ўтган кузакка бориб сен келган кезларда, у ер-бу ердан сурнай овози эшитилиб турди. Бу йил эрта баҳордан анча кўпайди. Эл-юртнинг руҳия-ҳолатини, кайфиятини белгилаб бераркан тўйлар. Фашист газандарнинг кучи қирқила бошлаган, босиб олинган шаҳар, қишлоқлар озод этилиб, эркин нафас олаётган сайин, тўйлар ҳам кўпайиб боряпти. Сен тушмадинг, ўтган ой анови орқа кўчадаги трамвайчи ҳам келин туширди.

— Нима қилсаям тўй яхши-да, ука. Ўзиданам шовшуви, даҳмазаю, ғалваси яхши. Тўй ўтгандан кейинчи? Келин чарлар, куёв чарлари тагин яхши. Қавму қариндошлар, ёру биродарлар, маҳалла-кўй, узоқ-яқинларнинг «моро бўлсини», келин-куёвнинг монандлиги, олтин узукка ёқутдан кўз қўйилгани, куёв тўранинг барнолиги-ю, келинпошшанинг сужсурлиги ҳақидаги мақтовлари, ҳаваслари, орзулари-чи? Булар унданам яхши. Онанг ҳам шу ҳаракатга тушди-ю, тинимини йўқотди. Шундаям хурсанд. Энди, жигар, кўп қийнама. Кетган қайтмайди. Пешанангда шу бор экан, начора. Кўнглингни ярим қилмай, бу ёғини

ўйлайвер. Онанг шўрлик ҳам орзусига етсин. Кўп чўзма. Чўзилган сари гап-сўз кўпаяверади, — деди Ботирга Абдуҳафиз. Шунча гапдан кейин ҳам Ботирдан садо чиқмади, бошини эгиб, ер чизганича ўтираверди.

Ким билсин, тўйлар камайиб қолганиданми ёхуд Меҳриниса шу ёшга келиб энди тўй кўрадиган бўлганиданми, ҳар қалай Ботирни уйлантириш ҳаракатига тушиб, совчиликка юра бошлаганиёқ ҳамма ёққа тарқалиб кетганди.

Мана, тўрт ойга яқинлашиб қоляпти. Бормаган жойи, кўрмаган қизи қолмади. Лекин Ботир биронтасини ёқтирмади. «Кўрдингми, учрашдингми ўзинг», деб сўраса, «Ҳа, бўлмайди», деб қўя қолади. Нега бўлмайди, нимаси ёқмайди, бунисини айтмайди. Меҳриниса хуноб бўлади. Нима бўлармиш, мундоқ уйланиш ҳаваси бор йигитларга ўхшаб, очилиб-сочилиб гапира қолса. Мум тишлагани тишлаган. Ё уялармикин? Ундай деса дадасига гапирмасмиди. У кишига ҳам бир нима демайди. Абдуҳафизга ҳам ёрилмабди. «Ўзи оғир-да. Меҳриниса, енгил-елпи болаларданмас, — дея тасалли берарди Иқбол сатанг, — қараб туринг, юлдузи юлдузига тўғри келиб қолса, «хўп» дейди-ю, «қани бўлинг»га тушиб, шошириб қўяди. Унгача тараф қилаверади».

Ўғлининг диққат қилгани етмагандек маҳалладаги аёллар орасида тарқалган гап-сўз, шов-шувларни айтмайсизми? Эшитиб, баттар жиғибийрон бўларди. Қулоқ солиб турса, эрта-индин тўй бўладигандай. Шуниси қор қилади унга. «Тавба, мунча соям юпқа бўлмаса-а. Эл оғзига тушдим, қолдим. Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да» деб қўярди. «Кўп болали оила» номи билан қўни-қўшни, маҳалла тугул бутун шаҳарга танилиб кетгани, босган қадамидан тортиб, хонадонда чурқ этган овозгача дарров оғизга тушиши хаёлига ҳам келмасди. Совчиликка бораётгани, тўй тараддудида юргани, ахир бу кичкина гапми. Хайрли иш-ку, нега эл оғзига тушмасин. Эшитганлар хурсанд бўлиб, ҳавас қилиб гапиришарди. Тўртта аёл топишиб қолдими, бас, шу тўғрида суҳбат борарди:

— Осмон никоҳи ерга тушмагунча бўлармиди, айланай.

— Ўша докторнинг қизи бўлса, эрни ҳам, қайнани ҳам жонини киритади.

— Ҳа, онаси раҳматлик кўрмай кетди-да.

— Уруш тугаса, Меҳриниса деганларнинг боши тўйдан чиқмай қолади.

— Ҳа-я. Рост айтасиз. Бирин-кетин етилиб туришибди.

— Анави каттаси бор-ку. Коля, бирам ақлли, одобли бўлганки. Уша десангиз, анави трамвайчининг тўйида самовар қўйган экан, қудалар қийиқча чиқаришибди, белига боғлаб, овозини дўриллатиб оғзи қулоғида юрибди. Никоҳ кечаси десангиз деразага чиқиб олибди. «Ҳа» десам, «Тортишмачоқни кўраман», дейди. «Ҳадемай сенам уйланасан, шунақа қиласан», дерманми, оғзининг таноби қочиб: «Қачон», деса бўладими? Ҳа, юрагинг гурмушламай қолсин дедим. Оғзининг суви келади-я.

— Вой опа, шунисиғача разм солдингизми-а. Балосиз, балосиз опа.

— Ҳа, ўзлари қайтадан келин бўлгилари келган.

— Манави қизи ҳам аннамабало бўлади-да.

— Қайси, Лянасими?

— Ҳа. Уғлим бўлса ўзим келин қилардим. Қошқўз десангиз инчинун, қомат десангиз сарвининг ўзи, етилса борми... Йигитларни шайдо қилади қўяди.

— Бир чеккадан уйлантириб, эрга чиқарса, бутун элу юрт бамисоли шу ҳовлида жам бўлади-а?

— Ота-оналари, авлодларининг чирогини ўчиришмайди, денг... Ана, ўзлари келяптилар.

Нон дўкони олдида навбатда турган аёллар Меҳринисани кўриб, суҳбатни тўхтатишди. У билан кўришишаркан, ҳар бири қайта-қайта: «Моро бўлсин, ниятингизга етинг, опа», дейишарди. Кейин аёллар Меҳринисани навбат куттиришга қўйишмади, олдинга ўтказиб юборишди. Бундай пайтларда Меҳриниса ичидан қувонарди-ю, одамлардан сал хижолат чекарди.

— Каттам тунги сменадан қайтувди, бевовта қилгим келмади. Ўзим чиқиб келавурувдим.

— Нимасига хижолат бўласиз, опа, бегонамизми, бирпас олдин, бирпас кейин оламиз-да,— деди бир жувон кўнглини кўтариб.

— Барака топинглар, хайр, айланайлар.

Нонни олиб, қайтаркан, хаёли докторникида эди. Кеча кечқурун Маҳкам аканинг Москвага эсон-омон

етиб боргани ҳақида телеграмма келиб, кўнгли тинчиди. Шундан кейин бугун докторникига яна боришни мўлжаллаб қўювди. Эшикдан кириб келди-ю, хушхабарнинг устидан чиқди. Уйга ҳам кирмай, айвонда турган жувонга — Адолатнинг овсинига кўзи тушди. Қучоқлашиб кўришишди. Адолатнинг эри келибди. Овсини хабар бергани даладан тушибди. Шунча зўрласа ҳам меҳмон ичкарига кирмади, борадиган жойлари кўплигини айтиб, чиқиб кетди.

— Эсим қурсин, ҳой Ботир,— деди соқолини олаётган ўғлининг олдига кириб Меҳриниса,— тузуккина сўрамабман-а. Поччанг бутунлай бўшаб келибдими, тани-жони соғмишми. Сўрамадингми?

— Ярадор бўлиб келибдилар. Отпускага келганларми, ё бутунлайми, бу ёғини сўролмадим.

— Ҳа, омон бўлсин. Мана энди, бирров бориб келмасам бўлмайди. Амманг шўрлик тиқ этса учиб келади-я. Сан нима қиласан?

— Бораман ойи, бугун бўшман-ку.

— Рост-а.

— Ҳозироқ бирга жўнайверамиз бўлмаса,— Меҳриниса шошиб қолганди.— Буни қара-я, шу бугун докторникига бориб, аниқ бир жавоб олиб келсам, кейин қизи билан учрашармидинг девдим. Эртага қоладиган бўлди-да, буям.

Ботир пиқ этиб кулиб юборди.

— Нега кулади бу-а.

— Хўп дедим-ку, ойи. Боринг дедим-ку, қани, нима дейди?

— Бир борганда «хўп» дермиди, болам. Энди жавобини беради-де. Ўзи мойил: «Майли, болалар бир-бирларини кўришсин, гаплашсин», девотди, онаси... Менга қара Ботир, ман бўлмасам Коля билан кичкиналарни олиб, аммангникига борай. Сан пешиндан кейин, укаларинг мактабдан келгандан кейин борсанг нима қилади. Сани қўйиб ўзим қайтаман-да, у ёққа ҳам бориб кела қоламан. Бугун чоршанба. Шу бугундан қолдирмай.

— Майли,— деди Ботир.

Меҳриниса нонуштадан кейин болаларни олиб, Қорабойни Коляга кўтартириб, далага — Адолатникига кетди.

Ҳовлида бир ўзи қолган Ботир, айвон устунига суя-

ниб, дадаси билан бирга ўзи кириб келган кунни кўз олдига келтирди. Бирпасда ҳовлига одамлар тўлиб кетганди. Кечга томон аммаси Адолат кириб келди. Бағрига олиб, йиғлаб кўришди, кейин ёнига ўтириб, ҳол-аҳвол сўраркан, ҳар икки гапнинг бирида: «Поччанг ҳам сендек кириб келармикан-а», дерди. Мана ҳозир, ўша этаги токзор ҳовли одамга тўлиб кетгандир... Кейин хаёли доктор Омоновнинг қизига кетди. Онаси қистайвергани, Абдуҳафизнинг қўймаганидан кейин икки марта поликлиникига борди. Мунирани кўрди. Олдига бориб танишмади, кўришмади-ю, зимдан кузатди. Қиз уни пайқадими йўқми, билмайди. Хирургга учрашиб, ишини битириб чиқиб кетди. Назарида қизнинг сира ҳам камситадиган жойи йўқ. Ҳусн ҳам, қомат ҳам... Фақат Салтанат эмасди у. Сира ўхшатолмади. Ҳозир шуларни ўйлаб ўтириб, юраги сиқилиб кетди. Онаси борса-ю жавоб олиб келса, кейин нима бўлади? Гангиб қолганди Ботир. Ўрнидан туриб, уйга кирди. Нимага кирганини билмасди. Яна айвонга чиқди, токчада ётган кечаги газетани олиб варақлади. Кейин телеграммани олди, унга узоқ тикилиб турди. Қайта-қайта ўқиб чиқди. Число, соат, минутлари билан қизиқди. «Ўхў, ўтган куни борган эканлар-да. Телеграммаям шунча секин келадими? Почтадагилар қарашмас эканда?» Лоп этиб Салтанатнинг почта-телеграфда ишлайдиган дугонаси Валя эсига тушди. Қайси бир сафар ҳам телеграммаларнинг кечикиши ҳақида гап кетганда: «Ботир ака, ҳамма иш бизнинг қўлимизда, агар қизларни сал ранжитсангиз, телеграммангизни бутунлай бермай қўйишимиз мумкин», дея хандон отиб кулганди. Қўнғироққа ўхшарди овози. Очиқ қиз эди. Салтанатдан бир нафас ажралмасди. Уруш бошланган куннинг эртасигаёқ жўнаб кетувди. «Қаёқдайкин? Етиб борганмикин? Омонмикин? Эҳ, уруш, уруш, не-не одамларни сарсон-саргардон, бир-биридан жудо қилиб юбординг-а?...» Яна телеграммага тикилди. Рақамлари, сўзларини қайтадан синчковлаб ўқиб чиқди. «Қаердан берган эканлар? Вокзалданми ё меҳмонхонаданми? Қаерга жойлашишган экан? Худди Москвани, унинг меҳмонхоналарини билладигандай гапирасиз-а, Ботирвой. Олдин дадангизга ўхшаб мана шунақанги обрў орттиринг, иннайкейин... ўзлари ёзганмикинлар, ё Қодирхўжа амаким ёзиб

берганмикин?.. Ҳа, топдим. Ваня амаким ёзиб бергандирлар...»

Шу хаёллар билан ўтираркан, ҳовлиқиб почталён кириб келди.

— Вуй, ҳой, қаёққа кетишди булар?— ҳайрон бўлиб сўради почталён,— ғалати кўринаркан, кўчиб кетганга ўхшайди ҳовли.

— Далага кетишди,— деди Ботир ва қўлидаги телеграммани кўрсатиб, энди гапирмоқчи бўлувди, почталён гапиртиргани қўймади.

— Шошиб турибман. Мана буни олинг, қўл қўйинг. Унисини почтадан суриштиринг, хайр — деди-да, чиқиб кетди.

Ботир шошиб, янги телеграммани ўқиди. «Сизни соат 4.00 га Москва телефонига чақиради. Гаплашиш пунктига келишингизни сўраймиз».

Нима бўлиши мумкин? Тинчликми?

Ана энди эскисини қўйиб, янги телеграммага тикилиб қолди. Буниси шу бугун эрталаб берилибди. Шахсан Ботирга деб ёзилган. Яхшики, Меҳриниса уйдас, бўлганида билиб қоларди. Балки онасига айтиб бўлмайдиган гапдир? Қанақа сир бўлиши мумкин? Ботирни ваҳима босди. Ҳаяжонланди. Мудҳиш бир хабарни эшитадигандай қўрқиб кетди. Соатига қаради. Ҳали вақт бор. Улгуради. Унгача болалар ҳам мактабдан келиб қолишди. Бироқ нима бўлиши мумкин. Ким чақираётпти. Дадасими ё... кимлигини ёзишмабди ҳам... Ботир телеграммадан кўз узмай узоқ ўтирди. Минг хил хаёллар гирдобидида осмонга чиқди, ерга тушди, чирпирак бўлди, юраги сиқилдиям, ёриндиям, ҳеч нарсанинг тагига етолмади. Томоғи қақраб, ўрнидан турди, токчадаги жўмраги чегаланган чойнакни олиб симирди. Ёш болага ўхшаб, кўксига чой тўкиб юборди. Кулгиси қистади. «Ўзингни бос, мунча шалпаясан,— дея ўзига ўзи дакки бериб, хонтахта устига ўтирди.— Яхшиси, буни ҳеч кимга сездирмай. Қани гаплашай-чи, нима гап ўзи... Э-э... бу ёқда радио ҳам тузатилмаган. Коля ҳам ўлгудек дангаса-да. Ўтган куни тайинловдим, кечаям айтдим. Мана энди, Москвадан олиб эшиттирса... Чойхонага чиқаманми?..

Кўча томондан Сарсонбойнинг овози эшитилди. Сал ўтмай Ляна Остап билан бирга ўзи кириб келди.

— Вақтли келдиларингми? — ҳайрон бўлди Ботир қўлидаги телеграммани чўнтагига солиб.

— Бизада охири соат бўлмади, ака, — деди Ляна.

Болалар айвонга чиқиб улгурмаган ҳам эдиларки, эшикдан бир жувон мўралади. Кавшондозда энгашиб ботинкасининг ишени ечаётган Ляна кўриб қолди. Ҳовлига тушиб, аёлнинг ёнига борди.

— Ассалому алайкум, келинг, хола.

Жувон алик олишни ҳам унутиб, худди дармонсиз одамдай зўрга оёқларини кўтариб, остона ҳатлади. Ҳатлади-ю, тўхтаб қолди. Кўзларини катта очиб, ола-зарак бўлиб ҳовлига қаради, олдида турган Лянани кўрмасди, унга гап ҳам гапирмасди. Ляна ҳам нима дейишини билмай ағрайиб қолганди.

— Вой, мен, қаёққа кириб қолдим? — аёл дудуқланганга ўхшаб шундай деди-ю, Лянанинг юзига қарамади.

— Ким керак эди, хола?

— А? Бу кимники ўзи?

— Бизники. Маҳкам аканики.

— Вой, ҳалиги кўп болали-а?

— Ҳа.

— Ойинглар йўқми? Ўзларинг ўтирибсанларми?

— Ҳаммалари далага кетишган. Биза ҳозир мактабдан келдик. Ким керак эди, хола?

Сарсонбой билан Остан ҳам аёлнинг ёнига келишди.

— Мен янглишиб кириб қопман. Ҳа-ҳа, буни қаранглар... — ғалати куларди жувон, — ҳалиги ҳаммаларинг катта-катта экансизлар-а?

— Чақалоқ ҳам бор, — деди Сарсонбой.

— Полвонимиз дегин, — кулди Остан.

— Полвонмас. Хўроз, қу-қу-қув... Қоровой хўроз, қу-қу-қув...

Жувоннинг кўзлари олайиб, титрай бошлади. Қўрқиб кетган Ляна Сарсонбойга бақириб берди:

— Чилқирмасанг-чи... Нима қилди, хола?

— А? Йўқ. Сал тобим йўқроқ эди, хайр, борай, — деди-да, орқасига ўгирилди. Кетидан чиққан Ляна анграйиб қолди. Аёл девор ёнидан мастга ўхшаб гандираклаб борарди, орқасига қарамасди. Катта кўчага бурилганидан кейингина Ляна ичкарига кирди.

Ўзини зўрга тутиб шу ергача келган Муяссар йўл-

ка ёнидаги дарахтни қучоқлаб олди-ю, узоқ туролмади, сирғалиб тушиб тагига ўтириб қолди...

Ўзи билан ўзи сервар бўлган Ботир келган жувоннинг кимлиги билан қизиқмади ҳам. Жадал кийиниб, укаларига тайинлади:

— Тўполон қилмай ўтиринглар. Мен бир жойга бориб келаман,— деди-да, қўлтиқтаёғини тўқиллатиб чиқиб кетди.

Қатта залнинг бир четидаги креслода хомуш ўтирган Ботир хоналарга кириб-чиқиб турган, телефонда гаплашаётган одамларнинг ҳаяжонлари, ҳовлиқиб, асабийлашиб навбатчига бақириншлари, трубкани қўйиб, кулиб чиқиб кетаётганлар, эшитилмай қолганида хонани бузиб юборгудай қаттиқ овоз билан чақирган овозлар, залдаги олаговур, навбатчининг шаҳарлар номини кетма-кет такрорлаб, эълон қилиши — буларнинг ҳаммасини кўриб, эшитиб турган бўлса ҳамки, биронтаси қизиқтирмас, қулоғига кирмас, таъсир қилмасди. Ўз ўйи, ўз ҳаяжони ўзига етиб ортарди. Вақтнинг бунчалик секин ўтишини шу ерда фаҳмлади. Имиллайди-я, имиллайди. Буниси майли-ку, юракни сиққани ёмон. Одам боласи тагинам ёрилиб кетмас экан-да, шунақанги пайтларда. Икки соат бўлаёзди келганига. Назарида икки йил қимирламай ўтирганга ўхшайди. Хайрият, навбати келди. Хонага тақлиф этишди. Қўлтиқтаёғини қўлига олди-ю, юраги дукуллай бошлади, трубкани қулоғига тутгунча, томоғига бир нарса келиб тиқилиб, бўғилиб қолди.

— Алло! Алло! Тошкент! Тошкент!

— Эшитаман! Москва, беринг...

— Марҳамат, гаплашинг...

Бир дақиқадан кейин, дадасининг овозини эшитди.

— Ассалому алайкум, дадажон, эсон-омон етиб келдингизми?

— Ботир! Ваалайкум ассалом. Омонмисан ўғлим, тинчмисизлар!

— Шукур. Тинчликми, дада?— Ботир энди сал ўзини босиб олганди.

— Тинчлик, ўғлим, тинчлик. Бир чеккаси яхшилик, хушxabар.

— Нима, дада?.. Алло! Алло! Эшитаман. Нима, дада айтинг.

— Қулоқ сол. Ұлган одам тирилганини эшитган-мисан?

— Нима девотсиз, дада?

— Қулоқ сол. Салтанатинг тирик экан.

— А?! Ҳазиллашманг-э, дада. Гапингизни гапинг.

— Ҳазилмас, тирик экан. Ұғил кўрган экансан, болам...

— Дада, дада... дада. Нима дедиз?— ҳадеганда жавоб бўлмай, бўғилди Ботир.

— Ҳа. Ұғлинг Баҳодир ҳам ҳаёт...— яна жимиб қолди. Маҳкам ака ўпкаси тўлиб, гапиролмасди.

— Дада, дада, нима?— бақирарди Ботир.

— Ұғлингни, шундоқлигингда ўзингни кўтарганимдай кечгача олиб юрдим.

— Дада, рост гапни гапиряпсизми?

— Бунақа ишда ҳазиллашиб бўлмайди, ўғлим. Бу ёғини яхшилаб эшит. Салтанат тарки дунё қилиб, тўғри ўртоғи Валянинг қишлоғига жўнаган экан. Борибди-ю, қамалда қолиб кетибди. Фарзанд кўрибди. Қишлоқ озод бўлгандан кейин ўртоғига хат ёздириб, ўзининг ўлдига чиқарилганини эшитибди.

— Қаерда, қандай учратиб қолдингиз?

— Вокзалда, одамлар орасида пилдираб юрган бола кўзимга оловдек кўринди. Тикилиб турсам, турган-битгани ўзинг. Ёқамни ушладим. Бориб қўлимга олдим. Гапга солдим. Баҳодирман деди. Шу пайт Валя югуриб келиб, болага ёпишди. Қўлига олди-ю, мани таниб қолдим, бақириб юборди. Бир вақт қарасам Салтанат пайдо бўлиб қолди. У мани кўрибоқ йиғлаб юборди, қучоқлаб олди. Қодирхўжа, Ваня амакинг ёнимда эди. Бири унисини, бири бунисини оутарди. Баҳодир қўрқиб кетди, ман уни бағримга босиб зўрға овутиб олдим. Қисқаси, ўғлим, кечгача улар билан бирга бўлиб, кузатиб қўйдик. Эртага эрталаб етиб боришади. Чиқиб кутиб ол. Эшитвотсанми...

— Ҳа, ҳа, дада,— зўрға овози чиқди Ботирнинг.

— Ҳозироқ Абдуҳафизга учраш. Ориф отангни топ, биргалашиб, онасига қандай қилиб айтишни маслаҳатлашиб олинглар. Онанг биланам фикрлаш. Нима бўлсаямки, онасига эҳтиёт бўлиш лозим. Юраги яримта, қил устида турибди. Уқдингми?

— Тушундим дада.

— Хайр, ўғлим! Ҳаммага салом айт...

Маҳкам ака трубкани жойига қўйди-ю, назарида бир неча кундан бери елкасида кўтариб юрган тоғдек юкни ташлагандай бўлди. Юк бўлгандаям уни бир ўзимас, ҳамроҳлари ҳам кўтариб юришарди. Уша кундан буён, Салтанат, Валя, Баҳодирларни поездга ўтқазиб юборишганидан буён кўтариб юришарди. Овқат устида ҳам, кўчада ҳам, йиғин бўлаётган залда ҳам шу ҳақда гаплашишар, фикрлашишарди, қай йўсинда хабар қилишни ўйлашарди. Ҳар гал маслаҳат бир жойга келиши ўрнига, ҳайрат билан, ақл бовар қилмайдиган ҳайрат билан тугарди. Уччовлариям туриб-туриб: «Тушмасми ўзи-а? Янглишаётганимиз йўқми?» дейишарди бир-бирларига. Мана, ҳозир ҳам, бамаслаҳат телефон қилиб, хабарни Тошкентга етказишди-ю, яна уччовлари хаёл суриб қолишди.

— Қани, вақт бўлиб қолди,— Қодирхўжа шундай деб ўрнидан турмаса, Иван Тимофеевич ҳам, Маҳкам ака ҳам ҳали-бери турадиган ҳолатда эмасди.

Улар кийиниб, кўчага чиқишди.

Союзлар уйининг Колонна зали кундузги танаффусдан кейин яна одамлар билан тўла бошлаганди. Қодирхўжа билан Иван Тимофеевич залга кириб кетишди. Маҳкам ака зинадан кўтарилиб президиумга чиқадиган хонага кириб борди.

Мана шу икки кун ичида — йиғин давомида Маҳкам ака президиумда ўтирганларнинг кўплари билан танишиб олган, исмларини яхши эслаб қолмаган бўлса ҳам ўзлари билан қуюқ саломлашар, ҳол-аҳвол сўрашар ва бу суҳбатларнинг ҳар бири зиммасига тоғ-тоғ масъулият юклаётганга ўхшарди. Бамисоли у катта давлат арбоби-ю, эл-юрт ташвишини, тинчлигини ўйлаётган шу арбоблар қаторида у ҳам ўзини жавобгар ҳис қиларди.

Президиумга чиқиш олдидан, ёнига бир ёш йигит келди. Бу йигитни у таниб қолган, келган кунларидан буён бир неча марта учратгану исмини билолмасди.

— Отахон,— деди йигит, мулојимлик билан,— сўзга чиқишингизни таклиф қилишаётипти.

— Таклиф. Ким таклиф қилди?

Йигит блокноти орасидан буклоқлик қоғоз парчаларини олиб, учтасини ўқиб берди.

— Кимлардан тушди булар.

— Залдагилардан.

Уз хаёли билан банд бўлган Маҳкам ака эс-хуштини йўқотаёзди, ҳаяжонланди.

— Ахир мен, умримда бирон йигинда гапирмаганман.

— Энди гапирасиз-да. Бунисини дунё эшитади, отахон.

— Барака топкур, эплотмайман. Бошлигимиз бор, ўша гапирсин.

— Мана бу таклифларни ерда қолдирсак, қандоқ бўларкин ота?

Қўнғироқ чалиниб, ҳамма президиумга чиқа бошлади. Маҳкам ака йигитга аниқ бир гап айтмай, жойига бориб ўтирди. Мажлис раиси навбатдаги вотиқнинг номини эълон қиларкан, Маҳкам аканинг юраги орзиқиб тушди. Минбарга ошноқ соқолли, кўзойнакли олим чиқди. Гапиришидан олдин қоғозга қараб олди. Нутқи давомида ҳам қараб-қараб қўярди. Унга разм солиб турган Маҳкам акани баттар ваҳм босди. «Ёзув-чизувим бўлмаса... Гапирадиган гапимни билмасам... ё ўша йигитнинг ўзи ўргатиб турармикин-а...»

Худди кўнглидагини билиб тургандек, йигит унинг ёнига келиб ўтирди.

— Келишдик-а, ота?

— Болам, нимани гапираман?

— Етим қолган шунча болани бағрингизга олганингизни айтиб берсангиз кифоя, ота.

— Йўғ-э, кўн олдида мақтанаманми?

— Мақтанманг. Борини гапиринг. Ниятларингизни айтиб беринг.

— Кимга керак бу гаплар, болам?

— Энг муҳими шу, отахон.

— Ёзув-чизувим ҳам бўлмаса.

— Керакмас. Ёнингизда ўзим бўламан.

— Айтиб турасизми?

— Таржима қилиб тураман. Келишдик-а, отахон,— йигит кўндиргандек бўлиб, ўрнидан турди, орқа томонга ўтиб кетди.

Маҳкам ака гангиб қолганди. Нима учундир шу топда полвон Қорабойдан тортиб Ботиргача, Лянадан тортиб Абрамгача, ҳамма болалари бир-бир кўз олдидан ўта бошлади. Ҳеч нари кетмасди. Ҳаммаси уни ўраб, ўртага олиб, «туябоп», қилинг дейишарди...

Минбардаги нотиқ гуррос қарсақлар остида нутқи-ни тамомлади. Раислик қилувчи ўрнидан турди:

— Навбатдаги сўз уруш етимларидан ўн беш болани ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Маҳкам Аҳмедовга.

Маҳкам акани титроқ босди. Алзойи баданидан тер қуйила бошлади. Ўз номини эшитди, ўрнидан туриб, минбарга бориши лозимлигини биларди-ю, жойидан қўзғалолмасди. Президиумдагилар унга ўгирилиб олганди. Зал қарсақ чаларди. Қарсақ зўрая бориб, одамлар гурр ўринларидан туриб кетишди. Шошиб қолган йиғит Маҳкам акани тирсагидан ушлади.

— Сизга сўз берилди,— деди ташвишланиб.

Маҳкам ака беҳол ўрнидан турди, яна тер қуйиб келди. Пачалда, кўра ёнида қуядигандай тер қуярди. Белбоғини ечиб, юзларини артиб олди. Минбар ёнига келди. Яна тер босди. Хийлагача ўзига келолмади. Қарсақ тинган. Залга, ҳамон тик турган одамларнинг назар-эътиборига ҳурмату таъзим билан бош эгди, худди яқин дўстига гапираётгандай сўз бошлади.

— Умрим темирчи-тақачилик билан ўтди. Касбимдан икки дунё розиман. Шу даврда неча минг тақа ясаган бўлсам, тил ёзиқ, шунча отни тақалагандирман. Илло, тақалаган отларимнинг биронтаси қоқилиб, йиқилганини эшитмадим. Қоқилгандиру, имоним комилки, йиқилмаган.— Сув қуйгандек жимиб қолган зал тик туриб тингларди уни. Таржимага ҳожат қолмаганди.— Ёшим бир ерга бориб қолганида юртим бошига кулфат тушди. Оғир кулфат. Лаънати фашистлар чиқарган уруш катталаргамас, беғуноҳ норасидаларга ҳам чангалини солди. Қараб туролмадик. Баҳоли қудрат шулардан бир нечасини бағримизга олдик. Эндиликда қурбим етиб, ана шу тойчоқларга ўзим тақа бўла олсам, шулар тоймай, қоқилмай, йиқилмай юриб кетса, гурс-гурс босган қадамларининг овози қулоқларимга кириб турса, дунёдан беармон ўтардим. Ниятим шу!

Гуррос кўтарилиб, узоқ давом этган қарсақ зални қанчалик ларзага келтирса, Маҳкам акани шунчалик тер босарди.

На узбекском языке

РАХМАТ ФАЙЗИ

Собрание сочинений в 3-х томах

ТОМ I

ЕГО ВЕЛИЧЕСТВО ЧЕЛОВЕК

Р о м а н

Редактор *М. Аҳмедов*
Рассом *В. Куликов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *М. Холматова*

ИБ № 480

Босмаконага берилди 11/X-77 й. Босишга рухсат этилди 10/I-78 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 16,25. Шартли босма л. 27,3. Нашр. л. 27,73+ +0,2 вкл. Тиражи 60000. Р—09309. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 156—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия кўчасида № 1 қўроғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1978 йил. Заказ № 1069. Баҳоси 2 с.